2009 йил - “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” муносабати билан қабул қилинган дастур қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишларига янгича муносабатда бўлиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхоналар ташкил этилишини жадаллаштириш, қишлоқда бандликни, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражаси юксалишини кўзда тутган.

2009 йилда Фарғона вилояти қишлоқ жойларида 50 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, январь-март ойларида 13 мингга яқин ишчи ўринлари яратилган[14].

ҲУДУДЛАР БЎЙИЧА САНОАТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ

1 жадвал

Ҳудудлар номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015
(ўтган йилга нисбатан фоизда)						
Ўзбекистон Республикаси	108,5	106,5	107,5	109,5	108,3	107,9
Андижон вилояти	110,0	108,6	109,1	115,4	106,3	74,8
Наманган вилояти	121,2	114,8	110,9	111,1	113,1	114,4
Фарғона вилояти	97,0	103,8	103,2	108,3	110,3	106,5

РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЖАМИ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИДА ҲУДУДЛАР УЛУШИ

2 жадвал

Ҳудудлар номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015
(жамига нисбатан фоизда)						
Ўзбекистон Республикаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Андижон вилояти	12,3	12,0	12,0	13,1	12,5	10,0
Наманган вилояти	2,6	2,9	2,8	2,7	2,8	2,9
Фарғона вилояти	8,6	8,7	8,0	7,5	7,9	7,3

Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики республика бўйича жами саноат маҳсулотларни ишлаб чиқаришда водий вилоятлари ҳам салмоқли ўрин эгаллаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мустақиллик арафасида водий вилоятлари қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги мавжуд муаммолар орасида янги иш ўринларни яратиш ва бунинг учун ишлаб чиқариш, саноат корхоналари, завод ва фабрикалар фаолиятини йўлга қўйиш масаласи ҳам ўрин олган. Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида қишоқ жойларида ҳам маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилди. Турли завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилди. Янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий холати йилдан йилга яхшиланиб борди.

Албатта бу даврда мазкур йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиқиб бу соҳада ҳали кўплаб ислоҳотларни амалга оширишни бугун ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда.

Адабиётлар

1. Раҳматуллаев Ш.М. Мустақиллик шароитида Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (1991-1996 йиллар): Тарих фан. ном. ... дис. –Тошкент, 2000, -Б. 96.
2. Исмаилова З.У. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида қишлоқ турмуш тарзи янгиланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий омиллари. Фал. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1999, -Б. 94.
3. Хайдаров З.У. Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи: қиёсий таҳлил. Тарих. фан. ном. ... дис. –Наманган, 2017. –Б. 121.
4. ЎзРПАА АВБ, 4141-жамғарма, 1-рўйхат, 109-йиғма жилд, 24-варақ.
5. ЎзРПАА АВБ, 4141-жамғарма, 1-рўйхат, 177-йиғма жилд, 42-варақ.
6. Зокиров С.С. Аҳоли зич жойлашган ҳудудларда шаҳар манзилгоҳларининг ривожланиши (Андижон вилояти мисолида): Иқт. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 1996. –Б.73.
7. ЎзРПАА АВБ, 4141-жамғарма, 8-рўйхат, 31-йиғма жилд, 17-варақ.
8. ЎзРПАА АВБ, 4141-жамғарма, 11-рўйхат, 34-йиғма жилд, 29-варақ.
9. ЎзРПАА АВБ, 4141-жамғарма, 15-рўйхат, 178-йиғма жилд, 11-варақ.
10. ЎзРПАА АВБ, 4141-жамғарма, 11-рўйхат, 36-йиғма жилд, 21-варақ..
11. ЎзРПАА ФВБ, 2048-жамғарма, 21-рўйхат, 23-йиғма жилд, 39-варақ.
12. ФВДА, 1220-жамғарма, 2-рўйхат, 161-йиғма жилд, 36-варақ.
13. Исмаилова З.У. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида қишлоқ турмуш тарзи янгиланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий омиллари: Фал. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 1996. –Б. 91.
14. ЎзРПАА ФВБ, 2048- жамғарма, 21-рўйхат, 23-йиғма жилд, 43-варақ.

SOCIO-ECONOMIC FACTORS OF THE CULTURAL AND ECONOMIC CENTERS OF THE ARCHAIC PERIOD IN KHOREZM

Askarov O.I., - Past master of the Faculty of History, the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Abstract: This article is covers about Socio-economic factors of the cultural and economic centers of the archaic period in Khorezm oasis. Also in the article, archaeological studies conducted in the Khorezm Oasis and their results show the structural structures of ancient castles and fortresses, the features of the process associated with their period under study.

Keywords: Khorezm, Lower Amudarya, monuments of the archaic period, Sarykamysh, Amudarya and Syrdarya, P. Baratov, M. Mamatkulov, A. Rafikov, Kipchakdarya, Akchadarya, Erkindarya, Kokhnadarya, Taldykdarya, Kazakdarya.

Introduction: In 1937, the Khorezm Expedition carried out exploration work in the Lower Amudarya, Sarygomish and Uzboy districts and recorded more than 400 historical monuments[1]. Among the ancient fortresses registered by members of the expedition, monuments of the archaic period (VI - V centuries BC) were recorded.

According to the employee of the Khorezm Expedition, M.G. Vorobeva, the population of the right bank of the Amudarya River has 250 settlements and more than 60 archaic settlements[2]. As a result of the geological research conducted by the employee of the Khorezm expedition A. Kes, it became known that during the fourth geological epoch the borders of Uzboy, Sarykamish, Lower Amudarya and Aral Sea were formed[3]. Uzbek geographers pointed to the formation of Uzboy, Sarykamysh and Lower Amudarya due to the dynamics of Amudarya and Syrdarya, in a textbook on the natural geography of Central Asia[4].

According to P. Baratov, M. Mamatkulov, A. Rafikov, 25-10 million years ago (the Neogene period) there were very wide plains in the Aral Sea and Kyzyl Kum. Dystrophy of the Aral Sea was discovered at the end of the high Neogene and was not in its current state. In the fourth geological period, the Amu Darya turned to the north through the Karakum Plain. Having filled with water from five tributaries of the Zarafshan River, the Amu Darya poured its part through the Uzboy to the southwest of the Caspian Sea[5]. On the northeast side of the right bank of the Amu Darya, are the Sultan Uvais Mountains, 471 m high[6].

Research Methodology: On the northwestern side, the height of the mountains Yumurtag and Kubotag does not exceed 300 meters. The Amu Darya basin originates in Nukus, and the total area of the delta is 144,500 km2. The ancient reservoir of the Lower Amudarya is a man-made alluvial deposits (clay, clay, sand, sand), its thickness is 20 meters, and in some areas - 100 meters. The Amu Darya River narrows close to Pitnak forms Tuyamuyun. The width of the valley is 450-480 m, and then expands to 10 km. Between the mountains, Sultan Uvays, Kuyanchik, Koratov, Dzhumirtov and the low slopes of the Amu Darya flow narrowing. After the city of Nukus, the Amudarya River is divided into the following branches: Kipchakdarya, Akchadarya, Erkindarya, Kokhnadarya, Taldykdarya, Kazakdarya. Cold, spring-winter autumn begins as a result of the arrival of cold weather from the Arctic, across northeast Siberia. In 1925, the Amu Darya flowed 8 km from the city of Turtkul, and in 1934 - 500 meters. In 1938, the waters of the Amu Darya began to flow into Turtkul. By 1959, the entire city was sunk by the flood of the Amu Darya River. Large and medium-sized small irrigation systems such as Polvoniop, Ghazavat, Shovot, Kilichniyozboy, Tashsak, Mangit, Kizgetan, Kyrkyz occupy an important place in the development of irrigated agriculture. Under the ground, the Amu Darya basin can be divided into natural geographic areas, such as Chimbay-Kungrad, Beltov and Khorezm, depending on the natural conditions and location of soil plants. The natural-geographical region of Khorezm is the ancient valley of the Amu Darya River[7].

According to R. Kurbaniyazov, the territory of the oasis was the bottom of the sea in the Mesozoic era and in the Paleogene period. The geological structure of Khorezm consisted of 4 types of layers. For example: 1. Regions of ancient crystalline rocks (Yumurtog, Kubatog). 2. Territories on the right bank of the Amu Darya, consisting of crushed layers. 3. Paleogene rocks in the adjacent areas of Tuyamuyun. 4. Karakum-Zaugizi in the period of non-breeds. Avesta reflects the first history of the Amu Darya. Preliminary data on the dynamics of the Amudarya River are recorded in the tenth part of the book Avesta-Yasht. That is, “the courageous leaders of this country make military campaigns, in this country there are meadows and high-flowing high mountains. Their rivers flow through Ishkat, Paruta, Margian, Aresa, Gava Sugda and Khorezm and the book says[8].

Greek historian Hekatei Miletsky in 522-519-bg. in his notes, based on records made on the orders of Darius 1 - about Skilak's trip to Asia, he wrote the book “The Image of the Earth”, where in the “Asia” section he wrote about Khorezmians and Khorezm. According to historical data recorded in the works of Hecatey, Athenaeus writes: “To the east of the Parthain live the Khorezmians who occupied the mountains. In the mountains grow wild trees, thorny trees - Kinara. Stepan writes, the city east of Parthia is Khorezm[9]. "

After the occupation of Central Asia by A. Macedonian, the exact periodic history of the peoples of the region began to appear on the history page[11]. Aristotle, Strabo, Ptolemy, Aryan, Quint Curtius Ruf, Polybius wrote the history of the ancient world of Khorezm. However, there are no cities in the works that were built by our ancestors. Aristotle writes: Amu Darya is the largest river after the Indus River, ships are sent to the river, where they transport a large amount of Indian goods to the Hyrcan Sea, from where they deliver goods to Albania and say that they go to Albania via the Kura to the Black Sea. The Greek geographer Strabo followed in the footsteps of Herodotus, confused the Amu Darya with the Araks River and wrote it down.

That is, “I confirm that the Araks River, which is divided in many areas, gives more water to the country than other rivers; it spills northward with its entire network into the Girkan Gulf. Arahoses live along the Oks near Massagets and Bactrians. The author claims that the Khorezmians, along with Parthia, Hyrcania, Aresa, and Drangiana, paid tribute [12]. According to Polybius (204-121 BC), apasiacs live between Oks and Yaksart. The first river flows into the Hyrcan Sea, and the second into Lake Meatida. Ships sailing across both rivers. An interesting fact is that nomads cross Hyrcanus without getting off the horse. They say two different information. The first is quite simple, and the second is amazing, but one cannot say that this is impossible.

Oks turns into a huge river in Bactria due to its connection with the waters of the Caucasus Mountains, which flow far beyond the broad plain. Then, reaches the desert and is faced with large and steep cliffs. Descent, water flows from the rocks. Apasiaki pass through this waterfall from a dry place to Hyrcania. The following story is more like the truth. There are many places and plains in the coastal areas. Many mountains, steppes, where the river flows. Due to the fact that the barbarians are well aware of these places, they pass through the place where the river from the ground passes into Hyrcania[13]. Abu Rayhon Beruniy asserts: "He (Khorezm) must have been a lake once, because Jeyhun crossed the Caspian Sea near Balkan. Geological scientists and geographers based on this conduct extensive research on the history of the Amu Darya.

Analysis and results: According to archaeological research conducted in the historical and cultural regions of Central Asia, the socio-economic factors of the socio-economic and ethno-cultural development of the ancient society. He appeared in the 6 th. BC in the foothills of the Kopetdog in the south of Turkmenistan. Farmers engaged in livestock and agriculture. (Joytun, Chakmutlitepa).

Conclusion: Socio-economic factors that emerged in the early Neolithic era during the creation of the first cultural and economic centers were formed in the foothills of Kopetdog. In the historical period from 4 to 3 millennium BC. There have been changes in the socio-economic development of society in Central Asia. The use of copper has intensified the socio-economic development of society.

On the right bank of the Amu Darya, former cultural and economic complexes are falling into decay. During the 4th-3rd millennia BC, the cultural and economic massifs continued to function on the shores of the lake, on the territory of the Sarykamysh and Uzbay regions and on the territory of the Tuyamuyun region.

References:

1. Толстов С.П. Древней Хорезм. М. 1948. Қадимги Хоразм харитаси.
2. Воробъева М.Г. Проблема «Большого Хорезма и Археология //Этнография и археология Средней Азии. М. «Наука», 1979.с.40
3. Кесь А.С. Антропогенное воздействие на формирование аллювиально-дельтовых равнин Амударьи //культура и искусство древнего Хорезма //М.Наука, 1981 с.73.
4. Баратов П, Маматқулов М, Рафиқов А.Ўрта Осиё табиий географияси. Т. "Ўқитувчи", 2002.
5. Кўр.асар.Б.283-284.
6. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент, "Ўқитувчи", 1997 б.154-162.
7. Қурбониёзов Р.Хоразм географияси. Урганч, 1998, б.36.
8. Пьянков И.В. Хорасмии Гекатея Милетского ВДИ, № 2., М, "Наука", 1972, с.14.
9. Пьянков И.В. Хорасмии Гекатея Милетского. М, «Наука», ВДИ, № 2, 1972,с 6-7.
10. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи.Т., "Фан", 1959, б .79.
11. Страбон. География. XI.6.8.
12. Страбон XI.9.1.10
13. Полибий. Умумий тарих. X б.48.

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШУВИ (Чароғил мисолида)

Абдуллаев И.И., –ЎзМУ

Чароғил қишлоғи Қашқадарё воҳасининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган, қадимий тарихга эга географик ҳудуд. Илк ҳаёт бошланишида Чоровул ҳудудидан Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистоннинг савдо-сотиқ (Савдода асосан чорва моллари ва чорва махсулотлари бўлган) билан шуғулланувчи савдогарлари ўзларининг савдо йўлларини очишган. Шу савдогарлар билан тўртта чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли келиб, бипаён чўл текислигига жойлашиб, ўзларининг овулларини (Турар жойларини) қурушган. Шундан кейин савдогарлар бу ҳудудни "Чоровул" деб аташган. Юқоридаги маълумотлар ҳақиқатга яқин. Яъни: "Чароғил" сўзи тожикча "Чор" яъни тўрт сўзидан олинган бўлиб, тўрт овул деган маънони билдиради.

Чароғил илк ташкил топган пайтда аҳоли сони 20-25 кишини ташкил қилган. Аҳоли сони секинлик билан ўсиб борган. Сунгги ўрта асрларда бу бепаён ҳудудга Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани яқинидаги Каманди қишлоғидан ҳам бир қанча чорвадор аҳоли келиб, ўз маконларини тузишиб, аҳоли сонини ўсишига катта таъсир кўрсатади.

Аҳолининг асосий машғулоти чорвачилик, деҳқончилик ва қисман боғдорчилик бўлган. Чорвачиликнинг асосини қўй-қўзи, от ва туя ташкил қилган. Майда шоҳли чорва моллари маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаётида асосий иқтисодий омил ҳисобланади. Отдан ўзоқ қўшни овулларга бориб келишда транспорт воситасида фойдаланишган. Айрим чорвадорларда 80-100 тагача туя бўлган. Тўя ҳам

аҳолининг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Яъни туянинг жунидан қиммат баҳо кейим-кечак, гиламлар тайёрланган. Туя 12 ойда болалайди. Тўя билан боғлиқ удум мавжуд. Мабода хомладор аёл 10-ойда ҳам фарзандини дунёга келтирмаса, шу аёлни туянинг бўйнини тагидан 3 марта ўтказишган. Натижада аёл тез орада фарзандли бўлган [1]. Аҳоли ўртасида ҳунармандчилик ва зардузлик соҳаси ривожланмаган. Фақатгина ҳар бир оиланинг иҳтиёжига лойиқ "Араби" гилам, шолча, от ва тўйа анжомлари (Жун ва пахтадан) тўқишган. Ёғочсозлик соҳасида фақатгина 2 та оила вакиллари шуғулланишган ҳалос.

Чароғил қишлоғи кичик географик ҳудудга эга бўлишига қарамай, этник таркиби хилма-хил: ўзбекларнинг Кенагаз, манғит, галасарой, қоратепа, қавчин уруғлари ва эшонлар, арабларнинг икки гуруҳи яшайди. Арабларнинг биринчи гуруҳи ўзларини маҳаллий аҳоли билан бир вақтда кўчиб келиб жойлашган деб ҳисобласа, иккинчи гуруҳи эса XX асрда Қашқадарё воҳасининг Косон туманидан кўчиб келган гуруҳи. Иккинчи гуруҳ араблари сони келган вақтида жуда озчиликни (6-7 хўжалик) ташкил этган. Ҳозирда улар 20-25 оилани ташкил этади.

Кармышева Б.Х. "Очерки к этнической истории южньх районов Таджикистана и Узбекистана" асарида Қашқадарё воҳаси маҳаллий аҳолиси ўзбеклар, уларнинг атрофида Косонда эса тожиклар истиқомат қилади [2]. Қайд этиб ўтган. Б.Х.Кармышеванинг фикрини тўғрилигини, дала тадқиқодлар ҳам сатдиқламоқда.

Карим Шониёзов ҳам "Қарлуқ давлати ва қарлуқлар" номли асарида воҳанинг Кеш ва Насаф вилоятларида туркийзабон аҳоли билан бир вақтда тожиклар қисман араблар ҳам яшаганлигини айтиб ўтади [3]. Тадқиқодларни қиёсий таҳлил қилинганда, Чароғил қишлоғида яшаётган арабларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Яна бир этнолог олим Сухарева О.А. "К истории городов Бухарского ханства" номли асарида воҳанинг Шаҳрисабз туманида аҳолисининг кўпчилик қисмини ўзбекларнинг кенегаз ва сарой уруғлари ташкил этади [4] деб қайд этади. Лекин ўзбекларнинг кенегаз ва сарой уруғлари Қарши тумани атрофидаги Бешкен, Сарой, Чароғил қишлоқларида ҳам истиқомот қилишади.

Мазкур ҳудудда ўзбекларнинг Кенегаз уруғи вакиллари камчиликни ташкил этади. Қашқадарё қилояти ва Самарқанд вилояти оралиғида яшаган Кенегазлар билан қуда-андачилик натижасида келган холос. Сўнгги йилларда улар ҳам маҳаллий аҳоли таркибига синггиб кетиб, ўзларини Чароғиллик деб ҳисоблашади.

Қишлоқ аҳолиси қўшни вилоятлар, тумунлар, қишлоқлар билан қуда-андачилик муносабатларига киришган. Бу ҳолат Қашқадарё воҳасида этнослараро жараёнларни тезлашига замин яратиб, Қишлоқ аҳолисининг ўсиш даражаси XX асрнинг ўрталарида 800 киши атрофида бўлган. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида аҳолининг тез суратлар билан ўса бошлади.

Қишлоққа XX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб Қамаши, Нишон, Шаҳрисабиздан, Чироқчи, Ғузор, Миришкор туманларнинг ҳар биридан 2-3 та хўжаликдан иборат ўзбек уруғлари кўчиб келиб жойлашган. Маҳаллий аҳоли билан биргаликда яшаб биргаликда ҳаёт кичирган бўлсада, аммо улар ўзларининг этник таркибини сақлаб келган. Мазкур ҳудудда яшаган аҳолининг ананавий урф-одатлари бир – биридан фарқ қилган. Масалан туб ерли аҳоли тўй маросимида киёв келинни алов атрофида кўтариб айлантирса, бошқаларида эса бу одат бўлмаган. Вақт ўтиши билан шунга ухшаш урф-одатларни барча этнослар ўзлаштириб, бажаришган. Бу қишлоқда барча аҳоли олтой тил оиласининг туркий тил туркумига киради, 3-4 та шевада сўзлашади.

XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларидан маҳаллий ва бошқа ҳудудлардан кўчиб келган аҳоли ўртасида этник консолидация жараёни тез сўратларда ўсиб борди. Этник аралашиш жараёнида ўзаро маданиятлар алмашиб, иқтисодий ривожланиш бошланади. Деҳқончилик, чорвачилик ва қисман боғдорчилик билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида ўзаро тавар айирбошлаш XX асрнинг сўнги чорагигача давом этади. Қизиқарли томони шундаки доимий равишда чорвачилик билан шуғулланиб келган айрим уруғлар, деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳолидан деҳқончилик сирларини ўзлаштириб, деҳқончиликда юқори натижага эришмоқда.

Эътиборли томони шундаки мазкур киччик географик ҳудудда бир қанча уруғ вакиллари истиқомат қилсада, улар ўртасида этник низо, тортишув, ўзаро жанжаллар кўзатилмайди. Барча оқсоқол, кекса нуронийлар бошчилигида тўй, байрам, сайилларни маслаҳат оши билан бошлаб, хурсандчилик билан якунлашади.

Адабиётлар

1. Дала маълумотлари, 2017 й. Менглиев Қосим бобо 82 ёш.
2. Кармышева. Б.Х. Очерки этнической истории южньх районов Таджикистана и Узбекистана. - М.: "Наука" 1976 й -С.69-72 ; "О торговле в Восточных бекства Бухарского ханства в начале XX в. в связи хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья". – М.: Наука, 1979; "К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана" // Советская этнография.– М., 1964, "Типы скотоводства в

южных районах Узбекистана и Таджикистана (конец XIX-начало XX вв.)" // Советская этнография. – М., 1969.Кобзева О.П., Джалилова О. З. Страницы истории великого шелкового пути: шелк, специи и чай. –Т., 2013. –С.33.
3. Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қрлуқлар. -Т.: "Шарқ" 1999 й. 148 – b
4. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Т. 1958 й.

САНЪАТШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИНИНГ ЎРНИ

Абдуназарова Н.Р., – ЎзДСМИ,
Санъатшунослик ва маданияттшунослик
кафедраси, ўқитувчиси

Мазкур жараёнда улкан маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш,уни ёшларга безавол етказиш, миллий ва умумбашарий мусиқа санъати ютуқларини, жаҳон фольклорининг энг яхши намуналарини ўрганиш муҳим. Халқаро бахшичилик санъати фестивали ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши, эртамиз эгаларини умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялашда, улар қалбида буюк маданиятимиз ҳамда сағъатимиздан фахрланиш туйғусини, дўстлик, эзгулик, меҳр-мурувват ришталарини мустаҳкамлашда катта ўрин тутиши унинг қадри ва аҳамиятини янада оширади. Бу борада мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёев, "Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага афсуски, кеч бўлади,келгуси авлодлар,тарих бизни кечирмайди.(1) Президентимиз ташаббуси билан 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши дунё бахшилари, фольклоршунослари, маданият ва санъат намояндаларини қадим Сурхон воҳасига чорлаши айнан шу халқ қадриятига бўлган муносабатни жаҳон халқларига кўрсатиш, халқ оғзаки ижоди намуналарини тадқиқ қилиш ва дунё мамлакатлари олимларининг ўзбек миллий санъатига дурдоналарига қизиқишни оширишдир. Ўзбек фольклор санъатини чуқур ўрганиб, уни дунё миқиёсида кенг тарғиб этиб келаётган кореялик Инг-Ёнг О,германиялик Карл Райхил, туркиялик Фикрат Туркман, Селами Фидакор сингари хорижий олимлар маърузаларида ҳам ўзбек халқининг ноёб дурдонаси бўлган, фолклор, достон, бахшичилик санъати намуналарига қаратилган бўлиб, иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳақиқатдан ҳам,дунё олимларини диққат эътиборини тортган ўзбек халқи достончилик санъати-халқ оғзаки поэтик ижодидаги қадимий эпик анъана, халқ маданий меросининг энг ёрқин намунаналаридан биридир.

Достон ўзбек фольклорининг кенг тарқалган ва йирик жанрларидан бири бўлиб, унинг яратилиши халқимизнинг маънавий-маиший қиёфаси, ижтимоий-сиёсий курашлари, аҳлоқий-эстетик қарашлари, адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги қарашлари билан чамбарчас боғликдир.

"Достон" сўзи қисса, ҳикоя, шону шуҳрат, саргузашт, таъриф ва мақтов маъноларида ишлатилиб, адабий термин сифатида бу ном халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Бироқ улар ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усуллари жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қилади.

Достончилликда қатъий тартибга риоя қилинган: достон эшитиш учун махсус кечалар уюштирилган, илгари тўй-ҳашам, катта йиғинлар бахшиларсиз ўтмаган. Бахши дўмбира жўрлигида "Кунларим", "Дўмбирам" термаларини айтиб, тингловчилар эътиборини ўзига жалб этган. Бахши ижро давомида достондаги ҳар бир тасвирга мос сўз топиб, ўша сўзларга

Достон куйлаш, шогирд етиштиришда қатъий тартиб, қонун-қоидаларга, устоз шогирдчилик анъаналарига риоя қилинган. Бахши репертуарида ўнлаб достонлар бўлиши, бир достонни турли оҳанг, нағмаларда ижро эта олиши мумкин. Эпик ижод ҳар бир халқнинг бадиий тарихидир. Шундай экан, унинг ижрочилари бўлмиш бахшилар ҳам миллат тарихи, санъати, маданиятини минг йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган, авлоддан-авлодга етказаётган, миллий маданият, тарих ва фалсафага ўзининг беназир улушини қўшиб келаётган улкан ижодкорлардир." Алпомиш", "Гўрўғли", "Далли", "Равшан", "Рустамхон", "Кунтуғмуш", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" каби улкан бадиий обидалар ҳам бизга ана шундай эпик ижодкорлардан мерос бўлиб қолган. Ўзбекистон Республикасида халқ маданий меросига бўлган эътибор, "Халқ бахшиси" деган юксак унвоннинг жорий этилганлиги, бахши-шоирлар ўртасида турли кўрик ва фестивалларнинг бўлиб ўтаётганлиги, миллий қадриятларнинг гуллаб яшнаши, бахшичилик санъатининг янада ривож топиши, устоз-шогирдчилик анъаналарининг бардовомлигида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Миллий қадрият ва анъаналаримизни янада ривожлантириш, фольклор санъатимизни бойитиш, дунё бўйлаб кенг тараннум қилиш борасида олиб борилаётган бундай эзгу ишларни халқимиз катта мамнуният билан кутиб оляпти. Бу барчага фахр-ифтихор, ғурур бағишламоқда. Санъат, маданият, адабиёт соҳаси ижодкорларидан айримларининг қуйидаги фикрларидан ҳам буни англаш мумкин.

Бахшичилик барча санъатларнинг онасидир, десам адашмаймиз. Ўз ҳис-туйғуларини бир маромга солган шоирнинг ҳам, сўзларга мос куй яратган бастакорнинг ҳам, сўз ва оҳанг жўрлигида ўз орзу-умидларини куйлаган хонанданинг ҳам, халқ қаҳрамонларини гавдалантиришга интилган актёрнинг ҳам илк вакили бахши бўлган, назаримда. Бахшичилик ана шундай қадимий, чуқур илдизларга эга санъат. Шу боис ҳам бахшиларни тингламаган, тинглай олмаган ашулачини чинакам ашулачи, у куйлагандостонлардан, термалардан тўрт қатор ёд билмаган шоирни чинакам шоир, дўмбира жарангидаги мазмунни ҳис қилмаган бастакорни бастакор, дейиш қийин. Бахшининг қалб оламини, руҳиятини англамаган, тушунмаган актёр ҳам ҳақиқий актёр бўлолмайди.

Шу маънода, йиллар мобайнида турли талатўпларни бошдан ўтказиб, қарийб унутилаёзган бу асл санъатнинг Президентимиз ташаббуси билан эъзозланиши улуғ иш бўлди. Унинг янги шакл ва мазмун билан бойиши, моҳияти, аҳамиятини бутун элимиз, айниқса, ёшларга чуқур тушунтириш борасида олиб борилаётган бугунги кенг кўламли ислоҳотлар санъатимизни, маданиятимизни, маънавиятимизни юксалтиришнинг янги босқичини бошлаб беряпти.

Техника-технология жадал тараққий этаётган, ахборот алмашинувлари тобора кучаяётган бугунги замонда санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайдиган “асар”лар пайдо бўлаётгани, айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳлар мавзу, мусиқа, ижро усули, саҳна ҳаракатларида очиқдан-очиқ ажнабий маданият кўринишларига тақлид қилаётгани дилни хира қилади. Бу ёш авлоднинг эстетик диди ва савиясини ўтмаслаштирмоқда, онги, қалби, маънавиятига занг туширмоқда.

Мазкур жараёнда улкан маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёшларга безавол етказиш, миллий ва умумбашарий мусиқа санъати ютуқларини, жаҳон фольклорининг энг яхши намуналарини ўрганиш муҳим. Халқаро бахшичилик санъати фестивали ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши, эртамиз эгаларини умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялашда, улар қалбида буюк маданиятимиз ҳамда санъатимиздан фахрланиш туйғусини, дўстлик, эзгулик, меҳр-мурувват ришталарини мустаҳкамлашда катта ўрин тутиши унинг қадри ва аҳамиятини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Халқ сўзи”, 2019 й.7 апрел
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 349-350 бетлар. “Ўзбекистон” нашриёти.
3. Интернет манбалари

XX АСРНИНГ 60 – 70 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Абиров В.Э., – ТошДШИ ўқитувчиси

XX асрнинг 60 – йиллардан бошлаб ўзбек халқи этногенези ва этник тарих масалаларига бағишланган йирик умумлашма асарларидаги назарий мулоҳазалар ва илмий хулосалар ҳамда этногенез соҳасидаги қарор топган илмий тушунчалар ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи мавзуидаги адабиётларни ўрганиш ва тарихшунослик бўйича тадқиқот яратишда илмий – назарий асос бўлиб хизмат қилади. М.Ғ.Ваҳобов, М.Эрматов, К.Шониёзов ва Б.Аҳмедовларнинг асарлари ана шундай асарлар жумласидандир.

М.Ғ.Ваҳобовнинг ўзбек ва рус тилларида босилиб чиққан китоби “Ўзбек соцалистик миллати”[1] деб аталади. Унда асосий тадқиқот ўзбек сотсалистик миллатининг масаласи устида борсада, бир боби “ўзбек элати ва унинг этник таркиби” деб аталиб, асосан ўзбек халқининг шаклланишига оид масалаларига бағишланади. М.Ғ.Ваҳобов асари ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси марксизм – ленинизм ғоялари руҳида ёзилганлиги сезилиб туради. Бироқ унда муаллифнинг ўзбек халқининг шаклланиш вақтини аниқлашга урунганлигини инкор қилиб бўлмайди. М.Ғ.Ваҳобов ўзбек халқининг шаклланишининг даврий чегараси тўғрисида ўзидан олдинги ўтган тарихчи олимлар (А.Ю.Якубовский)нинг илмий фикр – мулоҳазаларини инобатга олиб, ўзбек халқи шаклланишини уч асосий босқичга бўлади. Биринчи босқич – IX асргача бўлган давр – ўзбек элатининг дастлабки шаклланиш даври; иккинчи босқич – XI-XIII асрлар ўзбекларнинг элат бўлиб жараёни ниҳоясига етган давр, учинчи босқич – ўзбек элатининг ривожланиши ва унинг этник таркибининг кенгайиб бориш даври

XIX асргача давом этади. [2:43] М.Ғ.Ваҳобовнинг мазкур китобида ёритилган этник тарих ва этногенез масалаларига якун сифатида Б.Аҳмедов сўзлари билан шуни айтиш мумкинки, муаллиф ўзбекларнинг Ўрта Осиёдаги энг қадимий халқлардан бири бўлганлигини эътироф қилиб, унинг асосан XIX асрдаги этник таркиби ва этник ҳудудини кўрсатиб берган бўлса-да, лекин ўзбек халқининг этник жиҳатдан расмийлашувида муҳим рол ўйнаган кўчманчи ўзбеклар, XIII – XV асрларда Дашти қипчоқда яшаган турк – мўғул қабилалари эканлиги ва уларнинг этник таркибини очиб бермаган. [3:195]

М.Эрматов ўзининг асарларида ўзбек халқи этногенезига бағишланган масалалар ўзига хос ўринга эга. 1960 йилларда чоп этилган бу асарлар масаланинг қўйилиши ва ечими жиҳатдан аҳча мавҳум таассурот қолдиради. Жумладан, "ўзбек номининг келиб чиқиши масаласига доир" номли мақоласида муаллиф Ўрхун тош битикларидаги "ўз", ҳамда форсий манбаларда учрайдиган "аз" этнонимларининг иккаласини битта халқнинг номи деб қараб, ўзбек атамаси ундан келиб чиққан деган фикрни билдиради.[4:154] Бундай қарашнинг нотўғри эканлигини К.Ш.Шониёзов шундай таъкидлайди: М.Эрматовнинг "ўзбек" атамаси "ўз" ва "аз" сўзларидан келиб чиққан деган фикри тарихий ҳақиқатга хилоф, чунки ўзбек қатламининг этник қатламида фақат биттагина компонентни ташкил қилган "ўз"лар VI – VII асрларда Ғарбий турк хоқонлигида ва VIII асрнинг биринчи ярмида эса туркешлар таркибига кириб сингиб кетган эдилар[5:67]. М.Эрматовнинг 1968 йили нашрдан чиққан асарида (Этногенез и формирование узбекского народа. Т., 1968.) ўзбек халқи аждодларининг шаклланиши ва этногенезига оид масалалар даврларга бўлиб назардан ўтказилади: биринчи давр: мил. авв. VIII – II асрлар сак-массагет, дай-қанғуй ва бошқа Ўрта Осиё қабила ва элатларининг ўзбек халқи аждодларининг шкланишида иштирок этиши ҳамда уларнинг этно-тил таркибига кирган аҳолининг жойлашиш ҳудудлари масалалари қамраб олади. Иккинчи давр (мил.авв. II – мил. VIII асрлар) учта босқичдан иборат бўлиб, улар: 1.Ўзбек халқи аждодоларининг этно тил таркибига кирган юечжи – кушон ва бошқа қабилаларнинг этногенези (мил.авв. II – мил. IV асрлар); 2.Ўзбек халқи аждодларининг таркибига кирган эфталит қабилалари ва бошқа элатлар этногенези (мил. IV – VI асрлар); 3.Ўзбек халқи аждодоларининг этно тил таркибига кирган янги туркий қабилалар ва элатлар этногенези (мил.VI – VIII асрлар) билан характерланади. Ўзбек халқи шаклланишининг ҳал қилувчи учинчи ва тўртинчи даври хронология жиҳатдан эфталитлар давлати ва Ғарбий турк хоқонлиги даврини ўз ичига олади. М.Эрматовнинг фикрича, эфталитларнинг келиб чиқиши, шаклланиш муаммоси ва ўзбек халқи этногенезидаги роли тарих фанининг ҳал қилинмаган зиддиятли масалаларидан бўлиб келмоқда, бироқ у эфталитларнинг асосий оммаси туркий тилли халққа тегишли бўлганлигини қайд қилади. Бу китоб мазмунидан ўзбек халқи аждодлари катта тарихий давр (мил.авв. VIII – мил. VIII аср) давомида шаклланганлиги маълум бўлади, бироқ муайян қайси асрда алоҳида элат бўлиб шаклланган ва қайси асрларда унинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етганили тўғрисда муаллиф аниқ далиллар асосида келтирган фикри берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси олимларидан ўзбек халқи этнографияси, этногенези ва этник тарихини махсус ва чуқур ўрганишга бағишланган этнограф – тарихи олим Карим Шониёзов бир қатор монографиялар ва мақолалар, илмий асарлар муаллифи сифатида машҳурдир. Олимнинг 1964 йилда "Ўзбеклар - қарлуқлар" номли асари нашрдан чиқди. Айнан шу киробдан бошлаб, К.Шониёзовнинг барча асарлари ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенези, унга асос бўлган қабилалар ва элатлар, уларнинг ўзаро муносабатлари ва таркибий қисмларини ўрганишга бағишланган. Олимнинг кенг тарихий маълумотлар, хусусан хитой солномалари, Ўрхун – Энасой ёдгорликлари, араб, форс – тожик қўлёзма манбаларига асосланиб яратилган мазкур китобида ўзбек халқи шаклланишида асосий унсур бўлиб ҳисобланган қадимги туркий қарлуқ қабиласининг келиб чиқиши, жойланиши, уларнинг хўжалик ва ижтимоий турмуш, моддий ва маънавий маданияти, урф – одатларини ўз ичга олган узоқ тарихий давр ёритилади.

Муаллиф фикрича, қарлуқлар тўғрисидаги дастлабки ёзма манбалар гелолу номи билан хитой сулоларидан бўлган "Тан" сулоласи (618 - 907) йилномасида учрайди. VIII аср ўрталарига оид хитой манбаларида қарлуқлар уч йирик уруғ бўлинмаларига ажралгани таъкидланади: меуло (медуи), чжиси (пофу) ва ташили; бу даврда улар ғарбий Олтойда, эҳтимол, Чориш дарёси бўйлаб ва ундан жануби – ғарбда, Иртишнинг икки қирғоғИ бўйлаб, то ҳозирги Семипалатинск вилоятигача, Зайсан кўли атрофларида кўчиб юришган. Уларнинг бир қисми Хангай тоғлигида ҳам истиқомат қилган [6:13]. VIII асрлар давомида қарлуқлар Фарғона водийсида ҳам яшаганлар ва Еттисувни эгаллаганлар.

К.Шониёзов "Ўзбеклар - қарлуқлар" номли китобида ўзбек халқи этногенезидаги асосий муаммолардан бири Қорахонийлар давлатининг этник таркиби тўғрисидаги масалага тўхталиб, мазкур давлатни бошқаришда қарлуқлар асосий рол ўйнаганликларини исботлайди. Маълумки, В.В.Бартолд "бу сулоланинг хонлари қайси қабилага мансуб эканлиги масаласини ҳануз баҳсли масала", деб қолдирган эди. Шундан буён фанга киритилган янги маълумотларга асосланиб К.Шониёзов Қорахонийлар давлатида етакчи ролни қарлуқлар ўйнаган, уларнинг ҳукмдорлари ҳам қарлуқлардан, аниқроғи уларга қардош қабила – чигиллардан бўлганлар, деган хулосага келади.[6:31] К.Шониёзов Қорахонийлар давати янги давлатнинг вужудга келиши бўлмай, балки қарлуқлар давлатида янги сулоланинг қарор топиши эди, деб таъкидлайди.

“Ўзбек халқи этник тарихига доир” номли монографиясида (К этнической истории узбекского народа. Т.,1974.) эса олим ўзбек халқи этногенезида бевосита қатнашган йирик компоненетлардан яна бири – туркий қабила бўлган қипчоқлар тўғрисида чуқур – тарихий этнографик тадқиқот олиб боради. Муаллиф фикрича, қипчоқлар бошқа кўпгина туркий тилли халқлар – қозоқлар, қирғизлар, қорақолпоқлар, туркманлар, татарлар, бошқирдлар, олтойликлар ва баъзи шимолий Кавказ халқлари: нўғой, қўмиқ, қорачойликларнинг (венгрлар) ва бошқа халқлар таркибига ҳам кирган. Қипчоқлар – IX-X асрларда Ишим, Тобол дарёлари ҳавзасидан то Ўрол дарёсидан юқори оқимларигача бўлган ҳудудларда яшаган ва ғарбга сижиб, XI асрнинг ўрталарида Ўрол ва Волга дарё оралиғида жойлашган. Бошқа бир гуруҳ – Сирдарё бўйи қипчоқлари бўлиб, улар асосан Қоратоғ раёнида тарқалган эдилар; Учинчи гуруҳ қипчоқлар – (уни олим шартли равишда Ўрхун гуруҳи деб атайди) – IX-X асрларда шимоли – ғарбий Мўғулистонда, юқори Селенга ва ҳудудларидан то Ўрхунгача бўлган ерларда тарқалиб яшаганлар. Мазкур қипчоқлар бу ерга VI-VIII асрларда келиб жойлашганлар. 840 йилдан то XIII асргача қипчоқларнинг Ўрхун гуруҳи қирғизларга, кейин қора кидан хонларига қарам бўлганлар XIII асрда қирғизлар, қора киданлар ва қипчоқлар мўғул хонлари ҳукмронлиги остига тушиб қоладилар.[7:52] Олтин Ўрда қулагандан сўнг Дашти қипчоқ кўчманчиларининг кейинги гуруҳлашуви юз беради: эски уруғ қабила иттифоқи емирилиб, янги бирлашмалар юзга келди. Уларнинг баъзилари эскича: қипчоқ, қанғли ва қорақолпоқ номлари билан, баъзилари янги номлар нўғой, катта, ўрта, кичик, қозоқ жузлари ва бошқа номлар билан вужудга келади.[8:98] Ўзбек халқи этногенезида қипчоқларнинг икки гуруҳи мавжуд бўлиб, улардан шарқий (Сирдарё бўйи) гуруҳи XI асрдаёқ Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолиси билан алоқада бўлган, ғарбий гуруҳи (ёки шарқий европа гуруҳи) эса XIV – XV аср бошларидаёқ ўзбекларнинг этник таркибига киришиб кетган эдилар. Мазкур қабилаларнинг бир қанчаси Темур ва унинг авлодлари томонидан Мовароуннаҳрга кўчириб келтирилган эди.[7:52]

К.Ш.Шониёзов ўзбекларнинг Ўрта Осиё ҳудудидаги энг қадимги аждодларини кўрсатишга муваффақ бўлди[6]. У бронза даври ва илк ўрта асрлардаги турли этник жараёнларнинг кенг манзарасини гавдалантириш, ўзбек халқининг маҳаллий этник заминда шаклланганлигини исботлашга муваффақ бўлди. Ўзбек халқи шаклланишининг асосий даврларини очиб бериб, бу этник жараённи турли сиёсий бирлашмалар тизимида босқичма-босқич кузатиб, XI аср бошида Қорахонийлар давлатида ниҳоясига етганлигини баён қилди. Академик К.Шониёзов шундай ёзади: “Ўзбек халқининг этник тарихи илк аждодлари яшаган ҳудуд билан бевосита боғлиқ. Ўзбек аждодлари элат бўлиб Ўрта Осиёнинг Марказий вилоятлари Мовароуннаҳрда (Фарғона водийси ҳам шунинг ичида), Хоразмда, Тошкент воҳасида, Еттисувда, Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида шаклланган. Бу минтақалар инсониятнинг қадимги маданият марказларидан ҳисобланади. Саполлитепа, Чуст, Замонбобо ва Хоразм заминида олиб борилган қазилмалардан топилган материаллардан маълум бўлишича, миллоддан олдинги II мингинчи йилларда Ўрта Осиёнинг бир қанча раёнларида ўтроқ деҳқончилик мавжуд бўлган”. Шундай қилиб, муаллиф милоддан олдинги VI – IV асрлардаги ўтроқ аҳоли ва кўчманчи сак, массагет қабилалари Ўрта Осиё аҳолисининг кейинги асрлардаги этник тараққиётига замин тайёрлаб беради. Олимнинг юқорида назардан ўтказилган илмий тадқиқотларидан ҳар бирида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенези, унга асос бўлган қабилалар ва элатлар, уларнинг таркибий қисмлари ва жойлашган ҳудудлари, ўзбек халқи шаклланишида асосий унсурларни ташкил қилган қабилалар, Мовароуннаҳр ҳудудидаги дастлабки туркий давлатлар, уларнинг ижтимоий – сиёсий тарихи ва ҳоказолар илмий асосланган ҳолда ёритиб берилган. К.Шониёзовнинг асарлари этнгенез ва этник тарих назарияси талабига биноан этнос пайдо бўлганидан то халқ сифатида шаклланган давригача кечирган этник ва тарихий жараёнларни кўрсатиб беради. Айни шу жиҳатлари билан уларни ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганиш учун асосий асарлар деб ҳисоблаш жоиз.

Яна бир ўзбек олими Б.Аҳмедовнинг “Кўчманчи ўзбеклар” номли асарида[9] ўзбек халқи этник тарихи хусусидаги муаммолардан бири – кўчманчи ўзбеклар давлатининг барпо бўлиши XI – XVI асрлардаги ўзбек давлатининг сиёсий – ижтимоий тарихи форс–араб қўлёзма манбаларга ва рус ҳам европа олимларининг асарларига таянган ҳолда ёритилган. Ушбу асарда кўчманчи ўзбеклар давлатининг Абулхайрхон давридаги аҳволи, давлат тузуми, ижтимоий – иқтисодий муносабатлари, уларнинг темурийлар билан ўзаро алоқалари каби масалалар батафсил ёритилган. Б.Аҳмедов китобида таъкидлашича, то XIV асрнинг 60 – йилларигача “ўзбек” сўзи манбаларда учрамайди. Б.Аҳмедов, А.Ю.Якубовский сингари, ўзбекларнинг уч тоифадан, яъни қабилалар бирлашмасидан ташкил топганини қайд қилади, булар Шайбон улусига қарашли барча қабилалар, қозоқлар ва ниҳоят, манғитлардир. Дашти қипчоқдаги кўчманчи ўзбеклар иттифоқини ташкил этган кўп қабилалар замон ўтиши билан парчаланиб кетиб, унинг бўлаклари қозоқлар, қорақалпоқлар, бошқирдлар ва бошқаларнинг қўшилиб кетганлар. Муаллиф “ўзбек” атамасига изоҳ бериб, кўпчилик олимлар ўзбекларнинг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон номи билан боғлайдилар, ваҳоланки, бу атаманинг Ўзбекхондан ҳам олдин мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи фикрлар ҳам бор, деб ёзади. Хусусан, А.А.Семёнов кўпчилик олимларнинг фикрини асоссиз эканлигини ўз вақтида кўрсатиб ўтган эди. Унинг маълум қилишича, “ўзбек” ибораси Оқ Ўрдада пайдо бўлган ва Эрон ҳамда Ўрта Осиё тарихчилари (XIV – XV асрлар) уни

Оқ Ўрдадаги турк – мўғул қабилалари номига қўшиб ёзганлар; Ўзбекхон эса Кўк Ўрда (яъни Олтин Ўрда)нинг подшоси бўлиб, кейинчалик “ўзбеклар” номини олган қабилалар унга бўйсунганлар. Б.Аҳмедов ҳам А.А.Семёновнинг бу ҳақдаги фикрини эътироф этиб, А.А.Семёнов ҳақ бўлса керак, деб ҳисоблайди[9:13].

Тарихчи олимнинг “Тарихдан сабоқлар” номли асарида ҳам Оқ Ўрдада (Дашти қипчоқнинг шарқий қисмида) кўчиб юрган турк – мўғул қабилаларга таалуқли эканлигини, Ўзбекхоннинг ҳокимияти эса Олтин Ўрда (Урал ва Волганинг ғарбий тарафидаги ерлар)да жорий бўлган, деган фикр билдирилади. Б.Аҳмедовнинг илмий хулоса қилишича, Дашти қипчоқнинг кўчманчи ўзбеклари Мовароуннаҳрнинг туркий аҳолиси орасига сингиб кетадилар ва “сўнгги қўшилганлар сифатида унга ўз номларини берадилар”. Б.Аҳмедов раҳбарлигида ўзбек тилида нашр этилган Мирзо Улуғбекнинг (1409 - 1449) “Тўрт улуси тарихи” номли асари ўзбек халқи этногенезига оид маълумотларни ўрганиш учун манба бўлиб, бу ҳақдаги тушунчаларимизни анча кенгайтиради. Шу пайтгача фанда “ўзбек” сўзи халқ номи сифатида XV аср охири – XVI аср бошида Дашти қипчоқдан кириб келган, деган фикр ҳукмрон эди. “Тўрт улуси тарихи” асарида келтирилган бу маълумотлардан “ўзбек” атамаси халқ номи сифатида Мовароуннаҳрга XIV асрнинг биринчи ярмидаёқ, балки ундан ҳам олдин (Ботухон билан Баракахон тарихида келтирилган баъзи маълумотларни эътиборга олганда) кириб келганлиги маълум бўлади. Демак, Б.Аҳмедовнинг биз кўриб чиққан асарларида ўзбек халқи этногенези борасида олиб борилган тадқиқотлари “ўзбекларнинг келиб чиқиши Олтин Ўрда хони Ўзбекхон номи билан боғлиқ”, деган фикрнинг асоссиз эканини яна бир бор исбот қилади ва рус олимлари А.А.Семёнов ҳамда А.Ю.Якубовскийларнинг “ўзбек” атамасининг Ўзбекхондан ҳам олдин мавжуд бўлганлиги ва у бир қабиланинг этник номи бўлмай, балки бир неча қабилалар уюшмасининг умумий номи бўлганлиги ҳақидаги мулоҳазаларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг “Ахбороти”да 1954 йили таниқли тарихчи олима, бир қатор монографиялар муаллифи Р.Г.Муқминованинг мақоласи босилиб чиқди. (Мукминова Р.Г. О переселении кочевых узбеков в начале XVI в. // Известия АН УзССР. -1954. №1. -С.70-81.) Мақолада ёзилишича, ўзбек халқи этногенези масаласида Ўрта Осиёга бостириб кирган кўчманчи ўзбекларнинг ролини ва бу босқичнинг аҳамиятини ошириб кўрсатиш тенденсияси мавжуд. Мақолада айни шу тенденсиянинг асоссиз эканлигини исбот қиладиган маълумотлар келтирилади.

XVI аср бошида Мовароуннаҳрга бостириб кирганга қадар кўчманчи ўзбеклар сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган. Лекин мазкур ҳудудга бостириб кирганларидан сўнг уларнинг сони турли таркибий таркибий қисмларга қўшилган қўшимчалар ҳисобига жадал суръатда кўпая бошлайди. Уларнинг сони биринчидан, XV – XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ҳудудида яшаган ярим кўчманчиларнинг туркий тилли гуруҳи (ана шундай қабилалардан бири Андижон вилоятидаги чоғриқ қабиласидир) ҳисобига; иккинчидан, Мовароуннаҳрнинг Шайбонийхон қўшинлари томонига мажбуран ўтказилган ўтроқ аҳолиси; учинчидан, маҳаллий феодалнинг кўчманчи ўзбеклар томонига ўтиши ва тўртинчидан, Сирдарё бўйи шаҳар аҳолисининг улар таркибига қўшилиши ҳисобига кўпайган эди. Ўша давр тарихчиси Муҳаммад Солиҳ маълумотларига кўра Хоразмга қарши юришда (1505 йил) қатнашаган кўчманчи ўзбекларнинг сони фақат беш минг киши бўлган эди.[8:103-104 b.] Шундай қилиб, XVI аср бошида Дашти қипчоқдан Мовароуннаҳр ҳудудига мазкур мамлакатнинг маҳаллий аҳолисига қараганда кам сонли кам сонли бўлган кўчманчилар гуруҳи кириб келган эди.

Таниқли тарихчи олим Ҳамид Зиёевнинг “Сибирлик ўзбеклар (XVI – XX аср бошлари)” номли китобида[10:9] Ўролдан то Енасой дарёсигача ва бу ердан Тинч океангача чўзилган Сибир ерларида турли тарихий даврларда яшаган халқлар, у ерларда вужудга келган давлатлар, Олтин Ўрда ҳақида қизиқарли тарихий маълумотлар келтирилади. Муаллиф ёзишича дастлаб Олтин Ўрда ташкил топган Ўзбек давлати XV аср охири – XVI аср бошларида Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилади. XV асрнинг охирларида Сибирда ҳам мустақил хонлик вужудга келиб, уни Шайбонийлар хонаданидан бўлган ўзбек султонлари бошқаради. Ҳудудлари ғарбда Ёйиқ тоғларигача, шимолда – Тавда дарёси, жанубда – Ишим даштлари ва Бебарин даштларигача чўзилган мазкур хонлик ўзбек султони Кучумхон даврида айниқса кучайган эди.

Ўзбек халқи этногенези муаммоларига доир илмий изланишларга И.Жабборов ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Олимнинг “Кўҳна харобалар сири (Қадимги Хоразм маданияти тарихидан лавҳалар)” номли китобида 50 – йиллар давомида Хоразм ўлкасида илмий тадқиқотлар олиб борган экспедитсия тўғрисида фикр юритади. Унда афсонавий ўлка ва жасур тадқиқотчилар, кўҳна каналлар ва ариқлар, ибтидоий кулба қолдиқлари ва беҳисоб шаҳарлар, қалъалар ҳақида, Беруний яшаган давр обидалари ва ҳокозолар ҳақида ҳикоя қилинади.

Муаллиф хоразмликларнинг келиб чиқиши ҳақида гапирар экан, С.П.Толстов сингари, грек тарихчиси Страбонга мурожаат қилади ва унинг хоразмликларни массагет қабилаларининг бир туридир, деган маълумотини келтиради. И.Жабборов фикрича, массегет ёки сак қабилаларининг йирик иттифоқи бутун Хоразм воҳасида энг қадимдан то антик давргача яшаган ва Ўрта Осиёнинг кенг майдонида массагет иттифоқи узоқ давр ҳукм сурган. Олим Қанха (Қанғ) ўлкаси айни Хоразмнинг ўзгинаси

эканлигини С.П.Толстов исботлаб берди, деб ёзади.[11:13] Лекин бу ўринда И.Жабборов С.П.Толстовнинг асарларига кирган “Хоразм Қанханинг фақат бир қисми”[12:201] деган мулоҳазасини назардан четда қолдиради. Ваҳоланки, ўзбек олимларининг сўнгги йилларда олиб борган тадқиқотлари ҳам Қанха давлати билан Хоразм бир эмаслигини, балки “Хоразм Қанха давлатининг тасарруфидаги узоқ ўлкалардан бири” бўлганлигини исботлайди. Китобда ўзбекларнинг жайлашиши, маданий – маиший алоқалари, анъанавий машғулотлари, ижтимоий ва оилавий турмуши каби масалалар ҳам ёритилади. Ўзбек элатининг шаклланиши муаммолари эса олимнинг бошқа асарида кенгроқ ёритилган. Таниқли олим ўзбек элатининг шаклланишини мил.авв. I минг йилликнинг ўрталаридан бошланади, деб ҳисоблайди. Бу жараён антик давр давомида – ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган маҳаллий европоид аҳолининг шарқдан келган монголоид ирқий элементлар билан аралашуви натижасида юзага келган.

И.Жабборов ўзбек атамаси илмий жиҳатдан тўлиқ аниқланмаган деб, ўзбекларнинг 92 уруғидан топганлиги ҳақидаги фикрга ҳам шубҳа билан қарайди ва уларнинг келиб чиқиши каби этник тузилиши ҳам ниҳоятда мураккаб ва кўп асрлик тараққиёт натижасида бир неча бор ўзгариб кетган деб ҳисоблайди.

Я.Ғ.Ғуломов тадқиқ қилишича, (Хоразмнинг суғорилиш тарихи қадимги замонлардан ҳозиргача. -Т., 1959; Қадимги маданиятимиз изларидан. -Т., 1960; Кушон подшолиги ва Ўрта Осиёнинг қадимги ирригатсияси //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -1968. №8.) мил.авв. И минг йилликнинг биринчи ярми ўрталарида Ўрта Осиёнинг даштлари ва воҳаларида ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи сак номли қавмлар яшаган. Тадқиқотда уларнинг ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи қисмлари “хоразмликлар”, парканаликлар (фарғоналиклар), бохтарлар (бақтриялар) номи билан аталганлиги ва уларнинг шаҳарлари бўлганлиги қайд қилинади.

Умуман олганда, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласи доир илмий изланишлар тарихий тадқиқот методлари асосида ёритилиб, ўзбек тарихшунослигида холислик, умумбашарий қонуниятлар, далил ва исботлилик, манбалар билан тасдиқланганлик, тарихийлик каби методик ҳамда методологик асослар негизида шакллантирилиши лозим. Ушбу масаланинг ўрганилишини такомиллаштириш, ҳеч қандай мафкурага оғишмай ҳаққоний тарихни яратиш замонавий шароитда долзарб тадқиқот ҳисобланмоқда. Мустақиллик йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласига доир илмий тадқиқот ишлари тарихшунослигини олдимизга тадқиқот иш сифатида (PhD) мақсад қилганмиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ваҳобов М.Ғ. Ўзбек соцалистик миллати. -Т.,1960.
2. Вахобов М.Г. Формирование узбекской социалистической нации. -Т.,1961.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., 1994.
4. Эрматов М. К вопросу о происхождении названия узбек //Ученые записки ТашПИ им. Низами. Т., 1964.
5. Шаниязов К.Ш. Узы. История родоплеменных делений узбеков //Общественные науки в Узбекистане. N2. 1970.
6. Шаниёзов К. Ш. Узбеки - карлуки. -Т.,1964.
7. Шаниёзов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Т.,1974.
8. Хошимова Д.Ф. Ватан тарихшунослигида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезининг ўрганилиши (XIX аср ўрталари XX аср). дис. Т. 1997.
9. Ахмедов Б.А . Государство кочевых узбеков. М. 1965.
10. Зиёев Х.З. Сибирлик ўзбеклар (XVI – XX аср бошлари). -Т., 1958.
11. Жабборов И. Қўҳна харобалар сири (Қадимги Хоразм маданияти тарихидан лавҳалар). Т., 1968.
12. Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. -М. -Л. , 1962.

АВЕСТИЙСКИЕ И ARIO ИСТОРИЧЕСКИЕ ЗАКОНОМЕРНОСТИ СТРУКТУР

Абдукамилов-Арин Р. Т., -
(мл. науч. сотр., НУУз, НЦФ)

Предмет, цель и метод. Предмет — языки и тексты Авестийской и ARIO литературы на темы: «история, социум». Цель: обнаружить и обобщить закономерности структуры исторического развития. Методика: сравнительно-исторический и структурный анализ и синтез, системно-функциональный анализ массивов фактов.

В центральноазиатском Нуристане топологическая структура месторасположений поселений соответствует структуре социума в Авесте: в центре находится ареал 1-го — интеллектуального сословия — Прасун — Prasun ~ Авест. /Pras-/ 'спросить': Peresat Zarathushtro Ahurem Mazdam 'Спросил Заратуштра Ахуру Мазду'. Функция 'спрашивания божества' — функция интеллектуалов-жрецов. Центральный ареал интеллектуалов окружён периферийным защитным ареалом — поясом 2-ого — силового сословия — Кати, Ката, Кам — ka-ta- ~ Авест. kai-, kaena- 'наказание, возмездие' + -ta- — суффикс имён действия (также в др-рус. [3]). Следовательно, имя деятеля ka-tar- 'наказывающий, мститель'. Также имеется периферийный пояс 3-его сословия — производителей материальных благ — пастухов, скотоводов, животноводов, растениеводов, ремесленников. В зап.-ирн. ареале др. персы назвали северную часть Parθava 'окраина' — Парфия; а парфяне назвали южную часть Pārsava 'окраина' — Парса, Персия. Персы и парфяне известны своими боевыми защитными силовыми функциями. На Руси казаки — 2-ое — военное защитное силовое сословие — имеет месторасположение снаружи 1-ого и 3-го сословий. 2-ое сословие ARIO — индоевропейцев — имеющее функции военной силовой защиты — во многих случаях располагается на периферийных поясах и ведёт кочевой образ жизни. Такая же структура характерна для многих биосоциумов. Топологические структуры месторасположений ареалов и населённых пунктов:

Макро-ареал		Мезо-ареал	Семантика
Зап. Иран	Сев.-зап.-ирн.	Мидия и её центр — мидийские маги	Мидия — Māda- < madia ? 'срединная, центральная'; маги — mag-, magu- 'интеллектуалы-жрецы'
		Парфия < др.-прс. Parθa-va	Др.-прс. Parθa- 'часть, край, окраина', сев. окраина Зап. Ирана
	Юго-зап-ирн.	Персия < др.-прф. Pārsa-va	др.-прф. Pārsa- 'часть, край, окраина', юж. окраина Зап. Ирана
Нуристан		Прасун — центр Нуристана	Pras- 'спрашивать' — функция интеллектуалов-жрецов
		Вост. Кати, Ката	Ka- + -ta- 'силовая защита'
		Зап. Кати, Ката	Ka- + -ta- 'силовая защита'
Др. и развив. социумы — города, гос-ва, биосоциумы		Центральная часть	Функции — 1-ая: интеллект и администрация
		Окружающая часть	Функции — 2-ая — силовая защита и 3-я — материальное снабжение

В Ферганской долине имеются два топонима Каркидон: Один — село (на реке Гава-сай) в 10 км севернее г. Чуст. Второй Каркидон — озеро в 25 км восточнее г. Фергана. Оба Каркидона связаны с водными источниками. В 15 км севернее Чуста находится село Варзик. В 20 км севернее Чуста находится село Гава. В 3 км восточнее района Сох имеется село Ормош. В 12 км сев.-восточнее г. Чирчик имеется село Искандар, ранее называвшееся также Искодар. В реку Ягноб впадает река Искандердарья, на которой расположено озеро Искандеркуль. Топоним "Искандер" с вариантами Искодар, Скудра, Скутар, Скутари, Кудар, Кодар широко распространён в ареале ирн. языков. Им соответствуют ARIO основы s-kand-r-, s-kud-r-, s-kud-ar, s-kud-ra-, s-keud-, s-keut-, инд. Çūdrá. Все эти топонимы и этнонимы имеют свои соответствия в Авесте.

Наименования и морфы	Ав. и ARIO морфемы	Семантика
Прасун	/Pras-/, peres-, frash-	Спросить, спрашивать, беседовать
Ката	Kai- + -ta-	Наказание, возмездие
Каркидон	/Kark-/ + Danu-	Орёл богини Дану, обладающей водой
Варзик	Varzika-, verezika-	Действующий
Гава	Gava-	Пастушье село
Фергана	Контаминация /Pari-kana-/ > Pairi-kana и Fra-gana-	Pairi-kana- 'вокруг сооружённое', 'сооружение', 'основа', Fra-gana- 'силовая защита', 'рождение', 'изобилие'
Ормош < Or-mosh < Ahura-Mazda-	Ahura- + Mazda-	Ahura- 'Жизнетворец', Mazda- 'Высший Разум'
Искандар	Skand-ar	Бьющий, разбивающий; Метатель, стрелок, охотник
Искодар	Skud-a-r, s-keud-ar	Метатель, стрелок, охотник
Скифы	s-keud-, s-keut-; s-keu- < s-kieuk-s	Метатель, стрелок, охотник; совершенный

Скотты	Skot-, skeut-	Метатель, стрелок, охотник; совершенный
Скутари	Skut-a-r	Метатель, стрелок, охотник
Скаут	Skeut-	Стрелок, охотник
Çūdrá	Skudra-	Раб; Метатель, стрелок, охотник; совершенный
Сох	Sūh < s-kieuk-s	совершенный
Сухраб	Suhr-āb, Soh-rāb < s-kieuk-s	Красно-водный; совершенный
Сиявуш	Syav-aršan- < syau- < siau- < s-kieuk-s	Чёрный самец; совершенный
Осет. sau	Sau- < syau-; Sau- < s-kieuk-s	Чёрный; совершенный

Богиня Дану, Ав. Dānu- 'течение, поток, река', скиф. Don-, Dan- 'река, вода', гидронимы Дон, Днепр, Днестр, Дунай, ясск., Алан. Dan- 'вода', раннеосет. -dan 'река', осет. don 'река', 'вода' в ареале Кавказа; "народ Богини Дану" в кельтской мифологии. В корне (s)-(k)(i)(e)(u)(k)-(s) фонемы, обозначенные в скобках, являются факультативными [4].

Выводы и научная новизна. Обнаружены закономерности структур исторического развития по семантике 'Интеллект, сила, защита, изобилие'.

Сокращения: ARIO — Ancient Russian, Indo-European, Old — древние и общеиндоевропейские; Ав. — Авестийский; вост. — восточный; гос-ва — государства; др. — древний; зап. — западный; ирн. — иранский, сев. — север; скиф. — скифский, осет. — осетинский; прс. — персидский; прф. — парфянский; юж. — южная.

Литература

1. Абдукамилов Р. Т. Авестийские концепции сверхсистемности интеллекта в VISPE-RATAVO. - Фалсафа ва ижтимоий тараккиёт. Даврий нашр. Илмий маколалар туплами. № 1. Тошкент — 2018. С. 93 — 100.
2. Авеста.
3. Фасмер, М. Этимологический словарь русского языка. М., 1986.
4. Szemerenyi, O. Einführung in die vergleichende Sprachwissenschaft. Darmstadt, 1970.

ШИҲОБИДДИН МУҲАММАДАН-НАСАВИЙНИНГ “СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҲАЁТИНИНГ ТАФСИЛОТИ” АСАРИДА ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Акобиров М., – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Кичик мутахассислар тайёрлаш маркази ўқитувчиси

Ҳар бир халқнинг ўзи фахрланиб ардоқлайдиган, келажак авлод учун намуна бўла оладиган, тарихда яшаб ўтган ва она ватани йўлида улкан жонбозликлар кўрсатган қаҳрамонлари бўлади. Мустақиллик шарофати билан халқимиз ўзлигини англаш билан бирга ана шундай буюк аждодлари сиймосини қайта тиклади. Жумладан,миллатимиз қаҳрамони Жалолиддин Мангубердининг шахси, ҳаёт йўли, ҳарбий ҳаракатлари, она юртини истило қилган зулмкорларга қарши курашишдаги жасоратлари холисона баҳоланиб, тарихимиздан муносиб ўрин эгаллади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 1999-йилда Хорамшоҳлар-Ануштегинийлар сулоласининг сўнги вакили, буюк саркарда ва давлат арбоби Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ бир қанча илмий ва бадий асарлар яратилди. 1999-йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтида Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейига бағишлаб “Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди” (даври, маданий ҳаёт, манбалар) номли тўплам чоп этилди. Тўпламда Хоразм тарихи, маданияти, Жалолиддин Мангубердининг тенги йўқ жасорати воқеалар-далиллар ва хужжатлар-кўлёзма манбалар асосида акс эттирилган. Бундан ташқари 2000-йил 30-августда Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 30ноябрь куни Урганч шаҳар марказидаги Жалолиддин Мангуберди номи билан бунёд этиладиган мемориал боғ яратиш лойиҳаси билан танишди. Президент Жалолиддин Мангуберди ҳайкали буюк бобомизнинг жасорати ва шону шавкатига мос

маҳобатли бўлиши, унинг атрофидан нур таралиб туриши кераклигини таъкидлади. Шунингдек, Президент “фарзандларимизни Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк бобокалонларимизга муносиб қилиб тарбиялашимиз керак” деди[1]. Бунинг учун, авволо, бу буюк саркардаларимизнинг тарихи, ҳарбий маҳоратини илмий тадқиқ қилишимиз, ўрганишимиз ва кенг тарғиб этишимиз муҳимдир.

Бу борада юқорида таъкидалаб ўтганимиздек кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Шундай бўлсада, унинг Чингизхон ва мўғулларга қарши курашдаги жасорати, ҳарбий маҳорати, ўз даврида қудратли бўлган душманга қарши кураш муваффақиятларининг сирлари ҳали-ҳануз илм-фанда ўрганишни талаб қиладиган муаммолардан бирилигича қолмоқда. Шу нуқтаи-назардан, Жалолиддин Мангубердининг замондошлари, уни кўрган ва билган муаррихларнинг хотираси, кундалиги ҳамда асарларида бу шахснинг ҳарбий маҳорати хусусидаги маълумотларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўли, мўғулларга қарши муносиб жасорати ҳақида сўзловчи бирламчи манбалардан бири бу Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тафсилоти” номли асаридир. Муаллиф асарни Жалолиддин Мангуберди вафот этгандан 10 йил ўтиб яъни 1241йилда ёзишга киришган ва 1249 йилда тамомлаган. Ушбу асарда 1218 йилдан то 1231йилга қадар воқеалар баёни, яъни Аловуддин Муҳаммад, Чингизхон босқини, Жалолиддин Мангубердининг Хоразм, Хуросон, Ҳиндистон, эрон, Ироқ, Озарбайжон, Грузия каби давлатлардаги фаолиятлари ҳаққоний акс эттирилган. Асарнинг ҳаққонийлиги шундаки, биринчидан, асар муаллифи Жалолиддин Мангубердининг муншийси, шахсий котиби бўлган ва у бевосита кўрганларини, ёки воқеа иштирокчиларидан эшитганларини ёзган. Иккинчидан, асарнинг ёзилиб бошланиши Жалолиддин Мангубердининг вафотидан ўн йил ўтиб бошланган. Тадқиқотчи олим Н.Тошевнинг фикрича бу вақтда муаллифга воқеаларни холисона баҳолашига ҳеч қандай куч тўсқинлик қилмаган[2].

Асарда султон Жалолиддин қўшинининг таркиби, жанглардаги ҳарбий маҳорати батафсил ёритиб берилган. Султон Жалолиддин даврида армияни ташкил этган унсурларда баъзи ўзгаришлар бўлди. Султон Аловуддин даврида қипчоқ-қанғлилар гвардиянинг асосини ташкил қилган бўлса Жалолиддин даврида қипчоқлардан узоқлашиш бўлди. Бунга сабаб қипчоқларнинг Жалолиддинни ҳокимят тепасига келишини хохламаганликларида эди. Ҳатто уларнинг фитнаси Жалолиддинни Урганчни тарк этишга мажбур этганди. Шундан сўнг қипчоқлар армиядан четлатилди. Фақат салтанатининг охирги йилларида мўғуллар таҳликасини ортиши билан Жалолиддин яна қипчоқлардан фойдаланиш фикрига келди[3]. Насавийнинг келтирган маълумотларига кўра Жалолиддин қўшини таркибида туркийлар, халажлар, қарлуқлар, ғурлар, афғонлар ҳам бўлиб, улар қўшинда асосий кучни ташкил қилган. Парвон даштидаги ғалабадан кейин қўлга киритилган ўлжаларни тақсимлашда туркий қўшинлар бошлиғи Амин Малик халажлар бошлиғи Сайфиддин Ағроқ билан келишмай қолади. Натижада қўшин таркибидаги халажлар, қарлуқлар, афғонлар ажралиб чиқиб кетадилар. Жалолиддин туркийлар билан қолади.

Силтон Жалолиддин қўшинлари сони тўғрисида маълумотлар келтирилганда тарихчилар маълумотларида бироз фарқлар сезилади. Масалан: Насавий маълумотларида Жалолиддин Ғазнага етиб келган пайтида Амин Малик билан биргаликда уларнинг қўшини жами ўттиз минг бўлган. Жувайний ёзишича, Ғазнада унга яна 60-70 минг лашкар келиб қўшилган. Амин Малик қўлостида 50 минг, Сайфиддин Ағроқда эса 40 минг лашкар бўлган[4]. Ибн ал-Асир эса Жалолиддин қўл остида отасидан қолган 60 минг лашкар бор эди деб ёзади. Рашидиддин фикрича, Амин Малик ва Сайфиддин Ағроқ қўшинида 40 минглашкар бўлган. Шунингдек, Жалолиддин сафига атрофдаги ўғуз амирлари ҳам келиб қўшилган, ан-Насавий уларни Музаффар Малик бошчилигидаги афғонлар, ал-Ҳасан бошчилигидаги қарлуқлар деб атайди. Абул Фараж Жалолиддин қўшинидаги барча лашкар сонини 90 минг деса, Жузжоний куч ғайратга минган 130 минг лашкар бор эди деб ёзади[5].

Асарда Султон Жалолиддиннинг жанглардаги ҳарбий маҳоратлари ҳам тўла баён этилади. У энг оғир ва таҳликали вазиятларда ҳам қўшинига далда бериб олға бошлаган. Масалан: Жалолиддин Синд дарёсидаги жангдан сўнг жуда оғир аҳволда қолади. Султон Жалолиддин оз сонли қўшини билан Синд дарёсидан ўтиб олгач, Ал-Жуд тоғидаги Шатра ранаси унга ҳужум қилади. Насавийнинг маълумотларига қараганда у Синд дарёси бўйидаги жангдан сўнг Жалолиддиннинг оз миқдордаги отлиқ қўшини қолганини билгач, унинг кучи камайганидан ва қулай фурсатдан фойдаланиб ўлжали бўлиб қолиш мақсадида минга яқин отлиқ ва беш мингта пиёда қўшини билан юриш бошлайди[6]. Жувайнийнинг маълумотларига кўра эса Жалолиддин дарёдан чиқиб олгач беш-олти аскари билан ўрмондан паноҳ топади. Бир неча кундан кейин султоннинг душманни ўрганиш учун юборган аскарлари бир фарсах масофада ҳинд қароқчиларидан ташкил топган отлиқ ва пиёда қўшиннинг жойлашганини маълум қилади. Султоннинг буйруғига кўра аскарлари қўлларига йўғон калтаклар олиб тунда уларга ҳужум қилади ва мағлуб этади. Кўплаб қурол яроғларни ўлжа олдилар. Бир неча кундан кейин эса султон 120 кишилик қўшини билан икки-уч минг кишилик ҳиндларнинг ҳарбий қисмни яксон қилади[7].

Туркларда қадимдан мавжуд анъанага кўра қўшин ўнг ва сўл қисмларга бўлинган. Жалолиддин ҳам очиқ жангларда манна шу анъанани давом эттиради. Масалан: Жувайний келтирган маълумотларга кўра Парвон даштидаги жангда ўнг қанотни Амин Малик, сўл қанотни эса Сайфиддин Ағроқ бошқарган. Ўзи эса марказга бошчилик қилган[8]. Насавийнинг таъкидлашича Синд дарёси бўйида Жалолиддиннинг мўғуллар билан тўқнашувида Чингизхоннинг 10.000 лик сараланган қўшин пистрмадан чиқиб, Жалолиддиннинг ўнг томонига, Амин Малик лашкарларига ҳужум қилди. Уларни енгиб, марказга томон суриб ташлади[9]. Демак у ўнг ва сўл томонга амир ва малик унвонидагиларни қўмондон қилиб тайинлаган.

Султон рақибларини енгишда дипломатик йўллардан ҳам унумли фойдаланган. Масалан: Султон Жалолиддин Ҳиндистондан чиқиб Ироққа борганда унга укаси Ғиёсиддин душманона муносабатда бўлади. Шунда султон ўз элчиси орқали Ғиёсиддиннинг бир қанча амирларига ўзининг муҳрли узукларидан бир нечтасини бериб юборади. Бу султоннинг уларга ишончини англатар эди. Амирлардан айримлари узукни олиб султон Жалолиддин томонга ўтиб кетадилар[10]. Жувайний келтирган маълумотларга кўра, душманларга қарши ҳарбий ҳаракатларда ҳийла ҳам ишлатган. Масалан: Жалолиддин Нишопурда бир ой тургач, Ғазна томонга кетишга мажбур бўлади. Сабаби мўғуллар уни Нишопурда эканлигини билиб катта қўшин юборади. Мўғуллар Жалолиддиннинг изига тушганда у мўғулларни чалғитиш учун йўл иккига ажралган жойда Маликулдирак бошчилигида ҳарбий қисм қолдиради. Маликулдирак қўшини билан мўғуллар қўшини тўқнашганда у бошқа йўл орқали чекиниб мўғулларни ортидан эргаштиради.

Хоразмшоҳларнинг қўшинлари ҳам давлатнинг рамзи бўлган байроқ кўтариб юришган. Жалолиддиннинг байроғи қорарангда бўлган. Хоразмликлар байроғининг қорарангда бўлиши уларнинг Салжуқийлар салтанатининг қонуний вориси эканлигини англатган. Султон Жалолиддин Хоразмдан чиқиб кетиб Наса яқинида 700 мўғулларнинг отлиқ қўшинини мағлуб қилганидан кейин, Наса ҳокимига бу ғалаба ҳақида Чораменд қишлоғининг раисидан нома келади. Унда қишлоққа 300 та қора туғ тутган отлиқлар келгани, уларнинг орасида Жалолиддин борлиги ҳамда қишлоқ раисидан ўзлари ва отлари учун егулик сўрагани ҳақида айтилади[11].

Асардан Султон Жалолиддин қўшинининг асосий ва ҳал қилувчи кучи бу унинг суворийлари ҳисобланганлигини билиб олишимиз мумкин. Масалан: Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ вафотидан олдин Жалолиддинни султон қилиб тайинлайди. Жалолиддин укалари Қутбиддин Ўзолқшоҳ ва Оқшоҳлар билан Хоразмга келганида султоннинг тарқаб кетган қўшинининг қисмлари, айрим сабабларга кўра Хоразмга келганлар тўпланиб 7000 кишилик отлиқ қўшинни ташкил қилади. Уларнинг кўпчилик қисми Баёт уруғидан бўлиб йўлбошчиси ўзини Қутлуғхон деб атаган Бужи Паҳлавон эди[12]. Аммо Хоразмдаги Жалолиддинга қарши кучларнинг унга қарши тайёрлаётган фитнасидан хабар топгач Темур Малик ҳамроҳлигида 300 отлиқ қўшин билан Хорзмдан Хуросон томонга кетишга мажбур бўлади. Мана шу уч юз отлиқ қўшини билан Жалолиддин Хуросоннинг Наса шаҳри шимолида мўғулларнинг 700 отлиқ қўшинини мағлуб қилади. Бу жангда Хоразм ва Хуросон ўртасидаги чўлдан хориб чиққан Жалолиддин қўшини душман қўшинининг марказий қисмига тўсатдан шиддат билан ҳужум уюштиришдан бошлайди ва ғалабага эришади. Худди шужангда дастлабки маротаба мусулмон аскарларининг қиличи мўғул қўшинларининг қонига ботирилади. Бироқ Ибн ал-Асир Жалолиддин Текечек ва Молғор бошчилигидаги мўғул қўшинлар устидан Валиён қалъасидаги ғалабасини дастлабки ғалабаси деб атайди[13]. Жалолиддин Нишопурдан Ғазна томонга юрганда унга Ҳирот ҳукмдори тоғаваччаси Аминал-Мулк 10.000 отлиқ қўшини билан қўшилади. Жувайнийнинг келтиришича Аминал-Мулкнинг 50.000 қўшини бўлган[14]. Иккаласи Қандаҳор қалъасини қамал қилиб ётган тоторларга қарши олиб борган жангида мувофаққият қозондилар. Парвон даштидаги жангда ҳам Жалолиддин қўшинининг ўнг қанотини бошқараётган Амин Малик 10.000 суворий билан душманнинг чап қанотига ҳужум қилиб, уларни ўз жойидан суриб ташлади[15][1]. Демак қўшиннинг асосий қисми суворийлардан ташкил топганини ҳисобга олсак, қўшинда отнинг ўрни қай даражада бўлганини англашимиз мумкин. Жалолиддиннинг ўзи миниб юрган оти ҳам унга садоқат билан кўп йил хизмат қилади. Синд дарёси бўйидаги мағлубиятдан кейин Жалолиддин чорасиз қолгач дарёга сакрайди. Дарёдан у отини кўмагида қутулиб чиқади. Б у от унга Тифлисни эгаллагунга қадар хизмат қилади.

Демак, Шиҳоббиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг ушбу асарда келтирилган маълумотлар орқали кўришимиз мумкинки, Жалолиддин ўз даврининг моҳир саркардаси бўлган. У ўз ҳарбий маҳорати билан Қорақурумдан то Каспий денгизига қадар ҳудудларни эгаллаб, Хоразм ва Мовороуннаҳрни Хуросондан ажратиб турувчи, Чингизхон лашкарлари ташкил қилган ҳалқани ёриб ўтди. Айниқса, Қандаҳор ва Парвон даштидаги мўғуллар устидан қозонилган ғалабаларидан сўнг, мўғулларни енгилмаслиги ҳақидаги афсонани ёлғонга айлантирди. Жангларда эса шахсан ўзи қўшин марказини бошқариб, душман лашкарларининг марказий қисмига ҳужум уюштирар ва уни бир неча қисмларга бўлиб юборар, қўшинининг ўнг ва сўл қанотлари эса бу гуруҳларни қуршовга олиб янчиб ташларди. Шунинг учун ҳам

[1]Ўша асар. – Б. 371.

Чингизхондек дунёни ларзага келтирган саркарда ҳам Жалолиддиннинг жасоратига тан берган. 50-60 минглик лашкари турли хил уруғлардан, халқлардан ташкил топганига қарамасдан уларни аниқ масад сари йўналтира олган.

Адабиётлар

1. kknews.uz/oz/32237.html
2. Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди ўз даври ёзма манбаларида. Ўзбекистон Тарихи журнали 1-сон. Т.: ФАН, 1999.–Б. 54.
3. Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. –Б. 319.
4. Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. / Таржима ва сўз боши муаллифи Назарбек Раҳим, Мурсал Ўзтурк. Т.: Мумтоз сўз, 2015. –Б. 370.
5. Насавий Шаҳобиддин Муҳаммад. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / Таржима ва сўз боши муаллифи Матёқубов Камол. Т.: ФАН, 2018–Б. 381.
6. Насавий Шаҳобиддин Муҳаммад. Ўша асар–Б. 132.
7. Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. / Таржима ва сўз боши муаллифи Назарбек Раҳим, Мурсал Ўзтурк. Т.: Мумтоз сўз, 2015. –Б. 375.
8. Алоуддин Атомалик Жувайний. Ўша асар. –Б. 371.
9. Насавий Шаҳобиддин Муҳаммад. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / Таржима ва сўз боши муаллифи КамолМатёқубов. Т.: ФАН, 2018–Б. 131.
10. Ўша асар.–Б. 148.
11. Ўша асар–Б. 102.
12. Насавий Шаҳобиддин Муҳаммад. Ўша асар. – Б. 98.
13. Ўша асар. – Б. 381.
14. Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. / Таржима ва сўз боши муаллифи Назарбек Раҳим, Мурсал Ўзтурк. Т.: Мумтоз сўз, 2015. – Б. 370.
15. Ўша асар. – Б. 371.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ КАРАКАЛПАКСТАН

Аметов Т.А., – Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

В 1989-1992 годах в республике проведена определенная работа по улучшению и совершенствованию государственного строительства Каракалпакстана. Например, деятельности главного органа планирования республики, Совет Министров Республики Каракалпакстан принято постановление от 26 марта 1990 года «О дальнейшем совершенствовании организационной структуры Госплана ККАССР», которым предусматривалось совершенствование его организационной структуры на основе всемерного использования достижений научно-технического прогресса, интенсификации общественного производства, проведения активной инвестиционной политики. Возложенные на него эти и другие обязанности Госплан республики реализовывал до 4 октября 1991 года. В связи с началом перехода экономики на рыночные отношения, появлением различных форм собственности и развития предпринимательской деятельности в республике возникла необходимость совершенствования системы планирования. Учитывая это обстоятельство, Президиум Верховного Совета рассмотрел предложение Совета Министров по созданию организационных структур управления народным хозяйством, адекватных рыночной экономике, единому рыночному пространству, усилению работы по согласованному проведению экономических реформ и координации внешнеэкономической деятельности, а также для достижения их открытости и принял Указ от 4 декабря 1991 года «Об упразднении Государственного планового комитета и образовании Министерства экономики Республики Каракалпакстан».

Президиум Верховного Совета в условиях переходного периода на рыночные отношения на вновь созданное Министерство возложил следующие обязанности: координация и проведение в республике экономической политики государств - членов экономического союза по важнейшим вопросам формирования единого рыночного пространства; контроль за реализацией положений договора об экономическом союзе, договоров и соглашений с другими республиками и государствами; обеспечение разработки и реализации государственных, научно-технических, экологических,

гуманитарных и иных программ и определение параметров социально-экономического развития республики, а также функции по выдаче лицензий на биржевую, страховую, банковскую, внешнеэкономическую и иную коммерческую деятельность, правовое регулирование которых в соответствии с законодательством Каракалпакстана возложено на исполнительно-распорядительные органы власти.

Президиум Верховного Совета поручил Совету Министров республики укомплектовать Министерство экономики республики высококвалифицированными кадрами и утвердить Положение о нем. Во исполнение Указа Президиума Верховного Совета Совет Министров принял постановление от 4 ноября 1991 года «Об упразднении Государственного планового комитета и образовании Министерства экономики Республики Каракалпакстан». Этим документом Совет Министров обязал министерства, государственные комитеты, ведомства, объединения и предприятия, расположенные на территории республики, независимо от подчиненности и форм собственности, согласовывать вопросы социально-экономического развития своих отраслей и коллективов с Министерством экономики. В соответствии с постановлением Совета Министров республики Министерство экономики разработало и представило в правительство республики проект Положения о Министерстве экономики. Но стремительно происходящие в республике преобразования не позволили Совету Министров утвердить проект данного положения.

В крайне сложных и противоречивых условиях экономической реформы Указом Президента Узбекистана от 5 августа 1992 года на базе Комитета по прогнозированию перспектив развития Узбекистана и Госкомитета Узбекистана по статистике был создан Госкомитет по прогнозированию и статистике Кабинета Министров при Президенте Республики Узбекистан. Как отмечено в Указе, он был образован в целях обеспечения высокого уровня прогнозно-аналитической работы по определению приоритетных направлений и перспектив развития Узбекистана в условиях перехода к рыночной экономике, интеграции в мировое сообщество, формирования надежной и достоверной статистической информации, отвечающей международным нормам и стандартам. Этим Указом Президента поручено Совету Министров Каракалпакстана создать Министерство экономики и статистики, а также установлено, что оно подведомственно Правительству Республики Каракалпакстан.

В соответствии с вышеназванным Указом Президента Президиум Верховного Совета Каракалпакстана принял Указ от 25 августа 1992 года «О создании Министерства экономики Республики Каракалпакстан» (Минэкономстат), который был утвержден постановлением Верховного Совета от 14 декабря 1992 года.

В принятом Указе Президиума Верховного Совета предусмотрены задачи и функции, аналогичные полномочиям Госкомитета по прогнозированию и статистике Кабинета Министров при Президенте Республики Узбекистан. В нем намечено создание в районах и городах на базе прежних территориальных подразделений отделов по координации экономики и статистике, объединение их в единую структуру.

Следует отметить, что до создания Министерства экономики и статистики в 1992 году Правительством Каракалпакстана были приняты меры по улучшению работы органов статистики. В постановлении «О совершенствовании деятельности Государственного комитета Республики Каракалпакстан по статистике», принятом Советом Министров республики 1 июня 1992 года, были определены главные задачи и направления деятельности этого органа. На него были возложены функции по комплексному исследованию экономических и социальных процессов, происходящих в Каракалпакстане, их влияния на уровень жизни населения, эффективность созданного производственного потенциала и уровень сбалансированности народного хозяйства; изучению процессов формирования новых отношений собственности, развития рынка и его инфраструктуры, форм хозяйствования и видов предпринимательской деятельности; внедрению научно-обоснованной системы отчетных показателей, прогрессивных форм сбора и обработки данных; усилению взаимодействия органов статистики с другими экономическими органами республики в вопросах комплексной разработки социально-экономических проблем, обеспечения их необходимой информацией, аналитическими и прогнозными материалами и т.д.

Впоследствии, как отмечалось выше, этот Государственный комитет был объединен с Министерством экономики, что было целесообразным решением в условиях перехода к рыночным отношениям.

Однако, реформирование и совершенствование системы этого важного экономического органа этим не завершилось. Правительство республики, взвесив все обстоятельства и учитывая, что в Узбекистане создан Госкомитет по прогнозированию и статистике (Госкомпрогнозстат), вошло с предложением в Президиум Верховного Совета о преобразовании Министерства экономики и статистики в Госкомитет по прогнозированию и статистике республики, которое было принято Президиумом Верховного Совета. Им издан Указ от 16 декабря 1992 года по данному вопросу.

Разработка должностных инструкций позволит устранить дублирование в работе, будет способствовать улучшению трудовой дисциплины, повышению чувства ответственности за порученное дело.

Правовая регламентация управленческого труда - это предпосылка и гарантия режима законности в государственном аппарате.

АНГРЕННИНГ КОНЧИЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНИШИ ТАРИХИДАН

Анорқулов С.М., – ЎзМУ таянч докторанти

Тошкент воҳаси табиий шароитига кўра жуда қулай минтақада жойлашган. Улкан хомашё заҳирасига эга бўлган вилоятда Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод каби саноатлашган шаҳарлар мавжуд. Ушбу шаҳарлар агломерациясининг ривожланиши ва урбанизацияси айнан, саноатнинг ривожланиши даврига тўғри келиб, ҳудуд аҳолисининг шаклланиши ва ўзига хос этник таркибга эга бўлиши жараёни бевосита ишлаб чиқариш марказларининг ривожланиши билан бирга кечган. Шаҳарлар антроплогиясини тандқиқ этишда унинг тарихини ўрганиш муҳим жиҳат ҳисобланади[1]. Ҳақиқатдан, Ангрен шаҳрининг саноат шаҳрига айланиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни таҳлил этиш, мазкур минтақа аҳолиси ва этник таркибининг шаклланиши, кишиларнинг ҳудуддаги ижтимоий-маданий мослашуви, шунингдек, одамларида ҳудудга хос бўлган ўзига хосликнинг пайдо бўлишига доир кўплаб маълумотларни беради.

Бугунги кунда Ангрен шаҳар агломерацияси шаклланаётган минтақа даражасидаги маскан[2] ҳисобланиб, 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра 175 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилиши қайд этилган[3]. Шаҳар географик жиҳатдан Қурама ва Чотқол тоғлари оралиғидаги водийда жойлашган. Табиий қазилма ресурсларга бойлиги кончиликнинг жуда эрта бошланишига сабаб бўлган. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида буни тасдиқловчи жуда кўп маълумотлар тўпланган. Ҳудудда дастлаб 1928 йилда М.Массон археологик тадқиқотларни ташкил этган бўлса, кейинги даврларда Ю.Буряков, М.Филанович каби қатор олимлар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилди[4].

Денгиз сатҳидан 850-1000 метр баландликда жойлашган бу минтақада шаҳарнинг пайдо бўлиши ва кейинги тараққиёти, бевосита ўлкада кўмир конининг топилиши билан боғлиқ. 1933 йилда геолог Д.Богданович Ангрен тоғларининг улкан кўмир захирасига бой эканлигини илк бор қайд этган бўлса, асосий қидирув-разведка ишлари 1940 йилдан Г.Чикризов томонидан амалга оширила бошланди. Тез орада унинг бошчилигидаги ишчи гуруҳ Ангрен дарёсининг ўнг қирғоғида, Зағинсой яқинида бурғулаш ишларини бошлаб юборди[5]. Шу орада совет давлатининг жаҳон урушида иштироки бошланиб, эндиликда, кўмир хомашёсига бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ортди. Натижада, Ангреннинг алоҳида маъмурий марказ сифатида эътироф этиб, қазиш ишларини янада жонлантириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ангреннинг саноат шаҳри сифатидаги тарихининг бошланди ушбу воқеа- ҳодисалар билан бевосита боғлиқ бўлди.

Бунгача Ангрен Оҳангарон тумани таркибидаги ишчи посёлкаси мақомидаги маъмурий бирлик бўлиб, унда 1939 йилги аҳоли рўйхатида 744 нафар киши яшаганлиги қайд этилган[6].

1946 йил 17 майда Ўзбекистон ССР Олий Совети “Ангреншахтстрой” ишчи посёлкасини Тошкент вилояти Оҳангарон тумани таркибидан ажратиш ва унга вилоятга бўйсунувчи шаҳар мақомини бериш тўғрисида” фармон чиқарди[7]. Ушбу ҳужжат асосида Ангрен шаҳрининг кўмирчилар ва энергетиклар шаҳри эканлиги ҳуқуқий асосга эга бўлди. Ҳудуддаги кўмир хомашёсидан фойдаланишнинг кенгайтириш, энергия олишнинг ушбу соҳасини янада ривожлантириш бевосита малакали кадрларга эҳтиёжни пайдо қилди. Совет ҳукумати дастлабки йилларда Украинадаги Донбасс кончи мутахассисларини бу ҳудудга жўнатиш билан мавжуд эҳтиёжни қоплашга ҳаракат қилди. Лекин кўмир қазиб олиш ҳажмининг ниҳоятда тез суръатларда ўсиб бориши, кончиларга бўлган эҳтиёжни бошқа совет республикаларидан жўнатилган ишчи кадрлар билангина тўлдириш имкониятини қийинлаштирди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун маҳаллий аҳолини соҳа мутахассиси қилиб тайёрлаш вазифаси пайдо бўлди. Тез орада кончиларни тайёрловчи бир неча таълим муассасалари барпо этилди. Шу тариқа бу маскан кончиларни етиштирадиган даргоҳга айланди. Ушбу даргоҳлар нафақат, Ангрен, балки Ўзбекистоннинг кончилик тизимидаги Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё каби вилоятларга ишчи ходимларни етказиб бера бошлади. Масалан, 1959 йилда ташкил этилган Тошкент политехника институтининг Ангрен филиалида 700 нафар[8] талаба қазиб олинган фойдали қазилмаларга ишлов бериш, керамикалар ва ўтга чидамлиликни оширувчи кимёвий технологиялар каби мутахассисликлар бўйича таълим олдилар. Битирувчи ёшларнинг аксарияти кон иши бўйича Ангренда қолиб ишладилар. Айтиш мумкинки, ўзларининг кейинги ҳаётларини мазкур саноат маркази билан боғладилар.

Таъкидлаб ўтилаётган воқеликлар, ёш шаҳарга аҳоли миграциясининг асосий сабабларига айланди. Яъни, кўчиб келаётган аҳолининг аксарияти, онгли равишда кончилик, энергетика соҳасида ишлаш ёки ўқиш кайфияти билан келишган. Бу эса ўзига хос шаҳар муҳитининг шаклланишига туртки бўлди.

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб, Ангрен шаҳри қиёфаси бошқа совет ресбубликалари саноат шаҳарларидаги каби совет кишисининг моддий юксалиши унинг маиший турмушининг кўтарилиши билан боғлиқлиги тўғрисидаги назариялар асосида қурилди. Дастлабки шаҳар типидаги манзилгоҳлар уч йўналишда – Жигаристонсой, Тешиктош қишлоғи ва социалистик шаҳар майдонида амалга оширилди[9]. 50-йилларнинг ўрталарига келиб, асосан, бир қаватли ишчи кварталлари, алоҳида шаклда барпо этилган турар-жой комплекслари шаклланди. 1956 йилда шаҳар комитети ва шаҳар советининг “Катта Ангреннинг қурилиши тўғрисида”ги масала кўриб чиқилиб, унда турар-жой ва маданий-маиший бинолари муаммоси ҳал этилди. 1966-1968 йиллардаги шаҳарларни қайта қуриш даврида шаҳарнинг кўриниши яна ўзгарди. Шаҳар учун зарур бўлган, аҳолини ўзаро боғловчи муҳим объектлар – меҳмонхона, стадион, бозор, мактаб ва дўконлар барпо этилди[10]. 1962 йилдаги Ўзбекистон Компартияси МҚ ва республика Министрлар Советининг “Табиатни сақлаш ва кўкаламзорлаштириш кўнгиллилар жамиятини” ташкил этиш тўғрисидаги қароридан сўнг, шаҳарликлар кучи билан 24 гектарли Шимолий, 25 гектар майдонга эга Шарқий томошабоғлари ташкил этилди. Гўёки шаҳар яшил тусга кирди[11]. Ангренликларнинг маънавий ҳордиқ олиши учун катта имкониятлар пайдо бўлди.

Ташкил этилаётган янги-янги саноат корхоналари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари, албатта, шаҳар аҳолисининг маиший турмушига таъсир кўрсатмасдан қолмади. 1959-1965 йиллар оралиғида аҳолининг маиший хизмат кўрсатиш соҳасидан фойдаланиш имконияти 4 баравар ўсди. Шаҳарликлар 1970 йилда 1965 йилдагидан маиший хизматнинг 25 дан зиёт турларига эга бўлди[12].

Кўриниб турибдики, Ангрен шаҳрида амалга оширилган барча соҳалардаги бунёдкорлик ишлари кўмир саонаотини ривожлантириш ва кончилар турмушини яхшилаш муаммоси доирасида амалга оширилди. Ҳатто таълим тизимида мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳам шу соҳага йўналтирилди. Буларнинг барчаси шаҳар аҳолисида ўзларининг одамларга ва дунёга иссиқлик, қувват улашувчи эканлигига оид ўзига хос руҳиятнинг шаклланишига олиб келди. Шаҳар аҳолисининг ўсиши тезлашди. Ангрен саноат марказига айланган даврларда аҳолининг минг нафарга ҳам етмаганлигини, 1959 йилги аҳоли рўйхатида 55 мингдан ортиқ[13], 70-йилларга келганда у ерда фақатгина кончиларнинг ўзи 5 минг[14] нафарни ташкил этгани, шунингдек 1979 йилда 106 минг, 1989 йилда 132 минг киши[15] яшаганлиги шуни кўрсатади.

Аҳолининг шаҳар муҳитига ижтимоий-иқтисодий мослашуви ҳам ўзига хос бўлиб, уларнинг аксариятида кон иши ҳаёт кечиришнинг асосий омилига айланди. Бу эса уларда кон ишига ҳурмат-эътиборни кучайтирди. Маълумки, аҳолининг хўжалик машғулоти унинг ўзига хос психологиясини ҳам шакллантиради. Ангренликларнинг руҳиятида ҳам бу кўзга ташланади. Уларнинг аксарият меҳнат қўшиқларида ўзларини қувват улашувчи хислат билан сифатлаганини кўриш мумкин. Масалан:

По-ангренски от щедрого сердца

Дарим людам и свет, и тепло

Ангрен шаҳри аҳолисининг ўзликни англашдаги бу каби хусусиятлар саноат марказининг кўмир қазиб олишга ихтисослашганлигидан ташқари, маънавий ҳаётининг ҳам шу издан ривожлантиришлиши натижаси эди. Аҳолининг маданий-маиший ҳаётида муҳим роль ўйновчи муассасаларнинг ташкил этилишида бу яққол кўзга ташланади. Манадият уйлари, клублар, кутубхоналар ва бошқалар ангренликларнинг эмас, балки, айнан, кончиларнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилгандек гўё. Шаҳарда “Горняк”, “Шахтёр”, “Энергетик” каби клублар фаолият кўрсатган. Қолаверса, Совет Иттифоқи республикаларининг кўзга кўринган ёзувчилари ва маданият арбоблари маълум вақт шаҳарда яшаб, шаҳар аҳолисини фидокорона меҳнатга ундовчи шиорлари билан мурожаат қилишган. Жумладан, туркман ёзувчиси Берди Қорбобоев: “Бизга сизнинг кўмирингизсиз совуқ, сизга бизнинг санъатимизсиз зерикарли” деган эди[16].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Тошкент вилояти саноат шаҳарлари қиёфасида умумий хусусиятлар мавжуд. Буни ўрганилаётган саноат марказларининг ўхшаш тарихий шарт-шароитларда вужудга келганлиги билан изоҳлаш мумкин. Қайси бир саноат шаҳрини олмайлик уни ташкил этишда деярли бир хил мақсад ётади. Совет ҳукуматининг жамиятни саноатлаштириш ва буни оммавий тарзида амалга ошириш сиёсати, нафақат Тошкент вилояти балки, бутун республикада шу каби саноат маказларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Лекин, ҳар бир минтақа ўзининг табиий имкониятларига эга. Бу омил Тошкент вилояти саноат шаҳарлари қиёфасида ўз аксини топиб, айниқса, аҳолининг турмуш тарзи, этник таркиби, шаҳар кишиси сифатида ўзлигини англашида бу яққол кўринади. Ангрен ва Чирчиқ сингари саноат шаҳарларининг қиёсланиши орқали бунга гувоҳ бўлиш мумкин. Чирчиқ шаҳри гидроэнергия ва кимёвий ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу унинг асосий вазифасига айланди. Аҳолининг иш билан бандлиги, кундалик турмуш тарзи, гидроэнергетика ва кимё саноати ривожланган Ленинград, Воронеж, Томбов,

Сумск шаҳарларидан шу соҳа вакилларининг кўчиб келиши Чирчиқда ўзига хос муҳитни яратди. Чирчиқликлар “энергетиклар”, “кимёгарлар” сифатида талқин этила бошланди.

Ангрен шаҳрига эса асосан кончилик ривожланган совет Украинасидан мутахассисларнинг келиши, ишлаб чиқариш, кадрлар тайёрлаш тизимининг асосан кончиликка ихтисослашгани ўзига хос манзарани вужудга келтирди. Яъни ангренликлар дейилганда кончилар тушуниладиган, шаҳарда эса кончилар шаҳрига хос ижтимоий қиёфа шаклланди. Ижтимоий-иқтисодий мослашув натижасида кишиларда шаҳарга хос бўлган умумий маданият белгилари юзага келди. Бир сўз билан айтганда ишчилар посёлкаси бўлган Ангрен, эндиликда кончиларга шаҳрига айланди.

Адабиётлар.

1. Caroline B. Brettel. Urban History, Urban Anthropology, and the Study of Migrants in Cities. Article in City & Society. June 2008. –P.129.
2. Таштаева С.К. Ўзбекистон шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланиши (Тошкент агломерацияси мисолида). География фан. ном. дисс. Тошкент, 2011. 46-48- бетлар.
3. https://ru.wikipedia.org/wiki
4. Массон В.М. Ахангаран. Археол. топог. очерк. –Ташкент: АН УзССР, 1953; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. –Ташкент: Фан, 1982. – 214 с.; Филанович М.И. Ташкент Зарождение и развитие города и городской культуры. –Ташкент: Фан, 1983. – 233 с.
5. История новых городов Узбекистана Ташкентская область. –Ташкент: Фан, 1976. –С.69.
6. ЎзРМДА. 1619-фонд, 11-йиғма жилди, 701-иш, 2-жадвал.
7. Города Узбекистана. –Ташкент: Узбекистан, 1965. –С.71.
8. Ангрен шаҳар архиви, 7-фонд, 262-иш, 12-вароқ.
9. Тошкент вилояти давлат архиви, 408-фонд, 3-жилд, 23-иш, 34-вароқ.
10. Ангрен шаҳар архиви, 7-фонд, 262-иш, 22-вароқ.
11. “Ангрен ҳақиқати” газетаси, 9 июнь 1966 йил.
12. Гулямов А. Ангрен. –Ташкент: Узбекистан, 1971. –сс.35-36.
13. Всесоюзная перепись населения 1959 г.
14. Гулямов А. Ангрен. – Ташкент: Узбекистан, 1971. –С.13, 17.
15. Болдыров В.А. Итоги переписи населения СССР. –Москва: Финансы и статистика, 1989. –С.21.
16. Гулямов А. Ангрен. – Ташкент: Узбекистан, 1971. –С.26.

XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТИДА МАЪРИФАТПАРВАР АБДУРАҲМОН САЙЁҲ ТОШКАНДИЙНИНГ “МЕЪЁР УЛ-АХЛОҚ” АСАРИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ҒОЯЛАР

Асатуллоев А.А., – Янгиер шаҳар 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

XIX аср иккинчи ярмида мусулмон Шарқ мамлакатларида юзага келаётган миллий озодлик ҳамда тараққиёт ғояларини илгари сурган маърифатпарварлар фаолияти Россия империяси мустамлакасига айланган Туркистон ўлкасида турли кўринишларда шакллана борди. Бу даврда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби жадидлар ўз фаолиятлари давомида илм-фан, маърифат, одоб ахлоқ масалаларига катта эътибор билан қараганлар[1].

Маърифатпарварлар Туркистонда миллий матбуотга асос солдилар. Мунаввар қори 1906 йилда «Хуршид» («Қуёш») журналини ташкил этиб, унга ўзи муҳаррирлик қилди. М.Беҳбудий 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журналини чиқара бошлади. У «Нашриёти Беҳбудия» хусусий нашриётини, унинг ҳузурида «Кутубхонаи Беҳбудия»ни ташкил этди. Матбаа халқ онгини ўзгартиришга ва янги дунёқарашга эга бўлган қатламнинг ажралиб чиқишига хизмат қилди[2].

Бу жараённи амалга оширган шахслардан бири Абдураҳмон Муҳаммад Содиқ ўғли Тошкандий бўлиб, у XX аср бошлари матбуотида “Сайёҳ” тахаллуси билан танилган маърифатпарвар зиёлилардан бири бўлиб, у XIX аср охири XX аср бошларида ноширлик қилиш билан бирга одоб-ахлоқ, диний ва маърифий соҳаларга оид қатор китоблар ёзган. Жумладан, биргина “Меъёр ул-ахлоқ” асарининг охирги қисмида Абдураҳмон Сайёҳнинг муаллифлигида нашрга тайёрланган “Маккаи мукаррама тарихи”, “Байт ул-муқаддас тарихи”, “Арабнинг қадимий тарихи”, “Бани Исроил тарихи” каби ўнга яқин асарлар номлари келтирилган. Бундан ташқари у сиёсат, ислом, тарих, маънавият соҳаларида чоп этилган кўплаб китобларга ноширлик қилган. Шунингдек, унинг ўзи ҳам неча китоблар ёзгани маълум[3].

Абдураҳмон Сайёҳнинг ўлка аҳолиси китоб саводхонлигини ошириш, маҳаллий ва дунёвий янгиликлардан, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардан хабардор қилишга қаратилган фаолияти унинг бош муҳаррирлигида 1915-1917 йилларда Тошкентда нашр қилинган “ал-Ислоҳ” журнали фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Мазкур журнал нафақат Туркистон ўлкасида балки, қўшни мусулмон мамлакатларида ҳам машҳур бўлган. Журналда ислом, шариат ва фиққий масалалар, одоб-ахлоқ муаммолари, машҳур диний асарлардан таржималар, ўлка ҳаётига оид баҳс-мунозаларлар бериб борилган[4].

Абдураҳмон Сайёҳ қаламига мансуб асарлардан иккитаси “Меъёр ул-ахлоқ” ҳамда “Танвир ул-аҳдоқ фи-т макорим ул-ахлоқ” асарлари ўрта асрларда яшаб ўтган ислом оламининг йирик алломалари илгари сурган ғоялар асосида ёзилган бўлиб, одоб-ахлоққа оиддир. Мазкур асарларда муаллиф ахлоқнинг моҳияти хусусида фикр юритар экан аввало Қуръони карим, ҳадиси шариф ҳамда имом Ғаззолий, Фахриддин Розий каби алломалар асарларига ишора қилади. Асарда муаллиф томонидан анъанавий мусулмон одоб-ахлоқ масалаларига янгича ёндашувларнинг билдирилиши алоҳида аҳамиятга эга.

“Меъёр ул-ахлоқ” асари 1912 йилда Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида тошбосма услубида чоп этилган[5]. Китоб икки қисм (ҳисса)дан иборат бўлиб, ҳар икки қисми еттитадан бобни ўз ичига олган. Китобнинг биринчи қисми асосан ахлоқнинг назарий масалаларига бағишланган. Китобнинг иккинчи қисми эса, ахлоқнинг амалий масалаларига бағишланган бўлиб, унда инсон ахлоқи ва ахлоқнинг ижобий ҳамда салбий категорияларига мисоллар асосида тавсифлар берилган. Китоб сўнгида инсон ахлоқи ва руҳияти учун хос бўлган ўттиз иккита хислат тавсифланган. Унда исломий анъаналардан келиб чиққан ҳолда ибодат, тақво, шукр, дуо, сабр каби тушунчаларга изоҳ бериш билан бирга, инсон ахлоқининг муҳим сифатлари бўлган адаб, афу, шафқат, саховат ва эҳсон, тавозеъ ва эҳтиром, шижоат, диёнат, вафо, содиқлик каби категорияларни таҳлил қилади[6]. Китоб сўнгида берилган маълумотга қараганда, Абдураҳмон Сайёҳ “Меъёр ул-ахлоқ” асарининг учинчи ва тўртинчи қисмларини ҳам нашрга тайёрлаган[7].

Абдураҳмон Сайёҳ ахлоқ мавзусига ўзи яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардан келиб чиққан ҳолда фикр билдирган. Одоб-ахлоқ масаласини Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний каби ўша даврнинг бошқа маърифатпарварлари сингари Туркистон жамиятини ҳалокатдан, қолоқликдан илм-фан тараққиётига олиб чиқувчи омил сифатида қарайди. Илгари сурган фикр-мулоҳазаларида “чиройли одоб-ахлоққа эришишнинг йўли бу ҳукамолар яъни замон олимлари таълимини, билимини олишдир” деган хулосага келади[8].

“Меъёр ул-ахлоқ”да қуйидаги фикрлар баён этилган: Инсон нафсининг уч қуввати ҳақида. Худойи таоло инсон нафсида яъни рухида уч хил қувватни яратган. Булар – ақлий қувват, ғазабий қувват ва шаҳвоний қувват. Ҳукамолар ҳам инсонни нафсидаги ушбу уч қувват хусусида иттифоқ қилганар.

Ақлий қувват. Ақлий қувват бу шундай қувватки, фикр у билан ҳосил бўлади. Турли инсонлар ўртасидаги фарқлар – яхшилик ва ёмонлик, ботин ва ботил шу қувват орқали вужудга келади. Бу қувватга тааллуқли нарсаларнинг жойи инсон бошида, миясидадир. Агар ақлий қувват ўртача меъёрда бўлса, унинг соҳиби олийжаноб, оқил, тамизлик сифатларига эга, сўзлари маъноли бўлади. Ўртачадан ташқари, зиёд ёки ноқис бўлса-чи? У ҳолда агар зиёд бўлса, унинг соҳиби макру-хийла, тубанлик, кек ва хасад сифатлари билан, ноқис бўлса, унинг соҳиби калтафаҳм сифати билан бўлади.

Ғазабий қувват. Бу қувват ёввойилик каби наботот ва ҳайвонот олами учун ҳам мансубдир. Бу қувват агар мўътадил бўлса унинг соҳиби қалби бақувват бўлади. Агар зиёд бўлса унинг соҳиби бемаънигарчилик ортидан юришга мойил, ноқис бўлса, соҳиби ҳам заиф қалб бўлади.

Шаҳвоний қувват. Бу шундай қувватки, у инсонлар билан бирга наботот ва ҳайвонот оламига ҳам дахлдордир. Озуқа ва шу каби бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёж мазкур қувватдандир.

Мазкур уч қувватни ўзгартиришнинг бирдан бир йўли ҳукамолар таълимини олишдир[9].

Уч қувватнинг ҳар бирининг фазилатлари ва разолатлари ҳақида. Ақлий қувватдан ҳосил бўладиган фазилатлар қуйидагилардир: ақл, ҳифз – сақланиш, зикр, зако, фаҳм, тамиз, нутқ, сидқ, ҳиммат.

Ақлий қувватдан содир бўладиган разолатлар қуйидагилар: тубанлик, макр ва қабиҳлик, жаҳл, ёлғончилик, нодонлик, қўполлик, ёмонлик, риёкорлик кабилар.

Ғазабий қувватдан ҳосил бўладиган фазилатлар қуйидагилар: афу, хилм-мулойимлик, раҳимдиллик, инсонийлик, гўзал хулқ, азм, улуғворлик, ҳиммат, ташаббус, тавозеъ, мардлик, олийжаноблик, шижоат.

Ғазабий қувватдан содир бўладиган разолатлар қуйидагилар: кибру-ҳаво, қовоғи солиғлиқ, ҳимматсизлик, шафқатсизлик, шуҳратпарастлик, ҳасад, зулм, ёмон хулқ кабилар.

Шаҳвоний қувватдан содир бўладиган фазилатлар қуйидагилар: диёнат, қаноат, сир сақлай олиш, саховат, сабр, ҳурият, интизом, ҳаё, виқор, иффат, тақво[10].

Умуман олганда, “Меъёр ул-ахлоқ” асари нашрида Туркистон ўлкасидаги таълим муассасаларида мусулмон болалар таълим-тарбиясида одоб-ахлоқ мавзусини содда ва тушунарли қилиб ёритиш мақсад қилиб олинганлигини кўриш мумкин. Зеро, ўша давр нуқтаи назаридан маҳаллий ҳамда кенг йўл

очилган рус-тузем мактабларида ўрта асрларда яратилган одоб-ахлоқ ҳақидаги анъанавий китоблар ўқув дастурларидан четга чиқарилган бир пайтда, уларда илгари сурилган ғоялар ҳамда исломий анъаналар доирасида, маҳаллий маърифатпарварлар томонидан давр талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта ишланган одоб-ахлоқ дарсликларига эҳтиёж катта эди [11].

Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг «Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас», деган донишмандона сўзлари беихтиёр ёдга келади. Ҳа, ҳаққоний тарих том маънода билимлар манбаи, маънавият негизи, қолаверса, чинакам тарбия мактабидир. Не бахтки, миллий мутақилликка эришганимиз туфайли она тарихимиз тўғрисидаги чин ҳақиқат юзага чиқди, унинг қиёфасини тўсиб келган ғуборлар, «оқ» ва «қора» доғлар буткул супириб ташланди. Бунинг орқасида катта тарих яратган халқимизнинг юксак даҳоси, не-не буюк аждодларимизнинг ёрқин сиймоси, уларнинг мангуликка дахлдор ўлмас мероси янгидан тўла куч билан намоён бўлди[12].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Маънавият юдузлари. – Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти, 2001.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. И жилд. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000.
4. Абдураҳмон Муҳаммад Содиқ ўғли Тошкандий. Меъёр ул-ахлоқ. – Тошкент: Ғулом Ҳасан Орифжонов матбааси, 1912.
5. Бобохонов А. Ўзбек матбааси тарихидан. – Тошкент, 1979

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАРДАГИ МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ УЙҒУНЛИГИ ТУРКИЙ-СУҒДИЙ МУНОСАБАТЛАР ДОИРАСИДА

Атаходжаев А., – ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.н.

Марказий Осиё тарихининг илк ўрта асрлар (V–VIII аср биринчи ярми) даври ўзига хос тарихий жараёнлари билан кечди. Кушон ва Қанғ давлатлари таназзулидан сўнг вужудга келган маҳаллий маъмурий бошқарувига эга давлатлар (Африғийлар, Чоч ва Фарғона) ва давлат уюшмалари (Суғд ва Тохаристон конфедерациялари) минтақанинг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларда муҳим ўрин тутишди. Бу минтақадаги турли этносларнинг миллий ва диний уйғунлигини таъминлади[1].

Хусусан, минтақанинг муҳим тарихий-маданий ўлкаси бўлган Суғд ва унинг аҳолиси суғдийлар (шарқий эроний ва туркий тилли этнослар)нинг фаоллиги этномаданий жараёнларни юксак даражага кўтарди. Улар мазкур ҳудуди орқали ўтган Буюк ипак йўлида тармоқларида ўз колонияларини шакллантириб, ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига интеграцион таъсир кўрсатдилар. Тарихан суғдийлар ўзига хос маданият ташувчи бўғин вазифасини ўтади. Улар дунё динлари: буддавийлик, христианлик, монийликнинг Марказий Осиё халқлари орасида тарқалишида ва оромий ёзуви маданиятининг қадимги туркий, уйғур, мўғул ва манжурларда ўз ёзувларини шаклланишида асосий роль ўйнадилар[2].

Бу даврда ўзининг юксак чўққисига чиққан туркий-суғдий муносабатлар ўзининг тарихий илдизлари, кўлами, минтақадаги этник жараёнларга таъсири орқали беқиёс ҳодиса эди. Айни пайтда бу муносабатлар минтақага ёйилиб, қўшни давлатлар ва халқлар билан кечган алоқаларга ҳам таъсир кўрсатди. Бу эса мураккаб сиёсий жараёнларида, кескин рақобатга асосланган иқтисодий курашларда томонлар ўртасидаги якдиллик сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва маънавий юксалиш учун қай даражада муҳим бўлганлигини исботлади.

Туркий давлатчилик анъаналарига асосланган маъмурий бошқарув, маҳаллий бошқарув анъаналари билан синтезлашди. Маҳаллий маъмурий бошқаруви амалиётини такомиллашди. Айни пайтда суғдийлар туркий давлатлар иқтисодини юксалтириб, уларнинг маънавий ва маданий ҳаётига цивилизацион таъсир кўрсатди. Натижада минтақада бир неча асрлар давомида миллий ва диний муроса ҳукмронлик қилди.

Туркийлар ва суғдийлар ўртасидаги муносабатларининг маънавий ҳамда маданий қирралари акс эттиришда қуйидаги омиллар муҳим ўрин тутди.

Аввалом бор эътиборни зардуштийлик динига бўлган муносат тортади. Маълумки бу дин антик ва илк ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг, жумладан суғдийларнинг ассий дини эди. Шу боис суғдийлар ўзларининг кўп асрлик колониал ҳаракатлари орқали бу динни минтақанинг шимолий-шарқий

қисмларига тарқалишига ҳам сабабчи бўлишди. Хусусан, 568 йилда Еттисувга келган Византия элчиси Земарх, Ғарбий Турк хоқони Истами ябғу ўз қароргоҳида ёниб турган олов билан покланганлигини ва туркийлар тангричилик анъанаси бўйича: Шарққа қараб ўтириб, кўк бўрига эътиқод қилганлигини[3], Хитой элчиси ва роҳиби Сюан Цзян эса: "туркларнинг оловга эътиқод қилишини, ёғоч тахтдан фойдаланмаслигини" [4] эътироф этганлар. Бу зардуштийлик ва тангричилик анъаналаридаги уйғунликнинг исботи эди.

Суғднинг ўзидаги туркий қавмларнинг зардуштийликка эътиқод қилишгани ҳам кузатилади. Жумладан, Муғ тоғи архивидаги[5] I.1 ҳужжатида келтириган араблар вакили Абдураҳмон ибн Субҳ билан учрашгани борган Девashтичнинг суғдий вакили Нижитак ҳамда туркий-зардуштий коҳин Кўрчи[6] (Қўрчи), Nov. 3 – "суғдча никоҳ гувоҳномаси" ва Nov. 4 – "куёвнинг келин томон олдидаги мажбуриятлари" ҳужжатларидаги суғдий қиз – Дуғдғунча ва туркий йигит Ўттакин никоҳи бунга мисол бўла олади. Ҳужжатга кўра, туркий Ўттакин ўз мажбуриятларини зардуштий "худо (Ахурамазда) ва илоҳ Митра олдида қасамёд қиламан", деб мустаҳкамлаган. Бу Суғд жамиятига хос толерантлик белгиси ҳам эди. Бундан ташқари, туркий ва суғдийлар аралаш яшаган ҳудудлардан ўнлаб остодонларнинг топилиши[7], урф-одатлардаги уйғунликка бир мисолдир. Энг асосийси бирор-бир манбада Суғд ёки Турк хоқонлигида рўй берган этник ва диний можаро ҳақида маълумот учрамайди.

Зардуштийлик суғдийларнинг Шарқий Туркистон ва Хитой ҳудудларидаги колонияларда ҳам амалда бўлган. У ерларда эҳром – "вағн"лар бунёд этилиб, коҳинлар – "вағнпатлар" диний амалларни бажо келтиришган. Дуньхуан ва Шимолий Вэй пойтахти Лоянда зардуштийлик ибодатхоналари барпо этилган. Зардуштийлик элементлари ҳатто Хитой тасвирий санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Энг муҳими на Турк хоқонлари ва на Хитой империяларининг маъмурияти суғдийларнинг бу диний эътиқодига монеълик қилишмади.

Дунё динларининг энг йирикларидан бири – буддаввийликнинг Ўрта Осиё (Бақтрия ва Парфия)дан Хитойга тарқалишида ўртаосиёлик миссионерлар (Кан Мэнсян, Кан Мэнсяннинг) иштироки эътироф этилади[8]. Агар Мухан (554-574) ва Таспар (574-581) хоқонлар даврида ҳинд миссионери Чиногупта хоқонлик марказида буддавийликни тарғиб қилган бўлса, суғдийлар эса бу динни Ўрхун ва Турфон ҳудудлардаги туркийлар орасига ёйишди[9]. Шу орқали суғдийлар туркийлар билан ягона ғоя остида бирлашишни мақсад қилган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Иккинчи давр - 1917-1924-йиллар. Мазкур давр Россия империяси ўз тарихини якунлашидан то Ўрта Осиёда миллий ҳудудий чегараланишнинг якунига қадар давом этади. 1918-йилда Туркистон АССР ташкил этилиши натижасида 1920-йилдан бошлаб аҳоли рўйхатини тузиш ишлари бошланади.[8] Биринчи бўлиб бу борадаги ишлар шаҳарлардан бошланиб, кейинчалик эса қишлоқларда ҳам давом этади. Дастлаб шаҳарларда кейинчалик эса қишлоқларда ҳам фуқоролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари очилади. Бу даврда Ўзбекистонга аҳолининг турли ўлкалардан кўчиб келишини кузатсак, кейинги босқичда эса кўчиб кетаётганлар ҳам қайд қилинганлигини статистик маълумотлар орқали гувоҳи бўламиз. Ушбу даврда ҳам туғилиш сони кескин пасайиб, бу вазият 1925-йилга қадар давом этади.

Учинчи давр - 1925-1940-йиллар. Бу босқичда Ўзбекистонда саноатлаштириш, урбанизатция жараёнлари сезиларли даражада кучаяди. Тезкор суратларда аёлларни ижтимоий меҳнат жараёнига жалб этиш ортиб боради. Мазкур даврнинг асосий жиҳатларидан бири шундаки - Ўрта Осиёда миллий

давлатларнинг ташкил этилиши сабабли Ўзбекистонда кенг миқёсда 1926 – 1937 ва 1939-йилларда аҳолини ёппасига рўйхатга олиш тадбирлари олиб борилди.[9] Бу йилларда туғилганлар сони кўп бўлмасада, лекин ўлим сони бирмунча камайганлигини мазкур даврда ўтказилган аҳоли рўйхати статистик маълумотларидан кўришимиз мумкин. 1939-йилги ҳолатнинг 1926-йилга нисбатан индекслар нисбати туғилганлар 0.814, ўлганлар 0.366, табиий кўпайиш 2.377 минг киши бўлгани билан изоҳлаш мумкин.[10]

Тўртинчи давр - 1941-1945-йиллар. Мазкур йилларда демографик тенгликнинг нисбати салбий томонга ўзгара бошлади. Туғилиш сони камайиб, ўлим сони эса тез суратда ошиб борди. Асосий ишчи кучи бўлган эркакларнинг урушга жалб этилиши, саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан камайишига олиб келди. Одамлар истеъмол қилаётган маҳсулотлар урушга қадар бўлган ҳолатининг 43% ни, шахсий истеъмол 1940-йилда 42% ни ташкил этган бўлса, 1942- йилга келиб унинг фоизи 38% га тушиб кетганлигини аҳолини рўйхатга олиш бўйича статистик маълумотлар орқали кўришимиз мумкин.[11] Юқоридаги жараёнлар Ўзбекистоннинг демографик ҳолатига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Бу даврга келиб туғилиш сони пасайиб, бунга асосий сабаб қилиб кўплаб эркакларни фронтга жўнатилиши натижасида ва уруш йиллари бўлганлиги сабабли урушга сафарбар этилган эркаклар ўлими кўпайиб, аёллар сони эса эркакларга нисбатан ортиб кетганлиги билан изоҳланади.

Бешинчи давр - 1945-1989-йилларни ўз ичига олади. Бу давр мобайнида туғилиш аста секин кўпайиб, ўлим сони камайиб борди. Лекин болалар ўлими юқорилигича қолди. Вазият 1975-йилдан ўзгара бошлаб, республикада гўдаклар ўлимининг аста-секинлик билан камая бошлаганлигини кўриш мумкин.[12]

Ўзбекистонда XIX аср охири ва XX асрда ўтказилган аҳоли рўйхати тадбирларининг статистик маълумотлари таҳлил қилиб ўрганилганда таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда аҳоли сони мунтазам кўпайиб келган. Ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра 1897-йилда ўлкада 3948 минг киши истиқомат қилган бўлса[13], кейинги йилларда уларнинг сони ортиб борди. Жумладан, 1920-йили аҳоли сони 4470 мингга[14], 1926-йили 4621 мингга[15], 1937-йили 5954 мингга, 1939-йили 6347 мингга[16], 1959 йили 8119 мингга, 1970-йилда 11.800 мингга, 1979-йили 15391 мингга[17], 1989-йили эса 19708 мингга етганлиги статистик маълумотларда қайд этилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини тарихий жиҳатдан ёритиш ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳамда мазкур даврдаги ижтимоий жараёнларни қиёсий таҳлил этиш, ҳамда бу жараёнга таъсир этувчи омилларни ўрганиш мақсадга муофиқдир. Тадқиқот натижалари бугунги кунда аҳолиси тез суръатлар билан ўсиб бораётган Ўзбекистоннинг демографик тараққиёти келажак йўналишларини белгилашда, аҳолини рўйхатга олишда оилаларнинг демографик таркиби ва фаолиятида келгусида кутилаётган муҳим ўзгаришларни аниқлашда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахманов Қ.Х, Абдураманов Х.Х. Демография. Тошкент. “Ношир”. 2011. 14-бет.
2. Саак А.Э, Тагаев А.В. Демография. Учебное пособие. Таганрог. 2003. ТРТУ. С.7.
3. Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (халқаро конференсия материаллари). II қисм. Тошкент. Университет. 2005. 67-бет.
4. Гаффоров Ш.С. Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати (XIX асрнинг 2-ярми ва XX асрнинг боши). Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган дисертация. Тошкент. 2003. 124-бет.
5. Максакова Л.Р. Миграция населения Узбекистана. Ташкент. 1986. С.17.
6. Мулладжанов И.Р Демографическое развития Узбекское ССР. Ташкент. 1983. С.37.
7. Казмина О.Е, Пучков П.И. Основы этнодемографии. Москва. Наука. 1999. С.8.
8. Волков А.Г. Демографические процессы в СССР. Москва. Наука. 1987. С.127
9. Қизил Ўзбекистон газетаси 1939 йил 20 апрел № 21 (1685), 3-4 бет.
10. Қараханов М.К Некапиталистичекий путъ развития и проблемы народонаселения. Ташкент. Фан. 1983. С.158.
11. Медков В.М. Демография. Москва. ИНФРА-М. 1996. С.69.
12. Мулладжанов И.Р Население Узбекской ССР. Ташкент. Узбекистан. 1973. С.13.
13. Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года. Петербург. 1905. С.12.
14. Материалы всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. Ташкент. Издания ЦСУ Туркреспублики. 1923 г. С.8.
15. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том XV. Узбекская ССР. Москва. Издания ЦСУ Союза ССР. 1928 г. С.9.

16. П.Подъячих Всесоюзная перепис населения 1939 года (Методология и организация проведения переписи и разработки итогов). Москва. Государственное статистическое издательство. 1957 г. С.33.
17. Численность и состав населения СССР. По данным Всесоюзной переписи населения 1979 года. Москва. Финансы и статистики. 1984 г. С.7.

ДУХОВНАЯ ЖИЗНЬ ОБЩЕСТВА В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ПЕРИОД ХУ-ХУI ВВ.

Г.С.Гулямова – ст. преподаватель
Ташкентского Государственного Технического Университета.

Изучение духовного наследия может сыграть свою положительную роль. В этом и заключается суть преемственности в историческом процессе, как объективной закономерности культурно - исторического развития человеческого общества, благодаря чему духовный прогресс выступает как связь между его определенными этапами и ступенями. В этом плане всестороннее изучение и исследование творчества великих деятелей культуры прошлых веков Средней Азии, представляется весьма актуальным.

Изучение духовного наследия актуально и тем, что оно служит целям сохранения духовного опыта прошлого от возможных политических и идеологических искажений, от обесценивания высоких достижений классического наследия, как это случилось в недавнем прошлом.

ХУ век - эпоха Тимуридов - ознаменован необычайным расцветом науки, искусства и литературы. Мавераннахр, Хорасан в период правления династии Тимуридов становятся государствами, к которым были прикованы взоры просвещенных людей многих стран Запада и Востока, ибо духовная культура в этот период достигла небывалого подъема. Не случайно ХУ-ХУI вв. называют эпохой Возрождения. Эта эпоха выработала величайшие художественно-эстетические ценности, которые нашли яркое отражение в искусстве и литературе выдающихся деятелей культуры - Джами, Навои, Бабур, Бехзод, Бинои, Наккош, Васифи, Махмуд Хусайни.

«Духовная культура - это совокупность всех созданных человечеством духовных ценностей (наука, философия, искусство и литература, мораль, религия), а также опыта передачи этих ценностей от поколения к поколению»[Киященко Н.И., Лейзеров Н.Л.:11]. В понятие «духовная культура» мы вкладываем и такие духовные ценности и духовные творения, как обычаи и традиции, которые имеют своей целью трансляцию заключенных в них знаний, идеалов, которые способствуют совершенствованию человеческого образа жизни. Как известно, духовная культура у каждого народа имеет сугубо национальное своеобразие, национальную специфику. Каждый народ имеет самобытную духовную культуру, моральные нормы и этико-эстетические идеи; каждый народ вносит определенный вклад в сокровищницу мировой культуры. [Шермухамедов С.: 17]. Но в разные исторические периоды происходит смена типов духовности, смена типов культуры. Искусство остро реагирует на изменения в духовном климате эпохи. В каждую эпоху возникают ценностные ориентиры, которые формируют духовную жизнь общества.

В период раннего средневековья (IX-XIII вв.) в Средней Азии в развитии духовной культуры ведущая роль принадлежала философии, искусству, литературе. В XIУ-ХУI в. происходит смена духовных форм: на передний план выходит религия, искусство и литература. Религия и искусство становятся господствующими формами общественного сознания, оказывая мощное воздействие на жизнь отдельного человека и общество в целом.

Культурными центрами, где была сосредоточена интеллектуальная, научная и художественная мысль, становятся такие крупнейшие города, как Самарканд, Бухара, Герат, Тебриз, Шираз. Известно, что Самарканд стал центром науки, искусства и литературы в период правления видного общественного деятеля и ученого Улугбека, который продолжил дело своего деда Тимура. Он приложил много усилий для того, чтобы Самарканд приобрел величественный архитектурный облик. Еще при Тимуре в Самарканде началось строительство в дотоле невиданных масштабах, ибо сделав его столицей огромного государства, Тимур стремился превратить Самарканд в один из самых прекрасных городов мира. Для этих целей он привлек искусных мастеров и ремесленников, резчиков по камню и дереву, гончаров из разных стран.

В конце Х1У века Тимуром была начата постройка соборной мечети Биби-ханум, которая была завершена в 1404 году. Это было великолепное здание, украшенное мозаикой, майоликой с мраморными панелями и настенной росписью. В эти же годы был построен мавзолей Гур-Эмир, который стал усыпальницей Тимура и его потомков. К мавзолею примыкали медресе, ханака и дворец Мухаммад Султана. Описывая достопримечательности Самарканда, Бабур в своих мемуарах пишет, что многие

замечательные архитектурные сооружения были воздвигнуты Тимур беком. При Улугбеке архитектура, зодчество достигли небывалых размахов. В своей книге Бабур подробно описал величественные здания, мечети, медресе, караван-сараи, построенные в период правления Улугбека. Другая высокая постройка Улугбек мирзы - обсерватория у подножья холма Кухак, где находится инструмент для составления звездных таблиц. Улугбек Мирза написал в этой обсерватории «Гургановы таблицы», которыми теперь пользуются во всем мире. Бабур пишет, что раньше пользовались «Ильхановыми таблицами», известны еще «Мамуновы таблицы», таблицы Битлимуса и таблицы Бикрамаджита, но все они менее совершенны.

В период правления Улугбека Самарканд стал важнейшим научным центром. Математики, астрономы, философы создали оригинальные для того времени труды, которые получили признание далеко за пределами Мавераннахра и Хорасана. Обсерватория, построенная Улугбеком, была самой крупной в эпоху средневековья. При обсерватории была создана математическая школа, в которой трудились такие талантливые ученые, как Казизаде Руми, Али Кушчи, Муни-ад-дин Кошони, Гиясиддин Джамшед и многие другие. В творчестве деятелей самаркандской астрономической школы, в их естественнонаучных трактатах освещались важные научные достижения, а так-же проблемы мировоззренческого и философского характера. Так, например, широкую известность получили философские труды Али Кушчи: «Шархи» «Мифток-ал-улум» «ат-Тафтазани» («Комментарии к «Ключу знаний» Тафтазани»), «Шархи» «Таджриди Ходжа» («Комментарии к «Очищению Ходжи»), «Рисолат-ул-мутаалика бикалиматит-тавхил» («Трактат относительно понятия единства»), «Рисолаи мантик» («Трактат по логике») и др. Али Кушчи в своих философских сочинениях продолжал традиции Абу Райхона Беруни, Абу Али ибн Сино, Насириддина Туси. После смерти Улугбека культурная жизнь в Самарканде пошла на спад, многие видные ученые, художники, поэты и писатели вынуждены были покинуть город из-за преследований, которым они подверглись со стороны религиозных фанатиков. Покинул Самарканд и Али Кушчи, который приехал, как многие деятели науки и искусства, в Герат. К тому времени Герат становится крупнейшим центром интеллектуальной культурной жизни. В Герате еще во времена правления Шахруха была заложена база для развития духовной жизни общества. При Шахрухе Герат превратился в «город садов и цветов» с прекрасным ландшафтом, вызывая чувство восхищения у приезжих. Многие прекрасные архитектурные сооружения - мечети, медресе, минареты, дворцы, жилые постройки - были возведены в этот период. Медресе «Тахти Каъла» («Крепость Герата») было построено по указанию Шахруха. Медресе поражало своим великолепием, стены его были облицованы мрамором, а минареты ханака украшены позолотой и глазурью. Здесь же действовало китабхана (библиотека), где читали свои лекции Юсуф Халладж, Мавлана Ходжа, Насиридин Лутфулла.

Но подлинного расцвета Герат достиг в середине ХУ века во время правления Султан Хусейн Байкары. Бабур дал яркую характеристику Герата: «Время Султан Хусейна было удивительным временем. Хорасан, и Герат, были наполнены людьми выдающимися и несравненными. Стремление и цель каждого, кто был занят каким-нибудь делом, были направлены к тому, чтобы довести это дело до совершенства». Сам Султан Хусейн Байкара был образованным человеком, прекрасно разбирался в теории музыки, поэзии. Писал неплохие стихи. У Алишера Навои в «Собрании избранных» восьмой маджлис посвящен его поэтическому творчеству. «У его величества имеется очень много хороших стихов и любезных сердцу бейтов, которые он собрал в диван». [Алишер Навои:185]. И далее Навои дает тонкий критический анализ газелей и рубаи правителя Герата. В известной мере его хвалебная характеристика бейтов Султан Хусейна Байкары несколько преувеличена, ибо речь идет о носителе высшей власти, государе, тем не менее, не вызывает сомнений, что Алишер Навои высоко ценил его поэтическое творчество. Убеждает нас в искренности его суждений и то обстоятельство, что и Бабур в своих «Записках» пишет о том, что у Султан Хусейна был «дар к стихотворству». Султан Хусейн Байкара, став правителем Герата, так же, как и Шахрух, развернул строительство престижных зданий: медресе, ханака, мечети, библиотеки. Для процветания и благоустройства Герата многое сделал и Алишер Навои. Он построил комплекс архитектурных сооружений – ханака «Халасия», медресе «Ихласия», больницу «Шафаия», мечеть и мавзолей «Кудсия», а также жилые дома «Унсия», бани.

Итак, культура подразумевает отдельное состояние духовной жизни общества. Изучение богатой национальной культуры, глубокое освоение истории духовной жизни узбекского народа и среднеазиатского народа в целом позволит нам использовать всё то ценное и лучшее, что было накоплено в культуре прошлого.

Литература:

1. Алишер Навои. Сочинения в 10-ти томах. Том1Х, Ташкент: «Фан», 1970
2. Бабур-наме. Записки Бабура. – Ташкент: Главная редакция энциклопедий. 1993. – С. 185.
3. Уложение Тимура. – Ташкент: «Чулпон», 1992. - С.54.
4. Киященко Н.И., Лейзеров Н.Л. Искусство и духовный мир человека. – М.: «Знание» 1993. – С.11.

5. Шермухамедов С. Человек и культура межнационального общения. – Ташкент, «Узбекистон», 1995. – С.17. Философия культуры. Учебное пособие. – Ташкент, «Университет», 1999. - С.15. (на узб. языке)

АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВНИНГ ШАХСИЙ АРХИВ ФОНДИ ҲУЖЖАТЛАРИ

Давурова Ш.Ҳ., – Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви катта илмий ходими

Бугунги кунда Республикамизда мустақиллик шарофати билан илм-фанимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшганлар хотирасини ёд этиш ҳамда улар қолдирган бебаҳо илмий-ижодий меросни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илм-фан фидоийларининг улуғ ишлари ёш авлодга намуна сифатида кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон халқининг қадимги даври тарихини ўрганган таниқли археолог, тарихчи ва шарқшунос олим, академик Я.Ғ. Ғуломов ҳаёт бўлганларида 111 ёшга кирган бўлар эди.

Биринчи ўзбек археологи Яҳё Ғуломовнинг ҳаёт йўли ғоят машаққатли ва сермазмун кечган. Яҳё Ғуломов 1908 йилнинг 1 май куни Тошкент шаҳрининг Шайҳонтоҳур туманидаги Оқмачит маҳалласида зиёлийлар оиласида дунёга келган. Отаси Ғуломхон махсум Тошкентнинг машҳур Хўжа Аҳрор мадрасаси мударриси, онаси Сорахон эса мактабдори (тарбиячи) бўлган[1].

Яҳё Ғуломов ўрта мактаб таҳсилидан сўнг 1927-1930 йилларда Самарқандда Ўзбек давлат педагогика академиясида таҳсил олган. Ушбу олийгоҳда устозлари П. Солиевнинг “Ўрта Осиё тарихи” бўйича ўқиган маърузалари, В. Вяткиннинг “Мусулмон шарқи тарихи” фанидан ўтган машғулотлари ёш тарихчини қадимги ўтмишга, нодир қўлёзмаларга ва айниқса, археологияга бўлган қизиқишини янада кучайтирган.

Яҳё Ғуломов Самарқанд олийгоҳини тугаллаш арафасида шу илм даргоҳининг “Ўрта Осиё тарихи” кафедраси асиссенти, кейинроқ Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳузуридаги Ўзбек илмий-тадқиқот институти аспиранти, ўқишни тугатгач эса Тошкент Педагогика техникумида ўқитувчи лавозимларида фаолият юритган. 1933 йилдан Яҳё Ғуломов Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳузуридаги Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш республика қўмитасига дастлаб илмий ходим, кейинчалик илмий котиб лавозимларида ишлаган. Бу комитетда Яҳё Ғуломов ёш илмий ходим сифатида Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз ва Тошкент шаҳарларидаги архитектура ёдгорликларини сақлаш ва уларни ўрганиш юзасидан археологик экспедицияларда ҳам қатнаша бошлаган.

Жумладан, Яҳё Ғуломов 1933 йилда машҳур археолог М.Е. Массон раҳбарлигида Сурхондарё вилоятидаги Эски Термиз ва Айритом, 1934 йилда А.Ю. Якубовский бошчилигида Зарафшон воҳасидаги Шаҳри Вайрон, Дабусия ҳамда Кампир Девор тарихий ёдгорликларида олиб борилган археологик экспедициялар изланишларида иштирок этган [2].

1936 йилдан Яҳё Ғуломов ўзининг илк мустақил археологик тадқиқотларини Хоразм ва Қорақалпоғистонда археолог олимлар Р.Набиев ва Т.Мирғиёсовлар билан бирга Пилқалъа, Тешикқалъа, Норинжон, Гулдурсун қалъаларини ўрганиш экспедицияларига раҳбарлик қилишдан бошлаган. Хоразм воҳасидаги қалъа, қўрғон, эски шаҳар харобалари, Хива шаҳри ва унинг ноёб тарихий обидаларида олиб борилган археологик экспедициялар Яҳё Ғуломов илмий фаолиятида муҳим ўрин тутган. Ушбу воҳада олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида тўпланган материаллар асосида Яҳё Ғуломов 1941 йилда “Хива шаҳри обидалари” номли илмий монографиясини чоп этган. 1943 йилда мазкур монография асосида археология фани бўйича “Хива ва унинг обидалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган [3].

Маълумки, қадимги даврларданоқ Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ривожланишида сунъий суғориш муҳим ўрин эгаллаган. Шунинг учун ҳам Яҳё Ғуломов сунъий суғориш тарихини мукаммал ўрганишга ва ундан халқ хўжалиги манфаатлари йўлида фойдаланишга алоҳида эътиборини қаратган. Жумладан, археолог олим томонидан Хоразмда, Бухоро воҳасида, Мирзачўлда ҳамда Қашқадарёда кенг кўламда археологик экспедициялар уюштирилиб, қадимий суғориш системаларини тиклаш ва янги ерларни ўзлаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Яҳё Ғуломовнинг илмий фаолияти кўп қиррали бўлиб, унинг диққат марказида Ўзбекистон тарихи ва моддий-маданиятининг уч йўналиши муаммолари турар эди. Булар, Ўзбекистоннинг қадимги даврларидан ҳозирги кунларгача бўлган суғорилиши тарихи; Ўзбекистоннинг уруғ-жамоа тузуми тарихи; Ўрта Осиёнинг Совет давригача бўлган тарихи. Ушбу илмий муаммоларни ҳал қилиш учун Я.Ғуломов бир қанча археологик қидирув экспедицияларига раҳбарлик қилган. Жумладан, неолит

даврига оид Дарвозақир жойи ва Замонбобо қабристонининг очилиши, Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларида жойлашган тош даври ёдгорликларининг ўрганилиши, Жиззах воҳасининг шимолий-ғарбий ҳудудларидан мажусийлар тош қурбонгоҳининг топилиши, Тошкент воҳасидан Оби Раҳмат, Фарғонада палеолит, мезолит, неолит даври ёдгорликларининг қайд этилиши, машҳур Қува Будда ибодатхонасининг очилиши каби кашфиётларнинг барчаси Я.Ғуломов номи билан боғлиқдир.

Ижтимоий фанларнинг тарих, археология, шарқшунослик, этнография, манбашунослик каби қатор соҳалари билимдони бўлган Я.Ғуломов, 1945-1950 йилларда ечилиши керак бўлган долзарб муаммолардан бири Хоразм воҳасидаги илк деҳқончилик ва сунъий суғориш шахобчаларининг вужудга келиши, унинг тараққиёт босқичлари тарихини кенг ўрганишга киришган. Кўп йиллик археологик экспедициялар, илмий изланишлар, этнографик маълумотлар, қадимий қўлёзма манбалар таҳлили асосида Яҳё Ғуломов 1950 йили Москва шаҳрида “Хоразмнинг суғорилиш тарихи, қадимги замонлардан ҳозиргача” мавзусида тарих фанлари доктори илмий даражасини ҳимоя қилган [4].

Шу ўринда, машҳур рус академиги Б.Б. Пиотровскийнинг олим ҳақида “Яҳё Ғуломовнинг номи Ўзбекистон тарихи ва археологиясининг йирик мутахассиси сифатида мамлакатимизда ва чет элларда маълум ҳамда машҳурдир. Унинг Ўрта Осиё хўжалиги ҳаётининг негизи бўлмиш ирригация тарихини ўрганиш соҳасида олиб борган кўп йиллик илмий тадқиқот ишлари фанда мисли кўрилмаган улкан ютуқ ҳисобланади” [5] – деб эътироф билан айтган сўзлари унинг илмий фаолиятига берилган жуда катта баҳо эди.

1950 йиллар Я.Ғуломов ижодий фаолиятининг энг сермаҳсул даврларидан бири бўлиб, унда олим қуйидаги илмий унвонларга эга бўлган:

1955 йилда Олий Аттестация Комиссияси унга профессорлик илмий унвонини тасдиқлаган;

1956 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси этиб сайланган;

1957 йилда “Хоразмнинг суғорилиши тарихи, қадим замонлардан ҳозиргача” номли монографияси дастлаб рус тилида, сўнгра 1959 йилда ўзбек тилида чоп этилган;

1958 йилда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвонига сазовар бўлган;

1966 йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги этиб сайланган[6].

Узоқ йиллар давомида археология фанини ривожлантиришда олиб борган самарали меҳнати учун академик Я.Ғуломов бир неча бор Республика ҳукуматининг турли нишон ва медаллари, фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. У 1977 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1988 йил 10 май қарори билан Я.Ғуломов хотирасини абадийлаштириш мақсадида ЎзР ФА археология институтига, Тошкент шаҳри кўчаларидан бирига унинг номи берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” ги № 315-сонли қарорининг 4-бандида ҳам институт раҳбариятига ҳар йили академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи» мавзусида Республика илмий семинарини ташкил этиш вазифаси юклатилганлиги қайд этиб ўтилган. Ўша пайтдан бошлаб, ҳар йили Тарих институти раҳбарияти томонидан Республикамизнинг турли вилоятларида мазкур илмий семинар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

2004 йилда академик Яҳё Ғуломовнинг шахсий фонди унинг қизи С. Ғуломова томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига доимий сақловга тақдим этилган. Шу йилнинг ўзидаёқ архивда ушбу шахсий фондга илмий техник ишлов берилиб, унинг 1931-2002 йилларга оид ҳужжатлари асосида 83 та йиғмажилдлардан иборат 1-сонли рўйхати тузилган. Мазкур рўйхатдаги йиғмажилдлар қуйидаги бўлимлар бўйича тартибга солинган:

1-бўлим, Я.Ғуломовнинг илмий фаолиятига доир материаллар;

2-бўлим, Я.Ғуломовнинг ЎзССР ФА Тарих ва археология институтидаги фаолиятига доир материаллар;

3-бўлим, Я.Ғуломовнинг шахсий ҳужжатлари ва кундаликлари;

4-бўлим, Я.Ғуломовнинг ёзишмалари;

5-бўлим, Я.Ғуломов ҳақидаги мақолалар.

Яҳё Ғуломов шахсий фонди ҳужжатларининг биринчи бўлимига унинг 1958-1973 йилларга оид Жиззах, Хива, Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ҳақидаги тарихий маълумотлари, ўзга муаллифларнинг илмий ишлари юзасидан билдирган фикр-мулоҳозалари ва тақризларининг қўлёзма ҳамда машинкада ёзилган нусхалари ҳам киритилган [7].

Яҳё Ғуломовнинг 1939-1977 йилларда Ўзбекистонда археология фанини ривожлантиришга бағишланган илмий мақолалари “Фан ва турмуш”, “Гулистон” ва “Саодат” каби йирик илмий-оммабоп журналларга чоп этилган. Жумладан, “Машҳур кишилар изидан”, “Сўғд”, “Афросиёбдаги ишлардан”, “Тарихимиз фидойиси”, “Достижение археологии в Узбекистане”, “Состояние и перспективы изучения археологии в Узбекистане” каби илмий мақолаларининг қўлёзма ва машинкада ёзилган нусхалари ҳам олим шахсий фонди ҳужжатлари биринчи бўлимида сақланиб келинмоқда[8].

Ушбу илмий мақолалардан бирида Я.Ғуломов Хоразм археологик экспедициясига раҳбарлик қилган машҳур тарихчи ва археолог олим С.П. Толстовнинг илмий тадқиқотлари ҳақида қуйидаги қизиқарли маълумотларни қайд этиб ўтади: “VII-VIII асрларга мансуб бўлган Тешикқалъа харобаларида олиб борилган қазиш ишларида қалъа ичидан топилган мис ва кумуш тангалар, уй-рўзғор буюмлари, бинокорлик материаллари, чигит доналари, кийим-кечак қолдиқлари, яхши сақланган кўшк биноси харобалари асосида Хоразмнинг илк ўрта асрлар давридаги ҳаёт тарзи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Бироқ, қалъа атрофида ўтказилган қазиш-қидириш ишлари эса Хоразмнинг узоқ ўтмишига – қулдорлик даврига, ибтидоий жамоа тарихининг янги тош, жез (бронза) ва илк темир даврларига олиб киради” [9].

Мазкур илмий тадқиқот ишлари давомида топилган археологик ёдгорликлар мисолида овчилик ва балиқчиликдан суғорма деҳқончилик ва чорвачилик, йирик суғориш каналлари барпо қилиниб, воҳалар ва шаҳарлар яратишга ўтиш жараёнларини яққол тасаввур қилиш мумкин. Шунингдек, биринчи бўлим ҳужжатларига яна олимнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари (1943-1950йй.), “История Хорезма с древнейших времен до 1973 г.” (1972 й.) ва “Археология тарих фани хизматида” (1976й.) номли монографияларининг қўлёзма ва машинкада ёзилган нусхалари ҳам киритилган.

Я.Ғуломовнинг ЎзССР ФА Тарих ва археология институтидаги фаолиятига доир материаллари унинг архивдаги шахсий фонди ҳужжатлари иккинчи бўлимига даврлаштирилган ҳолда жойлаштирилган. Бу бўлимда аввал олимнинг илмий-тадқиқот ишлари ва педагогик фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари, сўнгра Самарқанд, Зарафшон, Моҳан-Дарё, Қизилқир ва Фарғона археологик экспедициясининг кузатув гуруҳлари олиб борган дала ишлари ҳақидаги ҳисоботлари, Хоразм, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Зарафшон, Қашқадарё ҳудудларидаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш мақсадида олиб борилган археологик кузатув ишларини акс эттирувчи кундалик дафтарлари киритилган[10].

Я.Ғуломов шахсий фонди ҳужжатларининг учинчи бўлимида унинг шахсий ҳужжатларидан фақат даволаниш карточкаси ҳақида маълумот берилган.

Олим шахсий фондининг тўртинчи бўлимида Я.Ғуломов томонидан ЎзССР ФА вице-президенти, академик И.М.Мўминовга (16.10.1969 й.), ЎзССР ФА тарих ва археология институти директори М.А.Ахуновага (1967 й.), ЎзССР ФА мухбир аъзоси М.К.Нурмуҳаммедовга (17.12.1973й.), Ўзбек Совет энциклопедияси бош таҳририятига ёзилган мактублар, шунингдек, олим номига ЎзССР ФА Республиканинг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш совети раиси М.С. Вызго ва ЎзР ФА мухбир аъзоси О.Куллиевлардан келган рус ва ўзбек тилларидаги мактубларнинг қўлёзма ва машинкада ёзилган нусхалари мавжуд [11].

Бешинчи бўлимида эса Я.Ғуломов фаолияти ҳақида 1958-2002 йилларда Республикамиз газета ва журналларида чоп этилган илмий мақолалар қирқимлари, олимнинг ўзга муаллифлар мақолаларига билдирган фикр ва мулоҳазалари ҳамда таклифлари ҳақидаги маълумотлар сақланмоқда. Хусусан, Я.Ғуломов ижодий фаолиятига бағишланган тарих фанлари доктори, профессор Ҳ.Зияевнинг “Мозий тилсимини очиб”, атоқли археолог олимлардан А. Муҳаммаджоновнинг “Биринчи археологимиз”, А.Асқаровнинг “Археологиямиз сардори”, (1958-2002йй.), Т.Ш.Ширинов ва М.Ҳ.Пардаевларнинг “Академик Я.Ғуломовнинг ҳаёт йўли ва илмий мероси”(1998 й.) мавзусидаги илмий мақолалари алоҳида аҳамиятга эгадир[12].

Ўзбекистон археологияси тадқиқотларига табиий фанлар усулларини жорий қилиш, бунинг натижасида нодир топилмаларни реставрация ва консервация қилиш ишларида ҳам академик Я.Ғуломов жонбозлик кўрсатганлар.

1965 йилда қадимги Самарқанд шаҳрининг харобаси Афросиёб ёдгорлигидан археолог олимлар илк ўрта асрлардаги Самарқанд ҳокими Вархуманнинг муҳташам саройини топишганлар. Ушбу сарой деворлари такрорланмас ранг тасвир суратлари билан безатилган эди. Бироқ, ўша даврда Республикамизда ушбу қимматли топилмаларни юксак савияда кўчириб оладиган тажрибали таъмирчи ва санъатшунос мутахассислар етишмас эди. Натижада топилмаларни очиш ишлари маълум муддатга кечиктирилган.

Я. Ғуломов ташаббуси билан 1966 йилда ЎзР ФА Тарих ва археология институти қошида кимё-технология тадқиқотлари ва консервациялаш лабораторияси ташкил этилади. Ҳозирда бу лаборатория ЎзР ФАнинг Я.Ғуломов номи билан аталувчи археология институти бўлимига айлантирилган. Мазкур бўлим олимлари ишлаб чиққан кимёвий таъмирлаш усуллари туфайли кўпгина санъат обидалари, жумладан Афросиёб, Варахша, Зартепа, Товқа, Жартепа тасвирий санъат асарлари Сополлитепа, Куёвқўрғон ҳайкаллари, турли ёзув маданияти намуналари сақлаб қолинган ва халқимизнинг маданий меросига айлантирилган. Шунингдек, 1960-1970 йилларда Республикамизда тарихчи ва археологларнинг ўзига хос “Ғуломов мактаби” вужудга келиб, академик Я.Ғуломов раҳбарлигида 30 дан зиёд фан номзодлари ва фан докторлари етишиб чиққан.

Я.Ғуломовнинг Ўзбекистон тарихига бағишланган йирик тарихий, археологик асарлар яратишда ва тайёрлашда ҳам хизматлари бениҳоят катта бўлган. Хусусан, “Ўзбекистон халқлари тарихи”нинг икки

жилдлик китоби, “Зарафшоннинг қуйи оқимида маданият ва суғориш деҳқончилигининг пайдо бўлиши”, “Самарқанд тарихи”, “Бухоронинг қадимги замонлардан ҳозирги кунгача тарихи”, “Хоразм суғорилиш тарихига” бағишланган монографиялар, 100 га яқин мақола ва брошюралар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, академик Яҳё Ғуломов миллатимиз тарихига қайғурган, унинг ҳаққоний ўрганилиши ва яратилишига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган илм фидойиси бўлган. Республикамизда юқори малакали археолог кадрларни етиштириш, илмий билимларни омма орасига кенг тарғиб этишда Я.Ғуломовнинг хизматлари жуда катта бўлган. Саҳий қалб эгаси фан сўқмоқларидаги қийинчиликларни енгиши, тинимсиз илмий изланишлари, даврнинг долзарб масалаларига бефарқ қарай олмаслиги билан халқимиз орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган.

Шу боисдан, академик Яҳё Ғуломовнинг илмий ғоялари, археологик тадқиқот услублари ҳамда устозлик тажрибалари замонавий тарихчи ва археолог олимлар учун ибратли намунадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айритомов А. Академик Яҳё Ғуломов ёди // Ўзбекистон овози. 2002. № 3. – Б. 1-3.
2. ЎзР МДА, Ф. Р-2883, 1-рўйхат. Сўз боши. – Б. 5.
3. Ўша фонд, 1-йж. – Б. 207.
4. Муҳаммаджонов А. Биринчи археологимиз // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1988. № 10. – Б. 5.
5. Зиёев Ҳ. Мозий тилсимини очиб. // Ўзбекистон овози. 1988, № 5. – Б. 3.
6. ЎзР МДА, Ф. Р-2883, 1-рўйхат, 62-йж. – Б. 19.
7. Ўша фонд, 21-30 йж. – Б. 13-15.
8. Ўша фонд, 6-20 йж. – Б. 11-13.
9. Ўша фонд, 10 йж. – Б. 11.
10. Ўша фонд, 51-57 йж. – Б. 18.
11. Ўша фонд, 72-76 йж. – Б. 20.
12. Ўша фонд, 77-78 йж. – Б. 21.

ДЕВАШТИЧ АРХИВИ ВА ҚАДИМГИ СЎҒД ҲУЖЖАТЛАРИ ТАРИХИДАН

ЖУМАЕВ М.Х. – ЎзДЖТСИ ўқитувчиси.

1932 йилнинг баҳорида Тожикистон Республикаси Заҳматобод туманининг Хайдаробод қишлоғида яшовчи чўпон Жўра-Али Муҳаммад-Али томонидан қадимги Сўғдиёна давлатининг Муғ тоғлари харобаларидан Деваштич архиви топилган. Жўра-Али бу ҳужжатлар орасидан яхши сақланган биттасини олиб, қолганларини ғорда қолдиради. 1932 йилнинг кузида ўша қўлёзмани Заҳматобод тумани парткоми Пўлатига кўрсатади. Пўлати эса юқоридаги қўлёзмани Тожикистон ССР Фанлар Академияси бўлимига беради. 1933 йилнинг апрелида Тожикистон ФА илмий котиби А.И.Васильев юқоридаги қўлёзманинг фотонусхасини Ленинградга олиб келиб-палеограф А.Фрейманга беради. Фотонусхалар ўрганилиши натижасида, қўлёзма сўғд тилида ёзилганлиги ва қандайдир бир амалдорга мўлжалланганлиги аниқланади.

1933 йилнинг августида СССР ФА га Пўлати телеграмма жўнатиб, Муғ тоғлари харобаларидан яна 20 га яқин қўлёзма ҳужжатлар топилганлигини баён қилади. Бу хабар қўлёзма ҳужжатларни ўз ўрнида тадқиқ этадиган экспедицияни тузилишига сабаб бўлади. 1933 йилнинг кузида СССР ФА томонидан Тожикистонга А.А.Фрейман, А.И.Васильева ва В.А.Воробьевалар жўнатилади. Шу йилнинг 10-23 ноябрь кунлари оралиғида олиб борилган қазув ишлари натижасида тўрт хонали бино топилади. Қоғоз ва терига ёзилган ҳужжатлар бинонинг жанубий қисмидаги иккинчи ва учинчи хоналаридан топилса, тўртинчи хонадан-тахтачаларга ёзилган ҳужжатлар топилади. Ҳаммаси бўлиб 81 та архив ҳужжати топилиб, улардан 23 таси тахтачаларга сўғд тилида ёзилган ҳужжатлардан, 29 таси терига ва 22 таси қоғозга ёзилган ҳужжатлардан ташкил топган эди[1].

Бундан ташқари, турли хил ҳолатдаги 8 та хитой тилида ёзилган ҳужжатлар ҳам бўлиб, улардан 5 тасининг орқасида сўғд тилида ҳам ёзилган матнлар мавжуд эди. Бу шундан далолат берарди-ки, хитой ёзувлари ҳужжатнинг асосини ташкил қилмасдан, балки хат мазмунини бойитиш учунгина ишлатилган. Қолган иккита ҳужжат араб тилида ва битта ҳужжат қадимги турк тилида бўлиб, териларга ёзилган эди. Кейинчалик, 1934 йилнинг кузида Пўлати томонидан Тожикистон ФА бўлимига яна терига ёзилган саккизта сўғд тилидаги қўлёзмалар топширилган[2].

А. Фрейманнинг маълумотларига кўра, ўн йилга яқин вақт мобайнида тўпланган қўлёзма манбаларда минтақанинг VII аср охири-VIII асрнинг бошларига оид воқеалар акс этган. Уларнинг сақланиш аҳволи турлича бўлиб, тўртта ҳужжатда муҳрлар ҳам сақланиб қолган эди. Тўртта

ҳужжатлардаги муҳрлар қизил тупроқдан туя тасвиридаги муҳрлар эди. Терига ёзилган ҳужжатларда махсус теридан тайёрланган боғичлар ҳам бўлиб, бу боғичлардан муҳр ва махсус ёриқ ўтказилган. Муҳр қоғозга алоҳида илова қилинган. Бироқ, махсус ёриқ ва муҳр орқали ўтадиган қоғоз ип муҳрнинг ҳужжатга тааллуқли эканлигини англатган. Бундай қирқим ва ёриқлар бошқа топилган ҳужжатларда ҳам бўлганлиги, уларда ҳам муҳрлар бўлганлигидан далолат беради. Аммо, у ёки бу сабабларга кўра улардаги муҳрлар сақланмаган.

Муғ тоғидан топилган барча ёзма манбалар – Деваштич исми билан боғлиқ бўлиб, маълум бир даврдаги тарихий воқеаларни ва улардаги тарихий шахслар фаолиятини ёритади. Умуман олганда, бу ҳужжатлар Девашти архиви ёки девонхонаси ҳужжатлари ҳисобланиб, Девашти тутқунликка олиб кетилгач, қалъада қаровсиз аҳволда қолдирилган.

Бизга маълумки, Сўғднинг Панжикент вилояти алоҳида ҳудудларидан бўлиб, бу ерда ҳам машҳур сулола ҳукмронлик қилган. Араб истилочилиги даврида-Панжикентнинг минтақадаги роли ва ўрни кучайди. Чунки, араблар босқинчилиги бу ҳудудга кейинроқ амалга ошади. Жўра-Али Муҳаммад-Али томонидан топилган биринчи ҳужжат В.А.Ливщиц томонидан ўқиб чиқилганда, олимда Девашти чнинг шахсини аниқлаш имконияти вужудга келди. Панжикент ҳокими (ярим мустақил вилоят) Девашти сўғд шоҳлари сулоласидан бўлмаса-да, қўшни вилоят ҳокимлари билан музокаралар олиб бориб, арабларга қарши “иттифоқ” тузган ва “Самарқанд шоҳи ва Самарқанд ҳукмдори” тахти ҳамда унвонига даъвогарлик қилган. И.Ю. Крачковский томонидан араб тилида ёзилган иккита ҳужжатнинг ўрганилиши натижасида, Муғ тоғларидаги қалъа Девашти ч ва унинг тарафдорларининг 721-722 йиллардаги араб истилочиларига қарши охирги истеҳкоми бўлганлиги аниқланган. Йил ҳисоби ҳар бир ҳукмдорнинг ҳукмронлик даврида “алоҳида йил ҳисоби” бўйича олиб борилганлиги ҳам маълум бўлган[3].

Сўғд ҳужжатларини ўрганилиши ва тўлиқ таржима қилиниши натижасида тадқиқотчилар Девашти ч саройида маъмурий бошқарув соҳасида фаолият кўсатган мансабдор шахсларни аниқлашди. 1962 йилда В.А. Ливщиц томонидан чоп этилган ҳужжатлардан маълум бўлдики, давлат муассасаларидаги вазифалар Панжикент ҳокими сарой хўжалигини юритувчи алоҳида шахсларга юклатилган.

Масалан, давлат бошқарув тизимидаги энг олий мансаб-ихшид (шоҳ) ҳисобланиб, шунингдек, Самарқанд ҳукмдори (хвабу, хвутаб) ҳам деб аталган. Унинг энг ишончли вакили фрамандарлар – “вазир” эди. Девашти чнинг барча сарой хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг йиғиб олиниши ва тарқатилиши, ҳарбий юришлар, хунармандчилик буюмларининг ҳисоб-китоби билан турк Ут-тегин шуғулланган. Шунингдек, у ҳукумат буйруқларининг ижросини ҳам назорат қилган.

Фрамандарга Девашти ч томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг тарқатиш тўғрисидаги бўйруқларини берилиши натижасида, шунингдек, фрамандар томонидан бу буйруқларнинг ижроси хусуси бўйича жуда кўплаб ёзма ҳужжатлар тайёрланган. Бу ҳужжатлар биринчи ёки учинчи шахс томонидан тузилган. Ҳужжатлар тилхат шаклида ҳам берилган. Тилхат тузилганда ёки бўйруқ ва топшириқлар, шунингдек, ҳар қандай бошқа ҳужжатларда-йил ва сана қўйилиб, маҳсулот берилган вақт кўрсатилган. Вақт кўрсаткичлари ҳужжатнинг охирида ёки бошида қўйилган.

Тилхатлар икки хил шаклда тузилган. Биринчиси “бир хил маъно”даги, ёки “тенг” тилхатлар деб аталиб, бу тилхатлар маъно-мазмун жиҳатидан бир-бирига нафақат яқин бўлган, шунингдек, шакл ва ёзув қаторлари бўйича ҳам ўхшаш бўлган. Бу тилхатнинг бир нусхаси муаллифда иккинчи нусхаси тилхатни олган кишида ва учинчи нусхаси эса фрамандарда сақланган. Тилхатнинг бошқа шакли биринчи шахс номидан ягона нусхада тузилган. Бу хатни олувчи уни энг “асосий” ҳужжат сифатида ва энг зарурий ҳуқуқий асосдаги кўрилган чора-тадбирлар хусусидаги ҳисобот сифатида сақлаши лозим эди.

Биринчи нусха шоҳ нутқи асосида ёзилган ва Девашти ч томонидан тасдиқланган. Шунингдек, “тупроқ муҳр” билан муҳрланган. Матн тузилгач ҳужжат труба шаклида ўралиб, ип билан боғланган ва бу ип устидан лой сувалиб, унинг устидан муҳр қўйилган. Лойдаги муҳр излари буллар деб аталган. Муғ ҳужжатларининг коллекциясида Девашти чга тегишли тоғ тўнғизи ва сўғд ёзувлари тасвирланган буллар сақланиб, булар –“ишончли хатлар” ҳисобланган. Ҳужжатлар тизимини таҳлили–Девашти ч архивидаги топшириқли ҳужжатлар-ҳукмдор буйруқларининг нусхаларидир. Девашти ч даврида Панжикент саройи давлат девонхонаси ишларини-дапирпат бошқарган[4].

Мавзу матнларининг грамматикасига “парвонак кирок”(уни И.Исхаков “ҳужжат тузувчи” деб таржима қилган) жавоб берган. Парванак кирок ўз фаолияти мобайнида дапирпатга бўйинсуниб, унга ҳисобот бериб турган.

Девонхонада жуда тартибли ҳужжатлар ҳисоботи тизими ишлаб чиқилган бўлиб, улар мазмуни ўша вақтлардаёқ яхши иш юритиш усули мавжудлигидан далолат беради. Девонхонага билимли ва моҳир хаттотлар ишга олинган. Бир томонлама ёки саҳифанинг олд-орқасига ёзилган ҳужжатлар ҳуснихатидан ва улардаги матннинг мазмун-моҳияти хаттотларнинг билими юқори даражада бўлганлигини кўрсатади[5].

Умуман олганда, илк ўрта асрлар Сўғдида ҳужжатлар юритиш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, ҳужжатларни тузишда масъул шахслар бўлган, ҳужжатлар сақлови, ҳисоботи ва улар ижроси устидан назорат ўрнатилган. Шундай қилиб, бизнинг даврimizгача сақланиб қолган машҳур сўғд архиви Муғ ҳужжатлари нафақат Ўрта Осиё минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тадқиқ этишга ёрдам беради, балки ўша даврдаги девонхоналардаги иш юритишнинг шакл ва услублари, мансабдор шахсларнинг ўзаро муносабатлари ва сарой хўжалигини бошқарув тизимини ҳам ёритади.

Тузилиш жойи ва хронологик даврига қараб қўлёзма ҳужжатлар тўпламига кўра ажратилган. Масалан, ҳукумат аҳамиятига молик ҳужжатлар махсус сарой хазиналарида сақланган. М.И.Филанович фикрига кўра, хазина-сарой хўжалигининг энг асосий элементларидан бўлиб-шарқона қўлёзма ва ҳужжатлар сақлаш мақомини Ўрта Осиё – уни босиб олган Аҳамонийлар ва эллин давлатларидан мерос қилиб олган эди. Персеполдан топилган манбаларда хазина-Газна, хазинабон эса-Ганзабара деб аталган. Шунингдек, хоразмчада хазинабон – “шахиган” деб аталган[7].

Ўз навбатида, диний мазмундаги ҳужжатлар ибодатхоналарда сақланган, шахсий характердаги ҳужжатлар эса-бу ҳужжат эгасининг шахсий архивида сақланган. Масалан, III асрдан бошлаб манихейлар ибодатхона (Эрон ва Ўрта Осиёда)ларида алоҳида бинолар ҳам бўлиб, бу биноларда манихейлик диний-этиқодларига тааллуқли муқаддас китоб ва диний қўлёзмалар сақланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда Архив ишини ташкил қилиниши жараёни узоқ тарихий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, энг аввало бу жараён қадимги давлатларнинг ташкил топиши ва улардаги ёзувнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Ёзувнинг ихтиро қилиниши билан ўзига хос иш юритиш тизими ва архив ҳужжатларини сақлаш вужудга келган. Ўрта Осиёда маъмурий бошқарув тизимларини шаклланиши ва ёзма ҳужжатшуносликни вужудга келишида Аҳамонийлар империяси ва эллин давлатларининг таъсири катта аҳамият касб этган. Энг қадимги Ўрта Осиё давлатларидаги иш юритиш ва ҳужжатларни сақлаш тизимига оид манбалар – Мисрдан топилган оромий хатидаги Аҳамонийлар ҳужжатлари билан ўхшашдир. Масалан, Парфияда давлат ҳужжатларини тузиш, грек тили ва ёзуви билан бир қаторда оромий хатидаги канцелярия тизимидан амалиётда фойдаланиш анъаналари эр.ав. IV асрнинг охирига қадар, яъни Хоразмни Аҳамонийлар давлати таркибига киритилишига қадар давом этиб, расмий оромий тили ва оромий девонхона хати расмий иш юритишда қўлланилган. Ўша вақтлардаги манбаларда ёритилишича, илк ўрта асрларда Сўғдда ҳужжатларни юритиш тизими мавжуд бўлиб, мансабдор шахслар томонидан ҳужжатларни тузиш, улардан фойдаланиш ва сақлаш юзасидан қатъий ҳисобот олиб борилган.

Ҳужжатларнинг қаерда тузилганлиги ва аҳамиятига қараб, турли хил ҳужжатли хатлар тўпланиб борган. Масалан, ҳукумат аҳамиятидаги ҳужжатлар махсус сарой хазиналарида сақланса, диний мазмундаги ҳужжатлар – ибодатхоналар қошидаги махсус сақловхоналарда сақланган. Шахсий характердаги матнлар – шахсий архивларда сақланган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. – Т.: Университет,2012. – С.8-15.
2. Ўша жойда. – Б. 8-15.
3. Бартольд В.В. Хранение документов в государствах мусульманского Востока. Сочинения. Работы по источниковедению. –Т. VIII. –М.: Наука, 1973. – С. 351.
4. История государственности Узбекистана. В 3-х томах. –Т.: Узбекистан, 2009. Т.1. (вторая половина II тысячелетия до нашей эры- III век нашей эры). Авт. Э.В.Ртveладзе, Д.А.Алимова и др.; отв.ред. Э.В.Ртveладзе, Д.А.Алимова. – С. 249.
5. Симс-Вильянс Н. Новые бактрийские документы // Вестник Древней истории, 1997.
6. Кошеленко Г.А. Новые письменные документы по истории центрально-азиатского региона в древности // “Самарқанд шаҳрининг умумбашарий марказий тараққиёт тарихида тутган ўрни” мавзуидаги 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро симпозиум материаллари. –Тошкент-Самарқанд: “Фан”, 2007. – Б. 52.
7. Дьяконов И.М., Лившиц В.А. Парфянское царское хозяйство в Нисе I до н.э. // Вестник древней истории. –Москва, 1960. № 2. – С. 134-136.

ТУРКИСТОНДА АКЦИЗ СОЛИҚЛАРИ ИСЛОҲОТЛАРИ ТАРИХИДАН

Жумаев У.Х., – ЎзР МДА
катта илмий ходими, т.ф.н., доц.

Солиқ тизимлари борасида Россия империясининг илк амалга оширган чора-тадбирларидан бири 1867 йилда акциз йиғимларини жорий қилиш ва 1886 йилда Акциз бошқармасини тузиш бўлди. Айнан шу вақтларда Россия давлат бюджетида акциз ва ичимликлардан тушадиган даромад 1913 йилда 36,3 % ни ташкил қилса, Туркистон даромадлари сметасида бу кўрсаткич – 7-11,3 % эди. Бундай паст кўрсаткич Туркистон генерал-губернаторлигида акциз ва ичимлик йиғимларининг Молия вазирлиги кам тушганлиги – ўлка ҳудудида жуда кам заводларнинг жойлашганлиги билан боғлиқ эди. Бироқ, аста-секинлик билан улардан тушадиган йиғимлар миқдори ўсиб борди[1].

Давлат вино монополиясидан тушадиган даромад 1,8 минг рублдан ошмас эди. Мусулмонлар томонидан вино-ароқ маҳсулотларини кам истеъмол қилиниши натижасида ғазна 70 млн. рубль камомад кўрган[2].

Акциз йиғимларининг миқдори кам бўлса-да, Туркистон аҳолисига оғирлик қиларди. Туркистонда реализация қилинган маҳсулотлардан олинадиган акциз йиғимларининг катта қисми Россия вилоятларидаги Молия вазирлиги кассаларига тушарди, бироқ, акциз йиғимларининг умумий тўлови Туркистон аҳолисининг бўйнига ёзилар эди.

Туркистонда 1869 йилда спиртли маҳсулотларни ишлаб чиқариш саноати энди шаклланаётганлиги боис, улар давлат ташкилотларига мажбурий ҳисобот беришдан озод этилган. Таъкидлаш керакки, спирт заводлари мавжуд бўлмаган губерниялар учун ўрнатилган қонун Туркистонда ҳам қўлланилган эди. Лекин, “ўлкада спирт маҳсулотлари ишалб чиқаришнинг ривожланиши, заводларга назорат ускуналарининг ўрнатилиш, айрим ҳолларда ҳудудлар орасидаги масофанинг 1500 верстага (1 верста – 1, 067 км.) етиши акциз нозирлари ишини қийинлаштирган. Натижада, “улар ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ойлик тафтишларни қонун талаблари даражасида бажара олмасликларига сабаб бўляпти”, дейилган сенатор Ф.Гирс ҳисоботида[3].

1883 йилда Туркистонда 12 та вино, 21 та пиво, 14 та мевадан, 13 та асалдан ароқ тайёрловчи заводлар бўлиб, улар фаолиятини акциз бўлимининг икки нозири назорат қилган[4].

Бу тармоқнинг ҳамда савдо-сотиқ ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши мустамлака бошқаруви ғазна даромадларининг ўсиб боришига олиб келган.

Шундай қилиб, рус мустамлака бошқаруви Туркистонда молия соҳасини яхшилаш орқали олинаётган фойдани янада кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошира борган. Натижада, алоҳида Туркистон Акциз Бошқармасини ташкил этиш эҳтиёжи туғилди. 1886 йилнинг 1 июлида алоҳида Туркистон Акциз Бошқармаси ташкил этилди. Унинг фаолият доирасига Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари кирган. 1886 йилда Акциз бошқармаси тузилмасининг штат таркиби қуйидагича: бошқарувчи, тафтишчи, котиб, муҳосиб, 10 та ҳудудий назоратчи ва 13 та текширувчидан иборат бўлган.

1906 йилда акциз ишларини қайта ташкил этиш натижасида жойлардаги акциз идоралари ўрнида 3 та округ бошқармаси ташкил этилган. Бу бошқармаларнинг биринчиси Тошкентда жойлашган бўлиб, унинг таркибига Сирдарё ва Фарғона вилоятлари, Самарқанд вилоятининг Хўжанд уезди кирган. Иккинчиси Самарқандда бўлиб, унинг фаолият доирасига Самарқанд, Жиззах ва Катта қўрғон уездлари, Бухоро хонлигининг рус қишлоқлари ҳамда Амударё бўлими кирган. Туркистондаги уч округ бошқармаси ходимлари сони 79 кишидан иборат бўлган. Акциз соҳасида амалга оширилган ишлар туфайли ғазнага тушган фойда йил сайин кўпайиб борди. Туркистон акциз бошқармаси маълумотларига қараганда, буғдойдан олинган ароқ учун акциз солиқлари ҳамда бандерол (харид моллари устига ёпиштириладиган ёрлиқ қоғози – муаллиф) савдо-сотиқ учун бериладиган гувоҳнома – патент йиғувларидан Фарғона вилояти бўйича 1903 йилда 144.370 рубль, 1904 йилда 147.503 рубль тушган[5]. Йиллик тушум бу вилоятда 3.132 рублга ўсган. Сирдарё вилояти бўйича бу кўрсаткич тегишлича 575.872 рубль ва 698.786 рублни ташкил қилган. Кўрамизки, 1904 йилдаги тушум бу вилоятда 122.914 рублга кўпайган[6]. Самарқанд вилояти бўйича 1903 йилда 137.760 рубль, 1904 йилда эса 195.103 рубль тушум бўлган, яъни ўсиш бир йилда 57.343 рублга тўғри келган[7].

---

[1] Питейный сбор в 1869 г. поступил в размере 129 тыс. руб. в 1913 г. – 2371 тыс. руб. С 1889 по 1906 г. акциз с табака увеличился почти в 10 раз.

[2] Полосин И.И. Очерки из истории Среднеазиатской политики. Рукописный фонд Ин-та истории и археологии АН УзССР. – № 89. – С. 65.

[3] Отчёт о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Ф. Гирсом. – СПб., 1888. – С. 108.

[4] Ўша жойда. – С. 108.

[5] ЎзР МДА, И-1-жамғарма, 4-рўйхат, 959-йиғмажилд, 25-варақнинг орқаси.

[6] Ўша манба. 24-варақнинг орқаси.

[7] Ўша манба. 25-варақ.

Бундан ташқари, юқоридаги рўйхат маълумотларига қараганда, спитли ичимликлар, тамаки, шакар ва ёритиш (фонус) ёғларига солинган барча акциз солиқларидан 1903 йилда Сирдарё вилояти бўйича 697 735 рубль, Самарқанд вилояти бўйича эса 147.569 рубль, Фарғона вилояти бўйича эса 164.437 рубль фойда олинган. 1904 йилда эса кўрсаткичлар қуйидагича бўлган: Сирдарё – 896.807 рубль, Самарқанд – 204.834 рубль, Фарғона – 168.279 рубль[1].

Акцизлардан фарқли равишда божхона йиғимлари генерал-губернаторлик сметасида муҳим аҳамиятга эга эди. Ўша вақтда яъни 1913 йилда Россия давлат бюджетида божхона даромадлари 10,4 % ни, генерал-губернаторлик сметасида 1908-1913 оралиғида бу кўрсаткич 27 фоиздан 29,3 атрофида бўлган.

1890 йил 12 июнда Молия вазирлиги қошида умумимперия божхона муассасаларига ўхшаш Туркистон божхона округи ташкил этилди. Мазкур округ таркибига маҳаллий вилоятлар ҳамда Каспий орти вилояти ва Еттисув вилоятининг жанубидаги божхона муассасалари кирди. 1894 йил 6 июнда умумимперия божхона таркибига Бухоро ва Хива хонликлари ҳам киритилди. Россияда божхона йиғимлари суммаси келтирилган товар қийматининг 30,5 % ини ташкил қилган[2].

АҚШдан олиб келинадиган пахтадан олинадиган божхона йиғимларининг оширилиши натижасида Россия бюджетида божхона солиқлари Туркистон бюджети божхона даромадларининг ошишига сабаб бўлди, бироқ, унинг бюджетида қисман ифодаланди[3]. Умуман 1913 йилда эгри солиқлар Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг ярмига яқинини ташкил этарди.

Божхона солиқларининг катталиги ва айрим товарларга нисбатан таъқиқловчи тарифларнинг мавжудлиги маҳаллий саноатни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, Ўрта Осиёни метрополия товарлари истеъмолчисига айлантириши лозим эди.

Капиталистик муносабатларни ва ғазначилик манфаатларини ортиб бориши нафақат эгри, қолаверса тўғридан-тўғри олинадиган солиқлар тизимини ислоҳ қилишни тақозо қиларди. Россия империясининг бў йўлдаги чора-тадбирларидан биринчиси Туркистонда (рус савдо капитали манфаатини кўзлаб) савдо ва саноат ҳуқуқи тўғрисидаги 1865 йилда қабул қилинган умумрус божхона Низомини жорий қилиниши бўлди. Аввалги йилларда савдо ва саноатдан сотилган маҳсулотнинг 1/40 қисми ҳажмида закот олинган.

XIX асрнинг 90-йилларида Россияда молиявий капитални ривожланиши натижасида метрополия ва Туркистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳам кучайиб борди. Бунда темир йўлларнинг қурилиши муҳим аҳамият касб этди. 1914 йилгача Туркистоннинг тўртта вилоятида савдо ва саноат ташкилотлари сони 84 тадан 802 тага кўпайди. Бу омилларнинг бари саноат солиғининг ўсишига сабаб ьўлиб, 1888 йилдан 1913 йилгача бу солиқ тури уч маротаба ўсди. Шунга қарамасдан генерал-губернаторликда саноат солиғидан тушадиган даромад унчалик салмоғли эмас эди. Саноат солиғи тизимида ислоҳотлар ўтказилгач, бу солиқ кўрсаткичи 1875 йилда 14,3 % га тушди, 1876 йилда 7,3 % га ва 1913 йилда эса бу кўрсаткич – 4,3 % га тушиб қолди.

Туркистонда закот ўрнига саноат солиғини жорий қилиниши натижасида Россиядан мустамлакага турли хил арзон фабрика маҳсулотларини олиб келувчи йирик савдогар ва фабрикантларга қулайлик туғдирди. Бунинг акси ўлароқ маҳаллий кичик ишлаб чиқарувчи ишбилармон ва савдогарларга катта саноат солиғи солинди.

Шундай қилиб, акциз йиғимлари ва саноат солиғи генерал-губернаторлик бюджетида сезиларли аҳамият касб этмаса-да, меҳнаткаш халқ ҳаёти ва уммуман ўлка иқтисодиётини ривожланишида муҳим роль ўйнади. Бундай чора-тадбирлар мустамлакачилик сиёсатининг асосий қуролларидан бирига айланди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Питейный сбор в 1869 г. поступил в размере 129 тыс. руб. в 1913 г. – 2371 тыс. руб. С 1889 по 1906 г. акциз с табака увеличился почти в 10 раз.
2. Полосин И.И. Очерки из истории Среднеазиатской политики. Рукописный фонд Ин-та истории и археологии АН УзССР. – № 89. – С. 65.
3. Отчёт о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Ф. Гирсом. – СПб., 1888. – С. 108.
4. Ўша жойда. – С. 108.
5. ЎзР МДА, И-1-жамғарма, 4-рўйхат, 959-йиғмажилд, 25-варақнинг орқаси.
6. Ўша манба. 24-варақнинг орқаси.
7. Ўша манба. 25-варақ.
8. Ўша манба. 959-йиғмажилд, 24, 24-варақнинг орқаси; 25-варақнинг орқаси.

[1] Ўша манба. 959-йиғмажилд, 24, 24-варақнинг орқаси; 25-варақнинг орқаси.
[2] Экономика и политика внешней торговли. Сборник под ред. М.Н. Соболева. – М., 1928. – С.185.
[3] Погребинский А.К. Налоговая политика царизма в Средней Азии в 1860 – 1890 годах // в сб. «Исторически записки». – № 66. – М., Изд-во АН СССР, 1960. – С. 398.

9. Экономика и политика внешней торговли. Сборник под ред. М.Н. Соболева. – М., 1928. – С.185.

10. Погребинский А.К. Налоговая политика царизма в Средней Азии в 1860 – 1890 годах // в сб. «Исторически записки». – № 66. – М., Изд-во АН СССР, 1960. – С. 398.

БУДДАВИЙ “ВЕССАНТРА-ЖАТАКА“ РУКНИДАГИ “СУДАШАН” РИВОЯТИ ВА УНИНГ “КУНТУҒМИШ” ДОСТОНИДАГИ БАДИИЙ-АҲЛОҚИЙ ТАЛҚИНИ

Захидова И.А., –
ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси

Ватанимиз – Ўзбекистон тарихининг мил.авв. II ва милоднинг V-VI асрлари оралиғида Эрон ва Рим билан беллашган қадимги туркий Беш-Ўқ (Юэ-жи) уруғлари Сурҳондарё “Темир Қопу” (Дарвоза)си, “Осмон Кўприклари” орқали ўтиб, ҳозирги Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон, Жандалахара-Пешавор (ҳозирги Қандаҳор шаҳри ва вилояти)гача бўлган ҳудудларда буюк Кушоншоҳлар жаҳоний салтанатига асос солганлар. Бу салтанатда, Буддавий дин – яъни, “Зиёланган”, ўзидан “Зиё-Нур таратувчи” (Бодҳисатв) улуғ азиз-авлиё, ориф зотлар дини халқ маданияти асоси, давлат дини, мафкураси деб эълон қилинган.

Ана шундай азалий, қадимги жуда оддий, аммо, ўзида катта ҳаётий ҳақиқатни ифодалайдиган ўзбек халқи оғзаки ижоди наъмуналари – эртак, достонлари, доно масал-маталлари, мақоллари, ибратли, ҳикматли сўзларга “аждодлар кигиз китоблари – тўрваси”дан олинадиган халқимиз маънавияти дурдоналарига қўшимча, дунёнинг бошқа халқлари, ш.ж.дан, ҳинд халқлари билан доимий, тиғиз бордикелди, савдо-тижорат, маданий алоқа ва муносабатлар жараёнида мил.авв. II ва милоднинг V-VI асрларигача бўлган Кушоншоҳлар, Қидарийлар, Ҳионийлар, Ҳайтал-Эфталитлар даврларида Ҳиндистондан “Калила ва Димна”, “Доно Бидпой” ҳикматли китоблари, улар қаторида “Судашан”, “Сарҳуш қилувчи ичимликларни лаънатлаш сутраси” каби ўнлаб, юзлаб ривоят, ҳикматлар, масал-маталлар халқимиз маданият, анъаналарига келиб қўшилган. Ана шундай ҳикматли ривоятлар асосида бахшиларимиз достонлар куйлашган, олим мутафаккирларимиз – тарихчи, адаб илми вакиллари, файласуфлар, аҳлоқшунослар ибратли китоблар ёзишган, халқ театрлари, қўғирчоқбозлар, дорбозлари ўйинлари қўйилган, айтишув, аскиябозлик, рақслар, лапарлар, томошалар, ўйин-кулгилар, кечалар уюштирилган. Улардан, кенг халқ оммаси, айниқса ёш болалар, ёшлар олам-олам ҳурсандчилик, завқ-шавқ олганлар, умуминсоний эзгу-ғоялар, қадриятлар оғушида униб-ўсганлар, тарбия топганлар, камолотга эришганлар.

Буддавий маданият, цивилизациянинг жуда катта жабҳасини ташкил этган “Вессантра-Жатака”(ҳозирги ўзбекчада “Ибратли эртаклар, доно ҳикматлар ва безавол ривоятлар” маъноларига эга рукнига қиёсан, тақлидан ибратли эртаклар, ҳикоялар, масал-маталлар қадимги туркий халқ оғзаки ижоди, бадиий-аҳлоқий фикрининг гўзал намуналари яратилган ва улар бизгача, халқ бахшиларимиз айтишлари шаклида етиб келган. Айниқса, “Судашан” ривояти “Вессантра-Жатака” рукнларидан олинганлиги яққол кўриниб турсада, халқ бахшиларининг топқирликлари, маҳоратлари туфайли илғаб бўлмайдиган даражада бизга ўзлашиб, сингиб кетган. Ана шундай халқ ижодига, маънавий мулкига айланиб кетган масал, матал ривоят – бахтли-саодатли шаҳзода Судашан ҳаёти, тақдири саргузаштлари, сабоқ ва ибратлари ўзбек халқининг энг қадимий ва буюк достони “Кунтуғмуш” таркибида етиб келган.

Ўша доно ва бахтли шаҳзода Судашаннинг мислсиз саодатли, қутлуғ тақдири – туғилишию, ибратли вояга етиши, аччиқ ҳаёт машаққатларига дучор бўлишию, улардан мўъжизакор қутилиши сабоқлари, қайтадан бахт-саодатга эришиши ривояти, бизнингча, “Кунтуғмиш”да [1] ҳайратомуз, ишониш қийин бўлган, беҳад гўзал бир-бутунликда етиб келган – асосий сюжет чизиғи, фабула, мазмуни, қисмат ўйинлари жуда аниқлик ва маҳорат билан сақлаб қолинган. Албатта, ўзининг дунёда машҳур “Судашан” [2] ривояти номи остида эмас, ҳатто “Калила ва Димна” эртак-ажойиботлари кўринишида ҳам эмас, балки, асл ўзбекча исм-номларда – Ҳолбека ва Ҳолмўъмин (Кунтуғмиш) гўзал достонларида, ҳикматли ибратлару, халқ театри, кино саҳнаси кўринишларида, ўзига хос бадиий-аҳлоқий талқинда, юксак, эзгу қадриятларга йўғрилган тарзда етиб келган.

Шу пайтгача, Ҳиндистондан турли йўллар билан кириб келган жуда кўп ҳикматли эртак, ривоятлар, масал, маталларни халқимиз азалдан яхши билган, ўз маънавий мулкига айлантирган, донишманд олим-мутафаккирларимиз эса улар асосида янги ижод намуналарини яратиб келган бўлсаларда, кейинги ўрта асрлардаги қолоқлик, жоҳиллик, ҳурофотлар туфайли улар бир мунча, гўёки унутилгандек эди.

Аммо, халқ хотираси, эзгу орзу-умидлари, қадриятлари, ш.ж.дан, халқ оғзаки ижоди шу қадар қудратли куч, маънавий хазина эканки, улар ўз бағрида, ҳатто энг юксак илмий, диний, ирфоний ҳикматлар, қадриятларни ҳам асраб-авайлаб, ворисий сақлаб кела олган, ҳозирги авлодга энг гўзал, ажойиб ва олийжаноб, серзавқ ва сермаъно ҳикмат, эртак, достон, масал, маталлар кўринишида етказиб бера олган.

"Кунтуғмиш" достони билан "Судашан" ривояти анъанасининг сюжет чизиғи, фабуласи, мавзу-муаммоларини, хулоса, кузатишлари, ҳаётий сабоқлари, мўъжизакор "Ҳалос бўлиш", нажот топишдаги матний, манбаавий айнанлик, бирликни махсус илмий, диний-фалсафий, ирфоний таҳлил, таҳқиқ этиш зарурлигини яхши билганимиз ҳолда, ўқувчиларга ёрдам тариқасида, биз ҳозирча, илк ёндашиш имкониятларига оид Ғарбий Овруполик, хусусан француз шарқшуноси, тадқиқотчиси Е.Бенивенисте [3], Олмониялик О.Нойберг [4] таҳқиқ ва хулосаларига, ҳамда, бу ажойиб, гўзал мавзу ҳақидаги Россиялик шарқшунос, эроншунос олимлар М.М.Дьяконов [5], В.И.Лившиц [6], Е.Э.Бертельс [7], Б.Ғ.Ғафуров [8] ва бошқалар тадқиқотларига ҳавола қилиш билан кифояланиб, мавзу-муаммонинг қуйидаги бандларини санаб ўтиш, кўрсатиш билан чекланамиз:

I. Ҳаёт гўзал, бахт-саодатга тўлиқ, аммо айни пайтда азоб-уқубатлар ҳам етарли, улар бениҳоя чексиздек, аммо бу азоб-уқубатлардан қутилиш йўли бор – бу ўзни тийиш, тизгинлаш, камтарлик, камсуқумлик, тупроқ қатор ҳокисорлик, зеби-зийнат, бойлик, кибр, манманликдан қочиш, дунё тўғрисида чуқур ўйга чўмиш, фикр-мулоҳаза юритиш, покланиш.

II. Ана шу гўзал, бахт-саодатли ҳаётдан Тақдир ўйини (шумлиги – 1-жилд, 458-б.) туфайли Ҳолбека ва Ҳолмўъмин (Кунтуғмиш)ни ота-онаси эмас, балки Буврохон (Қора Буғрохон) бу Тақдир ўйинида, бутун достон давомида 10-11 марта фаол иштирок этади - одамзотсиз чўли биёбонга, муқаррар ўлимга ҳукм қилади. Ҳолбека юзидан "таралаётган улкан Нур ёғдуси" ошкор бўлгач, Азбарҳўжа (Алдарҳўжа) ҳасади, таъмагирлиги туфайли болалари ва эри Ҳолмўъмин билан ниҳояси йўқ азоб-уқубатларга, дучор бўлади, 3 бора ўлимга ҳукм қилинади, аммо мўъжизакор ҳалос бўлади, нажот топади.

III. Будданинг раҳми келиши ва ёрдами билан Бидпойнинг, ҳамда Азбарҳўжа карвонидаги ўрта карвонбоши Қосим каби ҳайрихоҳлар кўмаги билан Азбарҳўжа уюштирган, Тақдир шумлигидан келувчи минг бир азоб-уқубатларга учраган Ҳолбека, 2 боласи ва эри Ҳолмўъмин-Кунтуғмиш билан ниҳояси кўринмайдига азоб-уқубатлардан ҳалос бўладилар.

IV. Азбарҳўжа уюштирган "Шаробхўрлик қилишга" кўнган Кунтуғмиш, шаробхўрлик касофати, ёмонлар ҳасади, таъмагирликлари туфайли, энг асосийси, Ҳолбеканинг Ой юзидан таралаётган Нур ёғдусидан ёмонлар ҳасади, айни пайтда Қосим Карвонбоши кўрсатмаси ва бошқа ҳайрихоҳлар ижроси воситасида чўли-саҳрода қолиб кетган, норасида 2 гўдак ва Кунтуғмиш узоқ йўлнинг ҳар марҳаласида 1 коса овқат, нон ва 1 коса сув туфайли, аста-секинлик, узвийлик билан, табиий-тадрижий тарзда, нафақат мингбир азоблардан қутуладилар, балки ўз бахт-саодатларига эриша борадилар, манглайлари ёруғ бўла бошлайди (1-ж., 448-461 бб.).

V. Лекин, "Қора Чавкар от" – Тақдир кажрафторлиги, Бидпой шумлиги туфайли янгидан-янги азоб-уқубатлар рўпарадан чиқиб келаверади, гўёки азоб-уқубатларнинг чеки, ниҳояси йўқдек кўрина бошлаганда, ёрдам, кўмак бир томондан-қаҳрамонларимизнинг ўзларидан (уларнинг тақдирга рози бўлиб, сабр-тоқатга юз тутишлари, умидсизликка тушмасликлари), қолаверса бошқалар - оддий одамлар – қўйчивон, аскар, савдогарлар, ҳатто маъмурлар. Подшоҳ Буғрохоннинг меҳр-шафқати, одил, инсоний ҳукмлари туфайли тақдир қоралигидан ёруғликка юз тутади.

VI. Лекин, Тақдир йўли муюлишида пойлаб турган янгидан-янги кулфату, офатлар, балолар ёпирилиб келади: Гуркибойни "Қизил тили иягидан осилган, пусиб турган қари (Кўк ёл) Бўри" олиб қочади, буни Аму суви ўртасида кўриб, иложсизликдан эси оғиб қола бошлаган Кунтуғмиш боласи доғи-ҳасратида "Оҳ!" деб юборганида, тишидаги тугунда дарё сувидан олиб ўтаётган Моҳибой сувга тушиб кетиб, уни катта балиқ "ютиб юборади". Умидсизлик, бахтсизлик гўё Кунтуғмиш оиласини босиб-эзиб юбораётгандек, тақдирга тобеълик кўрсатиш, сабр-тоқатлик устига "Дунёи-дундан воз кечиш", узлатга чекиниш, яккаю ёлғизлик, танҳоликни қўмсаш, фарзанд доғи, Фалакдан, Тақдирдан шикоят, нолиш, ҳатто қаландар-дарвешлик майллари енгиб чиққандек (1-ж., 466-469; 470; 472; 475; 477 бб.).

VII. Ва ниҳоят замонавий кино, театр саҳналаридагидек, бадиий асарлар ниҳоясидаги каби "Хэппи энд!" (Бахтли якун топиш) – юз минглаб азоб-уқубатлар ниҳоясида, Подшоҳ Аркидан учирилган Ҳумо қуши, ҳақиқий, асл ҳукмдорни қидириб, учиб келиб, Кунтуғмишнинг бошига қўниши, ҳукмдорлик маснадига ўтириш содир бўладики, бу Будда васиятларидагидек асл эзгулик, қонун, адл-инсофга йўл очилиши демак эди.

VIII. Ҳолбека ва Кунтуғмиш тахтдан воз кечишиб, ҳукмдорлик –подшолик маснадини ташлаб, оддий инсонийлик, адолатлилик, бола-чақалари, фарзандлари бахтини кўриб, тинч, осойишта яшаш йўлини танлайдилар ва ҳатто бу йўлга, аввалги одил ва улуғ подшо Буғрохонни, ундан кейинги ҳукмдорни ҳам, аввал зулм-бедодлик кўрсатган бўлсада, аммо кейин адл-инсоф йўлига, одамларга, бева-бечоралар, ҳастаю-чўлоқ, маййиб-мажруҳларга, ожизу нотавон, заифларга, ёрдамга муҳтожларга юз буришга ундайдилар, улар учун намуна бўладилар.

IX. Албатта “Судашан” эзгулик ривояти, “Сарҳуш – маст қиладиган ичимликларни лаънатлаш” ибрат ва сабоқ ривояти, бошқа эзгулик ҳикматлари “Кунтуғмиш”га узвий, тадрижий сингдириб юборилганлиги, ижодий ўзлаштирилганлиги бор гап. Бусиз бу қадимги афсона-ривоятдан, уни достон қилиб айтиб юришдан нима нафу, қандай олийжаноб панд-насиҳат вужудга келиши мумкин бўларди.

X. Энг муҳим фарқ, қадимги ва улуғвор туркий давлатчилик, миллий калорит (ранг-баранг бўёқлилик), ҳаётбахшлик, жўшқинлик, буддавийликдаги анъанавийлик руҳига қарама-қарши тарзда, жўш уриб турибди. Боз устига, VIII-X асрлардан кейин қадимги туркларнинг мусулмонлашиши оқибати ўлароқ, мазкур эзгулик ва сабоқ ривояти ниҳоясида келтириладиган Будданинг инсониятга ҳитоби: Ҳолбека, Кунтуғмуш ва болалари бошдан кечирган барча осуда, бахтли дамларию, минг бир азоб-уқубатлардан ҳалос бўлиш, Нажот топиш – бахтли саодатга етишишлари, Буддавий “Таносуҳ назарияси”га кўра, ўзининг илгариги ҳаётларида кўрган-кечирганларидан иборатлиги тўғрисидаги эътирофи-васияти тушириб қолдирилган. “Кунтуғмиш” ана шундай эзгулик ҳикмати, фалсафаси ва уларнинг бадиий-аҳлоқий талқинидан, катта ва сермаъно ҳаёт ҳақиқатларидан иборат.

Тадқиқотлар:

1. Ўзбек халқ достонлари. 1-2 жж. Т.: Фан, 1957. 1-ж. 508 бет.
2. Қаранг: М.Исҳоқов, А.Отахўжаев. Суғдларнинг буддавий-аҳлоқий ёзма меросидан // А.Қаюмов, М.Исҳоқов, А.Отахўжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Т.: Ёзувчи. 2000. 231 бет
3. Benveniste E. Traditions indo-iraniennes sur Lesclasses sociales // JA. T. 230. Paris: 1938.
4. Nyberg N.S. Die Religionen des alten Iran. Leipzig. MVAG, 1938, t. 43. S. 190-320.
5. Дьяконов М.М. Образ Сиявуша в среднеазиатской мифологии. Краткие сообщения Института Истории Материальной Культуры АН СССР. Выпуск XL. Москва, 1951.
6. Лившиц В.А. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. М.: 1962 («Согдийские документы с Горы Муг», Вып. II.).
7. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. М.: 1960 (Избранные труды).
8. Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. 1-2 тт. Душанбе: Ирфон. 1989. Т.1. Сс.356-357.

ЖИЛОЕ ПРОСТРАНСТВО ТАШКЕНТСКИХ УЗБЕКОВ: УТИЛИТАРНЫЕ И РИТУАЛЬНЫЕ МОДЕЛИ.

Зунунова Г.Ш., – д.и.н., Ведущий научный сотрудник отдела «Этнологии и антропологии» Института истории АН РУз

Система представлений о мире имеет значимость для изучения проблемы реконструкции традиционной картины мира, воплощенной в различных текстах культуры. Одним из них является образ жилища, позволяющий выявить архаичные пласты народного мировоззрения и мировосприятия. Звеном воззрений о традиционной модели жилого пространства являются обряды и обычаи, связанные с выбором строительного материала, основанные на их практической значимости.

Строительство дома у узбеков, как и у других народов мира, начиналось с выбора материала для строительства, что было связано с различными поверьями, многие из которых опирались на символическую классификацию, а также ритуальный смысл тех или иных элементов материальной культуры.

О символических функциях «вещного мира» писали Т.В. Цивьян[1], А.К.Байбурин [2], Н.И. Гаген-Торн[3], П.Г.Богатырев[4], М.А.Хамиджанова[5] А.Оразов и Д.Чарыев[6] и многие другие.

Но в общем пласте этих работ не уделяется достаточного внимания народному мировоззрению, связанному с выбором строительного материала у узбеков Ташкента.

---

[1] Цивьян Т.В. «Дом» в фольклорной модели мира (на материале балканских загадок) // Труды по знаковым системам 10. – Тарту, 1978. – С. 72.

[2] Байбурин А.К. Жилище в обрядах и представлениях восточных славян. – Л.: Наука, 1983. - 188с.

[3] Гаген-Торн Н.И. Магическое значение волос и головного убора в свадебных обрядах Восточной Европы // СЭ. – М., 1933. - № 5-6. – С. 76-88.

[4] Богатырев П.Г. Вопросы теории народного искусства. – М.: Искусство, 1971. – 511 с.

[5] Хамиджанова М.А. Материальная культура матчинцев до и после переселения на вновь орошаемые земли. – Душанбе: Дониш, 1974. – 227 с.

[6] Оразов А., Чарыев Д. Некоторые верования и обряды туркмен, связанные с юртой (XIX – начало XX века) // Кочевое жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 2000. – С. 154-164.

Цель статьи – рассмотреть поверья, связанные с выбором строительного материала узбеков Ташкента как одной из звеньев обрядовой цепочки строительства дома с точки зрения символической классификации и значения символов.

Основным строительным материалом ташкентских узбеков была глина, обладающая «термической инерцией», т.е. медленно нагревающаяся и охлаждающаяся[1]. В силу того, что она была удобна из практических соображений, ей приписывались и магические свойства. Считалось, что глина обладает охранной силой, силой оберега от злых духов. В строительстве в начале XX в. ташкентские узбеки использовали и древесину. Она была двух видов: привозная и искусственно выращенная

Согласно полевым материалам, в Ташкенте так же, как в Ферганской области, существовал обычай, который жив до сих пор, когда в честь рождения сына отец рядом с домом сажал саженцы тополя, которые через несколько лет становились большим подспорьем в строительстве дома[2]. О посадке строевого леса жителями Ташкента писала и А.К.Писарчик[3]. Кроме утилитарной функции деревья и саженцы имели и семантическую нагрузку. Посадка деревьев являлась также ритуальным действом, которое помогало стать будущему дому прочнее и устойчивее. Мировоззрение, связанное с деревом, объединяло такие понятия, как земля и небо, жизнь и смерть, и заключало в себе все многообразие явлений и таинств окружающего мира. У многих народов при строительстве на месте дома зафиксировано установление дерева, что «безусловно связано с той концептуальной схемой, которую принято называть «мировым деревом»[4].

Несмотря на то, что дерево было менее распространенным материалом для строительства, чем глина, при строительстве узбекских домов его использование приветствовалось. Кроме тополя, ветлы, сосны в строительстве использовалась древесина тутового дерева и орешины. Вместе с тем, существовали некоторые ограничения на применение деревьев тутовника и ореха. Например, у оседлых народов Средней Азии отношение к тутовому дереву двойственное. Плоды очень почитаются, вместе с тем древесина считается «святой», как и само дерево, и поэтому его не рекомендуется срубать. Одно из преданий, объясняющее такое отношение к тутовнику, описано А.К.Писарчик [5]. Легенда гласит, что один из пророков, преследуемый врагами, укрылся от них в тутовом дереве, которое расступилось, а потом опять сомкнулось. Кто-то выдал пророка преследователям, дерево срубили, пророка убили, и его кровь окрасила древесину в красный цвет. Хотя А.К.Писарчик называет тутовое дерево в связи с этим «нечистым», тем не менее, с нашей точки зрения, это утверждение неверно. Из легенды следует, что дерево наоборот приобрело статус святости. В мусульманской культуре окропленное кровью пророка место считается святым. Е.М.Пещеровой в Фергане был зафиксирован запрет на срубание тутового дерева[6]. Нами также получены данные, свидетельствующие о существовании этого запрета в Ташкенте[7]. Считается, что внутренняя часть ствола дерева имеет характерную красноватую окраску из-за крови пророка, которого предала сорока (*ала карга*), когда он хотел спрятаться от врагов в тутовнике. Поэтому прежде чем срубать тутовое дерево, необходимо провести *эхсон* (поминальный обряд). Такой же обряд обязателен и перед тем, как срубить орешину. В народе этот вид дерева считается опасным, и если, по преданию, его срубить без соблюдения ритуальных правил, можно заболеть[8].

Такие представления имели глубокие корни, связанные с идеологией раннего родового общества. Д.Зеленин связывал их с феноменом «строительной жертвы». В частности, он писал: «С точки зрения примитивной тотемистической идеологии рубка деревьев влекла за собой смерть жильцов, которые одновременно были и строителями дома. Жильцы и стали обманывать демонов-тотемов, подсовывая им вместо себя детей, пленных, а затем рабов и животных»[9].

В строительстве широко применялся искусственно выращенный лес, который наделялся «положительными» признаками. Но ташкентские узбеки не использовали для строительства растущие в пределах усадьбы, деревья, особенно фруктовые. Считалось, что если такое дерево срубить, это принесет несчастье в дом. Если же по каким-то объективным обстоятельствам его приходилось срубить (дерево высохло и т.д.), то оставшиеся пни, по обычаю, выкорчевывали, так как они, по поверью, могли

[1] Воронина В.Л. Жилище народов Средней Азии и климат // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1982. – С. 51.
[2] Записи автора. г. Ташкент. Махалли Кукча, Самарканд Дарвоза и др. 1999, 2003, 2009; село Миндон. Ферганская область. 1992, 1993, 1996.
[3] Писарчик А.К. Строительные материалы и конструктивные приемы народных мастеров Ферганской долины в XIX – начале XX в.// Среднеазиатский этнографический сборник. – М., 1954. – Вып. 1. – С. 243-246.
[4] Байбурин А.К. Жилище в обрядах и представлениях восточных славян. … – С. 59.
[5] Писарчик А.К. Народная архитектура Самарканда. - Душанбе: Дониш, 1975. – С. 65.
[6] Пещерева Е.М. Некоторые дополнения к описанию праздника тюльпана в Ферганской долине // Иранский сборник. – М., 1963. – С. 214–218.
[7] Записи автора. г. Ташкент. Махалля Самарканд Дарвоза. 1999.
[8] Несмотря на то, что ореховое дерево использовалось в строительстве, существовало поверье, согласно, которому запрещалось спать под орешиной. Считалось, что во время сна человеку могут причинить зло «духи», обитающие в кроне дерева (Г.З.). - Записи автора. г. Ташкент. Махалля Сам арканд Дарвоза. 2009.
[9] Зеленин Д. Тотемы - деревья в сказаниях и обрядах европейских народов. – М.-Л: Изд-во Академии наук СССР, 1937. – С. 20.

негативно влиять на благополучие в доме[1]. По представлениям восточных славян фруктовые деревья также запрещалось использовать в строительстве.

Восточные славяне в качестве строительного материала не используют так называемые «приметные деревья», рубка, которых, по поверью, влечет за собой смерть человека. Такие деревья, как правило, отмечены внешне (например, растут на горе, в них ударила молния и т.п.) либо находятся в пределах усадьбы. Согласно представлениям народов Кавказа, лес необходимо было рубить не до начала сокодвижения весной, а осенью, как только оно прекращалось. Рубке леса карачаевцы и балкарцы приписывали магическую силу, ибо, по народным поверьям, дерево считалось живым существом. Потому-то и рубили его, когда оно «спит»; если же рубить дерево в росте, рубщика могли покарать демоны леса (*агъач киши*)[2]. По поверью удмуртов, дерево, предназначенное для постройки, обязательно должно было быть «живым» («дерево с душой»). Живой не означало сырой, а имелось в виду, что дерево не мертвое. Подобные представления существовали и у хантов[3].

Ташкентские узбеки в строительстве использовали также камыш, известь, алебастр, относительно свойств, которого узбекские мастера рассказывали легенды. В одной из них говорится, что когда-то один из бухарских правителей поручил своему придворному мастеру возглавить постройку медресе. Мастер был прекрасным специалистом, но, как водится, у него имелись завистники и недоброжелатели, которые, желая опорочить его в глазах правителя, донесли, что мастер якобы готовит негодный алебастровый раствор для кладки. Правитель сам прибыл для проверки. Как раз в этот момент каменщик сорвался с воздвигаемой стены, и, падая, ухватился за только что положенный на алебастровый раствор кирпич. Алебастр был приготовлен так хорошо и схватился так быстро, что смог выдержать вес человеческого тела. Правитель был убежден в правоте мастера и наградил его[4].

На протяжении исследуемого периода традиции домостроительства менялись, как и традиции использования того или иного материала, что зависело от социально-экономических, политических, религиозных и других факторов общественного развития. В 20-е годы XX в. в Средней Азии появляются новые строительные материалы. Зажиточные хозяева начинают использовать в качестве строительного материала для крыши кровельное железо. Однако жители *махаллей* Ташкента предпочитали по-прежнему сооружать крыши из глины, как это было принято предками, так как, по поверью, считалось, что в доме с железной крышей может поселиться «нечистая сила». Люди психологически боялись появления нового. Тормозом положительного восприятия этого элемента материальной культуры являлся и страх. В годы коллективизации из-за репрессивной политики советской власти многие сельчане, да и представители городского населения были объявлены «кулаками» и сосланы в Сибирь. Кровельная же крыша означала высокое материальное положение хозяина дома, что могло стать причиной ссылки и депортации. Поэтому, боясь попасть в «кулаки», люди не покрывали свои дома металлической крышей. Среди жителей махалли существовало поверье, где утверждалось, что в доме с крышей из нового материала не будет счастья и достатка[5]. Другими словами, всё, что было нетрадиционным, принималось с трудом. Кроме того, это было связано еще и с тем, что этнокультурные контакты в тот период были не очень широкими. Еще одной причиной медленного внедрения в жизнь нового строительного материала являлась их дороговизна и вследствие этого – недоступность. Такой строительный материал, как жженый кирпич, начали использовать в строительстве уже в 30-е годы XX в. Население не наделяло его негативными качествами, так как он по форме был похож на кирпич из глины (*хом гишт*), который традиционно использовался в строительстве ташкентских узбеков. Но он был очень дорогим, считался дефицитом[6]. В 60 – 80-е годы XX в. в ташкентских *махаллях* в строительной технике без ограничений стали использовать шифер, бетон, стекло, так как практика использования показала, что это легкие и доступные материалы.

В 1990-е годы, когда среди узбекского населения ярко проявилось социальное расслоение, в ташкентских *махаллях* наряду с домами из новых строительных материалов стали появляться жилища, построенные из *гуваля* и *хом гишт* (сырцового кирпича) с применением каркасной техники строительства. Возвращение к старым традиционным строительным материалам более всего связано, на наш взгляд, с дороговизной новых. Появившуюся тенденцию возврата к традиционным *гуваля* и *хом гишт* в большинстве случаев можно объяснить также и традицией, возрождением национальных культурных символов.

Таким образом, для строительства своих домов население выбирает такие стройматериалы, которые прошли символическую классификацию и получили статус пригодных и такие характеристики,

---

[1] Записи автора. г. Ташкент. Махалли Бахор, Садаф. 2008.

[2] Конаков Н.Д. Строительная обрядность народов коми // Традиционное мировоззрение и духовная культура народов Европейского Севера. – Сыктывкар, 1996. - С. 22.

[3] Там же.

[4] Писарчик А.К. Строительные материалы и конструктивные приемы народных мастеров Ферганской долины в XIX – начале XX в. // Среднеазиатский этнографический сборник. – М., 1954. - Вып. 1. – С. 269.

[5] Записи автора. г. Ташкент. Махалли Сагбон, Кукча, Самарканд Дарвоза, Чукур куприк и др. 1999, 2000, 2003, 2009 .

[6] Записи автора. г. Ташкент. Махалли Бахор, Садаф, Самарканд Дарвоза, Туркмахалля 2008, 2009.

как пластичность, водонепроницаемость. Об их прочности и надежности, высоком качестве свидетельствовали различные легенды. В поверьях и легендах о народных мастерах отразилась сакрализация процесса строительства. Народные умельцы наделялись тайными способностями и знаниями, применение которых могло сделать дом не пригодным для жилья. Выбор материала для строительства жилища показывает, что ограничения нельзя/можно; счастливый / несчастливый имеют чисто символический характер, и в то же время на определенном этапе в связи с проникновением в исследуемый регион новых строительных материалов стали в большей степени учитываться и их практические утилитарные аспекты.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Ибрагимов Р.З., - ЎзМУ

Маълум ҳудудда тарқалган ёдгорлик ёки маданиятнинг аниқ даври ва санасини белгилаш археология фани соҳасида муҳим вазифалардан бири саналади. Шунга кўра Ўрта Осиёнинг жанубий қисми билан шимолини боғлаб турган, фаол алоқа минтақасини ташкил этган Сирдарё орти ерлари, хусусан, Тошкент воҳасининг қадимги давр тарихи босқичлари ва хронологияси масалаларига қайта кўриб чиқиш зарурати туғилади.

Маълумки, Тошкент воҳасида қадимдан одамлар яшаб, бронза даврига оид чорвадор қабилалар тегишли кам сонли дафн иншоотлари материаллари ва тасодифий топилмалар ўрганилган. Тадқиқотчиларнинг ишларида акс этган ушбу моддий маданият ёдгорликлари Е.Е.Кузьмина томонидан умумлаштирилиб, Сруб маданияти ва Андроново маданияти Федоров босқичларга ажратилган.[1]

Ўлкада яшаган бошқа бир турдаги халқлар Бургулик маданиятида ўз аксини топган. Бургулик маданияти А.И.Тереножкин, Ю.Ф.Буряков, Х.Дуке, М.И.Филановичнинг илмий тадқиқотларида батафсил ўрганилган.[2] Бу маданиятга тегишли материаллар дастлаб 1934 йилда Г.В.Григорьев томонидан Чирчиқ дарёси ҳавзасидаги Қовунчитепа ёдгорлигининг пастки қатламларидан топилган[3]. 1940 йили А.И.Тереножкин томонидан Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимида Бургуликсой ёқасидан топиб ўрганилган. Бу маданият Тереножкин томонидан мил.авв. III-I асрлар[4] билан кейинги тадқиқотларида мил.авв. IV-III асрлар билан саналаган.[5] Ҳозиргача бу маданиятга оид 20 дан ортиқ манзилгоҳлар ва 50 га яқин уй-жойлар маълум.

Орадан ўттиз йиллар Ю.Ф.Буряков Чирчиқ воҳасининг ўрта оқими ҳудудларидаги Қулоқчинтепа, Ниёзбоштепа, Чонгтепа, Шоштепа манзилгоҳларининг қуйи материалларига асослананиб, Бургулик маданиятининг икки босқичини ажраб кўрсатган: Бургулик I мил. авв. IX-VII асрлар, Буруглик II мил. авв. VI-IV асрлар.[6] Туябўғиз сув обори ҳудудидаги ертўла уй-жойлардан иборат манзилгоҳни ўрганган Х.Дуке мил. авв. VIII-VII асрлар билан саналиб, шаклланаётган шаҳар сифатида эътироф этган.[7] М.И.Филанович эса кейинчалик Шоштепа ёдгорлигининг қуйи қисмидаги Бургулик маданиятига оид ертўла уйларни мил.авв. IX-VIII асрларга қадимийлаштирган. С.Р.Баратов Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик маданиятлари хронологияси билан қиёслаб, Бургулик маданиятининг илк босқичини мил. авв. XIII-IX асрлар билан даврлаштирган.[8]

Юқорида тадқиқотчи олимлар томонидан Тошкент воҳаси ҳудудида тарқалган Бургулик маданиятининг хронологияси бўйича таклиф қилинган саналарини жамлаб умумий хулоса қилинганда бу маданиятнинг даври XIII-III асрларга доирасида чегаралашини кўриш мумкин. Бу бевосита Ўрта Осиёнинг жанубий ўтроқ деҳқончилик ўлкаларининг янги хронологияси (Ёзтепа стратиграфияси) билан тенглашади. Тошкент воҳасидан топиб ўрганилган ертўла уй-жойларадан ташкил топган манзилгоҳларнинг битта қурилиш даврига оидлигидан келиб чиқилса, Бургулик маданиятига хронологияси мос келмайди. Шунинг учун Бургулик маданиятинининг илк босқичи Ўрта Осиёнинг

---

[1] Кузьмина Е.Е. Арии-путь на юг. М.-Спб., «Летний сад» 2008. –С.61-63: ўзи. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности. Актобе, 2008.

[2] Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса Ташкент, “Фан”, 1982..; ўзи. Бассейн Среднего Яксарта в древности и раннем средневековье //Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. (Материалы Советско-Французского коллоквиума Ташкент., 1986. «Фан» С.33-34; ўзи. Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Ташкент., “Фан” 1990. Филанович М.И. Ташкент: зарождение города и городской культуры; Дуке Х. Т

[3]Григорьев Г.В.Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической экспедиции 1937 г. – Ташкент, 1940.– С. 36-37; ўзи. Каунчитепа (раскопки 1935 г.). – Ташкент, 1940**. – С.** 84-86.

[4] Тереножкин А. И. Каунчи-тепа.— «Известия УзФАН СССР», 1940. № 8, -С. 84-86.

[5] Тереножкин А.И. Согд и Чач. КСИИМК, вып. XXXIII. М.-Л., 1950. -С. 153.

[6] Буряков Ю.Ф., Дадабаев Памятники античного времени Ташкентском оазисе. ИМКУ,вып. 10, Ташкент, 1973. –С.38-51.

[7] Дуке Х.И. Туябугузские поселения бургулюкской культуры. Ташкент, 1982. с. 44-56.

[8] Баратов С.Р.Бурғулиқ маданияти. //Тошкент воҳаси археологияси. Тошкент, UNESCO, 2008. –С.13.

жанубий ҳудудларида тарқалган Ёз I мажмуаси билан бир даврга оид, деб ҳисоблаган ҳолда кейинги мил. авв. VIII/VII-IV асрлар даври босқичини алоҳида мажмуа сифатида фанга киритиш мумкин. Антик даври ёзма манбаларида келтирилган сак қабилаларининг яшаганлиги инобатга олиб, Бургулик маданиятининг иккинчи босқичини ҳозирча аниқ археологик материаллар тақдим этилмасада, чорвадор қабилаларга оид мажмуа сифатида аниқроғи *саклар* даври сифатида қабул қилиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўчманчи чорвадор қабилаларининг мазкур даврга оид моддий маданият намуналари аниқланмаган. Фикримизча Бургулик маданияти жамоаси лиман усулли суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалигининг рентабелсизлиги туфайли тараққиётининг иккинчи босқичида чорвачилик хўжалиги етакчи ўринга чиқиб, номадлар қабиласи шаклланган. Бу бевосита антик даври юнон-рим манбаларида қайд этилган сак қабилалари бўлган. Шунга кўра Бургулик маданиятининг иккинчи босқичини бургулик-сак даври сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тошкент воҳасига мил. авв. IV минг йилликнинг охирги чорагида Сўғд ҳудудидан келган маданий таъсир ҳақида фикр билдириш мумкин. Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент шаҳри яқинидаги қўҳна шаҳарнинг қуйи қатламидан Сўғднинг мил. авв. V-IV асрларга оид сополларини айнан такрорлайдиган сопол буюмлари намунаси топиб ўрганилган.[1] Мазкур ҳолат Александр Македонский қўшинлари мил. авв. 329 йилнинг кузида Зарафшонинг ўрта оқимини ишғол қилган пайтда Сирдарё ортига қочган маҳаллий аҳоли вакилларининг Чимкент ҳудудига келиб жойлашиши билан боғлаш мумкин. Аниқ археологик маълумотлар ҳозиргача аниқланмаган бўлсада, Тошкент воҳаси ҳудудига ҳам юнон қўшинларининг ҳужумидан қочган аҳоли келиб жойлашиб, ўзларининг манзилгоҳларига асос солганлиги, табиий. Мил. авв. IV асрнинг охири- III асрнинг бошларида Селевкийлар саркардасининг Яксарт ортига ўтиб, ҳарбий таянч қалъаси барпо қилинган даврдан бошлаб, Сўғд маданиятининг таъсири янада кучаяди.[2]

Тошкент воҳасининг антик даври Қовунчи маданияти фаолият юритган.Қовунчи маданияти хронологияси А.И.Тереножкин, С.П.Толстов Т.Н.Кипович, Б.И.Вайнберг, Л.М.Левина, Ю.Ф.Буряков, М.И.Филанович илмий ишларида таҳлил қилинган. Қовунчи маданиятининг шаклланиши Л.М. Левина тамонидан мил. ав. I аср[3], Ю.Ф.Буряков томонидан эса мил. ав. II аср[4] билан даврлаштирган. Лекин ўтган асрнинг охирги ўн йиллигида Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида замонавий илмий усуллар ва методологик ёндашув асосида маълум маданиятларнинг санасини қадимийлаштириш жараёни кечган. Л.М.Левина Сирдарёнинг қуйи оқими ўзанларига мил.ав. III-II асрларда бутунлай сув бормай, бу ерда фаолият юритган маданиятлар учраб, аҳоли турли томонларга кўчишга мажбур бўлган. Мазкур ҳолат М.И.Филановичнинг Тошкент воҳасида Қовунчи маданиятининг қадимийлаштириш ва шаҳар шаклланишини мил.ав. II аср билан белгилашга асос бўлиб хизмат қилган.[5]

Қовунчи маданияти ва Қанғ давлатининг шаклланишида муҳим алоқадорликни эътиборга олиш керак. Хитой манбалари маълумотига асосланиб, Қанғ давлатининг шаклланишини мил. ав. II аср билан белгилаш анъанага айланган. К.Ш.Шониёзов эса Қанғ давлатини мил. ав. III аср бошларида маҳаллий кўчманчи аҳолининг салавкийлар сулоласига қарши кураши натижасида аср ўрталарида вужудга келган, деб ҳисоблайди.[6]

Маълумки, мил. ав. 250 йилда Шимолий Парфия ва Бақтрияда вужудга келган сиёсий инқироз даврида Тошкент воҳасида ҳам вазиятнинг ўзгариши табиий эди. Сирдарёнинг қуйи оқимидан кўчиб келиб, Қовунчи маданиятининг шаклланишига асос бўлган қабилалар миграцияси тахминан мазкур даврда содир бўлган бўлиши мумкин.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, Қовунчи маданиятининг шаклланиш даврини мил.авв. III асрнинг иккинчи ярми билан саналаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Умуман Тошкент воҳасининг қадимги даври тарихини даврлаштириш бўйича илгаридан айрим таклифларни билдиришга тўғри келади. Бу биринчидан Бургулик маданиятининг иккинчи босқичи ва ундан кейин антик даврида Зарафшоннинн ўрта оқимидан келган аҳолининг Сўғд маданияти анъаналарини тарқатиши ҳамда ўлкада Қовунчи маданиятининг шаклланган даври масалаларидан иборат. Музкур масалалар келажакда муаммони атрофлича ўрганиб, чуқур илмий таҳлил қилиш ва маълум тизимини яратишни талаб этади.

---

[1] Сулейманов Р.Х., Байтатанаев Б.А. Стратиграфия городища Шымкент: возникновение и развитие города //Древняя и средневековая урбанизация Евразии и возраст города Шымкент. Материалы научно-практической конфереция. 16 октября 2008 г. Шымкент, 2008.-С.22-35.

[2] Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса Т., “Фан”, 1982. -С. 106-107.

[3] Левина Л.М. Керамика нижней и Средней Сырдарьи в I тысячелетии н. э. (ответственный редактор М.Г.Воробьева). Москва, 1971. С.226

[4] Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса. Т., “Фан” 1982. С.70.

[5] Филанович М. И. Новые данные археологии о происхождении городской культуры Ташкента. //O’zbekiston tarixi. 2009 №1 С. 3-9.; она же. Ташкент: зарождение города и развитие городской культуры в древности и средневековые. Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илми конференциялари маърузалари. Т., 2009. С.47-48.

[6] Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., “Шарқ”, 2001, 118 бет.

АМИР НАСРУЛЛОНИНГ ҚЎҚОН ХОНЛИГИГА ҚАРШИ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ

Иноятов Ж.Ғ., – ЎзМУ
Тарих факультети тадқиқотчиси

Амир Насрулло Бухоро амирлиги ҳокимиятини эгаллагандан кейин, тахтга даъво қилиши мумкин бўлган сулола вакилларини йўқ қилади. Отаси Ҳайдар даврида ҳокимиятда катта мавқеини эгаллаган, ўзбек уруғларидан бўлган амалдорларни ҳокимиятдан четлатиб, атрофига ўзига содиқ кишилар тўплайди. Бекликларнинг мустқил бошқаришга қарши доимий курашиш ва чегарадаги ерлар учун Хива ва Қўқон хонликлари билан доимий уруш ҳаракатини олиб бориш амирлик сиёсатининг муҳим қисми бўлган.

Амир Насрулло тахтига ўтирган пайтда давлат ғазнаси бўшаб қолган эди. П.Демизон келтирган маълумотга қараганда 1826 йил Насруллонинг отаси Амир Ҳайдар вафот этгандан сўнг амирлик ғазнасидан беш минг тилло (70 минг рубл) топилмаган экан.[1] Амир Насрулло давлат ғазнасини тўлдириш мақсадида ҳам ҳарбий юришларини олиб борган. Биргина Шаҳрисабз беклигига қарши ҳукмронлиги даврида тинмасдан кураш олиб бориб, 14-15 марта ҳарбий юриш қилган. Сомий ва Садриддин Айнийнинг ёзиб қолдирган маълумотларида 32 марта юриш қилганлиги қайд этилган.[2] Шаҳрисабз беклиги Насрулло вафотидан бироз илгари босиб олинган бўлсада, ҳукмронлик узоқ давом этмаган.[3]

Амир Насрулло мамлакатда ҳарбий ислоҳат ўтказиб, мунтазам қўшин ташкил қилгандан сўнг давлат чегарасини кенгайтириш ва мамлакат қудратини оширишга пайига тушади. Жиззах, Хўжанд, Ўратепа ва Тошкент ерлари учун Қўқон хонлигига қарши курашга киришади. Хонлик ичкарисида вужудга келган инқироздан фойдаланиб, Насрулло Жиззах яқинидаги Пешағорда янги чегара қалъасининг қурилиши баҳонасида Қўқонга қарши 1840 йилда уруш ҳаракатлари бошлаб юборади. Бухоролик элчи Муҳаммадрахим тўқсабо қалмиқнинг Қўқон хони Муҳаммадрахимхон буйруғи билан асрга туширилиши амирлик қўшинларининг Қўқон хонлиги ҳудудидига ҳарбий ҳаракатини олиб боришга баҳона бўлади. Амир Насрулло Пешағор қалъасига қўшин тортиб, чегара ҳудудини эгаллайди ва катта тавон ундириб, орқага қайтади.

XIX аср 40- йилларнинг бошида икки давлат ўртасида яна зиддият вужудга келади. Мадалихоннинг укаси Алисултон Маҳмудга Насруллонинг паноҳ бериши, улар ўртасидаги келимовчиликга сабаб бўлган. Амир Насрулло дастлаб султон Маҳмудни Урметаннинг ҳокими этиб тайинлайди. Қўқон хони Муҳаммадалихон эса қўшинларини Ўртепага қолдириб, ўзи Хўжандга жойлашиб олиб, Бухоро амирлигига қарши очиқа сиёсат юрита бошлайди. Амир Насрулло эса қўшин тортиб, Ўратепа ва Хўжандни осонлик билан эгаллайди.

1940 йилда Қўқон хони Муҳаммадалихон Тошкентни Бухоро амирлигига бериб юборади. “Зафарномаи Ҳусравий” келтирилган маълумотларга қараганда укаси Маҳмудни ўзи томонга оғдириб олиш учун кўндишга онаси ва саройнинг бир нечта мартабали уламоларини Хўжандга юборади. Маҳмуд эса тез орада акаси томонга ўтиб, Хўжанд яна Қўқон хонлиги таркибига қайтади. Муҳаммадалихон Хўжандни Тошкентга қарши қўйиб, Маҳмудхон Тошкент ҳокими этиб тайинланади. Вужудга келган ушбу вазият Бухоро амири Насруллони учини марта Қўқон хонлиги ерларига қарата қўшин тортишга мажбур этган.[4]

Амир Насрулло 1842 йилнинг апрелида Самарқанд яқинидаги Шероз чўлида ҳарбий қўшинини йиғади. Амир Насрулло бошчилигидаги Иброҳим додҳо, Одил додҳо, Абдусамад ноиб ва Исхокбий ҳарбий қўшинлари Жиззах ва Ўратапа томонга жўнайди. Бердиёр эшик оғаси юз Ўратепада Бухоро қўшинлари қўшилиб олади. Айни пайтда Қўқон хонлиги Фарғона, Тошкент, Туркистон ва Дашти Қипчоқлардан таркиб топган қўшин билан Хўжанд яқинидаги Оқсув бўйидаги Нов ва Қўштегирмон қалъаларига жойлашади. Бухоро қўшинларининг яқинлашаётганидан хабар топган Муҳаммадалихон икки минг кишидан иборат горнизонни Нов ва Қўштегирмон қалъаларига қолдириб, ўзи асосий кучлари билан орқага чекиниб, Хўжандга жойлашиб олади. “Зафарномайи Хусравий” асарида келтирилган маълумотларга қараганда Қўқон хонлигининг Хўжанд яқинида тўпланган пиёда ва отлиқ аскарлари сони 65 минг кишидан иборат бўлган ва унга Хўжанд вилоятидан 15 минг пиёда қўшилган ҳарбий қўшинлар уришга киради[5]. Хўжанд остонасидаги ҳарбий тўқнашувда амирлик қўшинлари ғалаба қозонади. Амир Насрулло тўрт кун давомида Хўжанд бўлиб, қўшинларини Қўқон томонга ҳаракатлантиришга шайлайди.

---

[1] Записки о Бухарском ханстве: (Отчёты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). М., “Наука”, 1983.-С.56-67.
[2] Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-середине XVIII в.) М., “Восточная литература”. –С.139-140.
[3] Мирза Абдал Азим Сами. Таърих-и салатин-и мангитйиа: (История мангитского государства) . М., 1962. -С. 55; Айни С. История мангытских эмиров// Собрание сочинений. –М., 1975.- Том 6.-С.268.
[4] Зафарнама Хусрави. Душанбе, –С.61-62, 89, 91.
[5] Зафарнама Хусрави. Душанбе, 1989.-С.94.

Ўша йили хонлик тахтини эгаллаб олган Амир Насрулло Муҳаммадалихонни қатл эттириб, Қўқонда ўзининг ноибини қолдиради. Насруллохон аслида Қўқонга Муҳаммадалихонни тахтдан ағдариб, Алимхонининг ўғли Шералихонни ёки Хўжабийнинг ўғли Муродбийни тахтга ўтказиш режасини тузган фитначи амалдорларнинг таклифи билан чақирилган эди. Насруллонинг Қўқонга қарши юриш қилишига Мадалихоннинг калта фаҳимлиги ва узоқни кўра билмаслиги сабаб бўлган. Ўзининг ўгай онаси Нодирабегимга уйланганидан хабар топган Бухоро амири Насрулло Қўқон хонини гуноҳкор санаб, мамлакатни катта гуноҳдан халос этиш мақсадида юриш қилган.

1842 йилнинг 17 апрелида Амир Насрулло ҳарбий қўшини билан Қўқонга яқинлашади. Тарафдорлари томонидан ёрдам ололмаган Муҳаммадалихон Наманган томонга қочишга мажбур бўлган.[1] Фитначилар Қўқон шаҳрининг дарвозасини Насруллога очиб берган. Хонлик саройини осонлик билан қўлга киритган Насрулло шаҳар аҳолисини қўрқитиш ва ўзининг қудратини кўрсатиб қўйиш мақсадида талашга буйруқ берган. Муҳаммадалихон оила аъзолари билан қатл қилинади. Қўқоннинг босиб олиниш тафсилотлари Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошкандий маълумотларида келтириб ўтилган. Муҳаммадалихон кенжа укаси Султон Маҳмудхон билан қочиб, Ёрмазорга етиб боргандан кейин бекиниш учун паноҳ тополмагач, Амир Насрулло ҳузурига қайтиб бориб, ундан кечирим сўрайди.[2]

“Зафарномаи Ҳусравий”да Бухоро амирлиги қўшини Қўқонга юриш қилган пайтда Муҳаммадалихон Марғилонга қочганлиги келтирилган. Уни қўлга тушириш учун изидан Исхобекбий манғит беш минг кишилик қўшин билан юборилган. Марғилон вилоятинин катта амалдорлари Муҳаммадалихонни тутиб олиб, Исхобекбий манғитга топширган. Хон Қўқонга олиб келиниб, Бухоро амири Насруллонинг буйруғи билан қатл эттирилади.[3] Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошкандий Муҳаммадалихон айни пайтда Қўқонга бўлиб турган Амир Насруллонинг ҳузурига олиб келиниб, шу кечанинг ўзида икки укаси ва ўғли Муҳаммад Аминбеклар билан қийноққа солиб, қатл қилдирган. Муҳаммадалихоннинг Мохларойим номи билан танилган онасини ва бошқа учта аёлни ва бошқа бекзодаларни ҳам қийноқга солиб қатл эттирилган.[4]

Амир Насруллонинг Қўқон хонлигига қарши юришни венгриялик сайёҳ Ҳ.Вамбери шундай таърифлайди: “Бухоронинг золим ҳукмдори ғазабининг чегара йўқ эди, курашга ташналик уни ниҳоятда кўп ҳарбий куч тўплашга мажбур қилди. Ўзининг доимий 300000 отлиқ ва 1000 та сарбоздан ташкил топган ҳарбий қўшинидан ташқари туркманларнинг така ва салор уруғидан 10000 навкарни ёллади. Катта қўшиндан иборат куч билан Қўқонга чоғланиб, Муҳаммадалихонга ҳамла қилди. Хон тахтини ташлаб, Марғилонга қочди, ўн кун ўтиб, қўлга тушган Муҳаммадалихон укаси ва икки ўғли билан ўзининг қароргоҳида қатл эттирилди. Бахтсиз аёли, бола чақасига раҳм шавқат қилинмади. Шавқатсиз ҳукмдор Муҳаммадалининг тарафдорларини жаллодга топшириб, унинг барча мулкини мусодара қилганча Бухорога қайтди”[5].

“Зафарномаи Ҳусравий”да Насрулло Қўқонда ўзининг сиёсий ва иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш мақсадида олти ой қолишни мўлжаллаган. Лекин кўп ўтмай Насруллога Хива хони Оллақулихон туркман уруғлари билан иттифоқ тузиб, Чоржўй ва Қоракўл ҳудудларни босиб олиш ҳаракатида эканлиги тўғрисидаги хабар келади. Бундай ҳолатни эшитган Амир Насрулло Қўқон шаҳрида ҳарбий қўшинининг манғитлар уруғидан бўлган аскарларни қолдириб, асосий қисми ва ўлжага олган хазинасини олиб, Бухорога қайтади.[6] Қўқонда ҳукмдор этиб, Самарқанднинг собиқ ҳукмдори Иброҳим додҳоҳ тайинланади. Қўқонда Аҳмад дадхох ва Атамрод эшикоғаси туркман бошчилигидаги икки минг кишидан иборат сипоҳлар қолдирилади[7].

Амир Насрулло Қўқон хонлиги вилоятларига ўзининг содиқ сафдошларидан ҳукмдорлар тайинлаган.[8] Насрулло Тошкентни босиб олиб Муҳаммадалихоннинг укаси Маҳмудхонни қатл эттиради. Амирнинг олиб борган сиёсати албатта халқ орасида норозиликнинг кучайишига олиб келган эди.

Орадан уч ой муддат ўтиб Қўқонда қўзғалон кўтарилади. Иброҳим додхох ҳукмдори кетгандан сўнг қўл остидаги халққа жабр ўтказа бошлайди. Аҳолининг бошига тули солиқлар солади. Бундан ташқари ғазнага ҳосилнинг тўртдан бир қисмини топширишни талаб қилади. Нарози халқ амир қолдирган ҳукмдордан воз кечиш пайига тушади. Қипчоқларга Муҳаммадалихоннинг амакиваччаси Шералихонни тахтга кўтаришда ёрдам беришларини сўраб махфий хат жўнатади[9]. Бундан қипчоқлар фойдаланиб қолади. Улар Шералихон ва Исохўжа бошчилигидаги қўшинни Қўқонга жўнатади. Қўзғалончилар ёрдамида бухоролик аскарлар қириб ташланиб, Қўқон қўлга олинади. Иброҳим додхох

[1] Ўша асар.-Б. 99-100.
[2] Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих-ал-хавакин. –Ташкент, 2007. –С.93.
[3] Зафарнома-йи Хусрави...-С.100
[4] Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин…-С.93-94.
[5] Вамбери Ҳ. Мавороуннаҳр ёхуд Бухоро тарихи. Тошкент, “Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти” 1990 –Б.87.
[6] Зафарнома-йи Хусрави...-С.101.
[7] Ўша жойда.
[8] Ўша жойда.
[9] Ўша асар.-Б.339.

қочишга мувоффақ бўлади. Бухоро амирлиги аскарлари ва манғит амалдорлари қочишга улгурмасдан қириб ташланади. Қўқон хонлиги ўз мустақиллигини қайта тиклайди.

Амир Насрулло Бухорога тобе бўлган Тошкент ва бошқа жойлардан йиғилган кўнгилли аскарлардан қатта қўшин тўплаб, Қўқонни иккинчи марта босиб олиш учун амалга оширган 40 кунлик қамали мувоффақиятсиз тугайди. Қўқон хонлиги Қурама, Хўжанд, Жанубий Қозоғистон ва бошқа ерларида ҳокимиятини қайтадан тиклашга эришади.[1] Шундай қилиб, Амир Насруллонинг Қўқонга қарши олиб борган ҳарбий ҳаракатлар самарасиз якунланиб, хонлик Россиянинг босқинига қадар ўз мустақиллигини сақлаб қолади.

Умуман, Бухоро амири Насрулло томонидан Қўқон хонлигига қарши уруш ҳаракатлари мазмун моҳиятига кўра талончилик характерига эга бўлиб, амирлик хазинасини тўлдиришга хизмат қилган. Мақсадсиз урушдан оддий халқ жабр чеккан, халос.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айни С. История мангытских эмиров// Собрание сочинений. –М., 1975.- Том 6.
2. Вамбери Ҳ. Мавороуннаҳр ёхуд Бухоро тарихи. Тошкент, “Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти” 1990
3. Записки о Бухарском ханстве: (Отчёты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). М., “Наука”, 1983.
4. Зафарнома-йи Хусрави. Душанбе, 1989.
5. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-середине XVIII в.) М., “Восточная литература”.
6. Мирза Абдал Азим Сами. Таърих-и салатин-и мангитйиа: (История мангитского государства) . М., 1962.
7. Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих-ал-хавакин. –Ташкент, 2007.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА БАХШИЧИЛИК ВА ДОСТОНЧИЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

Исаев К., – ЎзДСМИ ўқитувчиси

“Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун
бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак,
эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар,
тарих бизни кечирмайди”.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг юксак бадиий ижодиёти асосида яратилган номоддий маданий мерос дурдоналарини асраб-авайлаш, халқ оғзаки ижодининг қадимий анъаналарини тиклаш ва миллий қадриятларни изчил ривожлантириш, ижодий уюшмалар ҳамкорлигида бахши ва достончилар ижодининг энг яхши намуналарини тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилда. Бахшичилик ва достончиликка кенг имкониятлар эшиги очилди десак муболаға бўлмайди.(2) Эрта кўкламда бахшининг илҳоми жўш уради. Чарақлаган офтоб, новдада кўз очган куртак, илиқ шабада, сабза майсалар завқи ила ижодга киришиб, янги қўшиқлар, матал ва эртаклар тўқийди. Шу кезларда биз ҳам дўмбиранинг шўх оҳанги, бахшининг жўшқин хонишини қўмсаб қоламиз. Унинг хумори шунчаки хумор эмас, балки қон-қонимизга сингиб кетган маънавий-руҳий эҳтиёждандир. Бу эҳтиёж ота-боболаримиз минглаб йиллар давомида шу санъатдан баҳраманд бўлиб келгани боисдир балки. Халқ оғзаки ижоди доимо халқнинг бадиий тарихи, миллий ва маънавий қадриятларининг сарчашмаси бўлиб келган. Ана шу бебаҳо ижодни асрлар оша сайқаллаб, кўз қорачиғидек асраб келган бахшиларга истиқлол йилларида юксак эҳтиром ва эъзоз кўрсатилмоқда. Бахшилар достон куйловчилар демакдир.

Достон – халқ оғзаки ижодининг энг йирик жанрларидан бири бўлиб, у қаҳрамонлик, ишқий-саргузашт, фантастик мазмунга эга бўлган воқеаларни баён қилувчи асар ҳисобланади. Қаҳрамонларнинг саргузаштлари, ўзаро муносабатлари ва кечинмаларини кенг кўламда тасвирлайдиган лиро-эпик асар достон дейилади. Филология фанлари номзоди профессор М.Саидов таърифича, оғзаки ижоддаги достонларда шеърий ва насрий парчалардан иборат бадиий манба матн бўлиши керак. Иккинчидан, достоннинг мусиқаси бўлиши лозим. Учинчидан, достонни бир киши ижро этганлиги туфайли куйловчи

[1] Иванов П.П. Очерки истории по Средней Азии (XVI - середина XIX в.).- М.: Изд. Восточной лит., 1958. -С.141.

The residents of the town slaughtered cattle for devoting "Bobo dekhkan" [15] and held a ceremony. This is because the food is made from wheat flour, which is called darvishan because it is prepared in a dessert or soup. This ceremony is called Dervish because it is associated with dining, as it is customary to go home from house to house. There are different opinions on this ceremony: some call it a purely religious tradition, while others say that it is one of the rituals of the past, when people express their dreams, good intentions, start a responsible business, or bring companionship while disaster [16].

Conclusion

Nowadays, folk celebrations and festivals become traditional, with the restoration of various values and traditions among the people. Particularly, “bakhshilar” contest, “khalfa singers” contest, as well as “chefs competitions” are held frequently. Especially, cooks’ pilaf competitions and traditional dishes are turned to great holidays. The folk is the main spiritual thing that ws created by not only nomads but also scattered people. It is the mentions of heart’s deep dreams of the common people.

References:

1. Listova N.M. Food incusom sand ceremonies // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. - М., 1983. - S. 161.
2. Fayzullaeva M.X. Traditions related to Uzbek cuisine (in the case of Surkhan oasis). - T: NEW JOURNAL, - B. 111.
3. Ashirov A. The ancient beliefs and ceremonies of the Uzbek people. - B. 196.

4. Korkabayev U. Holidays in Uzbekistan. - T .: Teacher, 1991. - B. 16.
5. Isakov B. SR, Isakova N.B. Ritual dishes of Navruz // Actual problems of Uzbek ethnology. - Tashkent-Namangan, 2007. - B. 205-211.
6. Karabaev U. Holidays in Uzbekistan. - T.: Teacher, 1991. - B. 17.
7. Snesarev G.P. Relikty do musulmanskix verovaniy i obryadov u uzbekov Xorezma. - M .: Nauka, 1969. - S. 241.
8. It's a good idea. Monuments from ancient peoples. Selected Works.TABLE 1 - T. Fan, 1968. - B. 257.
9. Sarimsokov B. Turkish Ritual Folklore. - T.: Turkey, 1986. - B. 65.
10. Beruniy. Monuments from ancient peoples. Selected Works. TABLE 1. - T. Fan, 1968. - B. 282.
11. Beruniy. Monuments from ancient peoples. Selected Works.TABLE 1. - T. Fan, 1968. - B. 260.
12. Karabaev U. Holidays in Uzbekistan. - T.: Teacher, 1991. - B. 19.
13. Kilichev T. Khorezm folk theater. - T., 1988. - B. 22-25.
14. Snesarev G.P. Traditions and customs of Horezmian pre-Moslems. - Urganch, 2018. - B. 201-202.
15. See more about Darcisona: Qurbonova M. In the beginning of mindless ceremony that featured some of the communication h // etnologiyasining problems. - Tashkent-Namangan, 2007. - B. 214-217; Karabayev U. Uzbek people's holidays. - Tashkent: East, 2002. - B. 29; Buriev O. Southern rural communities ethno regional characteristics // etnologiyas problems. – Tashkent. – Namangan. 2007. - B. 117.
16. Karabayev U. Uzbek people's holidays. - Tashkent: East, 2002. - B. 29

СВАДЕБНЫЕ ОБРЯДЫ И ПРИМЕТЫ ХОРЕЗМЦЕВ.

Маткаримова Н.М., –
Докторант УрГУ, Узбекистан

Во всех народах всегда были свои своеобразные приметы и они имеют свою тысячалетнюю историю. Приметы исходя из своих жизненных опытов проходят через многих испытаний и даже становится приметой. Люди себя и своих близких оберегают от “дурных глаз” и верят в примету. [1, 166]. В Хорезмской регионе есть люди которые соблюдают и верят в приметы а также есть которые не верят в них. Но приметы которые связаны с помолвкой и свадебными обрядами, все соблюдают. Потому что свадебные приметы передаются из поколений в поколению и его соблюдают строго. И в таких обрядах участвуют особенно женщины.

В Хорезмской оазисе связонной в свадебной помолвкой обряды очень много. На этом обряде мы видим влияние первобытных верований, религии Ислама и зароастризма. Самые распространённые приметы это “Порча от глаз”.По представлению человека человек который завидует чужому удачу, чужому счастью можеть сглазить. Поэтому таких людей называют “человек с особым глазом”[1, 182]. Поэтому перед помолвкой , перед свадьбой, хозяева этого дома или близкие родственники старше по возрасту вокруг дома брызгуют специальную оберегательную воду. На эту воду они добавляют горький белый камень “алаун”. Этот камень оберегает дом от всяких несчастий. Перед выходом жениха и невесты в карман ложат соль Обычно для невесты надевают амулеты и бусы от сглаз. (бусы “кузмунжик”). Бусы обычно считается сберегательным от дурных глаз. Поэтому эту бусы похоже на «Глаза». Они имеют магическую силу. По древнейшим верованием камень считается «священным». Это доказывают, что люди до сих пор верят в «фетишизм» то есть верят в неодушевлённые вещи [2, 24].

Как нам известно, что по религии Зороастризма огонь считается священным. Поэтому в Хорезме до сих пор сохранилось обычаи связанный с огнём. Например: Когда невеста покидает отцовский дом, переедет в дом своего мужа с горящей лампой. Невеста заходит в дом, зажигая лампу, тогда её жизнь будет освещена как огонь [2, 10]. Это лампа зажигаются его отцами она должна зажжённом виде зайти в дом супруга и лампа должна гореть три дня. Потом можно его гасить [3, 44-49]. Потому что горящая лампа считается символом долголетие, счастье и доброты. Это тоже связанно с зороастрийской религией, угасание огня считается нехорошей приметой.

В день свадьбы, когда невеста приближается к дому жениха, она должна пройти через огонь. Якобы огонь убивает всех злых духов. От дурных глаз также сжигают гормалу то есть по местному его называют «Исвант». Его дым очищает дом от всяких злых духов и одновременно от разных заболеваний.

Невесты семь дней в других регионах три дня на улицу не выходят, после заката солнца её одну не оставляют. Этот период называется «чилла»[1].

[1] «Чилла» - в период чилла люди должны соблюдать определённые обряды: сохранение от разных воздействие.

Люди строго соблюдают определённые правила приметы, которые связано с чиллой. Если не соблюдать оно может принести к отрицательным положением. Например: невеста не может забеременеть, если может и то через несколько лет. Поэтому накануне свадьбы и до конца свадьбы жениха и невесту охраняют его близкие.

С древнейших времён в Хорезме дом и его некоторые положение комнат были священными. Например: «орка» - это задние комнаты, «кула» - эта южная сторона, «тури» - это глубь дома, «адани» - это порог. Особенно порог считается священным, с ним связана несколько древне-религиозные мифические воззрение людей. Во время археологической раскопки именно на пороге были найдены культовые материалы. Когда невесту привозят на коне прежде чем затрагивать своей ногой порог стелят мягкую шубу, чтобы её шаги были мягкими.

По преданию пожилых бабушек во время свадьбы невеста должна с правой ногой наступать порог. Это означает, что в месте, с ней приходят ангелы. У хорезмцев многие свадебные обряды связаны с ребёнком. Самым значением считается ребёнок, особенно первенец должен быть мальчик. Поэтому, когда невеста первый раз заходит дом своего мужа, никто не должен, пересекать перед ней. Если кто-то перед ней перейдёт, тогда в будущем невеста будет без ребёнка. Некоторых регионах перед молодой невестой не должно перейти женщина, не родившая ребёнка. По примете думают, невеста тоже не будет иметь ребёнка [3, 56-58]. И сегодня тоже эту примету строго соблюдают, хотя его смысла многие не понимают.

Дверь тоже считается священным. Имеется очень много приметы, которые связанны с дверью дома. Дверь эта граница между двух миров. Дверь это доброта, свет, новизна, зло, оно открывается и закрывается, этим он выполняет не только свою функцию, но и встречает и провожает рассвет [4,7].

Когда-то в ферганские кипчаки молодую невесту, прежде чем зайти в дом через порог она покланялась к порогу трогая три раза своим лбом о порог [5,322]. Как известно, что в Исламской религии священным местом считается «Ал-Кааба» которые все мусульмане поклоняются. Смысл поклонение в порог в том, что этот дом, которая наступает невеста тоже считается священным «Ал Кааба».

Если в доме устроится две свадьбы, то есть приходят две невеста одновременно, есть такой обычай, сперва, одна невеста заходит со своей снохой, (которая остаётся после свадьбы до утра у дома жениха) потом закрывают и сразу открывают дверь, и заходит вторая невеста. И в тот момент что-то специально разбивают и в этот момент рядом стоящие люди должны вздрагивать. В некоторых местах, когда приезжают на машине две невесты между двух машин зарежут петуха. Между тем сваты дают друг-другу хлеб. Потом невесты выходят из машины. Невесты сразу вдвоём в дом не заходят. Если в доме есть ещё одна дверь, одна заходит одной, другая через вторую дверь. Это не означает «унижение» или «унижать». Потому что по многолетне опытом пожилых людей есть такая примета, если две невесты сразу заходят в дом думают это к неприятности. В Янгибазарском районе, когда свадьба делают парами, то есть в приходят две невесты одна невеста другую не только общаться, но и смотреть в сторону её комнаты [3, 53-57]. В комнату невесты женщина вдова или женщина, которая разведённая не должна заходить. Это тоже связана, с приметой «чилла» [3, 49]. В дом, куда приходят, новая невеста считается священным, или дом с «чиллой» в этом доме, что не пожелаешь всё исполнится. Эти традиции до сих пор не утратили свои значение. И в каждом обычаями лежит много смысловых значений.

Невеста во время свадьбы ей уделяют специальную комнату. Переднюю комнату или комнату свёкра и свекровки. Некоторые люди считают, если невесте дадут комнату на втором этаже или комнату внутри дома она будет главенствовать во всём. Поэтому ей дадут комнату на первом этаже и впереди всех комнат. Некоторые считают, что если молодым дадут комнату свёкра и свекровки (в брачной ночи) молодожёны тоже будут счастливыми как они.

Из покон веков в Хорезме после ухода гостей дом не подметают. Но молодые, не зная начнут подметать то его останавливают взрослые и ждут пока гости дойдут до дома, и эту примету строга соблюдают. Этот обычай объясняется тем, что если, после ухода подметать то хозяин дома не хочет чтобы опять пришли эти гости. Во время свадьбы дом течение три дня не подметают, совком его не убирают, просто убирают в одну кучу и оставляют три дня, или положат под ковёр. Это означает, что в течение три дня сваты между собой проводят обряды знакомства, в гости приглашают, и.т.д. Чтобы сохранить тёплые отношение они выполняют эти обряды. В некоторых местах когда девушка выходит замуж дом в течении, трёх дней не подметают, считают что невеста не может придти в свой отцовский дом.

Обычно после помолвки свадьбу долго не ждут. Если время пройдёт, может произойти что то, неприятное.

Из покон веков имеется традиции и обряды, похоронив и свадеб. Имеется также обычаи и требование для гостей. Например: в дом свадеб, не должна приходить женщина, которая в трауре [3, 51]. Люди ходивший на похороны, не должны ходить на свадьбу, а должны прийти прямо домой. По преданию пожилых людей поминки и участвовать на поминках считается самым благородным делом, за

это бог его награждает благодарностью. По этому человек, ходивший на поминки прямо должен придти домой с благоденствием.

Исламская религия отрицает всяких примет. Поэтому слишком соблюдать всяких примет тоже отрицательно считается. Но надо учит то, что свадебные обряди, имеет свои обычаи и традиции, которые символизирует доброту. Традиции и обычаи, приметы передаются из покон веков, из поколению в поколении и мы должны соблюдать изучать основную суть традиции.

Литература:

1. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., “Фан”, 1993, 224 бет.
2. Сапарбой Рўзимбоев, Нодира Собирова. Авесто Мифологияси ва Хоразм фольклори. Урганч-2001 т.
3. Хоразм фольклори. XI том.Урганч-2010
4. А.Аширов.Ўзбек халқи анънавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар.(Фарғона водийси материаллари асосида).Автореферат. Тошкент – 2008 йил.
5. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа ... – С. 322.
6. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. “Алоқачи” – 2008, 225-бет.
7. Саримсоқов. Б. Ўзбек халқ маросим фольклори. Т., 1968, 182-бет.
8. Матназарова Гулжон она.78 ёш. Урганч шаҳар Фирдавсий кўчаси.

“ШАЖАРИ ТУРК” ДА БАЪЗИ ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ ПОРТРЕТЛАРИ ҲАҚИДА

Маҳаммадиева С.И., –
Тошкент давлат техника университети

Портрет яратиш санъатида ўзбек классик адабиёти намояндалари катта тажриба тўплаганлар. Ҳайдар Хоразмий ва Лутфий, Навоий ва Бобур каби санъаткорлар ижоди бунинг ёрқин далилидир. Агар буюк шоир Алишер Навоийга қадар бўлган дунёвий адабиёт вакилларининг ижодларига назар ташласак, ёрнинг қадди-қомати, юз тузилиши, кийим-кечаклари, безаклари тўғрисида муболағали тасвирларни учратамиз. Бу шоирларнинг ижодларида ёрнинг гўзал қиёфаси табиатдаги барча гўзал нарсаларга муқояса қилинади. Ёрнинг қадди-қомати гўзал сарв дарахтига, юзи ойга, қуёшга, кўзи оҳуга, қоши ҳилолга ёки ёйга, киприклари ўққа, бели қилга, сочларининг қоралиги тунга ўхшатилади ва ҳоказо.

Алишер Навоий даврига келиб классик адабиётимизда бадиий портретлар яратиш санъати кучая бошлади. Чунки, ўша давр маданияти, ҳаёт тараққиётининг ўзи шуни тақозо қилар эди. Алишер Навоий, Беҳзод бошлиқ рассомлар мактабига ҳар томонлама кўмак бериб, ўзбек миниатюра санъатининг шаклланиши ва тараққиётига ҳомийлик қилди. Бундан ташқари, жаҳон адабиётининг нодир асари бўлиб қолган ўз “Хамса” сининг “Ҳайратул аброр” номли фалсафий достонидаги мақолатларда реал бадиий портретнинг турли-туман кўринишларини ижод қилиб новаторлик кўрсатди. Ҳатто “Мажолисун-нафоис” номли назарий асарида ҳам тарихий шахсларнинг шакл-шамойилларини, қиёфаларини маҳорат билан чизиб, тавсифли портрет яратиш санъатини бошлаб берди. Заҳириддн Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома” номли тарихий мемуар асарида тарихий шахсларнинг портретларини кашф этиш борасида устоз Алишер Навоий изидан бориб, улкан ютуқларни қўлга киритди. Абулғози Баҳодирхон ҳам салафларининг анъанасини давом эттирди.

Биз “Шажараи турк”ни синчиклаб кузатар эканмиз, тарихий шахсларнинг портретини чизишда муаллиф устозлари йўлидан борганлигини кўрамиз. У ушбу асарида бадиий портрет, турғун портрет, қиёсий портрет, йиғма портрет яратиш усулларидан ҳам фойдаланган. Маълумки, портрет яратишнинг асосий объекти реал ёки конкрет тарихий шахслар қиёфасидан иборатдир. Демак, портрет яратиш муваффақиятлари кўп жиҳатдан ана шу реал объектни яхши билиш ва аниқ тасаввур этишга боғликдир. Шу сабабли ҳам Абулғози узоқ ўтмишдаги тарихий шахслар портретини мукаммал яратолмаган ва балки бундай мақсадни ўз олдига қўймаган.

Қисқаси, то Чингизхон фаолиятига қадар бўлган ўфинларда портретли тасвирга хос бўлган айрим жумлалар ва парчалар учраб турса ҳам, бironта тарихий шахснинг мукаммал портрети чизилган эмас. Асардаги марказий персонажлардан бири бўлган. Чингизхон портрети ўзидан олдинги тарихий шахсларга нисбатан бирмунча дуруст яратилган. Яна шуниси ҳам борки, Чингизхон портрети асарнинг маълум бир саҳифасида мукаммал ва тўлиқ ҳолда берилмасдан, унинг фаолияти тасвирланган барча саҳифаларга сочиб юборилган. Шунинг учун ҳам унга портретини сочма деб аташ мумкин.

Асардаги саҳифаларда қуйидаги жумлаларни учратамиз: “Есугай баҳодир ўлганда улуғ ўғли Чингизхон уч ёшинда эрди. Инилари ёш эрди. Мўғулистоннинг андоқ қаттиқ совуқларида қиш кунлари яланғоч ва ялангоёқ югурар эрди. Тақи айтур эрдиким, ҳар нечук кунда бир-қарай, ғойибдин менға бир

от келтурурлар. Анго миниб, осмонга бориб, тангрила сўзлашиб келурман теб”[1]. Бу билан Чингизхон идеаллаштирилиб, илоҳийлаштирилади. Чингизхоннинг истилочилиги баёнида муаллиф унга тўқнаш келган характер ва қиёфадаги кишиларни ё қиёсий ёки контраст қўйиб тасвирлайди.

Асар саҳифаларини бирин-кетин ўқиб борар эканмиз, кўз ўнгимизда Чингизхон улғая боради. У борган сари қаҳри қаттиқ, бир сўзли, ўта тадбиркор, ҳарбий ҳийлаларни ипидан игнасигача биладиган саркарда, раҳм-шафқатсиз ҳукмдор, ўз феодал давлатини босқинчилик эвазига тобора кенгайтириб, мустаҳкамлаб бориш йўлида ҳар қандай ёвузликлардан қайтмайдиган шахс сифатида китобхон кўз ўнгида гавдалана боради. У Ўрта Осиёни забт этар экан, ҳар хил қиёфали тарихий шахсларга дуч келади. Асарнинг 131 – 132-саҳифаларидаги Таянхон ва унинг навкарлари баҳодирона курашларини тасвирловчи ёки Чомуқа чечаннинг мардлиги, тантилиги ва букилмас иродасини шундоққина кўз ўнгимизга келтирувчи тасвирларни ёдга туширайлик: “Тақи Чомуқа чечанни тутуб қўлин ва оёғин боғлаб, Чингизхонға олиб келдилар. Хон буюрди, бўғун-бўғун кесиб ўлдуринглар. Бўғунун кесатурғанда айтди: “Мен кўнглумдин айтур эрдим Чингизхон менинг қўлумга тушса, бўғун-бўғун қилиб ўлдурсам теб менинг деганим бўлмади”[2].

Юқоридаги эпизодларда кишиларнинг юз тузилишлари, кийим-кечакларига оид бадиий тасвирлар мавжуд бўлмасада, бу тарихий шахсларнинг фаолиятлари, шахс портретининг асосини ташкил қилувчи руҳий оламлари шу қадар усталик билан чизилганки, натижада китобхонлар ўлим билан юзма-юз курашган Чомуқа чечаннинг жанговар қиёфасини, унга сидқидилдан содиқ бўлган жангчиларнинг: “Тўрадин ва эв элдин айрилиб, ёт юртға бориб, қидириб қўр қидириб ўлғон яхши теб уруша-уруша” ўлганларини, хонни қўриқлаб турғонлар эса, унинг ўлигининг ҳам душманга қолдиришни ор билиб: “хонни отнинг олдига олиб” қочганларини аниқ ва равшан кўз олдиларига келтира оладилар. Чомуқа чечаннинг ўлими вақтида айтган сўзлари унинг қиёфасини нурлантириб юборувчи штрихлар бўлиб хизмат қилади. Бу тарихий шахсларга душман бўлган Чингизхон ҳам уларнинг довюракликларига қойил бўлади ва уларни ўз лашкарларига ибрат қилиб кўрсатади.

Чингизхон букилмас иродали бундай қаҳрамонларга юзлаб мартаба дуч келади. Хўжанд ҳокими бўлган Темур Малик ҳам шундайлардандир. Асарда унинг қиёфаси: уруш кунида Рустам ва Асфандиёр анинг олдиндан тоқат келтуруб тура билмас эрди, деб таърифланади. Мўғуллар сон-саноқсиз лашкарлар билан устунлик қилгач, Темур Малик минг йигитлари билан қамалиб қолади. Ун икки кема ясатуб эрди. Дарёнинг қуйи оқимига қараб одамлари бирлан чекинади ва йўлда кўрдиким, рудхона устидин бир улуғ тўғон занжир тортиб турурларким, ўта билмасун теб, Темур Малик ул занжирни бир табарзин бирлан урди ким, занжир пора-пора бўлди ва кемалари андин ўтуб кетди[3]. Ривоятларга қараганда, мўғуллар Сирдарёга тўғон занжир тортганлар, аммо жасур Темур Малик тўсиқни бузиб, Хоразмга йўл олган.

Ниҳоят, биз китоб саҳифаларидан Чингизхон фаолиятини ана шу хилдаги шиддатли жанглар жараёнида кузатиб борамиз, унинг кексайиб, таназзулга юз тута боришини кўрамиз: “Чингизхон Хитой устина юрганда, бир воқеа кўруб, андин ажойиб қўрқуб эрди. Ўзининг яқинда ўларин жазм билаб эрди. Ногоҳ хон хаста бўлди”, дейилади ва унинг ўлими тасвирланади. Биз юқоридагилардан шундай бир мантиқий хулосага келамизки, гарчи Абулғози ўз асаридаги тарихий шахсларнинг ташки қиёфаларини, кийим-кечаклари, юз ва гавда тузилишларини ниҳоятда мукаммал тасвирламасада (бу қийин ҳам эди, маълумотлар сақланмаган эди), уларнинг ички портретини – руҳий оламини шу қадар усталик билан яратадики, бу билан ўша шахслар қиёфаси гўё жонланади.

Абулғозига замондош бўлган тарихий шахсларнинг портрети ҳам асарнинг ўзига хос ғоявий-бадиий услубига бўйсундирилган ҳолда яратилган. Масалан, у ўзига замондош бўлган тарихий шахсларнинг сифатлари, қилиқлари, феъл ва хулқларини шу қадар муфассал тасвирлайдики, ана шу тасвирдан сўнг китобхон ўша шахснинг шакл-шамойилиии кўз ўнгига келтира олади. “Али Султоннинг сифати” деб алоҳида таъкидлангандан сўнг қуйидагиларни ўқиймиз: “Ҳожимхон айтур эркандур: Ёдгорхон замонидин то бу чоқғача Алидай киши туқғани йўқ. Қилиқли оғзи ор ва жовға баҳодир ва жувонмард, сурфали-саранжомли, навкарнинг аҳволина яхши қарай турған, одил сиёсатли”[4]. Али султонга бағишланган ўринларни ўқир эканмиз, унинг номусли ва ҳаёли эканлиги кўз ўнгимизда жонланади: Улуғ чилланинг ичинда икки болдирининг ўрта ерина куйдирги чиқти, шунк кишина айтмади. Куйдирур вақти ўткондин сўнг йиқилди. Халқ кўроли деганда кўрсатмади. Анинг учунким, хаёли андоқ ғолиб эрдиким, таҳорат қилғонини ҳеч киши кўрғон эрмас эрди. Охири халқ айтдилар: “Тўнингизни кесиб кўроли”. Анга ҳам рози бўлмади. Зўр бирлан тўнини чок қилдилар тақи кўрдилар, вақти ўтиб турур. Доғ қилдилар, фойда қилмади, ҳақ раҳматига кетти[5]. Али Султоннинг фаолияти Абулғози дунёқарашига мос тушгани учун уни ҳар томонлама улуғлайди. Ундан фақат яхши сифатларнигина излайди. Китобхонларга ҳам яхши фазилатли шахс сифатида тақдим этади.

[1] Абулғозий. Шажараи турк. Т:, “Чўлпон”. 1992. Б. 113.
[2] Абулғозий. Шажараи турк. Т:, “Чўлпон”. 1992. Б. 55.
[3] Худойназаров Х. “Шажараи турк” ва унинг ўрганилиши. Т:, “Ўқитувчи” 1993. Б.67.
[4] Абулғозий. Шажараи турк. Т:, “Чўлпон”. 1992. Б. 145-146.
[5] Абулғозий. Шажараи турк. Т:, “Чўлпон”. 1992. Б. 414.

Мамлакатни тадбиркорлик билан бошқаролмаган Пулод султоннинг фаолияти Абулғозининг ғашини келтиради. Шунинг учун ҳам уни кулгили қиёфада чизиб беради ва ҳажв остига олади. “Пулод султоннинг сифати” дейилган алоҳида, таъкиддан сўнг қуйидагиларни ўқиймиз: Пулод султон ақлсиз, ғайратсиз, тентак киши эрди. Биз кичик эрканда андин кўп нарсаларни нақл қилурлар эрди. Анинг икки одати бор эрди. Бириси сўзлаганинда бир сўзни айтур, тақи “Шалфрў” дер эрди ва бири икки кичик бармоғини юмуб, ўрта бармоғини бош бармоғининг устинда қўйиб, икки кичик бармоқини юмуб, ўрта бармоқни бош бармоқнинг устунда қўйиб, икки кичик бармоқина уруб, шарқ-шарқ овоз чиқарур эрди. Нечук ким масхаралар ва маърақагирлар қилурлар. Икки қўлини шундоқ қилиб “Шалфрў!” дер эрди. Ҳар қилған сайин бир “Шалфрў!” дер эрди.

Бир карат сўрди ким Хуросонга карвон кета турған борму? теб Карвон туна кўн кетди тедилар. Бир кишига ҳукм этди. Бор!—Тақи карвоннинг барчасини қайтариб олиб кел. Ул киши Сочға қудуғинда карвон кейининдин етиб, қайтариб Хевақға олиб келди. Ул мусулмонларнинг кўнглина бу маъқул бўлди ким, албатта султон Хуросон бирлан ҳов бўла турур. Йўқ эрса, агар ўзга иш учун бўлса, бизнинг биримизни қайтармоқ керак эрди. Қарвон халқининг барчасин султон олдина олиб келдилар. Султон юзларин боқиб, қўлларини шарқ-шарқ этиб, (теди) “Манға бир ети поки Шалфрў” тўрт-беш каррат шуни мукарар айти. Карвон халқи тушунмадилар. Султоннинг навкарлари айтди: “Манга бир-ети пок келтур, ўзга нимарса керакмас!” дейтурурлар, боринг-кетинг”[1].

Юқоридаги тасвирдан Пулод султоннинг аҳмоқлиги ҳам, унинг девонавор қиёфаси ҳам кўзга яққол ташланади. Бу хил воқеий ҳикоялар тарихий мемуар асарларнинг бадиий қимматини ошириб, уларга насрий тус берган. Абулғози ўз отаси Арабмуҳаммаднинг, акалари Ҳабаш, Элбарс ва Асфандиёрхонларнинг, шунингдек ўзининг ҳам мукаммал портретларини чизиб бермайди. Ўрни-ўрни билан отасининг золимлигини, Ҳабаш ва Элбарсларнинг тахтпараст, ҳасадгўй кишилар эканлигини, Асфандиёрхоннинг эса ҳийлагарлигини очиб ташловчи фактларни шарҳлаб беради. Энг муҳими, ўзининг руҳий олами акалари Ҳабаш ва Элбарслар мамлакатни парчалаб юбориши, шоҳликни қўлга киритиш учун исён кўтарган пайтларидаги ички кечинмалари шу қадар ёрқин чиққанки, биз гарчи унинг ташқи қиёфаси чизилган ўринларни асарда учратмасак ҳам, забардаст бир шахснинг вояга етишаётганини кўриб турамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Абулғози тарихий шахсларнинг портретларини яратганда ҳам уларни ўз идеали билан ўлчайди, йирик феодал давлат асосчиларининг ёрқин, ёқимли қиёфаларини завқ-шавқ билан бергани ҳолда, феодал жамият, тараққиётига ва равнақига хизмат қилмаган тарихий шахсларнинг масхарали қиёфаларини яратади.

УЧАСТКА ПРИСТАВЛАРИ ФОНДЛАРИ – ҲУЖЖАТЛИ МАНБА СИФАТИДА (КОЛОНИАЛ ДАВР МИСОЛИ)

Мирзаев А.Т., – мустақил тадқиқотчи-изланувчи
Андижон давлат университети
Собиров Д., – Андижон давлат университети талабаси

Ватанимиз тарихини XIX аср охири – XX аср бошларига тааллуқли даврини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондларида сақланаётган архив ҳужжатлари муҳим ўрин тутади.

Архивлар доирасида хужжатлар архив фондлари бўйича туркумлаштирилади. Архив фонди – бу маълум ташкилот, идора, корхона ёки айрим шахс фаолияти натижасида вужудга келган архив ҳужжатлардир. Архив фондлари ҳажми жиҳатдан катта ёки кичик бўлиши мумкин[И.Алимов: 64].

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлати архивида сақланаётган Туркистон генерал-губернаторлиги уездлари участка приставлари фондларига тегишли ҳужжатлар ҳам колониал даврда Фарғона водийсининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганиш бўйича муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Туркистон ўлкасида 1899 йилга қадар участка приставлари вазифасини уездлар бошлиқларининг ёрдамчилари бажаришган. 1899 йилда Россия империяси давлат иқтисодиёти ва қонунлари қўшма департаментлари, Ҳарбий вазирликнинг Туркистон ўлкасида участка приставлари лавозимини жорий этиш тўғрисидаги тақдимномасини, тасдиқлашга қарор қилади.

[1] Абулғозий. Шажараи турк. Т:, “Чўлпон”. 1992. Б. 147.

Маҳаллий ҳолатлардан келиб чиқиб, приставларни уездлар бўйича тақсимланиши, генерал-губернатор томонидан тасдиқланадиган вилоят бошқармасини қарорига асосан амалга оширилган. Участка приставлари лавозими 1917 йилда тугатилган.

Мазкур фондларда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ва уездлар бошлиқларини циркулярлари ва қарорлари, приставларнинг участкалар бўйича буйруқлари, турли ёзишмалар, экин майдонлари ва улардан олинадиган маҳсулотларнинг турлари, волостларнинг даромадлари, мадраса ва масжидларнинг фаолияти, аҳолининг кўчма ва кўчмас мол-мулкларини хатланиши, йиғим ва солиқларни тақсимланиши, йўллар ва ариқларни тартибга солиниши ҳақидаги статистик маълумотлар ёзма манба сифатида ўрин олган.

Масалан, Скобелев уездида Қува участка пристави, Андижон уездида Бозор-қўрғон участка пристави, Марғилон уездида Олтиариқ участка пристави ва Асака участка пристави муассасалари колониал даврнинг турли йилларида фаолият кўрсатган[Путеводитель: 55-56].

Андижон уезди Бозорқўрғон участка пристави томонидан Жалолобод, Ўзган, Бозорқўрғон, Майгир, Қўқонқишлоқ участкалари назорат қилинган. Мазкур фонд материалларида 1912 йилда, маҳаллий маъмуриятни, ариқ оқсоқолларни, отлиқ қоровулларни, рус-тузум мактабларини моддий таъминоти учун аҳолидан олинган йиғим ва солиқлар ҳақидаги маълумотлар учрайди.

Маълумки, мустамлака хукумати, волостлар бошқарувчилари ва қишлоқ оқсоқолларини маҳаллий аҳоли вакилларидан тайинлашган. Масалан, Майгир волости бошлиғининг Бозорқўрғон участка приставига юборган рус тилида битилган билдирги хати, 1912 йил 9-августда кириш журналида 1979-рақами билан қайд этилган. Волость бошқарувчисининг котиби Анашкин томонидан ҳам имзоланган ушбу хатга волость оқсоқоли араб ёзувида имзо чеккан. 1912 йилда Майгир волости аҳолисидан олинган йиғимлар ҳақидаги маълумот эса араб имлосидаги ўзбек тилида баён этилган. Маълумотномага Майгир волостининг Майгир, Урганжи, Тошкечик, Чуама, Насриддинбек-Чек сингари ҳар бир қишлоқнинг оқсоқоли ўз идорасининг рус тилида битилган муҳрини ҳамда араб ёзувидаги шахсий тамғасини босган.

Ушбу ҳужжатларда шунингдек, 1913 йилда Андижон уезди Майгир волостидаги қишлоқ жамоалари аҳолисидан, волость маъмурияти, ариқ оқсоқоллари, отлиқ қоровуллар, почтачи (хат ташувчи), қишлоқ миробларини моддий таъминоти учун ундириладиган жамоат йиғимлари масаласи, алоҳида ведомостда баён этилган [Ф-319, й.ж. 2: 1-10].

Мазкур фонд материалларида, шунингдек, пахта савдоси масаласи ҳам акс этган бўлиб, деҳқон Ризақул Ирисалиев 1913 йил 5 апрелда Андижон шаҳрида жойлашган “Хлопок” акциядорлик жамиятига пахта етказиб бериш учун олдиндан берган векселига кўра, Андижон уезди 5-участка мировой судьясининг 1914 йил 11 февралдаги ажримига биноан, жамиятга 300 рубль тўлаши белгиланган[Ф-319, й.ж. 15: 29].

Бундан ташқари, Бозорқўрғон участка пристави фонди ҳужжатларида, йўлларни тузатиш ва ирригация иншоотларини тозалаш бўйича мажбуриятларни аҳоли томонидан бажарилиши ва амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам учрайди. Масалан, Қўқонқишлоқ волость бошқарувчисининг 1912 йил 12 февралда Бозорқўрғон участка приставига тақдим этган рапорти билан бирга, волость худудига туташган йўллар ва ариқларни тузатиш учун тузилган ведомостлар ҳам топширилган. Қўқонқишлоқ волости марказидан ўтган йўллар Хайробод қишлоғигача 3 верста (чақирим - 1,06 км га тенг масофа ўлчови), Чуама қишлоғигача 8 верста, Новкент қишлоғигача 8 верста, Ниёзқия қишлоғигача 4 верста, Насриддинбек-чек қишлоғигача 4 верстани ташкил қилган. Шунингдек, мазкур волость худудидан Тентаксой ариқ 12 верста, Қўқонқишлоқ ариқ 8 верста, Ниёзмат ариқ 8 верста, Қирғизчек ариқ 8 верста масофада оқиб ўтган.

Қашқар қишлоқ, Ниёз қишлоқ, Хайробод қишлоқ жамоалари бўйича ҳам йўл ва ариқларни тузатиш бўйича амалга ошириладиган ишларга сарфланадиган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам фонд ҳужжатларида баён этилган. Масалан, Хайробод қишлоғидан Қўқонқишлоқгача ўтган йўл 4 верста, Бойкечик қишлоғигача 8 верста, Гуркуров қишлоғигача 7 верста масофани ташкил қилган. Хайробод қишлоғидан, шунингдек, Бойкечик, Хайробод ва Тожик қишлоқ ариқлари оқиб ўтган.

Шунингдек, фонд ҳужжатларида, баҳор фаслида ирригация иншоотларини сув тошқинидан мустаҳкамлашга оид маълумотлар ҳам учрайди. Андижон уезди бошлиғи подполковник Иванов томонидан имзоланиб, 1912 йил 12 февралда Бозорқўрғон участка приставига жўнатилган № 53 сонли буйруқда, тоғларда кўп миқдорда қор уюми тўпланиб қолгани туфайли, жорий йилнинг баҳор фаслида кучли ва шиддатли сув тошқини кутилаётгани сабабли, Избоскан, Бозорқўрғон, Жалолобод, Султонобод ва Андижон шаҳри атрофи участка приставлари дарҳол, қишлоқ жамоалари ва уларнинг вакиллари билан ариқ-оқсоқолларнинг иштирокида, мазкур қишлоқлар худудидан оқиб ўтган Қорадарё, Андижонсой ва Шаҳрихонсой қирғоқларини синчиклаб кўздан кечириб чиқиб, кутилаётган кучли сув тошқинидан ҳимоя қилиш учун тўсиқлар ўрнатиш талаб қилинаётган жойларни аниқлаш юзасидан топшириқ берилган. Дарё ва сойларнинг қирғоқларидаги мана шу сингари унча мустаҳкам бўлмаган жойларга тўсиқлар ўрнатиш бўйича амалга ошириладиган зарур ишларнинг режаси тўғрисида

мулоҳазаларни баён этиш ва 1912 йилнинг 10-март кунига қадар уезд бошлиғига тақдим этиш талаб қилинган. Шунингдек, мазкур ишларни амалга ошириш учун қишлоқ йиғинининг қарорига кўра ажратиладиган қурилиш материаллари, ишчи кучи ва жамоа маблағининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни, мазкур ҳужжатга илова қилиш сўралган[Ф-319, й.ж. 3: 1; 9-11; 41].

Фарғона область ирригация бўлими мудири томонидан тузилган ведомостда 1912 йилда Андижон уезди бўйича, Андижон-сой тизими, Шахрихон-сой тизими, Қорадарё қирғоқлари тизими, Избоскан-сой тизими, Бозорқўрғон-сой тизими, Кўгарт-сой тизими бўйича сел оқими тошқини хавф солаётган жойлар тўғрисида маълумотлар берилган. Масалан, Қорасув ва Қўрғонтепа волостларини Мамуробод ва Бўйдоқ қишлоқлари худудидан оқиб ўтган Шахрихон-сой тизимидаги уйма дамба (кўтарма) ларни мустаҳкамлаш тавсия этилган. Ойим волостидаги Оқмасжид ва Чанғиртош қишлоқлари худудидан оқиб ўтган Қорадарёнинг қирғоғини тагидан оқим ювиб кетишидан ҳимоя қилиш учун сепоя тўғонлар қурилган. Худди шунингдек, Бозорқўрғон-сойнинг Чортоқ-сой ўзанидаги сепоя тўғонлари сойни қирғоқларини сув ювиб кетишидан сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бундан ташқари, Андижон-сой ва Шахрихон-сойга сувни тўғри, тартиб билан тақсимланиши учун Кампирравот дарасида тош, чим, шох-шабба билан тўсилиб қурилган сепоя дамбалар мунтазам равишда таъмирланган ва янгидан қурилган[Ф-319, й.ж. 3: 42-44].

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Туркистон ўлкасини, хусусан Фарғона вилоятининг тарихини ўрганишда, колониал даврда фаолият кўрсатган участка приставлари муассасаларига тегишли архив фондларида сақланаётган ҳужжатлар ҳам муҳим манба ҳисобланади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув қўлланма. - Тошкент, “Тафаккур бўстони”, 2015.
2. Путеводитель. Центральный государственный исторический архив УзССР(ЦГА РУз.). Составители: З.И.Агафонова, Н.А.Халфин. – Т., 1948.
3. Ўзбекистон Республикаси МДА, 319–фонд, 1–рўйхат, 2–йиғма жилд.
4. Ўзбекистон Республикаси МДА, 319–фонд, 1–рўйхат, 15–йиғма жилд.
5. Ўзбекистон Республикаси МДА, 319–фонд, 1–рўйхат, 3–йиғма жилд.

.

ИЛКЎРТА АСРЛАРДА ЧОЧ ВОҲАСИ ТАРИХИ ХОРИЖ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ НИГОҲИДА

Муҳаммедов Ё.Қ., — ЎзМУ таянч докторанти

Илк ўрта асрларда, хусусан, VI – VIII асрларда Марказий Осиёда кечган ижтимоий-сиёсий ва этномданий жараёнларга нафақат маҳаллий тадқиқотчиларимиз, балки хорижлик шарқшунос ва тарихчи олимларнинг диққат-эътиборларини қаратишган. Боиси, илк ўрта асрларда кечган мазкур жараёнлар анча фаол бўлиб, бу вазият ўз даврининг турли тиллардаги ёзма манбалари (асосан, хитой, суғдий, араб, форс, туркий) ва археологик материалларда ўз ифодасини топган. Шунингдек, араб истилоси арафаси ва ундан кейинги минтақадаги вазият кўпчилик тадқиқотчиларни қизиқтириб келади. Айниқса, хорижлик, хусусан, Ғарб тадқиқотчилари Марказий Осиё тарихининг бу даврини ўрганар экан, Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлардаги Суғд, Фарғона, Уструшона, Бухоро, Тўхористон, Хоразм каби воҳа ҳукмдорликларидан бири бўлмиш Чоч ҳукмдорлигига эътибор қаратиб келадилар.

Илк ўрта асрларда Чоч ҳукмдорлигининг бошқарув шакли ва воҳадаги ҳукмрон сулолаларнинг келиб чиқиши масаласи бир қатор хорижий нашрларда бирмунча ўз ифодасини топган бўлиб, улар орасида асосан француз шарқшунослари Э. Шаванн, Ф. Грене, Э. де ла Вессиер, америкалик Ж.К. Скэфф, немис тадқиқотчиси З. Штарк, венгер шарқшуноси К.И. Беквиснинг тадқиқотлари алоҳида ажралиб туради[1]. Улар кўпроқ ёзм манбалар, хусусан, хитой йилномаларидаги маълумотлар асосида изланишлар олиб боришган ва Чоч воҳаси тарихини асосан Турк хоқонлиги доирасида ёритиб, воҳа тарихини кўплаб муаммоли масалаларига ойдинлик киритишган. Улар орасида биринчилардан бўлиб Марказий Осиё тарихини хитой манбалари асосида тадқиқ қилган Э. Шаванн XX аср бошларида “Ғарбий турклар тарихига оида ҳужжатлар” номли французча асарида Чоч воҳасининг илк ўрта асрлардаги сиёсий тарихи акс этган хитойча маълумотларни таржима қилиш мобайнида араб ва форс

[1]Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 155–196; Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan’s Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. – Ankara, 2002. – Vol. 2. – P. 364–372; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden, 2008.

тилидаги маълумотларни ҳам ўзаро таққослаб келтирган ва хоқонлик томонидан Чочга ноиб сифатида юборилган “тудун” унвонли амалдорлар фаолиятига тўхталган[1].

Э. Шаваннинг юртдошлари бўлмиш Ф. Грене ва Э. де ла Вессиерлар нисбатан яқин йилларда ўз тадқиқотларини амалга оширган бўлиб, улар Муғ тоғи суғдий ҳужжатларини таҳлил қилиш жараёнида, хусусан, 720- йилларда Суғд ҳукмдори Деваштич томонидан Чочга юборилган элчи Фатуфарннинг ўз хўжайинига ёзган хати – А-14 рақамли ҳужжатни француз тилига ўгириб, ўша йилларда Чоч воҳасида юз берган сиёсий жараёнларга эътибор қаратишган[2]. Мазкур тадқиқотчилар ушбу ҳужжатда учрайдиган “Чоч ҳукмдори”, “Чоч тудуни”, “хун” ибораларини таҳлил қилиб, улардан сўнгги иккитасини Турк хоқонлиги билан боғлашган. Америкалик тадқиқотчи Э.К. Скэфф эса асосан хитой йилномаларидаги маълумотлари асосида Турк хоқонлигининг ўз вассалларини бошқаришда қўллаган усул ва воситаларга тўхталиб, бу масалани кўпроқ Чоч ҳукмдорлиги мисолида ёритишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, хоқонликнинг бу ердаги бошқаруви анча изчил йўлга қўйилган бўлиб, хоқонлар томонидан ноиб сифатида юборилган махсус вакил – тудунлар келиб чиқишига кўра туркий бўлганлар[3]. Германиялик тарихчи З. Штарк турли тиллардаги манбалар ва археологик материаллар асосида қадимги турклар тарихини ёритиб, Чоч воҳасида келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб ҳукмдорлар, шунингдек, тудунлар фаолиятига қисқача тўхталиб ўтган. Унга кўра, Турк хоқонлиги Чоч, Фарғона ва Тўхористонни, шунингдек, эҳтимол, Бухорони бевосита ўз бошқарувчи хонадани ваклилларини тайинлаш воситасида бошқарган[4].

Хорижлик айрим тадқиқотчилар, хусусан, Ж.К. Скэфф, Э. де ла Вессиер, Ф. Грене, З. Штарклар Чоч воҳасининг сиёсий бошқаруви бўйича муҳим янги фикрлар билдирган бўлишларига қарамай, воҳадаги ҳукмрон сулолалар билан боғлиқ айрим бирёқламали ёндашувларда бўлганликлари кўзга ташланади ва ҳ.к. Хусусан, З. Штарк вассал ҳукмдорликлар бошқарувида туркий унвонлар учрашини муайян бир тизим билан эмас, шунчаки тасодиф ёки “давр модаси” сифатида баҳоласа[5], Ж.К. Скэфф эса Чоч тудунлари сулоласи вакилларининг унвони туркий, исмлар эса ғайритуркий эканлигини таъкидлашган[6]. Бироқ ҳар иккала тадқиқотчининг фикри ўша давр воқеликларини чуқур ўрганилмасдан туриб, шунингдек, турли тиллардаги маълумотлар ўзаро солиштирилмасдан билдирилгани, нумизматик материалларга жиддий эътибор берилмаганлиги бир қатор тадқиқотчиларимиз томонидан таъкидлаб ўтилди ва улар томонидан олға сурилган “давр модаси”, “ғайритуркий исмлар” каби масалаларга аниқлик киритилди. Хусусан, Ғ. Бобоёровнинг таъкидлашича, Турк хоқонлиги даврида туркий унвонлар хоқонлик бошқарувида қандай қўлланилган бўлса, унинг вассаларида ҳам шунга амал қилган ҳолда ишлатилган, агар улар ёзганидек “давр модаси” бўлса, хоҳлаган ҳукмдорлик хоқонликка хос унвонларни хоҳлаган тартибда, яъни уларнинг даражасига қарамасдан ўзига ёққанини танлаб олиб, пала-партиш ҳолатда қўллана бошлаган бўлур эди. Шунингдек, ушбу тадқиқотчи “ғайритуркий исмлар” масаласига тўхталиб, хитой йилномаларида учрайдиган 3 та нафар тудуннинг исмлари ҳам соф туркча эканлигини мисоллар билан кўрсатиб берди[7].

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Э.В. Шаванн Чоч воҳасининг сиёсий тарихига оид “Бей ши”, “Суй шу” ва “Тан шу” каби илк ўрта асрларга оид хитой йилномаларидаги маълумотни французчага ўгириш мобайнида араб манбаларидаги маълумотларга ҳам мурожаат қилган ғарблик тадқиқотчиларнинг дастлабкиларидан биридир. Таржима жараёнида мазкур тадқиқотчи йилномалардаги маълумотларни муваффақиятли таҳлил қилганлиги кўзга ташланади. Шунга қарамай, мазкур йилномалардан фойдаланган ва Э.В. Шаваннинг тадқиқотидан хабардор бўлган Ф. Грене ва Э. де ла Весьерлар айрим камчиликларга йўл қўйганлар. Жумладан, улар А-14 рақамли суғдий ҳужжатни таҳлил қилиш мобайнида Э. Шаванн томонидан ўгирилган хитойча маълумотлардаги *Shi-guo Fu-Wang* – “Чоч ҳукмдори муовини тудун*”* иборасини тўлиқ олган ҳолда, *Shi-guo Wang T’ele*, яъни “Чоч ҳукмдори Тегин” жумласидаги[8] “тегин” сўзини тушириб қолдириб, *Shi-guo Wang* “Чоч ҳукмдори” тарзида берадики[9], бу эса ўз навбатида айрим тарихий воқеликлар борасида муайян англашмовчиликларнинг келиб чиқишига олиб келди. Яъни хитой манбасида айнан Чоч ҳукмдори Тегин эканлиги кўрсатилиб

[1] Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux ... P. 140-142.
[2] Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent ... P. 169-170.
[3] Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan’s Oases in the Sixth through Eighth Centuries ... P. 370.
[4] Stark S. Nomaden und Seßhafte in Mittelasien- und Zentralasien // Grenzuberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum. – Stuttgart, 2002. – S.389; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien ... S. 225.
[5] Stark S. Nomaden und Seßhafte in Mittelasien- und Zentralasien ... S. 389.
[6] Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan’s Oases in the Sixth through Eighth Centuries // The Turks, 2. – Ankara, 2002. – P. 364-372.
[7] Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). – Т.: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2007. – С. 58–60, 100; Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). – Т.: Yangi nashr, 2010. – 36, 49–51, 144.
[8] Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903. – P. 142, n. 1.
[9] Stark S. Nomaden und Seßhafte in Mittelasien- und Zentralasien ... S. 374-375, k. 68.

туришига қарамай мазкур тадқиқотчиларнинг бу унвонни тушириб қолдириши натижасида қайси унвон эгаларининг Чочда бош сулола, қайсилари эса аксинчалиги масаласида тушунмовчилик юзага келди.

Ушбу масалага ўз вақтида эътибор қаратган Ғ. Бобоёров Ф. Грене ва Э. де ла Весьерлар хатога йўл қўйишгани, аслида Чочда бош сулола – Тегинлар, иккинчи даражали сулола эса Тудунлар бўлганини нафақат хитой манбаларидаги маълумотлар (*Shi-guo Wang T'ele* "Чоч ҳукмдори Тегин" ва *Shi-guo Fu-Wang* – "Чоч ҳукмдори муовини тудун") ва Турк хоқонлиги унвонлар иерархиясида "тегин" (шаҳзода), "тудун" (ноиб) мақомлари тасдиқлашини таъкидлаб ёзди[1].

Бу давр тибет манбалари бўйича йирик мутахассис К.И. Беквис Чоч воҳаси тарихига доир нисбатан кам ўрганилган мавзуларни ёритган. Тадқиқотчининг ёзишича, хитой йилномаларида учрайдиган Чоч муовин/ёрдамчи ҳукмдорининг исми туркий бўлиб, унинг асли Инал Тудун Кулуг шаклида тикланади[2]. Унинг фикрича, хитой йилномаларида *Ча-би-ши* шаклида учрайдиган Чоч ҳукмдорининг исми Чабиш шаклида тикланади ва у аслида исм бўлмай, туркий *чабиш* (човуш) унвони билан алоқадордир. Тадқиқотчига кўра, ушбу ҳукмдор Чочнинг иккинчи даражали ҳукмдори Инал (Инай) Тудун Кулугнинг ўғли бўлиб, Тургаш хоқонлигига алоқадор ҳукмдорликнинг бошқарувчиси сифатида тургаш хоқонларининг Хитойга қарши иттифоқчиси эди[3]. Бироқ у ва унинг 751 йилдаги иттифоқчилари бўлмиш Тургаш хоқони ва тибетлик лашкарбошилар билан биргаликда хитой саркардаси Гао Сянчжи томонидан қўлга олиниб, пойтахт Чанъанга олиб кетилади ва у ерда император фармони билан пойтахтдаги "Кай-Юан дарвозаси" олдида қатл этилади. Шундан кейин марҳум Чоч ҳукмдори Чабишнинг ўғли хитойликларга қарши Самарқанддаги Араб гарнизони бошлиғи Зиёд б. Солиҳ ал-Хузайнага ёрдам сўраб мурожаат қилади ва натижада 751 йилда бўлиб ўтган машҳур Талас жанги юз беради[4]. Афтидан ғолиб чиққан араб қўшинлари ушбу жангда ўзларига ёрдам берган воҳа ҳукмдорликлари қаторида Чочни ҳам ўз қарамоғига олиб, уни тобе ҳукмдорликка айлантиради.

Қисқаси, илк ўрта асрларда Чоч воҳаси ижтимоий ва сиёсий тарихи бўйича хориж тадқиқотчиларидан айримларининг баъзи ишлари билан қисқача танишиб чиқишимиз натижасида қуйидагича хулосага келинди:

- хорижлик тадқиқотчилар, хусусан, улар орасида француз, немис, венгер, америкалик каби тадқиқотчилар исломдан олдинги Чоч воҳаси тарихини ёритишга анчагина ҳисса қўшганлар;
- уларнинг тадқиқотлари асосан турли тиллардаги ёзма манбалар ва қисман археологик материаллар асосида олиб борилган бўлиб, воҳа тарихининг мавҳум жиҳатларини анча-мунча ёритадиган моҳиятдадир;
- хориж тадқиқотчиларининг ишларида илмий ютуқ ва янгиликлар мавжуд, фикр-мулоҳазалари анчагина исботли бўлиши билан бирга улар томонидан айрим бирёқламали фикрлар ҳам билдирилганлиги кўзга ташланади.

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ИҚТИСОДИЁТИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Назаров О., – ГулДУ доценти

Барча ўлкаларда бўлгани каби иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари қорахонийлар даврида айниқса деҳқончилик ишлари ҳам ўз маромида кечган. Бунга, албатта, сунъий суғориш тизимларининг талаб даражасида ишлаб туриши, лозим бўлганда уларни таъмирлаш ишлариниг амалга оширилиши, ер ости, ер усти қувурларининг ўтказилиши, каналлар, сув омборлари, тўсиқларнинг бунёд этилиши ҳамда ўлкада, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида деҳқончилик анъанавий юқори даражада бўлганлиги орқали эришилган. Илгаригидек деҳқончиликнинг барча асосий экин турлари етиштириб борилганлиги манбаларда ўз аксини топган. Шунингдек бу даврда иқтисодиётнинг яна бир йўналиши хисобланган кончиликдаги саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборга лойиқдир. Чунончи, Оҳангарон атрофида (Қорамозор) мис, кумуш, қўрғошин конлари, Фарғонада олтин, симоб, кумуш, темир, мис, феруза, навша-дил, нефть, купорос, қатрон, Нурота тоғларида олтин, мис, қўрғошин, симоб, мармар, Бухоро, Уструшонада олтин, нефть, феруза, темир конлари муттасил ишлаб турганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.Шу боис деҳқончилик ва тоғ-кон ишлаб чиқаришида фаоллик бошқа бир муҳим соҳа — ҳунармандчиликни ҳам жонлантириб тургани табиий, албатта. Шунинг учун темирчилик, кулолчилик, шишасозлик (ойнасозлик), заргарлик,

[1] Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.) ... С. 46–47, 57–59; Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар ... Б. 49–51.
[2] Beckwith I. C. The Tibetan Empire in Central Asia: A History of the Struggle for Great Power among Tibetans, Turks, Arabs, and Chinese during the Early Middle Ages. – New Jersey: Princeton University Press, 1993. – P. 124.
[3] Beckwith I. C. The Tibetan Empire in Central Asia: A History of the Struggle for Great Power among Tibetans ... 137-138.
[4] Beckwith I. C. The Tibetan Empire in Central Asia: A History of the Struggle for Great Power among Tibetans ... 139.

тўқимачилик, кўнчилик каби ўттиздан ортиқ соҳалар ривожланиб борган.[Массон М.Е.:1]Масалан, шишасозликда шишадан ишланган буюмларга (ошхона буюмлари, жиҳозлари, безак-тақинчоқлар, сиёҳдон, тувак ва бошқалар) турли рангда жило бериш расм бўлганлиги маълум. Бу, албатта, ўз даври учун катта ютуқ эди. Шунингдек, иморатларни безаш, жиҳозлашда шишасозликнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилинган. Айниқса, уларга ўрнатилган ойналар ҳам рангсиз, ҳам рангли бўлиши мумкин эди. Панжаралар оралиғига турли рангдаги шишалардан ўрнатиб, иморат кўркини очишга ҳаракат қилинганлигини ҳам алохида таъкидлаб ўтишжоиздир.

Қорахонийлар давридаги тўқимачилик соҳасига, эътибор берадиган бўлсак аввало шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу борада Бухоро, Самарқанд вилоятлари пешқадамликни қўлдан бермаганлар. Пахтадан тўқилган турли хилдаги газламалар ҳам минтақада, ҳам хорижий ўлкаларда машҳур бўлган. Кўнчилик маҳсулотларидан эса манбаларда олмахон, собол ва бошқа ҳайвонлар терисидан пўстин (ичуқ), чармдан ишланган оёқ кийимлари (излик), туя ёки қўй юнгидан тўқилган иссиқ кийим (қарс), гулдор наматлар ва бошқалар тилга олинади. Кўнчиликда энг нозик ишлардан ҳисобланмиш мўйни тўктиришда арзутал номли аралашмадан фойдаланилганини Маҳмуд Кошғарий асаридан ҳам билиб олиш мумкин.[Маҳмуд Қашғарий:2]

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, қорахонийлар даврида деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг бир текис равнақ топиши савдо-сотиқ ишларини жадалривожланишига туртки бўлган боис. Қорахонийлар даврига келиб Шарқий Туркистондан Хоразмгача бўлган катта худуднинг сиёсий жиҳатдан бирлашиши савдо-сотиқ ишларида минтақанинг шарқий вилоятлари имкониятларини юзага чиқариш шароитини яратиб берган. Чунончи, биз бугун «ипак йўли» деб биладиган савдо йўли тўғридан-тўғри Шарқий Туркистонни араб ўлкалари билан туташтириб турган. Ўз даврида шимолий ва жанубий йўналишларга эга бўлган бу йўлнинг бир учи Хитойдан бошланиб Шарқий Туркистон, Фарғона, Тошкент, Зарафшон водийси, Бухоро орқали шимолда Волга бўйлари воситасида Шарқий Европага, жанубда эса Ўрта Шарқ орқали Ўрта денгизгача борган. Йўл узра жойлашган шаҳар ва қишлоқларда бозорлар, карвонсаройлар таъмирлаш ва ораставлигига, умуман, савдогарларга хизмат кўрсатиб, шу орқали фойда кўриладиган турли хизматларни муҳайё этишга катта эътибор берилган.

Шунингдек, қорахонийлар давридаги қурилиш ишларига назар ташланса шу нарса аён бўладики, Бухорода Миноpаи калон, қатор масжидлар, Жарқўтон (Сурхондарё), Вобкентда миноралар, Ўзгандда мақбаралар, минора, масжидлар, Самарқандда мадрасалар бунёд этилган. Қорахоний ҳукмдорлар савоб ишларини ҳамамалга оширганликлари ҳақида маълумотлар бор. Чунончи, қорахоний Иброҳим ибн Наср 1066 йили Самарқанддаги бир шифохона ихтиёрига бутун иморатлари, расталари билан икки карвонсаройни тақдим (вақф) этган. [Абу Райҳон Беруний:3] Ҳужжатдан англашилишича, ана шу икки карвонсаройдан келадиган даромаддан касалларнинг озиқ-овқати, дори-дармони, табиблар, барча турдаги хизмат кўрсатувчиларни тегишли) маош билан таъминлаш йўлида фойдаланилган. Бошқа (бир ҳужжатда Самарқандда бунёд этилган мадраса мажмуини таъминлаш учун Иброҳим ибн Наср уч меҳмонхона, бир карвонсарой, бир эркаклар ҳаммоми, сув айирғич, узумзор, бир канча экин ерлари ва бошқалардан келадиган даромадни вакф қилиб бергани ҳақида маълумотлар манбаларда ўз аксини топган.[Шониёзов К.Ш:4]

Хуллас, қорахонийлар сулоласи ўз фаолияти давомида ўлкамизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган сиёсий кучлардан бири деб хисоблаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1953.
2. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотиттурк / Таржима ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1960.
3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. – Тошкент: Фан, 1966.
4. Шониёзов К.Ш. Қарлуқдавлативақарлуқлар. – Тошкент: Шарқ, 1999.

ЎРТА ОСИЁ ПАЛЕОЛИТИДА АНГИЛЛАК ҒОРИ ТОШ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

Назаров Х.А. – ЎзМУ Тарих факультети
Археология кафедраси II-босқич магистранти

Ўрта ва сўнгги палеолит даврларига оид Ангиллак ғори тош индустрияси ўзига хос томонларга ҳам эга эканлигини ушбу ғор материалларини таҳлил қилиш жараёнида ҳам кузатиш мумкин бўлади.

Ангиллак ғорининг тош индустрияси намуналари 500 тадан зиёдни ташкил қилади ва уларнинг катта қисми учириндилар, синиқлар (обломки) ҳамда паррахалардан (чешуйки) иборат[1]. Тўпламнинг учириндилари радиал, елпиғичсимон ва параллел равишда чақмоқланган нуклеуслардан йўнилган. Аксарият ҳолларда улар иккиламчи ишлов берилиб қуролларга айлантирилган.

Ангиллак ғори индустрияси учун йўнилғиларни атайин синдириш ёки бўлаклаш техникаси характерлидир. Бунинг сабаблари бир нечта, жумладан ғорга ишлов бериш учун келтирилган хом-ашёнинг сифати жуда паст бўлган ва йўнилғиларнинг катта қисми атипик ҳолатда, бўртиб турган, ҳамда ноқулай бурчакларини атайин синдириб, иккиламчи ишлов бериш маъқул кўрилган.

Ангиллак маконида чақмоқлаш техникаси. Тўпламнинг нуклеуслари кўп эмас. Улар жуда митти ва атипик шакллидир. Бу ердаги тош қуроллар эса ўрта палеолит даври учун характерли (Сулейманов, 2003)[2]. Булар турли хил ретушланган учириндилар, уларнинг айримларини ёнлама қирғичлар ҳам дейиш мумкин, ретушланган пластиналар, ҳамда пайконлардир.

Коллекциядаги нуклеусларнинг шаклларига хом-ашё сифатининг паст даражадалиги сезиларли таъсир кўрсатган. Биринчидан, тўпламдаги ўзакларнинг барчаси ҳаддан ташқари ишлов берилган ва ҳажми ўртача 2-5 см гача узунликка эга. Иккинчидан, улардан фақат 6 тасигина морфологик жиҳатдан аниқланиши мумкин. Ўзакларга ишлов беришда кремен, чақмоқтошли охактош ва кварсдан фойдаланилган. Қолган 10 тайэмпляр нуклеусларни уларнинг майда бўлаклари сифатида классификасиялаш мумкин. Уларнинг аксарияти кварсдан ишланган.

Ангиллак нуклеусларидан учтаси ортогонал характерда чақмоқланган бўлиб, уларнинг барчаси тўғри бурчакли шаклга эга ва баъзан қайроқтошли қобиқ қолдиқларини сақлаб қолган.

Учта радиал равишда чақмоқланган нуклеуслардан иккитаси кварсдан ишланган ва биттаси анчайин пластик жинсдан тайёрланган. Уларнинг барчаси ҳаддан ташқари ишлов берилган ва узунликлари 4-2,5 см оралиғида. Ушбу нуклеуслардан иккитасининг қирраларида қўшимча ретушлаш излари бор бу эса уларнинг қирғувчи ва йўнувчи қуролларга айлантирилганлигидан далолат беради. Кичик, ҳаддан ташқари ишлов берилган нуклеуслардан бири узунчоқ шаклга эга бўлиб, ҳар иккала уч қисмларида кесгичсимон йўнишлар натижасида полиедрик кесгичга айлантирилган.

Аммо, кўп ҳолларда тўпламнинг ўзаклари кварсдан ишланган қолдиқ нуклеуслардир ва уларнинг чақмоқланиш принципларини аниқлаш қийин. Уларнинг иш юзасида охирги, икки ёки учта йўнилғи негативларини кўриш мумкин холос. Ўзакларнинг асосий қисми кварсдан ишланганлиги сабали, уларнинг иш юзасида негативлар раҳлари текис эмас.

Тўпламдаги нуклеуслардан 4 таси чақмоқланишнинг бошланғич ҳолатида ташлаб юборилган. Улар айрим майда йўнилғи негативларига эга бўлган кварс бўлакларидир[3]. Ушбу ўзаклар уларни чақмоқлашни давом эттириш имкони бўлмаганлиги ва ҳажмининг кичиклиги туфайли ташлаб юборилган.

Ангиллак ғори индустриясидаги нуклеуслардан 6 таси ишланишнинг охирги босқичларида ташлаб юборилган ўзакларнинг синиқларидан иборат. Улардан иккитаси шишасимон вулқоник жинслардан, биттаси чақмоқтошли сланесдан ва қолганлари кварсдан ишланган.

Савол туғиладики, Ангиллаклик усталар узунлиги 3-5 см лик кичик ҳажмли нуклеусларни қандай қилиб синдиришган. Уларни қўлда ушлаган ҳолатда тош ушатғич ёрдамида чақмоқлашнинг иложи йўқ, негаки, ушатғичнинг оғирлиги ушбу ўзакларникидан бир неча баравар оғир бўлади.

Ёдгорликда нуклеусларни сўнгги палеолит давридагидек нуклеус бирон бир сандонга маҳкамланиб воситачи орқали чақмоқлаш амалга оширилган, дейиш учун ҳам бизда асос йўқ. Ангиллак ғори буюмлари орасида нуқтасимон зарб майдончалилари учрамайди.

Тахмин қилиш мумкинки, Ангиллакда нуклеусларни чақмоқлаш аввало уларни бирон бир юмшоқроқ буюмга (ёғоч ёки суяк) маҳкамланган ва бир қўл билан ушланган ҳолатда, сўнгра маълум оғирликдаги ушатғич ёрдамида амалга оширилган.

---

[1]Сулейманов Р.Х., Глантз М., Пасилов Б.А., Ражабова Н., Паин Л., Адамс Дж., Ритзман Т. Отчет о полевых исследованиях совместной Узбекско – Американской археологической экспедиции в 2003 году. Раскопки грота Ангиллак. Ташкент, 2004. Научный архив ИА АН РУз. Фонд 03.01. № 128. – С. 2 – 19.

[2]Ангиллак ғори индустриясининг санаси борасида мутахассислар ўртасида якдиллик йўқ.

[3] Сулейманов Р.Х., Глантз М., Ибрагимов Р.З., Пасилов Б.А., Мурадова Д., Ражабова Н., Циммерман Х.П., Шраубер А.Х. Отчет по результатам полевых исследований совместной Узбекско-Американской археологической экспедиции в 2002 г. Ташкент, 2002.

Аммо, бу ҳозирча ғоя бўлиб, уни тўлиқ асос билан таъкидлаш учун микроскопик ҳамда эксперимантал тадқиқотларни амалга ошириш талаб этилади.

Ангиллак ғори тош қуроллари. Ангиллак ғори тош қуроллари типологияси Ўрта Осиёдаги сўнгги палеолит даври ёдгорликларига хос буюмлардан: ретушланган пластиналар, асосан узунчоқ шаклли пайконлар, бир қисмини қирғичлар дейиш мумкин бўлган ретушланган учириндилардан иборат. Таъкидланганидек, ретушланган пластина ва учириндиларнинг фрагментлари кўплаб учрайди.

Ретушланган пластиналар-12 та. Тўпламда 12 тадан ретушланган атипик пластиналар серияси мавжуд. Уларнинг дорсалларидаги негатив излари характери параллел равишда. Бироқ, хом-ашё сифатининг пастлиги сабабли ушбу пластиналар калта, нотекис ва кўпинча қирралари нотўғри кўринишларга эга. Пластиналардан фақат иккитасигина, сифатли чақмоқтошдан чақмоқланган ва тўғри шакллидир. Уларнинг қирраларидаги ретушлар эса, типлари ва интенсивлик даражасига кўра ҳар хилда. Баъзи ҳолларда уларнинг ретушлари юпқа, ўткирлаштирувчи, бошқа ҳолатларда тишсимон ва анча тик. Айрим ҳолларда пластиналарни ретушлаш вентрал тарафдан амалга оширилган.

Қирғичлар-3 та. Тўпламда уч дона параллел дорсалли учириндилардан ишланган қирғичлар мавжуд. Улардан иккитасининг кераксиз учлари атайин кесилган ва ишлатиш учун қулай ҳолатга келтирилган.

Ангиллак индустриясида елкаси параллел характердаги учириндилардан ишланган қирғичлардан ташқари, йирик учириндилар ёки кварс плиткалардан тайёрланганлари ҳам учрайди. Уларнинг ҳажми 3-6 см узунликдадир. Ушбу қирғичлардан учтаси учириндилардан тангачасимон ретушлаш ёрдамида ишланган ва тўрттаси кичик кварс плиткалардан қия ретушлаш билан тайёрланган.

Типологик жиҳатдан улар ёнлама қирғичлар бўлиб, қирралари бўртиб чиққан. Айрим ҳолларда ушбу қирғичларнинг ҳар иккала қирраларига ҳам ишлов берилган. Баъзан улар учбурчаксимон бўлиб, псевдопайконларга ўхшаб кетади.

Атайин кесилган йўнилғилар-5 та. Ангиллак индустриясида тош буюмларни атайин кесиш анъанасининг ҳукм сурганлиги ҳақида тўпламдаги беш дона дорсаллари параллел характердаги, ретушланган учиринди ва пластиналарнинг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди . Улардан бири пластинанинг медиал қисми бўлса, қолганлари йўнилғиларнинг проксимал қисмлари бўлиб, улар зарб тепаликларини (ударный бугорок) сақлаб қолган[1].

Фрагментлаштирилган буюмларнинг қолганлари ретушланган учириндилар бўлакларидан иборат (жами 24 тайемпляр). Уларнинг бир қисми икки томондан ва баъзан уччала томондан атайин синдирилган. Шундан 6 таси кварсдан ишланган ретушланган учириндилар синиқларидир. Ушбу категориядаги қолган буюмлар кварс плиткалардан ишланган.

Пайконлар-8 та. Тўпламда 4 дона бутун ва калта мустье даврига хос пайконлар мавжуд. Уларнинг барчаси калта ва учбурчаксимон учириндилардан ишланган[2]. Ушбу пайконлардан бири вентрал тарафдан юпқалаштирилган ва зарб майдонча томони кесилган. Шунингдек, коллекцияда пайконларнинг 4 та уч қисмлари синиқлари ҳам бор.

Таъкидлаш жоизки, тўпламдаги пайконлар параллел, радиал ёки елпиғичсимон йўнишлар ёрдамида қўлга киритилган. Уларнинг бўйи энидан камида икки марта катта. Ушбу пайконларнинг учбурчак шаклдалиги уларнинг нолеваллуа техникаси, яъни протопризматик, елпиғичсимон ёки радиал гардишсимон нуклеуслардан чақмоқлаб олинганлигидан далолат беради. Пайконларнинг узун қирралари дистал томондан майда ретушлаш ёрдамида ишлов берилган ва фақат битта ҳолатда, қирралари интенсив ретушланган.

Ретушланган учириндилар-20 та. Ушбу кичик ҳажмли, ретушланган учириндилар чақмоқтошли сланес, пластик вулқон жинслари ҳамда майда қумли қайроқтошлардан ишланган. Уларнинг узунлиги 1,7-3 см оралиғида. Чақмоқтошдан ҳамда қайроқтошдан ишланган учириндилар кварсдан ишланган учириндиларга кўра ҳажми кичикроқ кўринишга эга[3]. Бу ҳолат, Ангиллакда сифатли хом-ашёнинг танқислиги сезиларли даражада бўлганлигини кўрсатади ва шунинг учун ҳам чақмоқтошли буюмлар ҳаддан ташқари ишлов берилганлиги билан ажралиб туради. Ушбу учириндилар кўпинча ностандарт кўринишларга эга бўлиб, уларнинг қирраларидаги ретушлари қалинлигига мос равишда ўткирлаштирувчи, тангасимон ва қия ретушлар билан ишланган[4].

Ўйиб-кертиб ишланган қурол-1 та. Коллекцияда иккита ўйиб-кертиб ишланган қурол мавжуд бўлиб, у ҳам атайин кесилган узунчоқ ва массив кварсли учириндидан ясалган.

---

[1] Сулейманов Р.Х., Глантз М., Пасилов Б.А., Ражабова Н., Паин Л., Адамс Дж., Ритзман Т. Отчет о полевых исследованиях совместной Узбекско – Американской археологической экспедиции в 2003 году. Раскопки грота Ангиллак. Ташкент, 2004. Научный архив ИА АН РУз. Фонд 03.01. № 128. – С. 2 – 19.

[2] Сулейманов Р.Х., Майкл Г. Грот Ангиллак на территории Кашкадарьинской области \\ АО 2002 г. Ташкент. 2003. – С. 17-23.

[3] Кўрсатилган адабиѐт. – Б. 18.

[4] Сулейманов Р.Х., Глантз М., Пасилов Б.А., Ражабова Н., Паин Л., Адамс Дж., Ритзман Т. Отчет о полевых исследованиях совместной Узбекско – Американской археологической экспедиции в 2003 году. Раскопки грота Ангиллак. Ташкент, 2004. Научный архив ИА АН РУз. Фонд 03.01. № 128. – С. 2 – 19.

Ангиллак ғори индустриясининг ўзига хос хусусиятлари. Ангиллакликлар хом-ашё сифатининг ўта пастлигига қарамасдан иложи борича узунчоқ пластинасимон йўнилғилар чақмоқлаб олишга интилганлар, яъни Ўрта Осиёда мустье даврида ҳукмрон бўлган параллел чақмоқлаш анъаналарига содиқ қолганлар.

Ангиллак ғори индустриясининг иккинчи муҳим хусусияти шундаки, унда нафақат кичик ҳажмли ретушланган учириндилар, балки фрагментасиялаштирилган учириндилар, пластиналар ҳамда қуроллардан ҳам фойдаланилган. Бундай буюмлар кўпинча ретушланган қуролларнинг фрагментлари сифатида таснифланади. Ангиллак индустриясининг асосий қисми фрагментлаштирилган тош буюмларни ташкил қилади. Тўпламдаги тош қуролларнинг ҳажми шунчалар кичикки, уларни ишлатиш жараёнида синдириб қўйишнинг иложи йўқ.

Р.Х.Сулейманов хулосасига кўра, Ангиллак индустриясидаги тош қуроллар ҳажмининг кичиклигини икки хил тушунтириш мумкин. Биринчидан, ёдгорликда сифатли хом-ашёнинг танқислиги бўлса, иккинчи томондан, Ангиллакликларнинг асосий овқат сифатида дашт тошбақасини истеъмол қилишларидандир. Негаки, тошбақанинг устки қисми коса билан қопланган бўлиб, унинг гўштини ажратиб олишда кичик ҳажмли тош қуроллар ёки уларнинг фрагментларидан фойдаланиш талаб қилинган.

Шунинг учун, чақмоқлаб олинган йўнилғилар йирик бўлган тақдирда ҳам уларни атайин парчалашганлар. Таъкидланганидек, Ангиллакликлар ишлатган паст сифатли хом-ашё асосан Оёқчисой дарёси етакларидан йиғиб олинган қайроқтошлар бўлиб, уни қадимги одамлар петрографик тузилишига кўра танлаб олганлар. Сувда силлиқланган қайроқтошлар ҳозирда ҳам Ангиллак ғори яқинидан оқиб ўтадиган Оёқчисой этакларида кўплаб учрайди.

Ангиллак ғори индустрияси учун, Ўрта Осиёнинг бошқа мустье даври ёдгорликларида бўлгани сингари, протопризматик, радиал ёки елпиғичсимон чақмоқлаш техникаси характерлидир. Бу индустрияда ортогонал ёки системасиз чақмоқлаш техникаси ҳам мавжуд бўлиб, улар иккинчи даражали роль ўйнаган.

Ўрта Осиёнинг бошқа мустье даври технокомплексларида бўлгани каби, Ангиллакда ҳам ретушлаш бироз ўткирлаштирувчи ёки тишсимонроқ характерга эга бўлиб, бундай типдаги ретушлар ёрдамида Ангиллакликлар пластиналар, учириндилар, қирғичлар ва пайконларга ишлов берганлар. Тўпламда қия, чуқур ва интенсив ретушлаш кам учрайди.

Ангиллак ғори индустриясининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири учириндилар, пластиналар ва тайёр тош қуролларни атайлаб фрагментлаштиришнинг кенг қўлланилганлигидир. Ғордан 2003 йилда йиғиб олинган тош буюмларнинг 33 таси атайин синдирилган[1]. Буларга ретушланган пластиналар, учириндилар, қирғичлар ва пайконларни киритиш мумкин. Тош буюмларни атайлаб фрагментациялашнинг бундай кўп сонлилиги Ўрта Осиёнинг палеолит даврига оид бошқа биронта ёдгорликларида маълум эмас[2].

Шундай қилиб, ўзига хос ва Ўрта Осиёнинг бошқа ёдгорликлари технокомплексларидан ажралиб турадиган Ангиллак индустрияси ретушланган пластиналар, пайконлар ҳамда бир қисмини қирғичлар дея таснифлаш мумкин бўлган ретушланган учириндилардан таркиб топган. Таъкидлангандек, тўпламда фрагментлаштирилган ретушланган учиринди ва пластиналар кўплаб учрайди. Ретушланган пластиналарнинг 12 донадан иборат бўлган серияси алоҳида ажралиб туради.

С. П. ТОЛСТОВНИНГ ХОРАЗМ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Насриддинов Ш. Н., –
НамДУ ўқитувчиси

Қадимги ва ўрта асрлардаги Хоразм ёдгорликларини археологик жиҳатидан мунтазам ўрганиш XX асрнинг 30 йиллари ўрталаридан бошланди ва бу иш ҳозиргача давом этмоқда. Уни тўрт босқичга бўлиш мумкин: уруш давригача (1936–1940 йиллар) олиб борилган тадқиқотлар; урушдан кейинги даврда (1945–1958 йиллар) олиб борилган тадқиқотлар; 1959–1990 йилларда олиб борилган тадқиқотлар ва мустақиллик йилларида олиб борилаётган тадқиқотлар[3].

[1] Сулейманов Р.Х., Глантз М. Раскопки грота Ангиллак // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар - 2003 йил. №4. Тошкент, 2004. – Б. 177-179; .

[2] Сулейманов Р.Х., Глантз М., Пасилов Б., Ражабова Н., Паин Л., Адамс Дж., Ритзман Т. Отчет о полевых исследованиях совместной Узбекско – Американской археологической экспедиции в 2003 году. Раскопки грота Ангиллак. Ташкент, Научный архив ИА АН РУз. Фонд 03.01. № 128. С. 2 – 19; Сулейманов Р.Х., Гланц М. Грот Ангиллак в Китабском районе Кашкадарьинской области // ОНУ. №3. Ташкент, 2003. – С. 12.

[3] Safoyev A. Qal’alar tilsimini ochgan olim // http: www.uzhurriyat.uz

Хоразмда туғилмаган бўлса ҳам, бу ўлкага ўзгача меҳр қўйган тарихига, маданиятига, санъатига қизиққан инсонлар ҳам бор. Хоразмни инсонни ўзига тортувчи жиҳатлари жуда ҳам кўп. Хоразмдек тарихий ўлкага қизиққан инсонлардан бири Сергей Павлович Толстовдир. С. П. Толстов 1907 йилда Санкт-Петербургда ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Отаси – Толстов Павел Сергеевич чор армиясининг казак қўшинларида хизмат қилган. Онаси – Бадаева Мария Ивановна уй бекаси – болалар тарбияси билан шуғулланган[1].

С. П. Толстов 1923 йилда Москва давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга киради. Лекин, кейинчалик у йўналишини ўзгартириб, Тарих ва этнология факультетининг Антропология мутахассислиги бўйича давом эттиради. Толстовнинг Хоразмда археологик қазишмалар олиб боришига сабаб ҳам айнан унинг мана шу тарих соҳасини танлаши эди. Толстов талабалик амалиётини айнан Хоразмда олиб боради ва Хоразм тарихини ўрганиш истаги кейинчалик ҳам шу диёрга қайтиб келишга ундайди.

С. П. Толстов 1937 йилдан бошлаб Хоразмда илмий изланишлар олиб боришга киришади. Унинг Хоразм тарихини ўрганишдаги фаолияти учта босқичда олиб борилади. Биринчи босқичда архив ҳужжатлари билан ишлайди, иккинчи босқичда археологик ёдгорликларни тизимлаштиради, учинчи босқичда эса археологик қазишма ишларини олиб боради. 1937 йилда қадимги Хоразм тарихи ва тараққиёти бўйича тадқиқотлар олиб боради ва “Қадимги Хоразм” монографиясини ёзади.

С. П. Толстов бошқа археологлардан фарқли равишда Хоразмда илк бор топонимик хариталар орқали қум барханлари остида кўмилиб кетган қадимий жойларни топишдан кенг фойдаланади.

Хоразм тарихини ёритиш, моддий манбаларни топиш, уларни очиб, текшириш ишлари кўп маротаба амалга оширилди. Афсуски, улардан кўзланган мақсад, моддий қимматга эга топилмаларни топиш эди. Фикримизни исботи сифатда ортимизга бир назар ташласак. 1873 йилда империя қўшинлари Хива ҳудударини босиб олади. Генерал-губернатор фон Кауфман айни пайтда шу ҳудудда ҳукмронлик қилаётган эди. Кауфман Амударёнинг ҳар иккала қирғоғида Хоразмни ўрганиш учун археологлар жамиятини тузади. Чунки айни дамда французлар Мисрда, инглизлар Ҳиндистонда, немислар Туркияда ёдгорликларни текшириб, кўплаб бойликларга эга бўлаётган эдилар. Лекин, фон Кауфманнинг орзуси амалга ошмай қолади.

Археологик қазишмалар ўтказиш, моддий бойликлани қидириб топиш у ўйлаганчалик осон иш эмас эди. Шунинг учун инсонда жуда ҳам катта сабр бардош, билим ва Аллоҳ берган истеъдод бўлиши керак. Хоразм археологиясини топиб ўрганишда Толстовнинг мақсади Кауфманникидан умуман бошқа бўлган.

С. П. Толстовнинг Хоразмга қизиқишининг яна бир сабаби, у талабалик йилларида Волгабўйи халқлари этнографияси билан шуғулланади. Волгабўйи халқларининг урф-одатлари, маданият ва санъатини қизиқиш билан ўрганади. Толстов Хоразм ҳудудида нафақат илмий текширишлар олиб боради, балки маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашади ва уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, санъати, маданияти билан яқиндан танишади. У археологик текширувлар олиб боришдан аввал шу ҳудуднинг аҳолиси билан суҳбатлашади. Улардан шу жойга тегишли бўлган қадимий ривоят ва ҳикоятларни эшитади ва текширув вақтида эшитган воқеаларга топилмаларни солиштиради. Толстов ўзининг “Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб”[2] китобида ҳам айнан шуни исботлайди.

Толстов экспедицияларидан бири бўлган Гулдурсун қалъасида текширув ишлари олиб борётган пайтда аввал кексалардан маълумот олганини ёзиб ўтади: “Хоразмлик отахоннинг ҳикоя қилишича, Гулдурсун бир замонлар Гулистон деб аталган экан. Бу ерлар бир замонлар суви мўл, гуллаб яшнаган бир ҳудуд бўлган экан. Кунларнинг бирида Гулистонга қалмиқлар ҳужум қилибди. Улар бундай жаннатмакон жойни ер билан яксон қилибди. Лекин, қалъага кира олмабди ва душманлар томонидан қамал қилинибди. Қамал узоқ давом этибди. Иккала томоннинг ҳам тинка-мадори қурибди. Ейиш учун озуқалари ҳам қолмабди. Шунда гулистонликлар бир режа ўйлабдилар ва бу орқали душмандан қутулиш мумкинлигини англабдилар. Катта бир ҳўкизни олиб келибдилар ва ўзлари учун асраб қўйган охирги буғдойларини берибдилар ва уни душман томонга қўйиб юборибдилар, очликдан силласи қуриётган қалмиқлар уни ушлаб, қорнини ёрибди, ичидан кўп буғдой чиқибди, улар ҳайратдан қотиб қолибдилар ва биз гулистонликларни енга олмаймиз, чунки уларда ҳали озуқа жуда ҳам кўп, деб ортларига қайтишга қарор қилишибди. Душман бостириб келган пайтда подшонинг қизи қалмиқ аскарларидан бирини севиб қолган экан. Қиз душманни қайтишини эшитиб, жуда ҳам саросимага тушиб қолибди ва душманга гулистонликларнинг истъемол учун қолган охирги озуқасини ана шу, улар ушлаб олган ҳўкизга берганликларини, бу уларнинг ҳийласи эканлигини етказибди. Душман бундан ғазабланиб, қамални бузиб кириб, уларни ҳаммасини қириб ташлабди. Душманлар ўз юртига, отасига ҳиёнат қилган бизга ҳам бир кун келиб хиёнат қилади деб, қизни ҳам ўлимга ҳикм этибди. Бу ҳудуд шу кундан бошлаб Гулистон эмас, Гулдурсин деб номланадиган бўлибди”[3].

[1] Қаранг: Аҳмедова Ҳ. Сергей Толстов ва Хоразм археологияси // Тарих тилга кирганда. – Наманган, 2016. – №9. – Б. 4.
[2] Талстов С. Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб. – Т.: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 32.
[3] Талстов С. Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб. – Т.: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 32.

Толстов бу афсона ҳақиқатга яқинлигини ўзининг экспэдициялари орқали исботлаб беради. Толстов Гулдурсин қалъасидан ўтиб, Думанқалъа (Туманқалъа), Желдеккалъа, Қаватқалъа, Бароқтомқалъа харобаларида ҳам археологик текширувлар олиб борган.

Толстов ўзининг "Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб" асарида Хоразм ҳудудидан топилган барча моддий ва маънавий ашёларни Москвада эмас, Урганч, Нукус ва Хивадаги музейларда асраш фикрини билдирган. Шуни айтиш мумкинки, Нукус шаҳрида жаҳонга машҳур қадимий Хоразм цивилизацияси, маданияти, санъатига оид буюмлари жамланган тенги йўқ музей очилган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, шундай инсонлар бўладики, ўз умри давомида моддий қийматга эга бўлган бойликларни тўплашга уринадилар ва бу билан ўзларини бошқалардан устун деб ўйлайдилар. Аксинча, шундай ноёб инсонлар бўладики, бутун умрини, вақтини сарфлаб маънавий қимматга эга бўлган бойликлар тўплайдилар. Бойликлари ана шу инсоннинг ҳаётлигида ҳам, ундан кейин ҳам бошқалар томонидан эъзозланишга эришади. Сергей Павлович Толстов ана шундай инсонлардан, ноёб қобилият соҳиби эди.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР МАКТАБЛАРИДА ТАРИХ ДАРСЛАРИНИНГ ЎҚИТИЛИШИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.

Нарзиев Н.Н., -ЎзМУ

Бизга маълумки, ўқувчиларга таълим-тарбия беришда тарихий билимларнинг аҳамияти каттадир. Жаҳон мамлакатларида мактаб таълимининг кенгайиши ва мустаҳкамланиб бориши билан тарих фанини ўқитишга доир турлича концептуал ёндашувлар шаклланган. Дунёнинг турли мамлакатлари мактабларида тарих фанини ўқитилиши масаласини таҳлил қиладиган бўлсак, даставвал ўқитишнинг методологик ёндашувларига эътибор қаратсак. Жумладан, Россия мактабларида тарих дарслари 5 синфдан ўқитилиш бошланиб, қуйидаги йўналишда олиб борилади:

- 5 синфларда қадимги дунё тарихига оид билимлар берилади;
- 6 синфларда ўрта асрлар тарихига оид билимлар берилади;
- 7-8 синфларда янги давр тарихига оид билимлар берилади;
- 9 синфда 1-жаҳон урушидан то ҳозирги кунгача бўлган давр тарихи ҳақида таълим берилади;
- Юқори синфларда 5 синфдан 9 синфгача ўтилган тарих мавзулари умумий такрорланади.

Россия мактабларнинг тарих дарсларида ватан тарихини ўқитишга алоҳида эътибор берилиб, бунинг учун умумий ўқув мавзуларининг 70 фоизи ажратилган. Россияда тарих фанини ўқитиш методологиясидаги асосий эътиборли жиҳат ўқувчиларни ватанпарварлик туйғусида тарбиялашга қаратилганлигидир. Масалан, Иккинчи жаҳон уришининг 1941-1945 йиллар даври тарихига алоҳида эътибор қаратилиб, фашизмга қарши курашларда кўрсатилган жасоратлар, Россия халқининг қўшган ҳиссасига кўпроқ урғу берилади. Тарих фанини ўқитишдаги бундай ёндошув МДҲ давлатларининг кўпчилигида кузатилади.

Америка Қўшма Штатлари мактабларида ҳам тарих фанида ватан тарихини ўқитишга кўп соат ажратилиб, айниқса АҚШнинг мустақилликка эришиши, бунга ҳисса қўшган тарихий шахсларнинг жасоратларига кўпроқ урғу берилади. Шунингдек, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларида АҚШнинг ғалабага қўшган ҳиссасига кўпроқ мавзулар ажратилган. Ватан тарихи дарсларида АҚШдаги "коллониял даврлар, олтин излаш васвасаси, ҳинду қабиларига нисбатан қилинган тажовускорона сиёсатлар тарихи"га эҳтиёткорона ёндошилади ёки қариб бу ҳақда гапирилмайди. Жаҳон тарихини ўқитишда умумий тавсилотларга таянган ҳолда мамлакатларнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи маълумотлари берилади. Масалан, Африка ҳақида гап кетганда асосан пирамидалар тарихи, Европа давлатлари тарихи, Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг Британия мустамлакачилиги давригача бўлган тарихи ҳақида маълумотлар берилади. Тарихий мавзулардан кўпроқ АҚШнинг мустақилликка эришиши, Президент бошқарувининг жорий этилиши ва ўтказилган илк сайловлар дарсларнинг диққат марказида бўлади.

Европа давлатлари мактабларида хам тарихни ўқитишда ўзига хослик кўзга ташланади. Жумладан, Буюк Британияда тарихни ўқитиш ҳам субъективликдан холис эмасдир. Кембриж университети профессори Ричард Эванс таъкидлаганидек "Агар биз ёшларга фуқоролик туйғусини шакллантиришни хохласак, уларни ватанпарварлик афсоналари билан бойитишимиз керак" деб ёзади. Буюк Британия мактаблари ўқув дастурларида мамлакат тарихининг ғалабали оқ саҳифалари етакчи ўринни эгаллайди. Британияда ўтказилган сўровномаларга қараганда инглиз ёшлари охирги вақтларда кенгроқ ёритувчи тарихий тадқиқотлар ва тарихий жараёнларга турлича нуқтаи назардан ёндашувчи машғулотлар қизиқтиришини таъкидлашмоқда[1].

[1] Майер Р. Роль учебников на уроках истории в сегодняшней Европе // Преподавание истории в школе. 2000. № 8. С. 53-55.

Тарих фанини ўқитиш Германияда ҳам ўзига хос ёндошувларда кузатилади. Германия мактабларда бешинчи синфидан тўққизинчи синфга қадар ўқувчилар тарих фанига оид Тош асри, Рим империяси, Салиб юришлари, Европада Уйғониш ва Маърифатпарварлик даврлари ҳақида билимлар берилади. Ўнинчи синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб алоҳида гуруҳларда тарихнинг турли мавзуларида чуқурлаштирилган машғулотлар олиб борилади. Дарсларнинг ўтилиш методикаси ва мавзуларга қўйиладиган талабларга кўра дарслар эркин шаклда ва жуда чуқурлашмаган кўринишда олиб борилади.

Француз тарихчиси Марк Ферро мактабларда тарих дарсларини ўтилишига доир ўзининг танқидий асарларини яратиб, жумладан XX асрнинг ўрталарига қадар Германия мактабларида тарих фани ўқитишда мавзулар янги давр тарихини ўқитиш билан бошланганлиги, асосан А. Гитлернинг ҳаёти ва фаолияти, ҳокимият тепасига келишига оид маълумотларга асосий урғу берилганлигини таъкидлайди[1]. XX асрнниг 30-йилларида тарихни ўқитишда Германия мактабларида кино ва опера санъатидан илк бор кенг фойдаланилган. 1936 йил Гитлер сиёсати акс эттирилган 500 дан ортиқ фильмлар ўрта мактабларда ва 330 та университетларда кўрсатилиб, фашистик ғояларни сингдиришда кенг фойдаланилган. Фашизм тузимининг ағдарилганидан сўнг XX асрнинг 60-йилларига қадар Иккинчи Жаҳон уриши даври тарих дарсликларидан чиқариб ташланган, ўқувчиларга бу давр ҳақида маълумотлар берилмаган. Ҳозирги кунда Германия дастурларида бундай ёндошувларга йўл қўйилмайди.

Хорижий мамлакатларда тарих фанини ўқитишга доир услубий ёндашувларда ҳам турли-туманлик кўзга ташланади. Жумладан, Францияда тарих фанини ўқитишда тарихда юз берган воқеаларни ўқувчилар томонидан тарихий романлар, чизилган тарихий суръатлардаги воқеаларни ўрганиш, тасаввур қилиш, таҳлил қилиш орқали ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилади. Француз ёзувчилари Гюго, Жюль Вери асарларидаги тарихий саҳналар дарсларда кенг фойдаланилади. Биргина комедия жанрида нашр қилинган Астерикс ҳақидаги саргузаштлар китоби 30 миллион нусхада сотилган. Тарихий романлардаги севги ва муҳаббат образлари кўрсатилган бўлса ҳам дарсларда иккиланилмасдан ўқитувчилар томонидан фойдаланишга тавсия этилади. Эътиборли томони шундаки, замонавий француз дарсликларида тарихий воқеаларнинг тавсилотини баён этилишидан кўра иллюстрациялар кўринишида акс этиришга ва улар орқали ватанпарварлик туйғуларини шаклантириш талаб этилади. Тақдим этиладиган иллюстрацияларда ўрта асрлар қироллар фаолияти, черковларнинг жамиятда тутган ўрни, Жанна Дъ Арк каби тарихий қаҳрамонларнинг жасоратларидан мисоллар келтирилади[2]. Бундай ёндошув орқали ўқувчиларда тарихий манбалар билан ишлаш, воқеаларни баён этиш ва муносабат билдириш, хулосалар чиқариш, коммуникативлик каби компетенцияларни шакллантиришга эришилади.

Испанияда тарих дарслари ўқув дастурларининг катта қисми Испания тарихидаги маданият ва диний тажрибаларни ўргатишга бағишланган мавзулардан ўрин олган. Масалан, Испанияда машҳур бўлган Антонио Альвареса Пересанинг “Энциклопедия, биринчи даража” номли дарслигининг яримидан кўпи маънавият тарихига бағишланган. Испан халқининг уч мингдан ортиқ халқ байрамлари тарихига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, тарихий жараёнларда Испаниянинг узоқ даврлар давомида эркин давлат қуриш йўлида олиб борган узоқ курашлари юзасидан умумий маълумотлар берилади. Испаниянинг Лотин Америкасида олиб борган мустамлакачилик юришлари тарих дарслари мавзуларидан ўрин олмайди. Испанларнинг зафарли ғалабалари тарих фанларида кенг ўрин олсада, ҳеч қаерда Испания империясининг йўқотишлари, ҳинду қабилаларига етказилган зарарлар ҳақида маълумотлар берилмайди.

Бошқа ривожланган давлатлар мактабларига нисбатан Япон мактабларида тарихий воқеаларни чуқур ўрганмасликлари билан ажралиб турадилар. Японияда тарих дарслари олтинчи синфнинг охирларидан бошлаб ўқитила бошланади. Яъни, япон мактабларида “Жамиятшуностлик”, “Тарихий бўлим”, “География”, “Фуқаролик” фанлари муҳим фанлар саналиб, тарихий билимлар шу фанлар кесимида сингдирилиб ўқитилади. Юқори синфларда тарих дарслари “Жаҳон тарихи” ва “Япония тарихи” дарсларига бўлиб ўрганилади. Дарсларни ўтишда мавзуларнинг 97 фоизи амалий кўринишда ўтказилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг таклифлари эътиборга олинади. Битирувчи синфларда тарих дарсларини ўтишда асосий урғу хорижий давлатлар тарихига йўналтирилиши билан бошқа давлатлардаги ўқув дастурларидан фарқ қилади.

Бугунги кунда ривожланиб бораётган Хитой мактаблари тарих дарсларида ҳам ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилади. Тарих дарсликларида Хитой халқининг инглиз, француз ва япон экспанциясига қарши олиб борган мардонавор курашлари, халқнинг меҳнатсеварлиги, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида босиб ўтган йўли, Хитойнинг бугунги кундаги куч қудратига оид маълумотларга кенг урғу берилади.

Ислом давлатларида тарихни ўрганиш кўпроқ диний тасаввурлар билан боғлаб ўтилади. Асосий манба сифатида Қуръони Карим китоби олинади. Тўртинчи синф дарсликларидан бошлаб Африкада

[1] Ферро М.Как рассказывают историю детям в разных странах мира: Пер. с фр. - М.: Высшая школа, 2010 г. - 351 с.

[2] Вяземский Е.Е., Стрелова О.Ю. Как сегодня преподавать историю в школе: Пособие для учителя. М.: «Просвещение», 1999. 112 с.

европаликлар томонидан қул савдосининг йўлга қўйилиши ва арабларнинг бунга қарши олиб борган курашларига доир тарихий мавзулар ўргатилади. Ўрта асрлардаги арабларнинг ўзлари томонидан олиб борган босқинчилик юришларига ўқувчиларга гапирилмайди ва буни динни ёйиш йўлида олиб борилган фаолиятлар билан изоҳлайдилар. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларида келтирилган воқеалар ҳам тарих дарсларида муҳим ўрин эгаллайди ва бу билан ёшларни катта ҳаётга тарбиялашда кенг фойдаланилади[1].

Умуман олганда хорижий мамлакатлар тарих дарсларининг ўқитилиш методикасида ўқувчиларда тарихни ўрганиш орқали инсонпарварлик, ватанни севиш, ўз аждодларининг ватанлари ривожига қўшган ҳиссаларига ҳурмат туйғусида бўлиш ва ўзларида ворисийлик ҳиссини ривожлантиришга эътибор қаратиш юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

SO`G`D HUDUDIDA DEHQONCHILIK MADANIYATINING VUJUDGA KELISHI

Narzullayeva N., – O`zMU Tarix fakulteti arxeologiya yo`nalishi IV bosqich talabasi

Zarafshon vohasida o`troq aholi joylashuvi ikkita – O`rta Zarafshon (Samarqand) va Quyi Zarafshon hududlariga ajratiladi. XX asrning 80 yillarigacha olib borilgan arxeologik tadqiqotlar natijasida bu hududlarda miloddan avvalgi I ming yillikning o`rtalariga oid 9 ta aholi o`troq manzilgohlari aniqlangan. [Б.Ж.Эшов.: 52-bet.]. O`rta Zarafshon vohasi Samarqand Afrosiyob va uning atroflaridagi Qo`rg`oncha, Laylakuytepa hamda Lolazor manzilgohlarini o`z ichiga oladi. O`tgan asrning 90 yillarida So`g`dning yana bir yirik markazi – Ko`ktepadagi tadqiqotlar diqqatga sazovor bo`ldi [Исамиддинов М.: 33-34-bet.]. Miloddan avvalgi I ming yillikning boshlariga kelib O`rta Osiyoning dasht yerlarida yashayotgan o`troq aholi hayotida sodir bo`lganidek, Zarafshon vodiysidagi qabilalar xo`jaligida ham tez sur'atlar bilan rivojlanish jarayoni kuzatiladi. Ayni shu davrda va sal keyinroq Zarafshon vodiysining yuqori va o`rta qismlaridagi yangi o`troq dehqonchilik qishloqlari paydo bo`lib, ularning atrof charvador qabilalar bilan muloqoti kuchayib boradi [Б.Ж.Эшов.: 52-bet.].

Qadimgi So`g`d hududining tadqiqot ishlarini Ko`ktepa arxeologik yodgorligisiz tasavvur qilib bo`lmaydi. Sababi aynan Ko`ktepa yodgorligi So`g`d hududi shaharsozlik va davlatchilik elementining vujudga kelishiga turtki bo`lgan. Ko`p yillardan buyon Ko`ktepada arxeologik tadqiqotlar olib borayotgan M. X. Isamiddinovning tahliliy xulosasiga ko`ra "Markaziy So`g`d hududlarida ilk shahar va davlatchilikning paydo bo`lishida Ko`ktepa yodgorligi alohida o`rin tutadi" [Исамиддинов М.: 127-bet.].

Miloddan avvalgi II mingyillik o`rtalarida Sarazmda yuz bergan iqtisodiy va siyosiy inqirozdan so`ng, Zarafshon vodiysida ilk bor qad ko`targan qadimgi dehqonchilik madaniyati Ko`ktepa bo`lib, u Poyariq tumanida 1988 yilda topilgan, uch dala mavsumi davomida arxeologik qazishmalar va kuzatuvlar olib borilgan. Yodgorlik deyarli kvadrat shaklida bo`lib, uning maydoni 23 gektarni tashkil etadi. Yodgorlik toporelefiga ko`ra, uni o`rab olgan mudofaa devori chiziqlari va darvoza o`rinlari yaqqol ko`zga tashlanadi. Uning Bulung`ur kanaliga parallel egarsimon shaklida yetib kelgan janubiy darvozasi qarshisida monumental bino qoldiqlari saqlangan. Sharqiy devorining janubiy qismida yana bir darvoza o`rni bo`lib, bu eshik o`rni to`ppa-to`g`ri qandaydir monumental binolar qoldig`iga olib boradi.

Ko`hna shaharning markazida bulkasimon xom g`ishtdan qad ko`targan qandaydir inshoot mavjud bo`lib, u dastlab ilk o`rta asrlar davriga oid degan fikr bildirilgan edi. Keyinchalik bu yerdan topilgan qo`lda va kulolchilik charxida ishlangan sopol buyumlar hamda madaniy qatlamlar Afrosiyob va Yoztepa topilmalari bilan solishtirilib Ko`ktepa ilk temir davriga oid bo`lishi mumkin degan taxmin ilgari surildi [Исамиддинов М.: 33-34-bet.].

Samarqand g`arbidagi Qoradaryoning o`ng qirg`oqida joylashgan Laylakuytepa qishloq manzilgohi ochilgan. Tuzilishi to`g`ri burchakli bo`lgan manzilgoh maydoni 2 gektarga yaqin bo`lib, atroflarida buloqlar bor. Manzilgohning shimoliy-sharqiy qismi tozalanib yarim yerto`la shaklidagi turar joylar ochilgan. Turar joylar markazida esa uy sathidan biroz ko`tarilgan o`choq izlari aniqlandi. Laylakuytepa qurilish uslubi janubiy So`g`d, Shimoliy Baqtriya inshootlariga ancha o`xshash bo`lib, O`rta Osiyo so`nggi bronza davri qurilish an'analarini davom ettiradi. Tadqiqotchilarning fikrlariga qaraganda, Laylakuytepa miloddan avvalgi IV asrga oid bo`lib yarim yerto`la shaklidagi turar joylarga ega bo`lgan manzilgohni o`zida aks ettiradi [Вафаев Г., Иванниций И.: 40-42-bet.].

Navoiy viloyatining Qalqonota va Konimex tumanlarida, Buxoro viloyatining qadimgi Varaxsha yerlaridan g`arbroqda topib tekshirilgan dehqonchilik manzilgohlarining xarobalariga va mozorqo`rg`onlarga qarab fikr yuritadigan bo`lsak, miloddan avvalgi VI-IV asrlarda faqat hozirgi Buxoro vohasining shimoliy va

[1] Ферро М. Как рассказывают историю детям в разных странах мира. Высшая школа, 2010. 351 с.

shimoliy-g`arbiy hududlarigina – Konimex va Vobkentdaryo quyi oqimidagi yerlar o`zlashtirilib, bu yerlarda o`troq dehqonchilik manzilgohlari qad ko`tara boshlagani kuzatiladi [Муҳаммаджанов А.: 32-bet.].

Buxoro vohasidagi eng qadimgi manzilgohlarning paydo bo`lish jarayonini X asr Buxoro tarixchisi Muhammad Narshahiy quyidagicha ta'riflagan: "Avval ular chodir va o`tovlarda turar edilar, so`ng vaqt o`tishi bilan odamlar yig`ilishib imoratlar qurdilar… Hali Buxoro shahri vujudga kelmagan lekin qishloqlardan ba'zilari paydo bo`lgan edi" [Наршахий М.: 91-bet.].

Varaxsha va Konimex atroflarida olib borilgan arxeologik tadqiqotlar natijasida bir nechta dehqonchilik manzilgohlari ochilgan bo`lib, ular hajmi va qurilish jihatdan turlichadir. Bunday manzilgohlar qoldiqlari Konimexdan 5 km g`arbroqda Qumrabot, Chordara degan joylarda topib tekshirilgan. Qumrabod Buxoroning miloddan avvalgi VI-V asrlarga oid dehqonchilik manzilgohi namunasi bo`lib, Qumrabod qishlog`idan 0,5 km janubi-g`arbda joylashgan. Manzilgohning bir qismi buzib yuborilgan. Qo`rg`on xarobasining saqlanib qolgan qismining maydoni 45x50 metrga teng bo`lib, bu yerda 9 xonali katta turar-joy, hovli hamda kulolchilik ustaxonalari mavjud bo`lgan. Turar-joy xonalari bir-biriga tutash bo`lib, asosan to`rtburchak shaklda bo`lgan. Qo`rg`on va imorat devorlari paxsadan tiklangan bo`lib, qalinligi 1,2-2,2 metr atrofida bo`lgan [Сагдуллаев А.С.: 19-bet.].

Miloddan avvalgi I ming yillikning o`rtalarida Qashqadaryo vohasida o`troq aholining to`rtta joylashuv hududlari shakllanadi. Bular Sho`robsoy (Sangirtepa, Uzunqir, Podayotoqtepa, Sho`rob), Tanqosdaryo (Yangitepa, Nomsiztepa, Jartepa, Saroy), Qizildaryo (Chiroqchitepa, Daratepa) va (Yerqo`rg`on) vohalaridir [Муҳаммаджнов А.: 32-bet.]. Miloddan avvalgi VII-VI asrlarga kelib Hisor tizmalari vohalari aholi tomonidan keng ko`lamda o`zlashtirila boshlanadi. Bu hududdda suvdan foydalanishning asosiy manbai uncha katta bo`lmagan daryolar va soylar edi. Manzilgohlar soni ham o`sib borib, miloddan avvalgi VI-IV asrlarda 25 taga yetadi [Сагдуллаев А.С.: 21-bet.].

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, Qashqadaryoning tog`oldi qismidagi qadimgi manzilgohlar boshqa tumanlardagi yodgorliklarga nisbatan ancha yaxshi saqlangan. Shu bilan birga ularning o`zaro soni nisbati tarixiy haqiqatga ancha yaqin. Ko`pchilik tumanlarda esa, ayniqsa Yerqo`rg`onda, ko`plab manzilgohlar yoki vayron etilgan yoki qadimiyroq madaniy qatlamlar ostida qolib ketgan.

Podoyotoqtepada olib borilgan arxeologik tadqiqot natijalari ham diqqatga molikdir. Yodgorlikning umumiy maydoni 3 gektar bo`lib Sho`robsoy tomonida ikki qator mudofaa devori va 5 ta minora ochildi. Ichki devor "bulkasimon" g`ishtlardan qad ko`targan. Sopol topilmalar miloddan avvalgi VIII-VII asrlarga oiddir. Podayotoqtepaning markazida 15x15 metr hajmdagi shurfda ham qazishma ishlari olib borildi. Bu yerda 5 ta xo`jalik o`rasi ochildi. O`ralardan birida juda qalin kul qatlami mavjud. Bu kulni qazishma olib borgan A.Omelchenko zardushtiylikdagi dafn etish, muqaddas kulni mehrob (altar) atrofida saqlash an'analari bilan bog`laydi. Agar bu taxmin to`g`ri bo`lsa, Podayotoq qal'asining ichida ham ibodatxona mavjud bo`lgan. Haqiqatdan ham, qazishmaning janub tomonida qandaydir qurilish izlari uchraydi. Ammo, devorlar yaxshi saqlanmagan. Olib borilgan tadqiqotlar tahlili shuni ko`rsatadiki, Podayotoqtepa So`g`diyonaning ko`hna shaharlaridan biridir. Bu yerda ko`hna shahar belgilarini beruvchi barcha materiallar bor. Aftidan, Podayotoqda shakllangan shaharsozlik madaniyati Uzunqirga ko`chgan. Sangirtepa esa shahar atrofidagi hokimning qarorgohi vazifasini bajargan. Uzunqirda qazishmalar natijasida hozircha shu narsa ma'lum bo`ldiki, miloddan avvalgi VI-IV asrlarda Uzunqir qal'asi qalinligi 8 metrga teng bo`lgan. Devor qalin xom g`isht bilan o`ralgan. Himoya devorining asosi paxsadan qurilgan. Qal'adagi asosiy qurilish materiali bo`lgan xom g`ishtlarning o`lchami turlicha. Xom g`ishtlarning o`lchamlari, uch qirrali bronza o`qlarining uchlari, sopol buyumlar bu manzilgohning miloddan avvalgi I ming yillikning o`rtalari, ya'ni ahamoniylar davrida bunyod etilganidan dalolat beradi [Эшов Б.: 28-bet.].

Undan tashqari, Uzunqirning shimoli-g`arb tomonidan miloddan avvalgi VIII-VII asrlarga oid qo`lda ishlangan sopol idish topilgan [Лушпенко О.Н.: 21-bet.]. Akademik А. Sagdullayevning fikricha, Uzunqir Nautaka viloyatining markazi bo`lib, atrofdagi o`troq aholi uchun harbiy davrlarda boshpana o`rnini bajargan. Sangirtepa esa Uzunqir qal'asining tayanch inshooti bo`lgan bo`lishi mumkin [Сагдуллаев А.С.: 226-bet.]. Uzunqir qal'asining ichida alohida-alohida joylashgan qurilishlar ham bor. Ularning ham asosiy qurilish ashyosi paxsa va xom g`ishtdan iborat.

Miloddan avvalgi VI-IV asrlarda umumiy maydoni 40 gektarga yaqin bo`lgan va rejaviy tuzilishi to`g`ri burchakli bo`lgan Yerqo`rg`on ham (hozirgi Qarshi shahridan 10 km shimoli-g`arbda joylashgan) yuqorida ta'riflangan yodgorliklar tuzilishiga yaqin turadi. Miloddan avvalgi V-IV asrlarda Yerqo`rg`on mustahkam himoya devorlar va chuqur xandaqlar bilan o`ralgan. Devorlar asosan paxsadan qad ko`targan. Devor ichkarisida eni 2 metrgacha bo`lgan yo`lak ham bor edi. Bu yo`lak shaharni himoyalash paytida kamonchilarning o`q otish tuynugida bemolol harakat qilishlari uchun maxsus qurilgan. Devor bo`ylab ma'lum masofada baland minoralar qad ko`targan. Minoralarning asosi 4 metr balandlikdagi paxsa bo`lib, bu asos ustidan xom g`ishtlar terilgan. Terilgan g`ishtlar orasidagi loy qatlam 1-3 sm. G`ishtlar o`lchami turlicha bo`lib, eng kattasi 44x44x12sm. Minoralarning balandligi 12 metrdan yuqori bo`lgan [Сулейманов Р.Х.: 26-bet.]. Himoya paytida eng nozik joy hisoblangan darvozalar Yerqo`rg`onda ikkita bo`lgan. Ulardan biri shimoli-sharq tomonda, shaharning shimoliy burchagida bo`lib bu yerda o`ziga xos kichik bir inshoot ham joylashgan. Bu

darvoza Zarafshon vohasining o`rta qismiga, Jom orqali Samarqandga ketuvchi yo`l tomonga qarab qurilgan. Darvozaning ikkinchi, janubi-sharqiy tomonda, shaharning sharqiy burchagiga yaqin joydan joylashgan. Bu darvoza Qashqadaryoning yuqori oqimida joylashgan shahar va qishloqlarga ketuvchi yo`l tomonga qaratilgan [Массон М.Е.: 11-12-bet.].

Yerqo`rg`nning ichkarisidagi qurilish va me'morchilik inshootlarining dayarli barchasi yemirilib ketgan. Faqat shaharning shimoli-sharqiy qismda darvoza tomonga boruvchi, uzunligi 200 metrga yaqin bo`lgan yo`l va bosh maydon yonidagi turar-joy mahallalari, shaharning bosh ibodatxonasi qoldiqlari saqlanib qolgan xolos [Исамиддинов М., Х. Сулейманов Р.Ҳ.: 61-bet.].

Ko`ktepa atrofini o`rab olgan mudofaa devorlari tashqarisida keng xandaq izlari saqlangan. Uning g`arbiy tomonida, xandaq chiziqlariga tutash uchburchak shaklda, afsuski, bu tepalik zamonamizning mirishkor dehqonlari tomonidan o`zlashtirilib, tekislab tashlangan. Ekin maydonlaridan terib olingan sopol parchalariga qaraganda, bu tepalik Ko`ktepaga zamondosh bo`lgan. Ikkita shunday yassi tepaliklar yodgorlik sharqiy tomonida ham uchraydi. Ular ham davr jihatidan Ko`ktepa kompleksi bilan bir davrda tegishli. Qadimgi shahar ichki va tashqi mudofaa devorlari bilan o`rab olingan bo`lib, uning ichki devori tashqarisida, undan 500 metrlar chamasi tashqarida tashqi devor izlari ko`tarma devor (val) sifatida saqlangan. U shimol va g`arb tomonidan Bulung`ur kanaliga borib taqaladi. Bu mudofaa inshootining izlari eski topografik xaritada Ko`ktepaning sharqiy tomonida ham mavjud. Bu ko`tarma devor Ko`ktepaning janubiy tomonida alohida tepaliklarni o`rab olgan.

Ko`ktepa So`g`diyonada Sarazmdan keyin tashkil topgan yirik ilk shahar bo`lib, unga antik davrda qurilgan Bulung`ur kanaliga asos bo`lgan tabiiy o`zan orqali suv keltirilgan. Ko`ktepaning shimol va g`arbida yana bir devor bo`lib, u dastlab eski o`zanga borib taqalgan. Ichki va tashqi devorlar o`rtasida bo`shliq kuzatiladi. Bu esa qadimgi shaharlar qurilishi amaliyotida uchraydigan tabiiy holdir. Bu bo`shliq zonasida paydo bo`lgan ayrim tepaliklar shahar qurilishining sekin-asta tashqi devor doirasida ko`chganligidan dalolat beradi. Agar, Ko`ktepa maydonini ikkinchi mudofaa chizig`i doirasida belgilansa, uning maydoni 100 gektardan kam bo`lmaydi. Bu qadimgi ilk shaharlar qurilish amaliyoti bilan bog`liq hodisa bo`lib, xuddi shunga yaqin holatni bronza davrining yirik va ilk shahri Jarqo`ton misolida ham kuzatiladi [Shaydullayev Sh.: B. 26-bet.].

Muxtasar qilib aytadigan bo`lsak, Qadimgi So`g`diyonaning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jamiyatiga mansub dehqonchilik jamoalari so`nggi bronza va ilk temir davrida O`rta Zarafshonda, hozirgi Samarqand shahri va uning tevarak atroflarida, chashma suvlar va soy jilg`alari bo`yida qad ko`targan. Bu borada Sh. Shaydullayevning tahliliy xulosasiga ko`ra, bronza davrida So`g`d hududida yashagan jamoalar jamiyat taraqqiyotining qishloq jamoasi darajasida bo`lgan bo`lsa, ilk temir davriga kelib (Sangirtepa, Yerqo`rg`on, Ko`ktepa, Afrosiyob yodgorliklari misolida) So`g`d hududida ilk davlatchilikning voha tipidagi shahar-davlatlar bosqichlarida tarkib topgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII-IV асрларда Сўғдиёна тарихи ва маданияти: Тарих фан.номзоди дисс. – Тошкент. 1999. – Б. 52.
2. Исамиддинов М. ва бошқа. Об обнаружении нового древнесогдийского городища, с.33-34.
3. Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII-IV асрларда Сўғдиёна тарихи ва маданияти: Тарих фан.номзоди дисс. – Тошкент. 1999. – Б. 53.
4. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда . – Ташкент.: 2002. С.127.
5. Исамиддинов М., Иваницкий И.Д. Иневаткина О.Н. Об обнаруженнии нового древнесогдийского городища //Города Центральной Азии на Великом Шелковом пути Тез докл. Самарканд. 1994 с. 33-34.
6. Вафаев Г., Иваницкий И. Лайлакуйтепе-раннеантичное сельское поселение Самаркандского Согда // Ўзбекистон – қадимги ва ўрта асрларда. Тез.докл. Самарқанд. 1992 с.40-42.
7. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. - Тошкент: Фан, 1991, 32-бет.
8. Наршахий М. Бухоро тарихи Мерос туркуми. Тошкент: "Камалак", 1991, 91-бет.
9. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро.., 32-бет.
10. Сагдуллаев А.С. Культура юга Средней Азии VII-IV вв.до н.э.(Бақтрия, Маргиана, Согд). Ташкент, 1987,стр 19.
11. Сагдуллаев А.С. Культура юга Средней Азии VII-IV вв.до н.э.(Бақтрия, Маргиана, Согд). Ташкент, 1987,стр 22.
12. Эшов Б.Қадимги Сўғд манзилгоҳлари меьморчилиги тарихидан (мил.авв. VII-IV асрлар). //Ўрта Осиё тарихи ва археологиясининг долзарб муаммолари., Тошкент. 1996, 28-бет.
13. Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи В кн. "Древняя и средневековая археология Средней Азии". - Ташкент. 1990. 27-бет. Ўша муаллиф. Раннежелезный век Южного Согда (по материалам памятников Китабского и Яккабагского районов // Автореф. дисс.канд ист наук. - Самарканд, 1998, стр.11-12.)
14. Сагдуллаев А.С. К вопросу о иторой столице Согдианы // СА.1988, №4, с.226.

15. Сулейманов Р.Х. Древняя культура Южного Согда (VII в. До н. э. VIIа.н.э.) Автореф дисс.докт.ист.наук. - Самарқанд.1998.

16. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – Ташкент: Фан, 1973, стр 11-12.

17. Исамиддинов М.Х. Сулейманов Р.Ҳ. Ерқўрған. Ташкент, Фан, 1984, стр 61.

18. Shaydullayev Sh. B. O`zbekiston hududida davlatchilikning paydo bo`lishi va rivojlanish bosqichlari (Baqtriya misolida): Tarix fan. doktori diss. avtoreferati – Samarqand, 2009 , 26-b

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН ТОПИЛГАН ЯНГИ ОСТАДОНЛАР ХУСУСИДА

Нормурадов Д.Р., Ильясова С.Р.,
Вульферт Эм.Ф., – ЎзРФА Тарих институти

2018 йилда Оҳангарон туманидаги эски иншоотларни қайта таъмирлаш, янги иншооотларни курилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, натижада Оҳангарон цемент заводи ва унга туташ ҳудудлар чиқиндилардан тозаланди (1-2 – расмлар). Жумладан, цемент завод атрофидаги XX аср аср ўрталаридан фаолият юритиб келган пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонаси қолдиқлари ҳамда шу ердаги ғишт ишлаб чиқариш учун олинган соз тупроқли майдон ўралари (карьер) текисланди. Мазкур ишлар жараёнида карьерга яқин жойдаги соз тупроқли тепаликлардаги қазилаётганда тупроқ орасидан остодон синиғининг парчалари кўзга ташланди (объектнинг координатаси: N 41°57’093’’; E 069° 38’435’’). Шундан сўнг, бу ердан тупроқ қазиб олиш ишлари тўхтатилди[1]. Тупроқ орасидан эса, ареологик топилма – остодон синиқлари имкон даражасида эҳтиётлаб, йиғиб олинди.

Илгари бу жойдан ғишт заводи учн тупроқ қазиб олинган. Шунингдек, карьер ҳудуди текширилиб, қазиш ишлари пайтида зардўштийлик динига алоқаси бўлган бирор-бир некропол қолдиқлари ёки уларнинг излари аниқланмаган. Айни пайтда бу жойнинг ҳали кавланмаган соз тупроқли қолдиқларга қараганда, карьер ўрнида ўз пайтида йирикрок тепалик бўлган. Аммо, тепаликнинг тупроғи олиниши натижасида бу ерда сақланган бир қанча остодонлар синган ҳамда йўқ бўлиб кетган. Буни кейинчалик топилган остодонларнинг анча илгари синганлиги, бир қанча қисми тартибсиз ҳолда тарқалганлиги аниқланди. Остодонларга солиб дафн қилинган одам суяклари қолдиқларининг тупроққа аралашиб кетганлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Остодон синиқлари топилган ҳудуддан дафн меъморий иншооти – наус қурулмаларининг излари аниқланмади. Топилмаларнинг ўрнига қараганда, улар Хўжа Фархон (Тошкент)даги каби соз тупроқни қазиб, остодонни ер тагига дафн этилиши кўринишида бўлган. Қолаверса, бу ердаги оз миқдордаги суякларнинг қолдиқлари кичик майдонга сочилиб кетган.

Янги остадонларнинг топилиши бу жойни Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилидаги археологик объектлар қаторига киритишга имкон беради. Айни пайтда бу топилма яқинида Убайд-Сакакет қишлоғининг ва ундан жанубда Тўртовул шаҳарининг харобаси жойлашган.

Шунга ўхшаш марҳумларнинг суяклари этидан тозаланиб, остадонларга солиб дафн қилинган йирик остадонли қабристон Нурафшон (Тўйтепа) шаҳри атрофидан топилган[2].

Йиғиб олинган остодон синиқларининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар олтита алоҳида остодонга тегишли бўлган (3-расм). Уларнинг барчаси тўртбурчакли бўлиб, фақатгинаа бурчаклари бироз овал шаклга эга. Яхши аралаштирилган қоришмадан тайёрланган. Тепасининг текис қисмига қум сочилиб, уст қисми қопоқ учун мўлжаллаб кесилган. Бир текис пиширилган бўлиб, сопол оч қизғиш ранг олган ва ёркин ранг билан ангобланган. Остодоннинг девор қисмида тасма кўринишидаги чизиқларнинг излари кўзга ташланади.

Тўғри тўртбурчак ва овал шаклдаги остодонлар Тошкент воҳаси моддий маданияти учун хос хусусият ҳисобланади. Кам учрайдиган тўғри тўртбурчак шаклдаги остодонлардан бири Тошкентдаги Хўжа Фархон некрополидан топилганлиги уларнинг умумий жиҳатларини кўрсатади[3]. Муротали (Пскент)даги остодон эса, бошқача кўринишда бўлиб, у шаклан тўғрибурчакдан овал кўринишга ўтиш босқичида турган[4]. Ангрендаги тошдан қилинган наусларда тўғрибурчакли чизиқлар билан безатилган

[1] Тупроқни қазиб олиш ишлари Оҳангарон туманининг Туризм ишлари бўйича ҳоким ўринбосари (Илҳомжон) томонидан тўхтатилди.

[2] Массон М.Е. Ахангаран. – Ташкент, 1953. – С. 231. – Рис. 17-22; Миносянц В.С. Новые находки оссуариев из Тойтепа // ИМКУ, вып. 33. – Ташкент: Фан, 2002. – С. 168.

[3] Филанович М.И. по поводу оссуарного обряда погребения в Ташкенте // Древняя и средневековая археология Средней Азии (к проблеме истории культуры). – Ташкент: Фан, 1990. – С. 116. – Рис. 46.1, б, с. – Рис. 1.20.

[4] Буряков Ю.Ф. Пскентские наусы // Советская археология, № 3. – Москва: Наука, 1968. – С. 133-134. – Рис. 3, – Рис. 5; Миносянц В.С. Оссуарии Ташкента и Ташкентской области, история комплектования коллекции, их иконография и символика //

қопқоқли осодонлар топилган. Тадқиқотчилар зардуштийларнинг даҳмасидан тўғрибурчакли остодонларнинг намуналарини аниқлашган[1]. шу каби остодонлар Тошкентдаги Қатортол маҳалласидан ҳам топилиб, унинг асоси тўғрибурчак кўриниши ишланган ва қаварик шаклдаги қопқоғи бўлган[2]. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу топилмалар илк ўрта асрларга мансуб ҳисоюланади[3].

Биз томонимиздан топилган янги остодонлар намуналарига ҳам худди Тошкент воҳаси остадонларига хос бўлган, анъанавий кўринишдаги тўлқинсимон, арчасимон ва панжара шаклида қўл билан чизиқлар бериб безатиган[4]. Бундай остодонлар Тароздан ҳам топилган.

Намуналарнинг бирида остодоннинг пастки қисми бурчагида тешик излари сақланган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу каби тешиклар зардуштийлик дини одатига хос ёруғлик тушиши учун мўлжалланган[5].

Топилган остодонлар биринг олд томонига товуснинг чап томондан кўриниши тирнаб ишланган (3.1-расм). Остодоннинг ўнг томонида яна бир қуш – қарғанинг чап томондан кўриниш тасвири оддийроқ шаклда тирнаб чизилган. Янгийўлдаги Йўғонтепа харобасидаги суяк сақланадиган буюмнинг девор қисмидан ҳам бўртма шаклда ишланган товус тасвири топилган[6]. Товус – қадимги эрон тилли халқлар мифологиясида қуёш жонзоди ҳисобланган. Унга икки дунё ибтидосининг тимсоли сифатида қаралиб, малика - Товза номи билан машҳур бўлган[7]. Шунингдек, товус вафот этган илоҳа Анахита тимсоли ҳам саналган. Демак, Товус Анахита илоҳасининг ҳамроҳи бўлиб, Анахитанинг марҳумликдаги кўринишидаги кўринишини ифодалайди. Анъанага кўра, қушлар марҳумлар суягини этидан тозалашга хизмат қилган. Паҳлавий тидаги “Додистони Данинг” манбасида тушунтирилишича: “Қарға ва шу каби қушлар воситасида олов ёруғи яна равшанлашади”. Айнан қарға кўплаб Марказий Осиё, Олтой, Сибир ҳудудларида яшаган халқлар асотирларида “у дунё билан бу дунё оралиғидаги” воситачи ҳисобланган[8]. Қарға шамон (афсунгар)ларнинг ҳамроҳи ҳисобланиб, айни пайтда қабила-уруғларнинг кекса кишилари тимсоли сифатида ҳам қаралган. Шуларнинг келиб чиқиб, товус ва қарға тасвири туширилган остодонларга кекса ёки қабила-уруғнинг эътиборли аъзоларининг суяклари солиниб дафн қилинганлигини таҳмин қилиш мумкин.

Бу каби тасаввурлар орқали илоҳийлаштирилган қушлар тимсоли хусусан, Хоразм ва Чоч остодонларида ўз аксини топган. Аксарият ҳолларда остодонларнинг устига ва қопқоғига товус тасвири тушилган[9].

1-2 – расмлар.

Изобразительное и прикладное искусство. Культура Среднего Востока развитие, связи и взаимодействия (с древнейших времен до наших дней). – Ташкент: Фан, 1990. – С. 79.

[1] Агзамходжаев Т. Подземные каменные наусы около г. Ангрен // ИМКУ, вып. 7. – Ташкент: Фан, 1966. – С. 111.

[2] Агзамходжаев Т. Погребения IV – V вв. н.э. в Катартале // НРС, книга 3. – Ташкент: Фан, 1961. – С. 244.

[3] Агзамходжаев Т. Погребения IV – V вв. н.э. в Катартале // НРС, книга 3. – Ташкент: Фан, 1961. – С. 245; Богомолов Г.И., Бердимурадов А.Э. Узбекистан // Зороастризм и верования маздеистского круга. Религии Центральной Азии и Азербайджана. Том II. – Самарканд, МИЦАИ, 2017. – С. 238, 276.

[4] Миносянц В.С. Новые находки оссуариев из Тойтепа // ИМКУ, вып. 33. – Ташкент: Фан, 2002. – С. 168. – Рис. 1, 2, 4; Богомолов Г.И., Бердимурадов А.Э. Узбекистан // Зороастризм и верования маздеистского круга. Религии Центральной Азии и Азербайджана. Том II. – Самарканд, МИЦАИ, 2017.

[5] Миносянц В.С. Оссуарии Ташкента и Ташкентской области, история комплектования коллекции, их иконография и символика // Изобразительное и прикладное искусство. Культура Среднего Востока развитие, связи и взаимодействия (с древнейших времен до наших дней). – Ташкент: Фан, 1990. – С. 84.

[6] Григорьев Г. Тус-тупи. К истории народного узора Востока. «Искусство», 1937, № 1, – С.134. – Рис. На стр. 128. Цит. По Рапопорт, 1971, – С. 101.

[7] Повлин // Мифы народов Мира. Том. 1. – Москва, 1980. – С. 273-274.

[8] Ворон // Мифы народов Мира. Том. 1. – Москва, 1980. – С. 245-247.

[9] Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма (оссуарии). – Москва: Наука, 1971; Богомолов Г.И., Бердимурадов А.Э. Узбекистан // Зороастризм и верования маздеистского круга. Религии Центральной Азии и Азербайджана. Том II. – Самарканд, МИЦАИ, 2017. – С. 251..



3-расм. Масштаб - 10.

1) товус тасвирланган остодон. Бўйи – 48 см., эни – 35 см., баландлиги 27,5-28 см., қалинлиги – 1,3 см. 2) остодоннинг орқа томонидан кўриниши; 3) тешикли остодон синиғи; 4) остодон синиғининг остки томондан кўриниши; 5 – 7) турли ҳажмдаги эгри безакли панжаралар қисмлари (4.3-расм. Сақланган панжара қисмининг узунлиги – 15 см., эни – 31 см., баландлиги – 24 см.); 8–9) остодон қопқоғининг намуналари (9-Остодон қопқоғининг сақланган учдан бир қисми. Унинг бўйи – 17 см., эни – 27,5 см., баландлиги – 13 см.).

Шундай қилиб, Тошкент воҳасидан остодонларни ясаш ва безаш анъаналарига тааллуқли янги маълумотлар олинди. Бу марҳумларни дафн қилиш билан боғлиқ тасаввурларни янада кенгайтиради. Қолаверса, қушлар – товус ва қарға тасвири туширилган остодонларнинг воҳа бўлиб тарқалиш ареалини кенгайтиради.

БУХОРО АМИРЛИГИ ИЖТИМОИЙ ТУЗУМИДА ОДАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Нормуродова Г., – СамДУ доценти,
Шодиев Л., СамДУ талабаси

Тарихдан маълумки, ҳар бир жамият ўз қонун-қоидалари ва меъёрларига амал қилиб келган. Бундай қонун-қоидалар, тартиблар мезони кўп асрлар давомида муайян жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин топган дин ёки одатлар асосига таянган. Эътиборли томони, Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври анъанавий жамиятларида ҳам ислом дини ва одат асосларидан қарор топган тартиб-қоидалар, меъёрлар ҳукм

сурган. Ушбулар жамият ҳаётини тартиб, меъёрга солиши билан аҳамиятга эга бўлиши баробарида, диний ҳамда одат билан боғланган урф, қадриятлар барқарорлигини таъминлаган. Тарих фанида бу масалани хонликлар тузуми, хусусан, Бухоро амирлиги мисолида ёритиб бериш ўзига хос аҳамият касб этади.

Бошқа хонликлар сингари Бухоро амирлигида давлат бошқаруви исломий саналган. Амирлик ижтимоий тузумида мавжуд меъёрий тартиботлар бир неча асрлардан бери мустаҳкам қарор топиб келган шариат ва одат асосларида ўз ифодасини топган. Булар аҳолининг диний-аҳлоқий турмуш-тарзи, хўжалик ҳаёти, ишлаб чиқариш муносабатларидан тортиб, бошқарув тизимига қадар амалда бўлган. Жумладан, жамият ва фуқаролик ишларини қонун-қоидалар асосида тартибга келтириш, мусулмонларнинг диний, аҳлоқий, ҳуқуқий, турмуш ва урф-одатларга оид меъёрлари шариат билан амалга оширилган. Шу билан бирга, амирликда илгари даврлардан сақланиб келинган одатлар - *таъмули қадим, урф* деб юритилган. Одат – (араб.“*адат*”) анъанавий одатлар мажмуи бўлиб, мулкий ва хусусий муносабатларни белгилаб берган. Одатлар шариатдан фарқли равишда, уруғ-қабилачилик муносабатларининг қатъий тартиб-қоидаларига асосланган ва аҳолининг оддий ҳуқуқи саналган. Одатларнинг ташкил топиши ва ривожланишида жамоа йиғинлари, оқсоқоллар кенгашлари қарори муҳим рол ўйнаган [Э. Каримов: 48].

Амирлик давлат бошқарувида шариат қонунлари билан биргаликда, одатларнинг ўрни ҳам муҳим бўлган. 1927 йилда Амир Олимхоннинг ишонарли элчиси Ҳожи Юсуфбий Парижда Миллатлар Лигаси анжуманида сўзга чиқиб бу ҳақда шундай деган эди: “... Бухоро амирлари шариат ва одат вожиботларига суяниб ҳукм сурардилар. Уламо амирни пайғамбар халифаси ва шариатнинг ҳомийси, деб биларди. Амирнинг ҳаёти шариатга батамом мос эди. Бухоро хонлари ўзбекларнинг манғит сулоласидан бўлган. Тахтга кўтариш пайтида ўзбек одатларига кўра, тўшакчага (у оқ кигиздан тайёрланган) амир ўтиради ва уни саййидлар, хўжа ва муллалар кўтариб тахтга ўтқазадилар” [Амир Олимхон:18]. Демак ҳукмдорлар иложи борича дин ва одатга мувофиқ бўлган меъёрларни биргаликда олиб боришга ҳаракат қилган. Манғит ҳукмдорларининг легитимация масаласи тадқиқ этилган ишда таъкидланишича, меъёрларга амал қилиш тамойили ҳукмдорнинг кейинги синовларга дош бериши, қўл остидагиларнинг уни ҳукмдор сифатида тан олиши, обрў-эътиборга эришувида муҳим саналган [А. Кюгельген: 56].

Масалан, Амир Шоҳмурод ислом ҳуқуқи меъёрларининг ғоявий ва амалий курашчиси сифатида эътироф этилади. Бу ҳукмдор даврида шариат меъёрларига мутлақо зид бўлган ва унинг талабларига жавоб бермайдиган меъёрларнинг амал қилиниши бекор қилинган. Бироқ таъкидлаш лозим, Амир Шоҳмурод даврида девонхона ишларида ва солиқ йиғиш тизимида амалга оширилган ислоҳатларга қарамасдан, оддий ҳуқуқ саналган *урфлар* ҳам ўз кучини сақлаб қолган. “Мажмуа ал-арқом” асарига кўра, агар амир ҳарбийларга *алуфа* учун, вилоят ерларидан суюрғол ёки танҳо инъом этадиган бўлса, бундай ерлар ҳукмдор буйруғи билан бир қаторда, ўша жой одатига биноан қайд этилиши муҳим саналган [Мирза Бадеъ Девон:19]. Шунингдек, ҳар қандай ўлчамдаги миқдор ерларни дафтарга қайд этиш *урф* асосида амалга оширилган.

Раият табақасидан йиғиб олинган солиқ-тўловлар миқдори шариат билан бирга, одат тартиби билан белгиланган. Тадқиқотчиларни таъкидлашича, амирлик худудининг турли жойларида узоқ йиллардан бери тартибга кирган *таъмули қадим* бўйича солиқлар йиғими меъёри бўлган. *Таъмули қадим* бўйича солиқлар ва уларнинг миқдори қўшни туманларда турлича олинган, бунда ернинг ҳосилдорлиги, суғорилиш ҳолати ва унумдорлиги каби жиҳатлари эътиборга олинган бўлиши лозим. Масалан, Денов беклигида қадимги одатга мувофиқ, ҳар қўш ердан 22 танга қўш пули, 1 ман* ғалла миробона солиғи, 1 ман ғалла доруға солиғи ва 1/6 миқдордан зиёдроқ хирож олинган [З. Ҳакимова:40].

Юқоридагилар каби, амирлик суд-ҳуқуқ тизимида жиноятни аниқлаш ва жазони белгилашда шариат қонунлари ва асрлар оша сақланиб келган одоб-аҳлоқ қоидалари асосий мезон саналган. Хусусан, суд-ҳуқуқ амалиётида оддий ҳуқуқ саналган одатлар қўлланилган. Шунга кўра, одатлар орқали суд қилиш фақат кўчманчи аҳоли учун эмас, балки ўтроқ аҳоли турмушида ҳам мавжуд бўлган. Маълум ҳудуд, жой талаб этган одатга кўра, ўша жойнинг ўзида битта суд вакили бўлган ёки баъзан бўлиши шарт бўлмагани ҳолда, маҳалла ёки қишлоқ оқсоқоли томонидан муаммо ҳал этилган. Яъни, бирон маҳалла ва қишлоқ аҳолиси ўртасида маълум масалада юзага келган можаро, аввал ўша жойнинг ўзида оқсоқол томонидан ҳал этишга чораси кўрилган. Бунда қози ёки раис ҳузурига тез-тез бориш лозим кўрилмаган, чунки бу ҳолат, маҳалла-куй обрўйи ёки оқсоқол зиммасидаги вазифани адо этиш билан боғланган. Шундай ҳолат ҳам кузатилганки, қозилар можарочи томонлар муаммоси юзасидан қарор чиқаришдан аввал, муаммони ҳал этишни аввал ўша маҳалла ёки қишлоқ оқсоқолига ҳавола этган [У. Абдурасулов ва б.: 139].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлиги ижтимоий тузумида ислом дини билан биргаликда, одат асосида ўрнатилган ижтимоий-сёсий, иқтисодий аҳамиятдаги меъёр, тартиблар жамиятнинг ҳар бир ижтимоий тоифа, қатламлари ҳуқуқ ва мажбуриятларида мустаҳкам ўрин эгаллаган. Булар бир

* Ман ёки ботмон - оғирлик ўлчов бирлиги Бухорода 8 пудга тенг бўлган.

томондан, аҳолининг кўп асрлик анъанавий диний-аҳлоқий, хўжалик ва бошқа соҳалардаги урф-одатлари, қадриятлари барқарорлигини таъминлаган бўлса, бошқа томондан бундай тартиб-қоидалар жамият ҳаётида турғунликни юзага келишига ҳам муайян даражада таъсир кўрсатган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форс тарж. изоҳ. муал. А. Ирисов. – Тошкент: Фан, 1991.
2. Мирза Бадиъ Диван. Маджма ал-аркам / Введ., пер. и прим. А. Б. Вильдановой. – М.: Наука, 1981.
3. Анке Фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алматы: “Дайк-Пресс”, 2004.
4. Каримов Э. Регесты казийских документов и ханских йарлыков Хивинского ханства XVII-начала XIX в. – Т.: Фан. 2007.
5. Хакимова К.З. Крестянство Бухарского эмирата в конце XIX - начале XX в. –Т.: Фан, 1991.
6. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар. Республика ёш олимларининг анъанавий иккинчи илмий конференция материаллари тўплами. 2010 йил 24-25 май. – Т.: Фан, 2010.

XIX- XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР

Очилдиев Ф.Б., - ЎзМУ доценти

XIX аср бошларида ҳам амирликнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қолоқлик ва турғунлик ҳоллари сақланиб қолгани кўзга ташланади. Аҳолининг турмуш даражаси паст бўлиб, ерга эгалик қилиш шакли юз йиллар давомида ўзгармай келганлиги, солиқ ва тўловларнинг ҳаддан ташқари кўплиги, мамлакатда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб келди[1]. Мамлакатнинг ҳимоясиз оддий фуқаролари давлат солиқлари ва амалдорларнинг доимий зулми остида бўлган. Бу аҳолининг эркинроқ яшаши ва турмуш даражаси яхшиланишига имкон бермасди.

Аҳолининг бадавлат қатлами ва ўзига тўқ деҳқонлар ўз ерларини кенгайтириш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида ерларига ишлов беришга қурби етмаган ночор оилалар ва етим-есирларнинг ерларини арзон нархларда сотиб олиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишарди. Бундай ҳодисаларга кўплаб далиллар келтириш мумкин. Масалан, 1870 йилда Бойсун беклигида яшаган мулла Исҳоқхўжа оддий деҳқон Бердиқулнинг вояга етмаган ўғилларидан бир чорак ерни ноқонуний йўл билан нисбатан анча арзон нархда, 12 тангага сотиб олган[2]. Йирик ер эгалари ўз ерларига ишлов беришга қурби етмаган деҳқонларга фоиз ҳисобига, қайтариш шарти билан маълум миқдорда пул ёки бошқа маҳсулотлар бериш ҳоллари ҳам кузатилади. Баъзи ҳолларда уларнинг ерларини ижарага олиб деҳқонларга берishган ва йиғим-терим пайтида ҳосилнинг 1/5 қисмини ўзларига олишган. Қарзини тўлашга қурби етмаган бир неча деҳқонларнинг ерлари шу йўл билан олиб қўйилган[3]. Барча бекликларда деҳқонларнинг ерларини тортиб олиш ва гаровга қарз бериш ҳоллари тез-тез учраб турган.

Сариосиё амлоклигида яшовчи деҳқон Муҳаммад Муқумбой Султонбой оқсоқолдан қарз олади. Унинг эвазига Газарак қишлоғидаги бир таноб ерини Султонбойга гаровга беради. 1892 йилда Муқумбой Сариосиё қозисига шариат асосида бир таноб (юза ўлчов бирлиги, бир таноб 60 х 60 кв.м.га тенг) ерини қайтариб олиб беришини сўраб мурожаат қилади, лекин қози Султонбойдан олган 11500 тангани тўламагунча унинг ерга даъво қилишга ҳаққи йўқлигини айтади. Денов беклигида Ғиёс ўғли Илёс Қобилбойдан бир таноб боғни ижарага олади, бунинг эвазига йилига 170 танга ижара ҳақи тўлаши керак эди. Лекин у белгиланган вақтда ижара ҳақини тўлай олмайди. Уч йил ичида ижара ҳақи 500 тангага етади. Натижада Қобилбой ижарачининг уй-жойини тортиб олади ва унга яна 6 ой муҳлат беради. Шу вақт ичида кўрсатилган пул тўланмаса, уй-жойидан воз кечиш шарти қўйилади[4].

Амалдорлар Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудларида ҳам вақф ва давлат ераларини катта пул эвазига ва ўзига тўқ бойлар деҳқонларга сотиб юбориш ҳоллари кузатилади. Шунингдек, камбағал деҳқонларнинг ерларини арзон нархларда тортиб олинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

---

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2000. – Б.45.
[2] Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX-нач. XX века. - Душанбе-Алма-Ата: Ирфон, 1967. - С.216.
[3] Маджлисов А.Кўрсатилган асар. - Б.228.
[4] Маджлисов А. Кўрсатилган асар - Б. 229.

1890 йилда Ҳисор беклигида яшовчи мулла Салим муфти Ҳисор шаҳри атрофидан бир қанча ер майдонларни (баъзиларини уйлари билан) арзон нархларда сотиб олган. Бойсун беклигида яшовчи Хўжа Исмоил ўғли Алим учун 215 тангага бир қанча ер участкаларни сотиб олган[1].

Амалдорлар, ўзига тўқ деҳқонлар ва диний уламолар арзон гаровга сотиб олинган ерларни 3-4 баробар қиммат нархларда сотишган ёки оғир шартлар билан ерсиз деҳқонларга ижарага беришган.

Қоратегин беклигида Муҳаммад Наимбой (Қозакон қишлоғидан) ва Имомбой (Оби-Гарим қишлоғидан)лар биргаликда давлат ерларини сотиш ва кам ерли деҳқонларга ижарага бериш билан шуғулланиб келишган. Шунингдек, амалдор ва бойлар ер олди-сотдисида судхўрлик билан шуғулланган. Масалан, Наимбой 7 ботмон ерни 5600 тангага олган бўлса, уни 15960 тангага сотган натижада 10360 танга фойда кўрган[2]. Муҳаммад Наимбойга ўхшаган Судхўрлар Шарқий Бухоронинг барча бекликларида мавжуд бўлган. Бой ва амалдорлар оби ерларнинг олди-сотдисидан ташқари лалми ерларни ҳам сотиб олишган. Сарижўй беклигида Муҳаммад исмли фуқаронинг 4 ман лалми ерини Абдулхай ўғли Ашур 279 тангага сотиб олган. Шунингдек, шу бекликдаги Хуфар қишлоғидан (1913 йилда) давлатга тегишли лалми ерни Мурод исмли деҳқонга сотган. 1914 йилда Ғузор беклигида яшаган Ишонқулбой 10 ман оби ва лалми ерни Якуббойдан 2000 тангага сотиб олган. Шу йили 20 ман лалми ердан чорва молларини боқиш учун Тошқулбойдан 6000 тангага сотиб олган. Худойқул бойдан ҳам 10 ман лалми ерни 3000 тангага сотиб олган[3]. Шундай қилиб Ишонқулбой Ғузор беклигининг йирик ер эгаси бўлган бойига айланган.

Шариат уламолари ҳам ўз манфаатларини кўзлаб, мансабларини суиистеъмол қилиб, маҳаллий аҳолини ўзлари ўйлаб топган ҳийла- найрангларга ишонтириб келишган. Улар пул бор жойда шариат қонунларидан кўз юмиб, қонунга зид ишларга қўл уришган. Жумладан, Денов қозиси Миррахмон Худойберди Тоғаймуроднинг вояга етмаган 12 ёшли етим қизини ёши ўтиб қолган Махтамбой мулло Мир Аҳмадга 15 тангага мажбуран никоҳлаб беради[4]. Баъзи ҳолларда шариат уламолари ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай пасткашликлардан ҳам қайтишмаган. Масалан, Бойсун беклигида яшовчи Юнусбойнинг ўғли Ҳамроқулбой Усмонбойнинг қизи Одинабиби билан ажрашиш учун қозига 400 танга пора берган. Денов беклигида эса Ҳожиниёзбой ўз хотини билан ажралиш учун қозига 1500 танга берган[5]. Бу маълумотлардан шу нарса равшан бўладики, ўзига тўқ бойлар кўнгилларига сиққан ишларни қилиб, бу йўлда шариат пешволарини сотиб олишдан ҳам тоймаганлар.

Шарқий Бухоро бекликлари ҳам Бухоро амирига ҳар йили 2-3 мартадан совға саломлар (тортиқ) юбориб туришган. Маълумотлрга кўра Қоратегин беклигидан тортиқ сифатида йиғиб олинган фойданинг 40-45 фоизи Бухоро амирига 55-60 фоизи бекликнинг ички ишларига ишлатилган. Тортиқ асосан янги йил арафасида ва куз ойларида юборилган. Қоратегин беги янги йил олдидан 5 та отда кузда эса 13 та отга ортилган совға салом яъни тортиқ юборилилганлиги маълум[6].

Бухоро амири ҳарбий тўқнашув ва юришлардан қайтган даврларда беклардан ташқари қози ва раислар ҳам амирга ўзларининг ҳисобидан ҳар хил совға саломлар улашганлар. Масалан, Шаҳрисабз қозиси Абдулкарим судур 1300 рубль, Чоржўй қозиси Бобоможи судур 1200 рубль, Ғиждувон қозиси Ғуломиддин судур 1200 рубль, Қарши қозиси Мирзарифа ўроқ 1200 рубль, Зиёвуддин қозиси Дониёл хўжа ўроқ 800 рубль, Ғузор қозиси Тожиддин ўроқ 1200 рубль, Хатирчи қозиси Абдураҳим ўроқ 800 рубль, Кармана қозиси Шомурод ўроқ 800 рубль миқдорда совға саломлар берилгани ҳақида маълумотлар мавжуд[7]. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Бухоро ҳукуматининг ўлкада олиб борган солиқ сиёсатига қарши аҳолининг норозилик кайфияти кучайди. Биргина хирож солиғи бу даврга келиб, 40 фоизгача кўтарилди[8] .

Танобона ёки таноб пули: боғдорчилик, узумчилик, полизчилик (томорқа) ва беда экилган ерлардан олинадиган солиқ. А Гребкин маълумотларига кўра бир таноб боғдан 2 рубльдан – 5 рубльгача, беда экин майдонидан 1 руб. 20 коп. Полизчиликда сабзи ҳосилининг 1/5 қисмини солиқ сифатида олинганлиги ёзилган[9].

А.Л.Кун маълумотларида ҳар таноб ердан 6 тангадан солиқ олганлиги таъкидланган[10]. К.З.Хакимова маълумотларида Эскибоғ ва Ғузорда ҳар таноб ердан 8 танга боғдорчилик ва узумчилик ерлардан 18 тангагача Душанбеда ҳар бир таноб ердан 20 тангадан, беда экилган ерлардан эса 60 тангадан солиқ олингани берилган[11].

---

[1] Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX века. Душанбе-Алма-Ата. 1967. С.217.
[2] Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX века. Душанбе-Алма-Ата. 1967. С.224.
[3] Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX века. Душанбе-Алма-Ата. 1967. С.226.
[4] Гафуров Б., Прохоров Н.Н. Падение Бухарского эмирата. - Сталинабад: Госиздат Тадж, 1940. - С. 14.
[5] Маджлисов А. Кўрсатилган асар. - Б. 237.
[6] Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX века. Душанбе-Алма-Ата. 1967. С.203.
[7] Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX века. Душанбе-Алма-Ата. 1967. С.206.
[8] Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в концеXIX-начале XX вв. -Т.: Фан, 1991. - С. 28.
[9] Гребкин А. Шагрсябская долина // Известия РГО. Т. VIII. М. 1872. С. 22.
[10] Кун А.Л. Очерки Шагрисабского бекства .... С. 230.
[11] Хакимова К.З. Кристянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX в. Т. – 1991. ….С. 49.

Танобона солиғи баҳорги ва кузги мавсумларга бўлиниб олинган. Бухоро атрофидаги туманлардан баҳор ва кузда қуйидагича солиқ йиғиб олинган: Қоракўл 13997 танга, Харкон рудан 14632 танга, Хайрабод – 8651 танга, Хуфара – 17900 танга, Шофиркон – 8548 танга , Ками Абу Муслима – 10022 тангадан[1] йилига танобона тўлашган.

Аминона Карки 3 ойда 22000 танга, Балжувон 6 ойда 6000 танга, Бурдалиқ бир йилда 9300 танга, Қарши бир йилда 180000 танга Бухоро амири хазинасига аминона солиғини тўлаган[2].

Хизматона ёки фарсах пули. Деҳқонлар шикоятларини ўрганиш учун жойларга борган Бухоро амалдорлари йўл пули учун хизматона солиғини ҳам деҳқонлардан олишган. Йўл пули масофанинг узоқ-яқинига қараб бир неса баробарга ошиб борган. Кулоб беклигига деҳқонлар шикоятини ўрганиш учун келган Хазратқул Мирохур йўл пули учун деҳқонлардан 600 танга олган[3].

Маълумотга эътибор қаратадиган бўлсак, 1906 йилда Бухоро амири Ахадхон Россияга ташриф буюрган чоғида йўл харажатлари учун қози ва раислар ўз ҳисобидан қуйидаги миқдорда совға саломлар беришган (баъзи маълумотлар берилди). Болжувон қозиси Исомиддин 300 рубль, Кулоб қозиси Муҳаммад Амин 500 рубль, Денов қозиси Нарзулла 200 рубль, Китоб қозиси Хайрулла 600 рубль, Яккабоғ қозиси Бухониддин 200 рубль, Шаҳрисабз раиси Саидмуҳаммад 200 рубль, Чоржўй раиси Абдуқодир 200 рубль, Ғузор раиси 400 рубль, Хатирчи раиси 400 рубль, Ҳисор раиси 600 рубль, Кармана раиси 400 рубль миқдорда йўл пули совғасини беришганлиги баён қилинган.

Шу йили амирга қози расидардан ташқари бек ва амлокдорлар ҳам совға саломлар юборилган. Масалан, Карманадан 4000 танга, Чоржўйдан 4000 танга, Хатирчидан 1500 танга, Ҳисордан 4000 танга, Деновдан 4000 танга, Қободиёндан 1500 танга, Нуротадан 1500 танга, Кулоб 1500 танга, Яккабоғ 1500 танга, Балжувондан 1500 тангадан йўл ҳақи пули жўнатилган[4].

Ҳашар. Бухоро амирлигида бир йилда бир неча марта ҳашар бўлган бир кош ариқни тозалаш ва унга ишлов бериш учун 2 киши жалб қилинган. Одатда ҳашар 1-2 кун бўлган баъзан 10-20 кунлаб ҳам давом этган. Ҳисор беклигида Кофирниҳон дарёси устига қурилган кўприк кўп ёмғир ёғиш оқибатида яроқсиз ҳолга келиб қолган бу кўприкни тузатиш учун 15-20 кун мобайнида ҳашарга аҳоли жалб қилинган. Ҳар бир қишлоқдан ҳашарга чиқувчилар рўйхати тузилган. Шу рўйхат бўйича улар ҳашар ишларига жалб қилинган. Рўйхатга киритилганлардан кимда-ким ҳашарга чиқмаса боко пули яъни жарима солинган. Жарима пули кунига 1-2 тангадан қилиб белгиланган. Масалан, Наразм беклигида 1 танга бошқа бекликларда 2 тангадан жарима пули олинган[5].

Бухоро амирлигининг барча бекликларида маҳаллий аҳоли ва деҳқонлар солиқ йиғувчилар ва бошқа маҳаллий бошқурав тизимидаги ноҳақликлар юзасидан доимий равишда Бухоро амири ҳузурига шикоят аризалари ҳамда ўзларининг ишончли вакилларини жўнатиб туришган. 1880-1881 йилларда Зиёдин беклигидан 100 га яқин деҳқонлар Каттақўрғон бўлими бошлиғига солиқ йиғувчилар белгиланган хирож солиғини миқдоридан кўп миқдорда олаётганлигини шикоят қилиб боришган. Каттақўрғон бўлими бошлиғи бу ишни ҳал қилишдан бош тортади натижада, деҳқонлар Бухоро амирига мурожат қилишга мажбур бўлади. Амирга шикоят қилиб келган деҳқонлар қаттиқ жазоланади. Уларнинг 2 таси (йўл бошловчиси) Амир буйруғи билан қатл этилади. 10 та шикоятчи деҳқон эса 75 даррадан калтакланади. Қолган деҳқонларнинг ҳар бирига 2 ботмондан буғдой тўлаш учун жарима солинади[6].

1882 йилдаа Наразм беклигида яшовчи аҳоли Наразм беги Абдурахим бек устидан 10 маротаба амирга шикоят қилиб боришган. Абдурахимбек солиқ миқдорини ошириб солиқ йиғувчи дафтарини аҳолига кўрсатмасдан ўзи билганича белгиланганлиги шикоятга сабаб бўлган. 1883 йилда Кулоб беклигида яшовчи лақай ва қарлуқ уруғларининг бошлиқлари Абдуллабой ва Хожи Абдулмўминлар Балжувон беклиги қозиси устидан Бухоро амирига шикоят қилиб боришган. Болжувон қозиси бир неча йил олдин доимий яшаш учун Кулобга кўчиб борган натижада қози учун аҳолидан турли хил тўловларни тўлашга мажбур қилинган[7].

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики Бухоро амирлигида нуфузи юқорироқ бўлган бекликлар нуфузи ўзидан пастроқ бўлган бекликлар устидан ўз ҳукмини ўтказиб баъзан ички ишларига ҳам қисман аралашиб келганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан 1885 йил 31 октябр куни Кулоб беклигидаги Култибли қишлоғида яшовчи 200 дан ортиқ деҳқонлар қўшни Балжувон беклиги устидан Кулоб бегига шикоят қилиб боришган[8].

1886 йил 26 январда Бухородаги сиёсий агентнинг билдириш номасида Балжувон беклигида яшовчи деҳқонлар Балжувон беги 2 баробар закот солиғи кўп олаётганлигини мурожат қилиб 4 марта Бухоро амири ҳузурига боришган. Бухоро амири шикоятчиларнинг аризасини кўриб чиқиш ўрнига

[1] Хакимова К.З. Кристянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX в. Т. – 1991. ….С. 50.
[2] Хакимова К.З. Кристянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX в. Т. – 1991. ….С. 53.
[3] Хакимова К.З. Кристянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX в. Т. – 1991. ….С. 59.
[4] Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX века. Душанбе-Алма-Ата. 1967. С.207.
[5] Хакимова К.З. Кристянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX в. Т. – 1991. ….С. 63.
[6] ЎзР МДА. И-1- жамғарма, 34-рўйхат, 609-иш, 42 а-варақ.
[7] Хакимова К.З. Кристянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX в. Т. – 1991. ….С. 87.
[8] ЎзР МДА. И-1- жамғарма, 34-рўйхат, 639-иш, 1-варақ.

шикоятчиларга аччиқ қилиб уларни ўлимга маҳкум қилиш ҳақида буйруқ бергани кейинчалик амир ўз фикридан қайтиб шикоятчиларнинг бошлиқларини 75 даррадан урушга алмаштирилгани баён қилинган[1].

БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ЗАРГАРЧИЛИК БУЮМЛАРИ ТАРИХИДАН ВА ТАВСИФИ

Очилов А.Т., – БухДУ
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Бухоронинг заргарчилигига ва заргарчилик мактабининг буюмларига эътибор ҳар қачонкидан хам ортган бир даврда, археологик манбалар асосида қадимги Бухоро заргарлик иши масаласини ўрганиш нисбатан кам тадқиқ этилган. Бухоро зеб-зийнат буюмлари хусусиятларини бошқа ҳудудлардаги зеб-зийнат буюмлари элементлари билан солиштирадиган бўлсак, улар ўртасидаги ўхшашликлар мавжуд.[2] Бухоро аёл ва эркаклар заргарлик буюмларини кўриб чиқиш натижасида айтиш мумкинки Бухоро воҳасидаги заргарлик буюмларининг тарихий илдизлари неолит даврига бориб тақалади. Бу даврда биринчи маротаба маржонлар шодаси шаклидаги кўкракка тақиладиган безаклар пайдо бўлади. Бронза даврида безакларнинг жойлашув ўрнига қараб ажралиш жараёни бошланади, фақатгина аёллар учун мўлжалланган безаклар. Бронза даврида алоҳида буюмлар услубининг ўхшашликларига қараб заргарлик мажмуи тушунчаси вужудга кела бошлайди.[3] Билагузук ва чаккага осиладиган шокилалар сингари безакларнинг янги шакллари пайдо бўлади. Бунга заргарларнинг имкониятларини кенгайтирадиган металлнинг ишлатилиши сабаб бўлади.[4]

Антик давр аёл ва эркаклар безаклари турли шаклларининг кенгайиши, заргарлик буюмлари янги шаклларининг пайдо бўлиши билан характерланади. Ўзига хос ҳайвонот услубидаги чўл маданиятлари буюмлари ёркинроқ намоён бўлади. Маҳаллий устолар томонидан алоҳида эллинистик ва Рим услубидаги импорт безакларига тақлидан тайёрланган буюмларнинг мавжудлиги ташқаридан келтирилган безакларнинг маҳаллий заргарлик безаклари мажмуасига бўлган ўзига хос таъсиридан далолат беради.

Илк ўрта асрлар даврида турли хилдаги тантанали характердаги аёл ва эркаклар безаклари зодагонларга хос бўлган дабдабалик, нафислик ва услубнинг бойлигини намоён этади. Бу давр учун икки маданият: ўтроқ деҳқончилик ва турк маданиятларининг синтези хосдир. Турк услубидаги бош кийимлари Бухоро ҳукмдорларининг анъанавий тиллақошлари (диадема) билан мос келган. Безакларнинг алоҳида категориялари Ҳиндистон ва Сосонийлар Эрони билан бўлган алоқалардан далолат беради. Бу даврда кейинги асрлар учун хос бўладиган баъзи безакларнинг прототиплари ташкил топади.[5]

VIII асрнинг бошларидан эътиборан Ўрта Осиё ва хусусан Бухоро ислом оламига кириб боради. Нақшли услуб табиий шаклларни стилизация қилиш йўлида ривожланиб, уларни чизиқли шаклларга айлантиради. Ҳайкалли шилдироқларнинг йўқолиб кетишига қарамасдан, шилдироқлардаги ҳайвоний тасвирлар ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бу ҳол турли динларнинг бирга яшаган давридаги Мовароуннаҳр халқларига хос бўлган бағрикенглик билан изоҳланади.[6]

XIV-XIX асрнинг биринчи ярмида тимсоллари олдинги даврларда шаклланган топган безаклар Бухоро заргарлик безаклари мажмуасига муқим ўрнашади. Мунчоқлар шакл ва материали бир турда бўлиб, маржон, дурлар кенг тарқалади, охиргиси шилдироқлар сифатида ҳам кенг фойдаланилади. Безак рангларига кўра, улар асосан олтиндан ишланган. Бу даврнинг заргарлик буюмлари дабдабали, нафис услуб, безакларнинг шакл ва нақшларининг мураккаблиги билан ажралиб туради.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида аёллар безаклари ва уларнинг нақшли безалиш турларининг кенгайиши кўзга ташланади. Шу билан бир вақтда, эркаклар безаклари мажмуаси қисқаради. Умуман олганда улар йирикроқ ва қимматроқ бўлиб қолади.

---

[1] ЎзР МДА. И-3- жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 112 а-варақ.

[2] Очилов А.Т. «Jewelry Traditions As A Source of Study on The History of Bukhara». BAYTEREK International Journal of Academic Research. TÜRKİYE-2018. P.105

[3] Фахретдинова Д.А. О взаимообусловленности содержания и формы в ювелирном искусстве Узбекистана XIX в. // ОНУ. – Ташкент, 1983. – № 10. – С. 36 – 40

[4] Лунева В. Классификация ювелирных украшений Узбекистана эпохи бронзы (III-II тыс. до н.э.)// Археология, история и культура Средней Азии. Тезисы докладов Международной научной конференции, посвященной 60-летию Э.В. Ртвеладзе. - Ташкент, 2002. - С. 72

[5] Ниязова М. И. Общие тенденции развития ювелирного дела Бухары в древности и средневековье. // ИМКУ. Выпуск 35. - Самарканд, 2006. С.163-169.

[6] Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Мавераннахра // Художественная культура Средней Азии IX-XIII вв. – Ташкент, 1983. – С. 49 – 68;

XIX-XX асрнинг бошларига оид Бухоро безаклари айрим турларининг прототиплари ўз асосини аввалги давр заргарлик мажмуаларидан олади. Улар орасида аёллар безаклари: сарсўзан рўмол учун ишлатиладиган тўғнағич; гирди руи марворид мураккаб таркибли кўкрак чакка безаги; тиллақош ва баргак металлдан ишланган пешона безаги; туф сочпўпак; зеби гардан металл шодаси; қўлтиқ тумор; дастпона илонсимон аёллар металл билагузуклари. Эркаклар безаклари: тож, қамарбанд, узук муҳр.

Эстетик жиҳатлардан ташқари безаклар магик ва диний мазмунга эга бўлган. Улар туморлар сифатида, ислом динига зич боғланган ҳолда, исломдан аввал мавжуд бўлган халқ эътиқодларининг асосий қисмини намойиш этади.

Туморларнинг икки асосий вазифаси барча безаклар: ҳимояловчи ҳамда серпуштлик ғояси билан боғлиқ бўлган "кўпайтирувчи" вазифаларини бажарганлар.[1] Ҳар бир тош ва металл учун хос бўлган магик хусусиятлар қадим замонлардан бошлаб кўплаб тадқиқотларнинг предмети ҳисобланган. Қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмлар соғлиқ ва ҳимояни таъминловчи кучлар билан боғланган. Улар расмий тиббиёт (Ибн Сино, Беруний), шунинг билан бирга, уларга шифобахш хислатларни қайд этган анъанавий табобатда ҳам ишлатилган.

Тумор шакли ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлган. Учбурчак, хочсимон мунчоқлар, айлана шаклдаги зирак, узук, қамарбандлар ўзида дунё ва башариятнинг тузилиши тўғрисидаги космогоник тасаввурларни акс этиб, ҳосилдорликнинг қадимги белгиси бўлган, офатларни қайтариш хислатига эга бўлиб, олов, ҳосилдор замин кучи, фаровонлик ва ҳоказоларнинг белгиси сифатида қаралган.[2] Жаҳоннинг барча халқлари анъанавий санъатида айлана шакли қуёшнинг энг машҳур белгиси ҳисобланган.[3] Бухороликларнинг тасаввурларига кўра айлана шаклдаги безаклар (узуклар, зирак ва қамарбандлар) магик кучга эга бўлган. Тўй маросимлари, аёллар "саллабандон" маросими ва дафн этиш маросимларида узукларнинг совға этилиши бу тасаввур билан боғлиқ ҳисобланади. Охирги анъана бухороликларнинг ўлимдан кейинги ҳаёти муҳтожликларини акс этиб, қадимги замонлардаги ҳаёт ва ўлим тасаввурлари билан боғлиқ ҳисобланади. Шарқ маданиятларида камарбандларнинг маросимий роли ҳаммага маълум. Қамар кийгизиш билан боғлиқ Бухоро анъаналари (ҳунармандчилик, тўй, дафн) унинг рамзий аҳамиятини сақлаб қолган.

Буҳоро воҳаси безакларининг илк шаклларида ҳайвонлар тасвири ва уларнинг ҳайкалчалари катта ўрин эгаллайди: илонлар, тошбақалар (қурбақа), шер, пашша, қўчқор, қўй, арслон, туя, қуён ва қушларнинг тасвирлари мавжуд. Тадқиқотчилар уларни турли хил илоҳаларнинг нишонаси сифатида ҳисоблаб, уларнинг тотемистик аҳамиятини ҳам таъкидлайдилар. Мазкур тасвирларнинг маъновий вазифаси ва аниқ магик функциялари тўғрисидаги маҳаллий тасаввурлар мажмуи Бухоро Сўғди диний тасаввурлари дунёсига безаклар шаклида кириб келиб, тасвирлар семантикасини мураккаблаштирган ташқи тасаввурлар билан ҳамоҳанг бўлган.

Бухоро бадиий меъморчилик мажмуа қўриқ- хонасида амирликка тегишли бўлган (умумий миқцори 400 тага яқин) ноёб кумуш идишлар ва хўжалик буюмлари бор бўлиб, булар сирасига миноқори ранглари билан сирланган пиёла, лаган, қадаҳлардан иборат чой, ошхона ва емакхона сервизлари, Қуръон учун қутича, номалар учун патқалам, сандиқлар, оғирлиги 6 ва 12 килограмм бўлган шкаф-галадонлар киради. Мазкур буюмларнинг безатилишида Бухоро ҳунармандларининг энг сара ютукдари қўлланилган.[4]

Ёзма манбалар ва тасвирий санъат ёдгорликлари маълумотларига кўра тадқиқ этилаётган давр мобайнида уч турдаги безаклар: тож, камарбанд ва муҳр узук сиёсий, ижтимоий ва мулкий ҳокимият белгиси вазифасини бажарган. Ҳукмдорлик рамзи сифатидаги дастлабки эркаклар бош кийимлари тасвирлари Бухоро воҳасида бронза давридан эътиборан пайдо бўлади.

Заргарлик буюмларига оила хазинаси сифатидаги қараш тўғрисида сўғд никоҳ шартномасидаги бандлардан бири далолат беради. Унга эрнинг хотинига озиқ-овқат, кийим-кечак ва заргарлик буюмлари олиб бериш мажбурияти кўрсатилиб, эр-хотин ажрашган тақдирда эр томонидан совға қилинган барча тақинчоқлар унга қайтарилган, хотиннинг ўз мулки ва турмуш ҳаёти давомида бирга йиғилган безаклари эса хотинда қолган.[5]

Замонавий Бухоро оилавий анъаналарида мазкур қоида сақланиб қолганлиги безаклар билан боғлиқ бўлган қадимий қоидаларнинг яшовчанлигидан далолат беради. Зеб-зийнат буюмлари Бухоро аёллари сепининг бир қисми ҳисобланиб, онадан қизига ўтадиган мулк бўлган. Безаклар мажмуининг ривожланишида ички ва ташқи савдо муайян ўрин тутган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг йирик марказларидан бири сифатида Бухоро бошқа ҳудуд ва мамлакатлар ҳунармандларини ўзига жалб этган. Ташқаридан келган

---

[1] Чвырь Л. А. Таджикские ювелирные украшения. - М., 1977. - С. 96

[2] Kalter J. The Arts and Crafts of Turkestan. - London, 1984. - P. 134

[3] Ремпель Л.И. Далекое и близкое. - Ташкент, 1981. - С.13

[4] Алъмеева Д. Бухорои Шарифнинг заргарлик санъати //Мозийдан садо. 3 (15).2002. Б.6-10.

[5] Согдийские документы с горы Муг. Вып. II, юридические документы и письма, чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. М., 1962. С. 23

ҳунармандлар маҳаллий аҳоли дидига мослашиб, Бухоро безаклари шаклларини яратганлар. Аммо, фаолиятлари давомида ўзлари учун хос бўлган аниқ техник услублардан фойдаланганлар. Бир-бирига қарши бўлмаган, балки тўлдириб, ривожлантирадиган нақш анъаналари синтези амалга оширилган.

Ҳозирги кунда Бухоро заргарлик санъати қайта тикланиш йўлига кириб бормоқда. Замонавий Бухоронинг заргар усталари заргарлик буюмларини маҳаллий заргарлик мактабининг энг юксак анъаналари асосида яратиб келмоқдалар.

ЖИЗЗАХ БЕКЛИГИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ
(ёзма манбалар асосида)

Пардаев А.Х., – ЖДПИ

Мовароуннаҳрнинг марказий қисмида жойлашган, Суғд, Шош, Давань (Фарғона) каби қадимий маданий воҳалар билан чегарадош бўлган Уструшона хусусан, унинг шимоли-ғарбий қисмида ўрнашган Жиззах азалдан қатор табиий ва географик қулайликларга эга бўлган тарихий ўлка сифатида эътироф этилган. Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тарихи, археологияси, моддий-маданияти ва тарихшунослиги борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Лекин, Жиззахнинг XV-XIX аср даври тарихи, хусусан Жиззах беклиги ва унинг тарихий географияси ҳақида етарлича илмий тадқиқот ва маълумотлар берилмаган.

Ёзма манбаларда ва илмий адабиётларда Жиззах беклигини қачон ташкил топганлиги ҳақида аниқ маълумот учрамайди. Шубҳасиз, бекликни ташкил топиши илк ўрта асрлардаги умум ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқдир. Чунки, ўрта асрларда Уструшонанинг шимоли-ғарбий рустоқи Фағнон ва унинг марказий шаҳри Дизак ҳудудий жиҳатдан ҳозирги Жиззах тумани ва шаҳри ўрнида бўлган. (Негматов Н.Н., 1957, с.38) XVII аср географи Маҳмуд ибн Вали ўз асарида ... аввалги замонларда Хўжанд, Ўратепа, Диззах ва бошқа шарқий вилоятлар Самарқанд тасарруфида бўлган», - деб маълумот беради ва Жиззахни ҳам алоҳида вилоят сифатида санаб ўтади. (Махмуд ибн Вали., 1977, с. 57.)

Маълумки Бухоро хонлиги (амирлиги) маъмурий жиҳатдан вилоятлар ва туманларга бўлинган. Хон тайинлайдиган ва ҳоким бошқарадиган ҳудуд вилоят деб аталган. Беклик тепасида асосан маҳаллий қабила бошлиқлари турган. (Норқулов Н, Жўраев У., 2000, 91- бет.) Россия истилосидан кейин хонликлар ҳудудида сиёсий-маъмурий бошқарувда катта ўзгариш юз бермаган. Туркистон генерал-губернаторлиги бешта вилоятга, вилоятлар ўз навбатида уездларга ва волостларга бўлинган. Уездлар эса аввалги бекликларнинг ўрнида ташкил топган. Шу сабабли, сенатор К.Пален Туркистондаги уезд бошлиқларини ўзбек хонликларидаги «бекларнинг худди ўзгинасидир» деб атагани бежиз эмас. (Рахимов Ж., 1999, 131-бет.) Демак, Самарқанд вилояти таркибидаги Жиззах уезди аввалги Жиззах беклиги ўрнида ташкил топган.

Жиззах беклигининг маъмурий ҳудуди Сангзор дарёсининг ўрта оқими водийсида, ҳозирги Жиззах шаҳри ва тумани ҳудудида бўлганлиги шубҳасиздир. Бекликнинг умумий майдони диаметри тахминан 25-30 *км.ни* ташкил қилади. Жиззах беклиги сарҳадлари сўнги ўрта асрларда жанубдан Равот қишлоғи, Увоб дараси, Қоратоғ ва Моргузар тоғлари билан, ғарб ва жануби-ғарбдан Илонўтти дараси, Нурота тизмалари билан шимол ва шарқ томондан Мирзачўл билан чегараланган.

Илонўтти дараси қадимдан Жиззах ва Самарқанд учун ғоят муҳим стратегик аҳамиятга молик мавзе ҳисобланган. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида соҳибқирон Амир Темурнинг «Хитой сари таважжуҳ қилғони» хусусидаги бобида Илонўтти орқали ўтгани ҳақида маълумот берилади. Мирзо Бобур ҳам ўз эсдаликларида ушбу мавзеда тўхтаб ўтгани ҳақида ёзади ва уни Илонўтти қабилида номлайди. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий ҳам ўз асарида «Абдуллахоннинг Илонўтти манзилида Наврўз Аҳмадхоннинг ўғиллари ва набиралари билан бир кунда икки маротаба жанг қилгани ва енггани» ҳақида ҳикоя қилади. Муаллифнинг томонлар айнан «Илонўтти чўлида муқобил бўлди» деб ёзишига қараганда жанг даранинг Самарқанд томонга чиқиш жойидаги яланглиқда содир бўлган. (Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. 1999, 141, 210-бетлар.)

Илонўтти дараси Нурота ва Моргузар тоғлари орасидаги тор дара бўлиб, Зарафшон воҳасини Уструшона, Чоч-Илоқ, Фарғона билан боғловчи ягона йўл шу ердан ўтган. Даранинг шарқий қисми Жиззахдан 13 *км* жанубий-ғарбда жойлашган. Илонўттининг умумий узунлиги 12 *км.ни* ташкил қилади.

Ёзма манбаларда Илонўттига яқин жойда Кўкгумбаз номли мавзе ҳам тилга олинади. Хусусан «Абдулланома»да Самарқанд томондан йўлга чиққан, Худдин («Худбин» - ўзи кўринувчи, кўзга яққол ташланувчи, А.Муҳаммаджонов) мавзеидан ўтган хон қўшинининг ... «иккинчи кун Кўкгумбаз деган жойга чодирлари тикилгани» ҳақида маълумот бор. Лекин, асарнинг ўзбекча таржимасида берилган изоҳда Кўкгумбаз Самарқанднинг жануб тарафида, Бухорога бориладиган йўл устида жойлашган деб

кўрсатилган. (Шарафуддин Али Яздий, 1997, 55-бет). Аслида эса Кўкгумбаз Илонўтти дарасининг Самарқанд томондаги чиқиш жойи яқин атрофида бўлган. Бу ерда ҳозирда Сангзор дарёсининг чап қирғоғида «Кўкгумбаз» номли қишлоқ жойлашган. Дарёнинг тик қирғоғида, баланд адир устида Кўкгумбаз номли археологик ёдгорлик-тепа ҳам мавжуд. Қабристонга айлантирилгани сабабли Кўкгумбазтепада қазув тадқиқотлари ўтказилмаган бўлсада, унинг усти ва ён атрофидан топилган XIV-XVI асрларга оид кулоллик маҳсулотлари ундаги энг сўнгги ҳаёт даврий санасини аниқлаш имконини беради.

Жиззах беклиги ҳудудининг жануб ва жанубий-шарқ сарҳадлари манбаларда қайд этилган Вол дараси билан чегараланади. «Абдулланома» асарида хон қўшинларининг ... «юриш одат бўлмаган Вол дараси орқали ўтиб Зомин сари борганлиги» ҳақида маълумот берилган. Манбада таъкидлангандек қўшин «юриш одат бўлмаган» йўлдан юрган, яъни Жиззахни четлаб ўтиб Зомин сари йўналган. Вол дараси ҳозирги Кўрпа, Парпиота қишлоқлари орқали ўтган узунлиги 20 *км.га* яқин тоғ йўлидир. Самарқанд-Жиззах йўналишидаги ушбу йўлнинг масофаси деярли Жиззах орқали ўтадиган йўлдан икки баробар қисқа бўлиб, у Самарқанд томондан келганда ҳозирги Авлиё қишлоғидан бошланган ва Равот қишлоғидан чиққан. Бу мавзеда Увоб қишлоғи, Увобсой номли оқар сув манбаи мавжуд. Увоб атамаси Вол номининг кейинчалик ўзгарган шаклидир.

Мазкур манбада яна бир тоғ йўли Ардахшон дараси ҳақида «дашт сипоҳининг қоровуллари «тил» ушлаш мақсадида илгари келганлар ва Ардахшон дарасига ўрнашганлар» қабилида маълумот берилади. (Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, 1999, 302, 309, 408-бетлар.)

Ардахшон дараси (ҳозирда бу ерда шу ном билан аталувчи қишлоқ ҳам бор) Жиззах-Илонўтти йўлининг жануб томонидан унга параллел ҳолда ўтган. Даранинг Самарқанд томондан бошланиш жойи ҳозирги Заргар, Кўкгумбаз қишлоғи яқинида бўлган. Абдуллахон мазкур ҳарбий сафардан қайтиш чоғида Ардахшон орқали ўтиб Кўкгумбазга тўхтаган.

Сўнгги ўрта аср манбаларида тез-тез қайд этиладиган мавзелардан яна бири Работ қўрғонидир. Манбаларда мазкур манзил «Работи Малик» номи билан қайд этилган. Хусусан, «Зафарнома»да - «Харман минг киши билан Дизакда ўлтуруб эрди... Жаҳоншоҳбек бир минг беш юз киши билан Работи Маликга келиб ўлтурди... ул ҳазрат икки юз киши билан Малик баҳодур сори борди... Маликнинг чериги туриш бера олмай бир-бир бўлиб қочтилар» - деган маълумотлар бор. Воқеалар баёнидан маълумки, Амир Темур қўшинлари Жиззах атрофида Амир Ҳусайн қўшинлари билан тўқнашган ва ғалаба қозонган. Лекин, ушбу тарихий асардаги изоҳда Работи Малик Кармана чўлида Хартанг қишлоғи яқинида қорахоний хон Шамсулмулк томонидан 1078-79 йилларда қурилган деб маълумот берилган. (Шарафуддин Али Яздий, 1997, 55, 322-бетлар). Шунингдек, Шарафуддун Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида қайд этилган Хирман маълум шахс, лашкарбошининг номи сифатида талқин қилинган. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида эса тилга олинган Харман Дизак яқинидаги мавзе сифатида эслатиб ўтилган. (Низомиддин Шомий, 1996. 67-69 бетлар). Низомиддин Шомийнинг асарида талқин қилинган Харман жой номи сифатида тўғри берилган. Археолог олимларнинг эътироф этишича, «Хайрабод» маҳалласида жойлашган Хирмонтепа ёдгорлиги XIV-XV-асрларда фаолият кўрсатган Жиззах работларидан бири бўлган.

Ҳофиз Таниш Бухорий асарининг «Соҳибқирон ҳазратларининг Бобосултон билан урушиш қасдида Зомин вилояти томон юзланиши» бобида қуйидаги сатрлар мавжуд. «Икки тараф паҳлавонлари Работи Малик деган жойда учрашдилар. Катта жанг бошланиб, қаттиқ уруш юз берди». (Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, 1999, 302-бет.) Демак, Кармана чўлидаги Работи Маликдан (ҳозирги номи Малик Работ) ташқари мазкур ном билан аталувчи работ Жиззах воҳасида мавжуд бўлган. Жиззах воҳасидаги Работи Малик ҳозирги Жиззах шаҳридан 24 *км* жанубий-шарқда жойлашган ҳозирги Равот қишлоғи ҳудудида жойлашган. Археологик маълумотларга кўра Равот қишлоғининг жануб томонида бир-биридан 400 *м.* масофа узоқликда Тўрткултепа, Номсизтепа номли қадимги қўрғон ўринлари сақланиб қолган ва уларнинг сўнгги қурилиш даври XVI-XVII асрларга оиддир. (Пардаев М., Суюнов С., 1995, 8-бет.) Қадимда Работи Малик айнан ушбу қўрғон қолдиқларидан бирининг ўрнида жойлашган.

Академик А.Р.Муҳаммаджоновнинг маълумотларига асосан Работи Малик «подшоҳлик работи», «подшоҳлик карвонсаройи» деб изоҳланади. Работ аксарият ҳолларда юқори мартабали амалдорлар, подшоҳ чопарлари, ўлпончи ва закотчилар учун тўхташ жойи сифатида хизмат қилган. Дарҳақиқат, Работи Малик Моргузорни кесиб ўтган қисқа ва қулай, тоғ йўли бўсағасида жойлашган.

Жиззахнинг шимоли-шарқ томонида чўл-дашт мавзеида жойлашган Оғочти работи ва сардобаси ҳақида ҳозирги замон адабиётларида етарлича маълумотлар мавжуд. Адабиётларда иншоот Абдуллахон II томонидан қурилган деб эътироф этилади. (Массон М.Е. 1935, с. 43; Билалов А.И., 1980.) Работ «Абдулланома»да Ёғочлик работи деб аталган, лекин унинг бунёдкори ҳақида маълумот келтирилмаган. Аслида, работнинг ёнида Ёғочлик сардобаси ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Сардоба Мирзачўл орқали ўтган карвон ва қўшинларни ичимлик суви билан таъминлаган. Археологик маълумотларга кўра манбада қайд этилган работ сардобанинг жануб томонида жойлашган ва XV аср билан даврланади. (Билалов А.И., 1980.)

«Абдулланома»да қайд этилган мавзелардан навбатдагиси Кўкработ ва Ёйилмадир. Манбада бу мавзелар улуғ хоннинг «Кўкработдан ўтиб, Ёйилмага тушиши» воқеаси баёнида тилга олинади. (Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. , Иккинчи китоб, 2000, 21-бет.) Бу икки мавзе ҳам Жиззахнинг шарқий қисмида, бир-биридан тахминан 15 *км.* масофа узоқликда жойлашган. Кўкработ ҳозирги Жиззах тумани Ҳ.Олимжон СФУнинг Қўрғонтепа мавзеидаги Кўкработ номли муқаддас жойдир. Ўрта асрларда бу ерда Уструшона афшини томонидан қурилган Худайсар работи мавжуд бўлган. Худайсар Мовароуннаҳрнинг энг номдор работларидан бири бўлган. Унда масжид, вақфкор ерлари, сув манбаси мавжуд бўлган. Ичимлик суви қудуқдан, оқар сув ҳозиргача ўзани сақланиб қолган Уруқилисой орқали Сангзордан олинган.

Воҳада ҳозир Ёйилма номи билан аталадиган учта жой мавжуд. Биринчиси, Жиззах тумани Н.Абдуолимов СФУ ҳудудидаги Ёйилма қишлоғидир. Иккинчиси Ў.Ҳотамов СФУ ҳудудидаги Ёйилма қишлоғи ва учинчиси Катта Ўзбек трактидан 5 *км.* шарқ томондаги дашт мавзе. Ёйилма деб аталган айнан ушбу учинчи жой, манбада қайд этилган мавзега мувофиқ келади. 1980 йилларда Жиззах воҳаси археология ёдгорликлари мажмуини тузиш билан боғлиқ қидирув ишлари давомида бу ерда ташлаб кетилган қишлоқ харобалари, кўҳна қабристон ўрни қайд этилган, XV-XVI; XVII-XIX асрларга оид кулоллик идишларидан намуналар йиғилган. Ҳақиқатан ҳам маҳаллий оқсоқолларнинг айтишларича, бу ерда дастлабки тарихий Ёйилма қишлоғи бўлган ва ўтган асрнинг 20-йилларида қишлоқ ҳозирги жойга кўчган. Воҳанинг сўнгги ўрта асрлар суғорилиши тарихи бўйича тадқиқотлар ўтказган С.Анорбоевнинг фикрича Равотсой сувлари қадимда Ёйилмагача оқиб борган. (Анарбаев С., 1971. с. 5-6)

Хулоса қилиб айтганда, мақолада Жиззах беклигининг ташкил топиши, унинг географик ҳудуди ва жой номлари сўнгги ўрта асрлар даврига оид ёзма манбалар асосида ўрганилди. Ўрганиш натижасида Жиззах беклигининг маъмурий маркази бўлган Жиззах шаҳри ва унинг теграсидаги ҳудудларнинг тарихий-географиясига оид илмий мулоҳазалар билдирилди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Анарбаев С. Из истории орошения Джизакского оазиса (1917-1967 гг.) //Автореф. дисс. кан.ист.наук Т: 1971. с. 5-6
2. Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. Д.: 1980.
3. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных людей (география). Т: «Фан» 1977, с. 57.
4. Массон М.Е. Проблема изучения цистерн-сардоба. Издание Комитета наук при СНК Уз.ССР. Т: 1935, с. 43; Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. Д.: 1980.
5. Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. С.: 1957. с. 38
6. Норқулов Н, Жўраев У. Ўзбекистон тарихи. «Шарқ» Т: 2000, 91 б.
7. Низомиддин Шомий. «Зафарнома» Т: 1996.
8. Рахимов Ж. Ўзбекистон тарихи. «Ўқитувчи» Т: 1999, 131 б.
9. Пардаев М., Суюнов С. Шимолий - Ғарбий Уструшонанинг суғорилиши тарихидан //Ўзбекистон қадимда ва Ўрта асрларда. Самарқанд, 1995, 8 б.
10. Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома 1997.
11. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома («Шарафномайи шоҳий»). Биринчи китоб. Т: 1999.
12. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома («Шарафномайи шоҳий»). Иккинчи китоб. Т: 2000.

УСТРУШОНАНИНГ ЎРТА АСР РАБОТ ВА КАРВОНСАРОЙЛАРИ ХУСУСИДА

Пардаев М., Пардаев Ш., – ЎзР ФА
Археологик тадқиқотлар институти

Шимолдан Чоч, шарқдан Фарғона, ғарбдан Суғд тарихий-маданий ўлкалари билан чегараланиб, ўзига хос учбурчак ҳудуд ўртасида жойлашган Қадимги Уструшонада мавжуд географик ўрин ва табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, азалдан локал хусусиятларга эга хўжалик юритиш асосида ҳаёт шаклланган. Сангзор ва Зоминсувдек дарёчалар, Туркистон тизмаларидан бош олган ўнлаб сой ва булоқларнинг тоғ ва тоғ олдидаги нисбатан чегараланган ҳавзаларида, камида илк темир давридан бошлаб ўтроқ деҳқончиликка, Мирзачўл, Қизилқум даштларида эса кўчманчи чорвачиликка доир хўжаликлар маданиятига асос солингани археологик тадқиқотлар орқали аниқланган.

Илк антик даврдан бошлаб Уструшонада шаҳар маданияти равнақи бошланган. Бу давр шаҳарлари Уструшонанинг шарқий қисмида Фарғона таъсирида ривожланган бўлса (Нуртепа маданияти), ғарбий қисмида Марказий Суғд таъсирида тараққий этган (Қалиятепа). Ўлкада шаҳарларга

қараганда қишлоқ маконларига, хусусан, аксарият ҳолатларда мудофаа деворлари билан ўралган қалъа, қўрғон, работ қурилишига катта аҳамият берилган. Шу сабабли, ўрта аср муаллифлари Уструшонани “400 қалъа-работли мамлакат” деб аташган (1). Ушбу мақола Уструшонанинг работ ва карвонсаройлари таҳлилига бағишлангани сабабли, аввало мавзуга оид баъзи атамаларнинг этимологиясига қисқача тафсиф беришни лозим топдик. Хусусан, “рабад” - арабча сўз бўлиб, бундай иншоотлар ўрта аср Шарқ мамлакатларининг, жумладан Мовароуннаҳр шаҳарларининг ҳунармандчилик устахоналари, савдо дўконлари, ишлаб чиқариш маҳаллалари жойлашган алоҳида таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатган. Бундай рабадлар VII-VIII асрларда арк, шаҳарларнинг шаҳристони атрофида қурилган бўлиб, улар бир ёки бир нечтани ташкил қилган; “работ” – арабча сўз бўлиб, бу каби иншоотлар ўрта асрларда исломни қабул қилган ўлкаларнинг чегара ҳудудларида, турли қабилалар, хусусан чорвадорларнинг талончилик юришлари кутиладиган чўл, дашт мавзеларда, ислом лашкарлари - ғозийларнинг мудофаа қароргоҳлари сифатида бунёд этилган. Работлар мустаҳкам мудофаа деворларига, бурчаклар ва девор марказларида ҳарбий бурж ва миноралларга эга бўлган. Карвонсаройлар асосан шарқ мамлакатларида, муайян шаҳарлар, давлатлар, минтақаларни боғлаган марказий йўллар, бу йўлларнинг транзит тармоқлари ва шаҳобчалари йўналиши бўйлаб қурилган иншоотлар бўлиб, улардан карвонлар тўхтаб, тунаб ўтадиган манзил сифатида фойдаланилган. Карвонсаройлар қурилиш лойиҳаси одатда бир хил кўринишда бўлган, мустаҳкам тўрт девор яъни ўртасида ҳовли, ҳовлининг атрофи бир, икки қаватли ҳужралар билан ўралган, ҳарбий минорали қалъабанд кўринишидаги истеҳком - иншоот бўлган. Таъкидлаш жоизки, вақт ўтиб юқорида таърифланган турдаги иншоотлар, яъни работлар - ғозийлар қароргоҳларига эҳтиёж қолмаган. Бунга сабаб, Мовароуннаҳрда ислом дини қатъий қарор топган, марказлашган қудратли давлатлар таъсирида, хусусан сомонийлар давридан бошлаб ўтроқ ва кўчманчилар ўртасида стабил ҳолат юзага келган ва шу сабабли, работлар карвонсаройларга айлантирилган.

Уструшонанинг аҳоли зич жойлашган энг чекка шимолий-ғарбий қисми (Жиззах воҳаси)нинг ривожланган ўрта асрлар археологияси ниҳоятда суст ўрганилган ва шу боис бу даврнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига даҳлдор кўплаб масалалар ҳануз ўз ечимини топгани йўқ. Ваҳоланки, IX-XII аср тарихчи географлари асарларида бу ҳудуддаги шаҳар ва кентлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилган. Ушбу манбалардаги маълумотларга қараганда, Фекнон рустоқининг бош шаҳри Дизак, Суғд ва Шош ўлкаларини боғловчи шимолий-ғарбий карвон йўли ёқасида, Сирдарё бўйи кўчманчи чорвадорлари билан чегара мавзеида жойлашган. Ал-Муқаддасий Дизак ҳақида “...текис ерда жойлашган шаҳар, аҳолиси зич, ҳавоси соф, оқар суви тоза, хуштаъм, боғ ва экинзорлари кўп, карвонсаройлари эшиги савдогарлар ва сайёҳлар учун ҳамиша очиқ”, - деб ёзади. Шунингдек, муаллиф эътирофига кўра, жиззахликлар тивит(жун)дан тайёрланадиган ажойиб матолари ва ундан тикиладиган кийим-кечаклари, гиламдўзлик, намат босиш билан машҳур бўлишган. “Худуд ал-Олам”нинг номаълум муаллифи эса, “Дизак ҳам оқар сув яқинидаги (Сангзор - М.П.) унча катта бўлмаган шаҳар, унинг ёнида Марсманд деган мавзе бор, ҳар йили у ерда бир марта савдо ярмаркаси ўтказилади, айтишларича, ундаги бир кунлик савдо муомаласи юз минг динордан ошади”, - деб маълумот беради (Пардаев, 1994, 49 с.). Ҳақиқатан ҳам ўзининг географик ўрни туфайли Фекнон рустоқининг бош шаҳри Дизак сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ва айниқса, карвонлар савдосида бир қатор қулайлик ва имтиёзларга эга бўлган. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг қуруқликдаги “савдо бандаргоҳи” сифатида эътироф этилган Дизак Самарқанд учун Я.Ғуломов таъбири билан айтганда, табиий “шарқий дарвоза” вазифасини ўтаган (Гулямов, 1961, с. 92-93). Чунки Самарқандни Хитой ва бошқа шарқий мамлакатлар билан боғловчи карвонлар деярли барча ҳолларда Дизак ва Илонўтти дараси (Темир дарвоза - М.П.) орқали қуйидаги манзил ва йўналишлар - Хитой-Шарқий Туркистон-Чоч-Дизак; Хитой-Фарғона-Ховос-Дизак; Хитой-Фарғона-Бунжикат-Сабат-Зомин-Дизак бўйича ўтган.

Жиззах работлари ҳақидаги юқоридаги маълумотларни А.Ю. Якубовский фикрлари билан давом эттирамиз. Унинг ёзишича, “работлар аслида мудофаа постлари бўлиб, улар кўчманчиларга қарши бунёд этилган (воҳа - М.П.) деворлари тизимига кирган, ёки бир-биридан муайян масофада жойлашган ҳолда мустақил мудофаа иншоотлари сифатида фаолият кўрсатган. Маълум, вақтдан сўнг (яъни, араб истилосидан кейин - М.П.) работ номи билан аталган, мудофаа иншоотларига эга қалъа-қўрғонлар савдо йўллари ёқасида бунёд этилади” (Якубовский, 1950, с. 169).

Ўрта аср муаллифлари ал-Истаҳрий, Ибн Хавқал, ас-Сомонийнинг маълумотларига қараганда, Фекнон рустоқининг кўчманчи даштликлар юрти билан туташ, чегара мавзейида, Дизак шаҳридан 1-2 фарсах масофа узоқликда Уструшона афшини Ковуснинг ўғли, валиаҳд Ҳайдар ал-Афшин ташаббуси билан IX асрнинг биринчи чорагида бунёд этилган Худайсар работи жойлашган. Ал-Истаҳрийнинг таъкидлашича, “... ушбу работ сингари ёғийлар (кўчманчилар - М.П.) юртига жуда яқин жойда қурилган бошқа бирорта работ йўқдир” (Материалы по истории киргизов и Киргизии, 1973, с. 27). Ибн Хавқал “бу каби обод ва фаровон работ бутун Самарканд вилоятида ягонадир” деб Худайсарни таърифлаган ҳолда, у ҳам ал-Истаҳрийнинг фикрларини такрорлаб работни “ёғийлар мамлакати” га яқин жойдалигини таъкидлайди (Бетгер, 1957, с. 20). Муаллифлар “ёғийлар юрти”, “душманлар мамлакати”

ибораларини қўллаганда, албатта исломни кабул қилган ўтроқ деҳқон ва ҳунарманд аҳоли устига вақти-вақти билан талончилик юришларини уюштириб турган ўрта Сирдарё бўйи кўчманчи чорвадор қабилаларини, хусусан, ўғузларни назарда тутишган.

Таъкидлаш жоизки, Худайсар работи ва унинг жойлашган ўрни ҳақида махсус қидирув тадқиқотлари олиб борилмаган бўлсада, бир қатор мутахассислар сайёр, умумий қидирув тадқиқотлар даврида бу ҳақда фикр билдиришган. Хусусан, 1975 йилда Жиззах воҳаси археология ёдгорликлари мажмуасини тузиш буйича қидирув тадқиқотлари ўтказган Ў.Алимов Худайсарни Жиззах воҳасининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган Кўкрават ёдгорлиги ўрнида бўлган, деб таъкидлайди (Алимов, 1975, 2 с.) 1991 йилда ушбу мазмунда биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотларда ушбу фикрни қўллаб-қувватловчи бир қатор маълумотлар аниқланди. Хусусан, Жиззах тумани Ҳ.Олимжон жамоа хўжалигининг Қоровултепа мавзеида жойлашган Кўкрават ёдгорлиги Қалиятепадан 7-8 км шимолда, Ўрдадан 15-16 км шарқда жойлашгани қайд этилди. Шунингдек, ёдгорликнинг ер ўзлаштириш ишлари даврида фақат марказий қисми (65х65 м; баландлиги 3 м атрофида) сақланиб қолган бўлиб, унинг усти ва ён атрофидан IX-X; XI-XII асрларга оид сопол идиш парчалари, 21х21х4 см қолипдаги сомонийлар даври ғиштлари йиғиб олинди. Маҳаллий аҳолининг сўзларига қараганда, 1980-йилларнинг охирида ер ишлари пайтида, Кўкраватнинг шарқий томонидан қадимги қудуқ ўрни топилган. Қудуқнинг тепа қисми пишган ғишт билан айлантириб ихота қилинган. Шунинг билан бирга, Кўкраватнинг шарқий томонига қадар, жанубий-ғарбдан шимолга қараб йўналган Уруқулисой бир пайтлар Сангзордан бош олган деган фикрлар ҳам мавжуд. XVI асрда битилган “Абдулланома” (“Шарафномайи шоҳий”) асарида Кўкрават мавзеси ҳақида ва Абдуллахон II (1557-1597)нинг бир неча бор у ерда тўхтаб ўтгани, шикор уюштиргани ҳақида маълумотлар бор. Бундан кўриниб турибдики, Кўкрават кейинги даврлар, хусусан, XVI асрда ҳам карвонлар, ҳарбий қўшин тўхтайдиган қўналға вазифасини ўтаган. Ушбу бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда биз машҳур Худайсар работини Кўкрават ўрнида бўлган, деган фикрга келганмиз (Пардаев, 1991, с. 65-66).

Ўрта аср муаллифлари асарларида Ҳасан работи номи билан қайд этилган навбатдаги карвонсарой X асрда Бадр Қушайр исмли шахс томонидан Дизак шаҳрида ёки шаҳарга анча яқин жойда, Абу Аҳмад работи ҳамда Катвондиз Суғд ва Уструшонанинг чегарасида қурилгани баён этилган.

Мазкур карвонсаройларнинг жойлашган ўрни сўнгги пайтларга қадар аниқланмаган эди. Ҳолбуки, Жиззах атрофи ва Зомин ўртасидаги ҳудуд археологик ёдгорликларини ҳисобга олиб, ўрганиб чиққан мутахассисларнинг қайд этишича, ўрта асрларда бу мавзеда 10 га яқин карвонсаройлар фаолият кўрсатган. Хусусан, Қорақўйли қишлоғи яқинидаги Сарбозтепа, Учтепа жанубидаги Кўкрават, Галақудуқ мавзеидаги Ғишттепа, Равот қишлоғидаги Қўрғонтепа, Ғулбо қишлоғи шимолидаги Тўрткўлтепа, Оқбулоқ қишлоғидаги Мачитлитепа, Фориш туманидаги Калтепа шулар жумласидандир.

Одатда, карвонсаройлар қурилиши меъморчилигининг асосий тамойилларига узоқ ўтмишда асос солинган бўлиб, унинг таркибида марказий ҳовли, ҳовлини тўрт томондан ўраб турган айвонлар, одамлар яшаши учун ҳужралар, юк сақланадиган омборхоналар, от-уловлар учун олди ёпиқ сайисхоналардан иборат бўлган. Баъзи ҳолларда карвонсаройларда унинг ҳажми, мамлакат иқтисодиёти ва бошқарув маъмуриятида тутган ўрни ва географик жойлашувига кўра, масжидлар ҳам бунёд этилган. Бундай иншоотлар сирасига Бухоро воҳасида қорахонийлар даврида қурилган ва фаолият кўрсатган машҳур Работи Малик карвонсаройини мисол қилиб келтиришимиз мумкин (Немцева, 1989, 10-бет; Ушбу муаллиф, 2002, 237-бет). Карвонсаройлар қурилиш лойиҳаси бўйича тўғри тўртбурчак, квадрат шаклида бўлиб, улар тўрт томондан баланд, қудратли мудофаа деворлари билан ўраб олинган, деворларнинг тўрт кунжагида ва баъзан дарвозалар икки ёнида ҳарбий буржлар барпо қилинган. Карвонсаройларнинг дарвозалари аксарият ҳолларда ягона бўлган, лекин икки дарвозали бундай иншоотлар ҳам фаолиятда бўлган. Фикримизча, икки дарвозали карвонсаройларда муайян қулайлик яратилган бўлиб, уларнинг биридан одамлар, иккинчисидан от-уловлар кириб-чиқиши учун фойдаланилган. Ўрта аср меъморлари ва бинокорлари карвонсаройлар дарвозаларини шакли ва маҳобатли кўринишига алоҳида эътибор беришган, чунки, дарвозалардаги нодир меъморий унсурлар бутун карвонсаройни кўркини очишга хизмат қилган. Дарвозаларнинг икки ён томони, одатда мудофаа девори билан чамбарчас - монолит ҳолда кўтарилган, унинг тепаси, яъни пештоқнинг ички қисмида учқур гумбаз (свод) шакллантирилган. Пештоқнинг орқа томони, хусусан дарвозанинг давоми арка усулида ёпилган, ундан отлиқ, арава бир вақтнинг ўзида кириб-чиқиши мумкин бўлган. Карвонсаройларнинг бу хилдаги кириш-чиқиш комплексларига бақувват ёғочдан ясалган, икки табақали дарвозалар ўрнатилган (Пугаченкова, 1967, 106-108-бет).

Тўрткўлтепа ёдгорлигида ўтказилган дастлабки илмий таҳлиллар ва қазув тадқиқотлариданоқ унинг функционал фаолиятига аниқлик киритилди ҳамда фақат ўзига хос бир қатор хусусиятлари қайд этилди. Жумладан, карвонсаройнинг майдони 110х110 м бўлиб, бу шу пайтгача Моваройуннаҳрда ўрганилган барча карвонсаройлар ҳажмидан каттадир. Тўрткўлтепани ўраб турган ташқи деворларининг эни ҳам 4 м атрофида, ушбу ҳолат ҳам карвонсаройлар меъморчилигида жуда кам учрайдиган воқелик бўлиб, мақсад иншоотнинг мудофаа қудратини ошириш бўлганидан далолат беради. Зеро,

карвонсаройнинг шимолида ястанган чек-чегарасиз чўл-дашт ҳудудлар “ғўзлар мамлакати” деб аталиб, унда кўпинча савдо карвонларининг кушандаси ҳисобланган жанговар кўчманчи қабилалар яшар эди. Ёзма манбаларда айнан ушбу ўлкада, хусусан, Жиззах ва Ховос чўлларида сомонийларнинг сўнгги ҳукмдори Ибн Мунтасир қўшинлари билан қорахонийлар ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтгани эътироф этилган. Таъкидлаш лозимки, бу муҳорабаларда ғўз қабилалари сомонийлар тарафида туриб жанг қилганлар (Грицина, 1999, 68-бет).

Тўрткўлтепа қурилиши лойиҳасида карвонсаройларнинг анъанавий тўрт айвонлик усулига риоя қилинмаган - ёдгорлик микрорельефига кўра, унда фақат учта айвон солинган. Бундан ташқари, марказий кириш комплексининг рўпарасида, жанубий деворда карвонсаройнинг иккинчи дарвозаси ҳам бўлган.

Бир-бирига қарама-қарши икки дарвозали карвонсаройлар, одатда, илк карвонсаройлар ҳисобланиб, улар араб истилосидан аввалги даврларга хосдир. Бундай карвонсаройларга Зомин атрофидаги Азлартепани (Древний Заамин, 1994, 25-бет), Бухоро воҳасидаги Пойкенд карвонсаройларини (Муҳаммаджонов, Адилов, Мирзаахмедов, Семёнов, 1998, 117-бет) мисол қилиб келтириш мумкин. Ва албатта, энг эсда қоларлиси ва археология қазув ишларидаги нодир ҳодисалардан бири Тўрткўлтепанинг марказий дарвозаси равоғининг бизнинг кунларгача бус-бутун сақланиб қолганлигидир. Равоқ хом ғиштдан бўлиб, унинг сақланиб қолган баландлиги 5 м атрофида бўлган.

Археологик қазишмалар давомида 14 м.ли кириш айвони - долоннинг бир қисми очилган ва у орқали кенг ҳовлига кирилган. Долоннинг деворлари пахса блоклари ва хом ғиштлардан кўтарилган, пол сатҳига тош плиткалар ва йирик қайроқтошлар терилган. Кўплаб сопол идишлар намуналари, танга, пишган ва хом ғиштлар Тўрткўлтепа карвонсаройини X аср, эҳтимол янада аввалроқ давр билан саналаш имконини беради. Карвонсарой ўзининг узоқ, давомли фаолияти пайтида бир неча марта қайта қурилган, таъмирланган ва дастлабки қурилиш лойиҳасига ўзгартиришлар киритилган. Долон деворлари сувоқлари кўп маротаба таъмирлангани сабабли бир неча қатламдан иборат бўлиб, унинг умумий қалинлиги 10 см.га етган. Энди, Тўрткўлтепа карвонсаройининг фаолият даврлари ва инқирозга юз тутиш сабаблари ҳақидаги хулосалар ҳакида фикр юритсак. Карвонсаройни очиш мобайнида ўрганилган маданий қатламлар ва топилмалар таҳлилига қараганда, Тўрткўлтепада мўғуллар истилосига қадар ҳаёт тўхтаган. Бунга катта эҳтимол билан Мухдммад Хоразмшоҳнинг XIII аср бошларида, қорахитойларга қарши ҳарбий юриши, яъни Шош, Фарғона, Уструшона вилоятларининг кўплаб турар-жойларини вайрон қилиши сабаб бўлган. Карвонсаройларнинг бунёд этилган даври эса унинг ёзма манбаларда зикр қилинган карвонсаройларнинг қайси бирига тўғри келиши масаласи билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқорида 5та аср тарихчи-географларининг Уструшона карвонсаройлари ҳақида фикрлари билан атрофлича бўлсада танишдик. Манбалар маълумотига кўра, Уструшонадаги карвонсаройларнинг энг машҳури Худайсар работи валиаҳд ал-Афшин ташаббуси билан Дизак (Жиззах) шаҳридан 1-2 фарсах узоқликда, “ғўзлар мамлакати” билан чегара мавзеида бунёд этилган. Табиийки, манбаларда бу қадар шон-шарафли тарзда таърифланган Худайсар карвонсаройи ва унинг жойлашган ўрнини аниқлаш бўйича бир қатор мутахассислар изланишлар ўтказишган ва бу хусусда ўз фикрларини билдиришган.

А.Грицинанинг фикрича, Тўрткўлтепа карвонсаройида ўтказилган қазув ишлари натижасида бу тарихий иншоотни сомонийлар даврида қурилгани аниқланган. Лекин, карвонсарой қурилишининг айрим усуллари, хусусан йирик ҳажмли пахса блок қаторлари билан хом ғиштлардан кўтарилган деворларнинг алмашлаб, устма-уст урилиши, иншоот X асрдан аввалроқ қурилган булиши мумкин, деган тахмин бор.

Шундай қилиб, карвонсаройнинг катта майдони, маҳобатли меъморий қурилишларнинг мавжудлиги, унинг шимолида, яъни “ғўзлар мамлакати” сарҳадларида бошқа работларни қайд этилмагани, аксарият ҳолларда бундай улкан карвонсаройларни чегара зоналарида қурилгани ва албатта, моддий маданият намуналари орасида сомонийлар даврига оид топилмаларни борлиги, Тўрткўлтепа карвонсароийи ўрнида манбаларда тилга олинган машҳур работ фаолият кўрсатганини билдиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимов У. Отчёт Джизакского археологического отряда по составлению свода археологических памятников. –Самарканд, 1976.
2. Бетгер Е.К. Извлечения из книги “Пути и страны” Абу-л-Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ. –Ташкент, 1957
3. Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар. // ИМКУ. Вып. 2. -Ташкент, “Фан”, 1961.
4. Грицина А.А. и др. Древний Заамин. –Ташкент, “Фан”, 1994.
5. Грицина А.А. О погребениях в хумах в Зааминском тумане // ИМКУ. Вып. 30, Самарқанд, 1999.
6. Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып.1. –М.,1973.

7. Мухамеджанов А.Р. К этимологии топонимов “Сабот” и “Рабат” (К изучению рабатов на торговых путях) // Города и караван-сараи на трассах Великого Шёлкового пути. ТД. –Ургаенч, 1991.
8. Немцева Н.Б. Каравннамы дорогами голодной степи // Вехи времен. Рассказы о памятниках истории и культуры Узбекистана. -Ташкент, 1989.
9. Пардаев М.Х. К археологическому изучению замков-рабатов Джизакского оазиса // Города и караван-сараи на трассах Великого Шёлкового пути. ТД. –Ургаенч, 1991.
10. Пардаев М.Ҳ. Қадимги Фарғона ва Уструшонанинг моддий-маданий алоқалари. Фарғона қадим ва ўрта асрларда. (Профессор Ю.А. Заднепровскийнинг 70 йиллиги муносабати билан тайёрланган мақолалар тўплами). –Самарқанд, 1994.
11. Пардаев М., Грицина А. Тўрткўлтепа карвонсаройи // Қадимий Зомин (тарих, археология, нумизматика, этнография). –Тошкент, 2018.
12. Якубовский А.Ю. Итоги работ Согдийско-Таджикской археологической экспедиции в 1946-1947 гг. // МИА. № 15. –М.-Л., 1950.

САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ТАЪЛИМИНИ ЎҚИТИШДА ХАЛҚ ТАРИХИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Пирматов М., - ЎзДСМИ ўқитувчиси

Мен шунга аминман-китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ. Фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият манбаи бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки биз учун ёд бўлган ғояларни ёшларимиз онгига сингдираётган зарарли ахборотлар асосида шаклланишига мен мутлоқо қаршиман.

Ш. М. Мирзиёев

Ўзбекистон халқининг тарихи жуда бой ва қадимийдир. Зеро, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёркин из қолдирганлар.

Тарихий-ҳуқуқий ва маданий манбаларни ўрганиш араб алифбосида битилган туркий, форсий ва араб тилларидаги тарихий асарлар, машҳур ёдномалар, илмий қомуслар, тазкиралар, турли хил ҳужжатлар, ёрлиқлар, фармон-фармойишлар, шажаралар, вақфномалар, васиқалар ва бошқа хужжатлар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш ўзлигимизни англаш, ватанимиз, халқимиз, давлатимиз, маданиятимиз ва ҳуқуқимиз тарихига оид мукаммал билимларга эга бўлишимизни таъминлайди.

Ушбу вазифаларни бажариш учун эса Ўзбекистон давлати, маданияти тарихи, сиёсий таълимотлар тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар манбашуносликни пухта ва мукаммал билишлари лозим. Масаланинг яна бир нозик, аммо ҳал этилиши мумкин бўлган жиҳати ҳам мавжуд бўлиб, мазкур манбаларнинг араб алифбосида эканлиги ҳамда тадқиқотчиларнинг хорижий шарқ тилларини билмасликлари муаммосидир.

Манбашунослик тарих фанининг асосий ва муҳим тармоқларидан бири бўлиб, турли манбалар-моддий, этнографик, археологик ва ёзма маданий ёдгорликларни қидириб топиш, улардан илмий фойдаланиш назарияси ва амалиёти устида тадқиқот олиб боради. Тарихий манба деганда узоқ ўтмишда содир бўлган воқеъа ва ҳодисалар, табиат ва жамиятнинг муайян босқичида рўй берган кечмиш ҳақида тасаввур ва маълумотларни ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликлар тушунилади.

Моддий маданият ёдгорликлари туркумига кўҳна манзилгоҳлар, мозор ва хилхоналар, шаҳарлар, масжид-мадрасаларнинг бинолари, қадимий деворлар, қасрлар ва қалъаларнинг харобалари. Сардобаларнинг қолдиқлари, уларда топилган турли ашё ва жиҳозлар, суғориш тизими иншоотлари, турли тангалар, ўйиб ишланган ҳар хил суръатлар, ҳайкаллар, тош ва бошқа қаттиқ предметлардаги ёзувлар киради.

Маънавий маданият ёдгорликлари туркумига эса, узоқ ўтмишдан қолган қўлёзмалар, одамларнинг туриш-турмуши ва урф-одатларини акс эттирувчи материаллар ҳамда одамлар онгида сақланиб қолган анъана ва тамоиллар, аждодлардан авлодларга ўтиб келган ривоятлар, акфсона ва халқ оғзаки ижоди кабилар киради. Хуллас, табиат ва жамият ўтмиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ашё ва маълумотлар тарихий манба сифатида намоён бўлиши мумкин[1].

[1] Қаранг: Ахмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари манбалари. –Т., 1991.-Б.8.

Манбашунослик асосий вазифаси турли фан соҳаларига тегишли бўлган манбаларни топиш, уларни туркумларга ажратиш, чуқур ва атрофлича тадқиқ ва таҳлил этиш, манбада акс этган ёки баён этилган воқеа-ҳодисалар, манбада келтирилган фактлар ва далиларнинг аниқ ва объективлигини аниқлашдан иборат.

Ўзбек манбашунослиги мактабининг асосчиси академик Б.А.Аҳмедов тарихий манбаларни, уларнинг умумий хусусияти, ўтмишни ўзида акс эттиришига қараб қуйидаги асосий беш гуруҳга бўлиш мумкинлигини таъкидлайди:

1) моддий (ашёвий) манбалар жумласига ибтидоий одамлар истиқомат қилган ва дафн этилган жойлар, уларнинг меҳнат ва турмуш қуроллари, бино ва турли иншоотлар (қалъалар, қасрлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар)нинг қолдиқлари ва уй-рўзғор буюмлари киради;

2) этнографик манбалар халқларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ материаллар ва маълумотлар, масалан, халқ, қабила ва уруғ номлари, қурол ва буюмларнинг нақш ва безаклари, кишилар онгида, шунингдек оғзаки ва ёзма адабиётларда сақланиб қолган ўтмиш тамоиллари (урф-одат ва анъаналар), кишиларнинг турмуш тарзи кабиларни ўз ичига олади;

3) халқ оғзаки адабиёти маданиятнинг энг қадимги соҳаларидан бўлиб, унинг илдизи ибтидоий жамоа ва илк давлатларнинг вужудга келиши даврига бориб тақалади. Унинг баъзи намуналари қадимги юнон тарихчилари, шунингдек Табарий, Масъудий, Беруний, Фирдавсий, Ибн ал-Асир каби шарқ олимлари асарлари орқали бизгача етиб келган. Қаюмарс, Жамшид, Сиёвуш, Афросиёб ҳақидаги афсоналар, Тўмарис ва Широқ ҳақидаги қисса ва ривоятлар шулар жумласига киради. Ёзма адабиётнинг пайдо бўлишидан олдин мавжуд бўлган бу халқ оғзаки ижодиётида ижтимоий табақаларга мансуб кишиларнинг туриш-турмуши, маънавияти урф-одати, айниқса узоқ ўтмишда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар ва уларни тартибга солиб туришда муҳим ўрин тутган одат ҳуқуқи ҳақида қимматли маълумотлар ўз ифодасини топган;

4) лингвистик манбалар ҳам давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири ҳисобланиб, мазкур муаммонинг ечимини топишда ўта муҳим омил сифатида хизмат қилади. Тилимизда, аниқроғи, луғавий хазинамиз таркибида қадим ўтмишдан қолган ижтимоий-иқтисодий, айниқса, сиёсий-маъмурий ва юридик атамалар: ябғу-хоқаннинг биринчи ўринбосари ёки бош вазир; тегин-тахт вориси, шаҳзода; сўл қўл эл қусай, ўнг қўл эл қусай-вазирлик мансаблари[1], пайцза – ёрлиқ; мол- хирожнинг синоними бўлиб, даромаддан олинадиган асосий солиқ; қози (шариат асосида иш юритувчи судья); ёрлиқ (олий ҳукмдорлар чиқарадиган расмий юридик ҳужжат) ҳам ўрин эгаллаган.

5) ёзма манбалар тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий туридир. Улар жамиятнинг ижтимоий ҳаёти, кишиларнинг ўзаро муносабатлари натижасида вужудга келган ва ўша замонларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисаларни акс эттиради. Бу манбалар ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Ёзма манбаларнинг мазмуни, моҳияти ва хусусиятидан келиб чиқиб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга маҳаллий ҳукмдорлар чиқарган расмий ҳужжатлар: ёрлиқлар, нишонлар, фармонлар, иноятномалар, молиявий ҳисобот дафтарлари, расмий ёзишмалар кабиларни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ эса, тарихий, гео-космографик, биографик асарларташкил топади. Ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатларга оид масалаларни ўрганишдаги расмий ҳужжатлар, молиявий ҳисоб-китоб дафтарлари ва ёзишмалар алоҳида аҳамият касб этади. Расмий ҳужжатларда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг маълум юридик шаклда ва аксарият ҳолларда, у ёки бу нусхасининг айнан, ўзгаришсиз қайд этилиши ҳуқуқий маданиятимиз тарихи ҳақидаги далил ва маълумотларнинг ҳақиқатга нақадар яқин эканлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, расмий ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни маълум юридик шаклда бевосита ва кўп ҳолларда айнан қайд этиши билан қимматлидир. Бинобарин, ҳужжатларни тадқиқ этишда, улар устида иш олиб боришда, аниқроғи, уларда баён этилган ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисаларни, у ёки бу маълумотларни талқин этиш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнида ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ лозим. унда биргина ҳужжат ёки маълумот билан чекланиб қолмасдан, балки уларни бошқа далиллар билан солиштириб, қиёсий ўрганиб, уларнинг тўғрилиги ва

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, манбашунослик қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги кунгача маълум тажриба ва кўникмалар ҳосил қилди. Кўплаб ёзма ёдгорликларнинг энг асосийлари асл нусхада факсимилиеси, танқидий матни ва илмий изоҳли таржималари чоп этилди.Турли қўлёзма фондлари, музейлар, кутубхоналар, архивлар ҳамда шахсий жамғармаларда сақланаётган ёзма ёдгорликларнинг каталоглари тавсиф этилиб эълон қилинди. Маълум даражада манбашунослик соҳасидаги амалий ишлардан қўлга киритилган натижалар муайян соҳа мутахассислари томонидан умумлаштирилди.

[1] Қаранг: Тошга босилган қонунлар. Насимхон Раҳмонов билан “Қонун ҳимочсида” журнали мухбирининг суҳбати//Қонун ҳимоясида.-1997.-№ 5. –Б.45.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов “Бешавқат синовлардан омон қолган энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, аҳлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир...”,[1] деб бежиз таъкидлаб ўтмаганлар.

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ҲАРБИЙ МЕЪМОРЧИЛИК ИНШООТЛАРИНИНГ ТОПОГРАФИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Полвонов Ҳ., – ЎзМУ
Археология кафедраси ўқитувчиси

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўрта Осиё қадимги давр жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ривожланишида содир бўлган ўзгаришлар неолит тарихий давр уруғ жамоалари фаолияти билан боғлиқ. Милоддан аввалги VI минг йилликларда Туркманистоннинг жанубидаги уруғ жамоалари дастлабки деҳқончилик соҳиблари бўлиб, содда қилиб режалаштирилган бир хил хажмдаги турар жойларда хўжалик фаолиятини олиб бориб, ҳунармандчилик, уй чорвачилиги ва деҳқончилик маданияти йўналишларини олиб бориб, шаҳарсозлик маданияти илдизларини ҳосил қилган (Жойтун, Чақмоқлитепа).[2] Жойтунликлар лой меъморчилигида мудофаа иншоотлари унча аҳамиятли бўлмаган. Қадимги Хоразм ҳудуди географик-геологик хусусиятларини тадқиқ қилган А.С. Кесь маълумотларидан маълумки, мил.авв. V-IV минг йилликларнмнг охирги чорагида Амударё қуйи ҳавзаси, Сариқамиш Узбой, Туямўйин ҳудудларида антропоген ландшафт ва иқлим шароити шаклланиб инсоният хўжалик фаолиятини олиб бориш имконияти вужудга келган. [3] Тадқиқотчи А.В. Виноградов асарларидаги маълумотлардан маълумки, Қуйи Амударё, Сариқамиш ва Узбой ҳудудларидаги уруғ жамоалари аҳолиси ўзлаштирувчи оддий хўжалик-овчилик ва термачилик билан шуғулланардилар, аммо бу тарихий даврда лой меъморчилиги, мудофаа иншоотлари билимлари етишмас эди (Калтаминор маданияти). [4] Мил.авв. IV-III минг йиллик ўрталаригача, Хоразм воҳасида тарихий жараёнда уруғ жамоалари дарё ирмоқлари соҳилларида ярим ертўла шаклидаги уй-жойларда ҳунармандчилик, термачилик, овчилик ва уй чорвачилиги йўналишларини ривожлантириб, неолит давридаги хўжалик анъаналарини давом эттирган, лекин лой меъморчилиги билими билан таниш бўлмаганлар. Бу тарихий даврда Қадимги Хоразм жамиятида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатларни Оролбўйи ҳудудидаги Саксовул бекатидаги манзилдан олинган ашёлар кенг маънода ёрита олмайди. [5] Қадимги Хоразм тарихи тадқиқотчиси С.П. Толстов хулосасига кўра, бронза даврида воҳага Жанубий Туркманистондан зироаткор ва шимоли-шарқий томондан чорвадор қабилалар кўчиб келиб Тозабоғёп ва Суёрган маданиятларини яратганлар. [6]

Б.И. Вайнберг Сариқамиш ҳавзасида олиб борган тадқиқотлари натижаларидан Сариқамиш, Узбойда сув оқими тўхтаб қолганлиги сабабли аҳоли Қуйи Ақчадарё ҳавзасига кўчиб келган, деб хулоса қилади. [7] Ҳақиқатдан ҳам, Сариқамиш ва Узбой ҳудудларида бронза даври манзиллари ўрганилмаганлиги сабабли тадқиқотчининг хулосасига қўшилиш мумкин. Мил.авв. VIII-VII асрлардан бошлаб, аҳолининг янги ҳудудларни ўзлаштиришини давом этиши (Сариқамиш ҳавзаси), меҳнат қуролларининг такомиллашиши билан бирга мудофаада қўлланиладиган қурол-аслахаларнинг пайдо бўлиши (ядро, ўқ-ёй ва бошқалар), жамиятнинг иқтисодий ҳаётида ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг устунлиги кузатилади. Милоддан аввалги VI асрдан бошлаб, Амударёнинг қуйи ҳавзаларида меъморчилик маданияти вужудга келди. Хорасмийлар меъморчилигида туб ўзгаришлар юз берди (Кўзалиқир). Юқорида қайд этилган тарихий жараёнлар билан боғлиқ ёзма манбаларни И.В. Пьянков ўз тадқиқотларида умумлаштирган.

Милоддан аввалги VI-V асрларда Хоразм воҳасида катта ва ўрта ҳажмдаги мудофаа девори билан ўраб олинган шаҳарлар кўчманчилар билан чегарада ҳимоя чизмғини, ҳажми кичик қишлоқ манзиллари ирмоқлар бўйлаб ички деҳқончилик воҳаларининг мудофаасини ташкил қилган.

---

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ//Мулоқот. -1998. -№5.-Б.12
[2] Массон В.М. Поселение Джейтун. Л.: Наука, 1972. С. 105-107.
[3] Кесь А.С. Антропогенное воздействие на формирование рельефа аллювиально-дельтовых равнин Амударьи // Культура и искусство древнего Хорезма. М.: Наука, 1981. С. 72-79.
[4] Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. // МХЭ. 1962. Вып.8; Уша муаллиф. Древние охотники и рыболовы среднеазиатского междуречья. М.: Наука, 1981; Итина М.И. Памятники первобытной культуры верхнего Узбоя. ТХЭ. Т.2.М.: Наука, 1958, С. 286-288.
[5] Гуломов Я.Г., Исломов У., Аскаров А., Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зеравшана. Т.: Фан. 1966. С.44-415.
[6] Толстов С.П. Древний Хорезм М.: Наука, 1948. С. 66-68.
[7] Вайнберг Б.И. Экология Приаралья в древности и средневековье // Этнографическое обозрение. 1997. №1. С. 25.

Хоразмнинг қадимги давр шаҳарларининг режалаштирилиши Сўғд, Фарғона, Бақтрия ва Марғиёна шаҳарлари қурилишида қўлланилган усулга жуда ўхшайди. Бақтрия ҳудудида Қизилтепа ёдгорлиги тўғри бурчак шаклида қурилган эди. [1] Айлана ва учбурчакка яқин шаклда Кўзалиқир, Ойбўйирқалъа, Шимолий Бақтрияда Ҳайитободтепа, [2] Фарғона водийсидаги Эйлатан, [3] Туркманистонда Эркқалъа каби қалъаларда намоён бўлган. [4]

Қадимги Хоразм тўғрисидаги ёзма манбалар маълумотлари лозим даражада ишончли бўла бошлаган ахоманийлар давридаги Хоразм ўзига хос этник қиёфага, шу жумладан тил, диний тасаввурлар ва урф-одатлар билан шарқий Эрон оламининг бир қисми бўлганди. Хоразмликларнинг этномаданий хусусиятлари сарчашмаси асрлар қўйнига кириб боради. Бироқ архаик даврдаги (мил. авв. VII аср охири-VI-V асрлар) Хоразм аҳолисининг ўша ҳудудда жез ва илк темир даври (мил. авв. II аср-I аср боши)да яшаган аҳоли билан маданий ва генетик алоқаларини фанда ўрганишга эндигина киришилди. Гарчи архаик ва ундан кейинги даврлардаги Хоразмга хос бўлган шаҳар ва қишлоқ типидаги манзилгоҳлардаги ўтроқ турмуш анъаналари нафақат Хоразм ҳудуди, балки Ўрта Осиёнинг шаҳарлар пайдо бўлгунча мавжуд бўлган цивилизациялар кенг олами билан ҳам боғлиқ бўлганлигини тахмин этиш мумкин бўлса-да, бу муаммонинг кўп жиҳатлари ҳал этилмаган[5]. Бу жиҳатдан, эҳтимол, Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлашган жанубий минтақалари, жумладан, Бақтрия ва Марғиёнанинг ижтимоий-маданий таъсири, шунингдек Хоразмнинг ахоманийлар империяси таркибига кирганлиги муайян роль ўйнаган [6].

Қадимги Хоразм ҳарбий истеҳкомларининг юзага келиши ва амал қилишининг биринчи даври мил. авв. VII-VI асрларга тўғри келади. Кўзалиқир шаҳристони материалларига асосланиб, Хоразмнинг архаик даври икки: илк архаик ва сўнгги архаик босқичга бўлинди.

Кўзалиқир материалларининг типологик тахлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Хоразмнинг илк архаик даври ҳарбий Истеҳкомлари иншоотлар тарҳига кўра мунтазам бўлмаган, тепаликда жойлашган, ўлчамлари катта, қалъа деворларида бир қаватли этник йўлаклари бўлган гумбазсиз, текис бостирмали бўлган. Буржлари бир оз тўртиб чиққан, ички бўшлиғида йўлаклар йўқ. Истеҳком деворлари ва буржларида тўғри бурчакли шинаклар қўйилган. Шинаклар пахса девор қавати доирасида шоҳмот тартибида қўйилган. Уларнинг асоси горизонтал, кириш ва чиқиш туйнуклари тенг баландликда жойлашган. Илк архаик истеҳкомларнинг асоси бўлмаган, отиш йўлаклари анча паст жойлашган. Қурилиш материали ва техника ҳам кейинги даврдагилардан фарқ қилган.

Иккинчи босқичда Кўзалиқирда квадрат ғиштлардан тарҳи тўғри бурчак шаклидаги ҳимоя буржлари кўрилган. Деворида уч қатор шинаклар қўйилган. Шаҳристон қалъа девори билан икки қисмга бўлинган. Улардан бири тепаликнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. У шаҳарнинг дастлабки маркази ва қалъаси бўлган. Иккинчи қисми “Паст шаҳар” деб аталган [7].

Кўзалиқир бирламчи тузилма эканлиги шубҳасиз: ҳунарлар конструкцияси ибодат қилинадиган бинолар қолдиқлари, қалъа тўсиғи ичидаги аҳоли қатламлари ижтимоий жиҳатдан ҳар хил бўлганлиги шундан далолат беради.

Қалъалиқир 1 шаҳристони архаик давр охирига тааллуқли. Унинг тарҳи тўғри бурчак шаклида, ўлчамлари 1000 х 700 м. Деворлари буржлар билан кучайтирилган, тўрттала дарвозаси ҳам пешдарвоза адаштирма йўл ва буржлар билан ҳимояланган, улар дўнглик тарзида сақланиб қолган. Асос пойдевор устидаги уч қатор ўркач учта девор қолдиғидир. Ўркачнинг ўлчамига кўра, ташқи деворнинг қалинлиги 3,80 м, ўрта деворники - 2,80 м, ички деворники - 2,80 м бўлган. Шаҳристоннинг ғарбий қисмида, бевосита девор ёнида ахоманийлар монументал архитектураси анъаналари бўйича қурилган қаср биноси бўлган. Қаср ва истеҳком қуриб тугатилмаган, бу Хоразмнинг ахоманийлар ҳукми остидан чиқиши билан боғлиқ бўлса керак [8].

Шу даврдаги Хоразмга оид археологик жойлар рўйхатга олинган. Булар Амударёнинг ўнг соҳилида 250 дан зиёд, сўл соҳилида эса 60 та пунктга яқин. Уларнинг орасида Қанҳақалъа [9], Қўшқалъа, сўлсоҳил Тупроққалъа Тошхирмон сингари ва бошқа истеҳкомлар ҳамда истеҳкомли манзилгоҳлар бор.

Бироқ улардан аввал Хоразмга қарашли деб ҳисобланган айрим объектлар [1] хусусан Амударёнинг ўрта оқимидаги ёдгорликларга ҳозир мустақил вилоятлар сифатида қаралмоқда. Шунинг учун Хоразмнинг архаик даврдаги чегарасини аниқ белгилаш имкони бўлмаяпти.

---

[1] Беляева Т.В., Хакимов З.А. Древнебактрийские памятники Миршаде // Из истории античной цивилизации Узбекистана. Т.: 1973. С. 43-50.

[2] Сабиров К. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Средней Азии (VI тыс. до н.э.-IV в.н.э): Автореф. дисс. … канд. ист. наук. М., 1979. С.9-10.

[3] Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. 1962. №118. С.108-110.

[4] Усманова З. Древний Мерв. Ашхабад: Илим, 1963. С.20.

[5] Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, «Фан» 1993 г.

[6] Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. //МИА. 73. М.,-Л., «Наука» 1959 г.

[7] Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. М., Изд-во МГУ. 1948 г. С-77-80

[8] Толстов С.П. Работа Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1954-1956 гг. М., «Наука» 1959 г. С-153.

[9] Дурдыев Д. Археологические исследования на территории Ташаузский области. // Каракумские древности. Вып. V. Ашхабад, «Ылым» 1977 г. С-138-139.

Биз Македониялик Александр юришидан кейинги Хоразм тарихидаги йирик сиёсий воқеалар тўғрисида ёзма маълумотларга эга эмасмиз. бироқ бу давр археологик ёдгорликлари антик маданият равнақидан далолат беради.

Мил. авв. V-IV асрлар бўсағасида, ахоманийлар давлати таркибидан чиққач, Хоразм жамиятининг урбанизациялашуви жараёни бошланди, кўплаб шаҳар марказлари (Бозорқалъа, Катта Айбўйир, Хазорасп Оқшахонқалъа ва бошқалар) юзага кела бошлади, унинг маданий минтакаси чегараси кенгайди. Сўл соҳилда, шимолда у Устюрт жарлигигача, ғарбда - Сариқамиш кўли қирғоқларигача, жанубда - Заунгузу Қоракумигача етиб борди. Чегара қалъалар тизимини ташқил қилувчи ягона истеҳкомлар занжири бунёд этилди. Хоразмнинг жанубий чегарасида Капарас Хазорасп, Қалъажиқ Янгиариқ Тупроққалъаси, Олмаотишган, Хива Тупроққалъаси, Ичан қалъа (Хива) ва бошқа қалъалар жойлашган. Шимоли-ғарбий чегарасида эса Говурқалъа1, Кўнерлиқалъа Оқчагелин, Қанҳхақалъа, Шоҳсанам, Бутентовқалъа, Девкесган, Девкесган ғови, Катта Айбуйирқалъа, Оролбўйи дельтасида Миздахқон Говурқалъаси, Тўққалъа, Крантов, Порлитов, шимолда Султон Увайс тоғидаги Говурқалъа, Бурлиқалъа, Аёзқалъа 1 ва ниҳоят, шарқда Кичик Қирққизқалъа, Қўрғошинқалъа, Жонбосқалъа, Эресқалъа ва бошқа қалъалар жойлашган [2].

Мудофаада буржлар билан ҳимояланмаган бурчаклар каби заиф жойлар бўлмаслиги учун қалъалар баъзан думалоқ ёки овал шаклда қурилган. Бундай типдаги тарҳлар ҳам ҳарбий, ҳам ибодат вазифалари билан боғлиқ бўлган. Масалан, Кичик Қирққизқалъада овал тарҳ ҳарбий вазифа нуқтаи назаридан талаб қилинган, Қўйқирилганқалъа эса, афтидан, ҳарбий вазифадан кўра кўпроқ ибодат билан боғлиқ бўлган. Сўлсоҳил Тупроққалъа, Шовотдаги Тупроққалъа, Говурқалъа 3 манзилгоҳидаги монументал бинолар шундай тарҳда қурилган. Эресқалъа шаҳристонини ҳам шу типга киритиш мумкин. Хоразмнинг бу пайтлардаги чегаралари ғарбда мил. авв. IV асрдан бошлаб тепаликларда жойлашган чегара қалъалари бўйича белгиланади. Агар уларни жанубдан шимолга томон санаб чиқилса, булар - Қанҳхақалъа, Бутентов 1 ва 2, Девкесган, Катта Айбуйирқалъа ва бошқалардир. Бу қалъаларнинг бари, қоидага кўра, антик давр охиригача (мил. IV асргача) мавжуд бўлиб келган [3].

Кушонлар даврида Хоразмнинг марказий минтақаларида ҳам, чегара минтақаларида ҳам мудофаа иншоотлари қурилиши бўйича қадимги анъаналар сақланиб қолган. Аввалгидек, тарҳи тўғри бурчак шаклидаги Тупроққалъа, Бўлдимсоз, Қўрғонқалъа сингари ва бошқа истеҳкомлар етакчи тип бўлиб қолган [4].

Тарҳи тўғри бурчак шаклида, ўлчамлари 500 х 350 м бўлган Тупроққалъа шаҳристони I-III асрлардаги Хоразм ҳарбий архитектурасининг чўққиси бўлди. Қалъа деворлари пахса асосга қурилган, баландлиги ўртача 3 м, пилястр билан безатилган ва буржлар билан кучайтирилган. Деворлар ичидан икки қаватли отиш йўлаклари ўтган, шинаклар иккинчи қават даражасида қўйилган. Тарҳи тўғри бурчакли бўлган буржлар кўп бўлиб, улар девордан 9 м тўртиб чиққан. қаср шимоли-ғарбий бурчакда баланд (14,50 м) стилобат устида жойлашган, қалъа (3,24 га) шаҳристон мудофаа тизимига кирган .

Бу даврда Хоразм ҳарбий архитектурасида думалоқ кўринишдаги истеҳкомлар қурилиши кескин камайгани кўзга ташланади. I- III асрларда думалоқ шаклдаги бақувват деворли айрим қалъалар ўзининг мудофаа вазифасидан маҳрум бўлди [5].

Салафлар тажрибасидан фойдаланиш ва янги материални жалб этиш қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари таснифининг янги вариантини тахмин қилиш имконини беради. Ташқи аломатларни ҳисобга олиб, мудофаа иншоотларининг беш асосий типини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар: I шаҳар типидаги истеҳкомли манзилгоҳлар; II қалъалар; III истеҳкомли ибодат иншоотлари; IV истеҳкомли бинолар ёки казармалар; V узун деворлар.

Шаҳар типидаги истеҳкомли манзилгоҳлар - майдони 5 гектар дан 70 гектаргача бўлган йирик истеҳкомли манзилгоҳлар. Уларнинг контурини ташқи девор аниқ кўрсатиб туради. Булар, ўз навбатида, икки типга бўлинган:

Арк мудофаанинг сўнгги марраси бўлган қадимги шаҳарлар ҳарбий истеҳкомининг энг муҳим элементларидан биридир. Арклар кўхна шаҳарлар ҳаробалари юзасида яққол кўриниб, уларнинг ҳозирги рельефида аниқ ажралиб туради. Арклар Бозорқалъада, Оқшахонқалъада, Девкесганда, Эресқалъада, Тупроққалъада ва қадимги Хоразмнинг бошқа истеҳкомларида аниқланган.

Тупроққалъа каби Гавхоре канали ҳудудида жойлашган бақувват Думанқалъа арки ҳали текширилгани йўқ. Говурқалъа шаҳристони Миздахқон Шаҳрининг кўрғони бўлиши мумкинлиги ҳам мустасно эмас [1].

---

[1] Ершов С.А. Археологические памятники левого берега Амударьи. //ВДИ, № 1. 1941 г. С-185.

[2] Ходжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм Мудофаа иншоотлари (Мил.авв.VI асрдан милодий IV асргача) Тошкент.: “Ўзбекистон” 2007 й. 70-71-Б

[3] Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографияческой экспедиции в 1949-1953 гг. М., «Наука» 1958 г.С-71-72.

[4] Ходжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм Мудофаа иншоотлари (Мил.авв.VI асрдан милодий IV асргача) Тошкент.: “Ўзбекистон” 2007 й. 72-Б

[5] Койкырылган кала - памятник культуры древнего Хорезма IV в. до. э. - IV в.н.э. // М., «Наука». 1967 г. С. 70-90.

Хоразм арклари шаҳар истеҳкомлари умумий мудофаа тизимида муҳим бўғиндир. Улар ташқи душмандан ҳимояланиш учун энг қулай пунктда барпо этилиб, тарҳи тўғрибурчак шаклда, қалъа деворининг бурчакларидан бирида жойлашган. Арк деворлари икки хил бурж билан ҳимояланган. Бир хили ярим овал шаклда (Бозорқалъа) ва иккинчи хили тўғрибурчак шаклда (Оқшахонқалъа, Аёзқалъа 3, Думанқалъа, Тупроққалъа ва бошқалар), баъзан улар бурчак жойларда "қалдирғоч думи" шаклини олган (Бозорқалъа). Деворнинг отиш йўлаклари, афтидан, икки қаватли бўлган кўринади. Уларнинг пешдарвоза иншоотлари ҳар хил типда бўлган. Ички иморатлардан қаср, ибодатхона, аслаҳахона ва қалъа бошпанаси сифатида фойдаланилган. Афсуски, қадимги Хоразм қўрғонлари тўғрисида материаллар кам бўлгани учун уларни тўлиқ тавсифлашнинг имкони йўқ ва бу масала ўз тадқиқотини кутмоқда.

Хуллас, маълумотлардан кўриниб турибдики, Хоразм давлатининг ривожланиши Греция, Рим, Месопатамия каби узоқ ва қадимий тарихга эга. Хоразм Марказий Осиёдаги дастлабки деҳқончилик ва ҳунармандчилик ватани, оташпарастлик дини ва илм-фан, санъат ва маданият беқиёс ривожланган макон. Биз қисқача тарихини таърифлаган ҳар бир қўрғон ва қалъа харобаларининг ўзига қараб туриб, улкан тарихий китобда баён этилган чуқур маънони англаш мумкин.

Дарвоқе, воҳамиздаги тарихий ёдгорликларни бир умр ўрганган олим С.П. Толстов ва унинг издошлари ҳам, шунингдек академик Яхё Ғуломов ҳам Хоразм тарихига оид жуда кўп маълумот тўплаган бўлсалар-да, буни янада чуқурроқ ўрганиш кераклигини қайта-қайта уқтирганлар. Ҳақиқатан ҳам тарихимизнинг ўрганадиган томонлари жуда кўп. Айниқса, эрамиздан аввалги даврдаги воҳамиз тарихи мукаммал ўрганишни талаб қилади.

1980 – 1991 ЙИЛЛАР ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Примов М., – ЎзМУ таянч докторанти

Ўзбекистонда картография шўролар даврида сезиларли ривож топди. Халқ хўжалигининг тикланиши ва ривожланиши, янги ерларни кенг миқёсда ўзлаштириш ва суғориш махсус карталарни яратилишини тақозо этди. Лекин бу ривожланиш бир ёқлама бўлиб, метрополия манфаатларига бўйсунган эди.

1980 – 1981 йиллари Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) геодезия ва картография кафедраси ходимлари географлар билан ҳамкорликда Ўрта Осиё республикалари ичида биринчи бўлиб ўзбек ва рус тилларида республикамизнинг ўқув географик атласини яратдилар [1]. 1980 йили Ўзбекистоннинг биринчи "Ўқув-ўлкашунослик атласи" чоп этилди. Атлас лойиҳаси Ўзбекистон Миллий университетининг география факультети жамоаси ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг География бўлими ва умумий ўрта таълим муассасаларининг тажрибали методистлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Атласнинг қоғоз бичими 44 х 30 см, асосий карталарнинг масштаби 1:3 500 000 ва 1:5 000 000. Унинг умумий ҳажми 48 бет бўлиб, унда 37 та кўп рангли карта, турли хил диаграмма ва графиклар, тушунтириш матнлари, табиий ва хўжалик обьектларининг рангли фотосуратлари берилган [2].

Республикамиз пойтахти – Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан 1983 йилда комплекс "Тошкент географик атласи" чоп этилди. Атласнинг қоғоз бичими 25 х 35 см, асосий карталарнинг масштаби 1:400 000 ва 1:650 000. Атлас кириш ва 6 та бўлимдан иборат бўлиб, у 48 та карта ва карта-схемаларни ўз ичига олган. Атлас Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрининг 1977 йили чоп этилган тарихий-географик атласидан кейин собиқ Иттифоқда нашр қилинган иккинчи шаҳар атласи ҳисобланади. Атласда Тошкент шаҳри ва Тошкент шаҳри атрофининг табиий шароити, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, маданияти ва тарихига тўлиқ картографик тавсиф берилган. Шу йили СССРда "Доривор гиёҳлар ресурслари атласи" ва 1985 йили "Ер ости сув манбалари атласи" нашр этилди [3].

Ўзбекистон Ер тузиш ва лойиҳалаш институти томонидан 1984 йили "Ўзбекистон агросаноат комплекси альбоми" нашр этилди [4]. Унда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини табиий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ва қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари ривожланишини акс эттирувчи 31 та карта, картограммалар ва графиклар берилган. Альбомда Қорақалпоғистон АССР ва қолган 12 вилоятнинг алоҳида-алоҳида агросаноат комплексини тавсифловчи карталар берилган. Карталарда сифатли ранг ва ареаллар усули билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашуви, белгилар усули билан эса қишлоқ хўжалиги корхоналари ва уларнинг ихтисослашуви

[1] Ягодин В.Н. К изучению топографии и хронологии древнего Миздахкана. // История, археология и этнография Средней Азии. М., «Наука». 1968 г.

ҳамда қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари кўрсатилган. Шунингдек, альбомда аҳоли зичлиги, агроиқлимий районлаштириш, тупроқ эрозиясига қарши тадбирлар, сув хўжалиги, пахтачилик, чорвачилик, яйловлар, қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш каби қатор карта ва карта-схемалар берилган. Барча карталарнинг асосий мазмуни қўшимча матн, жадвал, диаграмма ва графиклар билан бойитилган.

1985 йили Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг бош таҳририяти икки жилдли “Пахтачилик” энциклопедиясини собиқ Иттифоқда илк бор нашрдан чиқарди. Унда пахтачиликнинг ўша даврдаги ривожланишини акс эттирувчи 3 мингга яқин мақола ўрин олган. Энциклопедияда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашнинг асосий хусусиятлари, биология, генетика, уруғчилик, ғўзани парвариш қилиш агротехникаси, механизация, агрокимё, тупроқшунослик, мелиорация, агрометеорология масалалари содда қилиб баён этилган. Ўсимликларни зараркунандалар, касалликлар, бегона ўтлардан сақлаш, пахта етиштиришни ташкил этиш ва иқтисодиёт масалалари атрофлича очиб берилган. Энциклопедияга собиқ Иттифоқнинг барча пахта етиштирувчи республикаларида пахтачиликнинг ўша йиллардаги аҳволини акс эттирувчи 40 дан зиёд карталар киритилган. Энциклопедияда илк бор собиқ Иттифоқдаги пахта экиладиган худудларининг табиий, агроиқлимий ресурслари, тупроқ, мелиорация ва суғориш карталари, шунингдек, маданий ўсимликларни келиб чиқиш марказлари, жаҳон пахтачилиги, пахта йиғим-терининг механизациялашганлик даражаси, пахта ҳосилдорлиги (ц/га ҳисобида) ва пахта ялпи хосили (минг тонна ҳисобида), пахтачиликда минерал ўғитлардан фойдаланиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги, ҳамда пахта етиштирувчи республикаларнинг алоҳида-алоҳида комплекс пахтачилик карталари берилган. Жаҳон пахтачилиги картасида нуқталар усули билан пахта экин майдонлари, белгилар билан пахта экин майдонлари 200 минг гектардан кам бўлган давлатлар, картограмма усули билан эса пахта ялпи ҳосили кўрсатилган. Араб рақамлари билан пахта етиштирадиган давлатлар (жами 82 та) қайд этилган. Оқ-қора рангдаги карталар мақолалар ўртасида жойлаштирилган, ранглилари эса алоҳида тўпланиб, атлас шаклида энциклопедиянинг иккинчи жилдига илова қилинган.

1982 – 1985 йиллари икки қисмдан иборат комплекс географик илмий-маълумотнома – “Ўзбекистон атласи” чоп этилди. Атласнинг қоғоз бичими 61 х 42 см, асосий карталарининг масштаби 1:2 500 000 ва 1:3 500 000. Атлас 28 та алоҳида-алоҳида бўлимдан иборат бўлиб, унда 322 та кўп рангли карта берилган. Мазкур атласнинг умумий ҳажми ва мазмунининг қамровига кўра миллий атласларга яқин деб ҳисоблаш мумкин. Атласни лойиҳалаштириш ва карталарини тузишда ижодий жамоа ишга тизимли ёндашиб, асосий эътиборни республикамизнинг табиий шароити ва табиий ресурслари, халқ хўжалиги ва унинг тармоқлари, маданияти ва тарихининг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиб, уларнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттиришга қаратдилар [5].

Хулоса қилиб айтсак, XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудуди, унинг муҳим географик ҳусусиятлари кўплаб харита ва атласларда акс этди. Бироқ, республикамиз ҳудудида харита тузиш ишлари шўролар даврига қадар яхши ривожланмади, хариталарнинг кўпчилиги масштаби ва ҳудудий қўлами жиҳатидан ҳам, аниқлиги ва картографик тасвир даражаси жиҳатидан ҳам жуда оддий эди. Зотан, ҳудуднинг ички қисмлари ҳали яхши ўрганилмаган, манбалар етарли даражада тўлиқ ва аниқ бўлмаган, план олиш асбоблари, картографик тасвирлаш усуллари ва харита ишлаш техникаси ривожланмаган эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзалиев Т. Картография. – Т., 2002. – Б. 44.
2. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда комплекс харитага олиш: унинг ривожланиши, ҳолати, истиқболлари, муаммолари. – Т., 2011. – Б. 5.
3. Сваткова Т.Г. Атласная картография. – М.: Аспект Пресс, 2002. – С. – 55.
4. Эгамбердиев А., Увраимов С. Атласлар – картографик энциклопедиялар. – Т., 2017. – Б. 16.
5. Қодиров А., Мавлонов А., Абдувалиев Ҳ., Эгамбердиев А. Ўзбекистонда социал-иқтисодий картографиянинг ривожланиши // Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2009.

КЕШ – САМАРҚАНД ЎРТАСИДАГИ ЙЎЛЛАР ХУСУСИДА

Раимқулов А.А., – ЎзРФА
Археологик тадқиқотлар институти

Марказий Осиё бўйлаб ўтган йўллар хусусида Ў.М.Мавлонов томонидан махсус тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, бу тадқиқотлар анча умумий тарзда бўлиб, баъзи ҳолларда воҳалар орқали ўтган йўллар манзиллари тўғрисида батафсил тўхтаб ўтилмаган (Мавлонов, 2008). Биз ушбу мақолада Суғднинг икки йирик тарихий-географик минтақалари бўлган Кеш ва Самарқандни боғлаган йўллар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Кешдан Самарқандга келган йўллар ҳамиша тарихчи, археолог, географ ва бошқа соҳалар олимларини қизиқтириб келган ва бу борада баъзи фикрлар ҳам айтилган. Бу борада ягона фикрга келинган йўналиш Тахтиқорача довони орқали ўтган Кеш-Самарқанд йўлидир. Бу йўл Тахтиқорача орқали ўтганлигини барча мутахассислар бирдек эътироф этадилар ва бу йўлнинг йўналиши тўғрисида барча олимларнинг фикрлари якдил. Ушбу мақолада бу йўл йўналиши ва ундаги манзиллар тўғрисида батафсилроқ тўхташга жазм этдик.

Кеш-Самарқанд йўли (Тахтиқорача довони орқали). Бу йўл Кеш (Китоб, Шаҳрисабз)дан тўғри шимолга – Зарафшон тоғларига қараб йўналган ва албатта Тахтиқорача довони орқали ўтган. Бу йўлда ўрта асрларда Дириздеҳ қишлоғи бўлган. В.В.Бартольднинг фикрига кўра Дириздеҳ Тахтиқорача довонидан жанубда жойлашган (Бартольд, т.1, с.191). Ш.С.Камолиддиновнинг фикрича эса, Дириздеҳ ҳозирги Қайнарбулоқ қишлоғидан шимолроқда бўлган (Камалиддинов, 1996, с.40-41). Бу йўлда тоғ тепасида X-XIV асрларда фаолият кўрсатган карвонсарой қолдиқлари очиб ўрганилган ва бу иншоот Кеш-Самарқанд йўли устидаги манзиллардан бири сифатида талқин қилинган (Буряков, Давидян, 2002, с.104-107). Кеш (Китоб)дан бу карвонсаройгача бўлган масофа 20 км бўлиб, у бир кунлик йўлда жойлашган. Иккинчи манзил бу карвонсаройдан 18-20 км масофада жойлашган ҳозирги Қоратепа қишлоғи ҳудудида бўлган. Учинчи манзил эса Самарқанд (Афросиёб) бўлиб, у Қоратепадан 28-30 км масофада жойлашган. Кўплаб олимларнинг таъкидлашларича, Тахтиқорача довони орқали ўтган Кеш-Самарқанд йўли карвонлар учун мавсумий хусусиятга эга бўлиб, қиш фаслида бу йўлдан ўтиш қийин бўлган.

Бу ўринда текислик ва тоғлар орқали ўтган йўлларнинг бир кунлик масофаси ҳақида тўхталсак. Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики, тоғ орқали ўтган йўлларнинг бир кунлик масофасиси ўртача 20-24 км ни, баъзан 26 км ни ташкил этган бўлса, текисликдаги бир кунлик йўл ўртача 30-32 км, чўл ҳудудларида эса 35 км гача бўлган.

Кеш-Самарқанд йўли (Жом довони орқали). Кешдан Жом довони орқали қадимдан йўл бўлган бўлсада, бу йўлнинг йўналиши айнан қайси ҳудуд бўйлаб ўтганлиги, йўлда қайси ёдгорликлар жойлашганлиги масаласи ҳозиргача ўрганилмаган. Баъзи тадқиқотларда бу йўл сувсиз чўл орқали кетганлиги ҳам тахмин қилинган (Ртveладзе, Сагдуллаев, 1986, с.26).

Биз томонимиздан 2016 йилда Чироқчи тумани ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликларни ҳисобга олиш ва каталогини тузиш борасида олиб борилган археологик қидирувлар даврида қўлга киритилган янги маълумотлар асосида биринчи марта Кешдан Жом довони орқали Самарқандга кетган қадимий йўлнинг йўналишини қуйидагича бўлганлиги аниқланди:

Биринчи кунлик йўл – Кеш (Китоб)дан 26 км, Кеш (Шаҳрисабз)дан 21 км масофада жойлашган Кишмиштепагача бўлган.

Иккинчи кунлик йўл – Кишмиштепа ёнидаги кечувдан (Лунина, 1984, с.35), кейин эса Чандароқтепадан ўтиб тўғри шимолга – Оёқчисой (Жарсой) бўйида жойлашган Жартепа (майдони 3,5 га) орқали яна шимолга йўналган. Кейин Оёқчисойнинг бурилиш жойидан чапга бурилиб қирлик орқали 4 км масофадаги Қалқама дарёси водийсига ўтган. Мазкур йўл ҳозир ҳам фаолият кўрсатади. Бу ясси қирлик орқали туяда, отда, эшакда ёки пиёда юриш ҳеч бир қийинчилик туғдирмаган. Қалқама водийсида, бу йўл устида Киндиктепа, Алқамартепа ва Дунётепа каби ёдгорликлар мавжуд. Чандароқтепадан то Қалқама дарёси водийсига бўлган масофа ўртача 30-31 км ни ташкил этади. Бу ҳудудда Зарафшон тоғларидан оқиб келувчи Қуруқсой, Говхонасой Қалқама дарёсининг чап соҳилидан унга қуйилади. Бу водийда деҳқончилик қилиш учун сойлар атрофида кенг жойлар ва жуда қулай шароит мавжуд. Ҳозирда мана шу жойда Қалқама сув омбори бунёд этилган.

Учинчи кунлик йўл – Алқамартепа ёки Дунётепадан шимолга йўналган. Алқамартепадан 3 км масофада Қалқама дарёсининг ўнг соҳилидан унга ғарб томондан оқиб келувчи Тарағайсой ва Йўрғабулоқсой (Терссой) қуйилади. Мана шу жойда йўл ғарбга бурилган ва Йўрғабулоқсой (Терссой)нинг чап соҳили ёқалаб тўғри Жом довонига қараб кетган. Мана шу бурилишдан 3,3 км масофа ғарбда, табиий баланд қирлик устида икки поғонали Қоравултепа қад ростлаган. Бу ёдгорликдан ғарб томондаги Йўрғабулоқсой (Терссой) водийси, шарқ томондаги Қалқама дарёлари водийлари каби катта ҳудуд кафтдек кўриниб туради. Шунинг учун Қоравултепа ўз вақтида кузатув манзили сифатида бунёд

этилганлиги шубҳасиз. Унинг номи ҳам шундан далолат беради. Қоравултепадан 2,8 км ғарбда сойнинг сўл қирғоғига яқин жойда, табиий баланд тепалик устида оригинал тархга эга бўлган уч поғонали пирамидасимон кўринишдаги йирик қалъа – Ғаровли қўрғон (Киндиктепа) жойлашган. Қалъанинг асосида баландлиги тахминан 9-10 м, қуйи қисми 130х124 м, устки қисми 97х85 м бўлган тўғри тўртбурчакли тепалик мавжуд. Бу унинг қуйи – биринчи поғонаси ҳисобланади. Унинг устида, тепаликнинг марказида томонлари 55х55 м, баландлиги 2,5-3 м бўлган квадрат шаклдаги иккинчи поғонаси жойлашган. Бу тепаликнинг устида ва марказида диаметри 20 м, баландлиги 1,5-2 м бўлган айлана шаклидаги тепалик мавжуд бўлиб, бу унинг учинчи поғонасидир. Устма-уст жойлашган бу тепаликлар биргаликда пиллапояли пирамида кўринишига эга бўлиб, умумий баландлиги 15-16 м. Тепаликнинг жанубида, дарё томонда ягона дарвозасининг ўрни бор. Бу оригинал тархдаги қалъанинг мажудлиги ҳам йўлнинг айнан мана шу ҳудуддан ўтганлигини тасдиқлаши мумкин. Ғаровли қўрғон (Киндиктепа)нинг ўзига хос тархи Ўрта Осиёнинг ҳозиргача ўрганилган бирон-бир ёдгорлигида кузатилмаган. Ёдгорликни мутаҳкам мудофаланган қалъа-қўрғон ёки йўл устида жойлашган ибодатхона сифатида талқин қилишимиз мумкин. Унинг ягона дарвозаси катта йўлга қараганлиги ҳам мана шундан далолат беради.

Ғаровли қўрғондан 6 км масофада юқорида Йўрғабулоқ қишлоғи ҳудудида Қўштепа 1 ва Қўштепа 2 номли бир-бири билан деярли туташган, умумий майдони 3,2 га бўлган иккита йирик ёдгорлик бор. Қўштепадан ўтган йўл яна 11 км масофада, Жом қишлоғининг ўртасида Самарқанд–Насаф йўлига туташган ва йўл устида йирик ёдгорлик Каттатепа қад ростлаган. Қалқама дарёси водийсидан Каттатепагача бўлган масофа тоғли ҳудуддаги қайрилма йўлларни ҳисобга олганда ўртача 24–26 км ни ташкил этади. Қалқама дарёси водийсидан, Йўрғабулоқсой бўйлаб Каттатепагача кетган йўл ҳозирда ҳам мавжуд бўлиб, унда қиш мавсумида ҳам қатнов тўхтамайди. Ундан ташқари бу йўл Зарафшон тоғларининг жанубий этаклари бўйлаб йўналганлиги боис, бу йўлга доимо қуёш тушиб турган ва қиш мавсумида ҳам қор доимо эриб турган.

Жом қишлоғида жойлашган Каттатепани Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти катта илмий ходими Ҳ.Ғ.Ахунбобоев ёзма манбаларда тилга олинган, араблар томонидан ёқиб юборилган ал-Мухтарика қишлоғи билан локализация қилган. Лекин олим бу ёдгорликнинг номини келтирмаган. Ёдгорлик ҳудудидан териб олинган археологик осори-атиқалар V-XIII асрлар билан даврланган (Ахунбабаев, 1990, с.89-90).

Ат-Табарийда Кеш ва Самарқандни боғлаган йўллар хусусида қуйидаги муҳим маълумот бор:”Туркlар Киссдан (Кишш) борадиган йўлдаги қудуқларни кўмиб ташлашди. Ал-Жунайд сўради:”Самарқандга борадиган иккита йўлдан қайси бири қулай?” Айтишди:” Ал-Мухтараку орқали борадиган йўл”. Ал-Мужашшир б. Музахим ас-Сулами деди:”Оловдан (буғилиб) ўлгандан кўра, қиличдан ўлган афзал, ал-Мухтараку йўли дарахтзор ва ўтлоқзор, у ерда кўп йилдан бери ер ҳайдалмаган ва ҳамма жойда ўсимликлар ўсиб кетган. Агар ҳоқонни учратсанг, у ҳамма томонга ўт қўяди ва олов ва тутундан ҳалок бўламиз; шунинг учун тоғ йўли орқали кетган афзал. ” Ал-Жунайд тоғ йўли орқали жўнаб кетди (Ат-Табари, 1987, с.165) Бу маълумотдан Кешдан Самарқандга иккита йўл бўлганлиги, бири ал-Мухтараку (Мухтарика), иккинчиси тоғ орқали кетганлиги, бу асарда гап биринчиси Жом орқали, иккинчиси тоғ йўли, яъни Тахтиқорача орқали кетган йўллар хусусида эканлигига аниқ кўриниб турибди. Лекин Ҳ.Ғ.Ахунбобоев ат-Табарийдан иқтибос келтирмаган.

Кейинги тадқиқотлар даврида Жом қишлоғида жойлашган ушбу ёдгорликнинг номи Каттатепа эканлиги аниқланган (Бердимуродов, Суюнов, 2012, 90-100-б).

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Самарқанд–Кеш ўртасида Жом довони орқали ўтган қадимий доимий савдо йўли сувсиз даштлар орқали эмас, балки атрофи унчалик баланд бўлмаган тоғли ҳудуддан, доимий равишда сув оқиб турган, гўзал табиатли сой бўйлаб йўналган бўлиб, бу водийнинг кенглиги ундан фақатгина савдо карвонларини эмас, балки, ҳатто Александр Македонский эҳтимол шу йўлдан ўтган бўлса, унинг қўшинини ҳам бемалол сиғдириш имконига эга.

Адабиётлар.

1. Ахунбабаев Х.Г. Согдийский треугольник на Великом Шелковом пути. Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. ТД международного семинара ЮНЕСКО. Самарканд 1-6 октября 1990 г.
2. Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра, т. I, М., 1963.
3. Бердимуродов А.Э., Суюнов С.С., Сориев Х.Я. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 1-том. Самарқанд вилояти, 2-қисм. Нуробод тумани. Самарқанд, 2015.
4. Буряков Ю.Ф., Давидян Ю.С. Караван-сарай на торговом пути из Самарканда в Кеш. Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро конференция маърузалари тезислари. Тошкент, 2002.
5. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX- начала XIII вв. Ташкент, 1996.

6. Лунина С.Б. Города Южного Согда. Ташкент, 1984.
7. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Тошкент, 2008.
8. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С . Памятники минувших веков. Ташкент, 1986.
9. Ат-Табари. “История”. Перевод с арабского В.И.Беляева. Ташкент, 1987.

САЙДИ АЛИ РАИСНИНГ «МИРЪОТУЛ МАМОЛИК» АСАРИ БУХОРО ХОНЛИГИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ СИЁСИЙ АЛОқАЛАРНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

Рахмонқулова З., – ЎзМУ доценти
Ахмедов О., – ЎзМУ 1-курс магистранти

Ўрта Осиё хонликлари билан Усмонийлар давлати Ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар узоқ тарихга эга. Улар доимо бир-бирлари билан узвий алоқалар олиб бориб, тарих ришталарини мустаҳкамлаб турганлар. Айнан ана шу тарихий алоқалар натижаларини давлатлар Ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатларни манбалар асосида атрофлича ўрганиш ва кенг оммага етказиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

XVI асрда Ўзбек давлатчилигидаги сулола Шайбонийлар Усмонийлар султонлари билан Ўзаро муносабатлар Ўрнатиб, душманларига қарши биргаликда курашишга ҳаракат қилган. Усмонийлар султони Салим I (1512-1520)нинг Бухоро хонлиги билан иттифоқ тузиш ҳаракатлари элчилик алоқалари ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатгандир.

Бухоро хонлиги ва Усмонийлар султонлари ўртасидаги сиёсий алоқалар тарихига оид бир қатор манбалар бизгача етиб келган. Шулардан бири Сейди Али Раиснинг «Миръотул мамолик» (Мамлакатлар кўзгуси) асаридир. Сейди Али Раис XVI асрда яшаб ижод этган турк муаллифидир. У Ўрта Осиёга «Котиби Румий» номи билан танилган. Сейди Али Раис географияга оид «Муҳит» асарининг ҳам муаллифидир[1]. Шунингдек, у Али қушчининг асарларини ҳам турк тилига таржима қилган ва уни танитган.

Сейди Али Раис Усмонийлар давлати ҳарбий денгиз флотининг асосчиси, назариячиси ва машҳур турк адмиралидир. У 1548 йилда Усмонийлар султони қонуний Султон Сулаймон (1520-1566) нинг Эронга қилган ҳарбий юришларида 1552 йилда Кипр жангларида ҳам қатнашади. Сейди Али Раис шу жангларда кўрсатган катта ҳарбий маҳорати туфайли қонуний Султон Сулаймоннинг чексиз ҳурматига сазовар бўлиб, кейинчалик Халаб султони қилиб ҳам тайинланади[2].

Сейди Али Раис Миср командири қилиб тайинланиб, Португалиянинг Сувайш каналидаги флотига қарши курашиш учун юборилади. Аммо жангда турк флоти мағлуб бўлиб, қолган кемалари билан Шимолий Ҳиндистонга боради. Сейди Али Раис Ҳиндистонда бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Ҳумоюн Мирзо билан учрашган[3]. Сейди Али Раис Синд, Панжоб, Афғонистон, Ўрта Осиё, Хуросон, Озарбайжон ва Эрон орқали йўл босиб, машаққатлар билан тўрт йилдан сўнг, 1556 йилда ватанига етиб келади ва «Миръотул мамолик» асарини ёзади.

1555 йилда Сейди Али Раис Сангардак тоғидан ошиб Шаҳрисабзга сўнгра эса Самарқандга келганлиги ҳақида ёзади. У Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон) билан ҳам учрашади ва совғаларини топширади. Наврўз Аҳмадхон эса унга от совға қилади. Наврўз Аҳмадхон Сейди Али Раисга Усмонийлар султони қонуний Султон Сулаймон бир қанча ўқчилар ва қаъла тўплари юборганлиги ҳақида айтиб ўтади.

Сейди Али Раис мамлакатдаги сиёсий вазият Абдулатифхоннинг вафоти, Бухоро тахтини эгаллаш учун олиб борилган курашлар аск эттирилган. Наврўз Аҳмадхон Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухорони эгаллагани ва Шаҳрисабзда бўлиб ўтган жангда турк аскарларининг бир-неча бошлиқлари ҳалок бўлганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Наврўз Аҳмадхон Самарқандга қайтиб келгач турк аскарларининг бир қисми Аҳмад Човуш билан Румга қайтиб кетади. Қолган бир қанча яничар(турк аскарлари)лар Бухорода, Наврўз Аҳмадхон ёнида эса юз элликка яқини қолган[4]. Дастлаб, Наврўз Аҳмадхон ҳузурида уч юзта турк аскари бўлган[5]. Турк аскарларидан мамлакат ичидаги сиёсий вазиятларни изга солишда фойдаланилганидан Усмонийлар султони мамнун бўлмаган.

[1] Бу ҳақида қаранг: Крачковский И.Ю. История арабской литературы. Избранные сочинения. Т. IV. –М., 1957
[2] Азимжонова С. Сейди Али Раис ва унинг «Миръотул мамолик» асари ҳақида. –Т.: Фан. 1963. 8 б.
[3] Абдуллаев Ф. Маърифат фидоийси. Шарқшунослик. 1999.№9. 185 б.
[4] Сейди Али Раис. Миръотул мамолик. -Т.: Фан. 1963. 97-106 б.
[5] Азимжонова С. Сейди Али Раис ва унинг «Миръотул мамолик» асари ҳақида. –Т.: Фан. 1963. 34 б.

1551 йилларда қонуний Султон Сулаймон Абдулатифхонга Аҳмад Човуш орқали маълум бир миқдордаги ўқчи ва отлиқ аскар юборган эди[6]. Улар етиб келганида мамлакатни Наврўз Аҳмадхон бошқармоқда эди. Наврўз Аҳмадхон ҳокимиятни қўлга киритгач қонуний Султон Сулаймонга Абдулатифхон (1540-1551)нинг вафот этганлигини ва Истанбулдан 300 та ўқчи, тўпчи ва отлиқ аскарларнинг етиб келганлигини маълум қилиб элчи юборади.

Наврўз Аҳмадхон Сейди Али Раисга кетишига рухсат беради ва у билан бирга Аҳмад Яссавий авлодидан бўлган Садри Олам Шайхни элчи қилиб жўнатади. Наврўз Аҳмадхон кейинроқ 1556 йилда элчиси қутлуғ Фулодий орқали жўнатган мактубида Бухорони эгаллагани ҳақида ёзади ва Сафавийларга қарши юриш учун ёрдам сўрайди[7]. Лекин Усмонийлар давлати Сафавийлар билан 1551 йилда Амасия шартномасини имзолагани учун ёрдам қила олмаслигини билдиради. Усмонийлар султони агарда Сафавийлар Ўрта Осиёга ҳужум қилгудек бўлса бунга ҳам қарши эканлигини маълум қилади. Эрон-Усмонийлар муносабатлари шоҳ Тахмасп (1525-1576)нинг вафотига қадар дўстона давом этади.

Сейди Али Раис Самарқандда Абу Мансур Мотрудий, Шоҳи Зинда, Хожа Аҳрор қабрларини зиёрат қилади. Зарафшондан ўтиб ғиждувонга келади ва Абдухолиқ Ғиждувоний қабрини ҳам зиёрат қилиб Бухоро шаҳрига келади. Бухорода ўн беш кун бўлиб Баҳовуддин Нақшбандий, Чорбакр, Сайид Миркулол, Исмоил Сомоний, Ҳазрати Айюб, Хоразмда эса Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Замаҳшарий қабрларини зиёрат қилади.

Сейди Али Раиснинг «Миръотул мамолик» асари XVI асрдаги Ўрта Осиё тарихига оид сиёсий, иқтисодий, элчилик алоқалари, географик, этнографик маълумотларни берувчи муҳим манбадир. «Миръотул мамолик» асари Бухоро хонлиги ва Усмонийлар давлати Ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни Ўрганишда бирламчи манба вазифасини ўтайди.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ЕТИШТИРИШ ТАРИХИ

Рахимов А.Э., - Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қашқадарё академик лицейи ўқитувчиси

Ўрта Осиё чўлларида пахта етиштириш ва ундан мўл ҳосил олиш совет давлатининг қишлоқ хўжалигидаги муҳим тадбирларидан бири бўлган. СССРнинг тўқимачилик саноати учун юқори сифатли ингичка толали пахта жуда муҳим бўлиб, уни асосан четдан сотиб олар эди.

Марказ ингичка толали пахтани Ўзбекистон ҳудудида етиштириб кўриш учун бир қанча ингичка толали пахта (“Миср”, Пима, Маарад, Сакель, Ашмуни, Рамселлер, Аффифи) навларини экиб тажрибалар ўтказди. Юқоридаги навларни экиш ва тажриба сифатида синаб кўриш Сурхондарё вилоятида XX асрнинг 20 йилларининг охирларида бошланган[1][1].

Совет олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Шеробод ҳудудида ғўзанинг ўсув даври тахминан 240-250 кунга боради, ҳудуднинг шу даврдаги умумий ҳарорати йиғиндиси салкам 5900^{c} ни ташкил этади[2][2]. Мутахассисларнинг хулосаси билан таъкидлаганда, Сурхон-Шеробод ва Қарши чўли жанубий тупроқларга хослиги ва иқлими айнан, ингичка толали пахта етиштириш учун жуда қулай ҳисобланган.

1928 йилда СССРда 1928 йили 22 минг, 1929 йили 121 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилган бўлса, 1933 йилга келиб Ўзбекистонда ҳар гектардан олинган ингичка толали пахта ҳосили 4,8 центнерга етган[3][3].

Аммо у вақтларда ҳосилдорлик кам бўлиб, ингичка толали пахта, асосан, тажриба учун экиб текширилаётган эди. Бу соҳада асосий ишлар XX асрнинг 50-йилларига келиб авж олди. Бунда Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши эвазига пахта майдонлари кўпайиб борди. Ўзбекистонда ҳақиқий маънодаги пахта яккаҳокимлигининг пойдевори айнан XX асрнинг 50-йилларда қўйилган.

1950 йилда Сурхондарё давлатга пахта топшириш режасини 127 процентга бажарди[4][4]. Урушдан кейинги йилларда Сурхондарё областда ингичка толали пахта етиштириш 1953 ва 1954

---

[6] Budak. M. Osmanli – Ozbek iliskilerinin baslanisi // Avrasya etyudlari. 1995. №4. s.82.

[7] Kilic.R. Osmanli-Ozbek iliskileri (1530-1555). Nurk Kulturu. sayi 437. 1999. XXXVII. 530 s.

[1] Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти, 1969. Б-6.

[2] Расулов А. М., Фелицаинт И. Н., Азимбоев С. Шеробод даштининг мелиоратив ҳолати.-Т.: Ўзбекистон ССР “Билим жамияти”, 1975. Б-2.

[3] Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон, КП МКнинг Бирлашган нашриёти.1969. Б-6.

[4] Турсунов С. Шерободликлар.-Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,2006. Б-124.

йилларда юқори даражага етди. 1954 йилда вилоятда 32,934 минг гектар ерга ингичка толали пахта нави экилган бўлса, у ердан 59,629 минг тонна пахта териб олинган[5][1].

Вилоятда қўриқ ерларни ўзлаштириш ўтган аср 50-йилларнинг иккинчи ярмида кучайиб, бу ишлар Бешқўтон, Музробод, Истара чўлларида олиб борилди[6][2].

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX съездининг СССР тараққиётининг 1951-1955 йилларга мўлжалланган беш йиллик режаси ҳақида директиваларида беш йил мобайнида пахта етиштиришни 55-65 процентга кўтариш вазифаси қўйилди. Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон районларида ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 26-27 центнергача етказиш керак[7][3]лиги ҳақида айтилади.

1956 йили Сурхондарё вилоятида 78 минг гектар ерга пахта экилган[8][4] ва 202,5 минг тонна пахта етиштирилди[9][5]. Орадан ўн йил ўтгач Сурхондарё вилоятида 1966 йили ингичка толали пахтанинг ўзидан 53,1 минг тонна етиштирилган. Вилоят давлатга 1967 йилда 58 минг тонна ингичка толали пахта сотди. Ҳар гектардан 23,9 центнердан ингичка толали пахта олинди[10][6].

1968 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ҳақида қарор қабул қилди[11][7]. Айнан шу йилда Жанубий Сурхон сув омбори ишга туширилди. Натижада, минглаб гектар янги ўзлаштирилган ерларга пахта экилди. Сурхондарёда пахта етиштиришда бу сув омборининг қурилиши катта аҳамият касб этган.

1968 йилда областда ҳар гектардан ўртача 26,4 центнердан ингичка толали пахта олди, давлатга ҳаммаси бўлиб 71,2 минг тонна пахта топширди[12][8].

Янги ерлар ўзлаштирилди ва пахта ҳосили йил сайин кўпайиб борди, таққослаш учун қуйидагилар мисол бўлади:1914 йилда 4400 гектар ерга ғўза экиб, 3900 тонна пахта етиштирган Сурхондарё воҳаси 1968 йилда 112 минг гектарга чигит экиб, 346 минг тоннадан кўпроқ пахта етиштирди[13][9]. Вилоятда пахта етиштириш 1969 йилда 1928 йилга нисбатан 29 ҳисса ошди, яъни ҳар гектардан олинадиган ҳосилдорлик 29,5 центерни ташкил этди; 1969 йилда 343,1 минг тонна (шу жумладан, 73,6 минг тонна ингичка толали) пахта етиштирилди[14][10].1968 йилда ингичка толали пахта биринчи марта машиналар ёрдамида териб олинган[15][11].

Сурхон–Шеробод ҳудудидаги ерларнинг жадаллик билан ўзлаштирилиши қимматли ингичка толали пахта майдонларини анча кенгайтириш имконини берди. Республикада пахтанинг бу турини етиштиришни 1970 йилда 130 минг тоннага етказиш ва беш йиллик мобайнида давлатга 550 минг тонна сотиш кўзда тутган[16][12] бўлса, 1970 йилда ингичка толали пахта етиштириш 76 минг тоннага етказилди[17][13].

1975 йилда республикамиз бўйича 242 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилган бўлса, шунинг 70 процентига яқини Сурхондарё областида етиштирилган. 1971-1975 йиллар давомида эса Ўзбекистон давлатга 1 миллион 20 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо ингичка толали пахта сотди. Шу ҳосилнинг деярли 65 процентини ёки 664 минг тоннасини Сурхондарёликлар етиштириб берди[18][14].

1981 йилда вилоятда 510 минг тонна пахта етиштирилиб, шундан 233 минг 392 тоннаси ингичка толали пахта эди[19][15].

Воҳада минглаб гектар ерларни ўзлаштирилиши, йирик сув омборлар ва каналларнинг ишга туширилиши пахта етиштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, пахта ҳосилининг йил сайин

---

[1] Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти.1969. Б-8.
[2] Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих.-Т.: “Шарқ”, 2004. Б-396.
[3] Бабков И. Совет Ўзбекистони СССРнинг асосий пахта базаси.-Т.: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”, Ўзбекистони Сурх бирлашган нашриёти, 1954. Б-4.
[4] Венгерский В. Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши.-Т.: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”, Бирлашган нашриёти, 1958. Б-6.
[5] Ҳолиқов Э, Лафасов М. Сурхон-Шеробод водийсининг ўтмиши, бугуни ва келажаги.-Т.: “Ўзбекистон”, 1976. Б-14.
[6] Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти, 1969. Б-10.
[7] Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти,1969. Б-9.
[8] Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти, 1969. Б-10.
[9] Саъдуллаев С. Сурхондарёа қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш.-Т.: Ўзбекистон ССР “Билим жамияти” роапритида, 1974. Б-25.
[10] Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области.-Т.: “Ўзбекистон”, 1970. Б-22.
[11] Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области.-Т.: “Ўзбекистон”, 1970. Б-23.
[12] Саидов Ж., Барьтас П. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти, 1968. Б-31.
[13] Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области.-Т.: “Ўзбекистон”, 1970. Б-23.
[14] Зоҳидова Ҳ. З. Қишлоқ хўжалик статистикаси.-Т.: “Ўқтувчи”. 1978. Б-16.
[15] Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих.-Т.: “Шарқ”, 2004. Б-412.

кўпайишига кимёвий дориларнинг ерларга аёвсиз солиниши асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

Сурхондарё вилоятида янги ерларни ўзлаштиришда ҳукумат томонида ажратилган катта маблағларнинг асосий қисми республикада, балки Иттифоқдаги энг йирик сув иншоотларини қуриш учун сарфланган бўлса. Совет давлати янги ерларни ўзлаштиришда маҳаллий аҳолининг ва тоғли ҳудудлардан чўлларга кўчириб келтирилган аҳолининг турмуш даражасини, ҳамда маънавий ҳаёти юксалтиришдек муҳим жараёнга пахта етиштиришдан кейинги даражадаги масала сифатида қараб келган. Ғоявий тарғибот ишларида, асосан, аҳолини коммунизм қуриш йўлида пахта етиштиришни кўпайтириш пировард вазифа эканлиги ҳақида ниҳояси бўлмаган пуч сафсаталар тарғиб қилинган. Бундан ташқари Иттифоқдаги лойиҳалаш институтлари томонидан “илмий” лойиҳаланган уй-жойларда кўчириб келтирилган аҳолининг ўзига хос яшаш тарзи, миллий қадриятлари ҳисобга олинмаган бўлиб, асосан уйлар бетондан тикланган эди. Бу эса иқлим шароитларидан келиб чиқиб, инсон саломатлиги ва ҳуқуқлари ҳисобга олинмаган. Бу камчилик ва хатоларнинг барчаси режалаштирилган иқтисодиётнинг ва коммунистик мафкуранинг миллатлар келажаги, халқ фаровонлиги учун амалда нотўғри сиёсат эканлиги маълум бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти, 1969. Б-6., Б-6., Б-8.,
2. Расулов А. М., Фелицаиант И. Н., Азимбоев С. Шеробод даштининг мелиоратив ҳолати.-Т.: Ўзбекистон ССР “Билим жамияти”, 1975. Б-2.
3. Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон, КП МКнинг Бирлашган нашриёти.1969.
4. Турсунов С. Шерободликлар.-Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,2006. Б-124.
5. Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти.1969.
6. Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих.-Т.: “Шарқ”, 2004. Б-396.
7. Бабков И. Совет Ўзбекистони СССРнинг асосий пахта базаси.-Т.: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”, Ўзбекистони Сурхон бирлашган нашриёти, 1954. Б-4.
8. Венгерский В. Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши.-Т.: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”, Бирлашган нашриёти, 1958. Б-6.
9. Ҳолиқов Э, Лафасов М. Сурхон-Шеробод водийсининг ўтмиши, бугуни ва келажаги.-Т.: “Ўзбекистон”, 1976. Б-14.
10. Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти, 1969. Б-10.
11. Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти,1969. Б-9.
12. Истомин М. С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти, 1969. Б-10.
13. Саъдуллаев С. Сурхондарёа қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш.-Т.: Ўзбекистон ССР “Билим жамияти” роапритида, 1974. Б-25.
14. Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области.-Т.: “Ўзбекистон”, 1970. Б-22.
15. Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области.-Т.: “Ўзбекистон”, 1970. Б-23.
16. Саидов Ж., Барьтас П. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши.-Т.: Ўзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриёти, 1968. Б-31.
17. Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области.-Т.: “Ўзбекистон”, 1970. Б-23.
18. Зоҳидова Ҳ. З. Қишлоқ хўжалик статистикаси.-Т.: “Ўқтувчи”. 1978. Б-16.
19. Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих.-Т.: “Шарқ”, 2004. Б-412.

ЭТНОМАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Рахмонов Б.М., – ТИҚХММИ ўқитувчиси

Марказий Осиё республикалари қадимдан муайян тарихий-этнографик минтақани ташкил қилган. Бу заминда яшовчи халқларнинг қадимий аждодлари бир, этно замини умумий. Бунинг асосини нафақат умумий табиий-географик шароит, ҳатто анъанавий хўжалик-маданий типлари, кийим-кечаги, моддий ва маънавий маданияти, ҳатто динларнинг бирлиги ва ҳокозо ҳозиргача сақланиб келган жуда кўп умумий унсурлар ташкил қилади. Табиийки, эндиликда тарихий тақдири бир, этно ва маданий

илдизи умумий, келажак ижтимоий-иқтисодий ривожи узвий боғланган мазкур республикалар аҳолиси этнографиясини жиддий ўрганиш энг муҳим долзарб вазифалардан десак хатто бўлмайди.

Ўзбек халқининг этномаданияти узоқ тарихий даврни қамраб олади. Ўтмиш хотираси маънавий ва маданий тараққиёт учун муҳим омиллардан бири бўлса, асрлар давомида тўпланиб келган тажриба инсоннинг камол топишида, элат ва халқнинг тарихий ривожида энг зарурий замин, асос бўлиб ҳисобланади. Маънавиятнинг энг муҳим қисмларидан бири тарихий-маданий мерос, аждодларимиздан бизга етиб келган осори атиқалар, анъаналар, урф-одатлар, диний маросимлар ва байрамлар, халқ томошалари, хуллас, этномаданиятдир[1].

Маънавият билан этномаданият ўртасидаги фарқ шундаки, маънавият анъанавий, миллий бўлмаган қадриятларни ҳам ўз ичига олади. Этномаданият эса ўзбек халқининг миллий хусусиятларини ифода этадиган воқеликдир. Маънавият субъектив характердаги тушунча, у кўпинча ахлоқий сифатларни, муносабатларни ўз ичига олади, этномаданият эса миллатимиз ҳаётидан муҳим ўрин олган, тарихий-маданий қадриятларга айланган бойликлардан иборат. Маънавиятга замонавий муносабатлар ҳам киргани учун у тез трансформацияга учрайди, этномаданиятга эса ўз ўзагини асраш, ҳатто консерватив лик хос. У янги, замонавий ўзгаришларга, модернизацияга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади, давр ва ҳаёт синовидан ўтган қадриятларнигина инновация сифатида қабул қилади. Хуллас, *этномаданият* миллий маънавиятнинг ўзагидир.

Ўзбек халқи маънавиятининг этномаданият билан боғлиқ, уйғун жиҳатларини анъанавий ва замонавий қадриятлар орқали қараш мумкин. Ушбу қадриятларнинг бир-бирига диалектик боғлиқлиги ўзбек халқининг дунёда кечаётган ўзгаришларга, жамиятни модернизациялашга фаол муносабатда бўлаётганини, уларнинг ижтимоий тараққиётни динамик воқелик тарзида қараб, ушбу тараққиёт инсон онги, ижодий фаолияти, маданиятига боғлиқлигини тўғри англаётганини ифода этади.

Этномаданият генезиси ва моҳияти нуқтаи назаридан ижтимоий муносабатларнинг маданий бойликлар тимсолидаги инъикосидир. Шунинг учун ҳар қандай этномаданият ўз функциялари доирасида чегараланиб қолмаслиги, жамиятда, кишилар онги ва ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар билан диалектик боғлиқликда қаралиши лозим.

Этномаданиятнинг тарихий-этнографик ва этно тузилиши қанча барқарор бўлмасин мазкур этнослар вақт ҳукми билан доимо ривожланиб, ўзгариб турган[2]. Этнос билан бирга, табиий равишда, унинг этномаданияти ҳам трансформацияга учраган, модернизациялашган. Ижтимоий-маданий ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар ўзбек халқини ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда ўзига хос анъаналар, турмуш тарзи, қарашлар, фаоллик турларини яратишга ундамоқда. Масалан, бугунги ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳаракатларини олайлик. Бу ўринда халқимиз жаҳоннинг ижтимоий фаоллик борасидаги ижобий тажрибаларини ўрганиб, ўз имиджи (ишбилармонлик ва тадбиркорлик маданияти)ни яратмоқда. Унга ақлий салоҳият, билимдонлик, қийинчиликларни олдиндан кўра билиш лаёқати, ижодий ёндаша олиш, тадбиркор муомала маданияти, турли тоифа, жинс ва ёшдаги кишиларга фикрини тушунтира билиш, кучли ирода эгаси, ўз "мен"ига хос фазилатларини намоён этиш, талабчанлик, қатъият, руҳий тетиклик, саломатлик зарур. Ушбу тадбиркорлик маданияти замонавий ўзбек халқининг ҳаётий кўникмаларига айланиши лозим. Бу ўринда этномаданият билан замонавий маданият уйғунлашиб, халқимизда янги умуминсоний, умуминсоний қадриятларнинг шаклланишига олиб келади. Сиёсий, ҳуқуқий соҳаларда ҳам шундай трансформацион ва модернизацион ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Аҳоли қатламлари ичида кўпроқ аёллар тарихий-маданий тажрибалар - анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар, тўй-ю томошалар ва маросимларга тўла амал қилиш, уларни асраш учун жон куйдиради. Буни ўзбек аёлига хос бўлган барқарорликни асраш, оилани мустаҳкамлаш, фарзандлар соғ-саломатлиги ва бахт-саодатини ўйлаш, топганини оиласига сарфлаш, муросада яшаш учун ўз қизиқишлари, ҳатто ҳуқуқидан воз кечиш каби психологик хусусиятлар билан изоҳлаш мумкин. Ўзбек аёлларида тарихий-маданий тажрибаларга таяниш ва уларни асраш этномаданий хусусиятдир. Ҳатто урушлар, инқилоблар, қайта қуришлар даврида ҳам улар ушбу этномаданий хусусиятларини йўқотмади. Энг муҳими, ушбу белгилар улардаги умуминсоний-ахлоқий фазилатлар, диний қадриятлар билан уйғунлашиб келади. Шунинг учун уларга халқимиз тарихий-маданий қадриятларига мос ҳаё (иболилик, иффатлилик, номуслилик), ахлоқ (поклик, андиша, босиқлик, камтарлик, самимийлик, соддалик, тўғрилик, уятчанлик, хушмуомалалик, ювошлик), бардош (сабр, қаноат, чидам), вафо (садоқат, меҳр-оқибат, вафодорлик), латофат (лобарлик, дилбарлик, назокат, нафислик, хушсуратлик), болажонлик (серфарзандлик), шаън (ғурур, орият), меҳнатсеварлик, фидойилик, чаққонлик, меҳмондўстлик, ватанпарварлик каби ҳислатлар хосдир. Демак, ахлоқий-маънавий ҳислатлар ўзбек аёллари этномаданиятининг асосий қисми, хатто негизи хисобланади. Аслида, ахлоқий-маънавий белгиларсиз этномаданият йўқ, бироқ, улар ҳар бир халқ ва ижтимоий қатламларда ўзига хос кўринишларда намоён бўлади.

[1] Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. -Т.: Маънавият, 2002. - 24 б.
[2] Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. - 13 б.

Илм-фанга, диний қадриятларга қизиқиш ҳам халқимизга хос ҳислатлардир.

Этномаданият мутлақ шаклланган, ўзгармас воқелик эмас, у жамият ҳаётида кечаётган ижтимоий жараёнлар таъсирида, кишиларнинг маънавий, маданий, руҳий эҳтиёжлари, қизиқиш ва талаблари таъсирида трансформацияга учрайди, ўз манфаатларига мос инновацияларни қабул қилади. Ўзбек этномаданиятида эса у замонавий санъат турлари - эстрада мусиқаси, тасвирий санъат, хор санъати, техника ижодиёти, туризм, физкултура ва спорт, аскиябозлик, цирк санъати кабилар билан шуғулланишда кўринади. Ушбу инновациялар ўзбек этномаданиятини дам олиш ва ҳордиқ чиқариш, ижодий-маданий қобилиятларини ўстиришга қаратилган янги, ноанъанавий ижод турлари билан бойитмоқда.

Ўзбек халқининг маънавий бойлигига айланаётган замонавий қадриятларга: а) сиёсий ҳаётда, демократик институтлар фаолиятида мустақил фаол субъект сифатида қатнашиш; б) халқаро ташкилотлар ва нодавлат уюшмалари тузиш ёки уларнинг аъзоси бўлиш; в) мустақил тарзда тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланиш; г) замонавий санъат ва ижод турларини эгаллаш ва улар орқали ўзининг маънавий-маданий қобилиятини ривожлантириш; д) халқаро маданий-информацион жараёнларда муаллиф сифатида иштирок этиш; й) маданий-маърифий уюшмаларнинг тадбирларида қатнашиш; ж) илмий-техникавий, бадиий ижод турлари билан шуғулланиш ва халқаро тадбирларда, кўрикларда иштирок этиш кабилар киради.

Марказий Осиё халқлари этномаданиятида анъанавий қадриятлар билан умумдунёга хос урбанизация белгилари инновация сифатида уйғунлашиб келиши кузатилаётган бўлса-да, ушбу уйғунлашиш ҳар бир ижтимоий гуруҳ, синф, шаҳар ва қишлоқда турлича содир бўлмоқда.

Дунёдаги ҳеч бир халқнинг, миллатнинг этномаданияти ва анъанавий қадриятларидан мутлақ воз кечиб, инновацияга, замонавий қадриятларга ўтиши кузатилмайди. Балки, аксинча, Ғарб бугун Шарқ анъанавий маданиятини ўрганиш ва уларни асраб қолишга интилмоқда. Демак, миллий тараққиёт - анъанавий ва замонавий маданиятни, қадриятларни оқилона уйғунлаштиришдадир.

Этномаданиятнинг анъанавий халқ маданиятини яхлит ва кўп қиррали ҳодиса сифатида ўрганиш, унинг тузилиши, асосий кўринишлари, шаклларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис биз этномадният эволюцияси ва умум қабул қилган “маданият” таснифидан келиб чиқиб, халқ маданиятининг асосий соҳаларини аниқлашга интилдик. Халқ маданиятининг асосий кўринишлари, соҳаларини аниқлаш билан бирга унинг ўзига хос хусусиятлари ва тавсифий белгиларини аниқлаш ҳам жуда катта илмий қийматга эгадир.

Этномаданият ва унинг таркибий қисми бўлган анъанавий халқ маданияти: халқ донишмандлиги, халқ фалсафаси, халқ одатлари, халқ ижоди, халқ ўйинлари, халқ пазандалиги, халқ амалий саънати, халқ табобати, халқ турмуш маданияти каби кўплаб соҳаларни ажратса бўлади.

Баъзи ҳолларда айрим тадқиқочилар томонидан "маросим" ва "урф-одат", "анъана" ва "байрам" каби қатор терминларни синоним тарзда ишлатиш ёки изчил фарқланмаган ҳолда қўлланилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Шубхасиз бу ўринда "маросим", "урф-одат", "анъана" ва "байрам" терминларнинг қандай ўхшашлик ва фарқли хусусиятлари мавжуд? - деган савол туғилиши табиийдир. Бизнингча, ушбу терминлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, аммо бир-биридан кескин фарқ қилувчи тушунчалардир.

"Анъана" - тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маданий ҳаётига таъсир ўтказадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий қоида тарзида кишилар онгига синган (умум ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади[1].

Урф-одат тушунчаси эса ўта кенг бўлиб, у ўз ичига халқ ҳаётининг барча томонини - оддий кундалик удум, расм-русум, ирим-сиримлар, ўзаро муомала тарзи ҳамда барча маросимларни бутунича қамраб олади. Маросим тушунчаси нисбатан тор тушунча бўлиб, у шу халқ ҳаётининг маълум соҳаларида омма томонидан қабул қилинган, кўпинча рамзий характерга эга бўлган ва маълум кишилар мажмуи томонидан махсус уюштириладиган намойишлардан иборат[2].

Шунингдек, маросим - инсон ҳаётининг моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келган ва келадиган ҳодисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди. Бошқача қилиб айтганда маросим умум томонидан қабул қилинган рамзий ҳаракатларга эга бўлган ҳаётий тадбирдир.

"Урф-одат" дейилганда кишиларнинг турмушига синггиб кетган, маълум муддат такрорланиб турувчи ҳатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари кўникмасидир. Демак ушбу маросим ва урф-одатга берилган қисқача қайдлардан ҳам кўриниб турибдики, урф-одат тушунчаси халқ ҳаётининг барча соҳасини ўз ичига қамраб олса, маросим тушунчаси ҳаётнинг муайян

[1]Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т., Шарқ, - 2002. -Б. 8.
[2] Саримсоқов Б. Маросим фолклори. - Т.,Фан, 1986. -Б. 12.

соҳаларигагина алоқадор, холос. Урф- одат бир вақтнинг ўзида бир шахс ёки бўлмаса кўпчилик томонидан бажарилиши шарт бўлган қоида бўлса, маросим белгиланган шахслар томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳатти-ҳаракатдир. Жумладан, кичикнинг каттага биринчи салом бериши ёки кўпчиликка камчиликнинг салом бериши ёки меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, байрам арафасида яқинлари, кекса қариялар, қўни қўшнилар ҳолидан хабар олиш каби кўринишлар ўзбекларга хос миллий урф-одатлардир.

Урф-одатлар билан маросим орасидаги ўзаро фарқни улар ичидаги рамзий ҳаракатларни қўлланилиши даражаси орқали ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, урф-одат ўз ичига рамзий ва рамзий бўлмаган ҳаракатларни тўла қамраб олса, маросим фақат рамзий ҳарактердаги ҳатти-ҳаракатларнигина қамраб олади. Қолаверса урф-одат муайян халқ учун асосан бир хил – ўзгармас қоида, норма бўлса, маросим бир хил халқ доирасида кескин локал фарқланишларга ҳам эга бўлади. Шунингдек ҳар қандай маросим ўзи мансуб бўлган халқ урф-одатларининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шу боис маросимдан урф-одат элементларини қидириб топиш мукин, лекин урф-одатдан маросимни қидириб бўлмайди. Ҳар қандай маросим урф-одат ҳисобланади, аммо ҳар қандай урф-одат маросим бўла олмайди[1].

Мустақиллик ўзбек этномаданиятидаги анъанавий қадриятларни қайта тиклаш, улардан унумли фойдаланиш, халқимизнинг жаҳон маданияти ва цивилизациясидан, илғор давлатлар эришган ютуқлардан, умуминсоний қадриятлардан бевосита ва тўла бахраманд бўлишига имкон яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир»[2].

ЎЗБЕКИТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ

Рашидов О.Р., – ЎзМУ PhD., доцент в.в.б.

Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон АССР, БХСР, ХХСР ва кейинчалик Ўзбекистон ССРда большевикларнинг маҳаллий кадрлар орасига нифоқ солиши ва уларнинг бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйилиши советча бошқарувнинг ўзига хос хусусияти эди. Бунинг оқибатида бошқарув тизимида фаолият юритган миллий раҳбар кадрлар уч гуруҳга ажралди. *Биринчи гуруҳга* Марказ топшириқларини бажариш билан биргаликда миллий манфаатларни унутмаган ҳолда иш олиб борган раҳбар кадрлар саналади. Улар бошқарувда бой тарихий анъаналарни сақлаб қолиб, уни миллий руҳда ривожлантириш, шу билан биргаликда большевиклар тажрибасининг керакли томонини ўзлаштириш орқали уни ҳаётга татбиқ қилиш тарафдори бўлдилар. Ушбу гугуҳга кирган маҳаллий коммунистлар юрт келажаги йўлида мустамлакачилик тузумига қарши бўлган яширин ташкилотлар билан ҳам алоқа боғлаб турганлар. *Иккинчи гуруҳ* миллий манфаатларни унутган ҳолда, большевиклар миллий сиёсатидан оғишмасдан, Марказ топшириқларини сўзсиз бажариб келган маҳаллий коммунистлардир. Улар большевикча ғояларнинг асл моҳиятини тушуниб етмадилар ҳамда коммунистик партия олдидаги садоқатларини намоён этдилар. *Учинчи гуруҳни* эса большевиклар миллий сиёсатига мухолифатда бўлган раҳбар кадрлар ташкил этди. Ушбу гуруҳга кирган кадрлар ўз навбатида иккига ажралди: 1) Мамлакат ҳудудида яшаб, бошқарувни ислоҳ қилиш ва ундан большевикларни суриб чиқариш ҳаракатида бўлган, мавжуд тузумга яширин мухолифатда бўлган кадрлар; 2) Большевиклар ғояларига муросасиз муносабатда бўлиб, мустамлакачилик сиёсатининг асл моҳиятини ошкор этган ҳолда ватанни тарк этган муҳожир кадрлар. Булар мамлакат ичидаги яширин мухолифатчилар, қисман ўз ғояларига маслакдош бўлган маҳаллий коммунистлар билан ҳам алоқа боғлаб турдилар.

1925 йилнинг 6-12 февралида Бухорода бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг I таъсис съездида Ўзбекистон КП(б) ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилди. Ўзбекистон КП (б) ташкил этилган дастлабки йилларда унинг таркибида 20 мингга яқин коммунист бўлиб, улар ўзбеклар (42,16 фоиз), қорақалпоқлар (0,01 фоиз), руслар (40,43 фоиз), татарлар (3,53 фоиз), қозоқлар (1,45 фоиз), тожиклар (3,42 фоиз), қирғизлар (1,02 фоиз) ва бошқалардан иборат бўлган[3]. Компартия республикада совет бошқаруви тизимида фаолият юритаётган кадрларнинг ўрнини белгилаб, доимий равишда ўзининг таъсирини мустаҳкамлаб борди.

[1] Саримсоқов Б. Маросим фолклори. / Ўзбек фолклори, очерклар Т., 1988.- Б. 152.
[2] Мирзиёев Ш. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. //Халқ сўзи, 2016 йил 19 октябрь.
[3] Ўзбек Совет Энциклопедияси. 13-жилд. – Т.,1979. – Б.501.

Ўзининг таркибига кўплаб коммунистларни бирлаштириган Компартия бу пайтда республикада амалда ҳокимиятни ўз қўлига олган. Большевиклар ҳар бир ходимдан партия олдида ўз садоқатини намоён қилишини хоҳлар ва унинг йўлидан оғишганлар аёвсиз жазоланган. Давлат аппарати ва партия сафларидаги Марказдан юборилган ва баъзи маҳаллий ходимларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли мамлакат манфаати йўлида хизмат қилаётган кадрлар шубҳа остига олинган. Натижада коммунистик партия сафларида гуруҳбозлик, тарафкашлик ва ўзаро жанжаллар сунъий тарзда авж олдирилди. Масалан, шу даврда Самарқанд вилояти партия ташкилотларида бир гуруҳ билан иккинчиси ўртасида зиддиятга келиб чиқиб, ҳатто улар ўртасида отишма содир бўлган[1]. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида ҳокимият учун партия аъзолари ўртасида очиқчасига кураш бошланиб кетган. Вилоят ижроия қўмитаси раиси Исохўжаев жиноят қидирув бўлими бошлиғига Сурхондарё вилояти партия комитети (обкоми) секретари А.Каримов устидан яширин кузатув уюштиришни топширади. ГПУ томонидан тез орада бу махфий ҳолатлар очиб ташланиб, айбдорлар жазоланади[2]. 1925 йил сентябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон КП(б) МК IV пленумида В.И.Иванов “ўз ишига совуққон бўлган кишиларга нисбатан шафқатсиз бўлишимиз, бошқалар ишини енгил-елпи олиб бориш мумкин эмаслигини ҳис қилишлари учун баъзиларни ҳатто ўлдиришга мажбур бўламиз” деган эди[3].

Большевиклар совет бошқарувидаги маҳаллий кадрларнинг бирлигига путур етказиш ҳамда улар ўртасида кескинлик вужудга келтиришга уринарди. Айниқса давлат аппаратидаги маҳаллий кадрларнинг обрўсизлантирилиши, уларга кучли босим ўтказилиши мамлакатда олиб борилаётган “ислоҳотлар”нинг кўплаб хатоларга йўл қўйишига олиб келди. Бундай ҳолат эса совет бошқарувига қарши норозилик ва эътирозларни келтириб чиқарди. 1925 йил 19 – 22 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида миллий раҳбар ходимлардан 18 киши “Дўстона ва самарали ишлаш учун тоқат қилиб бўлмайдиган шароит юзага келганлиги муносабати билан бизни Ўзбекистондаги ишдан бўшатиб, РКП(б) МК ихтиёрига жўнатишингизни сўраймиз. Агар лозим бўлса, сабабини янада муфассалроқ баён қилишимиз мумкин”[4] мазмунидаги ариза ёзадилар. Шунингдек, ушбу раҳбар ходимлар Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши ишларига етарлича эътибор берилмаётганлигини алоҳида қайд этганлар. Бунга большевиклар томонидан сиёсий тус берилиб, “18 лар гуруҳи” ва “аксилинқилобий” ҳаракат сифатида баҳо берилди. “18 лар гуруҳи” ва уларнинг тутган йўли коммунистик партияда жуда кўп муҳокама қилинган. Жумладан, 1925 йил 22 ноябрда II умумўзбек партия қурултойида Ўзбекистон партия ташкилоти котиби В.И. Иванов сўзга чиқиб, республикани большевиклаштириш, партия ташкилотларида ленинча ўзакни юзага келтириш учун қурбонлар беришдан бошқа йўл йўқлигини уқтириб ўтган[5].

Большевиклар миллий сиёсатида 1925–1931 йиллар мавжуд тузумнинг кирдикорларини фош этган маҳаллий кадрларни бошқарувдан тозалаш ва уларни қатағон қилинишидаги дастлабки босқич бўлди. Бу пайтда бошқарув тизимида айниқса маориф, суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият олиб бораётган маҳаллий кадрларга кенг ҳуқуқ бермаслик ва уларнинг ўрнини европа миллатига мансуб ходимлар билан алмаштириш энг муҳим ҳисобланди.

Ўзбекистон Компартия томонидан “аксилинқилобий кучлар”, “тескаричилар” номлари билан сохта ўйлаб топилган “18лар гуруҳи”, “қосимовчилик”, “иноғомовчилик”, “бадриддиновчилик” каби “антипартиявий гуруҳлар” нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёнинг бошқа совет республикалари: Туркманистонда – “отакуровчилик”, “непесовчилик”, Қирғизистонда – “абдураҳмоновчилик”, Тожикистонда – “хўжабоевчилик” ва “мақсумовчилик”[6] номлари билан қайд этилди.

Ўзбекистон ССРнинг 30-йиллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти совет зўравонлик тузумининг мустаҳкамланиши, шахсга сиғиниш авжга чиққан шароитга тўғри келди. Партия ҳаётнинг бутун ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий-маданий соҳаларини бошқаришни ўз қўлига олди. Раҳбар ходимларга шубҳа билан қараш, “халқ душманларини” аниқлаш ва ҳибсга олиш, турли “мухолифат” гуруҳларни фош қилиш кучайди. 1929 йилда ўтказилган “тозалаш” натижасида Ўзбекистон Компартияси аъзоларининг 25,6 фоизи фирқадан чиқарилди[7]. Мазкур “тозалаш”да партия аъзоларининг “аксилинқилобий ташкилотлар” билан алоқаси текширилиши баҳонасида кўплаб маҳаллий кадрларга бўҳтон тошлари ёғдирилди. Баъзи маҳаллий кадрлар эса большевикларнинг зўравонлиги натижасида бу ҳолатдан талвасага тушиб, партия олдида содир этмаган “айбларини” тан олишга ўтдилар. Коммунистик

[1] Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917–1941 йиллар). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2012. – Б.133.
[2] Ўша ерда.
[3] Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви, 2040-ҳужжат, 3-варақ.
[4] Ўзбекистонда XX асрнинг 20 – 30-йилларидаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар (Архив ҳужжатлари ва бошқа материаллар асосида). – Т.:Navro’z, 2014. – Б.3.
[5] Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви, 2040-ҳужжат, 3-варақ.
[6] Бердиева М.А. 10 лет национально – государственному размежеванию в Центральной Азии (Историографический обзор). – Мустақил Ўзбекистон ва миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.,1995. – Б.158.
[7] Ўзбекистон Республикаси Энциклопедия. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997. – Б.170.

партия сафларини “тозалаш” ишларига бошчилик қилган большевик Петерснинг “Партия иккиюзламачиликка чидаб тура олмайди” номли нутқида[1] Ёқубов исмли шахс унинг олдига келиб маслаҳат сўраганини келтириб шундай дейди: “Ёқубов мени олдимга келиб яқинда тозалашдан ўтаман, мен партия аъзоси бўлганим ҳолда “аксилинқилобий” ташкилотга аъзо бўлиб келгандим. Шуларни тозалаш олдида очиб беришим лозимми деб сўради. Мен унга бу ташкилотга қандай қатнашганингизни характерлаб ўз хатоларингизни танқид қилинг дедим”[2]. Баъзи ҳолларда содир этмаган айбини тан олдириш усули сифатида сохта гувоҳлардан фойдаланилди. Совет матбуоти эса бундай ҳолатларни бўрттириб кўрсатишга ўтиб, миллатнинг илғор қатламига “халқ душмани” сифатида сиёсий тус берди. Миллий раҳбарларга “ўз хатоларини кенг танқид қилишни истамаган”, “хатоларини партиядан бекитган”, “партиядан сир тутган нарсалари бор”, “партияга қарши алоҳида планлари бор” каби асоссиз айблар қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши жараёни бораётган бир вақтда ҳам Марказдан жўнатилган большевикларнинг маҳаллий кадрларга бўлган муносабати ўзгармади. Мазкур соҳадаги энг катта муаммолардан бири европа миллатига мансуб ходимларнинг маҳаллий кадрларга ишончсизлик билан қараши ва уларнинг эркин фаолиятига тўсқинлик қилиши бўлди. Бундай ҳолат давлат бошқарувининг юқоридан то қуйи бўғинигача бўлган барча тизимда ўзининг аксини топган эди.

ЎзР МДАНИНГ ТУРКИСТОННИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ТАРИХИГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАРИ (1918 – 1924 ЙИЛЛАР)

Саидбобоева Г.Н., –
Ўзбекистон Миллий университети

ЎзР МДАнинг совет ҳокимиятининг ўлкадаги ижроия органларининг электрлаштириш борасида олиб борган ишлари, техник ўқув муассасаларнинг соҳада кадрлар тайёрлаши акс этган архив ҳужжатлари бўлиб, уларга Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (Р – 17), Туркистон Иқтисодий райони (Р – 18), Туркистон Республика Давлат режа қўмитаси (Р – 20), Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгаши (Р – 25), Туркистон АССР Халқ хўжалиги Марказий Кенгаши (Р – 27), Туркистон АССР Маориф Халқ комиссарлиги (Р – 34), Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси (Р – 47), Хоразм Халқ Совет Республикаси Иқтисодий Кенгаши (Р – 73), Туркистон Халқ университети Техника факультети (Р – 368), Туркистон Халқ университети қошидаги Муҳандислик-мелиорация факультети (Р – 651) фондларидаги ҳужжатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Мазкур ҳужжатларнинг мазмуний тузилишини асосан ёзишмалар, билдиришнома, ҳисоботлар, шарҳлар, ахборот ва маълумотномалар ташкил этса-да, улар кўпроқ директив хусусиятга эга. Шунингдек, турли муассаса ва ташкилотларнинг ҳудудларни электрлаштириш фаолиятига оид сарф-харажат қайдномалари, циркуляр режа ва низомлар, маъруза ва тезислар, тушунтириш қайдлари, йиғилишларнинг баённома ва кўчирмалари, қарорлар, стенограммалар, энергетикларнинг далолатномалари каби ҳужжатлар ҳам ўрин олган.

1918 йилда бу масала яна долзарблик касб этиб, муҳандис Ю.К. Давидовнинг Исфайрамсой (Скобелев уезди)да гидроэлектр станцияси қуришнинг зарурлигига доир Туркистон Саноат Халқ комиссарига йўллаган маъруза қайдларини ЎзР МДАнинг бошқа бир – Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (МИҚ)га тегишли Р – 17-фонднинг 1-рўйхати, 815-ишида кузатиш мумкин[1].

Муҳандис Е.А. Кениганинг Тошкент трамвайи жамияти билан Тошкент шаҳрини электр қуввати билан таъминлаш мақсадида Бўзсувда гидроэлектр станциясини қуриш тўғрисидаги маъруза ва харажатлар сметаси (1923), Фарғона вилояти режа қўмитаси қошида электлаштириш комиссиясини тузиш (1924), Туркистон АССРда 1924 – 1928 йиллар давомида электростанциялар қуриш ҳақида Давлат Режа Қўмитаси Раёсатининг ҳужжатлари архивнинг Р – 20 – Туркистон Республика Давлат режа қўмитаси фондида сақланмоқда[2].

Туркистон АССР Халқ комиссарлари Кенгаши фонди (Р – 25) да эса 1921 йилда Туркистон давлат иншоотлари қўмитаси ҳамда электрлаштириш бўйича қўмита раисининг ўлкада электрлаштириш масалалари билан боғлиқ тезислари, Фарғона вилоятини электрлаштириш бўйича Иқтисодий кенгаш йиғилиши баённомаларининг 1921 йил февраль – июль ойларидаги тасдиқланган нусхалари, 1922 – 1923 йилларда Туркистонда электлаштириш ишларининг бориши тўғрисидаги қисқача шарҳ, 1923 йилда

[1] Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви, 285-рақамли ҳужжат.
[2] Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви, 285-рақамли ҳужжат.

Тошкент гидроэлектр станциясини қуриш юзасидан Туркистон Иқтисодий кенгаши ўтказган мажлис баённомасидан кўчирма ва ўлканинг электрлаштирилиши тўғрисидаги маъруза, 1924 йилда Туркистонда "Электроэксплуатация" жамиятини тузиш ва унинг вазифаларини белгилаш ҳақида Туркистон АССР Давлат режа қўмитаси ҳамда Халқ хўжалиги Марказий Кенгашининг хулосалари сақланмоқда[3].

ЎзР МДАнинг Р – 27 – ТАССР Халқ хўжалиги Марказий Кенгаши фондида Туркбюронинг районлаштириш бўйича Секциясининг ўлкани электрлаштиришга доир асосий қоидалари баён этилган баённомалар (1921 – 1922), электрлаштириш бўйича Бошқарманинг вазифалари ва бошқа ҳужжатлар бор[4].

Р – 47 – БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси фондида 1922 – 1924 йиллар ичида Халқ республикасининг турли ҳудудларида электростанциялар қуришни молиялаштириш, уларнинг фаолиятига доир битимлар[5], Р – 73-фонд – Хоразм Халқ Совет Республикаси Иқтисодий Кенгаши ҳужжатларида Хива электростанциясини хўжалик ҳисобига ўтказиш ҳақидаги 1922 йил июль – 1923 йил май ойларига оид иқтисодий материаллар, Хоразм Иқтисодий Кенгаш қошидаги Режа Комиссияси билан электрлаштириш комиссияси аъзоларининг вазифаларини тақсимлаш тўғрисидаги йиғилиш баёни жой олган[6].

Туркистонда муҳандис-энергетик кадрлар тайёрлаш масалалари ТАССР Маориф Халқ комиссарлиги фонди (И – 34)нинг Туркистон Халқ университетида Техника факультетини очиш тўғрисидаги[7], Р – 368 – Туркистон Халқ университетининг Техника факультети фондида Электромеханик бўлими йиғилиш баённомаларининг асл нусхалари (16.11.1921 – 10.08.1923), талабаларнинг анкета ва аризалари, синов қайдномалари (1921 – 1922), мутахассисликка оид фанларнинг ўқув режалари, Техника факультети фаолиятига оид ҳисобот (1923), битирувчи курс талабаларининг диплом иши ҳимоялари бўйича синов-малака комиссияларининг йиғилиш баённомалари (1924)[8], шунингдек, фондда муҳандис, университет профессори Владимир Дмитриевич Журиннинг шахсий фонди[9] сақланмоқда.

Туркистон АССР Халқ хўжалиги Марказий кенгаши фонди (Р – 27)да эса Саноат Халқ комиссарининг Фарғонада гидроэлектр станциясини қуриш ҳақидаги (1918 йил), 1918 йил 7 майдаги гидроэлектростанция қуриш мумкинлиги ҳақидаги баённомаси, Черняев шаҳрида гидроэлектростанция қуриш ҳақидаги Марказий Кенгаш коллегия баённомаси (14.08.1919 йил), муҳандис Е.А. Кениганинг Тошкент трамвайи жамияти билан Тошкент шаҳрини электр қуввати билан таъминлаш мақсадида Бўзсувда гидроэлектр станциясини қуриш тўғрисидаги маърузалари (1923 йил) ва бошқа кўплаб ҳужжатлар жамланган[10].

ЎзР МДАнинг Туркистон Халқ университети қошидаги муҳандислик-мелиорация факультети фонди (Р – 651)да, асосан ўқитиладиган фанлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳақида касбий ва шахсий маълумотлар, талабалар электро-механика тўгарагининг 1921 – 1922 йиллар фаолияти ҳақида ҳисобот ҳамда бошқа шу каби ҳужжатлар жамланган[11].

Юқоридаги ҳужжатлар Туркистондаги совет бошқарувининг дастлабки даврида электрлаштрилиш тарихини ёритибгина қолмай, балки ўлканинг саноат ва ижтимоий тарихини ёритишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Архив ҳужжатлари

1. Қаранг: ЎзР МДА, Р – 17-фонд, 1-рўйхат, 815-иш, 82-89-варақлар.
2. ЎзР МДА, Р – 20-фонд, 1-рўйхат, 331-иш, 276-варақ; 470-иш; 396-иш, 168-170-варақлар; 1882-иш, 265-269-варақлар; 1149-иш, 40-варақ.
3. ЎзР МДА, Р – 25-фонд, 1-рўйхат, 516-иш, 55-67-варақлар; 1276-иш, 31-44-варақлар; 1551-иш, 70-71-варақлар; 1882-иш, 265-269-варақлар; 1149-иш, 40-варақ.
4. ЎзР МДА, Р – 27-фонд, 1-рўйхат, 1085-иш, 25-варақ; 813-иш, 4-варақ; 49-иш, 1-варақ; 1085-иш, 25-варақ; 15-иш, 64-варақ; 1391-иш, 15-19-варақлар.
5. ЎзР МДА, Р – 47-фонд, 1-рўйхат, 585-иш, 4-варақ; 575 иш, 8, 33-варақлар; 448-иш; 5-варақ, 441-иш, 58-варақ; 216-иш; 5-варақ; 554-иш; 98-99-варақлар; 436-иш, 93-варақ;
6. ЎзР МДА, Р – 73-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 504-варақ; 26-иш, 139-варақ.
7. ЎзР МДА, Р – 34-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 74-75-варақлар.
8. ЎзР МДА, Р – 368-фонд, 8-рўйхат, 19, 22, 30, 73, 81-ишлар.
9. ЎзР МДА, Р – 368-фонд, 8-рўйхат, 101-иш.
10. ЎзР МДА, Р – 27-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 1-варақ; 2-иш, 3-орқа варақ; 15-иш, 64-варақ; 1391-иш, 15-19-варақлар; 2-иш, 3-орқа варақ.
11. ЎзР МДА, Р – 651-фонд, 8-рўйхат, 1-иш, 15-16-варақлар; 1-рўйхат, 36-иш, 4-4-орқа варақлар.

XIX ASRNING 60-YILLARIGACHA BO'LGAN DAVRDA ERONDA ANGLIYA VA ROSSIYANING MUNOSABATLARINING KESKINLASHUVI

Сайфуллаев Х.Т., – ЎзМУ

XIX asrning 30-yillarda O'rta Sharqda Angliya-Rossiya raqobati va kurashi kuchaydi. Bunga albatta Rossiya imperiyasining O'rta Osiyo xonliklariga nisbatan yuritayotgan siyosati va Rus savdogarlarining Afg'oniston, Eron hattoki Hindistonga kirib borishi Angliyani sarosimaga solib qo'ygandi. Yuqoridagi jarayonlar Angliyaning Eronga nisbatan ta'sir doirasini kuchayishiga olib keldi. Rossiya Shoh hukumati bilan Kavkaz hududi bo'yicha raqobatlashar edi.

A.S.Gribodev o'limidan keyin inglizlar Eronda o'z pozitsiyalari mustahkamlash harakatlarini faollashtirib bordi. Shu maqsadda shoh taxtiga da`vogarlarning kurashuviga bosh qo'shdilar. Ma'lumki, Eron taxtini asosiy da`vogarlari shahzoda Abbos mirza 1833-yilda vafot etdi. 1834-yilda esa Eron shohi Fath Alishoh vafot etdi. Taxt uchun kurashda inglizlar qo'llab-quvvatlagan Abbos Mirzo Muhammad (1834-1848-yillar) g'olib chiqdi. Oradan ko'p o'tmay shoh saroyiga Angliya missiyasi keldi. Ular o'zlari bilan yangi shohga qurol-aslaha va boshqa harbiy anjomlar "sovg'a" etishdi. Bu bilan inglizlar shoh va uning amaldorlarini o'zlari tomonga og'dirib olish va keyingi vaqtlarda Eronda kuchli siyosiy ta'sirga ega bo'lib borayotgan Rossiya nufuzini va tasirini yo'qotish edi. Ammo, inglizlarning bu urinishi o'z samarasini bermadi. Shohga bosim o'tkazish uchun Angliya diplomatlari Afg'oniston xonlarini Eronga qarshi harakatlar qilishga unday boshladilar. Hirot, Qandahor, Qobul hukmdorlari Eronga bo'ysunishni rasman tan olsalarda, amalda shohga itoat etmasdilar. Bu yerlarda Eron shohi va noiblariga tez-tez bosh ko'tarishlar bo'lardi. Bu qo'zg'olonlarda Hirot alohida ajralib turardi. Inglizlar pinxona Hirot xonini Eronga qarshi kurashga davat etardi. Angliyaning asl maqsadi Hirotni Erondan ajratib olish va Hirotni o'zining koloniyalaridan biriga aylantirish edi. Chunki, Hirot judda muhim strategik hudud hisoblanardi. O'sha davrda Yevropa matbuoti Hirotni "Hindiston darvozasi" deb atardi. Hindistondan O'rta Osiyo va Eronning Kaspiybo'yi yerlariga boradigan o'sha muhim yo'l Hirotdan o'tardi. Ammo, Eron shohi hali Hirotni inglizlarga berib qo'ymoqchi emasdi. Hirot masalasida Rossiyaning ko'zlagan maqsadlari bor edi: Birinchidan, judda muhim strategik shahar Hirotni Angliya ta'siriga tushib qolishiga yo'l qo'ymaslik. Ikkinchidan Hirotda Eron hukmronligini kuchaytirish shu bilan Eronning Kavkazortiga qaratilgan intilishlarini zaiflashtirish. Rossiya Eronning Hirotga nisbatan tutgan da`volarini qo'llab-quvvatlardi. Eron shohi Rossiya vakili polkovnik Simonich maslahati bilan ish tuta boshladi. Rus vakillar maslahati bilan Eron shohi 1837-yil Hirotga harbiy yurish qildi va Hirotni qamal qildi. Bu yurishdan Eronning ko'zlagan maqsadlari quydagilaridir:

- 1826-1828-yillarda. Rossiya-Eron urushida mag'lubiyatga uchragan Eronning avtoritetini tiklash.
- 1826-1828-yillarda boy berilgan hududlar boyliklarni o'rnini toldirish
-Hirotda Eron hukmronligini tiklash
-Eronning sharqiy chegaralarida ingliz fitnalari va avyanturalariga chek qo'yish.
- Hirotda Angliya ta'sir va nazoratining kuchayishiga yo'l qo'ymaslik, Afg'onistonda ekspansiyasini to'xtatish [1].

Eron hujumidan keyin, Hirot shahri muhofazasiga ingliz ofitseri Genri Pottindjerri rahbarlik qildi. Hirot xoni Komron mirza Angliyadan yordam oldi. Tehrondagi Angliya elchisi Mak-Nil Hirotga qilgan urushni, Angliyaga ham qaratilgan urush deb e'lon qildi. Eron armiyasidagi ba'zi bir salbiy holatlar, ya'ni armiyaga rahbarlik qilishdagi kamchilik, Harbiy harakatdagi o'zaro hamkorlikni yo'qligi, buyruqlarni o'z vaqtida bajarilmasligi, Hirot qamalini uzoq davom etishiga sabab bo'ldi [2]. Angliya Erondan urushni to'xtatish talab qila boshladi. Agar bu talab bajarilmasa Angliya Eron bilan urush holatida bo'ladi deb Eronga bosim o'tkaza boshladi. Bu talabning isboti sifatida Angliya harbiy floti 1838-yilda fors qo'ltig'iga bostirib kirdi va Xarg orolini bosib odi. Shoh 1838-yil avgust oyida Hirotni qamal qilishni toxtatdi. Ammo shoh Angliya qo'ygan ushbu talablarni, ya'ni Turkmanchoy bitimiga mos Angliya –Eron savdo shartnomasini va Hirot xonligiga tegishli Turgon, Farrox va Sabzavor hududlaridan Eron qo'shinlarini olib chiqib ketishni bajarishdan bosh tortdi. Bunga javoban Angliya 1838-yil noyabr oyida Eron bilan diplomatik aloqalarni uzganligini elon qildi. Angliya elchisi Mak-Nil Eronni tark etdi. Keyinchalik boshlangan muzokaralarda shohni qo'rqitish bosim o'tkazish, orqali o'z talablarini qabul qilinishiga erishdi. Yangi Angliya-Eron savdo shartnomasi imzolandi. Bitimga asosan Angliya savdogarlari Eron bozorlarida soliq to'lashdan ozod qilindi. Eronga olib kelinadigan tovarlar uchun, tovar qiymatining 5 % miqdorida bojxona solig'i to'laydigan bo'ldilar. 1841-yil oktyabr oyida Angliya-Eron diplomatik aloqalari qaytadan tiklandi. 1842-yil yanvar oyida harbiylari bitimga asosan Xark oroldan chiqib ketdi. Yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turibdiki, 1837-1838-yillardagi Hirot harbiy kompaniyasi Rossiya va Angliyaning O'rta Sharqda o'zaro raqobatining bir ko'rinishi bo'ldi desak xato qilmagan bo'lamiz. Bu raqobatda siyosiy manevrlar ustasi bo'lgan inglizlar g'olib bo'lishdi. Natijada Angliyaning Erondagi siyosiy va iqtisodiy nufuzini ancha o'sdi va mustahkamlandi. Bu esa Angliyaning Shimoliy Hindiston va Afg'onistonda o'zining boqinchillik siyosatini amalga oshirish uchun qulay vaziyatga ega bo'lib oldi. Shuningdek bu davrda Angliyaning Eronga nisbatan bunday kuchli qiziqishiga XIX asrning 40-yillarida O'rta Osiyoda Rossiyaning

nufuzi har tomonlama oshib bu yerda savdo-sotiqda katta mavqega ega bo'lib borayotgan edi. Rus tovarlari to Hind daryosigacha yetib borgan edi. Ba'zi hollarda Angliya tovarlaridan ham xaridorgir hisoblanardi. Angliya O'rta Osiyoda savdo-sotiq bilan shug'ullana olmasdi. Ammo Angliya sanoatning jadal sur`atlarda rivojlanishi, inglizlarning Osiyodagi ekspansiyasi kengayishiga sabab bo'ldi. Xususan O'rta Osiyoda ham inglizlar paydo bo'la boshladilar. Angliyaning O'rta sharqdagi mustamlakchillik siyosati faollashdi. Rossiyaning O'rta Osiyo xonliklari bilan munosabat o'rnatish uchun qilayotgan harakatlariga xalaqit berishga Angliya katta e'tibor bera boshladi. Agar Rossiya O'rta Osiyo xonliklarida oz ta'sirini o'rnatsa, keyingi navbat Hindiston bo'lar edi, degan, vahima inglizlarni o`sha davrda qamrab olgandi. XIX asrning 40-yillarida inglizlar Eronga bosim o'tkazishni kuchaytirish uchun "Qul savdosiga qarshi kurash" fitnasni o'ylab topdilar. Bu "qul savdosiga qarshi kurash" siyosiy bahona qilib, Angliya Turkiya va Eron ichki ishlariga aralasha boshladi. 1823-yil mart oyida inglizlar turk sultonidan rasman ijozat oldilar. Turk kemalari qul savdosiga aloqador deb shubha qilsa, ingliz harbiy kemalar tomonidan ushlanar va tintuv o'tkizilar edi. Bu ishlar Turk sultoning bergan ijozatnoma asosida o'tkizilar edi. Turk sultoni maxsus farmon bilan bu ijozatni tasdiqladi [3]. Turkiya kemalarida tintuv o'tkazishni qo'lga kiritgan Angliya, xuddi shunday huquqni berishni Eron shohidan ham talab qildi. 1848-yil 12-iyunda Angliyaning Erondagi vakili podpolkovnik Ferrant Eron bosh vaziri Mirza Og'asiga ultimatum jo'natdi. Shu kuniyoq javob berish kerak edi. "Shoh hukumati Fors qo'ltig'ida "qul savdosini" ni taqiqlash niyatidami? Ferrant "Angliya bu masalani orqaga surishga rozi emas" deb ogahlantiradi[4]. Eron shohi Ferrant ultumatumini qabul qildi. Shoh Fors qo`ltig'ida qullarni keltirishni ta`qiqlashga roziligini bildirdi. 1848-yil 12-iyunda shoh bu maxsus farmonga imzo chekdi. Ammo bu maxsus farmonda Eron kemalarini inglizlar tomonidan tintuv o'tkazishga ruxsat yo'q edi. Shu sababdan Angliya Eron kemalarni ushlash va tintuv o'tkazish huquqni berishni Erondan talab qila boshladi. Natijada 1851-yil avgust oyida Angliya konvensiyasi imzolandi. Kelishuvga asosan Angliya harbiy kemalari 11 yil mobaynida "qul savdosi" bilan shug'ullanishda shubhaga olingan Eron kemalarini ushlash va tintuv o'tkazish mumkin edi. Tintuv vaqtida Eron tomondan amaldor vakil ishtirok etishi ham bitimda ko'rsatilgan edi. Ammo, inglizlar amalda, bu shartga deyarli amal qilmadilar. Inglizlarning bu huquqni qo'lga kiritish uchun qilgan harakatlaridan asosiy maqsad "Qul savdosi" ni yo'qotish emas, balki Eron savdo kemalari ustidan nazorat o'rnatish edi. Eron savdo kemalari egalarini inglizlar Angliya flotining raqobatchilari qatorida ko'rardi. Bu nazorat tufayli, Eron savdo kemalari inqirozga yuz tuta boshladilar [5]. Inglizlar va ularning harbiy kuchlarining fors qo'ltig'ida turishi Eron davlatiga doimo xavf tug'dirardi. Inglizlar tez-tez shoh hukumatining olib borayotgan siyosatiga aralshib turardilar. Agar Eron tomoni Angliyaning sharti va talablariga qarshilik qilsa inglizlar albatta biror bir fitna o'ylab topardi. Eronga qarshi shunday fitnalardan biri 1851-yilda uyushtirildi. Afg'onlarni pinxona inglizlar qo'llab-quvvatladilar. Angliya Eronni Hirotga yordam bermaslik talabini qo'ydi. Hamda fors qo'ltig'idagi harbiy-dengiz kuchlarini harkatga keltirib Bushir shahri yaqinida to'pladi. Agar Hirotga yordam berilsa Angliya Eron bilan diplomatik aloqalarini uzishni elon qiladi. Bu tazyiq va bosimlar ostida qolgan Eron Hirotga yordam bermadi [6]. Bu urush 1852-yilda natijasiz tugadi. Eron bu yon berishi ham Angliyaning Eronga qilayotgan bosimini kamaytirmadi. Eronga har tomonlama bosimini kuchaytirgan Angliya Isfaxon va Sherozda, o'zlarning agentliklarini olishga harakat qila boshladilar. Angliya-Eron savdo bitimining shartlarini qayta ko'rib chiqish ham kun tartibiga qo'yildi. O`mon hukmdori orqali Bander-Abbosga va uning atrofidagi hududlarni Erondan ajratib olishni ham rejalashtirdilar. Angliyaning bu o'z punkti bo'yicha o'rtaga qo'ygan da`vo sharti, Fors ko'rfazida inglizlar olib borayotgan bosqinchilik siyosatining yangi bosqichi boshlanganidan darak berardi. XIX asrning 50-yillariga kelib Angliya Fors ko'rfazining janubiy qirg'oqlarida va unga yaqin orollarda o'zining to'liq hukmronligini o'rnatdi. Rasman O`mon hukmdori Erondan ijaraga olgan Keshm oroli va Bander-Abbosda inglizlar o'zlari uchun punktlarni vujudga keltirdi va Eronga keng ko'lamli bosim o'tkazish amaliyotini boshlab yubordi. Bander-Abbosda O`mon-Eron to'qnashuviga ham inglizlar sababchi edi. Bu urushlarda Eron ham O`mon ham kuchsizlandi. Bunday vaziyatlardan Angliya o'z foydasi yo'lida ustalik bilan foydalana olardi. Angliya o'zining ta'sir doirasini janubdan Eronning shimoliy hududlari tomon kengaytirish yana ba'zi talablarni ko'tarib chiqa boshladi. Erondagi Angliya elchisi Merrey Isfaxon va Sherozda ingliz agentliklarini ochishni yana shoh hukumatidan talab qildi[7]. Angliya elchisi Merreyning, Eron bosh vaziri bilan yozishmalarini tadqiq qilgan tarixchi mutaxassislar xulosasiga ko'ra inglizlar qanday qilib bo'lmasin, Eron bilan urush ochishga bahona qidirganlar. O'zlarining fitna, xiyla-nayranglari hamda qo'rqitish va taxdidlar bilan maqsadiga yeta olmagan inglizlar 1856-yil Eronga urush e`lon qildi. Eronni shu yo'l bilan o'zlariga bo'ysundirmoqchi bo'ldilar. Ammo, bir necha asrlik tarixga ega bo'lgan Eronni taslim qilish oson emasdi. Bu vaziyatni e'tiborga olgan Angliya 1856-yil bahor va yozida Fors ko'rfaziga qo'shimcha kuchlarni keltirishni boshladi. Kuchli artillerya to'plarini o'rnatgan "Ajdarxo" fregat, o'sha davrning harbiy kemasi hisoblangan "Assay" Fors qo'ltig'ida edi [8]. Avgust oyida "Feruz" harbiy kemasida ingliz harbiy ofitserlari keldi. Bu ofitserlar harbiy hujumga tayyorgarlik ishlarini amalga oshirishi lozim edi. 8-noyabrda esa yana 5 ta jangovar kema keldi va 11-13-noyabrda Bombey shahridan inglizlar asosiy kuchlari yo'lga chiqdi. Angliya harbiy kuchlarining yig'ilish joyi uchun Bander-Abbos shahri tanlandi. 1856-yil 4-dekabrda Angliya Eronga urush qilib, Xark orolini bosib oldi. Xark orolini Angliya mulki deb e'lon qildi [9]. 7-8-dekabrda inglizlar Xalil buxtasiga harbiy desant tushirdi va 10-dekabrda ingliz kemalari ikki soat davomida Bushir shahrini va unga yaqin joylarni o`qga tutdi. Shahar hokimi muzokara boshlashga rozillik bergandan keyin o'qqa

tutish to'xtatildi. Inglizlar tamoman taslim bo'lish va shaharni topshirishni talab qildi. Lekin, shahar hokimi bu shartni bajarmadi. Yana to'rt soat davomida shahar qamal qilindi. Shundan so'ng Bushir shahri hokimi shaharni inglizlarga topshirdi. Inglizlar Bushir shahrini Angliya mulki deb e`lon qildi va shaharda kuchli harbiy rejim o'rnatdi. Angliya rejasiga ko'ra Bushir shahri olinsa Eron taslim bo'lib yon beradi. Lekin, Eron hukumati janubga Xuziston va Fors viloyatlariga qo'shimcha harbiy kuch jo'natishda davom etdi. Angliya armiyasi askarlari kam sonli edi va Eronni ichkari hududlarida urush olib borish inglizlar yetarli imkonyatga ham ega emasdi. Angliya hukumati umumiy qo`shinga general–Leytenat Utrem qo'mondon qilib tayinlandi va yanvar oyida qo'shimcha kuch bilan Fors ko'rfaziga jo'natildi. 1857-yil fevral oyi boshlarida Hindistondan kelgan asosiy qo'shin Eronning Bushir yaqinidagi Borazjonga kelib tushdi. Ammo shaharni himoya qilayotgan 8 ming eron qo'shinlari shahardan chiqib ketgan edi. 1857-yil 8-fevralda Xushabda ingliz va eron qo'shinlari o'rtasida kuchli to'qnashuv yuz berdi. Bu jangda Eron armiyasi mag'lubiyatga uchradi. Ammo, inglizlar mamlakat ichkarisiga kirib borishga botina olmasdan, Bushir shahriga qaytdilar. Ingizlar armiysining g'alabasining asosiy omillaridan biri, Eron armiyasining pozitsiyalari Angliya harbiy kemalari tomonidan qattiq to'pga tutilardi. Qattiq talofat ko'rgan eronliklar inglizlarga yetarli darajada qarshilk ko'rsata olmasdi. Ammo, inglizlar mag'lub bo'lgan eronliklarning orqasidan taqib qilmadilar. Ular qirg'oqdan uzoqlashishdan qo'rqardi. Agar qirg'oqdan uzoqlashib, Eron armiyasi bilan jangga kirsa, mag'lubiyatga uchrashi mumkin edi. Bu vaziyatni hisobga olgan Angliya armiyasi Korun daryosi bo'ylab jang harakatlarini davom ettirishni lozim ko'rdi, hamda Eron armiyasi ichida fitna va nizolar chiqarishga harakat qila boshladi. 1857-yil mart oyi boshlarida Korun bo'ylab ingliz kemalari Moxammer shahrini to'plardan o'qqa tuta boshladi. O'z navabtida Eron armiyasi ham inglizlarni to'plardan o'qqa tuta boshladi. Ammo kuchlar teng emasdi. Inglizlarda to'plar soni 80 ta Eronda esa 30 ta edi. Shuningdek Ingliz to'plari eng zamonaviy qurollardan iborat edi [10]. Ingliz harbiy kemalari shaharni to'xtovsiz artillerya qurollari bilan o'qqa tutgach, shahar taslim bo'ldi. Bushir va Moxammer janglardan ma'lum bo'ldiki, Eron armiyasi jangovor holati talab darajasiga javob bermaydi. Shuningdek, armiyada yaxshi tayyorgarlik ko'rmagan ofitserlar va ularning o'rtasida yagona tartibning yo'qligini ko'rishimiz mumkin. Shu davrda inglizlar bilan birga kirib kelgan fransuzlar bilan Eron armiyasini isloh qilish va Yevropa armiyasi tipdagi armiyani shaklllantirish majburyatini olgandi, ammo armiyani qayta tashkil etish turli bahonalar bilan orqaga surildi, to'g'rirog'i bajarilmadi. Aslini olganda, Eronning Yevropa tipidagi kuchli armiyaga ega bo'lishi, Angliya va Fransiya ham manfaatdor emasdi[11]. Ko'run daryosi bo'ylab yuqoriga ko'tarilgan inglizlar Axvaz shahrini ham egallashdi. Angliya bu urushdan ko'zlangan maqsadi Erondan Xuziston viloyatini ajratib olish va Angliya mulki deb e'lon qilishi edi. Ammo yuz bergan ba'zi bir o'zgarishlar Angliya tezlik bilan tinchlik bitimini imzolashga majbur qildi. Ya'ni 1857-yilni boshlarida Hindistonda boshlangan "milliy ozodlik" kurashi tobora kuchayib borardi. Xalq qo'zg'olonning natijalarida tashvishga tushgan inglizlar Parijda Eron bilan sulh muzokaralarini boshlab yubordi. Muzokarada Angliya tomondan Angliyaning Turkiyadagi elchisi Stradford De Redkilif va Angliyaning Fransiydagi elchisi Kouli, Eron tomondan Eronning Fransiyadagi elchisi Farruxxon ishtirok etdi. 1857-yil 4-mart Parij shahrida Angliya-Eron sulh bitimi imzolandi [12]. Shunday qilib Angliya yana o'z maqsadiga yeta olmadi. Eronni to'liq o'z nazorati ostiga olishga erisha olmadi. Hindstondagi xalq qo'zg'olonlari Eronni jiddiy mag'lubiyatdan saqlab qoldi. Angliya-Eron o'rtasida ketayotgan voqealar rivojiga Rossiya hukumati ham butun diqqat etiborini qaratgan edi. Bu urushlarda Eronga kerakli yordam berdi. Angliyaning Eronda, Afg'oniston, Hirotda o'rnashib olishiga Rossiya mutloqo qarshi edi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki XIX asrning 30-60-yillarida Rossiya va Angliya o'rtasidagi kurash va raqobat yanada kuchaydi va jiddiylashdi. Rossiyaning janubiy chegaralarida Angliyaning joylashib olishini rus hukumati o'zlari uchun jiddiy xavf deb bilardi. Haqiqatdan shunday bo'ldi, Eron balki Afg'oniston va Hirotda o'z bazalariga ega bo'lgan Angliya intensiv ravishda (zo'r berib) O'rta Osiyo xonliklariga o'zlarining agenti va emissarlarini yubora boshlagan edi. Bu o'rinda Rossiya ham Angliyadan ortda qolmaslikka harakat qildi. Ammo, Rossiya Angliya bilan ochiq konfilikka borib qolmaslik choralarini ham ko'rardi. Eron, Afg'oniston, O'rta Osiyo xususidagi Rossiya-Angliya raqobatini asta-sekinlik bilan xalqaro munosabatlarining asosiy omillaridan biriga aylana bordi.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. История дипломатии - М.: 1959. – С 614.
2. Кузнецова Н.А. Иран в первой половине XIX века - М.: Наука, 1983. – С 264.
3. Туманович Н.Н. Европейские державы в Персидском заливе в XVI-XIX вв. - М.: Наука, 1982. – С 144.
4. Туманович Н.Н. Европейские державы в Персидском заливе в XVI-XIX вв. - М.: Наука, 1982. – С 144.
5. Бушуев С.К. Из истории внешнеполитических отношений в период присоединения Кавказа к России 20-70 годы XIX века. - М.: МГУ, 1955. – С 203.
6. Туманович Н.Н. Европейские державы в Персидском заливе в XVI-XIX вв. - М.: Наука, 1982. - С 145

7. Туманович Н.Н. Европейские державы в Персидском заливе в XVI-XIX вв. - М.: Наука, 1982. - С 147
8. Очерки новой истории Ирана / Под ред.Л.М. Кулагиной. - М.: Наука, 1978. – С 178
9. Бушев П.П. Герат и англо-иранская война 1856-1857 гг. - М.: МГУ, 1959. – С 183
10. Бушев П.П. Герат и англо-иранская война 1856-1857 гг. - М.: МГУ, 1959. – С 167.
11. Бушев П.П. Герат и англо-иранская война 1856-1857 гг. - М.: МГУ, 1959. – С 169.
12. Туманович Н.Н. Европейские державы в Персидском заливе в XVI-XIX вв. - М.: Наука, 1982. – С 154.

НУРОТА ТОҒЛАРИ ВА УНГА ТУТУШ ҲУДУДЛАР АҲОЛИСИНИНГ ХЎЖАЛИК МАДАНИЙ АНЪАНАЛАРИ: ЎТМИШДА ВА ҲОЗИР.

Салимов Т.Ў., – в.б проф., ЎзМУ

Нурота тоғлари қадимги Сўғд ва Бухоро воҳаси ҳудудини Қизилқум қум бўронларидан девор каби тўсиб турган. Узоқ ўтмишда Зарафшон водийсига фақат дараси Илонўтти (Жиззахдан жануброқда) ва Нур қўрғони орқали ўтиш мумкин бўлган. Жиззах шаҳри ва Нур қалъаси муҳим пунктлар сифатида мудофа деворлари билан ўраб олинган[1].

Қизилқумнинг бепаён майдонлариа қараганда Нурота тоғларининг шимолий томонида кўп сонли майда тоғ сойлари бўлиб, уларда булоқ сувлари оқади. Улар туфайли даралар ҳамда уларнинг олдида қишлоқлар вужудга келиб аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Жиззахдан жанубий шарқдаги дараларда Фориш тумани маркази Янги қишлоққа қадар *ўзбеклар*, ундан ғарбда эса *тожиклар* яшайди. Улар деҳқончилик ва қисман чорвачилик билан машғул бўлиб, турмуш тарзлари асосан ўхшаш. Қишлоқлар асосий сойнинг соҳилида тоғнинг этагида даранинг ичида жойлашган. Аҳоли турар жойлари тош ва ёғочлардан бино қилинган[2].

Нурота тоғларидан 15-20 км шимолда унга параллел тарзда қадимги дашт йўли ўтиб, у Бухорони Нурота орқали Жанубий Қозоғистон, Еттисув вилоятлари билан боғлайди. Ўтмишда Чордарадан сал нарида Сирдарёда кечув бўлган. Ундан йўл ғарб томонга чўл орқали ўтади. Йўлнинг тахминан ҳар 30 км. да мустаҳкам работ ва қудуқ бўлган. Ушбу работларнинг харобалари XX асрнинг ўрталарига қадар сақланган. Нурота Бухоро (ҳозирда Навоий вилоятининг шимолидаги чекка шаҳар, ундан шимол ва шимолий-шарққа то Сирдарёнинг этакларигача Қизилқум чўли ва қумлари ястаниб ётади. XX асрнинг бошларига қадар Нурота чул билан чегарадаги савдо-ҳунармандчилик шаҳар-қалъаси бўлиб, унда Бухоро амири тайинлаган бек яшаган.

Россия империясининг Бухоро амирлиги билан 1868 йилги шартномасига кўра Нурота тоғларидан шимолдаги ҳудудлар русларга ўтади. Жиззах уезди бошлиғининг маълумотига қараганда Боғдонота волостининг барча қишлоқларида 1300 та турар жойлар мавжуд бўлган[3].

Мазкур ҳудуднинг табиий иқлим шароити аҳолига деҳқончилик билан шуғулланишига кенг имконият бермагани сабабли Нурота тоғларининг шимолий томонидаги қишлоқлар аҳлини фаровон яшайди деб бўлмайди. Унчалик кўп бўлмаган экинлар, олинадиган ҳосилни мўл эмаслиги аҳолини эҳтиёжларини қондира олмайди ва бунинг оқибатида, улар қўшимча чорвачилик билан ҳам шуғулланадилар, шунга қарамасдан бу соҳа ҳам катта даромад бермаганидан Нурота тоғлари ўзбеклари моддий ҳамда маданий соҳаларда анча орқада қолганлар. Боғдонота волости аҳолисидан ўз жойига мустаҳкам боғланганлари боғ ва суғорма ерлари бўлганларидир, қолганлари деярлик хамма Миёнқолга мардикорликда пул топиш учун кетишади.

Синтоб, Устук, Темирқобуқ, Туркман қишлоқ жамоалари Нурота тоғларининг шимолий қисмида жойлашган. Агар Қизилқум аҳолиси асосан чорвачилик ва қисман табиий ёғингарчиликка асосланган лалми дон экишса, тоғли қишлоқлар аҳолиси асосан суғорма ва лалми деҳқончилик билан қисман ёрдамчи хўжалик тарзида чорвачилик билан шуғулланади. 1-жадвалда 13 та қишлоқни хўжалик рўйхати XIX аср охири XX асрнинг бошларидаги ҳолати қайд этилган. Унга биноан 486 хўжаликдан фақат 326 таси ер майдонига эга, ерсиз хўжаликлар сони 160 та. Бу хўжаликларда 88 та от, 180 та хўкиз, 140 бош қорамол, 186 та эшак, 4000 бош майда шохли мол мавжуд. Можирим ва Андигон қишлоқларида

[1] Муаллифнинг дала ёзувлари 1991 й.
[2] Гулямов Я.Г. Нур Бухарский //Этнография и археология Средней Азии. -М. “Наука”. 1979, с 133.
[3] ЦГА респ.Узб. И.1. оп 22, д 15, 1869-1873 гг. Рапорт начальника Сырдаринской области об осмотре Западной части Джизакского уезда и населения Кызылкума и переписка по вопросу об устройства киргизов (казахов) на общих с прочих населением верованиям,Ростарт от янв. 1874 г.

382 хўжалик бўлиб, улардан 269 тасида ер майдони бўлса, 113 тасида ер бўлмаган. Отлар 30 та, хўкизлар 64 та, сигирлар 90 та, эшаклар сони 120 та, қўй-эчкилар сони 2600 та[1].

Агар таҳлил этиладиган бўлса умуман ерсиз хўжаликлар сони 20% дан 30% гача, от ҳар бешта хўжаликда 1 та, хўкизлар ҳар уч хўжаликда битта бўлса, сигирлар ундан ҳам кам, қўй эчкилар ўртача 10 тадан кам. Қолаверса қишлоқларда бойлар, ўртаҳоллар бўлган, демак кўплаб хўжаликлар нафақат ерга балки уй ҳайвонларига ҳам эга бўлишмаган. Соф ва Темирқобуқ қишлоқлари аҳолиси аҳволи янада оғир бўлган, уларда хўжаликларнинг ярмида суғорма ери йўқ эди.

Совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар Нурота тоғларининг – тоғлик, тоғолди ўзбек-туркманлари ҳамда Жодир ўзбек-туркманлари ҳаёт тарзлари мавжуд табиий-иқлим шароитига мос равишда тафовутларга эга бўлган. Тожиклар аксари суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлар. Лалми ерларда экин ўзига тўқ, қўш хўкиз, отларга эга бўлган хўжаликлар томонидан экилган[2].

Суғорма ерлар: дарада ва сой, сойчалар бўйидаги текисликларда; лойқа – сойларнинг даштга туташ ерларидаги майдонларга бўлинган. Биринчи турдаги ерларда: тут, ёнғоқ, мевали дарахтлар, полиз экинлари ва беда экилган. Даранинг пастки қисмида узумзорлар ва Осиё пахтаси - ғўза ҳам учраган. Мевалар (ўрик, шафтоли, олма, жийда, анжир) фақат пишган пайтида ёки сақлаб эмас, қуритилган ҳолда ҳам истеъмол қилинган. Қуритилган тут ва олмадан талқон тайёрлашган. Тутнинг ширин навларидан – қиём тайёрланган.

Иккинчи турдаги ерларда тожиклар донли экинлар, зиғир ва қовун-тарвуз, шунингдек ғўза етиштирганлар. Бу хилдаги майдонлар қишлоқдан 5 ва ундан кўпроқ чақирим узоқликда, тоғ-адирларининг даштга туташган ерида ярим дашт ўсимликлари билан тошли чўл жойлашган. Ушбу ясси текисликда, баҳорда тоғларда қорлар эриб, ёмғирлар сероб бўлганида сойларнинг тошқин сувлари, майдонда текис ёйилиб тақирни устини қоплайди. Тақирдан фарқли равишда тупроқ сувни аста-секин ютиши ва қисман буғланиши давомида, ер юзи қаттиқ лой билан қопланиб ёрилмайди, сабаби бу жараёнга сув билан оқиб келган ва чўккан лойқа майда қум қатлами йўл қўймайди[3].

Суюқ чўкинди билан қопланган майдонни аҳоли-лойқа деб атайди. Шуни таъкидлаш лозимки кўпоя ёки лойқа – бу лиман (лойқа) суғорма деҳқончилигининг бир туридир. Сел суви саёз тошли чуқурликдан оққани ва жуда узоққа қумга оқиб ёйилиб кетмаслиги учун февралъ-мартда экиш мавсуми тугаши билан қишлоқ жамоаси аъзолари сойнинг қуруқ ўзанида тош, тикан ва ўтган йилдан қолиб қурилган ўт-ўланлардан банд (кичкина тўғон) қурганлар. Бандни сойни эни бўйлаб эмас, суғориладиган майдонга томон бурчакли қилиб бунёд этишган. XX асрнинг 50-йилларига қадар тўғонни қишлоқнинг ҳар 10 тагача жамоаси биргаликда тиклаган.

Одатда ўртаҳол қўш хўкизи бўлган деҳқон лойқада 10 пудгача турли донли экинлар: буғдой, арпа, сули, қуноқ, зиғир ва кунжут уруғини сепишган. Буғдой 8 центнергача ҳосил берган. Ахборотчи О. Ражабовнинг[4] маълумотларига қараганда лойқада қовун-тарвуз доимо етиштирилса, уруш йилларида пахта ҳам экилган. Қовун экиладиган майдонларни одатда куз-қиш мавсумида ёмғир-қорлар ёғиб сой суви кўпайганда, баъзида лойқагача етиб борганида суғорилган. Одатда сув бир марта омоч билан ҳайдалган майдонга қўйилган. Тупроқ намни шу қадар ютганки, баҳорда экилган қавун ва тарвузлар суғоришсиз мўл ҳосил берган[5]. Қовун пишганида уни тилиб, пўчоғини олиб, осиб қуритилган қовун қоқи аҳолини қиш-баҳор мавсумидаги озиғидаги сезиларли ўрин тутган[6].

Қишнинг қисқалиги, мавсумий яйловларнинг бўлиши ўтроқ аҳолига деҳқончиликдан ташқари чорвачилик билан ҳам шуғулланиш имкониятини яратган. Қишлоқнинг ўртаҳол кишиси одатда қўш хўкизлари, от, эшак, 2-3та сигири ва ўн ёки ундан ортиқ қўй-эчкиси бўлган. Чорвани оғилхонада фақат қишда қорли кунлари, жами 2-3 ой сақлашган. Қўшимча ем хашак фақат қорамолга ва отга берилган. Мартдан майгача тоғли қишлоқнинг чорваси бор аҳолиси даштга – тоғолди адирликларига кўчганлар. Аёллар бу пайтда сут маҳсулотлари: сариёғ, қуртларни заҳирага тайёрлашган. Этнографик дала тадқиқотлари давомида биз Синтоб қишлоғи аҳолиси чорваси ҳозирга қадар ёзда тоғдаги Фозилмон кўли атрофидаги яйловларда боқилиши, хотин-қизлар навбат билан яйловга чиқиб, қишга сут маҳсулотлари тайёрлашларини аниқладик. Ўтмишда бутун ёз ва кузнинг катта қисмида аҳоли боғларда яшаб, чорвани тоғ яйловларида боқишган. XX асрнинг бошларга қадар қишлоқда асосан қиш мавсумида яшалган.

Нурота тоғлари шимолий қисми қишлоқлари аҳолисининг қўшимча машғулотлари пахтадан ип ясаб, дастгоҳда мато тўқиш бўлган. Ип йигириш хотин-қизлар юмуши, мато тўқиш эса эркаклар иши эди. Тожик қишлоқлари, қисман ўзбеклар ҳам пахтадан мато тўқиш билан XX асрнинг 50-йиллари

[1] И.Ф. 18, оп 1.д 10935, 1906-1907 гг. -С 33.
[2] Хорошхин А.П. “Кызылкумский дневник” В КН. Хорошкин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. СПб, 1876, с 398-402; Кармышева Б.Х. “Пещерева Е.М. Материалы этнографического обследование таджиков Нуратенского хребта. СЭ. 1964, №1, с 10-11.
[3] Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги сув иншоатлари тарихидан. Т 1968, 6-б.
[4] Дала этнографик тадқиқотлари Катта Эш қишлоғи. 1991 й.
[5] Кармышева Б.Х. Новыематериалы по этнографии населения Нуратинского хребта. М. Наука 1978 г. С-156.
[6] Хорошхин А.П. Кызылкумский дневник… с-401.

ўрталарига қадар шуғулланишганлар[1]. Пахта етмаса Каттақўрғон ва Хатирчи бозорларидан сотиб олинган. Ҳар бир қишлоқда ўз темирчилари, дуродгорлари, этикдўзлари, сартарошлари бўлган. Айрим усталар бир неча касбни эгаллаганлар ва бу қишлоқ ҳунармандчилигини заифлигидан далолат беради.

Нурота тоғлари ўзбек-туркманларининг асосий хўжаликлари чорвачилик бўлган. XIX аср 70-йилларига оид архив ҳужжатларида қуйидаги маълумотлар мавжуд. “Темирқобуқ қишлоғидан жанубий-ғарда 200 хўжаликка яқин ўзбек туркманларининг аҳолиси яшайди. Улар ярим кўчманчи, асосий машғулотлари чорвачилик, фақат тоғнинг шарқий қисмидаги аъло сифатли ер майдонлари ёғингарчилик мўл бўлган йиллари зироатчилик (дон етиштириш) билан шуғулланишга имкон беради. Ушбу аҳолининг аксари кўпчилиги бутун йил давомида ўтовларда яшаб ўз қўйларини даштда, ўз қудуқлари бўлган жойларда боқишади. Ғарбдаги туркманлар, шунингдек шимолга Сирдарё томон соф кўчманчи, қирғизлар(қозоқлар) ва қорақалпоқлар яшайдиган жойлар бошланади[2].

Тоғолди ва Жодир ўзбек-туркманлари хўжалигининг асосини лалми деҳқончилик ва чорвачилик ташкил қилади. Ўзбек-туркманларнинг бойларини лойқада ҳам ерлари бўлган. Унда донли экинлар, зиғир, кунжут ва қовун-тарвуз экишган. Булоқлар атрофидаги кичик-кичик майдончаларда беда етиштирилган, ҳамда у йилқиларни асосий озуқаси бўлган.

Март ойида экин экилгандан сўнг ўзбек-туркманлар чорваси билан чўлга кўчишган. Тоғолди тепаликлардаги шамолпана дараларда қўзилатиш мавсуми ўтказилган. Қўйнинг қозоқи зоти жуни ва гўшти учун боқилган. Жодирдаги бир неча бойларгина XX асрнинг бошларида араби-қоракўл қўйлари отарларига эга бўлишган. Қурғоқчилик йиллари чорвани қудуқларга яқин, қишлоқлардан 20-30 км нарида қумдаги яйловларда сақлашган. Июнь ойида донли экинлар ҳосили йиғиб олингач, қишлоқларга қайтиб чорвани экинлар ўрнида ва тоғ яйловларида боқишган. Кўрилаётган ўзбек-туркманлар: қўй, эчки, йирик шохли қорамол, йилқи, эшак ва туя боққанлар[3]. Жодирликларда қишлоқ хўжалиги учун яроқли ер кам бўлганидан тоғ туркманлариникига қараганда туялар кўпроқ ва қорамол камроқ эди. Темирқобуқликларга қиёслаганда ушбу аҳоли гуруҳларида ягона турар жойлар усти кигиз билан қопланган ўтов бўлган. Тошдан тикланиб, қишловда бўлган доимий бинолар одатда отлар учун ҳамда ёқилғини сақлаш учун қурилган. Нурота тоғларининг шимолий-ғарбий чеккасдаги ўзбек-туркманлар ҳаёт тарзи XX асрнинг бошларига қадар ярим кўчманчилик тарзида бўлган.

Нурота воҳаси аҳолисининг хўжалик-маданий типлари XX аср давомида сезиларли ўзгаришларга учрайди. Совет тузуми ўрнатилиб, бойларнинг мол-мулки мусодара қилингач, 30-йилларда тузилган колхозларга дастлаб камбағаллар, кейинчалик қулоқ қилинган бой ва ўртаҳоллардан ташқари барча аҳоли тортилади. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига қараганда иккинчи жаҳон уруши йиллари колхозчилар фақат донли экинлар эмас, лойқада пахта ҳам етиштирганлар.

XX асрнинг 50-йиллари мамлакатда маъмурий ислоҳатлар бошланиб, майда колхозлар ўрнида йирик қоракўлчиликка ихтисослашган савхозлар ташкил қилинган. Улар чорвадан ташқари қисман лалми ғаллачилик билан ҳам шуғулланишган. Давлат хўжаликларига машина-техника станцияларининг юк машиналари, тракторлари берилади. Қўй отарларини боққан чўпонларгина ўтовларда яшаб қолган, аҳоли ўтроқ турмушга ўтиб, томорқаларда полиз экинлари, майиз учун хатирчи учқораси узумини етиштириш билан шуғулланган. Ёғингарчилик мўл йиллари лалмидан 10-15 центнергача дон олишган.

Шуни таъкидлаш лозимки, XX аср давомида Нурота воҳаси аксари аҳолисининг турмуш даражаси юксалган. Маориф тизими шаклланиб аҳоли ёппасига унга тортилган. Йирик қишлоқларда Нурота шаҳрида касалхоналар, фелдшерлик пунктлари, амбулаториялар қурилган. Айни пайтда анъанавий хўжалик маданий типларини инқирозга учратган жараёнлар ҳам кучайди. Савхозлар ташкил топиши билан лойқадаги деҳқончилик ташланди, коризларни ўрнига вертикал қудуқлар қазилиб насослар ишлатилиши уларни ҳам ташландиқ ҳолатга келтиради. Оқибатда воҳанинг барча қишлоқлари аҳолиси томорқа ва чорваси ҳисобига яшашга ўтади. Сифатли данаксиз қорамайиз асосий бозор маҳсулотига айланиб уни яқин узоқ шаҳарлардаги бозорларда сота бошлашади. Бугунги кунга қадар воҳа аҳолисининг асосий даромадлари: майиз, полиз экинлари, уй ҳайвонлари: йирик шохли мол ҳамда араби қўйлар бўлиб қолмоқда. Агар Нурота тоғларининг шимолидаги тожик қишлоқлари аҳолиси учун асосий даромад деҳқончиликдан бўлса, собиқ ярим кўчманчи аҳоли учун қўйчилик асосий даромад манбайи бўлиб қолмоқда.

Сўнгги 2-3 йилда бутун Ўзбекистон республикасида, шу жумладан Нурота туманида ҳам чўл-даштга туташ тоғолди ҳудудларини ўзлаштириш бошланиб, Президент Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан ёнғоқ, бодом ва бошқа мевали дарахтлар экила бошланди. Ушбу ерларни суғориш учун электр насослар билан чиқарилган сувни томчилаб суғориш усули қўлланилади. Давлат фермерларга узоқ ва ўрта муддатларга кредетга пул ажратиб бермоқда. Ишонамизки бир неча йил ўтиб асрлар давомида бўш ётган янтоқ, шувоқ ўсиб яйловгагина яраган бу майдонларда ажойиб боғлар барпо этилади. Совет

[1] Муаллифнинг дала ёзувлари. Синтоб қишлоғи 1991 й.
[2] И.Ф. 1. Оп 22 д 15, 1869-1873 гг. Рапорт нач. Сырдарьинской области … от 12 январ. 1871 г.
[3] Кармышева Б.Х. Новые материалы… с-157.

даврида қоракўлчилик билан шуғулланган савхозлар тарих саҳифасидан кетди. Собиқ Иттифоқ парчаланиши бозор иқтисодиётига ўта бошланиши давомида улар ҳам йўқола борди.

Бугунги кунда тоғли аҳоли учун асосий муаммо ишсизлик бўлиб қолмоқда. Белида қуввати бор эркак аҳолининг кўпчилиги шаҳарларга, айримлари МДХ давлатларига иш ва арзигулик маош ташвишида оммавий кетмоқда. Ушбу жараён яна маълум муддат давом этиши муқаррар, лекин яқин келажакда Нурота тумани қишлоқларига ҳам аграр саноат кириб келиши, хом-ашёни тайёр маҳсулотга айлантириш учун майда ва ўрта корхоналарни бунёд этилиши, муаммони ҳал этиши муқаррар.

АҲОЛИНИНГ МЕҲНАТДА БАНДЛИГИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Салимов Ш. Ю., – Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси тадқиқотчиси

Жаҳон миқёсидаги ҳали ҳануз давом этаётган глобал инқироз натижасида дунё бозорларида талабнинг кескин камайиб, ноаниқлик сақланиб қолаётгани рақобатнинг янада кучайиб бораётгани, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда бандлик би- лан боғлиқ жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

2013 йилда дунё миқёсида 3 млрд киши банд бўлгани ҳолда, улардан 1,65 млрд киши ёлланиш асосида банд бўлганлар ва иш ҳақи оладилар, яна 1,5 млрд киши қишлоқ хўжалигида, кичик оилавий корхо- налар ва мавсумий ишларда банддир [1].

Меҳнат ресурсларининг миқдорий ўзгариши бандлик масалалари долзарблигини келтириб чиқармоқда. Мазкур мамлакатлардаги демографик жараёнлар кекса аҳоли улуши кўпайишининг иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилиши, натижада бир қанча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаришини кўрсатмоқда.

Республикамизда мустақилликкача бўлган даврларда қишлоқларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд эди. Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви, иқтисодиётдаги модернизациялаш жараёни ва инвестиция сиёсати, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бозор тузилмалари тармоғининг кенгайиши ҳамда аҳолининг ўз-ўзини иш билан таъминлаши - иқтисодий фаолликнинг ошишига асос бўлди ва бандликнинг қуйидаги жараёнлари кўзга ташланди:

- меҳнатга лаёқатли ёшга етган ёшлар меҳнат бозорига фаолроқ кира бошлади;
- молия, кредит ва суғурта тизимларида, савдо, умумий овқатланиш, уй-жой, коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида бандлик йилдан- йилга ўсиб бормоқда;

Ўзбекистонда аҳоли сони 2014 йилда 30492,8 минг кишини ташкил этди. 2015 йилда аҳоли сони 31022,5 мингдан иборат бўлиб, эркаклар 15552,2 мингдан, аёллар мингдан иборат бўлди. 2013 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдаги доимий аҳоли сони 18517,6 минг кишидан, 2014 йилда эса минг кишидан иборат бўлди. Бу жами аҳолининг 61,7 физини ташкил этди [2].

2015 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар 29,9 фоиздан, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 61,4 фоиздан, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 8,7 фоиздан иборат бўлди.

Аҳолининг меҳнатда бандлигини таъминлашда меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаол ва нофаол гуруҳларга бўлинишига эътибор қаратиш зарур. 2013 йилда Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурс- лари 17814,1 мингдан иборат бўлгани ҳолда, 8214,6 минги, яъни 46,1 фоизи қишлоқ жойлари улушига тўғри келди. 2013 йилда республикада иқтисодий фаол аҳоли минг кишини, яъни 73,9 фоизни ташкил этди, иқтисодий нофаол аҳоли 4651,1 минг кишидан, яъни 26,1 фоиздан иборат бўлди [3]. 2014 йилда меҳнат ресурслари 18048,0 мингдан, иқтисодий фаол аҳоли 13505,4 мингдан, яъни 74,8 фоиздан, нофаол аҳоли 25,2 фоиздан, иқтисодиётда банд бўлганлар мингдан иборат бўлди [4].

Меҳнат ресурсларининг банд бўлмаган қатламини иш билан таъминлаш мақсадида кўплаб меҳнат биржалари ташкил этилди. Вилоят ва туманлараро «Бандлик» дастур- лари ишлаб чиқилиб, бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида белгиланган «Давлат - бош ислоҳотчи» тамойили асосида иқтисодий ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш жараёнлари бозор ислоҳотлари билан биргаликда қўшиб олиб борилгани ҳолда янги иш ўринларини вужудга келтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ва хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоқ жойларига киритиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўплаб ташкил этиш йўли билан янги иш ўринларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Меҳнат ресурсларининг бандлиги аҳолининг муҳим ижтимоий-иқтисодий тавсифи ҳисобланади. Республикамизда бандликнинг энг юқори даражаси 35 ёшдан 45 ёшгача бўлган аҳолига тўғри келади. Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринларини ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда, натижада 2012 йилда иқтисодиётда банд бўлганлар 12224 мингдан иборат бўлгани ҳолда банд бўлганлардан 45,4% и аёллар, 54,6% ини эркаклар ташкил этди.

2013 йилда иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар 12523 минг кишидан иборат бўлгани ҳолда, банд бўлганларнинг 12,9 фоизи саноатда, 27,2 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалигида, 9,3 фоизи қурилишда, 5,3 фоизи транспорт ва алоқада, 11,0 фоизи савдо ва умумий овқатланишда, 3,6 фоизи уй жой коммунал хўжалигида, 13,1 фоизи таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатишда, 0,5 фоизи молия кредит ва суғурта тармоқларида ўз фаолиятларини олиб боришди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,5% га ўсди ва 2014 йилда 12818 минг кишига етди. Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Агар мустақилликнинг дастлабки йиллари- да иш билан банд бўлганларнинг 60%и давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2014 йилда иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги банд бўлган кишилар улуши 81,9%ни, давлат секторида 18,1%ни ташкил этди [6].

Бандликнинг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилмоқда: кишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайди. Агар ўтган асрнинг 1990-йилларининг бошида мазкур соҳада ишловчилар сони жами иш билан банд бўлганларнинг 40% ини ташкил этган бўлса, 2014 йилда 27,6 фоиздан иборат бўлди. Хизмат кўрсатиш соҳаларида эса иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 2015 йил- да 50%га етди. 2014 йилда саноатда банд бўлганлар 12,8 фоиздан, қурилишда 9,4 фоиздан иборат бўлди [7].

Хулоса қилиб айтганда, иш билан банд бўлганлар сонининг камайиши, иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлик таркибининг жиддий равишда ўзгариши, иш билан норасмий бандлик кўламларининг кенгайишида ўз ифодасини топади. Меҳнат ресурсларини иқтисодий тармоқлар ўртасида тақсимотини тўғри ташкил этиш, янги ташкил этиладиган корхоналарни режалаштиришда аҳоли сонига нисбатан пропорционалликни таъминлаш аҳолининг иш билан бандлигини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурларини ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Доклад о мировом развитии 2013. www. worldbank. org./http/creativecommons.org/licenses/ by 6-б
2. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2015. -15-, 17-б.
3. Ўша манба. -32-б.
4. Ўша манба. -32-б.
5. Труд и занятость в Узбекистане 2014.
6. Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами, 2015. -63-б.
7. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами, 2014. -35-б.

MUSTAQILLIK YILLARIDA TOSHKENT TEATRLARI TARIXIDAN.

Saidqosimova F., – O'zMU magistranti
(Ilmiy rahbar: t.f.n.dots.X.A.Bo'riyeva)

Mustaqillik yillarida, O'zbekistonda jamiyatning siyosiy, iqtisodiyot, ilm-fan, san'at, madaniyat va boshqa ko'plab sohalarda, amalga oshirilgan islohotlar va ularning pirovardida, ijobiy o'zgarishlarga erishilmoqda. Shu jumladan, tarixiy va madaniy muassasalarga berilgan e'tibor bugungi kunda o'z samarasini bermoqda. Mamlakatimiz poytaxti Toshkent shahrida mazkur jarayon amaliy tarzda ifodasini topmoqda. Unda joylashgan ko'plab madaniy muassasalarining qayta ta'mirlanishi hamda ularning rivojlantirishga bo'lgan sa'y-harakatlar Toshkent shahrining ko'rkiga ko'rk qo'shib turibdi, desak, mubolag'a bo'lmaydi. Mustaqillik yillarida Toshkent teatrlari hayotida ham yangi davr boshlandi. Istiqlol tufayli milliy merosga tayanib ijod qilish,milliy qadriyatlar, an'analarni tiklashga intilish jiddiy tus oldi.Teatrlar repertuarida tarixiy mavzuning salmog'i oshdi.[F.Saidqosimova :1]

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining **1998 yil 26 martda** e'lon qilingan **"O'zbekiston teatr san'atini rivojlantirish to'g'risida"**gi farmoni va O'zbekiston Vazirlar Mahkamasining shu asosda qabul qilgan **"O'zbek**

teatr"ijodiy ishlab chiqarish birlashmasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qarori teatr strategiyasini belgilab berdi.[F. Saidqosimova:2]

Mamlakatimizni yangilash va modernizatsiya qilishning bugungi yangi bosqichida madaniyat va san'atning hayotimizda tutgan o'rni va ahamiyatini oshirish, yosh avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlar, ona yurtga mehr va sadoqat ruhida tarbiyalash maqsadida: O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va san'at sohasini yanada rivojlantirish va takomillashtirish bo'yicha **2017-2021 yillarga mo'ljallangan chora tadbirlar dasturi ishlab chiqildi. "Yoshlarni deydilar Prezidentimiz, san'at maskanlariga, xususan,teatr va muzeylar, konsert tomoshalariga muntazam jalb etish, o'zbek va jahon madaniyatining eng sara namunalaridan bahramand etish orqali ularning ma'naviy-axloqiy, estetik didi va madaniy darajasini yanada yuksaltirish zarur".** [F.Saidqosimova:3] Buning uchun albatta madaniy muassasalar turmushimizning ajralmas qismiga aylanmog'i kerak.

Ana shunday madaniy maskanlardan biri, **O'zbek milliy akademik drama teatri-**O'zbekistonda yangi sahna san'atini shakllanishi va rivojlanishiga karvonboshilik qilgan teatr jamoasi, eng keksa va yirik teatrlardan hisoblanadi.**1913 yilda** Toshkentda tashkil topib, **1914 yilning 27 fevralda Mahmudxo'ja Behbudiyning "Padarkush"** asari bilan ochilgan (jadidlarning "Turon" nomli teatr truppasi spektakli) bu madaniy muassasa bugungi kunda ham teatr tarixida alohida o'rin tutadi. O'zbekiston mustaqillikka erishgach, teatr faoliyatida keskin o'zgarishlar ro'y berdi. **2001 yil 21 sentabrdan** teatr nomi o'zgartirilib, **"O'zbek milliy akademik drama teatri"** deb atala boshlandi. Teatr jamoasi zamonaviy mavzuda spektakl yaratish bilan birga buyuk tarixiy shaxslar, qatag'on qurbonlarining badiiy timsolini yaratishga e'tibor kuchaytirdi. Natijada U.Shekspir zamondoshi K.Marloning **"Sohibqiron Temur"** dramasi, U.Azimovning Cho'lpon hayotidan hikoya qiluvchi **"Kunduzsiz kechalar"** tomoshabinlarga taqdim etildi. **"Sab'ai sayyor", "Alisher Navoiy", "Abulfayzxon", "Mehrobdan chayon", "Hamlet", "Qirol Lir", "Yetti faryod"** va boshqalar so'nggi yillarda yaratilgan eng yaxshi spektakllardir. Teatr binosi **2001 yilda** zamonaviy talablarga javob beradigan qilib qayta ta'mirlandi. Ta'mirdan so'ng bino butunlay yangi qiyofaga ega bo'ldi, zamonaviy texnik muhandislik asboblar bilan jihozlandi.Bosh tarzi ustunlardan tashkil topgan, peshtoqi egik yoy shaklida,uchta kirish eshigi ravoqli,Foye va zali og'ir qurilmalardan xalos etildi:foye shiftiga naqshinkor bezakli gumbaz, tomosha zalining shiftiga esa osmonda suzib yurgan bulutlar tasvirlangan osma gumbaz ishlangan, uning atrofi gul yaproqlarini eslatuvchi qandillar bilan hoshiyalangan. Zalni yoritishda yetti qismli nodir yoritish tizimi qo'llangan. [F. Saidqosimova:4]

Binoning ikkinchi yon tomoni 7-8 metrga kengaytirildi. Birinchi qavatda vestibyul, ikkinchi qavatning o'ng qanotida **"Maqom"** musiqa saloni, chap qanotida teatr rahbariyati xonalari, uchinchi qavatda teatr muzeyi joylashgan. Binoning yer osti qismiga kichik zal, xodimlar uchun sport zali va boshqa xonalar garderob ishlangan.Bosh tarzitdagi stilobat kengligida ikkita kassa, barlar joylashgan.Zal devorlari ganchkorlik usulida darpardalar ko'rinishida bezatilib, oraliqlariga bir maromda takrorlanuvchi zarhallangan ko'k koshinkori vertikal yo'llar ishlangan. Sahna pardasi zardo'zi kashtalar bilan jozibador bezatilgan. Katta (540 o'rinli) va kichik (110 o'rinli) zaldagi o'rindiq, foye va zinaning yog'och to'siqlari italiyadan keltirilgan, zalning poydevori yashma toshlaridan, foye poli och rangli marmardan qadama usulida ishlangan. Eshiklar esa, yog'och o'ymakorligida jozibador bezatilgan.[F.Saidqosimova:5]

Mustaqillik yillarida, madaniy muassasalar, jumladan,O'zbek milliy akademik drama teatrida olib borilgan samarali o'zgartirishlar natijasida, Teatr-Toshkent shahrining yirik madaniy muassasalaridan biri sifatida, hamda buyuk tarixiy shaxslar va qatag'on qurbonlari timsolini yaratayotgan spektakllari bilan ahamiyatlidir.O'zbek xalqi teatrdan faqatgina madaniy xordiq olmasdan balki, tariximizning xolis va haqqoniy jihatlari aks ettirilgan asarlardan ham bahramand bo'lmoqda. Bino bezaklarini yaratishda **"Us to"** birlashmasi ustalari, Toshkent keramika zavodi, **"Ilhom"** teatri rassomlari va boshqalar samarali mehnat qilishgan. Oldidagi vitrajlar ko'k rang, yon tarzlari tilla rang shishalardan ishlangan. Binoning tashqi yoritilishiga alohida ahamiyat berilgan: ustun ostiga o'rnatilgan chiroq va projektorlar bilan binoning tungi salobati, ko'rki namoyon bo'ladi. Oxirgi yillarda, aniqrog'i **2006 yilda** teatr hovlisida ilgari mavjud bo'lgan binolarga taqab qo'shimcha qurilma qurilgan. Teatr binosiga hovli tomondan kiriladigan eshiklar oldiga zamonaviy turdagi oynali "akfa" romlaridan iborat kirish maydonchalari o'rnatilgan.[F.Saidqosimova 6]

Mustaqillik yillarida teatr jamoasi haqqoniy tariximizni aks ettiruvchi tarixiy asarlar va ular orqali tarixiy siymolarning Vatan ozodligi uchun qilgan qahramonliklari va jasoratlari aks ettirilgan asarlari bilan xalq ko'nglidan joy oldi.

Toshkentdagi yana bir mashhur teatrlardan biri- **Alisher Navoiy nomidagi davlat akademik katta teatri**- Opera va balet san'ati sohasidagi O'zbekistonning asosiy teatri hisoblanadi.Uning tashkil topishi Muhiddin Qoriyoqubovning nomi bilan bog'liq **(1939 yil).** Mustaqillik yillarida teatr rivojini yuksak darajaga ko'tarish, milliy opera va balet spektakllari yaratishga jiddiy e'tibor berildi. **"Malikaiy ayyor", "Ahmad al-Farg'oniy", "Amir Temur", "Buyuk Temur" operalari, "Shoirona miniaturalar", "Nasriddinning qilmishlari", "Ming bir kecha"** kabi baletlar sahnalashtirildi. Teatr repertuaridan o'nlab mumtoz opera va balet asarlari ham o'rin oldi. Teatr faoliyatini mustaqillikdan oldingi davr bilan taqqoslaydigan bo'lsak, o'zbek xalqi buyuk tarixiy siymolarni va haqqoniy tariximizni o'zbek xalqi uchun qoralab, kamsitib ko'rsatilgan jihatlarini mana shu asarlar orqali ham to'la-to'kis haqiqiy tariximiz yoritib berildi. Alisher Navoiy aarlariga ishlangan miniaturalar teatr faoliyati tarixida muhim

o’rin tutadi. Mustaqillik sharofati bilan, **2012-2015 yillarda** teatr qayta tiklandi. Zal 1500 tomoshabinni sig’dira oladi.Uning old tomoni uch arkali peshtoq bilan bezatilgan va u ichkina maydonga qarab turadi. Peshtoqlarni ajratib turuvchi ulkan ustunlar ortida chipta kassalari joylashgan. Maydon markazida musiqali favvora ishlaydi.[F.Saidqosimova:7]

Abror Hidoyatov nomidagi O’zbek davlat drama teatri- 1928 yilda “Yosh Gvardiya” teatri nomi bilan tashkil topgan va M.Karimovning **“Diydor”** spektakli bilan ochilgan.Mustaqillik yillarida **1996 yilda Bahodir Yo’ldoshev** tomonidan sahnalashtirilgan **“Buyuk ipak yo’li”** spektaklida musiqa, xoreografiya va plastik harakatlardan keng foydalanilgan.Mustaqillik yillarida Teatr sahnasida ilk bor sahnlashtirilgan **“Buxoroiy sharif”** spektakli (rej.B.Yo’ldoshev)da rej.g’oyasi o’ziga xos va o’zgacha yechimga ega. Teatr mustaqillik yillarida Angliya, Shotlandiya, Shimoliy Irlandiya, Germaniya kabi mamlakatlarda gastrolda bo’lib, o’z spektakllarini namoyish etgan. Elyor Nosirov,Ne’mat Alimov,Afzal Rafiqov, Aziza Begmatova, Dono Boboxonova, Madina To’xtayeva, Gulbahor Rahimova, Noila Toshkenboyeva, Hoshim Arslonov kabilar teatrning yetakchi aktyorlaridir.[F.Saidqosimoa:8]

Teatr jamoasi o’z faoliyati davomida nafaqat tarixiy siymolarning qiyofasini va asl tariximizni yorituvchi asarlarni sahnalashtirish orqali o’zbek san’atining milliy jihatlariga ham alohida urg’u bergan.

1995 yil 15 mart Toshkent shahar hokimining **57 sonli** qaroriga muvofiq Abror Hidoyatov nomidagi O’zbek davlat drama teatrini **“O’zbek Davlat Drama Teatri”** deb nomini o’zgartirish qayd etildi. **2006 yilda** teatr hovlisida ilgari mavjud bo’lgan binolarga yaqin qilib qo’shimcha qurilgan.Teatr binosiga hovli tomondan kiriladigan eshiklar oldiga zamonaviy turdagi oynali “akfa” romlaridan iborat kirish maydonchalari o’rnatilgan. Madaniy muassasalarga jumladan,teatrlarga berilayotgan e’tibor ham, aholi,xususan yoshlarning madaniy saviyasini yuksaltirish ularni milliy va umumbashariy madaniyatning eng yaxshi namunalaridan bahramand etish,shu asosda ma’naviy yetuk, barkamol shaxslarni tarbiyalash, O’zbekistonning yuksak madaniyati va san’atini xalqaro maydonda yanada keng targ’ib etib, yosh iste’dod egalarini qo’llab-quvvatlash eng ustuvor vazifaga aylandi.

Yana mana shunday muhim madaniy muassasalardan biri, Muqimiy nomidagi O’zbek davlat musiqali drama teatri- O’zbekistonning yirk teatrlaridan biri. **1939 yil 30 noyabrda** komik aktyor M.Miroqilov tashabbusi bilan Respublika komediya va satira teatri sifatida tashkil etilib, faoliyatini **“Burungi qozilar yoki Maysaraning ishi”** (Hamza) spektakli (Rej.M.Miroqilov) bilan boshlagan. Teatrning birinchi katta ishi “Tohir va Zuhra” (S.Abdulla; T.Jalilov,1941) musiqali dramasi bo’ldi. Mustaqillik yillarida: 1993-1994 yillar teatr repertuari “Bir kam dunyo” (T.Yunus, A.Yunus), “To’ylar muborak” (O’.Hoshimov, O.Muxtor; M.Mahmudov), “Toshkentga sayohat” (B. Darvesh; N.Xalilov) va boshqa musiqali komediyalar bilan boyidi.Bu spektakllarda xalq lirik kuylari, hazil, o’yinbop qo’shiqlar asosiy o’rin tutdi. O’sha yillarda sahnalashtirilgan spektakllarda tarixiy mavzuga qaytish, milliy madaniyatimiz rivojiga katta hissa qo’shgan yirik tarixiy shaxslarni gavdalantirishda teatr sifat jihatiga alohida e’tibor berildi.Bugungi kunda teatr izlanishda, harakatda, F.Rahmatova, M.Ixtiyorova, S.Po’latov, N.Po’latova, M.Qayumova, A.Mirzayevalar teatrning yetakchi aktyorlaridir. Muqimiy teatri binosi ilk bor mustaqillik yillarida rekonstruksiya qilindi. Bino qadimiy va zamonaviy me’morlik uslublarini o’zaro uyg’unlashtirish asosida barpo etilgan.Mustaqillik yillarida bu teatrning eng katta yutuqlaridan biri ilk bor rekonstruksiya qilinganligi va teatr jamoasining samarali mehnatlari tufayli tarixiy mavzularga qaytish hamda milliy madaniyatimiz rivojiga katta hissa qo’shgan tarixiy siymolar aks etgan sahna asarlari bilan teatr repertuari ham ancha kengaydi.**“Nodirabegim” (T.To’la; F. Olimov), “Har kimki vafo qilsa” H.Muhammad;A.Ismoilov, S,Hayitboyev, M.Otajonov)** kabi spektakllar shular jumlasidandir. [F. Saidqosimova:8]

Mustaqillik yillarida, mamlakatimizda madaniy muassasalar, jumladan, **teatrlarni** rivojlantirish, jahon miqyosidagi tajribalar asosida zamonaviy madaniy maskanlar barpo etish , ularning moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, ijodkor ziyolilarni har tomonlama qo’llab-quvvatlash masalalariga ustuvor ahamiyat qaratib kelinmoqda. O’zbekistonning yuksak madaniyati va san’atini xalqaro maydonda yanada keng targ’ib etib, yosh iste’dod egalarini qo’llab-quvvatlab, xalqaro ko’rik tanlovlarda mamlakatimiz vakillarini ishtirokini kuchaytirish orqali O’zbekistonning madaniy taraqqiyotiga zamin yaratilmoqda.

Bugungi kunda mana shunday madaniy maskanlar aholiga taqdim etayotgan spektakllari bilan xalqimizni milliy qadriyatlar va vatanparvarlik g’oyalari asosida tarbiyalovchi ibrat maktabi bo’lib xizmat qilmoqda.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro’yxati:

1.O’zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.Mirziyoyev. “Madaniyat va san’at sohasini yanada rivojlantirish va takomillashtirishga doir chora-tadbirlar to’g’risida”gi qarori.T. 31 may. 2017 y.

2.“Toshkent entiklopediya”-T.2009.

3. www. lex.uz.

4.Toshkent shahar davlat arxivi 582 fond.84 yig’ma jild. B:58.

5.Toshkent shahar davlat arxivi 582 fond.87 yig’ma jild. B:62.

6.Madaniyat vazirligi, Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish ilmiy-ishlab chiqarish bosh boshqaramasi arxivi materiallaridan.

7. “Toshkent entiklopediya” -T. 2009.

8. www.starscreen.uz

TOSHKENT VOHASI IBTIDOIY DAVR YODGORLIKLARINING MADANIY-DAVRIY TALQINI. IBTIDOIY ODAMLARNING JISMONIY TIPLARI.

Sodiqova D., – O'zMU magistranti

Gominidlarning eng qadimgilari - Avstralopiteklar «insoniyatning beshigi», deb ataladigan Afrika qit'asida paydo bo'lgan. Yaqin kunlargacha ularning vatani Sharqiy Afrika hisoblanardi. Biroq Chad hududlaridan topilgan va 7 mln. yillar bilan sanalangan yangi topilmalar qadimgi Avstralopiteklarning dastlab Markaziy Afrika hududlaridan kelib chiqqanligini ko'rsatmoqda. Avstralopiteklarning ba'zi turlari mil. avv. 1 mln. yillargacha yashaganlar.

Gominidlarning navbatdagi tipi – homo habilislar ham Afrikada bundan 2,5 mln. yillar muqaddam paydo bo'lgan. Aynan ular dastlabki mehnat qurollarini yasagan odamning o'tmishdoshlari hisoblanadi. Yuqorida tilga olingan dastlabki gominidlarning har ikkala tiplari ham Afrika qit'asini tark etmaganlar.

Mutaxassislarning fikricha, bundan 2 mln. yillar ilgari, yana o'sha eski dunyoda gominidlarning yangi fizik tipi – homo ergasterlar paydo bo'lib, ushbu tip birinchi marta Yaqin Sharq orqali Yevroosiyo materigiga ilk qadam qo'ygan o'tmishdoshimiz hisoblanadi. Uning qoldiqlari Gruziyaning Dmanisi degan joyidan topilgan va uning davriy sanasi 1,81 mln. yillar bilan sanalangan. Bu hozirgacha Yevrosiyo materigida ma'lum bo'lgan eng qadimgi topilmadir.

Bundan 1,5 mln. yillar muqaddam gominidlarning yana bir yangi fizik tipi – homo erektuslar Afrika va Yevroosiyoda keng tarqalgan. Yevrosiyoda ularning eng qadimgi qoldiqlari 1 mln. yillar atrofida sanalanib, to 100 000 yillargacha yashab kelgan. Homo erektuslar qoldiqlarining fanda eng mashhurlariga Xitoyda Sinantrop, Yava orolida Pitekantrop, Ozarbayjondagi Azix g'ori topilmalari, Fransiyadagi Tutavel odami qoldiqlari, Ispaniyadagi Atapurka, Italiyadagi Izerniya, Gresiyadagi Petralona materiallari va hakozolarni kiritish mumkin.

Toshkent vohasi ilk paleolit davridanoq ibtidoiy odamlar, ya'ni homo erektuslar tomonidan o'zlashtirilgan. Bunga misol qilib, Ko'lbuloqning quyi qatlamlari, Jarsoy va Qizilolmasoy 2 yodgorligining quyi qatlami materiallarini keltirish mumkin. Ko'lbuloqning quyi qatlamlari materiallari mutaxassislar tomonidan texnik-tipologik usullar bilan 500 ming yillar bilan sanalangan. Uning industriyasida tishsimon retushli va o'yib-kertib ishlangan qurollar hamda dag'al ishlangan bifaslar seriyalari topilgan. Shunga ko'ra, Ko'lbuloqning ilk paleolit davriga oid qatlamlari industriyasini mikok madaniyatiga xos deyish mumkin. Ma'lumki, mikok madaniyati ilk paleolitning o'ziga xos madaniyatlaridan biri bo'lib, G'arbiy Yevropa hududlarida keng tarqalgan va unda Ko'lbuloqning quyi qatlamlaridagi singari tishsimon retushli va o'yib-kertib ishlangan tosh qurollar bilan birgalikda qo'pol ishlangan bifaslar ham uchraydi. Ushbu mikok madaniyati keyinchalik o'rta paleolitning tishsimon mustye madaniyatiga taraqqiy qilib, o'sib o'tadi.

Demak, aytish mumkinki, agar Ko'lbuloqning o'rta paleolitga oid madaniy qatlamlari industriyasi tishsimon mustye madaniyatiga xosligidan kelib chiqadigan bo'lsak, u holda yodgorlikda ilk paleolit davrining o'rtalaridan boshlab avtoxton taraqqiy qilish jarayonlari sodir bo'lgan. Aniqrog'i, Ko'lbuloqga bundan 500 ming yillar burun tashrif buyurgan va mikok madaniyati sohiblari bo'lgan homo erektuslar asta-sekinlik bilan o'rta paleolit davriga kelib (100-40 ming yillar) tishsimon mustye madaniyatiga mansub neandertallarga aylanadilar.

Ohangaron vodiysining yana bir yodgorligi Qizilolmasoy 2 ustaxonasining quyi 20 sm lik qatlami esa, Ko'lbuloqning quyi qatlamlari, ya'ni ilk paleolit davri komplekslariga o'xshash tosh buyumlarni berdi. Aytish mumkinki, Ko'lbuloqliklar ilk paleolit davridanoq Qizilolma 2 ustaxonasidan foydalana boshlaganlar. Shuningdek, Qizilolma 2 ning quyi qatlami neogen davri yotqiziqlarining ustida joylashgan va ular singari qizg'ish tusga kirgan. Bu holat ushbu qatlamning nihoyatda qadimiy, ya'ni ilk paleolit davriga oidligini ko'rsatadi. Demak, Qizilolma 2 ustaxonasining quyi qatlami industriyasini ham xuddi Ko'lbuloqdagidek, mikok madaniyatiga oid deyish mumkin.

Ko'lbuloq yaqinida joylashgan ilk paleolit davriga oid yana bir yodgorlik – Jarsoy 2 materiallari esa, yuqorida tilga olingan yodgorliklardan tubdan farq qiladi. Yodgorlikning tosh industriyasi texnik-tipologik jihatdan 300 ming yillar bilan sanalangan. Bu yerdan qo'pol tosh boltalar, qirg'ichlar bilan birgalikda ko'p sonli levallua texnikasi yordamida ishlangan buyumlar topilgan. Bu jihatdan ushbu texnokompleksning O'rta Osiyoda o'xshashi yo'qdir. Uni ilk paleolitning levallua-ashel madaniyatiga kiritish mumkin.

Toshkent vohasining o'rta paleolit davri yodgorliklari qatoriga Ko'lbuloqning o'rta qatlamlari, Jarsoy, Obiraxmat g'orining o'rta paleolitga oid qatlamlari hamda G'ishtsoy materallarini kiritish mumkin. Bulardan Jarsoy materiallari levallua-mustye, Ko'lbuloqning o'rta qatlamlari va G'ishtsoy materiallari tishsimon-mustye, Obiraxmatning o'rta paleolitga oid materiallari esa Obiraxmat madaniyatlariga kiritilgan.

Aytish mumkinki, Toshkent vohasi o'rta paleolit davrida kamida uchta turli xil madaniyat sohiblari bo'lgan neandertal tipidagi ibtidoiy odamlar tomonidan o'zlashtirilgan va istiqomat qilingan.

Shunday qilib, Toshkent vohasi hududlari homo erektuslar tomonidan ilk bor o'zlashtirilgan. So'ngra yurtimizga G'arbiy Yevropada paydo bo'lgan neandertallar kirib kelganlar. Ma'lumki, neandertal

tipidagi odamlar G'arbiy Yevropa homo erektuslaridan paydo bo'lganlar va keyinchalik butun dunyoga tarqalganlar. Adabiyotlarda bu tipdagi gominidlar bundan 100 ming yillar muqaddam paydo bo'lgan va O'rta Osiyo hududlarini bundan 50-60 ming yillar burun egallaganlar. Teshiktosh bolasining Yevropa neandertallari qatoriga kiritilishi buning yorqin misoli bo'la oladi. Demak, O'zbekiston hududlari so'nggi neandertallar tomonidan egallangan. Shuning uchun biz mamlakatimizdagi o'rta paleolit davriga oid materiallarni kuzatar ekanmiz, ularda so'nggi mustye davriga xos elementlardan: plastinalar va ba'zan mikroplastinalar, mikroqirg'ichchalar va hakozo belgilarni kuzatamiz. Shuni ta'kidlash joizki, yaqin vaqtlargacha neandertallarni zamonaviy odamning ajdodlari, deb kelgan tadqiqotchilar mavjud edi. Lekin keyingi yillarda Yevropa olimlari olib borgan tadqiqotlarda bu tipdagi gominidlar insoniyat taraqqiyotidagi chetlashgan shaxobcha bo'lib, ular bizning ajdodlarimiz emasligi aniqlandi. Odamning to'g'ridan -to'g'ri o'tmishdoshi hisoblangan arxaik tipdagi homo sapienslar esa Yaqin Sharqda bundan 100-80 ming yillar muqaddam yashaganligi aniqlangan. Biroq, yurtimizda ularning izlari hanuz topilganicha yo'q. Lekin ular, albatta, sharqni g'arb bilan va janubni shimol bilan bog'lovchi tranzit yo'l ustida joylashgan hozirgi O'zbekiston hududlarini chetlab o'tganliklariga ishonish qiyin. Keyingi arxeologik tadqiqotlar bunday bo'shliqni to'ldiradi deb umid qilish mumkin.

So'nggi paleolit davri Yevropada bundan 35 ming yillar muqaddam, zamonaviy tipdagi odam, ya'ni homo sapiens sapiensning paydo bo'lishi bilan belgilanadi (orinyak yodgorliklari). Toshkent hududlarida paleolitning so'nggi bosqichiga oid yodgorliklar ko'plab topilgan. Ammo, ularning sanasi yuqori paleolit davrining ikkinchi yarmi va oxirlari bilan belgilanadi.

Mezolit davriga oid paleoantrapologik topilmalar yurtimiz yodgorliklarida uchramagan. Biroq neolit davriga oid Kaltaminor va Sazag'on madaniyati makonlaridan topilgan qabrlardagi topilmalar yevropoid irqiga mansub. Olingan barcha ma'lumotlar, ibtidoiy davrlarda O'zbekiston hududlarida o'zining kelib chiqishiga ko'ra yevropoid irqiga mansub odamlar yashaganligidan dalolat beradi.

Toshkent vohasidagi o'rta paleolitga oid g'or manzilgohlari, nisbatan yaxshi o'rganilgan bo'lishiga qaramasdan, ularning aksariyat qismida absolyut sanalash ishlari amalga oshirilmagan, faqatgina geologik jihatdangina davrlashtirilgan. Obiraxmat g'ori nisbatan yaxshi o'rganilgan va uning qatlamlaridan bir nechta absolyut sanalar olingan. Bu ma'lumotlar yodgorlikning eng qadimgi sanasi 87 ming yil bilan quyi sanasi esa 36 ming yillar bilan davrlanadi[1]. Bu makonning yoshi o'rtacha 50 ming qilib belgilangan. Shuning uchun, biz ushbu ilmiy ishda yurtimizda o'rta paleolit davrining boshlanishini, shu paytgacha ta'kidlab kelinganiga qarshi o'laroq, so'nggi neandertallar bilan bog'liq ravishda 60-50 ming yillar muqaddam boshlangan, degan talqinni ilgari suramiz. Negaki, O'zbekistondagi o'rta paleolit davriga oid yodgorliklardan, asosan, neandertal tipidagi odamlarning topilishi va ularning G'arbiy Yevropa hududlaridan Osiyo chegaralariga bundan 60 ming yillar muqaddam yetib kelganliklari haqidagi faktik ma'lumotlarshundan dalolat beradi[2]. Keyingi yillarda olib borilgan tadqiqotlar natijasida bu davr yodgorliklarining talaygina ekanligi aniqlandi. Yangi Dodekadim[3] 1 va 2 so'nggi paleolitga oid yangi yodgorliklar ochildi. Toshkent viloyatidagi Ko'lbuloqning yuqori (I-III) qatlamlari materiallari ham so'nggi paleolitning boshlariga tegishli va u uzluksiz ravishda quyidagi mustye davri qatlamlaridan o'sib chiqqan, degan fikr ilgari surilgan edi[4]. Lekin, keyingi tadqiqotlar bu materiallarning so'nggi paleolitning oxirlariga oid ekanligini ko'rsatdi[5]. Qashqadaryodagi Angillak hamda Toshkent viloyatidagi Dodekadim makonlarining industriyasi ham so'nggi paleolitning so'nggi bosqichlariga xos belgilarga ega.

Shunday qilib, Toshkent vohasidagi paleolit davri yodgorliklaridan olingan materillar va ular haqidagi mavjud adabiyotlarni tahliliy tadqiq qilish natijasida ushbu davr xronologiyasi haqida quyidagi xulosaga kelish mumkin. Bu yerda ilk paleolit 500 ming yillar muqaddam boshlangan bo'lib, juda uzoq davom etadi. Biroq o'rta paleolit davri hozirgi ma'lumotlarga ko'ra bundan o'rtacha 70-50 ming yillar muqaddam yurtimizga neandertal tipidagi gominidlarning kirib kelishi bilan boshlangan. Odamning navbatdagi tipi - homo sapiens sapiens esa vatanimiz hududlarini so'nggi paleolit davrida uzlashtirib, shu davrning ikkinchi yarmida keng taraqqiy topgan va aftidan, keyingi mezolit davri madaniyatlarining shakllanishi va taraqqiy qilishi uchun zamin hozirlaganlar.

---

[1] Деревянко А.П., Исламов У.И., Петрин В.Т., Сулейманов Р.Х., Алимов К, Крвошапкин А.И., Анойкин А.А., Милютин К.И., Сайфуллаев Б.К. Исследования грота Оби Рахмат (Республика Узбекистан) в 1999 г. \\ Проблемы археологиии, этнографии, антрапологии Сибирии и сопредельных территорий. ИАЭТ СО РАН. Новосибирск. 1999.-С. 44. Деревянко А.П., Исламов У.И., Петрин В.Т., Сулейманов Р.Х., Крвошапкин А.И., Анойкин А.А., Милютин К.И., Сайфуллаев Б.К. Ранный верхний палеолит Узбекистана: Индустрия грота Оби Рахмат (по материалам слоев 2-14) \\ Археология, этнография и антрапология Евразии. 4. (8). Новосибирск. 2001. -С. 76. Деревянко А.П., Исламов У.И., Петрин В.Т., Сулейманов Р.Х., Алимов К, Крвошапкин А.И., Анойкин А.А., Милютин К.И., Сайфуллаев Б.К. Новые данные о палеолитических индустриях пещеры Пальтау (Республика Узбекистан) \\ Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. ИАЭТ СО РАН, Новосибирск. 2002. -С. 25.

[2] Jobere J. Mousterienne en Euroup. Paris. 2001.-P. 36.

[3] Деревянко А.П., Исламов У.И., Кривошапкин А.И. Местонахождения Додекатым на Чирчике. АО. Ташкент. 2006. –С. 23.

[4] Джуракулов М.Д. Каменный век долины реки Зарафшана \\ автореф. Дисс. Докт. Ист. Наук. \\ Самарканд. 1990. -С. 30.

[5] Касымов М.Р. Палеолит Средней Азии и Южного Казахстана Автореф. Дис-С. Докт. Ист. Наук. Новосибирск. 1990. -С. 35.

Mezolit davri yodgorliklari moddiy madaniyat namunalarining guvohlik berishicha, bu davr O'zbekistonda er. av. XI-VII ming yilliklarni qamrab oladi. Ammo dunyo tasnifida o'rta tosh asri eramizdan avvalgi 12 ming yilliklardan boshlanadi. Toshkent hududlari ilk mezolit davridanoq ibtidoiy qabilalar tomonidan o'zlashtirilgan. Eng avvalo yurtimizning shimoliy-sharqiy hududlari, ya'ni Farg'ona (Obishir madaniyati) hamda Toshkent vohalarini (Qo'shilish) o'zlashtirilgan. Keyinchalik, mezolit davrining o'rtalaridan boshlab, Zarafshon daryosi vodiysi Chorboqti makonlari (Sazag'on 1) va Surxondaryo (Ayrtom, Eski Termiz, Machay), Ustyurt va Qizilqum hududlari o'zlashtirilgan.

O'zbekiston xududidagi ilk paleolit davri odamlari ovchilik va termachilik bilan kun kechirganlar. Toshkent vohasidagi yodgorliklar madaniy qatlamlaridan otlar (Qo'tirbuloqda 43 %), tog' echkisi, bug'u, arxar, qoramol va hakozo yovvoyi hayvonlarning suyak qoldiqlari topilgan. Ov qurollari sifatida yog'och tayoqchalar uchlariga o'rnatilgan paykonlar o'ta muhim vazifani o'tagan. Yodgorliklardan ko'plab teriga ishlov berish, go'sht taqsimlashga mo'ljallangan tosh qurollar topilgan. Ibtidoiy guruhlar buloq, daryo va boshqa suv havzalariga yaqin hamda tosh qurollar yasash uchun xom ashyo bor joylarda, shuningdek, mo'tadil iqlimli keng va yorug' g'orlarda istiqomat qilganlar.

Ibtidoiy ajdodlarimizning xo'jalik faoliyati so'nggi paleolit davriga kelib yanada takomillashadi. Biroq, hali bu davrda ham o'zlashtiriluvchi xo'jalik faoliyati hukmron bo'lib qoladi. Odamlar asosan ovchilik va atrofdagi yeyishga yaroqli o'simliklarni terib istemol qilish bilan shug'ullanadi. Biroq bu davrda ovchilik usullari takomillashadi, uzun va sifatli, o'tkir tig'lar va paykonlar kabi mukammal ov qurollari paydo bo'ladi. Toshga ishlov berish texnikasi takomillashib, yupqa va pichoqsimon plastinalar va mikroplastinalar sindirib olish yo'lga qo'yiladi. Suv bo'ylarida chaylalar qurib yoki g'orlarda uzoq muddat yashay boshlaydilar. Estetik tasavvurlarning paydo bo'lishidan guvohlik beruvchi tabiiy bo'yoqlar, oxralardan foydalanish va chig'anoqlardan ishlangan ayrim taqinchoqlar paydo bo'ladi.

Mezolit davri jamoalarining iqtisodiy hayoti, asosan o'q-yoyning paydo bo'lishi hamda ehtimol, ayrim hayvonlarning xonakilashtirilishi taraqqiyotning yangi pog'onaga ko'tariladi. Bu davrda tosh qurollar yasash o'zining kulminasion rivojlanish darajasiga chiqadi. Mikrolitizm taraqqiy topadi. Yodgorliklardan topilgan tosh va suyak taqinchoqlar bu davrda estetik madaniyatnin o'z davri uchun nisbatan yuqori darajada rivojlanganligidan guvohlik beradi.

Toshkent vohasidan neolit davriga oid yodgorliklar hali topilmagan. Biroq, Xo'jakent va Qoraqiyasoy suratlarining ayrimlari eneolit va bronza davrilariga oid, deb topilgan.

2003 yilda Obiraxmat g'orining 16-madaniy qatlamidan paleoantropologik topilmalar aniqlandi. Ushbu topilmaning muhim ahamiyatlaridan biri shundaki, u o'rta paleolitdan so'ngi paleolit madaniyatiga o'tish jarayonlarini o'zida aks ettirgan keskin davrga oidligidadir (4, 5-rasmlar). Bunday topilmalar dunyoda barmoq bilan sanarli darajada noyobdir. Bundan tashqari, Obiraxmat g'ori industriyasi so'ngi paleolitga o'tish davrini aks ettirganligi tufayli uning 16-qatlamidan olingan paleoantropologik topilmalar ushbu o'tish davridagi odamning tashqi qiyofasini tiklash imkonini beradigan dunyoda yagona ashyoviy dalillar hisoblanadi[1].

Topilgan bosh chanog'i va tishlarni o'rganish oqibatida olamshumul ahamiyatga molik natijalar qo'lga kiritildi: obiraxmat odami neandertallar bilan zamonaviy odamlarning omuxta qiyofasini berdi. Uning morfologik xususiyatlari noyob hodisa bo'lib, dunyoda o'xshashi yo'q. Tadqiqotchilar Obiraxmat odamining bunday noyobligini tushuntirishga qiynaladilar. Ushbu topilmalar bir tomondan, zamonaviy tipdagi odamlarning paydo bo'lishi mustaqil multiregional tarzda amalga oshganligini ko'rsatsa, ikkinchi tomondan, yaqin kunlargacha iloji yo'q deb hisoblanib kelingan, neandertallarning zamonaviy tipdagi odamlar bilan chatishganligidan guvohlik beradi.

Paleoantropologik topilma (bir dona yelka suyagi) Ko'lbuloqning 2-madaniy qatlamidan ham topilgan va u zamonaviy tipdagi odamga oidligi aniqlangan.

Shunday qilib, Toshkent vohasi hududlari paleolit davri odamlari tomonidan anchayin zich istiqomat qilingan. Bu o'lkalar dastavval homo erektuslar tomonidan o'zlashtirilgan, garchi bu davrga oid yodgorliklarda paleoantropologik topilmalar aniqlanmagan bo'lsada. Toshkent vohasi Yevroosiyoning neandertallar tomonidan zabt etilgan eng sharqiy hudud hisoblanadi.

Ushbu hududlarda erektuslar, neandertallar va homo sapiens sapienslar kabi qator gominidlar yashaganlar. Obiraxmat g'ori topilmalari Toshkent vohasini sapiyenizasiya, ya'ni zamonaviy tipdagi odamlar paydo bo'lgan yoki shakllangan markazlardan biri ekanligidan guvohlik beradi.

[1] Кривошапкин А.И. Грот Обирахмат. ИМКУ №35. 2008. -С. 26.

ЎЗБЕК МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИДАН “ЎЛАН” НИНГ ЭТНИК ВА ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Суннатиллаев А.С., – ЎзДСМИ
“Фольклор ва этнография” кафедраси ўқитувчиси

Истиқлол йилларида миллий – маънавий меросга бўлган эътибор натижаси ўлароқ юртимизда мазкур жабҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, асрий қадриятлар негизида қарор топган бой мусиқа меросимизнинг ўтмиш тақдирини идроклаш, тарихини чуқур ва ҳолис ўрганиш масалалари янги босқичга кўтарилди. Қолаверса, бугунги кунда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари ривожига катта эътибор қаратаётганликлари тақсинга лойиқ. Айниқса, кейинги пайтда бу соҳа равнақини янги босқичга кўтариш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилмоқда. Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда. Китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилиб, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил қилинмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев санъат ва маданият, адабиётга шундай таъриф беради: «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади». (1)

Ҳақиқатдан ҳам жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган Ўзбекистонда хилма-хил жанрлардан иборат бой фольклор анъаналари юзага келган. Асрлар давомида яратилиб гавҳардай асраб-авайлаб, замонамизгача етиб келган ҳикматлар, мақол ва маталлар, эртаклар ва офаризмлар, халқ қўшиқлари, достонлари ва айтишувлари аждодларимиз бадиий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги, ўзбек халқининг маънавий мулки, ҳуқуқий қадриятидир. Уларнинг ҳар бири аждодларимиз ақл идроки ва тафаккури, одоб-аҳлоқи, маънавияти, ҳуқуқий билим бойликлари, ҳаётий тажрибалари ва сабоқларининг лўнда, ихчам ва қисқа хулосасидир. Улар неча минг йиллар олдин теран қалб соҳиблари бўлмиш ота-боболаримиз томонидан яратилган, истеъмолда қўлланган ва туб аҳолининг бебаҳо мулкига айланган. Маънавий хазинанинг асоси бўлган сўз санъати орқали қадрият бешиклари тебратилган.

Ўзбек халқ маросим қўшиқлари агар инсоннинг рухий, маънавий, маърифий эхтиёжига тўлақонли жавоб бермаганда, бугунги кунгача етиб кела олмаган бўлар эди. Демак, маросим қўшиқлари инсоннинг рухиятига, кайфиятига ҳамоҳанг равишда тарбиявий вазифаларни ҳам бажаради. Маросим қўшиқлари халқимизнинг кўҳна бойлиги, у ҳамма даврларда ҳам ўзининг тарбиявий таъсирчан ғоялари билан кишиларнинг маънавий жихатдан юксак шахс бўлиб шаклланишида ҳиссадор бўлиб келган. Халқимиз шеърни қўшиқ қилиб айтилишигагина эмас, унинг узоқ сақланиши, абадий қолиши, одамларнинг, айникса, келажак авлоднинг маънавий юксалишига ёрдам бериши, инсоннинг рухий озиқланишига хизмат килиши учун қадрлаган. Улардаги сода, равон сўзлар тизими, оҳангнинг миллийлиги эса ёшларда халқ қўшиқлари хақидаги билим ва тасаввурларнинг тўлиқ шаклланиш имконини яратибгина қолмай, улар маънавиятини юксалтиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

Қўшиқлар ижро ўрни, ҳолати, мусиқага муносабати ва бадиийтидан келиб чиқиб: ижро ўрни, поэтик структураси, мусиқийлиги ва рақсга муносабатига қараб тасниф этилади.(5,25) Ижро ўрнига қараб тасниф этилганда, қўшиқлар: маросим ва номаросим қўшиқларга ажралади. Ўз навбатида, маросим қўшиқлари ҳам икки: мавсум-маросим ва оилавий-маиший маросим қўшиқларига бўлинади.(5,25) Маросим фольклори ва унинг икки қисми – мавсумий маросим ва оилавий маросимлар фольклори ҳар бир халқнинг ўзлигини намаён этувчи таянч манба ҳисобланади. Ўзбек халқининг мавсумий ва оилавий маросимлари тизими ҳамда фольклорида унинг оламни англаш, унда инсоннинг ўрни ва вазифасини белгилаш билан боғлиқ дунёқарашлари акс этган. Халқнинг барча ҳаётий тажрибалари, билим ва хулосалари аввало ана шу мавсумий, оилавий маросимлар тизими ва унда куйланувчи фольклор намуналарида мужассам топган.

Маросим фольклори намуналари фольклорнинг энг қадимий жанрлари сирасига киради. Маросим фольклори бўлмиш оилавий-маиший маросимлар ўзида миллий қадирият ва урф-одатларни мужассамлаштиргани билан аҳамиятлидир. Оилавий-маиший маросимларнинг энг катта қисми бу тўй маросими ҳисобланади. Ўзбек тўй маросимлари сирасида никоҳ тўйлари расм-русмларга, ирим-сиримларга бойлиги, фольклор материалининг ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай ранг-баранглик ҳамда кўтаринки рух маросимнинг мақсад ва вазифаси билан инсон ҳаётининг янги даврига қадам қўйишини алоҳида қувонч орқали нишонлаши билан боғликдир.

Ўзбек никоҳ тўйларида куйланадиган халқ қўшиқлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Уларнинг қамрови кенглиги сабабали, асосан, тўйнинг биринчи босқичида куйланадиган ўлан жанрига тўхталиб унинг таҳлил қилишни лозим топдик.

Ўлан асосан ўтмишда кўчманчилик ва ярим кўчманчилик тарзида ҳаёт кечирган ўзбек уруғлари ўртасида кенг тарқалган бўлиб, у қиз узатар оқшомидан бир ёки бир неча кун илгари қизнинг уйида ўтказиладиган "қиз оқшоми", "қизлар мажлиси" каби турли номлар билан нишонланадиган тантанада ижро этилган. Ўлан шаҳар ҳамда қадимдан ўтроқ тарзда ҳаёт кечирувчи аҳоли ўртасида учрамайди. Айрим ҳолларда қиз узатар кечаси куёвнинг уйида ўтказиладиган базмларда ҳам ўлан ижро этилиши мумкин. Бунда ўлан тўйни қизитиш, меҳмонларнинг кайфиятини кўтариш мақсадида айтилган. Жанрнинг пайдо бўлиши масаласида ҳам ўзбек фольклоршунослигида аниқ бир фикр йўқ. Ўзбек қўшиқлари билан ишлаган олима М.Алавия бу масала хусусида тўхталиб, "ўлан жанри қадимда ёр-ёр, лапар жанрлари билан бир бўлиб, кейинчалик улар турли жойлардаги традиция, турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда дифференциациялашиб, мустақил жанр ҳолига келиб қолган", (3,52) деб ёзади.

Фарғона водийсининг айрим жойларида ўлан мисралари охирига «ёр-ёр» сўзини радиф қилиб ишлатиш ҳоллари бу икки жанрнинг ўтмишда бир бўлганлигини билдирмайди. Чунки ёр-ёр ва ўлан жанрлари ижро усули жиҳатидан кескин фарқланадилар. Умуман, ўлан, лапар, ёр-ёр жанрларининг пайдо бўлиши, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўзгачаликлар масаласи алоҳида тадқиқот талаб қилади. Ўлан ижросида йигит ва қизлар юзма-юз туриши, уларнинг сўз воситасида мулоҳаза юритишлари ушбу жанрнинг тарихан ислом таъсири у қадар кучли бўлмаган кўчманчи туркий халқлар, жумладан, кўчманчи ўзбек уруғлари орасида вужудга келганлигидан далолат беради. Ўланнинг тематик доираси кенг бўлиб, унда ишқда вафодорлик, ёр висолига муштоқлик мотивлари етакчилик қилади. Ўлан айтишни, одатда, йигитлар бошлаб беришади.

Йигит:
Қарға дейман, кўзингдан, қарға дейман,
Қарға уя солади жарга, дейман.
Кўрмаганга кўп вақт, ойлар ўтди,
Ўлан билан сўрашай — «ҳорма» дейман.
Қиз:
Ўланларим, кўзингдан, ўланларим,
Сен бўлдинг шу дунёда гумондорим.
Сен бўлсанг шу дунёда гумондорим,
Куя-куя кул бўлди суякларим. (4,72)

Ўлан поэтик жиҳатдан ҳам қатор ўзгачаликларга эга бўлиб, улардан бири текстнинг изчил тўртлик шаклидаги банд тузилишига эга эканлигидир. Ҳар бир банд эса "аа", "ба" тарзида қофияланади. Ўланлар фақат тўйларда эмас, турли йиғин маросимларида ҳам айтилган. Ўлан айтиш кўпроқ кўчманчи чорвадорлар орасида кенгроқ тарқалган бўлиб, улар тарафма – тараф айтишув сифатида куйланган . Масалан:

Қиз:
Олти йигит ичида отинг Турсун,
Кўзага сув қўйдим, тиниб турсин.
Чиндан суйиб ўйнасанг, мен борайин,
Ёлғон билан чақирсанг, бетинг қурсин.
Йигит:
Олти қизнинг ичида отинг Анор,
Анордайин бетларингдан қонлар томар.
Нурлар томган бетингдан бир ўптирсанг,
Она сутин эмгандайин меҳрим қонар. (4,74)

Ёр – ёрларда асосий мақсад келин – куёв таърифи , уларга тилак билдириш бўлса, ўланлардаги бош мақсад айтишувда ғолиб чиқишдир. Ўзбек халқининг машҳур "Алпомиш" достонидаги Алпомиш ва Бодом бикач айтишувларини назарда тутсак, ўланларнинг вужудга келиши жуда қадимий эканлигига амин бўламиз.

Фарғона вилоятида яшовчи аҳоли одатига кўра, никоҳ тўйининг «Қиз оши», «Лапар кечаси» деб аталадиган базмларида лапар, байт билан бир қаторда кўп ҳолларда ўлан айтилади. Қизлар билан йигитлар тарафма-тараф туриб, ошиқона мисра-байтларга бой ўланларни айтишганда, худди сўз билан тортишмачоқ ўйнагандай бўлади. Бу базмда қизлар ва йигитлар томонидан икки киши сал олдинга чиқиб ўлан айтишади. Одатда, тўйга атаб қизнинг отаси икки-уч жуфт олма олиб қўяди. Ўлан айтувчи йигит шулардан биттасини ушлаб туриб қўшиқ бошлайди ва қизлар тўдасидаги чечан қизга отади. Улар ҳам ўз навбатида ўлан билан жавоб бериб, ҳалиги олмани рўпарадаги йигитга отади. Шу тариқа янгидан-янги ўланчилар ўртага тушаверади.

“Ўлан” аслида “уланг” сўзининг “Ўланг ва улан” шаклларидаги фонетик ўзгариши туфайли юзага келган бўлиб, келин (қиз) ва куёв (йигит) ни бир – бирига маънавий жиҳатдан боғлаш, улаш мақсадини ифодаловчи маънога эга.

Ўланларнинг тематик доираси кенгдир. Уларда ишқда вафодорлик, ёр висолига муштоқлик мотивлари етакчилик қилади. Куёв тараф – куёвни, келин тараф – келинни таърифлаш мусобақасига киришади. Тарафлар айтишуви шўх – шодон қийқириқлар оқимида қувноқ ҳазилкашликка айланади. Айрим ҳолларда қуюшқондан чиқиб кетишганини сезмай қолишади. Масалан:

Йигит:
Олма – ўрик деганда, олма – ўрик,
Маҳалланинг ичида қилдинг кўрик.
Маҳалланинг ичида қилсанг кўрик,
Сендан бўлган болага мен ҳам шерик.
Қиз:
Унинг ўчсин деганда, унинг ўчсин,
Қора қайчи тилингнинг учин кессин.
Яна қайтиб уятли ўлан айтсанг,
Ит ялоқда ош ичиб кунинг ўтсин. (4,73)

Ўланлар одатда, яккахон ўланчининг оддий овоз солиши асосида куйланиб, у тўртликни айтиб бўлгач, тарафдорларининг жўровоз қийқириқлари асосида ё тўртлик, ё унинг сўнгги сатри ҳайқириб такрорланади. Ўланлар ҳозиржавобликни, ҳазил – мутойибани талаб этади.

Фарғона вилояти ўланлари ҳам, асосан тўртликлардан ташкил топиб, воқеабандлиги, диалог шаклида икки томон бўлиб ижро этилиши билан характерланади. Бу жиҳадан улар лапарга ўхшаса-да, ғоявий-бадиий хусусиятлари, тасвир объектлари, унда куйланган ҳаёт тарзи, образли фикр юритиш даражаси билан бир-биридан ажралиб туради. Масалан:

Ўйна туриб деганда, ўйна туриб,
Ўртанаман-куяман сени кўриб.
Ўртанганда-куйганда сени кўриб,
Эрмаклайсан, куласан лабинг буриб.

Ўланларда бу тартиб ҳамиша сақланмайди. Қуйидаги қиз ўланида муҳаббатни инсоннинг энг нодир фазилати, муқаддас хислати деб қадрлагани ифодаланади:

Қўлимда бир узугим ғумдона бос,
Ошиқ бўлсанг оёғинг мардона бос!
Ошиқлик қиз-йигитнинг иши экан,
Ошиқликка тенг келмас зару олмос. (4,73)

Фарғона вилоятида қўшни Тошкент вилоятининг Қурама тоғлари атрофларида айтиладиган ўлан ижрочилигининг таъсири ҳам сезилиб туради. Бунга кўра ўланнинг биринчи сатри бир ёки икки сўздан ташкил топган бўлади. Бундай ўланларда ҳам шу икки сўзга иккинчи ва тўртинчи сатрлар қофияланади. Биринчи сатр чўзиб айтилади.

Хуллас, йигитлар ва қизлар ўртасида ҳозиржавоблик билан айтишув шаклида айтилган, фикрга фикрини шеърий йўсинда улаб кетиш ўлан жанрининг етакчи хусусияти саналади. Ўланлар ёшларни бадиий-эстетик дидли, хуш ҳулқли, камтарин, очиқ кўнгилли, дўстга садоқат руҳида тарбиялашда, айниқса, катта аҳамиятга эгадир. Ўланларда йигит-қизнинг бир-бирини синаш мақсадида, ҳазил-мутойибага йўл қўйилади. Бу ёшлик шўхликлари, тенг-тенги билан топишганидан кўнгли бир олам севинч билан тўлганларнинг тароналаридир.

Адабиётлар рўйхати:

1.Мирзиёев Ш.М 2017-йил 3-августда мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси.: 2018-йил, 4-август. (149)

2. Б.Саримсоқов “Ўзбек маросим фольклори”. Фан-1986

3.Ш.Турдимов. “Ўзбек фольклоршунослигининг янгиланиш тамойиллари” (Ўқув-услубий мажмуа) Т-2016

4. Мирзаев Т., Сафаров О., Ўраева Д. “Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси”. Т- 2008

5. Эшонқулов Ж. Номоддий маданий мерос ва ўзбек халқ қўшиқларининг тадқиқи масалалари // «Номоддий маданий меросни таълим тизимига татбиқ этиш» Республика илмий-амалий семинар материаллари. Масъул муҳ: Ахмедова О.М. - Тошкент; Наврўз- 2015

УСТРУШОНА ТАРИХИДА ЧОРВАДОР ВА ДЕҲҚОН АҲОЛИ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Тошбоев Ф.Э., – PhD., ЖДПИ
Машрабов Ж.В., – ЖДПИ талабаси

Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларидан бири, кўчманчи чорвадор ва ўтроқ аҳолининг ўзаро муносабатлари масаласидир. Маълумки, минтақа табиий шароитидан келиб чиқиб икки хил тарзда хўжалик юритувчи аҳоли вакиллари илк даврларданоқ ёнма-ён яшаб келган ва уларнинг ўзаро маданий алоқалари ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий мувозанатни таъминлаган.

Ўрта Осиёдаги ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг ўзаро алоқалари масаласида 1987 йил октябрида Алма-Ата шаҳрида совет -француз симпозиуми ўтказилиб, унинг материаллари “Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций (Кўчманчилар маданияти ва қадимги цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари)” деб номланган тўпламда нашр этилган [Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций: 464]. Тўпламдаги мақолаларда асосан, кўчманчилар ва ўтроқ деҳқонлар ўртасидаги алоқалар ривожининг қонуниятлари акс эттирилган. Унда ёритилган А.А. Асқаровнинг “Бақтрия ўтроқ комплексларида дашт компоненти ва уни интерпретация қилиш масалалари”, И.Н. Хлопиннинг “Ўрта Осиёдаги дашт маданиятларини шаклланишида тарихий қонуниятлар”, Ю.А. Заднепровскийнинг “Кўчманчилар ва қадимги цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари ҳамда Ўрта Осиёнинг этник тарихи”, Н.Н. Негматовнинг “Ўрта Сирдарёдаги сак-суғд синтези”, М.И. Филановичнинг “Ўтроқ ва кўчманчи дунёларнинг маданий алоқалари ҳамда меъморий анъаналарнинг шаклланиши (Тошкентдаги Шоштепа материаллари асосида)” деб номланган мақолаларида кўчманчилар ва ўтроқ аҳолининг ўзаро алоқаларига хос қонуниятлар, уларнинг динамикаси ва типологияси, энг қадимги даврларданоқ ўтроқ ва кўчманчи аҳолини қамраб олган (бирлаштирган) ягона иқтисодий тизим мавжуд бўлганлиги, икки томон ҳам (ягона иқтисодий тизимнинг икки бўлмаси) бир-бирисиз нормал фаолият кўрсата олмаганлиги кабилар аниқ фактлар асосида ёритилган.

Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли муносабатлари масаласини таҳлил қилишда, кўчманчи чорвадорлар билан ярим кўчманчиларни ҳам фарқлаш зарур. Евроосиё даштларидаги ҳақиқий кўчманчилар ҳамиша ҳаракатда (кўчиб юришда) бўлишган. Имконияти мавжуд бўлган воҳаларда примитив деҳқончилик ҳам қилишган. Уларнинг деҳқончилик воҳалари билан алоқалари жуда суст бўлиб, баъзи географик омилларгина уларнинг у ёки бу даражада ўтроқ аҳоли билан алоқада бўлишига сабаб бўлган [С.Руденко: 47]. Уструшонада эса яйлов чорвачилиги кенг оммалашган бўлиб, уларнинг ўтроқ аҳоли билан алоқалари кучли бўлган. Уструшонадаги каби деҳқончилик воҳаларига кўчманчи чорвадорларнинг кириб келиши ва хўжалик юритиш шаклини ўзгартириши, бунинг оқибатида ўтроқ воҳаларда ижтимоий-сиёсий ва этно – маданий алоқаларнинг авж олиши масаласида К.М. Байпоқовнинг берган фикрлари эътиборга молик. Унг кўра, “икки хил хўжалик аъзоларининг ўзаро муносабатларини бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил ҳаёт тарзига эга бўлган жамоалар сифатида эмас, балки ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ёки кенг маънода меҳнат тақсимоти туфайли иккига бўлинган жамоалар сифатида қараш лозим” [К.Байпаков: 53].

Уструшонада деҳқон аҳоли билан чорвадорлар хўжалик юритишидаги фарқ мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда (маълум бир гуруҳ кўчманчи аҳолининг ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиши билан) камайиб борган. Халқлар тарихидаги бу жараёнлар вақтга, ҳудудий жойлашиши ёки этник таркиб топишига боғлиқ бўлмаган. Бунда деҳқончилик ва чорвачиликнинг таркиб топиш базаси, жамиятнинг ижтимоий бўлиниши, савдо ва ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши, этник бирликнинг таркиб топиши, кучли бошқарув ҳокимиятига асос солиниши, ягона мафкура ва диний тасаввурларнинг ёйилиши кабилар муҳим рол ўйнаган.

Баъзи олимлар, кўчманчиларнинг ҳаракатчан табиатига қараб, улар ҳамиша ўзларининг қўшниларига тазйиқ ўтказиб келган деб таъкидлайди. Бу унчалик тўғри эмаслигини моддий маданият ашёларининг таҳлиллари ҳам кўрсатмоқда. Тўғри, кўчманчилар ва ўтроқ аҳоли муносабатлари доимо барқарор, ижобий тарзда бўлмаган. Кўчманчи халқларнинг яшаш тарзи ва жамият тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, улар табиати босқинчилик юришлари уюштиришга кўп ҳам мос эмас. Бундай юришлар фақат яйловлар учун бўлиши мумкин [К.Акишев, Г.Кушаев: 67]. Ишчи кучи, ишлаб чиқариш ва маҳсулот тақсимоти устидан ҳукмронлик ўрнатиш каби ижтимоий-сиёсий кескинликлар нафақат кўчманчи ва ўтроқ, балки ўтроқ хўжаликка асосланган маданий воҳалар аҳолиси ўртасида ҳам кечган.

Уструшона чорвадорлари мозорқўрғонларининг қадимги қишлоқ маконлари ва шаҳарлардан узоқда жойлашганлиги, чорвадорларнинг ҳали ҳеч ким эгалламаган ўзлаштирилмаган дашт ва чўллар бўйлаб ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Анъанавий чорвачилик тарзидаги эксинтенсив хўжалик янги яйловларга томон силжишни ҳам тақозо этган. Вақт ўтиши билан ҳар иккала хўжаликда ҳам ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсиши ўзлаштирилмаган ерларнинг камайишига олиб келган. Кейинчалик ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг яйлов, ўтлоқ, ва экинзорларга бўлган эҳтиёжи улар ўртасидаги низоларга энг кўп сабаб бўлган. Баъзи пайтлардаги курғоқчилик ёки қишнинг меъёрдан ортиқ совуқ бўлиши ва

чўзилиши ҳамда турли хил юқумли касалликлар туфайли чорва молларининг қирилиб кетиши ҳам кўчманчиларнинг ўтроқ воҳаларга юриш қилишига сабаб бўлган. Чорвадан бошқа асосий озуқа заҳираси бўлмаган чорвадорлар, бундай қийин ҳолатда, яшаб қолиш учун сўнги чоралар излашга мажбур бўлиб, қўшни ҳудудлар ва ўтроқ воҳалар томон харакатлана бошлашган. Евроосиё даштларида эса бундай пайтда, қийин аҳволда қолган қабилаларнинг кўпинча йирик қабила сардорларига тобелик билдириб, уюшган етакчи иттифоқчилар мададида, нафақат ўтроқ воҳага, баъзан қўшни (кўчманчи) қабилалар устига ҳам юришлар уюштириши кузатилади.

1957-59 йилларда Уструшонанинг деҳқончилик воҳалари чегарасидаги мудофаа девори – Канпирак ўрганилган. Ҳозирги сақланиб қолган изларидан унинг ўз вақтида ниҳоятда мустаҳкам бўлганлиги сезилади. Ёдгорликни ўрганган Ҳ. Муҳамедовнинг таъкидлашича, “Бу девор харобалари ҳам узун кетган сунъий кўтарма ҳолида сақланган бўлиб, кенглиги 15-20 метр, баъзи жойларда ҳатто 25 метрни ташкил этади. Унинг баландлиги ҳар жойда турлича бўлиб бир метрдан, уч метргача сақланган” [Ҳ.Муҳамедов: 52]. Евро Осиё минтақасидаги (Ўрта Осиё, Хитой, Эрон ва б...), деҳқончилик воҳаларини чорвадорларнинг тинимсиз равишда кириб келиши ва талончилик юришларидан химоя қилиш мақсадида қурилган бу каби деворлар кўп ўрганилган. Тадқиқотчининг аниқлашича, “Жиззах воҳаси ёйсимон шаклдаги девор билан ўраб олинган. Деворнинг ғарбий қисми Куёвбоши қишлоғи орқали Етимтоғга бориб тақалган ва унинг давоми тоғнинг нариги бетидаги Оқтепадан бошланиб Ғаллаорол сари йўналган. Канпиракнинг шарқий қисми эса Олмачи қишлоғидаги Сийпанчиқтепадан бошланиб, жануби-шарққа, Равот қишлоғидаги Қўрғонтепага қадар қарийиб 20 км масофагача борган” [Ҳ. Муҳамедов: 53]. Бу каби мудофаа деворлари Уструшонада ҳам икки хил хўжалик соҳибларининг муносабатлари ҳамиша бир хилда бўлмаганлигини кўрсатади.

Уструшонада ўзлаштирилмаган бепоён яйловлар кўп бўлиб бундай жойларга кириб келган ва баъзи ўтроқлашган чорвадорлар ўзларининг даштдаги қариндош қабилалари билан алоқа боғлаб, янги ҳудуддаги савдо ва сиёсий ишларда имтиёзли рол ўйнай бошлаган. Уларнинг яйлов-қишлиқ-яйлов шаклидаги узоқ масофаларга кўчишлари алоқа йўлларининг шаклланиши ва ривожланишига ҳам сабаб бўлган [Ў. Мавлонов: 89]. Ғулбо мозорқўрғонларида ўтроқ аҳоли ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган буюмларнинг учраши антик даврда ҳар икки хўжалик соҳиблари ўртасида қизғин алоқалар бўлганлигидан далолат беради. Ўтроқ воҳалар билан кўчманчилар даштини боғлаб турувчи Уструшонада бундай воситачилик ёки ўтказувчанлик икки хил хўжалик вакилларининг алоқаларини кучайтириб, икки томон учун ҳам бошқа хил кўпгина (мавсумий) шаклларни қабул қилишга имкон берган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё шароитида иқтисодиётнинг узлуксиз ривож топиши фақат ўзига хос меҳнат тақсимоти ва икки хил хўжалик юритувчи аҳоли маданий ареаллари фаолиятининг интеграциялашуви билан белгиланади. Кўчманчи чорвадор қабилалар чўл ва даштлардан то, узоқ шимолдаги ўрмонларининг жанубий қисми-тайгагача, яъни қаердаки чорва учун қулай жойларда яшаб, у ерлардаги мавжуд имкониятларни ишлаб чиқаришга жалб қилишган ва бу орқали дунё цивилизацияси тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келишган.

Ўрганилган манбаларга таяниб айтиш мумкинки, кўчманчилар фаолияти туфайли, Уструшонадаги тоғ, тоғолди, дашт ва чўл худудлари ҳеч қачон бўшаб қолмаган. Сув манбалари ва деҳқончилик билан шуғулланишга имконият мавжуд бўлган жойларда кўчманчи чорвачиликнинг яйлов чорвачилиги тури устун бўлиб, бу ҳолат кейинчалик улар хўжалигида ўтроқ деҳқончиликнинг юқори мавқега эга бўлишини таъминлаган. Бу аҳоли хўжалигида даврлар ўтиши билан ўтроқ деҳқончилик устун мавқени эгаллаган. Бироқ, тоғ олди ва тоғлик ҳудудлар яйлов чорвачилиги учун қулай бўлиб, у ўз шаклини кейинги даврларда ҳам сақлаб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций // Алма-Ата: Наука, 1989.
2. Руденко С.И. К вопросу о формах скотоводческого хозяйства и о кочевниках // Географическое общество СССР.Доклады отделению этнографии. М.: 1967. – № 1.
3. Байпаков К.М. Город и степ в древности:оседлость и земледелие у саков и усуней Жетысу // Культура номадов Центральной Азии. –Самарканд: 2008.
4. Акишев К.А., Кушаев Г.А. Древняя культура саков и усуней-долины р. Или. – Алма-Ата: 1964.
5. Ҳ. Муҳамедов. Қадимги мудофаа деворлари. – Т.: 1961.
6. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008.

ЎРТА ОСИЁ ЯҲУДИЙЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАҲЛИЛИ

Тўланбоев Ш. А., – НамДУ катта ўқитувчиси

Замонавий этнология фанида тадқиқот мавзуси янада чуқурлаштирилган ҳолда дунёдаги энг йирик халқлардан тортиб энг митти этносларни изчил ўрганишга ва уларнинг анъанавий ҳамда замонавий турмуш тарзи, маросим ва урф-одатларини билишга катта эътибор қаратмоқда. Айниқса, XX аср сўнгги чорагидан бошлаб дунё миқёсида этнолог ва ижтимоий антропологлар томонидан маросимларни халқ маданиятининг феномени тарзида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди ва айнан мазкур мавзу доирасида бажарилган илмий тадқиқотлар фандаги долзарб мавзулардан бири тарзида эътироф этила бошланди[1]. Сўнгги ўн йилликларда дунё миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари этник хусусиятларни сақлаб қолиш омиллари ва миллий маросимларни тадқиқ этиш масаласининг долзарб муаммолар тарзида кун тартибига қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Этнологияда “маросим”, “урф-одат”, “анъана”, “байрам”лар фаннинг асосий тадқиқот объекти тарзида кенг қўлланилади. Чунки ҳар бир халқнинг шаклланиш жараёни билан бирга унга хос ва мос миллий-этник анъаналар, урф-одатлар, маросимлар ҳамда байрам ва сайиллар шаклланиб, тараққий этиб боради. Улар кишилар турмуш тарзининг муҳим бир бўғини тарзида таркиб топиб боради. Айнан шу боис ҳам этнология фан тарзида шаклланган даврдан бошлаб миллий анъаналарни, расм-русумлар ва урф-одатларни халқ маданиятининг феномени тарзида ўрганиш унинг долзарб муаммоларидан бири саналиб келган. Лекин, афсуслар билан айтиш жоизки, ҳали ҳануз этнология, маданиятшунослик, фолклоршунослик ва халқ турмуш тарзи билан шуғулланувчи фанлар доирасида юқоридаги атамаларнинг таърифи ва тавсифи ҳамда фарқли хусусиятлари борасида мукаммал назарий-методологик қарашлар ишлаб чиқилмаган. Шу боис айрим ҳолларда тадқиқотчилар томонидан баъзи атамаларни, хусусан, “маросим” ва “урф-одат”, “анъана” ва “байрам” каби қатор терминларни синоним тарзида ишлатиш ёки изчил фарқламаган ҳолда қўллаш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Шубҳасиз, бу ўринда “маросим”, “урф-одат”, “анъана” ва “байрам”ларининг қандай ўхшашликлари ва фарқли хусусиятлари мавжуд? – деган савол туғилади. Бизнингча, ушбу атамалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, аммо бир-биридан кескин фарқ қилувчи тушунчалардир.

Маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида яшаб келаётган энг қадимги халқлардан бири – бу яҳудийлардир. Яҳудийлар Ўрта Осиёга қадим замонлардан кўчиб келганлар. Уларнинг бу келишлари ҳақида турли хил ривоятлар мавжуд. Милоддан аввалги 722-йилда Исроил подшоҳлиги Оссурия томонидан, милоддан аввалги 586 йилда эса Бобил давлати томонидан босиб олингач, яҳудий халқининг бир қисми ўлкадан ҳайдаб чиқарилди. Бу эса яҳудийларнинг Осиё ўлкалари бўйлаб тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Ҳатто милоддан аввалги VIII асрларда баъзи яҳудийлар Исроилни тарк этиб, Миср, Эрон каби ўлкаларда бошпана топганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор[2].

Яҳудийлар Ўрта Осиёга кириб келганидан сўнг бу ерда ўзига хос бўлган моддий ва маънавий маданиятга дуч келган. Натижада уларда локал маънавий ҳаёт шаклланган. Масалан, яҳудийлар ўзларининг Яҳвега нисбатан содиқ эканликларини исботлаш учун бир неча расм-русумларни ижро этадилар. Улар йиллик ва кунлик ибодатлардан, байрамлардан, маросимлардан иборат. Ибодат уйда ҳам синагогада ҳам бирдай олиб борилади. Яҳудийлар синагогасининг шарқий томонида Торанинг нусхалари сақланадиган сандиқ ва раввин учун минбар қўйилган. Аёллар эркаклардан алоҳида ибодат қиладилар. Синагогада ибодат хор шаклида олиб борилади[3].

Янги туғилган ўғил болалар саккизинчи куни хатна қилинади. Яҳудийликда бир неча хил озиқ-овқатлар, асосан, чўчқа, қуён, қўшоёқ, туя, яхлит туёқлилар, ўлаксахўр қушлар каби баъзи ҳайвон гўштларини ейиш таъқиқланади.

Яҳудийларнинг йиллик байрамлари ичида энг эътиборлиси Пейсах (Пессаҳ; Пасха) байрамидир. Бу байрам христианларнинг пасхасидан фарқли ўлароқ, яҳудийларнинг Мисрдаги қулликдан қутулиб чиққанлари муносабати билан нишонланади. Қадимий яҳудийларда Пасха деб қўзичоқ гўшти ва шаробдан иборат кечки овқатга айтилган. Худо Мисрдаги яҳудий бўлмаган гўдакларни қириб ташлашга қарор қилганида, улар ўз уйларининг пештоқини қон билан бўяб ўзларининг яҳудий эканликларини билдирганлар.

Яҳудийлар Пасха байрамидан кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртурушсиз патир – матса тановул этадилар. Матсани тановул қилиш билан ҳар бир яҳудий Мусо бошчилигидаги ўз ота-

[1] Геннеп А. В. Обряды перехода. – М.: РАН, 2002; Fathi H. Femmes d’autorite dans I’ Asie centrale contemporale. Paris, 2004; Ashirov A. On tne problem of initiation and cyclical in Uzbek family ceremonies in the 20th century // XX th Century in the history of Central Asia. – T., 2004. – P. 61–63.

[2] Bu haqda qarang: Евреи в Средней Азии. Прошлое и настоящее. – Санкт-Петербург, 1995. – С. 187.

[3] Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Қўқон шаҳри. 2016 йил.

боболарининг чеккан машаққатларини ҳис этадилар. Бу байрам яҳудийларнинг қуёш-ой тақвими бўйича нисон ойининг 14 куни нишонланади (бу сана апрел ойининг ўрталарига тўғри келади)[1].

Пасхадан кейинги 50-куни яҳудийлар Шабуот ёки Шевуот байрамини нишонлайдилар. Бу байрам дастлаб деҳқончилик байрами бўлган, кейинчалик Синай тоғида Мусога Худо томонидан Торанинг берилишини нишонлаб ўтказиладиган байрамга айланган. У яҳудийларнинг календари бўйича сивона ойининг 6- ва 7-кунлари нишонланади.

Кузда яҳудий календаридаги тишри ойининг 1- ва 2-кунлари (сентябр охири-октябр бошлари) янги йил байрами – Рош-Ашона нишонланади. Бу байрам яҳудийлар учун покланиш байрами ҳисобланиб, улар қурбонлик қилинган қўчқор шохидан ясалган сурнайларни чаладилар, чўнтакларини тўнтариб яхшилаб қоқадилар.

Тишри ойининг 9-куни гуноҳлардан покланиш байрами – Ём-Кипур нишонланади. Рош-Ашона ва Ём-Кипур байрамлари ўртасида яҳудийлар рўза тутадилар. Рўза кунлари улар ювинмайдилар, ялангоёқ, эски-туски кийимларга ўраниб юрадилар, синагогада надоматлар билан йиғлаб тавба қиладилар.

Пурим (қуръа) байрами яҳудий байрамларининг ичида энг қувноғи ҳисобланади. Бу байрам яҳудийларни қириб ташламоқчи бўлган форс подшоҳи Ҳомон зулмидан қутулганликлари шарафига баҳорда нишонланади. Уларни Ҳомондан ўз амакиси Мордехай тарбиялаган Есфир исмли қизча қутқарган. Шунинг учун бу куни яҳудийлар “Ҳомонга лаънатлар бўлсин”, “Мордехайга Худонинг раҳматлари ёғилсин”, деб қичқирадилар[2].

Барча халқларда оила мустаҳкам ва бахтиёр бўлиши учун муайян миллий ва диний анъаналар мавжуд. Яҳудийлик динида никоҳ маросими ушбу миллат вакиллари ҳаётий арконларидан бири, тантанали равишда ўтказиладиган алоҳида тадбирдир. Хусусан, тўй олди маросимлари — совчилик (“хосткори”), келин кўрди (“кандхўри”), унаштириш (“ширин-хўри”), қиз базми (“кош-чинор”)га алоҳида аҳамият берилади. Бухоро яҳудийларида бу маросимлар культ даражасига кўтарилган ва авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бухоро яҳудийларининғ тўй олди маросимлари турли урф-одат, удумларга бойлиги билан ажралиб туради.

Иврит тилида никоҳ тушунчасини англатувчи сўз – “ўзини бағишламоқ” деган маънони англатади. Яҳудийларнинг диний эътиқодига кўра, никоҳ – катта бир ибодат, худонинг яҳудийларга юборган буюк марҳамати ҳисобланади. Бу ҳақида Тавротда қуйидаги кўрсатма берилган: “Худо инсонларга марҳамат қилиб, айтди: “Баракали бўлиб кўпайинглар, ер юзини тўлдириб итоат этинглар”.

Бухоро яҳудийларида тўй олди маросимларшшиг биринчиси, яъни совчилик “ента” оркали амалга оширилади. Ента (совчи), асосан қизни куёвга муносиблиги, унинг ота-онаси, умуман у билан боғлиқ барча маълумотларни синчковлик билан суриштириб билганлар. Зеро, Тавротнинг “Вайикра” китобининг 21:6,7 қисмига кўра, ажрашган аёлга, яҳудий миллатига мансуб бўлмаган инсондан фарзанд дунёга келтирган аёл ёки зинокорлиги билан танилган аёлга уйланиш қатиян таъқиқланган. Тавротдаги аҳдга эътибор бермай, ноўбакр ноўмақул аёлга никоҳланса, туғилган фарзандлар “халадим” (“ғазабга дучор бўлганлар”) деб номланади. Бундай никоҳдан туғилган қизлар ҳақиқий яхудийга турмушга чиқишга ҳақли эмас.

Ента орқали муносиб қиз топилганда, бўлажак куёв қизнинг отасидан унинг қўлини сўрайди. Сўнг улар ўртасида никох шартномаси ва қалин пули билан боғлиқ масалалар оғзаки келишилади.

Қудалар бир-бири билан келишса, келин уйида унаштириш маросими бўлиб ўтади. Унда қуйидаги масалалар борасида келишиб олинади: қизнинг отасига бериладиган пул миқдори; тўй кунини белгилаш; никоҳ шартномаси (ктуба)даги шартлар[3].

Танганали ўтказиладиган унаштириш маросимида келин ва куёвнинг қариндошлари, танишлари, қўшнилар ва раввин иштирок этадилар.

Бундан ташқари, Бухоро яҳудийларида тўйга бир ҳафта қолганда келин-куёв бир-бирини кўрмасдан қуйидаги маросимларни бажарадилар: Куёв “уфруф” деб номланувчи маросимда синагогада тўйни эълон қилади. Синагогадаги ибодатдан сўнг барча диндошларини зиёфатга чақиради, келин “Микве” махсус ҳаммомда покланиш маросимини амалга оширади.

Унаштиришдан сўнг тўй олди маросими ҳафтанинг муайян белгиланган кунида келиннинг уйида бўлиб ўтади. Шунингдек, чоршанба ёки пайшанба куни “кудобин” — “қудаларнинг кўришиш маросими” бўлиб ўтади. “Кудобин”дан кейин “рўбинон” – “қизни кўриш маросими” бўлади. Ушбу маросимдан сўнг тўйгача куёв қизнинг уйига тез-тез келиб, “сирли учрашув” (“бахшида боз”)лар амалга оширилади.

Жума куни “тахзанон” маросимида келин сарпоси кўрсатилади. Кайвонлар (тўй маросимини ўтказувчи аёллар) маросим иштирокчиларига сарполарни мақтаб кўрсатадилар. Шанба куни кечқурун

[1] Саиджонов Й., Жўраев У. Дунё динлари тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – Б. 42.
[2] Евреи в Средней Азии. Прошлое и настоящее. – Санкт-Петербург, 1995. – С. 186.
[3] Тиллябаева Г. Бухоро яҳудийларининг тўй олди маросимлари / Ёш шарқшуносларнинг “Академик Убайдулла Каримов” номидаги XI илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2014. – Б. 252.

“шаби духтарон” қиз базми бўлиб ўтади, унда қиз дугоналари, баъзан эса куёв ва унинг дўстлари ҳам иштирок этадилар. Қиз базмидан сўнг якшанба куни “ҳаммомбарон”, яъни келин ҳаммомга бориши, ундан кейин “қошчинон”, яъни илк бора келинни қошини териш маросимлари ўтказилади.

Бухоро яҳудийларида душанба куни келинникида “хинабандон” қўлни хинага бўяш маросими бўлиб ўтади. Унда фақат аёллар иштирок этади. Сешанба куни никоҳ шартномаси “кетуба” тузилади. Шартнома асосий матни иврит тилида ёзилади. Сарпо ва бошқа молиявий масалалар сўзлашув тилида қайд этилади. Шунингдек, қизга бериладиган қалин пули ҳам келишиладн. Айрим маълумотларга қараганда, ижтимоий адолат ва ўзаро адоватнинг олдини олиш мақсадида яҳудийликнинг муқаддас китоби Тавротга кўра, қизга бериладиган қалин пули аналоги сифатда тўй куни “хупа” остида келинга узук тақилади[1].

Узук, албатта нақшсиз, қимматбаҳо тошлар билан безалмаган ингичка олтиндан ясалган бўлиши керак. Бунда бой ҳам, камбағал ҳам тенг бўлади. Узук тақилганда куёв баланд овозда қуйидаги дуони ўқийди: “Харей Ат Мекудешет Ли Бетабаат Зо Кедам Моше Ве Исраел” (яъни, “бу узук тимсолида сен менга Мусо ва Исроил қонуни билан бағишланасан”)[2].

Қиз сарпоси аёлларнинг кийими, кўрпа, олтин ва кумуш тақинчоқлар, кўрпачалар ва бошқа нарсаларни ўз ичига олади. Энг кам сарпо “сетви” деб номланади ва у 15 та кўйлак, 15 та лозим, 15 та рўмол, 3 та камзул, 3 та кўрпа, 3 та ёстиқдан иборат.

Умуман олганда, Бухоро яҳудийларида тўй олди маросимларида кўп халқларнинг маданият аралашмасини кўриш мумкин. Уларнинг тўйларида ўзбек, тожик, эрон, араб, турк, испан, рус, кавказ халқлариннг маданияти унсурлари учрайди. Тўйда иштирок этадиган эркаклар ермолка (махсус дўппи), аёллар эса бошларини ёпадиган рўмолларда бўлишлари лозим[3].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро яҳудийларида оилавий маросимларга катга ҳурмат ва эҳтиром билан қаралади. Тўй олди маросимлардаги айрим удумлар муқаддас китоби Таврот асосида бажарилсада, удумларнинг аксарияти миллий хусусиятга эгадир. Бухоро яҳудийлари минг йиллар мобайнида Ўрта Осиёда истиқомат қилгани боис совчилик (“хосткори”), келин кўрди (“кандхури”), унаштириш (“ширинхури”), қиз базми (“қошчинор”) каби тўй олди маросимлари ўзбек халқ урф-одатларига ўхшаш. Ҳатто, бугунга кунда тўйдаги исрофгарчилик, дабдабабозликнинг олдини олиш мақсадида раввин ва унинг ёрдамчилари тўй иштирокчиларига тўй олди ва никоҳ маросимларини ихчам ва белгиланган талаблари асосида ўтказишни талаб қиладилар. Шунга кўра, жамият таянчи – эр-хотин бирлиги, оила аъзолари аҳиллиги бўлиб, эр-хотиннинг маънавий даражаси оиланинг маънавий муҳитини белгилашда катга аҳамият касб этади.

ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР

Турдимуратов Я.А. - ЎзМУ мустақил изланувчи
Қодиров Ф.М. - ЎзХИА академик лицейи катта ўқитувчиси

Бугунги кунда Ўзбекистон этнологияси фанининг олдида республикамизнинг алоҳида минтақалари аҳолисининг хўжалик тарихини ўрганиш, хўжалик маданияти, муайян хўжалик турини юритишнинг ўзига хос хусусиятларни аниқлаш каби муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу муаммоларни ечишда тарихий-географик ва хўжалик тарихини ўрганишга доир тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли хўжалик фаолияти ва хўжалик маданиятини ўрганиш орқали муайян ҳудудда яшовчи этник ва этнографик гуруҳлар турмуш тарзидаги бир қатор масалаларга, жумладан, ҳудудий жиҳатдан хўжалик турлари ва тармоқлари, хўжаликни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг этноиқтисодий тизимдаги аҳамияти, хўжалик билан боғлиқ халқ анъаналари ва ҳоказоларга ойдинлик киритиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон аҳолиси энг қадимий машғулот турларидан бири бўлган - чорвачилик билан қадимги даврлардан буён шуғулланиб келади. Бунга мамлакатимиз дашт, тоғолди ва тоғли худудларидаги кенг яйловларнинг мавжудлиги имкон берган. Маълумки, ушбу хўжалик тури узоқ йиллар давомида кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳолининг асосий машғулоти бўлиб келган. Хусусан, Зарафшон воҳасида ҳам ярим ўтроқ аҳоли асосан мана шу машғулот тури билан шуғулланган. XIX

[1] Дала ёзувлари. Бухор вилояти Бухоро шаҳри. 2016 йил.
[2] Евреи в Средней Азии. Прошлое и настоящее. – Санкт-Петербург, 1995. – С. 147.
[3] Абрамов М. Бухарские евреи. – Самарканд, 1993. – С. 103.

асрнинг иккинчи ярмида яйловларнинг қисқариб кетганлиги боис* Зарафшон воҳасининг тоғли ва дашт худудларида яшовчи чорвадор аҳолининг катта қисми ўтроқ турмуш тарзига ўтади. Аммо айрим ўзбек этнографик гуруҳлари (найман, хитой, сарой) ярим ўтроқ турмуш тарзини давом эттириб, уларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб қолаверган. Шунингдек, воҳа чеккаларида, даштга яқин бўлган худудларда яшовчи ўтроқ аҳоли ҳам чорвачилик билан шуғулланишган.

Айтиш жоизки, этнографик тадқиқотлар асосида Зарафшон воҳаси аҳолисининг чорва хўжалиги республикамизнинг бошқа худудларига нисбатан яхшироқ ўрганилган. XIX асрда Зарафшон воҳаси аҳолисининг чорва хўжалиги ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосан рус тадқиқотчиларининг иқтисодий соҳага оид бўлган асарларида келтирилган. Хусусан, Н.В.Хаников[1], Л.Н.Соболев[2], А.Д.Гребенкин[3], А.Н.Хорошхин[4] каби тадқиқотчиларнинг асарларида воҳада боқилган чорва турлари, сони, нархлари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, ушбу маълумотларни иқтисодий тадқиқотлар киритилган “Самарқанд вилоятининг маълумотнома китобчаси”[5] деб номланган йилномаларда ҳам учратиш мумкин.

А.Д.Гребенкин томонидан воҳада яшаган найманлар ва саройлар асосан чорвачилик билан шуғулланганлиги, 1870-йиллар бошларида улар хўжалигида мавжуд бўлган чорва турлари ва сони ҳақида маълумотлар келтирилади. Аммо воҳа аҳолисининг айнан чорвачилиги ҳақида алоҳида маълумотлар келтирган илк тадқиқотчи олим Г.А.Арандаренко ҳисобланади. Унинг “Туркистондаги бўш вақтлар” номли китобининг бир қисми “Зарафшон воҳасида чорвачилик” деб номланади[6]. Унда муаллиф томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида воҳа чорвадорларининг ҳар бир хўжалик тармоғи, яъни йилқичилик, қўйчилик ва йирик шохли қорамолчилик бўйича умумий ҳолати, аҳолининг чорва моллари парвариши ва боқиши билан боғлиқ усуллари, чорва саноатчилари фаолияти, чорвадан кўрилган даромадлар ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтилган.

Маълумки, XIX аср охирлари – XX аср бошларида Ўрта Осиё худудида 3 та асосий хўжалик-маданий типларнинг мавжуд бўлганлиги этнографлар томонидан қайд этилган: деҳқончилик билан шуғулланувчи воҳа ўтроқ аҳолиси, чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланувчи ярим ўтроқ аҳоли ва кўчманчи чорвадорлар[7]. Б.В.Андрианов тадқиқотлари таҳлилидан[8] шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу даврда Зарафшон воҳаси аҳолиси 2 та хўжалик-маданий типга тааллуқли бўлган: ўтроқ деҳқонлар ва ярим ўтроқ чорвадор-деҳқонлар, чорвадорлар. Иқтисодчилар томонидан нашр этилган “Ўрта Осиёнинг замонавий қишлоғи” номли тўпламда ҳам воҳа аҳолиси чорвачилигига оид бўлган маълумотларни учратиш мумкин[9]. Фақат ушбу тўпламда асосан худудлар бўйича мавжуд бўлган чорва тури ва унинг сонига алоҳида эътибор берилган.

1959 йилдан бошлаб СССР Фанлар Академияси Этнография институти Ўрта Осиё экспедицияси томонидан Самарқанд вилоятида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Бундан ташқари ушбу экспедициянинг Зарафшон гуруҳи томонидан Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани аҳолисининг хўжалиги, турмуш тарзи ва маданиятини стационар ўрганиш ташкил этилган. Тадқиқот натижалари асосида жамоавий монография кўринишидаги китоб нашр этилади[10]. Ўрта Осиё экспедицияси томонидан Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қамровли этнографик тадқиқотлар олиб борилган. Аммо экспедиция гуруҳи бошлиғи К.Л.Задихинанинг вафот этиши туфайли ишлар ўз якунига етказилмай қолган. Ушбу экспедиция иштирокчилари бўлган Е.М.Пешерева, Р.Я.Рассудова ва Б.Х.Кармишевада Косон, Китоб ва Шахрисабз туманлари бўйича қисқа дала ёзувлари мавжуд.

К.Шониёзовнинг ўзбек-қарлуқларига бағишланган китобида Самарқанд вилоятининг чекка жануби-ғарбий қисмида яшовчи аҳоли чорвачилиги ҳақида маълумотлар келтирилган[11]. Шунингдек, ушбу китобда Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида яшовчи қарлуқлар чорвачилиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Хусусан, Пахтакор, Когон, Олот ва Косон туманларида яшовчи қарлуқларнинг XX аср бошларига қадар асосан қоракўл қўйларини боқиш билан шуғулланишганлиги, хўжаликлардаги чорва

---

* Бу даврда экин майдонларининг кенгайтирилиши ҳисобига яйловлар қисқариб борган. Масалан, Зарафшон воҳасининг марказий қисмида экин майдонлари 250 минг таноб (4 таноб – 1 гектар) ерни эгаллаган бўлиб, фақат 130 таноб ердаги яйловлардагина чорва боқиш мумкин бўлган.

[1] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства, СПб.,1843.

[2] Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест Округа, - ЗРГООС, т. IV, 1874.

[3] Гребенкин А.Д. Мелкие народности Зеравшанского округа, - СРТ, вып. 2, 1872: Узбеки. – СРТ, вып. 2, 1872.

[4] Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края, СПб., 1876.

[5] Справочная книжка Самаркандской области. Вып. I-X. 1887-1912 гг.

[6] Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане в 1874-1889 гг. СПб., 1889, С. 81-142.

[7] Саушкин Ю.Г. Географические очерки природы и сельскохозяйственной деятельности населения в различных районах Советского Союза. - М., 1947. - С. 15, 16.

[8] Толстов С.П., Жданко Т.А., Абрамзон С.М., Кисляков Н.А. Народы Средней Азии и Казахстана. – М.,1962.- Т.1.- С. 34.

[9] Современный кишлак (аул) Средней Азии. Социально-экономический очерк. Под редакцией Б.Б.Карпа и И.Е.Суслова, вып. 1-9. – Ташкент, 1927-1927.

[10] Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М., 1969.

[11] Шаниязов К. Узбеки-карлуки. (Историко-этнографический очерк). – Ташкент, 1964. – С. 68-79.

турлари ва сони, уларнинг жинси ва ёшига қараб номланиши, чорва моллари ҳайдаладиган яйловлар, қоракўлчиликни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва машаққатлари, чўпонларнинг оғир меҳнати ҳақида батафсил маълумотлар келтириб ўтилган.

К.Шониёзовнинг "Ўзбекларда яйлов чорвачилиги" номли илмий мақоласида эса воҳа аҳолиси чорвалигига оид бўлган умумий маълумотлар ҳам келтирилган[1]. Ушбу муаллифнинг Ўзбекистон чорвачилигига бағишлаган навбатдаги илмий мақоласида Самарқанд вилоятининг жанубий ва жанубий-ғарбий туманларида, Бухоронинг дашт ва чўл худудларида, шунингдек, Қарши даштида яшовчи аҳолининг қўйчилиги, қоракўлчилиги, шунингдек, йирик шохли қорамолчилик, йилқичилик ва туячилик ҳақида тўхталиб ўтилган. Мақолада кўрсатилган худудларда чорвачилик билан шуғулланган этник ва этнографик гуруҳлар, улар томонидан боқилган чорва моллари зотлари, чорва молларининг хўжаликлардаги сони таҳлил қилинган[2].

XX аср иккинчи ярмида Зарафшон воҳаси аҳолисининг чорва хўжалигини алоҳида илмий муаммо сифатида ўрганган олим Х.Тошев ҳисобланади. Унинг Зарафшон воҳаси чорвадорларининг маданияти ва турмуш тарзига бағишланган илмий диссертациясида ўрта Зарафшон воҳасининг чап ирмоғида яшовчи чорвадорлар маданияти ва турмуш тарзи ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилган[3]. Шунга кўра ушбу тадқиқотчи олим томонидан нашр этилган мақолалар ва китобларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон воҳаси ўзбекларининг чорва хўжалиги, хусусан, қўйчилик ва йилқичилик соҳасидаги анъаналар, чўпонлар ва йилқи боқувчиларнинг меҳнат фаолияти, қорамолчилик, туячилик, воҳа қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуши ҳақидаги маълумотлар Х.Тошевнинг ўзбек тилида чоп этилган навбатдаги китобида батафсил бериб ўтилган[4]. Ушбу китоб республикамиздаги чорвадор аҳоли хўжалик маданияти тадқиқ этилган муҳим асар эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

XIX аср иккинчи ярмида воҳа чорвачилигида қўйчилик (қоракўлчилик) етакчи ва муҳим йўналиш ҳисобланган. Сабаби бу йўналиш ўзига тадбиркорлар эътиборини ҳам тортган бўлиб, қўйчилик нафақат гўшт ва сутга бўлган эҳтиёж билан, балки қимматбаҳо хом ашё – жун ва терини олиш билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Воҳадаги чорва саноатчилари, қоракўлчиликни юритишдаги ўзига хос хусусиятлар, қоракўл қўйларининг ёши ва жинсига қараб номланиши, қўйчивонларнинг машаққатли меҳнати, касалликка чалинган чорва молларни даволаш усуллари ҳақидаги маълумотлар Х.Тошевнинг навбатдаги илмий мақоласида акс эттирилган[5].

Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилояти аҳолисининг анъанавий чорва хўжалигига оид бўлган бир қатор илмий мақолалар эълон қилинди. Аҳолининг айнан ушбу анъанавий хўжалик тармоғига оид бўлган асарлар қарийб нашр этилмади. О.Бўриев ва Т.Хўжамбердиев ҳаммуаллифлигида чоп этилган асарда Қашқадарё вилояти аҳолисининг чорвачилик билан боғлиқ удумлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган[6].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Зарафшон воҳаси аҳолиси анъанавий хўжалиги, хусусан чорвачилик хўжалигини тарихий-этнографик аспектда тадқиқ этган юқорида тилга олинган олимлар томонидан бир қатор асарларнинг чоп этилиши муҳим аҳамият касб этиб, республикамизнинг бошқа худудлари аҳолиси хўжалик маданиятини ўрганиш учун ҳам асос бўлди, десак муболаға бўлмайди.

АРХЕОЛОГИЯДА АВИАТРАНСПОРТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тўхтабаев А.Ш., – НамДУ, катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси мустақил шароитда транспорт ва транспорт воситаларнинг тутган ўрни нақадар муҳим эканлиги, Ўзбекистон Республикасининг табиий-географик шароитининг турли хилда бўлганлиги унинг транспорт воситаларининг ҳаракат ва турларини белгилаб берган. Ғарб ва Шарқ ўртасида жойлашган баланд тоғликлар, бепаён саҳро ва даштлар, чекланган сув йўллари, буюк ипак йўлини юзага келтириб узоқ даврлар давомида асосан карвон транспорти воситасини кашф этиб узоқ

[1] Шаниязов К.Ш. Отгонное животноводства у узбеков // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Ленинград. 1973. – С. 87-98.

[2] Шаниязов К.Ш. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М., Наука, 1975. – С. 188-192.

[3] Ташев Х. Культура и быт животноводов Зеравшанской долины (конец XIX – 60-е годы XX в.) Автореферат диссертации. – Ташкент, 1968.

[4] Тошев Х. XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. – Т., Фан, 1987. – Б. 53-82.

[5] Ташев Х. Традиционное животноводства узбеков Среднего Зарафшана // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Т., Фан, 1972. – С. 53-68.

[6] Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши, 2005. – Б. 40-50.

мамлакатлар билан савдо алоқалари мустаҳкамланган. Мазкур карвон йўли бир неча аср мобайнида халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган.

Тарихдан маълумки, собиқ Иттифоқ даврида ҳам авиатранспорт тизимидаги самолёт ва вертолётлар қишлоқ хўжалиги, газ ва нефть саноатида геология-разведка ишларида ҳам катта хизмат қилган. Авиа-кимё ишларида - жумладан, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш олиб боришда, ерга минерал ўғитлар сепишда, пахта майдонларини дефолиация қилишда кенг фойдаланилган. Шунингдек, авиатранспортдан археология соҳасида ҳам унумли фойдаланилган.

Археология ишларида авиациядан фойдаланишнинг бошланиши биринчи жаҳон уруши даврида Яқин Шарқдаги уруш майдонларида ҳарбий авиациянинг фаолияти билан боғлиқ. Ўша вақтда ҳарбий учувчилар Сурия саҳросида бир қанча муҳим археологик кузатишлар олиб борганлар. Кейинчалик бу ишни мутахассис археологлар давом эттирганлар ва ривожлантирганлар. Бу ўринда, айниқса, франсуз Пуадебар ва инглиз Крауфорднинг ишлари муҳим аҳамият касб этади. Крауфорд Сурия саҳросида Рим даврига оид мудофаа иншоотлари ва савдо йўлларини топишдан ташқари, ердан туриб мутлақо фарқлаб бўлмайдиган қадимий шаҳар ва қишлоқларни аниқлашда визуал разведка ва аэросёмка усулларидан фойдаланган.

Археологик аэросёмка усулини ишлаб чиқишда ҳарбий авиациянинг жойлардаги предметларни суратга олиш йўли билан билиб олиш тажрибаси асос бўлди. Ўсимликларнинг ердаги предметларни ошкор қилиш хусусиятидан (ер юзасида турли - туман иншоотлар бор - йўқлигига қараб ўсимликлар ҳар хил қалинликда, турли рангда бўлиб кўринади), қуёшнинг қиялаб тушган нурида жуда майда релъеф ҳам яққол кўринишидан фойдаланиб суратга олиш ғоят қизиқарли анча - мунча археологик обидаларни аниқлаш имконини берган. Кейинроқ америкалик олимлар қадимги Перу цивилизацияси ёдгорликларини текшираётган пайтларида аеросёмка усулини қўллаганлар, иккинчи жаҳон урушидан сал олдинроқ эса Э.Шмидт бошчилигидаги Америка авиа - археологик экспедицияси Эроннинг қадимги ва ўрта аср ёдгорликларини самолётдан расмга олиш бобида катта ишлар қилди[E. Schmidt: 76].

Бироқ шуни қайд этиш лозимки, чет эллик тадқиқотчиларнинг авиа - археологик ишлари, одатда, тажрибадан нарига ўтмаган ва ўз олдига айрим археологик ва тарихий - географик масалаларнигина қўйган. Аэросёмкалар ерда олиб борилган қазишмалар ва разведкалар билан жуда суст боғланган эди.

Собиқ Иттифоқ олимлари йўл бўлмаган жойлардаги археологик ёдгорликларни ўрганишда биринчилардан бўлиб авиациядан фойдаланишган. Қадимги Хоразм ёдгорликларини қидириб топишда олимларимизнинг авиациядан фойдаланганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Қадимги Хоразмни ўрганиш мақсадида профессор Сергей Павлович Толстов раҳбарлигида олиб борилган илмий экспедициясининг ўз авигуруҳи бор эди. Бу авиагуруҳ қадимги Хоразмнинг шаҳар кўчалари, уйлари ва ҳатто айрим хоналарининг режасини олишга муваффақ бўлди. Жами 9000 минг километрлик масофада ҳаво маршрутидан фойдаланилган[С.П.Толстов: 70].

Қадимги Хоразм ёдгорликларини аэропландан қидириш ва фоторасмини аэропланда туриб олиш натижасида, бир минг йилдан бери оёқ босилмаган жойларни экспедициянинг одатдаги иш жойларига айлантиришга имконият туғилди[А.С. Тўрахонов: 32-33].

С. П. Толстов экспедицияси эса аэрометодларни совет бархеологияси тажрибасида биринчи бор жорий қилинган. “Қадимги Хоразм” археологик экспедицияси вакиллари ПО – 2 русумидаги самолётдан фойдаланганлар [С.П.Толстов: 48]. Унинг етарли учиш тезлиги билан ниҳоятда кичик қўниш тезлигига эгалиги ёдгорликларни анча пастда учиб суратга олиш, уларнинг архитектура деталларигача суратга тушириш, шунингдек, деярли ҳар қандай шароитда қўниш имконини берган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин собиқ Итгифоқ фуқаро авиацияси вазирлиги тасарруфида бўлган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг 243-таъмирлаш заводи, “Авиақурилиш” бирлашмасига қарашли “Авиа-махсусмонтажсозлаш” негизида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиа-компанияси ташкил этилди. Шундан сўнг, Ўзбекистоннинг фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури қабул қилинди. Дастурда самолёт паркини қайта ташкил этиш, эски аэровокзал мажмуаларини жаҳон андозалари талабларига мос қилиб реконструкция килиш ва янги мажмуалар қуриш, аэропортларни энг янги техника воситалари билан жиҳозлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг аниқ йўллари ўз ифодасини топди.

Хулоса қилиб айтганда, Республикада бугунги кунда ҳам АН-2 самолёти, Ми-2, МИ-8, Ка-26 вертолётларидан иборат махсус авиацияси парки қишлоқ хўжалиги-тиббий санитария хизмати, метеоролиги, геологик қидирув, газ саноати ва бошқа соҳаларда унумли ишлатилиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Т.: Фан, 1964.
2. Тўрахонов А. С. Авиация тарихидан. –Т.: Ўздавнашр, 1951.
3. Schmidt E. Flights over ancient cities of Iran. – Chicago, 1940.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тухтабеков К.А., – т.ф.н., доц.,
Ўзбекистон Республикаси ОАК
Бош инспектор

Мустақиллик йилларида олий таълим ва умуман илм-фан соҳасини тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсдаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида салоҳиятли илмий ва илмий-педагог кадрлар таркибига, илғор моддий-техника базасига эга таълим масканлари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳукуматимиз томонидан олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасига оид қабул қилинаётган қарор, фармон ва фармойишлар юртимизда мазкур соҳанинг янги, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган миллий моделини яратишда муҳим омил бўлмоқда. “Биз таълим ва иабия тизмининг барча бўғинлари фаолятини бугунги замон талаблари асосида такмиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз” [1]. Шу нуқтаи назардан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизими доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони тарихий аҳамият касб этади. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизликни, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юритиш каби йўналишларда илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида ўрин тутади.

Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар стратегияси ҳамда жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви барча соҳалар қаторида илм-фан соҳасида ҳам рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда илмий изланишларнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этиб, бу жараёнда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир поғонали тизимидан икки поғонали тизимга ўтилишига объектив зарурат туғилди. Глобаллашув жараёни чуқурлашиб бораётган ва жаҳон илмий-техникавий тараққиёти юқори суръатлар билан кечаётган ҳозирги шароитда таълим ва илм-фан соҳаларининг ўрни ҳар қачонгидан ортмоқда. Миллий иқтисодиёт ривожини таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини сифат жиҳатдан оширишда ва ҳар бир мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини юксалтиришда таълим, илм-фан ва рақобатбардош кадрлар муҳим омиллар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими жорий қилинди. Мазкур Фармон олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ижроси юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари, олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид муҳим қоидалар тасдиқланган.

Мамлакатимиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим ва илм-фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. “Ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас, инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда”[2]. Таъкидлаш керакки, илм-фан соҳасини жаҳон талаблари даражасида ривожлантиришни таъминлашда ёшларнинг ўрни бениҳоя катта. Шу жиҳатдан ҳам мамлакатимизда ёшлар давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга жудда катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизими ва илм-фани тараққиётининг бугунги сифат даражаси ўзининг мустаҳкам тарихий пойдеворига эга бўлиб, мустақиллик йилларида уларни ислоҳ қилиш ва

ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Табиийки, бундай тараққиёт замонавий шарт-шароит ва омиллар билан бир қаторда халқимизнинг кўҳна тарихи, бой маданий ва маънавий меросига асосланади. Она диёримизда илм-фанривожи учун шарт-шароит яратишга қадимдан катта эътибор бериб келинган.Илму маърифатга интилишхалқимизга хос хусусиятдир. Мамлакатимиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим ва илм-фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз олимлари, ёш изланувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрлар, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, уларни аттестациядан ўтказиш соҳаларида фаолият кўрсатаётган мутахас-сислар Ватанимизнинг иқтисодий ва илмий-техникавий мустақиллигини янада мустаҳкамлашда ҳамда унинг жаҳондаги нуфузини юксалтиришда фаол ва самарали иштирок этадилар.

1. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом ттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбкистон”. 2017. 124-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимиз илмий жамотчилиги вакиллари билан учрашувдаги “Илм-фан ютуқлари Ватанимиз равнақига хизмат қилсин” нутқ. 30.12.2016 й.

АҚШДА ЭТНОПСИХОЛОГИЯ МАКТАБИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Убайдуллаева Б.М., – т.ф.д., ЎзРФА Тарих институти
Исмоилов К.Қ., – и.ф.н., доц., ТошФИ

Этнологиядаги психологик йўналиш ўз тараққиёти давомида бир неча бор ўз номини ўзгартирди. Дастлаб «халқ руҳи» деб ном олган психологик йўналишга оид бир қанча назариялар яратилди. Сўнгра АҚШнинг машҳур антропологи Ф. Боаснинг тарихийлик мактаби негизида этнопсихологик тадқиқотлар олиб борилди. Кейинроқ психологик йўналишга «маданият ва шахс, кейинроқ «миллий характерни ўрганиш тадқиқотлари, деб ном берилди. Ўтган асрнинг 60 йилларидан» то ҳозиргача психологик антропология ёки баъзида этнопсихология номи билан юритилиб келмоқда.

Ф.Боаснинг «нафақат бизнинг тилимиз хатто бизнинг хис-туйғуларимиз ҳам биз мансуб бўлган халқ тарихи ва ижтимоий хаётининг натижасидир» [5. С. 51] деган фикри ва шу мазмундаги ғоялари этнопсихологиянинг алоҳида йўналиш сифатида пайдо бўлишига туртки бўлди, десак хато бўлмайди. Ф.Боас маданий плюрализм нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳар бир маданият ўзига хос ноёб тараққиёт йўлига эга, деган фикрни илгари сурди. Унинг издошлари ҳам маданиятни психологик нуқтаи назардан ўрганиш катта аҳамиятга эгалигига эътибор қаратганлар. Улардан бири Гольденвейзер психологияни этнографик методологиянинг таркибий қисми, унинг асосий уч негизи (танқидийлик, тарихийлик, психологик)дан бири сифатида кўрди. Боаснинг яна бир таниқли шогирди Э.Сепир ўз устози ғояларини янгича қарашлар билан бойитди ва ривожлантирди. У АҚШда янги оқим –психологик мактабнинг асосчиларидан бири бўлди. Мазкур мактабнинг яна бир етук вакили – Р. Бенедикт ҳам Боаснинг шогирди бўлган[2. С. 271-284]. Боаснинг яна бир шогирди М.Мид XX асрнинг 20-60 йилларида ўзига хос тадқиқот усуллари билан катта шуҳрат қозонди. У дастлаб Шимолий Тинч океани худудида, Самоа ва Янги Гвинеяда этнологик тадқиқотлар олиб борди ва дастлабки тадқиқотларининг махсули сифатида «Самоада балоғатга етиш» китобини чоп эттирди. Мид Боаснинг издоши сифатида унинг турли маданиятлардаги тарбия турли шахслар ва уларга хос фаолиятларни келтириб чиқариши ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлайди. У «биологик омилларнинг турғун таъсирига» шубҳа билан қарар экан, инсоннинг шахсий хусусиятлари ва фаолияти унинг ирқи билан эмас, балки маданияти билан боғлиқлигини уқтиради. М.Миднинг Янги Гвинеяда олиб борган кейинги тадқиқотлари «Уч ибтидоий жамоаларда жинс ва темперамент» номли китобнинг дунёга келишига асос бўлган. Унинг тадқиқотлари этнопсихологиянинг илмий йўналиш сифатида шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Айнан Мид этнопсихологияда болалик даврини: болаларни тарбиялаш амалиёти, гўдаклар парваришлаш анъана ва одатлари, болалар кийим–кечагидаги ўзига хосликни тадқиқ этишга алоҳида қизиқиш уйғотди [4. С. 73].

1935 йил М. Оплер антропологларни Фрейднинг психоаналитик усулига эътибор қаратишга, бу усулни маданият тадқиқотларида қўллашга чуқурроқ киришиб, яхши натижаларга эришиш учун «индивид хулқини» тадқиқ этишга чақирди [5. С. 57]. Бу даврга келиб Фрейднинг 1913 йили нашрдан чиққан «Тотем ва табу» асари анча кенг ёйилган эди. Айниқса унинг клиник материаллар асосида

ёзилган «Тушларнинг таҳлили» асари этнопсихологияда психологик таҳлилни қўллашга туртки берди. Шундан сўнг Э.Фромм, Г.Рохайм, Э.Эриксон, Г.Дереве каби психоаналитиклар антропология, этнологияга мурожаат қила бошладилар. Г.Дереве этнопсихиатрия йўналишига асос солди. Мазкур воқеаларнинг таъсири остида бўлса керак АҚШ этнологларининг кўп қисми психологик йўналишга ўтди. Масалан, Сепирнинг «Маданий антропология ва психатрия", «Жамиятдаги хулқни тушунишда психиатриянинг ўрни улуши, «Маданий психологияга психиатр нега керак», Оплернинг «Маданиятнинг психоаналитик изоҳи ёки талқини, Зелегманнинг «Антропологик истиқбол ва психологик назария" мавзусидаги асарлари шулар жумласидандир [4. С. 132]. Бутун этнопсихологик мактабнинг раҳбари этнолог эмас, балки психиатр А.Кардинер бўлганлиги ҳам этнологияга психологиянинг қанчалик чуқур кириб борганлигидан далолат беради. Кардинер Нью-Йоркдаги психоаналитик жамияти қошида махсус семинар ташкил этди ва уни бошқарди.

Кардинер бошчилигидаги этнопсихологик мактабнинг ғоялари жуда умумлаштирилган ҳолда унинг хаммуалифликда ёзган икки асарида яъни, «Индивид ва унинг жамияти», «Жамиятнинг психологик чегараси» китобларида баён этилган. Биринчи китобда икки халқ – такана (Мадагаскар) ва Маркиз архипелаги (Полинезия) халқларидан олинган маълумотлар асосида, иккинчи китобда уч этник гуруҳлар команчи (Шимолий Америка), Алора ороли аҳолиси (Индонезия) ва АҚШнинг Плейвия шаҳарчаси аҳолисидан олинган аниқ маълумотлар асосида назарий хулосалар қилинган. Кардинер ва унинг издошларининг асосий ғоялари қуйидагилардан иборат эди: чақалоқ дунёга келиши билан ҳар хил ташқи муҳит айниқса мазкур жамиятининг гўдакни парваришлаш билан боғлиқ усуллари – овқатлантириш, кўтариш, йўргаклаш кейинроқ эса юришга, гапиришга ва тартиб ҳамда озодаликка ўргатиш кабилар катта таъсир кўрсатади. Ҳар бир жамиятнинг аъзолари бошқа жамиятларнинг кўпчилик аъзоларига ҳам хос бўлган шахсий хусусиятларга эга, лекин шахслар учун талаб қилинадиган меъёрлар ҳар хил жамиятда ўзига хос бўлиб, бир-биридан фарқланиб туради. Худди шу тарзда «асосий шахс»лар тушунчаси илк бор илмий муомалага киритилган. Кардинернинг фикрича, худди шу «асосий шахс», яъни ўрта психологик тип бўлган «кишилардир», бу кўпчилик гўё жамиятнинг асосини ҳамда жамият маданиятини негизини ҳам ташкил этади [8. С. 276]. Этнопсихологларнинг фикрича шахсни индивидуал тарзда тадқиқ қилиш маълумотларини бутун жамият учун қўллаш қонунийдир. Шу тарзда америкалик этнологларнинг тадқиқот йўналишида бурилиш юз берди: халқларнинг ўзига хос маданиятини тадқиқ этишдан уларнинг психологик хусусиятларини тадқиқ этишга ўтилди, бу хусусиятларнинг сабаби ва илдизлари эса инсоннинг индивидуал психологиясидаги фарқланишдан, ўз навбатида илк туғилган гўдакни парваришлаш тажрибаси ва усулларидаги фарқланишидан изланди. Айнан қандай психология маданиятдаги қонуниятларни топишдаги муаммони ечишда этнологларга ёрдам бериши мумкин, деган саволга Кардинер қуйидагича жавоб берди: - «классик психология» (Вунд ва бошқалар) ҳам, «бихеовористик» йўналиш (Уотсон ва бошқалар) ҳам, Павловнинг «рефлексологияси» ҳам немисларнинг «гештальт психологияси» (Вейтхеймер ва бошқалар) ҳам бу муаммога тўла жавоб бера олмайди. Этнологик тадқиқотлар учун энг самаралиси, ягона психологик мактаб – бу З. Фрейднинг психоаналитик мактабидир [9. С. 22]. Шу тариқа этнопсихологик йўналиш тарафдорлари энди ўша йилларда АҚШда кенг ёйилган Фрейднинг назариясига таяниб, янги оқим – неофрейдизмга асос солдилар. Неофрейдизм тарафдорлари «асосий шахс» тушунчасини гўё ҳар қандай алоҳида бир маданият хусусиятларини кўрсатувчи калит сифатида билдилар ва ҳар бир жамиятдаги «асосий шахс» қандай бўлса, мазкур жамият ёки халқ маданияти ҳам ўша асосий шахсга мос тарзда шаклланади, деган ғояни илгари сурдилар. Кардинер ўз нуқтаи назарини исботлаш мақсадида турли халқларни ўрганиш юзасидан олиб борилган этнографик тадқиқот маълумотларидан мисол келтиради. Хусусан, Алор ороли маҳаллий аҳолиси мисолида гўдакни парваришлаш жараёнида қандай усуллар таъсирида шахснинг шаклланиши ва шу асосида бутун бошли маданият ташкил топишини кўрсатишга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, Алор ороли аҳолисига хос бўлган хусусият аёллар –оналарнинг ўз фарзандлари билан кам шуғулланишларидир. Аёллар асосан деҳқончилик ишлари билан машғул бўлганлари учун ўз фарзандлари тарбиясига кўп вақт ажрата олмаганлар. Ҳаттоки кўкрак ёшидаги болаларига ҳам кам эътибор берганлар, уларни онда-сонда эмизганлар, болани юришга, гапиришга ўргатмаганлар ва ҳак.. Бунинг оқибатида, болаларда ўз онасига нисбатан мураккаб, зиддиятли муносабат шаклланди: она меҳри, ғамхўрлигини соғиниш, яккаланиш ва қаровсизлик ҳисси, онасига нисбатан эса ишончсизлик ва хаттоки нафрат ҳисси ҳам уйғониши мумкин. Кардинер бу ҳолатлар алорликларнинг миллий характерини («асосий шахслар») шакллантиради дейди: яъни ишончсизлик, ҳамма нарсадан шубҳаланиш, ташқи оламга нисбатан адоват, олий идеалларнинг йўқлиги ва ҳак. [8. С. 278]. Шуниси қизиққи бу халқни ўрганган этнограф Кора Дю Буа томонидан мазкур халққа бунчалик даражада бир томонлама, салбий баҳо берилмаган. Кардинер психиатр сифатида айнан шу дала тадқиқоти маълумотларидан бутунлай бошқача хулоса чиқаради [1. С. 59].

Кардинер ўз фикрини тасдиқлаш учун яна бир мисол сифатида Шимолий Америкадаги команчи қабиласини келтиради ва этнограф Р.Линтоннинг дала тадқиқоти маълумотлари асосида команчиларнинг «асосий шахс» қиёфасини тасвирлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича бу халқ

қўрқмас, урушқоқ халқ, улар учун бизонларни овлаш, жангу-жадаллар, бошқа қўшни қабилаларга босқинчилик, отларни ўғирлаш, бошқаларни қул қилиш асосий машғулот. Команчи-хинду қабиласи ичида бўйсуниш ва таъқиқларни билмайди, жамоада ҳамма тенг, ҳеч қандай олий табақа-ю, зодагонлар йўқ, асосий озиқ-овқат бўлмиш бизонлар сероб. Кардинер халқнинг бутун маданий қиёфасини «асосий шахслар структураси» га боғлиқлигини кўрсатмоқчи бўлади-ю, лекин ўзи билмаган ҳолда аксини: яъни, инсон руҳиятини («асосий шахслар») маданий муҳит ва провардида халқ ҳаётининг моддий шароитига боғлиқлигини кўрсатди. Аслида команчиларнинг характеридаги урушқоқлик, мустақиллик ва демократик тенглик руҳи – буларнинг барчаси XVIII асрда уларнинг сиёсий географик ўрни билан боғлиқ эди. Мамлакат жанубда Янги Испания (Мексика) шарқда «Янги Франция» (Луизиана) шимолдан эса англо-америкаликларнинг мустамлакалари оралиғида жойлашган эди. Испанлар билан бўлган жангда ёки савдо орқали от ҳамда қурол яроғга эга бўлган команчилар французларга от ва қуроллар сотганлар.

Француз ва англо-америкаликлар билан бўлган жангдан орттирган ўлжаларни эса Мексикада сотганлар. Ўша даврда (XVIII аср) бизонлар тўдаси сероб бўлиб, уларни қурол билан овлаш осон кечган ва бу озиқ-овқат тўкинлигини таъминлаган [3. С. 89]. Демак, кўринадики бу ҳодисаларнинг сабабчиси қандайдир «асосий шахслар» устунлиги эмас балки, ижтимоий-иқтисодий, тарихий шарт-шароитлардир.

Этнопсихологияга оид тадқиқотларда америка халқи характерини ўрганишга оид тадқиқотлар ҳам мавжуд. Хусусан, АҚШ Станфорд Университети профессори Девид М. Поттернинг «Фаровон халқ. Иқтисодий бойлик ва америкача характер» китобида бу ҳақида кўп маълумотлар бериб ўтилган [10. 244 с.]. Китобда муаллиф дастлаб ўзининг концепцияси – иқтисодий бойлик ва фаровонлик концепциясига яқин бўлган социолог Д.Райсман ва психолог К. Хорниларнинг қарашларидан мисол келтириб ўтади. Жумладан, К.Хорнининг фикрича, америкача турмуш тарзи шахслар олдига уч йирик қарама-қаршиликни қўяди: 1. Шахслар бир томондан рақобатда ўз ютуғини таъминлаш учун етарли даражада тажовузкор бўлишига мажбур, бошқа томондан христиан динининг яқинларини севиш каби мажбуриятларини бажариши керак. 2. Эҳтиёжларни қондириш йўлидаги рақобат фаровон турмуш тарзи учун бўлган эҳтиёжларни яна ҳам кўтариб юборадики, кўплаб америкаликлар бу эҳтиёжларнинг барини ҳам қондириш имкониятига эга бўла олмайдилар. 3. Шахснинг назарий эркинлиги билан амалий жиҳатдан уни чегараланганлиги ўртасидаги номутаносиблик.

Д.Поттернинг асарида кўрсатилишича иқтисодий бойлик америкаликларни янги товарлар ва энергия манбаларини истеъмол қилишга, хизматнинг янги турларидан фойдаланишга мажбур қилади [10. С. 165]. Поттернинг қарашича иқтисодий бойлик болани туғилишидан бошлаб унинг тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Бу таъсир ҳаммадан аввал сунъий озиқлантириш орқали амалга ошади. Яъни, «моддий фаровонлик» шароитида у она ва бола ўртасидаги яқин муносабат риштасини бузади. Она ва бола ўртасидаги муносабат эса бола характерини шаклланишида ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бола тарбиясига таъсир кўрсатувчи иккинчи омил сифатида оила истиқомат қиладиган майдоннинг меъёрдан ортиқлиги кўрсатиб ўтилган. Яшаш майдонининг кенглиги ҳамда сунъий овқатлантириш кабиларнинг қўшилиши гўдакни алоҳида ажралиб яшашига ва ҳатто яккаланиб қолишига олиб келади. Оқибатда «ўртача америкалик»нинг ҳаёти давомида унинг руҳиятида чуқур из қолдиради. Иқтисодий тўкинликнинг таъсири бу билан тугамайди. Иқтисодий тўкинлик америкаликларнинг эрта турмуш қуриши ва бола кўришнинг эртароқ тўхташига сабаб бўлиб, ажралишларнинг кўпайишига замин яратади. «Шуни айтиш мумкин-ки, иқтисодий фаровонлик туфайли ёш турмуш қурган, эрта фарзанд кўрган ёш ота-оналар гарчи ўзлари фарзандларини тарбиялаш учун улар билан узоқ вақт бирга бўлиш имкониятига эга бўлсаларда, лекин тарбия муҳити сифатида оилани сақлаб қолишга мойил эмаслар» -дейди Поттер [10. С. 167]. Муаллиф америкалик ва европаликлар орасида миллий фарқланиш хусусияти сифатида фарзанд тарбиясида бўлган муносабатини ҳам кўрсатар экан, америкаликларнинг бола тарбиясида европаликлар сингари қаттиққўл эмаслиги ёки бошқа сўз билан айтганда эркин муносабати ҳам айнан иқтисодий тўкинлик билан боғлиқ, деган хулосага келади.

Дарҳақиқат шахс маънавий қиёфасининг ва характерининг индивидуал, миллий ўзига хос ва умуминсоний жиҳатлари шаклланишида атроф-муҳит моддий ишлаб чиқариш, маданий-маиший шароитлар катта таъсир кўрсатади. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, АҚШда олиб борилган тадқиқотлар этнопсихологиянинг фан сифатида ташкил топиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Адабиётлар:

1. Белик А. А. Психологическая антропология: История и теория. – М., 1993.
2. Бенедикт Р. Психологические типы в культурах Юго-Запада США // Антология исследований культуры. Т. 1. Интерпретация культуры. – СПб., 1997.
3. Гачев Г. Ментальности народов мира. – М., 2003.
4. История ментальностей, историческая антропология. Зарубежные исследования в обзорах и рефератах. – М., 1996.
5. Королев С.Н. Вопросы этнопсихологии в работах зарубежных авторов. – М., 1970.

6. Лурье С.В. Историческая этнология. – М., 1998.
7. Майерс Девид Социальная психология. – Спб, 2015 г.
8. Токарев С.А. История зарубежной этнографии. – М., 1978.
9. Kardiner A. The psychological frontiers of society. New York: Columbia University Press, 1945.
10. Potter David M. People of plenty. Economic abundance and the American Character. – Chikago. Vniv of Chicago press, 1954.

ЎЗБЕК-ГЕРМАН АЛОҚАЛАРИ РИВОЖИДА МАДАНИЯТ КУНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Умаров С.Я., – СамДУ

Икки минтақада жойлашган давлатлар – Ўзбекистон ва Германия маданияти ва тили жиҳатдан фарқ қилсада, икки мамлакат халқлари орасидаги тарихда бошланган халқ дипломатияси доирасидаги алоқалар 1993 йил 28 апрелда Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ҳукуматлари ўртасида “Маданий ҳамкорлик тўғрисида” битим имзоланиши билан янги босқичга кўтарилди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 719, В. 14]. Маданий соҳада ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиши ҳамда мамлакатларимиз ўртасида маданий ҳамкорликнинг жадаллашувида шубҳасиз маданият кунларининг ўрни юқори бўлди.

Маданият кунлари халқ дипломатиясини шакллантиришни ва кенг йўлга қўйишнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам 1996 йил декабрь ойида Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Нукус шаҳарларида “Германия маданияти кунлари” ўтказилди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 724, В. 122]. 1996 йил 5 декабрь куни “Баҳор” концерт залида маданият кунларининг расмий очилиш маросими бўлди. Маданият кунлари давомида немис ёшлар филармонияси, Георг Глазл номидаги Бавария камера мусиқа ансамбли, “Зингер Пур” вокал ансамбли, “М. Вокинг он зе вота” рок гуруҳининг концертлари, Куттеркет пластика ва қўғирчоқ театрининг спектакллари, орган чолғучиси М. Шёнхайтнинг чиқишлари, Германия киноси намойиши ва унинг вакиллари билан учрашувлар, немис адабиётига бағишланган семинарлар ташкиллаштирилди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 724, В. 47].

Германияда 1997 йил давомида бўлиб ўтган “Ўзбекистон маданияти кунлари”нинг очилиш маросимида катта концерт бўлиб ўтди. Концерт дастурида Ўзбекистондан 4 та хонанда, 5 та созанда ва 12 та раққоса иштирок этди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 486, В. 1-2]. Маданият кунлари доирасида Хакимов Хабибулла Азимович бошчилигида Фарғона вилояти давлат қўғирчоқ театри жамоаси иштирок этди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 486, В. 43]. 1997 йил 20 март куни 8 кунлик ташриф билан қўғирчоқ театри жамоаси Бонн шаҳрига келди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 486, В. 89]. Театр ўзининг репертуаридаги янги, шарқ эртаклари асосида яратилган “Минг бир кеча” спектаклини намойиш қилди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 486, В. 45]. Маданият кунлари доирасида иштирок этган “Томоша” болалар театр студияси томонидан концерт дастури амалга оширилди. Студиянинг “Шарқ бозори” деб номланган дастуридан ўзбек халқ ўйинлари, урф-одатлари акс этган фолклор саҳналар жой олган эди. Ўзбек халқ қўшиқлари билан бирга жаҳон халқлари қўшиқларидан ҳам намуналар “Томоша” болалар театр студияси томонидан ижро қилинди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 486, В. 58].

“Ўзбекистон тасвирий санъати ва ҳайкалтарошлиги XXI аср бўсағасида” номли кўргазма Германияда 1997 йил апрел ойида бўлди. Кўргазмада ўзбек ижодкорларининг 50 та асари намойиш қилинди. Жумладан, 40 та тасвирий санъат асари ва 10 та ҳайкалтарошлик асарлари намойиш қилинди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 486, В. 13-14].

Германияда бўлган Ўзбекистон маданияти кунларининг иккинчи ярми доирасида “Чўлпон ва XX аср ўзбек лирикаси” мавзусида коллоквиум ҳамда “Ўзбек адабиёти ва шеърияти кечаси” ўтказилди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 589, В.27]. Шунингдек, “Ўзбекистон халқ амалий санъати” кўргазмаси ва “Ўзбек халқ мусиқа ва рақс кечаси” бўлиб ўтди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 589, В. 128]. 1997 йил 4-10 ноябрь кунлари Берлин шаҳрида “Ўзбек адабиёти ва шеърияти кунлари” бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда ўзбек адабиёти ва шеъриятининг йирик вакилларидан 3 киши иштирок этди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 588, В. 9]. Маданият кунларининг якунловчи босқичи доирасида 1997 йил 10-17 ноябрь кунлари Берлин шаҳрида Ўзбекистон киноси кунлари бўлиб ўтди. Унда “Тошкент – нон шаҳри”, “Самар билан учрашув” каби 6 та ўзбек бадиий фильми ва 5 та қисқа метражли фильм намойиш қилинди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 486, В. 65]. 1997 йил 10-16 ноябрь кунлари Берлин шаҳрида маданият кунлари доирасида “Берлин шаҳрида Тошкент шаҳри маданияти кунлари” ҳам бўлиб ўтди. Мазкур маданият кунлари доирасида “Тошкент-Берлин: шерик шаҳарлари тасвирий ва амалий безак санъати асарлари комплекс кўргазмаси” намойиш қилинди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 588, В. 9]. Маданият кунлари давомида Ўзбекистонда

амалга оширилган ўзгаришларни кўрсатиб берувчи “Ўзбекистон ислоҳот йўлида” фотокўргазмаси ҳам ўтказилди [ЎзР МДА Ф. М-7, Р. 1, Й.ж. 588, В. 34].

2008 йил сентябрь-октябр ойларида ГФРнинг маданияти, таълими ва фанини ҳамда немис халқининг анъаналари ва фолклорини Ўзбекистон аҳлига кенг намойиш қилиш мақсадида “Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари” доирасида 27 номдаги турли маданий тадбирлар ташкиллаштирилди [ЎзР МВ ЖА. Р. 1, Й.ж. 1247, В. 7]. Маданият кунлари давомида 23-25 октябр кунлари хаваскор театрлар фестивали ташкил этилди. Театр фестивалида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларидаги немис маданий марказлари қошидаги хаваскор театрлар иштирок этди [ЎзР МВ ЖА. Р. 1, Й.ж. 1247, В. 2-5]. Шу йилдан бошлаб юқорида номлари тилга олинган теарт жамоалари ҳар йили октябр ойида анъанавий тарзда театр фестивалини ўтказа бошлади.

Икки давлат ўртасида халқ дипломатиясининг ривожланишида мамлакатларда ўтказилган маданият кунлари катта аҳамиятга эга бўлди. Маданият кунлари доирасида халқларимиз бир-бирининг улкан тарихий-маданий бойлиги билан танишди. Бу эса халқ дипломатиясини ривожлантириб, мамлакатлар аҳолисини тобора яқинлаштирди.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (кейинги ўринларда ЎзР МДА) Фонд М-7, рўйхат 1, йиғма жилд 719,
2. ЎзР МДА Фонд М-7, рўйхат 1, йиғма жилд 724.
3. ЎзР МДА Фонд М-7, рўйхат 1, йиғма жилд 486.
4. ЎзР МДА Фонд М-7, рўйхат 1, йиғма жилд 588.
5. ЎзР МДА Фонд М-7, рўйхат 1, йиғма жилд 589.
6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви (кейинги ўринларда ЎзР МВ ЖА). Рўйхат 1, йиғма жилд 1247.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТАНДА РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ШАКИЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Утепбергенова А., –ЎзДСМИ
Нукус филиали ўқитувчиси.

XX аср мўъжизаси телевидение ва радионинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс, оммавий ахборат воситалари ичида газета , журнал ва бошқа оммавий ахборат турларига нисбатан жуда катта мавкега эга. Телевидение ва радио жуда қисқа фурсот ичида бошқа санъат турларига қараганда техник имкониятлари, ижодий изланишлар кўлами жиҳаттан жуда кенг, оммавий, тезкор ва жонли санъат воситаси эканлигини намойиш этди. Телевидение ва радио ҳаёт муаммоларини ечимини топишда, инсон қалби ва таффакурининг камол топишида янгидан-янги услуб ифода васиталарини ўзида кашф этди[1].

Авваломбор Қорақалпоғистон худудида оммавий коммуникация воситаси сифатида радио тизими барпо этилган, лекин махаллий радио орқали қорақалпоқ тилида энг биринчи радиоўзатиш 1931 йил 17 декабрда Тўрткўл шаҳрида амалга оширилган. 1935 йилга келиб Қорақалпоғистон радиосининг эшиттиришлари ҳажми кунига 3 соатга етказилди. Ушбу даврда овул ва қишлоқлар ҳаёти, аҳоли турмуш тарзида учраётган муаммолар ва долзарб масалалар эшиттиришларнинг асосий мазмунини ташкил этган. Шунингдек, миллий қўшиқ ва ашулалар, концерт дастурлари эфирга берилган[2]. Республика пойтахтининг қўрилишига боғлиқ 1940-йилларда Қорақалпоғистон радиоси таҳририяти хам Нукус шаҳрига кўчирилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Қорақалпоғистонда истиқомат қилаётган аҳоли учун радионинг роли ва хизмати алоҳида ўрин тутди, улар ҳар кунги янгиликлар ва хабарларни радио орқали эшитиб бориш имкониятларига эга бўлдилар. Республикамизнинг ҳар бир аҳоли истиқомат қилувчи масканда репродуктор ўрнатилиб, радио эшитиш оммавийлашиб борган. Ушбу даврда аҳоли учун радио бирдан-бир ахборот етказиш воситаси бўлиб, собиқ Иттифоқ раҳбариятининг сиёсатини оммавий тарғибот қуролига айланган эди.

Урушдан кейинги йилларда Қорақалпоғистон радиоканали ижодкорлари Чаржўй-Қўнғирот-Бейнау темир йўли, Тахиатош ГРЭСи, гидроузел ва яна кўплаб йирик қурилишлардан лавҳалар совет хокимиятининг абзалликларини оммавий онгга сингдириб борар эди. Четки овул ва қишлоқларда

[1] Маҳмудов М., Файзиев Ф., Абляева В. Телевидение асослари. Т., 2008. 18-б.
[2] Қарақалпақстан радиосына 70-жыл. Әлемди жаңғыртқан ҳаўазың сениң. Н., 2002. 4-б.

радиоқурилмалар бўлиб, радио сиёсий жараёнларнинг таркибий қисмига айланганди. Шунинг билан бирга радио орқали хар турли мавзудаги радио очерклар, махсус эшиттиришлар, концерт дастурлари тайёрланиб, тингловчилар эътиборини қозонди.

XX асрнинг иккинчи яримида собиқ Иттифоқ коммуникация тизимида телевидениенинг роли кучайди. Республика раҳбариятининг изчил ҳаракати натижасида 1962 йилнинг февраль ойида Нукус телемаркази биноси қурилиши бошланади ва 1964 йил 5 ноябрь куни Қорақалпоғистон телевидениесининг биринчи кўрсатуви эфирга узатилди[1]. 1967 йили телемарказнинг ҳозирги кундаги икки қаватли биноси қуриб битказилиб, махсус янги бинода КТ-25 телевизион камералари базасида ишлайдиган «Район» аппарат-студия комплекси ўрнатилиб ишга туширилди ва 180 километрлик Нукус-Беруни-Турткул радиорелейли линияси қўрилди. Шу йиллари Қорақалпоғистон телевидениеси хар куни 2 - 2,5 соатлик дастурларни намойиш этарди. 1968 йилда эса дастлабки кўчма телестанция (КТС) олиб келиниб, кўрсатувларни студиядан ташқарида ёзиб олиш имконияти юзага келди.

1970 йили Нукус шахрида телевизор орқали фақат учта канал – Марказий, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон телекўрсатувлари намойиш этиларди. 1976 йилда Нукус телерадиомаркази рангли тасвирдаги кўрсатувларни эфирга узатишни бошлаган, лекин тарқатиш сигнали жудаям паст бўлганлиги сабабли, хаттоки Хужайлида (Нукус шаҳридан 15 км. – авт.) Қорақалпоғистон телевидениесини рангли тасвирда кўриш омкони бўлмаган. 1978 йилдан бошлаб “Хабар” телеантенна дюнида мультипликацион йўл билан монтажланиб, бошланиши ҳаракатли чиқариладиган бўлди ва уша пайтдан бошлаб “Қарақалпақстан телевидениеси” деган дастур очилиши титр билан бошланган[2].

Қорақалпоғистон телевидение ва радио соҳасининг изчил ривожланиши мустақиллик йилларига тўғри келади. Айнан ушбу даврга келиб телерадиоэшиттириш фаолиятини ривожлантириш мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланди. Давлат ва ҳукумат даражасида қаратилган эътибор, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан замонавий техник жиҳозлар олиб келиниши натижасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар, ижодий юксалишлар жараёни бошланди.

1992 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетини Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисида» ПФ-309-сон Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қумитаси қайта ташкил этилди ҳамда Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантирилди[3].

Республика аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, телерадио дастурлари мазмунини тубдан яхшилаш ва «Ўздавтелерадио» компаниясининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш мақсадида 1994 йил 28 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниясининг кўрсатув ва эшиттиришлари ҳажмларини кўпайтириш, унинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 167-сон қарори қабул қилинди.

Республика аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, телерадио дастурлари мазмунини тубдан яхшилаш ва «Ўздавтелерадио» компаниясининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 августдаги «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида» ги 412-сон қарорига биноан «BFE Studio and Median Systeme» фирмаси билан тузилган контракт бўйича Нукус телерадиомарказини жиҳозлаш учун сармоя жалб қилинди ва техник воситалар олиб келиниб тўлиқ ўрнатилди. 2006-2007 йиллар давомида «Simens AG» фирмаси билан тузилган шартнома асосида Нукус телерадиомарказида қўшимча катта студия қуриб битказилиб, замонавий техника билан жиҳозланди. Айни пайтда, қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилида "Хабар", қорақалпоқ тилида “Ҳафталик” ва бошқада дастурлар бериб борилади. 2013 йили апрель ойида "UZDIGITAL TV" сонли форматдаги эфир сеткасига Қорақалпоғистон теледастурлари хам киргизилди, июн ойида кино ва мультфильмлар дубляжининг аппаратхона ва студияси ишга туширилди. Қорақалпоғистон телеканалининг эфир вақти 2015-йил 2-мартдан бошлаб 18 соатга етказилди[4].

Бугунги кунда Қорақалпоғистон телевидениеси ва радиоси ўз фаолиятида мамлакатимиз коммуникация тизимида ўзига хос ахамият касб этиб, ахборот инфраструктураси, ахборотларни йиғиш, шакллантириш ва тарқатишда, оммавий онг ва жамоатчилик назоратини кўчайтиришдаги роли ўсиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

[1] Мадреймов Т. Жариялылық қуралы. Н.,1989. 15-16 б.
[2] Мадреймов Т. История возникновения и развития средств массовой информации Каракалпакстана в 1930-1990 гг. (радиовещание и телевидение). Автореф дис...канд. ист. наук. Н., 1997.
[3] Ўзбекистон телерадиокомпанияси: замон билан ҳамқадам. Т., 2016. 20-б.
[4] Джумашев А., Нуржанов С., Уразова Л., Таджиева Р. Қарақалпақстан тарийхы. Н., 2018. 73-б.

РАДИ ЖИЗНИ НА ЗЕМЛЕ
(Вопросы возникновения человеческого общества в «Хронологии» Беруни)

Хидиров А., *– ЎзМУ*

«Беруни – историку присущи два основных качества, - пишет известный востоковед Павел Георгиевич Бульгаков, - а) исключительная объективность, выражающаяся в равно-уважительном отношении ко всем народам, в оценке их, свободной от расовой, религиозной или династийной предвзятости; б) стремление к изучению явлений, особенно в области этнографии, в сравнительном плане…»[1].

Методологию истории Беруни так определяет в своем труде «Памятники минувших поколений» («Хронология»).

«Предварительно необходимо очистить свою душу от причин, делающих человека слепым для истины, то есть от укоренившихся привычек, соперничества, покорности страстям, борьбы за власть и тому подобного».

Естественно, этим методологическим принципам последовал сам Мухаммад ибн Ахмад Беруни во всех своих гениальных трудах. Например, во времена Беруни сочинения его талантливого предшественника Абу Бакра Закария ар-Рази считались еретическими. Но его уважали Беруни и Абу Али ибн Сина и в своих сочинениях часто ссылались на его труды. Беруни собственноручно составил каталог – фихристу список сочинений Абу Бакра ар-Рази, состоящий из 184 названий, дошедший до нашего времени.

В книге «Сайдана» («Фармакогнозия») Беруни использовал следующие сочинения Абу Бакра ар-Рази: 1. «Всеобщая медицина» . 2. «Книга о пище». 3. «Царская медицина». 4. «Двенадцать книг по химии». 5. «О пользе и вреде питаний и другие». В «Фармакогнозии» Беруни 200 раз упоминает сочинения ар-Рази. Абу Бакр ар-Рази жил и творил многие годы в родном городе Рее . По словам географа X века Истах Рей по своей благоустроенности и населенности уступил из иранских городов лишь одному Нишапуру. Город Рей стоял на главном тракте международной торговли, связывавшем Арабский Восток, Византию и Закавказье со Средней Азией, Индией и Китаем. Буиды из Рейа управляли центральными и восточными областями Ирана, так же персидским Ираком. В Рее в одно время жил и занимался вместе с великим ученым Абу Махмудом ал-Ходженди астрономическими наблюдениями Мухаммад иб Ахмад Беруни. В Рее Беруни ознокомился с многими сочинениями Абу Бакра Закария ар-Рази и впоследствии составил каталог его трудов. Во многогранности научных интересов Беруни превзошел своего великого предшественника ар-Рази. В своем сочинении «Памятники минувших поколений» («Хронология») Беруни, пользуясь тысячами источников, исследовал древную историю верований, обряды и праздники, духовную культуру многих народов мира. По мнению известного ученого-арабиста П.Г.Бульгакова, «тематическая многогранность «Хронологии» при глубоком и широком охвате в ней материала, восходящего к многочисленным письменным и устным источникам разных народов, не позволяет отнести ее к какой-нибудь одной конкретной отрасли знания. Книга эта может быть названа сводом всеобщей сравнительной хронологии народов Ближнего Востока и Средней Азии. Но с таким же правом можно назвать и оригинальными сравнительно-этнографическими очерками, в которых особое внимание уделено религиям различных народов, их обычаям, празднествам и преданиям. Стараясь быть предельно объективным, Беруни с уважением говорит о заслугах в развитии человеческой мысли и культуры и древных греков, и хорезмийцев, и персов, и сирийцев, и арабов, и других народов… при равном уважении» ко всем народам Беруни стремится восстановить справедливость в оценке культурно-исторических заслуг тех народов, о которых доселе говорили в землях халифата недостаточно (о греках, евреях и персах), либо не говорили вообще (о хорезмийцах, согдийцах, самаритянах-шумерах, абиссинцах, еменцах). Беруни хвалит рационализм греков: «… если от них требуют доказательств, они не станут прибегать к рассказням тех, кто основывает свои слова на божественном откровении и вдохновении»[2]. Но в другом месте, Беруни признает мифы, предания, фольклор, где отражаются народные поверия или религиозные воззрения. Но и в этих случаях он осуждает глупость и бессмысленность отдельных верований. Например, в известных поэмах о царях персов авторы при описании вознакновения первого человека, вместо Адама и Евы, выдумывают какие-то бредни. «Что же касается персов, то они называют первым человеком Кайумарса, а прозвание его Гир-шах, то есть «Царь горы», но некоторые говорят «Гил-шах», т.е. «Царь глины», так как в то время никого не существовало, - пишет Беруни в VI главе «Хронологии»… ». Персы говорят много удивительных вещей о начале мира, о зарождении Ахримана, то есть Иблиса, из мысли Бога, о том как Ахриман возгордился Бог (говорят персы) впал в недоумение относительно Ахримана и лоб его

[1] П.Г.Бульгаков. Гуманитарное наследие Беруни. // Сб. Беруни и гуманитарные науки. Ташкент, «Фан», 1972, стр. 37.
[2] Беруни. Памятники минувших поколений. Ташкент, «Фан», 2015, стр. 167.

покрылся испариной. Он обтёр пот и отбросил его, и родился из него Кайумаср. Бог послал Кайумарса к Ахриману и Кайумарс. А бог послал Кайумарса к Ахриману и Кайумарс одолел Ахримана и сел на него верхом, и стал разъезжать на нём по миру. Ахриман спросил Кайумарса, что для него наиболее ненавистно и страшно, и Кайумарс сказал ему, что когда он достигнет врат геенны (Ада), то испытает великий страх. Когда Ахриман довёз Кайумарс упал с него. Ахриман сел на Кайумарса и спросил, с какой стороны ему начать его есть. И Кайумарс молвил: «Со стороны ног, чтобы я мог еще некоторое время любоваться на красоту мира…». Ахриман начал его есть с головы и дошел до яйичек и до бедер, где находится сосуды семени. Оттуда упали на землю две капли семени и из них выросли два куста ревеня, от которых родились Мишо и Мишона. А они занимают (у персов) место Адама и Ева. Их зовут так же Малхи и Малхиана, маги и жителей Хорезма называют их Мард и Мардона (то есть, Мужчина и Женшина)… Поэт Абу Али Мухаммад ибн Ахмад Балхи в своей «Книге царей» («Шах-наме») передает рассказ о происхождении человека иначе, чем мы его изложили, и предварительно говорит, будто он исправил свои рассказы по книгам житий царей, принадлежавшим перу Абдуллаха ибн ал-Мукаффа, Хишама ибн ал-Касыма, Бахрама ибн Мардоншаха, мобеда города Шапура[1] (современное название – Шабирган, в Афганистане – А.Х.). Далее Абу Райхан Беруни приводит еще бессмысленные «исправленные» выдумки поэта Мухаммада ал-Балхи и заключает, что относительно дат (правления) царей и их деяний персы сообщают такие вещи, которых не желают слушать сердца, отвергают уши и не принимает разум. Так выражает Беруни свое отношение к таким небылицам, существующим в предистории различных народов Востока.

Удивительную осведемленность по древней истории, этнографии, последовательности по хронологии династий, праздников, обрядов, верований, взаимоотношения различных религий, народов почти всего мира. В одной из многочисленных таблиц Беруни дает династийные прозвища царей различных народов. Персидских царей называют шахиншахами (т.е. царями царей), царей румов (византийцев) называют – басилиями (басилевсами), царей Александрии (в Египте) называют – Птоломеями, царей Емена называют Тобба, царей тюрков-угузов называют хаканами, царей Китая называют багфурами (фагфурами), царей Нубии (Эфиопии) называют наджоиш, царей Фергены называют ихшидами (ферганское государство Даван соперничало с Китаем из-за боевых коней), царей горного Табаристана называют испахбедами, царей Усрушаны называют афшинами, царей Самарканда (Согда) называют тархунами, царей Сирии называли Нимвродами, царей копта называли фиръавн (фараонами), царей Бухари – Бухар-худат, царей Хорезма – хорезмшахами.

Многие современные историки думают, что династии персидских царей одно, а династии царей Вавилона – другое. Средневековые историки, в том числе Беруни знали о том, что отдельные цари Ирана правили и в Вавилоне и там их называли по другому. Например, Салм-Салманасар, Кайковус – Бухтумнасар, Синехарриб – сын Салма. Беруни пишет: «В книгах житий и преданий, переведенных с книг жителей Запада, упоминаются цари персов и Вавилона, начиная с Афридуна, который называется у них Йафул, и до Дария, последнего царя персов»[2]. Действительно, иранский шахиншах Дарий III был убит в войне с эллинами во главе Александра Македонского, а страна досталась им, образовались в обширной территории персидских царей новые государства – Селевкия, Антиохия, Александрия (Египет) Птолемеев. В Средней Азии сотни лет существовало Греко-Бактрийское государство. Поэтому Берунии говорит о Дарий III как о последнем царе Ирана. Однако, в III веке новой эры было образовано государство сасанидов, под руководством Ардашера, сына Попака (Бобака), сына Сасана. Однако, как свидетельствует Беруни на основе различных источников, до этого в Персии 476 лет правили ашканиды или аршакиды, выходцы из западной части Харезма, близкие к парфянам. В.Бикерман в своей книге «Хронология древнего мира» аршакидов считает парфиянами. Надо учест, что до основателя сасанидского государства Ардашера в персидской династии правили еще три Ардашера: один – сын Ксеркса (Хусрав), другой – сын-Дария Второго, третий – имя отца не сохранился.

Беруни в прочитанных источниках встречает такое интересное мнение: Время идет кругами (из-за кругового вращения планет), в конце которых всё рожденное погибает, и в начале (жизнь) возникает снова. Каждый круг имеет своих Адама и Еву. Как утверждают некоторые, Адам и Ева в каждом круге существуют для всякой страны отдельно. Из-за этого (из-за различия родителей) различаются облики людей в разных странах, их природа и языки[3].

«Хронология» («Памятники») Беруни содержит ценные сведения по истории культуры древнего Ирана, В VI главе хорезмский мыслитель пишет о злодениях завоевателя Александра Македонского. В период аршакидов (во время селевкидов и Греко-Бактрийского государства) персов отвлекали тогда от запоминания дат заботы, которые причиняли им Александр и его преемники из румов: они сожгли все любимые (народом) научные книги и разрушили дивные произведения искусства, которыми утешались и в создании которых соревновались (персы). Александр даже сжег большую част религиозных книг (в

[1]Беруни. Памятники минувших поколений. Ташкент. «Фан», стр. 167.
[2] Беруни. Памятники минувших поколений. Ташкент, «Фан», 2015, стр. 175.
[3] Там же. Стр. 176.

том числе, большую часть «Авесты» и разрушил чудесные постройки вроде той, что находилась в горах Истахра и известны в наше время (в X веке) под названием мечети Соломона, сына Давида. Александр закинул в него огонь, и говорят, что следы пожара видны в некоторых местах этой постройки до сегодняшнего дня[1]. Как говорят комментаторы (П.Г.Булгаков и др.) Беруни приводит таблицу времени правления всех сасанидских царей, пользуясь сведениями Хамзы Исфахана. Далее Беруни говорит о неуместной похвальбе отдельных персидских учёных своей генеалогией. «Некоторые (персы) говорят, что Лухрасп (современник Заратустры) – один из сыновей Якова (Израиля)… Еще упоминают, будто Афридун (который победил Заххака, разделил страны трем своим сыновям – Салму, Туру, Эраджу) – это Ной, мир с ним! От того, кто обладает хотя бы небольшими знаниями в хронологии и родословиях, и кто немного изучал предания и памятники, не скроится, что всё это лишь позолота, (наводимая) при взаимной похвальбе арабов и персов. Арабы больше всего пологались на свое превосходство в исламе, и персы хотели против им то же самое, хотя в этом нет надобности, Аллах великий… сказал «не будет среди них гордыни от родословия, и не станут они друг друга (об этом) спрашивать» (Коран, 23/101). А пророк (Мухаммад) говорил: Все люди от Адама, А Адам – из праха. Не даёт преимущества арабу над не арабом чисто, кроме бога боязни. Хвалиться на самом деле, должно опережая в стремлении к благим качествам, к возвышенным деяниям, к овладению знанием и мудрость и чистейшими достоинствами». Так, к месту Беруни приводит стихи Карана и важное высказывание пророка.

«В трудах Беруни, - пишет знаток по истории этносов К.Шаниязов, - имеются много интересных данных о хозяйственной жизни, народных календарях, нравах, обычаях и поверьях многих народов. Он называет (не только называет, но описывает и исследует – А.Х.) более 100 народов земного шара. Все это говорит о богатом этнографическом материале, который свидетельствует о глубине и широте познаний ученого»[2].

Как отмечает К.Шаниязов, великий ученый – энциклопедист Беруни дает сведения о таких тюркских племенах, как тюрки-Караханиды Мовароуннахра и Восточного Туркестана, северные тюрки (огузы, киргизы и др.), тюрки долины реки Чу, Хотана, Тибета и Афганистана, Карлуки, булгары, хазары, кипчаки. По другим данным, нам известно кипчаков, которые участвовали в международных сношениях Хорезма и стран Закавказья. Грузия во время правления царицы Тамар и его сына Георгия Лаши использовали 30 тысячи наемных кипчаков для сдерживания своих противников.

В XXI веке, в наше тревожное время глобализации и против состояния различных религиозных и политических сил, становится актуальным почаще обратиться к добрым традициям древних цивилизаций. В этом смысле имеет важное значение исследования, написанные и изданные за последние годы в Узбекистане и за рубежом. Монографии, многотомные исследования Нажмиддина Низамиддинова об индийской цивилизации, Хамидуллы Балтабаева и Махкама Махмудова «История литературно-эстетической мысли», I том которой посвящен античным цивилизациям Востока и Запада, Шухрата Эргашева «Древние цивилизации», Шухрата Сирожиддинова «Философские источники узбекской классической литературы», Шадмана Вахидова и Алишера Кадырова «Знаменитые династии Востока», Н.Шермухамедовой «Философия к методология науки», Х.Аликулова «Восточное Возрождение и развитие философской мысли», М.Джакбарова «Идеал совершенного человека в средневековой философии», Г.Махмудовой «Историко-философский анализ учения Зароастризма», Г.Насирходжаевой «Проблемы историко-философской мысли в трудах Беруни». Интересны исследования ученых Казахстана – Н.С.Кирабаева «Социальная философия мусульманского Востока», Г.Б.Шаймухамбетовой «Арабоязычная философия средневековья и классическая традиция» и т. Д.

Интересна гипотеза Беруни о назначении строительства египетских пирамид – говорят, что мудрецы посоветовали фараонам построить эти пирамиды для сохранения перед началом всемирного потопа. В VIII главе «Хронологии» Беруни приводит ценные сведения о сабиях-звездепоклонниках, где он оправергает гипотезу христианина Ибн Синкила (личность которого нам не известна) об отношении к идолам Ибрагима-Авраама. «Ибн Синкила, - пишет Беруни критикует вероучения сабиев и начинил его ложью и всякими бреднями». В этой же главе Беруни с уважением относится к данным Ветхогозавета, Евангелия и Корана и сравнивает эти данные. Он с почтением относится к вероучению Мани – основателя манихейства, защищает его от различных клеветников. Беруни пишет, что сорок лет искал главную книгу Мани «Шапуракон» и нашел ее. Прочитов этот первоисточник, Беруни нашел это вероучение очень гуманной и справедливой. А ученые-традиционалисты о суждают Мани как лжепророка. По книге Диогена Лаэрция нам известно, что манихейство было в почете, а Плотин, основатель неоплатонизма, 9 лет находился в этой вере.

Народные праздники Беруни условно разделяет на две группы: мирские и религиозные. Мирские праздники – это Навруз, который начинается 21 марта как праздник весны и начала сельско-

[1] Беруни. Памятники минувших поколений. Ташкент, «Фан», 2015, стр.190.
[2] К.Шаниязов. Этнографические материалы в трудах Беруни // Сб. «Беруни и гуманитарные науки». Ташкент, «Фан», 1972, стр. 119-120.

хозяйственных работ. В дни навруза цары, затем и аббасидские халифы спускаются со своих престолов, приходят к народу, поздравляют и одаривают народ в честь праздника, послушают пожелания народа.

Беруни с симпатией описывает такую встречу как справедливое решение вопроса власти и народа. Беруни пишет: «Народные праздники помогают людям достигнуть увеселения души, снискать добрую славу, хвалу, любовь, благопожелания. Это один из способов облегчить жизнь бедняков, поддержать надежды уповающих и спасти близких к гибели от опасности и беды»[1]. По другим источникам нам известно, что в дни мирских и религиозных праздников цари халифы объявили амнистию (омонлик) сотнями узникам[2].

Другой любимый праздник Мехрджон у народов Ирана и Средней Азии справляли в середине осени, как праздник урожая. Такие народные праздники продолжаются и сегодня, в наше время. В эти дни люди пожелают счастья и одаривают друг-друга.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТЛАРНИНГ “МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ” СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Хайдаров М.М., – т.ф.д., ЎзМУ

Совет ҳокимияти минтақада XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмига келганда ўзининг сиёсий ва иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаб олди. Бу жараёнлар 1925-1940 йилларда маданий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Коммунистик мафкура жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ўз мафкуравий таъсирини ўтказиб борди. Айниқса, бу кишилар онгини ўзгартиришда муҳим омил бўлган таълим, фан ва маданиятда жиддий тус олди. СССРда социализм қуришнинг уч асосий шарти: саноатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий инқилоб эканлигига асосий эътибор қаратилди.

Ана шундай шароитда маданий меросга синфий ёндошув қарор топди. Минг йиллар давомида ўзбек халқи аждодлари томонидан яратилган маданият бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қисмга: пролетар маданияти ва феодал сарой маданиятига ажратилди. Сарой маданиятига қарши кураш ниқоби остида ўзбек халқининг асрий миллий қадриятлари ва анъаналарига қарши ҳужумга ўтилди. Бундай аҳвол халқ таълими соҳасида ҳам мавжуд эди. Умумий бошланғич таълимни жорий этиш, саводсизликни тугатиш каби ислоҳотлар ҳам мураккаб тарзда кечди. Масалан, янги совет мактаблари муаллимларга муҳтож бўлса-да, эски мактаблар ва жадид мактабларининг муаллимларидан фойдаланилмади, аксинча, бу муаллимларга совет ҳокимияти душман сифатида қаради. 1927 йилда сиёсий идоралар “За партию” журнали орқали эски усул ва жадид усулидаги мактабларга қарши кураш эълон қилдилар[3]. Натижада бу мактаблар совет маъмурлари томонидан аста-секин беркитилди ва XX аср 20-йиллари охирига келиб, бу мактаблар ўз фаолиятини бутунлай тўхтатишга мажбур бўлди[4]. Бундан ташқари 1929 йил Ўзбекистонда вақф мулклари ҳам бутунлай тугатилди[5]. Ҳолбуки, вақф мулклари минтақада юз йиллар давомида маориф ва маданият соҳасида эришилган ютуқларнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилган эди.

XX аср 20-йиллари охирига келганда большевиклар партияси мафкура майдонига яна бир ғояни - маданий меросни инкор этиш ғоясини ташлади. Бу аслида маданий инқилобнинг асосий мақсадларидан бири эди. Бироқ совет маданияти назарияси унинг айрим ғоявий раҳнамолари орзу қилганидек маданий меросни бутунлай инкор этиш йўлидан борган, деб айтсак унчалик тўғри бўлмайди. Аслини олганда коммунистик мафкура томонидан сунъий равишда бўлиб ташланган маданий меросга бўлган бундай муносабатдан фақат ўзбек халқи ёки Иттифоқда яшаб турган мазлум халқлар эмас, энг аввало рус халқи ҳам маънавий зарар кўрганлиги ва катта йўқотишларга дуч келганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Совет ҳокимияти таълим соҳасида ўз сиёсий фаолиятини олиб боришда мавжуд алифбони йўқотиб, уни бошқалари билан алмаштиришга ва шу йўл билан бир неча авлодни миллий-тарихий меросидан мосуво этишга қаратди. Бундай интилишлар минтақада совет ҳокимияти ўрнатилгач, Туркистон АССРда бошланган эди. Даставвал араб имлосига асосланган эски ўзбек ёзувининг алифбоси ислоҳ қилинди. Таниқли ўзбек маърифатпарварлари Фитрат ва Ашурали Зоҳирий 1921 йил январда бўлган ҳамда тил ва орфография масалаларига бағишланган Туркистон биринчи ўлка қурултойида араб алифбосини сақлаб қолиш, лекин уни ислоҳ қилиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Фақат ёш ўзбек

[1] Беруни. Памятники минувших поколений. Ташкент, «Фан», 2015, стр. 321.
[2] А.Джувайни. Тарихи жахонкушо. Ташкент, «Мумтоз суз», 2016, стр. 257.
[3] Қаранг: “За партию”. 1927. № 4. –С.130.
[4] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 – китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. –Т.: Шарқ, 2000 Б.386.
[5] Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар).-Т.: Фан, 2009. 224 бет.

зиёлиларидан Боту (Махмуд Ҳодиев) ва айримлар араб алифбосидан бутунлай воз кечиш ва ўзбек тилининг товуш хусусиятларига мослаштирилган лотин ёзувига ўтиш кераклигини ҳимоя қилди. Фитрат масъул муҳаррирлигида 1920 йили Тошкентда нашр этилган “Тонг” журнали айнан ислоҳ қилинган араб имлосида чиқа бошлаган эди.

1922 йилнинг охирига келиб, Туркистонда алфавитни ўзгартириш масаласида мунозаралар яна ҳам кучайди. Маориф ва маданият ходимларининг съездида бу масалада кескин тортишувлар бўлди. Асосий маърузачи бўлган профессор Е.Д.Поливанов Ўрта Осиё халқлари учун араб имлосидан воз кечиш оғир эканлигини айтса-да, лекин араб ёзувини алмаштириш ғоясининг ташаббускори бўлиб чиқди. Кескин мунозара ва баҳслардан сўнг Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Давлат илмий кенгаши томонидан қўллаб-қувватланган араб ёзувини ислоҳ қилиш тарафдорлари (уларнинг раҳбари Фитрат бўлган) ғалаба қилдилар. Съездда қабул қилинган олти бандлик қарорда ўзбек ёзувини араб имлоси асосида сақлаб қолиш, бироқ ўқиш ҳамда ёзувни ўрганишни енгиллаштириш мақсадида уни бироз ислоҳ қилиб соддалаштириш зарурлиги таъкидланди.

1926 йил мартда Боку шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ туркологлар I қурултойида ҳам бу муаммо қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Албатта, ислоҳат ўтказишдан мақсад, аввало араб имлосига қараганда анча енгил ўзлаштириладиган лотин имлосини ўрганиш билан саводсизликни мумкин қадар тезроқ тугатиш учун интилиш эканлигини тушуниш мумкин. Аммо ёзувнинг лотинлаштирилишига қарши турган мухолифларнинг фикрича, совет ҳокимиятининг бу тадбири Ўрта Осиё ва Кавказ халқларини Шарқ мусулмон мамлакатларидан сунъий равишда ажратиб олиб, улар учун алоҳида совет маданияти ва совет тарихи яратишга хизмат қилиши керак эди. Бу фикрлар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Иккинчи томондан, ёзувнинг лотинлаштирилиши ислом динига қарши курашнинг бир шакли эди. Большевикларнинг фикрича, араб ёзуви диндорлар ва уламоларга хизмат қилган.[1]

ВКП(б) МК агитация ва пропаганда бўлими бошлиғининг ўринбосари С.М.Диманштейн туркий халқларни лотин алифбосига ўтказиш комитетини тузиш тўғрисида 1927 йил феврал ойи бошларида махсус ёзишма тайёрлайди. Унга кўра, лотин алифбосига ўтиш Озарбайжон комитетини СССР МИК ҳузуридаги Бутуниттифоқ комитетига айлантириш таклифи қўйилди.

СССР миқёсидаги мусулмон совет республикалари ва автоном областларида янги турк алифбосига, яъни лотин ёзувига асосланган янги алифбога ўтиш жараёнини мазкур Бутуниттифоқ комитети бошқариб ва назорат қилиб турди. Хуллас, Ўзбекистонда 1929 йил 1 декабрда СССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг қарори билан араб алифбосидан лотин ёзувига ўтилди. Сал олдин, 1928 йил 19 ноябрда Ўзбекистонда эски усул мактаблари ва қорихоналарни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Бироқ лотин ёзувига асосланган алифбо Ўзбекистонда фақат ўн йилча сақланиб қолди, холос. Совет ҳокимиятига ўзининг асосий мақсадига эришиши учун ушбу муддат ҳам етарли бўлди. Москванинг талаби билан 1940 йил 8 майда Ўзбекистон ССР Олий Совети лотин ёзувидан кирилл (рус графикаси) асосидаги ўзбек ёзувига ўтиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбек халқи аждодлари томонидан 1300 йил давомида яратилган маданият дурдоналари XX аср 40-йилларидан бошлаб камолга етган авлод вакиллари учун тушунарсиз бўлиб қолди ва улар реакцион диний адабиёт намуналари сифатида қораланди.

Болъшевикларнинг маданий инқилоб сиёсати алалоқибат миллий маданиятни сиқиб чиқариш, сарой маданияти деб ёрлиқ ёпиштиришдан мақсад қадимий маданиятни тарихий хотирадан ўчиришга уриниш бўлди. Шунингдек, миллий сиёсатда интернационализм байроғи остида ягона “совет халқини ” яратишга харакат қилинди. Бу сиёсат Ўзбекистонда мустабид совет давлати бошқарувининг тарихий хотира ва миллий ўзликни йўқотишга қаратилаган ҳаракатларнинг узвий бир қисмидир.

Миллий масала азалдан ўзининг мураккаб ва зиддиятли эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Большевиклар ҳам, хусусан, уларнинг йўлбошчилари В.И.Ленин ва И.В.Сталин бу масаланинг нозик эканлигини жуда яхши тушунганлар. Улар халқлар турмаси ҳисобланган Россия империясидаги мазлум халқларнинг миллий туйғулари ва миллий интилишларини жуда усталик билан ўзларига керакли ўзанга буриб юборишга интилганлар ҳамда рус бўлмаган бошқа халқлардан совет Россиясида коммунистик жамият қуриш учун фойдаланишга интилганлар.

Ленинизм таълимоти “миллатларнинг ўзини ўзи бошқариши токи ўз хоҳишига қараб ажралиб чиқиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади” деб сафсаталарча даъво қилса ҳам, аслида Россия империяси, сўнгра совет Россияси ҳудудида яшаган кўп сонли халқларга миллий мустақиллик ва эркинлик берилмаган. И.В.Сталиннинг “Просвещение” журналида босилиб чиққан бу асарида большевиклар миллий сиёсатининг асоси бўлган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи қуйидагича кўрсатилган эди: “Ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқининг маъноси шуки: ўз тақдирини ҳал қилишга фақат ҳар бир миллатнинг ўзининггина ҳаққи бор, миллатнинг ҳаётига зўрлик билан аралашишга, унинг мактабларини ва бошқа муассасаларини вайрон қилишга, унинг урфу одатларини бузишга, унинг тилини

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Б. 392.

таъқиб этишга, ҳуқуқларини камайтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир... Ўз тақдирини ўзи ҳал қилишнинг маъноси шуки, ҳар бир миллат ўз ҳаётини ўз истагича қура олади. У ўз ҳаётини мухторият асосида қура олиш ҳуқуқига ҳам эгадир. У бошқа миллатлар билан бирга федератив муносабатларда бўлиш ҳуқуқига ҳам эгадир. У бутунлай ажралиб чиқиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Миллат мустақил ва барча миллатлар тенг ҳуқуқлидирлар”[1].

Бироқ большевиклар 1917 йил октябрда Россияда ҳокимиятни эгаллаб олгач, хусусан, 1922 йил декабрда СССР ташкил қилингандан сўнг “миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи”ни унутдилар ҳамда миллий масалада фақат рус халқининг манфаатларини кўзлайдиган ва совет давлатининг синфийлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат юритдилар. Большевикларнинг миллий сиёсати Туркистон АССРда, кейинчалик Ўзбекистон ССРда ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлари ва анъаналарига қарши, миллий адабиёт ва миллий тилга қарши, миллий давлатчилик анъаналари ва миллий ҳис-туйғуларга қарши кураш олиб боришга йўналтирилди.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, “Ўзбекистон ССРда 1925 йилга келиб, марказий округ ва район аппаратларида 1917 йилгача партияга аъзо бўлган атиги 18 киши ишларди. Уларнинг орасида бирорта маҳаллий миллат вакиллари йўқ эди”[2].

Совет ҳокимиятининг миллий сиёсатидан норозилик ҳолатлари оддий зиёлилар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам кенг тарқалган эди. Масалан, қишлоқ мактабларидан бирининг илмий мудири ўз қўл остидаги ўқитувчилар билан бўлган суҳбатда шундай дейди: “Чоризм даврида зиёлиларнинг аҳволи, хусусан, ўқитувчиларники яхши эди. Энди арзимаган чақа эвазига максимум энергия сарфлашга мажбур қилишмоқда. Раҳбарлик лавозимларига ўрнашиб олган коммунистларнинг эксплуатация услублари аввалгисига қараганда анчагина ёмон. Партия қоғозда ҳам, оғизда ҳам ишчилар партияси эканлигини, унинг сафлари меҳнаткашлар билан тўлиши лозимлигини айтгани айтган. Аслини олганда партия аъзолари (коммунистлар), масъул ходимлар ўзларининг ижтимоий ҳолатига қараганда оқсуяклардир”[3].

Марказдан юборилган большевиклар ва турли вакиллар Ўзбекистонда яшовчи маҳаллий аҳолига нисбатан паст назар билан қарашган, улар ўзларини “буюк халқнинг буюк партиясининг буюк вакиллари” сифатида улуғлашларини талаб қилган. Масалан, Ўзбекистон ССР Давлат Сиёсий бошқармаси (ГПУ)нинг Кармана район бўлими ходимларининг шовинистик кайфиятлари ўша даврга оид архив ҳужжатларида сақланиб қолган. Район ГПУсида масъул лавозимда ишлайдиган партия аъзоси Золотушкин 1931 йилда шундай фикр билдиради: “Биз ўзбекларни ўқитиб келганмиз, бундан кейин ҳам уларни ўқитамиз. Уларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида шундай уриш ва эзиш керакки, улар бу ерда қонун биз эканлигимизни билишсин”[4].

Эътироф этиш керакки, большевиклар ўтмиш даврларнинг анъанавий салтанатларидан тубдан фарқ қилувчи ва эски Россия империясининг шунчаки давоми бўлмаган янги хилдаги совет империясини барпо қилишга муваффақ бўлдилар. Шу муносабат билан машҳур диссидент ва советшунос Абдураҳмон Авторхонов шундай деб ёзган эди: “Совет империяси, аввало, мафкуравий ҳукмронлик ўрнатилган (идеократик) империядир; Империямизнинг советча хили ўзга халқларни шунчаки забт қилиш ва уларнинг бойликларини ўзлаштиришга эришибгина қолмасдан, балки у ўзига бўйсундирилган халқларга коммунистик турмуш тарзини тиқиштириш учун уларни янги коммунистик эътиқодга киритишни ўзининг пировард мақсади қилиб қўяди”[5].

Тарихчи олим Р.Абдуллаевнинг ҳақли равишда ёзганидек, “миллий тарих, маданият ва маънавий ҳаётнинг эътиборга молик воқеалари ва ҳолатларини муқобил баҳолашга ҳар қандай уриниш уларнинг ўзи учун салбий оқибатларга олиб келарди, ҳатто репрессиялар қўлланиларди. Миллий ўзига хосликни ҳар қандай кўриниши ва қарор топиши ҳолатлари “ҳокимият ёки матбуотнинг нохолис муносабатини ва миллий туйғуси бор барча кишиларни миллатчи деб аташ ҳамда янги тарихий бирлик бўлган ягона совет халқига бирлашиб ва қўшилиб кетиш сари боришни истамайдиганларга бармоқ ёки мушт билан ўдағайлаш истагини” қўзғатарди. [6]

Тўғри, ўзбек миллий маданиятининг айрим таниқли арбоблари бўлган Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий ва бошқалар, шунингдек, миллий раҳбар ходимлардан Файзулла Хўжаев, Иномжон Хидиралиев, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Раҳимжон Иноғомов, Саъдулла Қосимов, Ш.Бадриддинов, Р.Худойберганов каби арбоблар минтақада ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг ҳукмронлиги, маҳаллий халқлар ёзувини ислоҳ қилиш, пролетар маданиятининг маъмурий тарзда мажбуран сингдирилиши, социалистик реализм методи ва ҳоказоларга қарши ошкора қарши чиқишга журъат қилдилар. Бироқ маъмурлар бунга жавобан ўн саккизлар гуруҳи, иноғомовчилик, қосимовчилик, бадриддиновчилик, худойбергановчилик каби советларга қарши миллатчи гуруҳлар ва оқимларни ўйлаб

[1] Сталин И. Марксизм ва миллий масала // Асарлар. Т.2. –Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948. –Б.360.
[2] Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 470-иш, 4-варақ .
[3] Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 260-иш, 15-варақ.
[4] Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 279-иш, 106-107-варақлар.
[5] Авторхонов А. Империя Кремля (Советский тип колониализм). –Вильнюс, 1990. –С.8.
[6] Абдуллаев Р. Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих фани...-Б.7-8.

топдилар ҳамда уларни ғайриқонуний тарзда ўзбошимчалик билан қамоққа олишлари ва қатағон қилишларига йўл қўйдилар. Бундай қатағонлар катта террор даври -1936-1938 йилларда ўзининг энг юқори чўққисига чиқди.

“Маданий инқилоб”ни амалга ошириш жараёнида эски мактаблар ва мадрасалар тугатилди, вақф мулклари бекор қилинди. Бир авлод умри давомида ўзбек халқи ишлатадиган алифбо уч марта ўзгартирилди ва пировардида у рус ёзувидаги кириллица билан алмаштирилди. Бу ҳолат саводсизлик ва чала саводлиликни тугатишга қаратилмай, аксинча, ўзбек халқининг бутун-бутун авлодларини саводсиз ва чала савод қилишга мўлжалланган айёрона сиёсат эди. Бу маданий сиёсатнинг оқавалари Иккинчи жаҳон урушидан кейинги совет ҳокимиятининг қолган йилларида ҳам Ўзбекистонда айтарли ўзгаришсиз сақланиб қолди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИДА ТОМОШАБИН МАДАНИЯТИНИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хайитбаев Ш., *–*
Тошкент маданият коллежи доценти,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ҳар бир даврда жамиятнинг ўсиши, илмий ва бадиий тараққиёти санъат ҳамда маданият билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Республикамизнинг ривожланишида барча соҳалар каби театр санъати ҳам тараққиётнинг янги даражасига кўтарилиб, янада юксак самараларга эришиш имкониятига эга бўлмоқда. Умуминсоний санъат, маданият ва маънавият деганда, биз дастлаб ёш авлод миллий-маънавий тарбиясининг асосини англаймиз. Маънавий маданиятда муҳим ўринни эгаллаганўзбек халқининг театр санъати узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Мамлакатимизда миллий театр санъатининг янада равнақ топиши, ўзига хос анъаналарини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Нафақат пойтахтимиз балки чекка қишлоқларда ҳам янги санъат масканлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Мавжудлари эса замон талаблари даражасида тубдан таъмирланиб моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда санъат аҳли ҳар тамонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Жамият тараққиёти ва инсон камолоти учун зарур бўлган маънавий ва аҳлоқий покланиш, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат сингари инсоний фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ҳаммасининг заминида ёш авлодга оилада, умумий таълим мактабларида, халқ таълими тизимининг бошқа тармоқларида бериладиган таълим-тарбия ётади. Уларнинг умумий алоқаси, бир-бирини тақазо этиш ва ўзаро таъсир жараёнида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, фан, маданият ва санъат, таълим ва тарбиянинг қаерда амалга оширишдан қатъий назар узвий боғлиқдир.

Театрга ихлос фазилати дастлаб оилада сўнгра боғча ва мактабда бола қалбига сингдирилади, одам руҳиятида адолат ва эзгулик туйғуларини барқарорлаштирилади. Театрга бориб спектакль томоша қилиш – кишилардан маълум маданий савия талаб қилади. Масалан, спектакль ёки концертларда баланд овоз билан гаплашиб ўтириш томоша охирига етиб-етмай ўрнидан туриб чиқиш эшигига қараб юриш қанчалик дидсизликнинг белигиси бўлса маҳорат билан рол ижро этганартистларни қарсак чалиб олқишлаб туриш ёки томоша охирида уларни бирма-бир олқишлаш-шунчалик маданиятлилик белгиси ҳисобланади.

Спектакль бошланишидан олдин театр ходими саҳнага чиқиб, ота-оналар ва болаларга, театр – маданият ўчоғи эканлиги, бу ерда ўзини тутишнинг қонун-қоидаларини таъкидлаб томоша пайтида залда юрмаслик ва қаттиқ овоз билан гаплашмаслик зарурлигини айтади. Айтганда ҳам, ҳеч кимнинг иззат-нафсига тегмайдиган оҳангда гапиради. Бу ҳолат жуда ўринли эканлигини айтиш жоиз. Бундан ташқари, томошабинлардан уяли алоқа воситасини ўчиришни илтмос қилади. Аммо бу сўзларга амал қилиш ҳар бир томошабиннинг виждонига ҳавола бўлиб қолаверади.

Баъзи ёш томошабинлар томоша залига киришда вақтларини қизғаниб, устки кийимларини ечмасдан киришга ҳаракат қилишади. Бу ҳолни катта ёшли томошабинларда ҳам кузатиш мумкин. Афсуски, катта концерт залларида ҳам томошабинлар қалин устки кийимларда ўтириши одатга айланиб қолди. Лекин айрим театрларга бунга қаттиқ қарайдилар ва келган томошабинларга гардеробдан фойдаланишни тавсия этадилар. Бу орқали томошабин ҳам театр муҳитига мослашади.

Республикамизнинг олис қишлоқларидаги аҳоли ҳам баҳраманд бўлиши учун, саҳна томошаларини яъни спектаклларни телевидение орқали доимий тарзда кўрсатиш айни муддао бўлар эди. Намойишни эса театр фойесидан, гардеробдан бошлаб, томоша охирида актёрларни олқишлашгача бўлган жараённи кўрсатиш мақсадгамувофиқ бўлар эди. Концерт залларидан ёзиб олинган дастурларда эфир вақтидан ютиш учун томошабинларнинг ҳар бир ижродан кейинги қарсаклари кесиб ташланмаса!

Ана ўшанда театр ёки концерт залларига бориш имконига эга бўлмаган кишиларда театр одоби ҳақидаги дунёқараш ва маданий савияни кенгайтириш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, телеканалларда намойиш этилаётган театр ҳақидаги “реклама” тусини олган кўрсатувлар ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, томошабин ва театр маданиятига тўхталиб ўтишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир масала: театрларнинг ўқув муассасалари билан ҳамкорлиги, истъедодли ёшларни таниқли драматург, шоир, ёзувчи, режиссёр, рассом каби санъат намоёндаларига ижодий “боғлаб” қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ижодий ҳамкорлик ёш истъедодлар тарбиясида катта аҳамият касб этади. Шуни назарда тутишлозимки, ёшларнинг табиати қувноқлик, ҳазилкашлик, шўхликка мойил бўлиб, жиддийлик ва қаттиққўлликни хуш кўрмайди. Демак, турмушда учрайдиган жиддий мавзуларни чин кўнгилдан ва мамнуният билан ўрганиши учун саҳнавий томоша шаклида қизиқарли шаклда баён этиш шу йўл билан бола ақлини кўзлаган мақсад томонга қаратиш лозим. Таълим жараёнидаги бу ишлар театр соҳасининг ютуғига ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т:. “Маънавият”. 2008.
2. Ҳ.И.Икромов. Давр ва театр. Т.: 2008.
3. О.З.Ризаев. XXI аср ўзбек театри: муаммолар ва режалар. “Театр”. 2002, 6-сон.

«АВЕСТА» В ИССЛЕДОВАНИЯХ ОТЕЧЕСТВЕННЫХ ИСТОРИКОВ

Хакимова С.Б., – преподаватель
кафедры История Узбекистана ФерГУ

История изучения и обращения к «Авесте» в научных трудах отечественных историков имеет глубокие корни. Так как наши предки исповедовали зороастризм, сведения об «Авесте» на территории Мавераннахра были распространены с давних времен и историки данного региона не раз обращались к сведениям «Авесты» в своих трудах. Бесспорно самым известным ученым, обращавшимся к «Авесте» является Абу Райхан Беруни. В своем знаменитом произведении «Памятники минувших поколений» Беруни приводит ценные сведения о создании, составе, судьбе древних записей «Авесты». По мнению профессора Жалиля Дустхаха Беруни мог быть знаком с неизвестными нам и утерянными частями «Авесты». Также Беруни дает сведения об уничтожении зороастрийских книг при завоевании Мавераннахра Кутейбой ибн Муслимом[Беруни: 76].

Еще один средневековый историк, дающий сведения об «Авесте», Масъуди (умер в 995 г.) пишет, что после того как Александр Македонский завоевал город Истахр, он велел перевести на греческий язык части «Авесты» относящиеся к медицине, философии, астрономии, а остальные части сжечь. Таким образом, была утеряна часть этой бесценной книги.

Если говорить о появлении подлинно научного интереса к изучению «Авесты» в Узбекистане, это было прежде всего связано с расширением археологических работ, в ходе которых было найдено много памятников зороастрийской религии. Выше мы уже упоминали об экспедиции С.П.Толстова в Хорезм, в результате которой версия восточного происхождения «Авесты» была обоснована.

В 50-х годах прошлого века появились первые научные измышления по «Авесте» в Узбекистане. Профессор Н.М.Маллаев в работе «Литература X-XII веков» размышляя о письменных памятниках народов Востока, отдельно отмечает литературную ценность «Авесты». Он проанализировал мифы, касающиеся Митры и Анахиты. Как пишет Н.Маллаев, вместе с тем, что «Авеста» была создана предками среднеазиатских народов, в это дело внесли вклад и иранцы и азербайджанцы. Поэтому можно сказать, что это единый для данных народов памятник [Н.Маллаев: 28]. Впоследствии дополненный вариант данных размышлений был включен в учебник по истории узбекской литературы.

Дальнейшее изучение «Авесты» в нашей стране оживилось только к 90-м годам XX века, то есть в период обретения независимости. Так как только после этого в нашей стране стали возрождаться духовные ценности, в том числе и наши древние традиции, которые связаны с зороастризмом. В связи с этим возникла острая необходимость в изучении истоков религиозных верований нашего народа. Среди исследователей «Авесты» данного периода можно отметить труды Хамиджона Хомидова, который опубликовал несколько статей и монографий по изучению «Авесты». В частности, в 1991 году был издан труд «Шохнома»нинг шухрати» («Слава «Шахнаме»), отдельные части которой были посвящены описанию жизни и деятельности Зороастра. Также на основе сведений, приведенных в Видевдаде, им были изложены медицинские воззрения наших предков, их отношение к окружающей среде, к общественной и личной гигиене [Х.Хомидов, 1991: 32]. В первом томе «Педагогической антологии», изданной в 1994 году Х.Хомидов также опубликовал статью, касающуюся вопросов воспитания и

педагогики в «Авесте». Он также является автором популярных брошюр «Авеста» и медицина», «Авеста» и воспитание». В 2001 году он издал книгу «Авесто» файзлари», в которой подробно проанализировал «Авесту» на предмет философии Зороастра, медицинских, дидактических, географических, этнографических сведений, дал краткую историографию изучения «Авесты» европейскими, русскими и отечественными учеными [Х.Хомидов, 2001: 4]. Далее он обогатил свои изыскания по «Авесте», проведя сравнительный анализ между «Авестой» и «Шахнаме», и проследил развитие зороастризма с древних времен до появления знаменитого произведения Фирдоуси. Результатом данной работы стала книга «Авесто»дан «Шохномага», опубликованная в 2007 году.

В 1990-х годах были опубликованы статьи отечественных историков, искусствоведов, религиоведов в различных научных журналах и сборниках, посвященные тем или иным аспектам зороастризма и «Авесты». Среди них можно отметить статью Мухсина Умарзоды «Тайны «Авесты». Вначале статьи автор дает информацию о двухтомнике «Авеста», подготовленном к изданию Али Дустхохом, дает обзор книги по отдельным главам. Ценность статьи заключается ещё в том, что в ней приведен перевод отдельных частей «Авесты». В конце статьи даны сведения о судьбе «Авесты», ее краткая историография [М.Умарзода: 200].

Также среди работ, коснувшихся проблематики «Авесты» и зороастризма в 90-х годах прошлого века, необходимо отметить книгу доктора филологических наук Фозилы Сулаймоновой «Шарқ ва Ғарб», изданную в 1991 году (второе изд. 1997 год). Анализируя влияние культуры древних народов Средней Азии и Ирана на цивилизацию античного мира, ей удалось выявить отголоски зороастрийских традиций в эллинистической культуре. В связи с этим автор приводит достойные внимания сведения о родине Зороастра, создании и написании «Авесты», ее распространении. Она первой дает сведения о научном центре трехсот тысяч парсов-зороастрийцев – исследовательском институте Кома. Она пишет, что в Индии хранятся две восстановленные копии «Авесты» - одна в Институте Кома, вторая в государственной библиотеке Калькутты [Ф.Сулаймонова: 24].

В 2000 году вышла в свет книга еще одного исследователя «Авесты» - Тилаба Махмудова – «Авесто» ҳақида». В ней автор проанализировал становление авестологии, основные ее вопросы, приводит свои аргументы в пользу той или иной точки зрения, также приведены выдержки из источника и даны пояснения к ним.

В том же году была издана книга Т.Каримова «Авесто» изидан», носившая характер эссе. Она во многом была основана на доказательствах и утверждениях С.Толстова и других исследователей по данной проблематике.

Учитывая огромный вклад, который был внесен в развитие общечеловеческой цивилизации историческим памятником письменности "Авестой", на 30-й сессии Генеральной конференции ЮНЕСКО, прошедшей в ноябре 1999 г. в Париже, было объявлено о праздновании 2700-летия со дня создания в Хорезме священной книги зороастризма – "Авесты" в международном масштабе. 29 марта 2000 года Кабинет Министров Республики Узбекистан издал Постановление «О праздновании 2700-летия «Авесты». В Ургенче 3 ноября 2001 года состоялось открытие мемориального комплекса, построенного в ознаменовании 2700-летия книги "Авеста". Мемориальный комплекс "Авеста" занял более 20 гектаров на берегу канала Шават. В центральной части комплекса возвышается архитектурная композиция высотой 18 метров. Сооружение из белого мрамора, изображающее книгу "Авеста", является составной частью композиции. Проект мемориального комплекса "Авеста" разработал хорезмский архитектор Палванназир Салаев. На церемонии с речью выступил Первый Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов. В своей речи Ислам Каримов отметил, что это торжественная церемония, в которой участвовали многие зарубежные гости, ещё раз свидетельствует о том, насколько богата летопись древнего Хорезма, история нашей Родины своими славными страницами. Глубоко символично, отмечал Ислам Каримов, что этот уникальный исторический памятник, созданный 30 веков назад на этой благословенной земле разумом и светом души наших предков записанных золотым письмом на двенадцати тысячах бычьих шкур, пройдя через бури времён, множество тяжёлых испытаний, дошёл до наших дней… Знакомясь с "Авестой", мы ещё раз убеждаемся, что великие идеи, философские изречения, изложенные в этой нетленной книге, и сегодня поражают своим глубоким содержанием. Гимном матери - Природе стала "Авеста", в которой излагалось религиозное учение, получившее название зороастризма. Зародившись в начале первого тысячелетия до нашей эры в Хорезме, оно распространилось на обширные территории Центральной Азии, Ирана, Кавказа. В этом оригинальном произведении можно встретить более 20 географических названий, среди них Хорезм, Согдиана, Бактрия, Гиссарские и Памирские горы, Тянь-Шань, водоёмы Каспия, Арала, Иссык-куля, реки Сырдарья, Амударья и Заравшан [Г.Мансурова, Ш.Намазова, Б.Фарманова: 53-54].

В связи с юбилеем было принято решение создать самый полный перевод «Авесты» на узбекский язык. Это задание было поручено поэту и переводчику Аскару Махкаму, что он успешно и выполнил. За основу был взято двухтомное тегеранское издание «Авесты» на персидском языке. Таким образом, в

2001 году увидел свет первый узбекский перевод «Авесты». Профессор Тилаб Махмудов написал пространное предисловие к данному переводу. В нем в основном подробно проанализированы социально-философские стороны памятника.

В рамках юбилея также была проведена международная научная конференция на тему «Авеста» и ее роль в развитии человека», в которой участвовали авестологи и ориенталисты различных стран. Более 30 докладов на узбекском, русском и английском языках, включенных в программу конференции, были изданы в специальном сборнике. В докладах была рассмотрена ценность «Авесты» с литературной, фольклорной, философской, морально-эстетической, обрядовой, археологической, экономической точек зрения. Именно с празднованием юбилея «Авесты» связаны многочисленные публикации 2001 года по этой теме. Среди них можно отметить статьи таких маститых ученых как М.Усмонов, А.Сагдуллаев, И.Жабборов, Э.Ртвеладзе, А.Аскаров.

Также в этом году профессорами Х.Бобоевым и С.Хасановым была издана книга «Авесто» - маънавиятимиз сарчашмаси», состоящая из шести глав. Данная книга больше носит просветительско-правовой характер. В основном они опирались на исследования Б.Гафурова, И.Жаббарова, А.Березикова, Ф.Сулаймановой, А.Маковельского, М.Имомназарова, Мери Бойс, А.Ирисова, Н.Маллаева, а также, на отрывках из «Авесты», опубликованных в журнале «Гулистан». Так как была использована только русскоязычная литература, в написании некоторых терминов и названий в книге встречаются серьёзные ошибки [Х.Хомидов, 2007: 32].

В книге Б.Абдалниязова и А.Ахмедова «Древнее скотоводство Хорезма и «Авеста» на основе данного памятника рассматривается истории скотоводчества на территории Хорезма.

Хорезмские ученые А.Сотликов и Х.Бобожонов также опубликовали несколько статей об исторической и просветительской сущности «Авесты» и опубликовали отдельную книгу.

Доктор медицинских наук, профессор Б.Дусчонов в ряде статей и книге «Авеста» и медицина» проанализировал сведения о подготовке лекарей, долге хирурга, способах изготовления лекарств, лекарственных растениях, личной гигиене и экологии, приведенные в «Авесте», и дал полезные для истории нашей медицины научные выводы.

Среди работ так или иначе затрагивающих тему «Авесты» можно отметить книги доктора исторических наук, этнографа Адхамжона Аширова «Авесто»дан мерос маросимлар» (2001) и «Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари», изданную в 2007 году. В первой из них на примере быта населения Ферганской долины рассмотрены обычаи зороастризма, которые соблюдаются и до сегодняшних дней. Во второй, на основе данных «Авесты», рассматриваются обряды и традиции связанные с зороастризмом.

Исследования по «Авеста» в Узбекистане продолжаются на сегодняшний день. Ученые разных специальностей при аргументировании тех или иных гипотез обращаются к сведениям «Авесты», как к самому древнему письменному источнику по истории нашего края. В 2015 году «Авеста» была переиздана на узбекском языке. Вместе с тем нужно отметить, что специально посвященных «Авесте» фундаментальных исследований в отечественной науке не хватает.

Использованная литература:

1. Беруний А.Р. Танланган асарлар. 1-жилд. Т.: Фан, 1968.
2. Маллаев Н.М. Литература X-XII веков. Т., 1958.
3. Мансурова Г., Намазова Ш., Фарманова Б. Методические рекомендации по изучению произведения Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова «Высокая духовность – непобедимая сила». Т., 2010.
4. Муҳсин Умарзода. Авесто сирлари // Жаҳон адабиёти. - 1997. - № 4. -Б. 197-201.
5. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т.: Фан, 2001.
6. Хомидов Х. «Шоҳнома» нинг шухрати». Т.: Ўзбекистон, 1991.
7. Хомидов Х. «Авесто» файзлари. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
8. Хомидов Х. «Авесто» дан «Шоҳнома» га. Т.: Шарқ,2007.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲАЁТИ ВА ТАЪЛИМОТИДАН

Хакимова Ш.С., –
ЎзМу таянч докторанти

Уйғониш даври мутафаккирлари, буюк мутасаввуф олиму шоирларни илмий ва амалий фаолиятини давом эттириш Амир Темур ва темурийлар зиммасига тушганда адабиёт ва илм-фаннинг тараққиётида бу даврда сўфийлик ижобий рол ўйнаб, кенг тан олинди. Сўфизм Темур ва темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши учун ғоявий омил бўлган. Кўзга кўринган сўфийлар мамлакатнинг маънавий хаётидагина эмас, балки маданият аҳллари манфаатлари ҳамда маънавият тараққиётининг тез-тез ёқлаб чиқиш билан давлатнинг ички сиёсий ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнаганлар. Ўрта Осиё халқлари орасидан Шарқ ирфоний тафаккури тараққиётига улкан ҳисса қўшган шундай мутафаккир мутасаввуфлардан бири Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанддир.

Баҳоуддин Нақшбанд 1318 йили Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида туғилган. Отаси Саййид Жалолиддин, онаси Биби Орифа бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд узун бўйли, буғдой рангли, кенг соқолли ва кулча юзли зот бўлган[1].

Баҳоуддин Нақшбандни ёшлигиданоқ дастлаб Хўжа Муҳаммад Самосий тарбиялаган. Зеро, бир неча йил олдин “Қасри Ҳиндувон”да бўлган Самосий яқин орада мана шу қишлоқда буюк бир шахс дунёга келишини башорат қилган. Ривоятларда айтилишича, Муҳаммад Самосий ўз халифаси Амир Саййид Кулолга: “Бу боланинг тарбияси сенга оиддир” деган эканлар. Унинг вафотидан сўнг Нақшбандийнинг тарбияси билан Амир Темурнинг пири бўлган Амир Саййид Кулол шуғулланган. Бу ҳақда “Темур тузуклари”да ҳам маълумот келтирилади.

Баҳоуддин Нақшбанд ўта зеҳнли ва идрокли бўлган, етти ёшлигида “Қуръони карим”ни тўла ёд олган ва қироат қилган.

Ўн бир ёшлигида Баҳоуддин Нақшбандни Амир Саййид Кулол ўзи билан Қаршига олиб кетади. У ерда кўп китоб ўқийди, тасаввуфни пухта эгаллайди, устозларидан “махфий зикр” қоидаларини ўзлаштиради, орифлик шартларини ўрганади ва ўн етти ёшлигида уйланади[2].

Амир Саййид Кулолдан дарс олиши тугагач, амакиси Баҳоуддин Нақшбандни Самарқандга олиб келади ва машҳур дарвешлардан таълим олдиртиради. Сўнг етти йил Мавлоно Ориф ва ўн икки йил Халил Ото деган авлиёлар суҳбатида бўлган[3].

Таълим олиш йиллари ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд қўйидагиларни эслайилар: “Ёшлигимизда уч киши дўст эдик. Биз учовлон Ҳақ йўлига киришга қарор қилдик ва кирдик. Уларнинг ораларида менинг ниятим Аллоҳдан бошқа барча нарсадан кечиб, ҳаққа ва ҳақиқатга етишмоқ эди. Бу ниятим холис экан шекилли, Ҳақ таоло менга кўплаб моддий ва маънавий имконлар берди. Охир-оқибат мақсадимга эриштирди” [4]. Кўп йиллик меҳнат, тақво, ҳаракат ва қурбат натижасида Аллоҳ бу буюк зотга тўрт буюк қутблардан бири бўлиш шарафини насиб қилди.

Кунлардан бир куни Баҳоуддин Нақшбандни тушига ҳазрати Ҳизр кириб “агар сен ҳақиқий сўфи бўлишни истасанг, хотининг билан алоқани узишинг керак” дейди. Шундан сўнг Баҳоуддин Нақшбанд оиласи билан ажрашади.

Гарчи Баҳоуддин Нақшбанд оиласидан воз кечган бўлса ҳам, ўзининг қатъий ақидасини “даст ба кору дил ба ёр”дан келиб чиқиб, деҳқончилик қилган, отасининг ёнида туриб дастгоҳда гулли ҳарирлар тўқиган, мисга гул-нақш тушириш билан шуғулланган. Шунингдек, кўчаларни озода тутиш, ҳайвонларга ем бериш ва уларни даволаш ишлари билан ҳам машғул бўлганлар. Баъзи тадқиқотларда таъкидланишича, Баҳоуддин Нақшбанд бир оз вақт шогирди Халил Султон ёки Қазон Султон кутубхонасидан фойдаланган, айрим масалаларда Султонга раҳнамолик қилиб турган.

Баҳоуддин Нақшбанд Бухорога қайтгач шогирдлари Муҳаммад Порсо ва Алоуддин Аттор билан бирга Хуросон, Эрон ҳамда Ироқ орқали Ҳажга боради. Улар йўлда Балх, Марв, Ҳирот, Нишопур, Бағдод ва Дамашқ каби шаҳарларда бўладилар. Юсуф Ҳамадоний, Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Мансури Халлож, Абу Абдулло Мағрибий сингари машҳур сўфи-машойихлар, Марв тасаввуф таълимотининг алломалари мақбараларини зиёрат қилади[5].

Ўн йилдан сўнг Баҳоуддин Нақшбанд Бухорога қайтади ва Қасри Орифонда масжид қурдиради ҳамда бу қурилишда ўзлари ҳам ғишт ташиб, ишлайдилар[6]. Кейинги барча ҳаётини Худо йўлига хизмат қилишга, муридлару шогирдларга дарс бериш, амри маъруф ўтказиш,уларга “зикри хуфя” қоидаларини сингдириш, кўпроқ дарвешлар даврасида бўлишга интилди.

---

[1] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т., “Ҳилол-Нашр”. 2016., 112 б.
[2] Ҳамиджон Ҳомидий. Кўҳна шарқ дурдоналари. Т., “Шарқ”. 1999., 160 б.
[3] Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. Т., “Шарқ”. 2005., 86 б.
[4] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т., “Ҳилол-Нашр”. 2016., 116 б.
[5] Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Т., “Шарқ”. 2009., 179 б.
[6] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т., “Ҳилол-Нашр”. 2016., 116 б.

Баҳоуддин Нақшбанд касал бўлиб қолгач, умри охирига етаётганини сезиб, Бухоро яқинидаги карвонсаройга бориб ўрнашади. Кўплаб шогирдлар, дарвешлар қуршовида бир неча кун яшаб, 1389 йилнинг март ойида 73 ёшида вафот этади.

Баҳоуддин Нақшбанд ўзигача ўтган барча сўфи, машойихлар таълимотини пухта эгаллади ва бу соҳада қўйидаги йўналишни белгилади: таълимотининг асосини жувонмардлик – барча инсонларга яхшилик қилиш, ортиқча мол-дунёга ружу қўймаслик, ўз қўл кучи, кўз нури эвазига кун кечириш, бировларнинг дардига малҳам бўлиш, иложи борича қўлга киритилган нонинг ярмини бир муҳтожга бериш, дилозор бўлмаслик, фарз ва суннатларни бировга кўрсатиш учун ёки бошқалар ижро этаётгани учун эмас, балки қалбдан хуфя бажариш ташкил этган. Нақшбандия тариқати қуйидаги тўрт тамал асос устига қурилган: 1) шариат билан зоҳирни поклаш; 2) тариқат билан ботинни поклаш; 3) ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ, 4) маърифат ила Аллоҳга эришмоқ[1]. Бундан ташқари ўн бир асосий тамойил ҳам бор.

Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотида суҳбатларга катта аҳамият берган ва қадрлаган. “Йўлимиз суҳбат йўлидир. Суҳбатни тарк этган йўлни ҳам тарк этган бўлур” деганлар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг суҳбатга эътибор беришларининг сабаби шуки, бу ҳам Расуллоҳ с.а.в.дан қолган суннатдир. Зеро Расуллоҳ с.а.в. дин асослари, шариат аҳкомини ва ҳам ғайб асрорини суҳбат билан бошқаларга тушунтирар эдилар. Шунинг учун ҳам у киши билан бирга бўлганларни саҳобалар, яъни аҳли суҳбат деб атаганлар[2].

Баҳоуддин Нақшбанд кўп улуғларнинг суҳбатини олган ва муридларни суҳбат воситасида тарбиялаган.

Хулоса қилиб айтганда, Баҳоуддин Нақшбанддан бизга ўлкан маънавий мерос қолган. Унинг таълимоти аҳоли орасида тасаввуф ғояларини кенг ёйиш билан ислом динини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Шунингдек, тасаввуфдаги ҳаддан ташқари ҳолатларни ислоҳга келтириб, риёзат ва покланиш камолотини жисмоний ва ижтимоий-аҳлоқий эҳтиёжлар билан мувофиқлаштиришга интилиб келган, моддий дунёга кескин муқобил туриш ўрнига раҳнамолик ва тарбияни биринчи ўринга қўйган, ёмонликни нафрат ва ўч ҳисси билан қарши олмай, шавқат ва меҳр орқали уни эзгуликка айлантиришга ҳаракат қилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Комилов Н. Тасаввуф. Т., “Моваройуннаҳр”. 2009.
2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Т., “Истиқлол”. 1999.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т., “Ҳилол-Нашр”. 2016.
4. Ҳамиджон Ҳомидий. Кўҳна шарқ дурдоналари. Т., “Шарқ”. 1999.
5. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Т., “Шарқ”. 2009.
6. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. Т., “Шарқ”. 2005.

СОВЕТ ДАВРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ШОМОНЛИК ЭЪТИҚОДИ ТАЛҚИНИ

Халмуратов Б., – PhD доценти в.б,
Наманган давлат университети

Дунё миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари этномаданий хусусиятлар ва миллий маросимларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш масаласини ниҳоятда долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўймоқда. Айниқса, XX аср сўнгги чорагидан бошлаб жаҳонда миллий ва диний маросимларни халқ маданиятининг феномени тарзида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда мазкур йўналишда бажарилган илмий тадқиқотлар фандаги муҳим мавзулардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Қадим даврлардан бошлаб Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда турли динлар, эътиқодлар ва культлар кенг тарқалган бўлиб, мазкур диний тасаввурлар тизимида шомонлик ўзига хос ўринга эга бўлган. Шу боис ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзидаги шомонликка оид қарашлар ва маросимларни тадқиқ қилиш асносида руҳий олам, коинот, табиат ва инсон тўғрисидаги қадимий тасаввурларга оид янги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, мавзуни этнологик материаллар асосида ўрганиш ўзбек халқининг этномаданияти борасидаги билимларни бойитишга хизмат қилади. Бу эса ушбу мавзуни тадқиқ қилиш заруратини белгилайди.

[1] Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Т., “Истиқлол”. 1999., 109 б.
[2] Комилов Н. Тасаввуф. Т., “Моваройуннаҳр”. 2009.,100 б.

Маълумки, XX аср 50–60- йилларидан эътиборан жамиятда юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли ўзбек халқининг қадимий диний эътиқод ва маросимларига ва миллий урф-одатларига путур етиб, маҳаллий аҳолининг диний ва миллий маросимлари йўқолиб кета бошлаган. Лекин, бу ҳолатлар ҳам маҳаллий аҳолининг аждодлари урф-одатларига бўлган қизиқишини тўхтата олмаган. Шу даврда рус тадқиқотчилари томонидан бир қатор илмий изланишлар амалга оширилган. Жумладан, ушбу даврда фаолият олиб борган О. Сухарева, Г. Снесарев каби этнографлар томонидан бажарилган тадқиқотлар диққатга сазовордир. Юқорида номлари зикр этилган муаллифлар ўз асарларида гарчи шомонлик эътиқоди ҳақида қизикарли маълумотлар берган бўлсалар-да, Фарғона водийси ўзбекларининг шомонлик эътиқоди ва маросимлари масаласини эътибордан четда қолдирганлар.

XX аср 60- йилларидаги шомонлик эътиқоди муаммоси бўйича алоҳида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилари орасида рус этнографи ва диншунос олими С. Токаревнинг хизматлари муҳим аҳамиятга эга. Муаллифнинг бир қатор тадқиқотларида шомонлик эътиқодининг вужудга келиши, унинг социал-маданий хусусиятлари, дунё халқларининг шомонликка бўлган муносабати совет даври нуқтаи назаридан таҳлил қилинган[1]. Лекин, олимнинг илмий ишларида ушбу диний эътиқоднинг қолдиқлари, асосан Шимолий Осиё халқлари мисолида таҳлил қилинганлиги билан хусусиятлидир.

Мазкур даврдаги илмий изланишлар орасида Г. Снесаревнинг тадқиқотлари[2] алоҳида аҳамиятга эга. У ўзбеклар турмуш тарзидаги шомонлик эътиқоди қолдиқларига алоҳида эътибор қаратиб, шомон руҳлари ва улар билан боғлиқ урф-одатлар тўғрисида қизиқарли маълумотларни тўплаган. Муаллиф хоразмликларнинг урф-одат ва маросимларини исломгача бўлган давр нуқтаи назаридан таҳлил қилган ва Хоразм ўзбекларининг шомонликка оид урф-одатлари, парилар ва девлар тўғрисидаги қарашлари, уларнинг вазифалари ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган.

Ўзбек халқи этнографияси ва қадимий диний эътиқодларини ўрганиш ҳамда уни таҳлил этишда академик К. Ш. Шониёзовнинг хизматлари беқиёсдир. Олимнинг бир қатор илмий мақолалари ва монографияларида шомонлик ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Унинг “Ўзбек халқининг этник тарихи (қипчоқ компоненти материаллари асосида тарихий этнографик тадқиқот)” номли монографиясида ўзбеклар, жумладан, Фарғона водийси ҳудудида қадимдан яшаб келган ўзбекларнинг йирик этник гуруҳларидан бири қипчоқ қабиласи анъанавий турмуш тарзидаги диний эътиқодлар ва улар билан боғлиқ урф-одатлар, бахшилар, уларнинг маросим атрибутлари, “кўчирма” маросими ҳақида қизиқарли маълумотлар қайд этилган[3].

Мазкур даврда Ўрта Осиёдаги қўшни халқлар турмуш тарзидаги шомонликка оид қараш ва маросимлар этнографлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилган ва бу борада қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, С. Илёсов, С. Абрамзон ва Т. Баялиевалар қирғизлар орасида мавжуд бўлган шомонлик қолдиқлари, халқ табобати вакиллари, уларнинг диний ва дунёвий функцияларига оид маълумотларни ёритиб берган бўлсалар[4], В. Басилов, Ш. Амантурлин, Р. Мустафина, А. Толеубев, К. Шулембоевларнинг тадқиқотларида қозоқларнинг шомонликка оид қарашлари ва урф-одатлари акс этган[5].

Бундан ташқари, Р. Қодиров, О. Сухарева, О. Муродов, Б. Литвинский каби тадқиқотчилар тожиклар турмуш тарзидаги бахши, фолбинлар фаолияти, шомон руҳлари тўғрисида маълумот берганлар[6]. Ушбу маълумотлар тадқиқот учун асосий манба бўлиб хизмат қилмаса-да, шомонликка доир урф-одат ва қарашларни бир-бирига қиёслашда ва мавзу мазмунини очиб беришда амалий аҳамиятга эга.

---

[1] Токарев С. А. Религиозные верования восточнославянских народов XIX – XX века. – М–Л: Издательство АН СССР, 1957. – 352 с; Ўша муаллиф: Религия в истории народов мира. – М.: Политиздат, 1965. – 564 с.

[2] Снесарев. Г. П. Реликты домусульманских верований у узбеков Хорезма. М. 1969. – С. 23–72; Ўша муаллиф: Дети святых // Наука и религия, 1972. – №2. – С. 25–30; Ўша муаллиф: Под небом Хорезма. – М.: Наука, 1973. – 160 с; Ўша муаллиф: Шаманы и «святые» в Средней Азии // Наука и религия. – 1976. – №12. – С. 12– 16; Ўша муаллиф: Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии – М.: Наука, 1983. – 212.с.

[3] Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, 1964. – С. 157–164; Ўша муаллиф: К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 326–331.

[4] Ильясов С. Пережитки шаманизма у киргизов // Труды Института языка, литература и истории Киргизия. ФАН СССР. – Фрунзе, 1945. – Вып.1. – С. 21–22; Абрамзон С. М. К характеристике шаманства в старом быту киргизов // КСИЭ. – М.: Наука, 1958. Т. 30. – С. 112–117; Ўша муаллиф: Киргизы и их..– С. 312–318; Баялиева Т. Д. Доисламских верования и их пережитки у киргизов… – С. 44–48.

[5] Басилов В. Н. Традиции женского шаманства у казахов // ПИИЭ. 1974. – М.: Наука, 1975. – С. 115–123; Ўша муаллиф: Некоторые материалы по казахскому шаманству // ПИИЭ. 1976. – М.: Наука, 1978. – С. 159–169; Ўша муаллиф: Новые данные о казахском дуана // Краткое содержание докладов среднеазиатско-кавказских чтений. Апрель 1985. – М.: Наука, 1986. – С. 35; Амантурлин Ш. Пережитки анимизма, шаманства, ислама и атеитическая работа. – Алма-Ата, 1977. – С. 140–147; Мустафина Р. М. Казахская дуана // Этнокультурная динамика в центре и на периферии этнического ареала. – М.: Наука, 1986. – С. 41–43; Толеубаев А. Реликты доисламских верований и семейной обрядности казахов. – Алма-Ата: Наука, 1991. – С. 101–102; Шулембаев К. Ш. Маги, боги, действительность. – Алма-Ата, 1975. – С. 56–66.

[6] Кадырев Р. К. Обрядовый фольклор таджиков Южного Узбекистана. – М.: Наука, 1964. – С. 88–98; Сухарева О. А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обрядыв в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 5–93; Муродов О. Представления о дэвах таджиков средней части долины Зеравшана // СЭ. – 1975. – №1. – С. 148–155; Ўша муаллиф: Духи пари и обряд “париталбон” (приглашение пари) у таджиков средней части долины Зеравшана. – С. 44–51; Ўша

Тадқиқ этилаётган даврда қорақалпоқларнинг қадимий диний тасаввурлари ва маросимларини ўзида акс эттирган бир қатор асарлар ҳам яратилган. Жумладан, Т. Жданко, Ю. Кнорозов, Х. Есбергеновларнинг тадқиқотларида қорақалпоқлар этнографияси ёритилиши билан бир қаторда ушбу этноснинг шомонликка оид қарашлари, урф-одатлари ва шомонларнинг муқаддас зиёратгоҳларга бўлган муносабати тўғрисида қизиқарли фактлар берилган[1].

Этнолог Л.С. Толстованинг Фарғона водийси қорақалпоқларининг этник тарихи ва этнографиясига бағишланган тадқиқотларида ушбу этноснинг исломгача мавжуд бўлган диний эътиқодлари ва маросимлари ўз аксини топган. Жумладан, водий қорақалпоқларининг демонологик қарашлари тизимидаги, ёрдамчи руҳлар, парилар ва бахшилар тўғрисидаги маълумотлар дала материалларига қиёсланган ҳолда тадқиқ этилган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бахши сўзи водий қорақалпоқларида икки хил маънони англатган: биринчиси – достон айтувчи оқин, иккинчиси – табиб. Ўз ўрнида шуни қайд этиш лозимки, бахши сўзининг иккинчи кўриниши ҳозир ҳам асл ҳолатда учраб туради. Бундан ташқари, муаллиф водий қорақалпоқлари шомонлик маросимларини ўтказиш жараёнида маросимий атрибут сифатида чилдирмадан кенг кўламда фойдаланганликлари тўғрисида қизиқарли маълумотларни қайд этган[2].

Ўрта Осиё халқлари этнографияси ва диний тузилишини ўрганишда В. Басиловнинг хизматлари катта. Муаллифнинг асосий тадқиқотлари Ўрта Осиё халқлари анъанавий турмуш тарзидаги шомонлик эътиқоди муаммосини ёритиш, унинг тарихий илдизларини аниқлаш, ушбу диний эътиқоднинг XX асрнинг сўнгги чорагидаги ҳолати ва кўринишларини объектив равишда ўрганишга қаратилган[3].

XX аср 70–80- йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб совет жамиятида юз берган ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнлар туфайли туб халқлар анъанавий турмуш тарзидаги диний эътиқодларга бўлган муносабат ўзгара бошлаган. Бунинг натижасида қадимий диний эътиқодларнинг асл моҳиятини очиб берувчи бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Уларда, асосан, ўзбек халқининг исломгача бўлган диний тасаввурлари ва эътиқодлари, маросимлари ва уларнинг тарихий илдизлари ёритиб берилган. Жумладан, 1975 йилда чоп этилган “Домусульманские верования и обряды в Средней Азии” номли тўпламда ушбу ҳудудда яшовчи халқларнинг турмуш тарзи, оилавий маросимларидаги ислом дини кириб келгунга қадар бўлган диний қарашлар, қадимий эътиқод қолдиқлари бой дала-этнографик материаллар асосида тадқиқ қилинган[4].

Ушбу тўпламда О. Сухареванинг тожикларнинг демонологик тасаввурлари ва шомонликка оид қарашлари ҳамда ушбу диний эътиқодга доир маросимларга бағишланган мақоласи чоп этилган. Унда тоғли тожикларнинг шомон руҳлари, уларнинг турлари, вазифалари, шомонлик маросимларининг ислом дини урф-одатлари билан синкретлашув жараёни мазкур муаммони ўрганган бошқа муаллифлар ишларини ўзаро қиёслаган ҳолда тадқиқ қилинган[5]. Ушбу тўплам, асосан, этнографлар томонидан Ўрта Осиёнинг турли тарихий-этнографик ҳудудларида яшаган халқлар урф-одатлари ва диний қарашларига бағишланган мақолалардан ташкил топган. Тўплам бир қатор халқлар турмуш тарзидаги шомонлик эътиқоди қолдиқлари ва маросимлари тўғрисида янги илмий маълумотлар берилганлиги билан хусусиятлидир. Лекин, ушбу тўпламда ҳам шомонлик эътиқодининг ҳудудий хусусиятлари, маросимлари ва унинг ислом билан синкретлашув жараёнлари масаласи муаллифлар эътиборидан четда қолган.

Собиқ иттифоқ даврида ўзбек халқи этнографияси ва диний эътиқодларини ўрганишда И. М. Жабборов томонидан бажарилган илмий тадқиқотларнинг ўрни каттадир. Муаллифнинг тадқиқотларида шомон руҳлари, маросимлари, парилар тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилган[6]. Лекин, муаллифнинг мустақиллик давригача амалга оширган тадқиқотларида совет даврининг атеистик руҳи сезилиб туради.

муаллиф: Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зеравшана... – С. 94–122; Литвинский Б. А. Семантика древних верований и обрядов памирцев // Среднея Азия и её соседи в древности и средневековые. – М.: Наука, 1981. – С. 90–117.

[1] Жданко Т. А. Быт каракпакского колхозного аула // СЭ. – 1949. – №2. – С. 76–82; Кнорозов Ю. В. Мазар Шамун-наби // СЭ. – 1949. – №2. – С. 86–98; Есбергенов Х. Е. Об изучении религиозных верований каракалпаков // Конкретние исследования современных религиозных верований. – М., 1967. – С. 52–56.

[2] Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус: Каракалпакстан, 1959. – С. 125–131.

[3] Басилов В. Н. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. – 144 с; Ўша муаллиф: Среднеазиатское шаманство: (Доклад на IX МКАЭН) – М.: Наука, 1973. – С. 151–158; Ўша муаллиф: Традиции женского шаманства у казахов // ПИИЭ. 1974. – М.: Наука, 1975. – С. 115–123; Ўша муаллиф: Некоторые материалы о “шаманской болезни” у узбеков // Этнографические аспекты изучения народной медицины. Тезис Всесоюзный научного конференция. – Л.: 1975. – С. 32–36; Ўша муаллиф: Новые сведения о шаманской бубне узбеков // ПИИЭ. – 1975. – М.: Наука, 1977. – С. 117–128; Ўша муаллиф: Некоторые материалы по казахскому шаманству // ПИИЭ. – 1976. – М.: Наука, 1978. – С. 159–169; Ўша муаллиф: Ташмат бала // СЭ. – 1975. – №5. – С. 112–124; Ўша муаллиф: Албасты // Мифы народов мира. – М.: Наука, 1980. Т.1 – С. 58; Ўша муаллиф: Избранники духов. – М.: Политиздат, 1984. – 208 с.

[4] Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – 340 с.

[5] Сухарева О. А. Пережитки демонологии и шаманства равнинных таджиков….. – С. 5–93.

[6] Жабборов И. М. Эътиқод, одат ва одоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967. – 39 б; Ўша муаллиф: Худолар, авлиёлар ва одамлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 144 б.

1986 йилда Москвада “Древние обряды верования и культы народов Средней Азии” номли илмий тўплам чоп этилган. Ушбу тўплам 1975 йилда нашр этилган ишнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Тўпламда Ўрта Осиё халқлари анъанавий турмуш тарзи, хўжалик анъаналари ҳамда оилавий маросимларидаги ислом кириб келгунга қадар бўлган диний эътиқодлари, улар билан боғлиқ маросимлар, қадимий культлар тўғрисида мукаммал этнографик маълумотлар билан бир қаторда шомонликка оид материаллар ҳам берилган[1]. Мазкур тўпламнинг муҳим жиҳати шундаки, унда муаллифлар дала-этнографик материалларидан унумли фойдаланганлар. Тўпламдан ўрин олган мақолалар Ўрта Осиёнинг турли этнографик ҳудудларидан йиғилганлиги билан хусусиятланади.

Мазкур тўпламдан ўрин олган К. Тойжонов ва Ҳ. Исмоилов ҳаммуаллифлигидаги мақолада ўзбек халқининг йирик этник гуруҳларидан бири ўзбек-қорамуртларининг исломгача бўлган урф-одатлари ва маросимлари акс этган ва унда мазкур этник гуруҳга оид шомонликнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган ҳомий руҳлар, девлар ва момолар тўғрисида бой этнографик маълумотлар берилган. Бундан ташқари, парилар, уларнинг вазифалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўрин олган[2].

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, мазкур даврда бажарилган тадқиқотлар бир-биридан турли хронологик даврларни ёритгани билан бирга ўзининг манбавий бойлиги, ишнинг ҳажми, тадқиқ этилаётган ҳудудларнинг хилма-хиллиги билан ҳам фарқланади.

Умуман олганда, собиқ Иттифоқ даврида тарихчилар, этнографлар, диншунослар ва фольклоршунос олимлар томонидан бажарилган тадқиқотларда шомонлик билан боғлиқ қарашлар ва урф-одатлар бошқа ҳудудлар аҳолиси мисолида кенг ўрганилган. Айниқса, Шимолий Осиё халқлари ҳисобланган олтойлар, туваликлар, бурятлар, ёқутлар ва бошқа этносларнинг шомонликка оид тасаввурлари ва маросимлари мукаммал тадқиқ қилинган. Лекин, Ўрта Осиё, айниқса, Фарғона водийси ўзбекларининг шомонлик эътиқодига доир қарашлари ва маросимлари узоқ вақт мобайнида тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келган.

АРХИВЫ КАК ХРАНИЛИЩА ИСТОЧНИКОВ ПО ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ АРХИТЕКТУРНОГО НАСЛЕДИЯ

Хамидова М.С., – УзМУ доценти

Архивы как хранилища ценного исторического наследия, на территории Республики Узбекистан начали появляться еще в древности. Идея создания архивов в качестве отдельного государственного учреждения на территории Республики стала формироваться лишь в начале XX века. Принятый Декрет Советов Народного Комиссариата (СНК) РСФСР о реорганизации и централизации архивного дела от 1 июня 1918 г. имела большое значение для создания архивных учреждений в Средней Азии [1, 16]. 5 ноября 1919 г. на основе вышеуказанного документа Центральный Исполнительный Комитет (ЦИК) Туркестанской Республики принял постановление о реорганизации и централизации архивного дела. Согласно данному постановлению все архивы правительственных учреждений были ликвидированы как ведомственные учреждения и на основе хранившихся в них документах был образован Единый государственный архивный фонд Туркестанской Республики [2, 88-89].

20 мая 1931 г. очередным постановлением ЦИК и СНК УзССР было утверждено положение о Центральном архивном управлении УзССР и его местных органах. В непосредственном ведении ЦАУ УзССР были созданы Центральный государственный архив Октябрьской революции (ЦГАОР) и Центральный государственный архив (ЦГАИ) а также их отделения в Самарканде и Фергане с архивными справочными библиотеками. 20 ноября 1958 г. на основе постановления Совета Министров УзССР «О мерах архивного дела в УзССР», был создан Центральный государственный архив. В его состав вошли Центральный государственный архив Октябрьской революции и Центральный государственный исторический архив Узбекистана [19, 214-215]. В настоящее время Центральный государственный архив Республики Узбекистан (ЦГА РУз) является ведущим научно-методическом центром. Всего в архиве хранятся около 3 тыс. фондов различных государственных органов и юридических лиц. Кроме того, архив укомплектован фондами личного происхождения более чем 200 граждан. Общее количество архивных документов, хранящихся в ЦГА РУз составляет около 2 млн. единиц хранения. В архиве созданы микрофильмы более 2,5 тыс. страховых фондов в количестве свыше 160 тыс. единиц хранения и более 15 млн. кадров. Основной показатель микрофильмированных фондов

[1] Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986. – 206 с.
[2] Тайжанов К., Исмаилов Ҳ. Особенности доисламских верований у узбеков-карамуртов // ДОВКНСА. – М.: Наука, 1986. – С. 110–138.

составляет документы исторического периода [20, 19-20]. В ЦГА РУз хранятся документы, а также фотодокументы по истории изучения архитектурного наследия Узбекистана.

Изучение архитектурного наследия Узбекитстана являлось интересной тематикой в поле зрения ученых исследователей различных времен. По данной проблеме работали не только историки, но и археологи, искусствоведы и архитекторы. В этом направлении был создан ряд государственных учреждений и их работниками были проведены многочисленные научные исследования. На основании этих исследований, а также исследований известных ученых XX века созданы ценные научные труды.

Кроме того, начиная с 11 декабря 1895 г. начал свою работу Туркестанский кружок любителей археологии (ТКЛА), который сыграл большую роль в изучении истории археологических и архитектурных памятников Туркестанского края. Хотя основной целью ТКЛА было изучение истории археологии края, членами кружка было изучено немало архитектурных памятников Туркестанского края. Исследованиям кружка обычно предшествовали археолого-топографические рекогносцировки, архитектурные обмеры, натурные зарисовки, фото фиксации, которые сопровождались сведениями исторического и фольклорно-легендарного характера, описаниями местонахождения архитектурных и археологических памятников, а также степени их сохранности. Начиная с 1918 г. в Самарканде начала работать комиссия для спасения падающего минарета медресе Улугбека. По сути, она продолжила свою дореволюционную деятельность: во главе комиссии стоял В.Л. Вяткин, выполняющий функции хранителя памятников в царское время и продолживший сотрудничество с местными мастерами и опытными инженерами-архитекторами Б.Н. Кастальским и М.Ф. Мауэром. 6 сентября 1919 г. при Народном комиссариате просвещении (Наркомпрос) Туркестанской Республики, руководимой С.Абдусаттаровым, была создана комиссия для изучения древней культуры Туркестана. Работа комиссии носила ознакомительный характер [3, 1].

С 20-годов XX в., наблюдается оживление организационных дел по изучению и охраны памятников архитектуры древних городов Узбекистана. В эти годы постановлением высших государственных органов был создан ряд специальных госучреждений, такие как, Цуардел[1], Туркомстарис[2], Средазкомстарис[3], Узкомстарис[4] и тд. Данные госучреждения занимались изучением, охраной и реставрацией исторических памятников народов Средней Азии. Также Туркомстарисом и Средазкомстарисом были опубликованы научные работы и отчеты в издаваемых комитетом трудах, в том числе в специальном издании комитета – «Известия Средазкомстариса» [4, 2-4]. С Постановлением ЦИК УзССР 27 июня 1932 г. комитет передан в ведение СНК УзССР. 6 марта 1946 г. комитет был ликвидирован, а в Управлении по делам архитектуры при СНК УзССР организован отдел по охране памятников архитектуры УзССР. 30 августа 1957 г. отдел ликвидируется и образуется комитет по охране памятников материальной культуры. 11 мая 1961 г. данный комитет реорганизуется в Главное управление по охране памятников материальной культуры, природы и музеев при Министерстве культуры УзССР. 1 января 1969 г. по приказу МК УзССР он реорганизуется в Главное управление по охране памятников и изобразительного искусства при МК УзССР. В связи с обявлением независимости Республики Узбекистан в 1991 г. данное управление реорганизуется в Главное управление по охране и научному использованию объектов культурного наследия при Министерстве культуры и спорта Республики Узбекистан. Несмотря на многочисленные изменения в структуре и названиях этих госучреждений, основные функции остались теми же: охрана и изучение исторических памятников, памятников искусства и природы, а также ведение музейного дело в Узбекистане. В настоящее время, в фондах ЦГА РУз, ЦГА КФФД и в архиве ГлавОПУ сохраняются многочисленные архивные документы по истории деятельности перечисленных госучреждений. Эти ценные документы являются важным историческим источником по истории изучения архитектурных памятников народов Узбекистана.

А также в личных фондах ЦГАРУз хранятся многочисленные фотодокументы касающиеся истории изучения архитектурных памятников городов Узбекистана, такие как Самарканд, Бухара, Хива, Ташкент, Коканд, Шахрисябз, Термез. В том числе, личном фонде известного архитектора Б.Н.Засыпкина были созданы следующие фотодокументы по истории и реставрации исторических памятников Узбекистана: иллюстрации к рукописи «Архитектурные памятники Самарканда» [5, 65], альбом с зарисовками в селе Варахша и по памятнику “Ходжи-Абди-Дарун” [6, 11] в Бухаре, фотографии к рукописи «История архитектуры Узбекистана» [7, 175], фотографии и рукописи по реставрации дворца Кокандских ханов в Ферганской долине [8, 21], альбом фотографий реставрационных работ, общий вид памятника до и после реставрации Мавзолея Гур-Эмир[9, 31], планы, детали чертежей с видом разрушений памятника Мечети Биби-ханым [10, 14], альбом фотографий с общим видом и архитектурном декором памятников Рухабад[11, 20] и Мечети Хазрат-Хызр в Самарканде [12, 12]. А в личном фонде известных ученых Средней Азии М.Е.Массона и

[1] Центральное управление архивами Туркестанской Республики, 30 январь 1920 г.
[2] Комитет по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы Туркестанской Республики, 21 май 1921 г
[3] Среднеазиатский комитет по охране памятников старины, искусства и природы, 26 декабрь 1924 г.
[4] Комитет по охране материальной культуры при Народном Комитете Просвещения УзССР, 19 март, 1929 г.

Г.А.Пугаченковой хранятся планы, схемы, обмеры, фотографии мавзолеев на территории Средней Азии, надписи из мечети в Мисриане из южных районов Самарканда [13, 16] и др.

Архитектор С.Н.Полупанов собрал и хранил фотоальбомы Мечети Гур-Эмир в Самарканде (Издание императорской археологической комиссии в 1905 г.) [14, 26], создал новые фотоальбомы исторических городов Узбекистана, такие как Ташкент, Самарканд, Бухара и Хива. В данный момент в личном фонде автора хранятся следующие фотоальбомы: «Ташкентские архитектурные памятники, жилища и быт, архитектурное оформление национального жилища, здания» [15, 78], «Архитектурные памятники Самарканда» [16, 105], «Архитектурные памятники Бухары» [17, 20] и «Архитектурные памятники Хивы» [18, 30]. В этих фотодокументах фиксировано состояние сохранности изученных архитектурных памятников, общий вид и топография архитектурных памятников Узбекистана, фотодокументы о реставрационых работ памятников, в том числе состояние до и после реставрации и архитектурный декор.

В заключение следует отметить, что в начале XX века специальными организациями и госучреждениями, такими как, Туркестанский кружок любителей археологии, Туркомстарисом, Средазкомстарисом, Узкомстарисом, ГлавОПУ при Минкультуры были осуществлены целый ряд значимых работ по регистрации, изучению, охране и восстановлению исторических памятников Узбекистана. В частности, по инициативе специалистов были изготовлены многочисленные фотодокументы и альбомы с фотоснимками знаменитых архитектурных памятников исторических городов Узбекистана. Блогодаря усилиям и результатам работ специалистов коллекция фотодокументов были переданы в ЦГАРУз и в архив ГлавОПУ. В данный момент эти архивные документы является ценными источниками по историю изучения архитектурного наследия Узбекистана.

Список литературы

1. ЦГА РУз, ф.Р-400, оп.1, д.441, л.16.
2. ЦГА РУз, ф.Р-17, оп.1, д.210, л.88-89.
3. ЦГА РУз ф.Р-3, оп.1, д. 204, л. 1.
4. ЦГА РУз. ф.Р-394, оп. 1, д.407, л.2-4.
5. ЦГА РУз. ф.Р-2406. оп.1, д.103. 65 фото.
6. ЦГА РУз. ф.Р-2406. оп.1, д.117. 11 фото.
7. ЦГА РУз. ф.Р-2406. оп.1, д.1120. 175 л.
8. ЦГА РУз. ф.Р-2406. оп.1, д.1298. 21 фото.
9. ЦГА РУз. ф.Р-2406. оп.1, д.1365. 31 фото.
10. ЦГА РУз. ф.Р-2406. оп.1, д.1396. 14 фото.
11. ЦГА РУз. ф.Р-2406. оп.1, д.1399. 20 фото.
12. ЦГА РУз. ф.Р-2406. оп.1, д.1401. 12 фото.
13. ЦГА РУз. ф.Р-2773. оп. 1, д.238. 16 фото.
14. ЦГА РУз. ф.Р-2286. оп.1, д.144. 26 л.
15. ЦГА РУз. ф.Р-2286. оп.1, д.147. 78 л.
16. ЦГА РУз. ф.Р-2286. оп.1, д.149. 105 л.
17. ЦГА РУз. ф.Р-2286. оп.1, д.152. 20 л.
18. ЦГА РУз. ф.Р-2286. оп.1, д.154. 30 л.
19. Сборник постановлений Совмин УзССР за октябрь-ноябрь 1958 г. Ташкент, 1958. С.214-215.
20. Зеркало истории. История и современность Центрального государственного архива Республики Узбекистан (научно-популярное издание). Ташкент, 2015. С.19-20.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Холиқова Р.Э., – т.ф.д., проф.,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири

Турли халқлар, давлатлар ўртасида алоқалар ўрнатиш ва уларни олиб боришда қадим замонлардан бошлаб ҳозирги кунга қадар йўл коммуникациялари асосий ҳал қилувчи рол ўйнаган. Йўл бор жойда халқларнинг яшаш шароити яхши бўлган. Бугунги кунда ҳам ҳар бир давлатни ҳам иқтисодий, ҳам маданий ривожи, униг дунё давлатлари билан ҳамоҳанг, қадам-бақадам ривожланиши ўша давлат алоқа қиладиган йўллар коммуникациясининг борлиги ва қулайлигига боғлиқдир. Бизнинг

илк аждодларимиз ҳаётида ҳам ўзаро савдо, маданий алоқаларни ўрнатишда, қўшни давлатларга чиқишида йўллар муҳим “бўғин” ҳисобланган.

Бундан тахминан 4-5 минг йил илгари қадимги халқлар ўртасида ўзаро алмашинув ва маданий алоқалар бошланган. Ғарб ва Шарқ давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишида қадимги йўлларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Ўзбекистон географик жиҳатдан қулай шароитда жойлашганлиги туфайли ана шундай йўллар энг қадимги шаҳар ва қишлоқларнинг ривожланиши учун асос бўлган. Қадимги йўллар дарёлар ва сойлар бўлган воҳалардан ўтганки, бу аҳоли яшаши, жумладан, хўжалик юритиш ва турмуш тарзи учун яхши шароит яратишга имкон берган.

Ўзбекистон ҳудудидан ўтган қадимги йўллар ҳақида антик давр грек-рим тарихчилари қимматли маълумотлар қолдирганлар. У ёзма манбалар ва ҳозирги археологик маълумотларни тадқиқ этган республикамиз ва чет эл тадқиқотчиларининг фикрларига қараганда, Ўзбекистон ҳудудидан ўтган энг қадимги йўллар ложувард (лазурит) йўли ҳисобланиб, бу йўллар милоддан аввалги III минг йилликка оиддир. Бу йўл орқали қадимги Бақтриядан (Сурхон воҳаси) қимматбаҳо ложувард тошлар Мисрдаги эҳромларни безатиш учун олиб кетилган. Кейинчалик, милоддан аввалги V асрда Геродот ўзининг 9 китобдан иборат “Тарих” асарида ҳам “ложувард йўли” ҳақида маълумотлар берган. Геродот бу йўлни жанубдан қадимий Термиз, Кеш, Мараканда, Чоч орқали ўтганлигини таъкидлайди. Ундан ташқари бу йўлларнинг тармоқлари бўлиб, улар тоғ давонлари орқали, ҳамда чўл ва дашт ҳудудлари орқали ўтган йўллар бўлган. Бундай йўллар иккинчи даражали бўлиб, улар маҳаллий ҳудудларни бир-бири билан боғлаган. Мана шундай йўллар орқали кўчманчи чорвадор аҳоли асосий йўлларга чиқиб маданий марказлар билан боғланганлар.

Аҳмонийлар даврида, яъни милоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиё жанубидаги йўллардан транзит савдо алоқаларида кенг фойдаланилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Бақтрия ҳудуди орқали Аҳмонийлар давлати марказига Сибир олтини олиб борилган, Олд Осиё ҳунармандларининг маҳсулотлари эса Олтойдаги Пазирик қўрғонларида топилган.

Антик даврга оид йўллар македониялик Искандар Бақтриядан Марокандага ҳарбий юриши бўйича тузилган хариталарда сақланиб қолган. Грек-рим географлари ва тарихчилари Курций Руф, Арриан, Страбонлар-муҳим аҳоли пунктлари сифатида Бақтрия шаҳрини, Брохийлар шаҳарчасини, Навтака вилоятидаги қишлоқни ва Маракандани тилга оладилар.

Геродотнинг ёзишича, Аҳмонийлар давридаги машҳур “подшо йўли” империянинг ғарбий ва шарқий вилоятларини бири-бири билан боғлаб, йўлнинг ҳар 150 стадий ёки 5 фарсахдан (1 фарсах 5-7 км га тенг) кейин дам олиш учун қўналғалар ва уйлар қурилган эди. Жаҳон цивилизацияси тарихида давлатлараро ва халқлар ўртасида савдо, иқтисодий-маданий алоқаларни олиб бориш, ҳамда этник кўчиш жараёнида муҳим аҳамият касб этган Буюк ипак йўли милоддан аввалги III - II асрда пайдо бўлиб, шакллана бошлаган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон орқали ўтиб, Шарқ ва Ғарб давлатларини бирлаштирган Буюк ипак йўли ҳам ана шу йўллар, яъни Геродот таърифлаган Ложувард йўли бўйлаб ривожланади.

Бутун Ўрта осиё қитъасини шарқдан ғарбга қараб кесиб ўтган Буюк ипак йўли, бу йўл бўйида яшайдиган халқларнинг маънавий ҳаёти ва маданиятига улкан таъсир кўрсатди.

Буюк ипак йўли кўп асрлар давомида тўхтовсиз ҳаракат йўли бўлиб келди. Бу йўлдан савдо карвонлари, элчилар, дин тарғиботчилари (Будда монахлари) , ҳарбий отрядлар ва бошқалар фойдаланганлар.

Буюк ипак йўлининг Марказий Осиё орқали ўтган 3 та йўналиши бўлган.

1. Марказий йўналиш. Хитойдан бошланиб, Шарқий Туркистон ва Еттисув орқали Фарғона водийси , Тошкент воҳаси ва Самарқандга олиб борган. Бу ердан йўл тармоқланган:

а) Бухоро ва Хоразм орқали Каспий денгизи шимолидан Шимолий Кавказга ва Қора денгиз портларига чиқилган.

Б) Самарқанд- Қарши орқали Амударёдаги кечувларга (Келиф, Керки, Амуль), у ердан Ҳиндистон ва Афғонистондаги шаҳарларга, ҳамда Марв шаҳри орқали Эроннинг савдо шаҳарларига чиқилган. У ердан Ўрта ер денгизи бўйига борилган. Буюк ипак йўлининг марказий йўналиши Европа ва Осиёдаги қатор давлатларни Хитой ва Жанубий – шарқий Осиё (Корея, Япония) мамлакатлари билан боғланган. Бу йўналиш ипак йўлининг трассаси бўлиб, Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган.

Хитойнинг Европа ва Осиё мамлакатлари билан савдо алоқаларида суғдийлар, хоразмликлар, чочлик савдогарлар етакчи рол ўйнаган.

2. Шарқий йўналиш: Бақтрия (Балх) шаҳридан ҳозирги Қундуз ва Бадахшон орқали Ҳинд дарёси юқори оқимидаги тор тоғ дараси- Ваҳан тизмасига (Тожикистон ва Кашмир чегарасида), сўнгра Ҳиндистонга олиб борган. Шарқий йўналиш Помир ва Ҳимолай тоғларидаги ўтиши жуда қийин бўлган бўлган тоғ довонлари орқали ўтган бўлиб, Шарқий Туркистон ва Марказий Осиёнинг шимолий районларини (Фарғона, Тошкент) Ҳиндистондаги савдо шаҳарлари билан боғлаган. Бу йўлдан фақатгина қисқа вақт ёз ойларида фойдаланиш имкони бўлган.

3. Шимолий йўналиш. Бу йўналиш сувсиз дашт ва чўллар орқали ўтган. Шарқий Туркистонда Буюк ипак йўлининг асосий марказий тармоқларидан ажралган бу йўналиш ўрта асрларда Дашти Қипчоқ деб аталган, хозирда эса Олтой ва Жанубий Қозоғистон даштлари, Орол бўйи, Волга дарёсининг қуйи қисмида жойлашган шаҳар-Танаисга, у ердан эса Қора денгизнинг шимолидаги антик даврга оид шаҳарларга олиб чиқилган.

Буюк ипак йўлининг бу учта асосий тармоғидан уларни бир-бири билан боғловчи йўллар ҳам бўлган. Масалан, Хиндистоннинг ғарбидаги денгиз портларидан шимолга, Хайбар довони орқали Бақтрияга олиб борувчи йўллар бўлган. Бу ерда улар Буюк ипак йўлининг Ўзбекистон орқали ўтган асосий тармоғи билан қўшилганлар. Суғдиёна пойтахти-Мароқанд шаҳридан Хоразмга, Каспий денгизи бўйлаб Шимолий Кавказга, у ердан Клухор ва Марух тоғ довонлари орқали Цхуми шаҳрига, у ердан эса Қора денгиз орқали Византия пойтахти Константинополга олиб борган йўл ўтган. Бу йўл тарихда Кавказ ипак йўли деб ҳам аталади. VI асрнинг иккинчи ярмида, Сосонийлар ўз ҳудуди орқали савдо карвонларини Византияга ўтказмай қўйганда бу йўлнинг аҳамияти анча ошди.

Буюк Ипак йўли бўйлаб қилинадиган савдода суғдиёналикларнинг алохида ўрни бўлган.

Ёзма манбаларда ҳам суғдийларнинг Дуньхуанда яшаганлари савдода иштирок этганлари ҳақидаги маълумотлар IV асрга бориб тақалади. Суғдийларнинг Ғарбий Хитой Лангжау ва Суъжау ҳудудларида савдо алоқалари олиб борилганлиги маълум. Бу ҳақидаги маълумотлар Чугуевскийнинг асарида келтирилган [1]. Хитой Буюк ипак йўли савдосида ипак матоларини етказиб берувчи давлат бўлган. Ипак матолар бебаҳо, тоза ноёб, чиройли енгил бўлган. Шарқий Туркистон ҳалқлари бу ипак матоларни жуда қадрлашган. Эрамиздан аввалги IV асрда Хитой ипаги Ҳиндистонга ҳам етиб борган. Ёзма манбалар эса эрамиздан аввалги II асрда Хитой ипаги Парфияга ҳам етиб боргани, у ерда бу матодан нафақат кийимлар балки байроқлар ҳам тайёрланганлиги ҳакида маълумот беради. Ғарбдан Шарққа катта-катта карвонлар ипак матолар ташиган бўлса Шарқдан Ғарбга туя жунидан тўқилган гиламлар, шиша, палаглар, табиий тошлардан тайёрланган тақинчоқ ва безаклар ташишган [2].

Ҳар бир давлат ҳукмдорлари савдогарлардан тушган солиқлардан манфаатдор бўлганлиги учун ўз ҳудудларида уларни ҳимоя қилишган.

Уларни ҳимоя қиладиган қонунлар ишлаб чиқишган (Масалан Амир Темур давлатида қайси ҳудудда савдогарларни моли таланса 2 баробар қилиб моли қайтарилган ва шунингдек давлат хазинасига 5 баробар тўлов тўланган [3].

Янги денгиз йўлларининг кашф этилиши Шайбонийлар ва Сафавийлар ҳукмдорларининг ўзаро урушлари Ўрта Осиё ва Хитой ўртасидаги алоқаларни сусайишига олиб келди.

Англияда 1733 йилда янги кашфиётлар дунёга келиши Хитойда ипак матоларга бўлган талабни сусайишига, чет эллик савдогарларнинг матоларни эмас балки ипак хом-ашёсини олиб кетишга интилишини кучайтирди .

Буюк Ипак йўли кўплаб шаҳарларнинг пайдо бўлишига, қишлоқларнинг махсус савдо билан шуғулланишига олиб келди. Ғарбий Европада шаҳарлардаги маҳаллий бозорлар савдода ўз ўрнига эга бўлган бўлса, Осиёда халқаро савдони ривожлантириш учун карвон йўлларида барча имкониятлар савдо учун яратилди. Табриз, Ормуз, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Ўтрор, Қашғар, Турфан, Хўтан, Душанбеда карвонсаройлар, меҳмонхоналар ва омборхоналар савдогарлар учун махсус арзон моллар бозорлари ташкил этилган.

Савдо карвонларига кўплаб касб эгалари: таржимонлар, туякашлар қўриқчилар, солиқ йиғувчилар ва бошқалар хизмат кўрсатишган. Айнан бу хизматлар тўғрисида Муқминова Р. Самарканд и Бухара на трассах Великого Шелкового пути в XV-XVI вв // формирование и развитие...-С.110-113. асарида маълумотлар келтирилган [4].

Бугунги кунда Буюк Ипак йўли анъаналарини тиклаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Юнесконинг Буюк Ипак йўли-мулоқот йўли дастури доирасида Ўзбекистон АҚШ, Япония, Россия, Жанубий Корея, Европа мамлакатлари, Хитой олимлари ҳамкорлигида Буюк Ипак йўлини тадқиқ қилиш ишлари амалга оширилмоқда [5].

Шунингдек, мамлакатлараро савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантиришга Ўзбекистон ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йил 17-18 январь кунлари амалий ташриф билан Ҳиндистонда бўлди. Бу ташриф чоғида Ўзбекистон-Ҳиндистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Давлат раҳбарлари ахборот коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика тармоғи, заргарлик санъати, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик инфра тузилмасини модернизация қилиш каби кўплаб лойиҳалар устида ишлашга келишиб олинди. Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди президентни “Жўшқин Гужарат” халқаро саммитига таклиф қилди. Таклиф қилинганлар Гужарат штати қадимдан савдо ва тадбиркорликда етакчи ҳудуд бўлиб келгани, мазкур саммит ана шу анъаналарни давом эттираётгани замонавий Ҳиндистоннинг бизнес руҳини намоён қилинаётганини гувоҳи бўлишди [6].

Адабиётлар

1. Чугуевский Л.Н. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана// Страны и народы Востока. Вып. X.M.., 1971. –С.55.
2. Кобзева О.П. Великий шелковый путь: история и современность. –Т.:Фан, 2005.-С.18.
3. Кобзева О.П., Джалилова О. З. Страницы истории великого шелкового пути: шелк, специи и чай. –Т., 2013. –С.33.
4. Кобзева О.П., Джалилова О. З. Страницы истории великого шелкового пути: шелк, специи и чай. –Т., 2013. –С.39.
5. Кобзева О.П., Джалилова О. З. Страницы истории великого шелкового пути: шелк, специи и чай. –Т., 2013.
6. Халқ сўзи. 2019 йил 19 январь.

XIX–XX АСР БОШЛАРИДА ҚАРШИ БЕКЛИГИ АҲОЛИСИ ВА ЭТНИК ТАРКИБИ

Холиқулов А.Б., – т.ф.н., доц. ЎзМУ

Қашқадарё воҳасининг XIX–XX аср бошларига оид этник тарихи нисбатан кам ўрганилган бўлиб, маҳаллий аҳолининг этник таркиби ва ижтимоий турмуш тарзи бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган. Воҳанинг этник тарихига оид маълумотларни россиялик сайёҳларнинг асарлари ва ҳарбий тўпламлардаги маълумотларда учратиш мумкин[1].

Манбаларда амирликдаги мавжуд шаҳарлар ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Уларда шаҳарлар аҳолисининг сонига қараб, катта ёки кичик тоифаларга ажратилган. Аҳолисининг сони 50.000 дан ортиқ бўлган шаҳарлар гуруҳига Бухоро, Қарши ва Шаҳрисабз киритилган бўлса, аҳолиси 5000 дан 15 минггача бўлган шаҳарлар сифатида Китоб, Чироқчи, Ғузор, Ҳисор, Кофирниҳон, Файзобод, Қоратоғ, Сарижўй, Юрчи, Денов, Шеробод, Карки ва Кармана шаҳарлари кўрсатиб ўтилган[2].

Ҳарбий тўпламлардаги маълумотларда Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Балжувон, Чоржуй, Карки, Кўлоб бекликлари аҳолиси сонининг кўплиги жиҳатидан Бухоро шаҳридан кейинги ўринда турганлиги айтилади[3]. Полковник Галкиннинг бу борадаги тадқиқотлари Шаҳрисабз водийси ва Қарши текисликларида 500.000 га яқин аҳоли яшаганлигидан далолат беради [4].

XIX аср охири–XX аср бошларига оид манбаларда воҳа аҳолиси ҳақида келтирилган маълумотларда бирмунча тафовутларни кузатиш мумкин. Масалан, Семёнов-Тянь-Шанский Қаршида тахминан 60.000-70.000 киши истиқомат қилишини келтириб ўтган[5]. Манбалар маълумотлари воҳада аҳоли сонининг аслида юқоридагига нисбатан кўплигидан далолат беради. Ушбу маълумотни капитан Архипов ва капитан Покотилолар[6] ҳам тасдиқлайди.

Бухоро амирлигининг ер майдони ва аҳолиси тўғрисидаги маълумотлар турлича бўлиб, улар XIX–XX аср бошларида Қашқадарё воҳасининг этник таркиби турли уруғ ва қабила вакилларидан таркиб топганлигини кўрсатади. XX аср бошларида Қарши шаҳри ва унинг атрофларида манғит, сарой, қовчин, қатағон, қутчи, қипчоқ, хитой, қирқ ва бошқа уруғлар яшаган[7].

---

[1] Задыхина К.Л. Некоторые вопросы изучения этнического состава населения бассейна Кашкадарьи в Сурхандарьинской области Узбекской ССР // КСИЭ. – М., 1962. – Вып. XXXVII. – С. 39-45.; Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, 1964. – 214 с.; Кубаков К. О некоторых родоплеменных группах узбеков верхной Кашкадарьи.: Автореф. дисс. … канд. ист. наук. – Ташкент, 1972. – 20 с.; Кармышева Б.Х. Некоторые данные к этногенезу населения южных и западных районов Узбекистана // КСИЭ – М., 1957. – 14-21; Шу муаллиф. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – 280 с

[2] Полк. Галкин. Краткий военно-статистический очерк района полевой поездке офицеров Генерального Штаба Туркестанского военного округа в 1889 году в Бухарском ханстве и в южной части Самаркандской области // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб.: Военная типография, 1894. – Вып. LVII. – С. 24. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М.: Государственное издательство географической литературы, 1950. – С. 141.

[3] Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб.: Б.И., 1909. – С. 39.

[4] Полк. Галкин. Краткий военно-статистический очерк в Бухарском ханстве... – С. 13.

[5] Семёнов-Тянь-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание. Т. XIX. Туркестанский край. – СПб.: Изд-во А.Ф.Девриена, 1913. – С. 349, 680-681.

[6] Кап. Архипов. Военная рекогносцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб.: Военная типография, 1884. – Вып. XX. – С. 174-176; Кап. Покотило. Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 году. – Ташкент: Типография Окружного Штаба, 1888. – С. 60, 63.

[7] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд ... – 622 б.

XIX–XX аср бошларида Қашқадарё воҳасида истиқомат қилган этник гуруҳлар турлича тақсимланган. **Манғитлар** – Бухоро амирлигидаги энг йирик ўзбек уруғи бўлиб, уларнинг 31.000 дан ошиқроқ қисми Қарши беклигида истиқомат қилишган[1].

Бухоро амирлигида яшовчи манғитлар уч гуруҳга: тўқ манғит, оқ манғит ва қора манғит гуруҳларига бўлинган[2]. Улар асосан Қарши ва Бухоро шаҳарларида ўтроқ, уларнинг атрофларида кўчманчи тарзда ҳаёт кечирганлар[3].

Қарши беклиги Бухоро амирлиги ҳукмрон сулоласи мансуб қавм – манғитлар (асосан тўқ манғитлар) кўпчиликни ташкил этувчи ҳудуд ҳисобланган. Қарши шаҳрида қовчинлар, саройлар, вилоятнинг шарқий ҳудудларида эса қўнғиротлар истиқомат қилишган. Шаҳардаги тожиклар маҳаллий ўзбеклар билан аралашиб кетиб, уларнинг кўпчилиги ўз тилини ҳам унутган. Шунга қарамасдан, шаҳарнинг баъзи гузар ва дарвозалари тожикча номланган. Воҳага турли даврларда келган этник гуруҳларнинг аксарияти Қарши шаҳри аҳолиси таркибига сингиб, аралашиб кетган[4].

Қўнғиротлар қадимий туркий уруғлардан бўлиб, юксак маданияти, урф-одатлари ва бошқа уруғларга ибрат бўларлик расм-русмларга бойлиги билан ажралиб туришган[5]. Қўнғиротлар амирликда иккинчи йирик ўзбек уруғи саналган. Қўнғиротларнинг бир қисми Қарши шаҳрида, бир қисми эса Қарши ва Шаҳрисабз ўртасида кўчманчи тарзда яшаган[6].

Сарой уруғи вакиллари амирликда жами 39.940 кишини ташкил қилиб, шулардан сивоз, сари-сойлан, яманчи, оз-сарой, уляшун, пучак қавмларига мансуб 7.070 га яқини Шаҳрисабз воҳасида, қорабоқ-сарой сингари гуруҳлари эса Китобда ҳаёт кечирган. Қарши воҳасида саройлардан 3.100 киши истиқомат қилиб, уларнинг 30 фоизи ямчи қавмига мансуб бўлган. Н.Ханыковнинг XIX аср ўрталарига оид маълумотларида саройлар Самарқанд-Қарши йўли атрофларида кўчманчилик қилиб, чорвачилик билан шуғулланганлиги қайд этилади[7].

Қатағонлар Бухоро амирлигининг деярли барча ҳудудлари бўйлаб тарқалган. Улар амирлик аҳолисининг 27.240 нафарини ташкил қилиб, асосан Марказий ва Шарқий Бухорода истиқомат қилишган. XX аср бошларида Қарши воҳасида 1510 нафари жойлашган бўлиб, улар келиб чиқиши жиҳатидан Еттисой қирғизларининг саёқ қабиласи шохобчасига яқин келади. Қирғиз афсоналарида Қатағон Саякнинг ўғли бўлган деган қарашлар мавжуд[8].

Орлотлар Қарши ва Бухоро ўртасида, **бўзачилар** эса Қарши йўлидаги Бўзачи қишлоғи ва Бухоро атрофида кўчманчилик қилганлар[9].

Амирликдаги жами **хўжалар**нинг 25,2 фоизи Қашқадарё воҳасида истиқомат қилган. Қашқадарё ҳавзаси бўйлаб уларнинг нуфузи 3085 нафарни ташкил қилган бўлиб шулардан Қарши воҳасида 295 нафар хўжа истиқомат қилган[10].

Қарлуқлар Қаршида ўтроқ тарзда яшаган[11].

Қовчин ва қутчи уруғлари. Қовчинлар амирликда жами 7.430 кишини ташкил қилиб, улар асосан Қашқадарё воҳасида жойлашган. Шулардан Қарши воҳасида 1.020 киши истиқомат қилган. Қовчинлардан 2.665 киши Қарши воҳасидан Амударё водийсига – Керки шаҳрига кўчиб ўтган деган тахминлар бор.

Қовчин ва қутчилар ягона қабила бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ханыков ўзбек уруғлари рўйхатини тузар экан, қовчинларни аниқ ўзбек деб айтиш қийинлигини таъкидлаб, улар XIX асрнинг 40-йилларида Қарши атрофларида кўчманчилик билан шуғулланганлигини қайд этади. Хорошхин эса қовчинларни Зарафшон водийсида истиқомат қилувчи ўзбек уруғи сифатида эътироф этади [12].

Миришкорлар амирликнинг турли ҳудудлари бўйлаб жойлашиб, XX аср бошларида жами 690 кишини ташкил қилган. Шундан Қарши воҳасида 90 киши яшаган [13].

Қашқадарё воҳасида яшовчи ўзбек қабилаларига **аймоқлар** ҳам киради. Аймоқлар жами 3.625 кишидан иборат бўлиб, шундан 3.170 нафари Қарши воҳасида, 455 нафари Яккабоғдарёнинг юқори оқимида истиқомат қилган [1].

---

[1] Магидович Н. Административное деление Бухары до национального размежевания // Материалы по районированию Средней Азии. Кн.I. Территория и население Бухары. – Ташкент: Узгостиздат, 1926. – С. 185.

[2] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб.: Б. И., 1843. – С.58.

[3] Семёнов-Тянь-Шанский В.П. Россия: полное географическое описание... – С. 381.; Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства... – С.63

[4] Бўриев О. Қарши воҳасидаги этник жараёнлар // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни: Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент– Қарши: Фан, 2006. – Б. 186.

[5] Норбоев Н. 92 бовли ўзбек элининг қабила ва уруғлари ҳақида. – Тошкент, 1997. – Б.12.

[6] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства... – С. 64.; Материалы по районированию Сред. Азии ...– С. 188.

[7] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства ... – С.64.

[8] Материалы по районированию Средней Азии ... – С. 194-195.

[9] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства ... – С. 64

[10] Материалы по районированию Средней Азии ... – С. 207.

[11] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства... – С. 65

[12] Материалы по районированию Средней Азии... – С. 212–213.

[13] Материалы по районированию Средней Азии... – С. 220-222.

Тожиклар Шаҳрисабзга нисбатан Китоб шаҳрида кўпчиликни ташкил қилган[2]. **Чиғатой тожикларид**ан Қашқадарё воҳасида: Қашқадарёнинг юқори оқими бўйлаб 6.125 киши; Шаҳрисабз воҳасида 250 киши; Қарши воҳасида 7.280 киши истиқомат қилган[3].

Амирликда Чиғатой тожиклари ва ўзларини тожик деб ҳисобловчи, тожик тилида сўзлашувчи, аммо ўзбек қабилалари номлари билан аталовчи этнослар ҳам мавжуд бўлиб, XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси ҳудудида улар қуйидаги тартибда рўйхатга олинган[4]:

Қабила ёки уруғ номлари	**Кент номлари**	**География ҳудуд**	**Сони**
Олот	Бешкент	Қарши воҳаси	295
Аймоқ	Касби	Қашқадарёнинг қуйи оқими	880
	Қамаши	Қашқадарёнинг қуйи оқими	6400
Барлос	Жауз	Қашқадарёнинг юқори оқими	1940
Қўнғирот	Фазли	Қарши воҳаси	775
Тарахли	Жауз	Қашқадарёнинг юқори оқими	430
	Бўзариқ	Яккабоғдарё юқори оқими	40
	Самоқ	Яккабоғдарё юқори оқими	235

1924 йили Қарши воҳасида **Қарши қозоқлари**дан Файзободда 440 киши, Фозлида 290 киши рўйхатдан ўтган. Улар шу ерда яшовчи ўзбеклардан лаҳжаси, турмуш тарзи ва ташқи кўриниши жиҳатидан жуда кам фарқ қилган[5].

Воҳада истиқомат қилувчи **араблар** уч тилда: араб, тожик ва ўзбек тилларида сўзлашган. Сўзлашув тилига кўра улар “араб-тожик”, “араб-ўзбек” номлари билан аталса-да, келиб чиқиши жиҳатидан ҳар учаласи ҳам бир этник гуруҳ – арабларга бориб тақалади.

Ўрганилаётган даврда Марказий Бухоро – Қарши воҳасининг бир қатор қишлоқ ва кентларида 2000 га яқин араблар тарқоқ ҳолда яшаган. Қашқадарёнинг қуйи оқими – Жейнов, Қамаши, Майманак ариқлари бўйларида 3.680 нафар, Пўлатида 1.500 нафар араб истиқомат қилган. Арабларни рўйхатга олиш давомида Қашқадарёнинг қуйи оқимида уларнинг қорабайир, мушкаки, ҳошим, хўжаки каби уруғлари мавжудлиги аниқланган[6]. Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги Арабхона, Кўкчак, Каклах, Пўлати, Жейнов қишлоқлари ва Косонда ҳам араблар яшаган[7].

Қарши шаҳарида эронийлар (50-60 хонадон), уйғурлар (287 киши) ва яҳудийлар ҳам яшашган. Уйғурларнинг шаҳарга қачон кириб келганлиги номаълум. Помуқ, Чандир қишлоқлари ҳамда Муборак атрофларида туркманлар истиқомат қилишган. XIX асрнинг бошларида шаҳарда руслар (2.773 киши) ва Россиядан кўчиб келган украинлар, яҳудийлар, немислар, татарлар, арманлар ҳамда шаҳар атрофида лўлилар ҳаёт кечирган[8].

Қарши воҳаси аҳолисининг XIX–XX аср бошларидаги этник таркибини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- воҳада ўзбек ва бошқа элатларга мансуб аҳоли истиқомат қилиб, зироатчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб келган, аҳолининг кўпчилигини (85 фоизини) ўзбеклар ташкил этган;
- қишлоқ туманларида яшовчи аҳоли уруғ ва қабилалар бўйича жойлашган, аҳолининг шаҳар гузарларида жойлашуви, этник таркиби ҳамда ижтимоий мавқеи уларнинг ҳунармандчилик ва савдо фаолияти билан боғлиқ бўлган;
- XIX–XX аср бошларида Қарши беклигида яшовчи аҳолининг сонига доир маълумотларда баъзи ноаниқликлар ва чалкашликлар кўзга ташланади. Ушбу ҳолат мазкур муаммо бўйича тадқиқотларни давом эттириш ва масалага ойдинлик киритишни талаб этади.

---

[1] Ўша жойда. – С. 223, 225-226.
[2] Кун А.А. Очерки Шагрисебзскаго бекства ... – С.18.
[3] Материалы по районированию Средней Азии ... – С. 231.
[4] Ўша жойда. – С. 232-233.
[5] Материалы по районированию Средней Азии ... – С. 247.
[6] Материалы по районированию Средней Азии ... – С. 248–249.
[7] Бўриев О. Қарши воҳасидаги этник жараёнлар // Қарши шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни: Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент –Қарши. Фан, 2006. – Б. 186.
[8] О. Бўриев. Қарши воҳасидаги этник жараёнлар... – Б. 186.

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ ТУРКИСТОН АҲОЛИСИНИ ЭТНОГРАФИК КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ ТАЖРИБАСИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳўжахонов И.М., – т.ф.н.,
ЎзР ФА Тарих институти

Россия империяси Ўрта Осиё хонликларини босиб олгандан сўнг империя тадқиқотчилари томонидан минтақа аҳолисининг турмуш тарзи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама чуқур ўрганишга катта эътибор қаратила бошланди. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон этнографиясига бағишланган кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида ўлка аҳолисини этнографик жиҳатдан таснифлашга уриниш кузатилади. Бу даврда ушбу ҳудуд аҳолисини этнографик классификациялаш қуйидаги иккита сабабга кўра мураккаб бўлган дейиш мумкин: биринчиси, аҳолини алоҳида этник бирликларга ажратиш бўйича илмий концепциянинг ҳали пухта ишлаб чиқилмаганлиги бўлса, иккинчиси, маҳаллий аҳоли орасида этник ўзликни англаш ҳиссининг тўлиқ шаклланмаганлиги эди.

XIX асрда илмий жамоатчилик орасида тил, турмуш тарзи (эътиқоди ва ижтимоий психологияси билан биргаликда) ва ташқи қиёфасига кўра кишиларнинг қайси халққа мансублиги белгиланади ҳамда ушбу учта белги орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд, деган қараш бўлган. Россия империяси тадқиқотчилари маълум вақтга қадар туркий тил, мўғулча қиёфа ва кўчманчи турмуш тарзи бу ўлкадаги бир халқнинг этник белгиси бўлса, форсий тил, европача қиёфа ва ўтроқ турмуш тарзи бошқа бир халқнинг белгиси ҳисобланади ва бу белгилар Ўрта Осиёдаги аҳолини этник классификациялашда тўла мос келади, деб ҳисоблаган.[1] Шу боис, империя тадқиқотчилари ва маъмурлари Туркистонда яшовчи туб аҳолини дастлаб турмуш тарзига кўра: ўтроқ ва кўчманчи каби аҳоли гуруҳларига ажратган ҳолда тасниф этишган. Мисол учун, 1867 йилда қабул қилинган “Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқарилиши тўғрисидаги низом”да ўлка аҳолиси сартлар ва қирғизлар (яъни, қозоқлар) каби иккита йирик гуруҳга ажратилган бўлиб, сартлар дейилганда туб ерли ўтроқ аҳоли, қирғизлар (аслида эса қозоқлар) дейилганда эса кўчманчи чорвадор аҳоли назарда тутилган[2]. Шунингдек, бу даврга оид адабиётларда ҳам ўлканинг туб аҳолисини турмуш тарзига кўра - сарт/қирғиз, тожик/ўзбек, сарт/ўзбек каби (юқоридаги белгиларга кўра “қарама-қарши” қўйилган) тарзда таснифлаш ҳоллари кузатилади.[3]

Россия империяси маъмурлари учун Туркистон энг аввало мусулмонлар ўлкаси сифатида хусусиятланар эди. Империя маъмурлари бутун ўлка аҳолиси ҳақида гап кетганида уларни *мусулмонлар* ёки *туземецлар* деб атаган. Бу эса бир томондан империя маъмурларининг диний ўзлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, мустамлака маъмуриятининг ўлкага оид ҳар қандай ишлари энг аввало мусулмончилик, ислом ва шариат омиллари билан кечишини англатган бўлса ажаб эмас. Илмий тадқиқотларда қайд этилишича, Россия империяси маъмурлари орасида XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳолини классификациялашда (айниқса, русларга нисбатан) диний ўзликни англаш ўз ўрнини этник ўзликни англашга бўшатиб бера бошлаган ва аҳолини этник белгилар асосида тасниф этишга алоҳида урғу берила бошланди[4]. Тадқиқотчилар Туркистон ўлкаси аҳолисини этник жиҳатдан классификациялашга урина бошлади. Таъкидлаш жоизки, империя тадқиқотчиларининг асарларида ўзбек, тожик ва сартларнинг (Россия империяси даврида туркий тилда сўзлашувчи ўтроқ аҳоли шундай номланган) келиб чиқиши ва уларнинг этник таснифи масаласи алоҳида ўрин тутади. Чунки, Туркистон ўлкасининг марказий вилоятларида айнан шу гуруҳ улар жойлашган бўлиб, улар ўртасида этник чегарани ўтказишда маълум қийинчиликлар мавжуд эди. Қолаверса, ўлкадаги бой маданий мероснинг ҳақиқий эгалари кимлигини аниқлаш ва унинг кейинги тақдиридаги етакчилик ўрни масаласи айнан ушбу гуруҳларга боғлиқ эди, десак муболаға бўлмайди.

XIX аср охирларига келиб тилга асосий этник кўрсаткич сифатида қарала бошланган, шу билан бир қаторда, аввалгидай аҳолининг турмуш тарзи ва ташқи қиёфасига ҳам эътибор қаратилган. Аҳолининг турмуш тарзи унинг эътиқоди ва халқ психологияси билан чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблагани учун рус тадқиқотчилари ҳар бир халқни миллий характери орқали ҳам баҳолашга ҳаракат қилган. Бироқ, тадқиқотчилар одатда ушбу баҳони беришда ўз маданиятлари ва миллий характер хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашган ёки қўшни халқларнинг фикрларига таянишган. Н.Остроумов сартлардаги кўплаб ижобий характерни ислом дини ва шариат асослари билан боғлиқ ҳолда тушуниш мумкин, деб ёзади[5].

---

[1] Қаранг: Абашин С. Проблема сартов в русской историографии XIX - первой четверти XX в. // Национализм в Средней Азии: в поисках идентичности. СПб.: 2007. 103-бет.

[2] Қаранг: Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. Издание второе, дополненное. Ташкент. 1896. – С. 6. Минтақадаги аҳолини ўтроқ ва кўчманчи каби тоифага ажратиб олиниши маъмурий бошқарув ва солиқлар амалиётига кўра ҳам мос эди.

[3] Мисол учун қаранг: Гребенкин А.Д. Таджики / Узбеки // Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. Вып. II. Статьи по этнографии, технике, сельскому хозяйтву и естественной истории. М. 1872. – С. 1-110.

[4] Аҳолини этник белгилар асосида тасниф этилиши замонавий жамиятнинг белгиси эди.

[5] Осторумов Н.П. Сарты… 58 бет.

Юқорида қайд этилганидек, ўлка аҳолисини турмуш тарзи бўйича ўтроқ ва кўчманчи каби иккита йирик гуруҳга ажратишдан ташқари уларни ирқи (европа/мўғул) ёки тили (форсий/туркий) жиҳатидан ҳам иккита гуруҳга ажратилган. Битта ирқ ёки тил гуруҳига оид у ёки бу халқни тавсифлашда эса унинг ўз ирқи ва тилини соф сақлаб қолгани ёки қайсидир даражада қоришганидан келиб чиқиб тасниф этилган. Масалан, империя тадқиқотчилари қозоқларни озгина орий қони (европоид ирқига хос) аралашган мўғул туркийлар деб ҳисоблаган бўлсалар[1], ўзбекларни сартлар ва қозоқлар ўртасидаги туркийлар деб, сартларни эса тожик ва ўзбекларнинг қоришувидан келиб чиққан деб ҳисоблаган. Мустамлака тадқиқотчиси А.Шишов ўтроқ аҳолининг антропологик типини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилган. У орийлик типи ва мўғул типига хос жиҳатларга эътибор қаратиб, уларни сартлар, тожиклар ва ўзбеклардаги иникосини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Тожикларни (айниқса тоғлик тожиклар) нисбатан тоза орий типга, сартларни мўғул ва кўпроқ орий типлари аралашмаси, ўзбекларни эса кўпроқ мўғул типи хос деб баҳо берган[2]. Ўлка аҳолисини этник классификациялашда, айниқса, сартларнинг келиб чиқиши ва этник мансублиги масаласи турли хил мулоҳазаларга сабаб бўлган.

Туркистонинг дастлабки туб ерли аҳолисини ҳинд-европа тил гуруҳига мансуб орийлар ташкил этади, бошқа қавмлар эса нисбатан кейинроқ келиб, ўтроқ аҳолининг турмуш тарзи, маданияти, дини ва урф одатларини ўзлаштирган деган қарашдан келиб чиққан ҳолда рус тадқиқотчилари тожикларда орий типининг устунлигидан келиб чиқиб, уларни ўлкадаги энг қадимдан яшаб келаётган аҳолининг авлодлари деб ҳисоблайди. Сартлар ирқи ва турмуш тарзига кўра орий типидаги халқларга яқинроқ ҳисобланса, тил жиҳатидан эса туркий қавмларга мансуб эди. Шу боис сартларни ушбу гуруҳларнинг қайси бирига қўшиш мумкин деган савол муаммолигича қолади. Баъзи тадқиқотчилар уларни келиб чиқиши жиҳатидан тожикларга қўшса, баъзилари ўтроқлашган ўзбеклар (туркий) деб билади. Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар эса сартларни алоҳида халқ деб ҳисоблайди. Н. Остроумов ўзининг сартлар этнографиясига бағишланган асарида венгер шарқшуноси Херман Вамберининг қуйидаги фикрларини келтиради: халқларнинг тили бир ёки икки юз йилда бутунлай ўзгариши мумкин, худди шундай ҳолат эса унинг жисмоний ҳолати билан ҳам юз бериши мумкин; бу эса халқнинг жисмоний белгиларини ҳам бир неча асрлар мобайнида бутунлай ўзгариши мумкинлигини кўрсатади. Халқнинг жисмоний (ирқий) белгиларининг бутунлай ўзгариши, тилдаги ўзгаришларга нисбатан узоқроқ вақт давом этади[3]. Демак, у сартлар масаласида ҳам шундай ёндашиш лозимлигини уқтирмоқчи бўлади. Россия империяси тадқиқотчиларининг асарларида қабилавий ўзлигини яхши англаб етган қипчоқ, қурама, турк каби қабилалар ҳам алоҳида гуруҳлар сифатида тасниф этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон халқлари узоқ асрлар давомидаги ўзаро қоришуви натижасида шаклланганлиги, турли этник гуруҳлар ўртасида миллий-этник косолидациялашув жараёнининг тугалланмаганлиги каби омиллар сабабли ҳудуд аҳолиси ўртасида аниқ чегарани ўтказиш мушкул/имконсиз эди. Баъзи этник гуруҳларнинг у ёки бу халқ таркибида қайд этилишида ҳудудий маданий омиллар муҳим ролни ўйнаган. Масалан, ўзбек этник-маданий муҳитида яшовчи қипчоқлар ўзбекларга, қирғиз муҳитидаги қисми қирғизларга, қозоқ муҳитидагиси эса қозоқларга этномаданий жиҳатдан яқинроқ ҳисобланар эди. Шу боис, ўлка аҳолисининг этник классификацияси ёки миллий консолидациялашувида турмуш тарзи, ирқи ёки тил хусусиятларидан ташқари ҳудудий жойлашуви, ўзларини қайси маданий муҳитга боғланган деб ҳисоблаши муҳим аҳамиятга эга эди. Россия империяси тадқиқотчиларининг асарларида ўлка аҳолисининг мукаммал этнографик классификацияси ишлаб чиқилмаган эди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА “ЗАФАРНОМА” ДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Ҳайдаров С.А., –
Тошкент давлат юридик университети

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонунининг 12 – моддасида умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини бериши, ўқувчиларда қобилият амалий тажриба кўникмаларини ривожлантириш, дастлабки тарзда касбга йўналтириш ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам бериши” [Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Шарқ. 3-4 б.:8], шунингдек “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг учинчи босқичида бажариладиган вазифаларда таълим мазмунининг сифатини ошириш ва янги педагогик

[1] Миропиев М.А. О положении русских инородцев. - СПб. 1901. – С. 353-515.
[2] Шишов А. Сарты. Сборник материалов для статистики Сырдаринской области. Издание Сырдаринского Областного Статистического Комитета. Том XI. Ташкент. 1904. – С. 103-111.
[3] Остроумов. Н.П. Сарты… 54-бет.

технологияларни қўллаган ҳолда сифат самарадорлигига эришиш белгилаб берилган**.** [Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: 1997. 28 – 29 б.:9]. Жумладан, тарих фанини ўқувчилар онгига чукур сингдириш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини оширишда самарали педагогик методлардан, инновацион технологиялардан фойдаланиш мақсадга муофиқдир. Шундай инновацион педагогик технологиялардан бири - кўргазмалилик услуби бўлиб, унинг таркибий қисми бўлган тасвирий санъат асарларидан ўқитиш жараёнида фойдаланишнинг дидактик имкониятлари алоҳида эътиборга моликдир.

Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг асосий вазифалари ўқувчилар тафаккурини ўстириш, уларни миллий ифтихор, халқлар дўстлиги, ватанпарварлик, ўз халқи тарихи ҳақида тўғри ва объектив тасаввур ҳосил қилдириш, Ўзбекистоннинг жаҳон тарихидаги ўрнини кўрсатишдан иборат.

Масалан, VII синф Ўзбекистон тарихи дарслигининг VI бобида берилган “Амир Темур салтанати” мавзусини ўтишдан аввал ўқитувчи янги дарсга тайёргарликни даставвал манбалардан бошлаб, мавзуга оид Амир Темур сиймоси тасвирланган тарихий мавзудаги расмлар, ҳайкаллар, даврга монанд қурол–аслаҳалар, турли деталлар, буюк саркарданинг замондошлари томонидан ёзилган хотиралар каби материалларни тўплаши лозим. Шундай бой манбалардан бири Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридир. Шарафиддин Али Яздийнинг ушбу асарида берилган Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси Амир Темурнинг ҳаёти ва жўшқин фаолияти, мўғуллар истилоси асрида Ватанни озод этиб, марказлашган қудратли давлатни тиклаши, ҳарбий юришлари ва ниҳоят, бу фавқулодда истеъдодли инсон ва унинг шахсиятидаги зиддияти жиҳатлар тафсилоти ҳақидаги маълумоти ҳаммани қизиқтиради.

“Зафарнома”га ишланган миниатюра асарлари Ўзбекистон тарихи дарсларини биринчидан объектив тарзда, иккинчидан визуал тарзда ёритиш имконини беради. Бу муҳим визуал дидактик омил воқеиликни объектив тарзда тасвириланишига кафолат. Юқорида таъкидлаб ўтган шарҳларда ўз аксини топган. Шунингдек ушбу асарда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маьлумотлар, ҳарбий юришлари, давлатни бошқариш ва ифода этиш усуллари, бошдан кечирган воқеа – ҳодисалар ҳамда ўша давр ижтимоий – сиёсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар кенг баён этилган. “Зафарнома” асарида берилган тасвирий ифодалар миниатюра усулида тасвирланган бўлиб, улар шу тарихий давр тўғрисида тасаввур пайдо бўлишида бир мунча қулайликлар яратади, шахсий фикрни шакллантиради ҳамда ўқувчидаги билимлар кенг қамровли бўлишига замин яратади.

Ўқувчилар мавзуга оид кўрсатилган тасвирий санъат асарини кузатар экан, уларда билимга бўлган қизиқиш ортади, тасаввурлари кенгаяди, қолаверса, фикрлаш манбаларини излаб топиш кўникмаларининг шаклланишига олиб келади [Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: 1997. 28 – 29 б.:9].

Ўзбекистон тарихини тасвирий санъат асарлари асосида ўқитишда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

- дастур ва ўқув қўлланма бўйича ўрганиш кўзда тутилган тарихий воқеаларни жонли тарзда баён этиш;

- тарихий арбоблар, халқ оммаси вакилларининг образларини ва халқ оммасининг тутган ўрнини, ролини кўрсатиш;

- тарихий воқеалар ривожланишида реал манзарани гавдалантиришга ёрдам берадиган парчалар танлаб олиш;

- мавзуга оид қўшимча деталлар ва маьлумотлар бериш ва бошқалар;

Тарихий мавзудаги санъат асарларидан фойдаланиб дарс ўтишда уни дарснинг “дидактик қурилиши”ни қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ:

- ўқитувчи ушбу асарни тасвирига оид маълумотни баён қилгандагина ўқувчилар онгида тарихий воқеа тасаввур сифатида ҳосил бўлади. Ўқитувчи бунинг учун маълум муддат ажратади;

- мавзу даврига оид, воқеа содир бўлган жой ва вақтни айтади;

- тасвир тўғрисида иккинчи даражали маълумотларни берар экан, асосий фикрга қайтади.

- яхлит тарихий воқеаларни индуктив ва дедуктив методлардан фойдаланган ҳолда тушунтиради, яъни дарсининг якунида умумлаштириб хулоса чиқаради ва бунга далиллар келтиради.

Булар тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларидан Ўзбекистон тарихи дарсларида фойдаланиш жараёнига қўйиладиган талаблар сирасига киради.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига ишланган миниатюра асарларида сюжетли тасвирлар, воқеа–ҳодисани акс эттирувчи чизгилар дарснинг тарихий ҳужжат тарзда ўтишига асос бўлади.

“Зафарнома” асарига ишланган “Соҳибқиронни юриши”, ва “Темур Малик”, “Жалоллиддин Мангуберди” [Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннахр воқеалари. 1360-1370.– Т.: Камалак, 1994. 21-б.:4] каби қахрамонлар сиймосини ифадоловчи тасвирий санъат асарлари ижодкор педагогнинг иш усулини бойитади ва дарсдан кўзланган мақсадларга эришишни таъминлайди.

VII – VIII синф ўқувчиларининг узоқ ўтмишдаги ҳодисалар тўғрисида конкрет тасаввурлари кам бўлганидан, кўпинча, улар ўзлари етишмайдиган тарихий тасаввурларни ҳозирги ҳаётдан олинган образлар билан тўлдириб боришади. Шу сабабдан ўқувчилар онгида тарихий воқеликни замонавийлаштириш ҳоллари юз беради; қадимий меҳнат ва ҳарбий қуроллар, ҳозирги кундаги кийим–бош ва шу кабиларни қадимги замонга кўчиришда ифодаланадиган бундай замонавийлаштириш ҳоллари методик адабиётда қайта – қайта кўрсатиб ўтилган.

Демак, тарих дарсларида ёки умуман дарсларда тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш жараёнига ҳам бир неча педагогик талаблар қўйилади:

1. Асардаги тарихий воқеанинг тасвирини реаллиги ва объективлиги.
2. Тасвирий санъат асарининг мазмуни ўқувчилар ёшига ва онгига мослиги.
3. Асарни синф хонасида жойлаштиришни қулайлиги; (уни осишга, ёпиштиришга, қўйиб қўйишга, кўрсатишга қулайлиги).
4. Асарнинг тиниқ оқ–қора рангда ёки иложи борича рангли бўлишлиги (ксерокс, нусха шаклда бўлмаслиги).
5. Асарни янги дарсда олинган билимларни мустаҳкамлашга ва бойитишга хизмат қилиши.
6. Асар тўғрисидаги қўшимча маълумотни уч–беш минутдан ошмаслиги;
7. Асар тўғрисидаги маълумотни илмийлиги, рақам ва далилларга асосланганлиги ва тушунарлиги ва бошқалар.

Тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларидан фойдаланиб дарсни ташкил қилиш ўқувчилар фаолиятини янада қизиқарли қилиш билан бирга, уларнинг билиш фаолиятларини, жумладан материал, далил, сана, номлар ва бошқаларни ўрганиш самарадорлигини оширади. Улар ёрдамида тарихий маълумотни эслаб қолиш, қайтариш, мустаҳкамлаш каби мураккаб иш осон кечади. Бу каби дарс ўтиш ўқувчиларда бошқа тарихий мавзулар ва фанларни ўзлаштиришга ёрдам берувчи тарихий мантиқни шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 30-бет.
2. Ҳасаний М. Зафарноманинг ғаройиб тақдири, Дунё хазинаси. // Халқ сўзи. – Тошкент: 2006. – №2.
3. Шоназаров Қ. Ўқувчиларда миллий тарихга муносабатни шакллантиришнинг назарий масалалари. // Узлуксиз таълим. – Тошкент: 2004. – №.3.
4. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннахр воқеалари. 1360-1370. – Тошкент: Камалак, 1994. – 400 б.
5. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 96 б.
6. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. 7-синф ўқитувчилар учун қўлланма. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 155 б.
7. Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001, – 350 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т.:1997. Шарқ. 34 б.
9. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: 1997. 200 б.

ТОМАС РАФФЛЗ И ЛИ КУАН Ю И ИХ МЕСТО В ИСТОРИИ СИНГАПУРА

Шакиров И. – докторант
исторического факультета НУУз

Историю Сингапура за последние два столетия невозможно представить без двух выдающихся людей, которые за короткий исторический промежуток трансформировали отсталый остров, в развивающийся регион.

Сегодня Сингапур – одна из самых развитых государств современности. Несмотря на то, территория Сингапура является одной из самых маленьких (хотя искусственным методом остров увеличивается), страна входит в десятку стран с высоким показателем ВВП.

Бурное развитие острова начинается с 1819 года, когда совершилась та самая историческая высадка.

29 января 1819 года на сингапурский берег сошел Томас Раффлз[1]. В момент высадки, он, в частности, встретил сотни малайских рыбаков, три десятка купцов, группу местных разбойников.

В этот период, Сингапур представлял из себя следующую картину: в нем проживало около сотни малайцев и еще 30 так называемых «оранг лаут» - «морских обитателей», то есть тех же малайцев, только живших в домах на сваях, стоявших у побережья бухты на воде[2].

Как отмечал в своих воспоминаниях Томас Стэмфорд Раффлз, вокруг берега Сингапура можно было встретить множество обглоданных человеческих черепов, а также останки разграбленных купеческих судов и их несчастных команд. В общем, место это было по-настоящему гиблым и не сулило оказавшемуся здесь британскому чиновнику ничего радостного и перспективного.

Но, несмотря на эти обстоятельства, Томас Раффлз уже тогда отметил, что «Это, несомненно, самая важная станция на Востоке и, поскольку дело касается морского превосходства и коммерческих интересов, она имеет более высокую ценность, чем целые континенты суши. Владея Сингапуром, Англия сможет распространить своё политическое влияние, если того потребуют обстоятельства Сингапур станет для нас на Востоке тем, чем Мальта является на Западе»[3].

В рассматриваемый период Сингапур входил в состав Джохорского султаната и являлся основным местом экспансии голландцев. Но, понимая то, что территория является очень важным стратегическим пунктом, уже в 20-х гг., XIX века английские власти приступили к проведению переговоров.

Дожидаясь оформления сделки от султана Джохора (в результате за остров англичане заплатили около пяти тысяч испанских долларов и еще три тысячи лично вручили самому султану), на остров был отправлены британские солдаты. В результате этих действий, Британия отказалась от других земель в этом регионе в пользу Голландии[4].

После того, как Сингапур официально стал колонией Британской империи, его администрацию возглавил Томас Раффлз. Он, в частности, приказал осушить окрестные болота, вырубить непроходимые джунгли, а также, что на наш взгляд является очень важным, открыл первый в этом регионе институт восточных языков[5].

Одна важнейшей стороны Томаса Раффлза является то, что он проводил миролюбивою политику, по отношению гражданам разных национальностей.

В частности, он, обозначил на карте города те районы, где разрешалось селиться китайцам. Жили они тогда по одну сторону реки, а по другую селились представители всех остальных этнических групп.

10. Петров. Замътки тит. сов. Петрова о дорогах изъ Чарджуя въ Карки по лъв. Берегу Аму-Дарьи и изъ Карки въ Келифъ по правому берегу, из Келифа въ Гузаръ и Карши и изъ Ходжа-ипак въ Карши. 1885 г. // СМА. – СПб.: Военная типография, 1886. Вып. XXL. – С. 102-110.
11. Шайдуллаев Ш.Б. Шеробод сардобаси // Ўзбекистонда Археологик тадқиқотлар. 2003-йил. – Тошкент, 2004. –№ 4. – Б. 196-197.
12. Яворский И.Л. Путешествие руского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 годах. В двух томах – СПб.: Типография д-ра М.А.Хана, 1883. Т. 2.–387с.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ЎЗИГА ХОС ЯНГИ МИЛЛИЙ ҒОЯ

Эрназаров Ш.Э., – ТИҚХММИ ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев дастлабки кунларданоқ *мустақиллик ғояларини* изчил рўёбга чиқариш ҳамда уни мустаҳкамлашни энг асосий бурч ва шиор сифатида ўртага ташлади. Бу тезислар Ш.Мирзиёевнинг бой ҳаётий тажриба, амалий билим ҳамда кўникмалар, республика фуқаролари учун долзарб бўлган муаммоларни ҳал этишга нисбатан кенг қамровли ёндошув асосида ишлаб чиқилган Сайловолди дастурида яққол ўз ифодасини топди.

Сайловолди дастури давлат тузилишининг барча жиҳатини қамраб олган бўлиб, яхлит ҳолда, бир-бирига ўзаро таъсирини ҳисобга олган мазмунда акс этган эди. Маълумки, пухта ўйланган сиёсий қарорлар қудратли иқтисодиёт асосига қурилади. Ўз навбатида, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ҳам унга таянади. Замонавий воқелик ҳам шундай ёндашувни талаб этади. Аммо айрим экспертлар бу ҳолатда танланган дастур тескари йўналишга айланиб кетишидан эҳтиёт бўлиш кераклиги хусусида ҳам огоҳлантиришади. Яъни иқтисодий жиҳатдан қудратли, лекин маънан заиф жамият ташқи таъсирлар остида *мафкуравий иммунитетини* йўқотиб қўйиши, ривожланиш йўлидан чалкашиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

“Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, дейди Президентимиз Шавкат Мирзиёев – ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий амалга

оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур” [1].

Дастурда қайд этилганидек, давлат тараққиёти йўлида учраши мумкин бўлган тўсиқларнинг ҳар томонлама таҳлили асосида ҳаётнинг барча соҳасини ўз ичига олган бешта устувор йўналиш кўрсатилди. Бу йўналишлар мавжуд муаммоларни бартараф этиш, яқин ва узоқ истқболга мўлжалланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган эди. Ушбу масалалар 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[2] ўз ифодасини топди. Ҳужжатнинг пухта ишлаб чиқилган бандлари кутилган ютуқлар сари олиб борадиган сермашаққат йўлда аниқ кўрсаткичга айланди.

Бешта устувор йўналиш. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш учун беш йил ажратилган. Беш рақами қандай рамзий маънога эга? Қўлдаги бешта бармоқни бирлаштирса бир мушт ҳосил бўлади. Улкан мақсад сари бир мушт каби бирлашиш. Демак, бу рақам халқни бирлаштирувчи, барча жиҳатни қамровчи, шу билан бирга, енгиллик, аниқлик ва лўндалик каби хислатларга эга, десак бўлади. Мазкур дастурий ҳужжат нафақат ютуқларга эришиш режаси, балки унинг мақсадлари мамлакатда ҳаммага тушунарли экани англашилади. *Стратегия, бу – ўзига хос миллий ғоя*. Ундаги бешта йўналишнинг ҳар бирини амалга ошириш учун халқ бир мушт бўлиб ҳаракат қилиши керак бўлади[3].

Ўзбекистон раҳбари ўз ғайрат-шижоати, бунёдкорликка интилиш салоҳияти билан барча фуқароларни эзгу мақсадлар сари етакламоқда. Ҳайратга соларли даражадаги шижоат барчага намуна бўлиб, уларни янги марралар сари руҳлантирияпти. Давлат раҳбарининг эзгу ғоялари рўёбга чиқаётгани, иқтисодий қудрат тобора ортиб, ижтимоий соҳалар ривожланмоқда. Мамлакат олдида турган галдаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш асносида халқ учун муносиб турмуш шароитларини яратиш энг асосий ўринни эгаллайди ҳамда бунда ҳар бир йўналиш муҳим ва долзарбдир.

Мамлакат тараққиётининг устувор йўналишлари чуқур таҳлил қилинган, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш ҳамда ташқи сиёсатда янгича ёндашувлар акс этган бу дастурда 130 дан зиёд миллатлар ва элатларни жамлаган Ўзбекистон халқи шундай истиқболни кўрдики, ҳатто бутун дунёда мураккаб сиёсий жараёнлар, тўқнашувлар кечаётган бир даврда ҳам республика тинчлик ва ўзаро тотувликнинг мустаҳкам қўрғони сифатида ривожланиб бораверади. Ўзбекистонни ўзининг азиз ва жонажон Ватани, деб билган 20 га яқин диний кофессиялар вакиллари мамлакат бугуни ва эртанги кунига ўз тақдири, фарзандлари келажагини боғлаган ҳолда катта иштиёқ ва ғайрат-шижоат билан ишга киришдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб Стратегияни бутун дунёга танитар экан, “уни ишлаб чиқишда биз ўзимизга четдан назар ташлаб, салоҳият ва имкониятимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик” [4], - деб айтдилар.

Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислоҳатларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, шу орқали қонун устуворлигига эришиш асносида жамиятда бошқарувнинг эркин ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилларини чуқурлаштиришга эришилади. Давлат бошқарув тизимини либераллаштириш, турли бюрократик тўсиқларни камайтириш, давлат бошқарувида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўриш бўйича аниқ ғоялар илгари сурилган. Очиқ жамият қуриш, давлат ва фуқаро муносабатларини мустаҳкамлаш ва натижада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида муҳрлаб қўйилганидек, давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи халқ экани, давлат халқ манфаатларини ҳимоя қилиши, айни пайтда халқ ўз мақсад ва интилишларини, орзу-умидларини давлат тимсолида кўриши каби принцип ва қоидаларни тўлиқ амалга ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг сенаторлар ва депутатлар билан ўзаро муносабатларини, Олий Мажлиснинг халқ билан мулоқотини такомиллаштириш мақсадида “Электрон парламент” тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, бу тизимни ривожлантириш мамлакатимизда парламентнинг ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга оширишдаги ролини янада оширади. Шунингдек, навбатдаги муҳим вазифа – бу сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдан иборатдир.

Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш устувор йўналиш қилиб белгиланди. Бунда суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш устувор вазифа қилиб қўйилди. Бундан кўзланган мақсад фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқини ҳимоя қилишдир.

Ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислоҳот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг ҳақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига,

давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далолат беради.

“Айни пайтда биз Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур” [5].

Айнан шу мақсадда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйишда, салоҳият ва имкониятларни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликлар ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилинди. Шу асосда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг “йўл харитаси”га айланди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган 2017 йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ” деган ғоя асосида катта ишлар амалга оширилди. Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида шу йилнинг ўзида 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Бу ишлар Конституциямизнинг асосий тамойилларини рўёбга чиқаришда яна бир улкан қадам бўлди. Давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди.

Ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари – парламент, халқ депутатлари кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустаҳкамланди. Пойтахт Тошкент шаҳрида туманлар даражасида халқ депутатлари кенгашлари таъсис этилди. Шу вақтгача пойтахт туманларининг фуқаролари бундай имкониятга эга эмас эди. Бу борада адолат тикланиб, Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам энди ўз вакиллари – депутатлар орқали туманларни бошқаришда иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Илк бор пойтахтимиз туман кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўтган даврда ижро этувчи ҳокимиятни демократлаштириш ишлари ҳам изчил олиб борилди. Ҳукуматнинг вазифа ва ваколатлар доираси кенгайтирилиб, парламент олдида ҳисоб бериш даражаси ва масъулияти кучайтирилди. Бу Конституциянинг 7-моддасида мустаҳкамланган «*халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир*» деган улуғвор ғоянинг амалий ифодаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Айни вақтда бу ишлар катта йўлнинг бошланиши, дастлабки босқич эканини тасаввур этиш мумкин. Жамиятда “Қонун ва адолат – устувор, жиноятга жазо – муқаррар” деган принципни қарор топтириш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Мазкур йўналишдаги эътиборга молик ишлар қаторида коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизими яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгарди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди.

Маълумки, Асосий қонунимизда “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши” тўғрисидаги норма белгилаб қўйилган. Унинг ижросини амалда таъминлаш мақсадида *Маъмурий ислоҳотлар* концепцияси қабул қилинди. Концепцияга асосан давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та устувор йўналиши белгиланди ва махсус «йўл харитаси» бўйича 100 дан ортиқ ижро ҳокимияти органлари фаолияти қайта кўриб чиқилди.

Маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад – ихчам ва профессионал ижро органлари тизимини, замонавий менежментга асосланган бошқарув тизимини яратишдан иборат. Шу борада бир фикрни ҳамма чуқур тушуниб олиши зарурдир. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси аввалambор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ.

Шу мақсадда яна бир муҳим ҳужжат – “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди. Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаш лозим. Ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунича барча зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди.

Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак[6].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз! “Халқ сўзи”, 2016 йил 15 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февраль, ПФ–4947-сон Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Раҳмат Ў. Ҳаётдан мамнунлик саодати. «Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 5 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи. – Т.: “Ишонч” газетаси, 2017 йил 21 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2017 йил 9 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МОДДИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ МУҲОФАЗАСИ ТАРИХИДАН

Юлдашева Д.У., - АнДУ ўқитувчиси.

Совет ҳокимиятининг илк дарларида Туркистон моддий-маданий ёдгорликларини сақлаш ва муҳофаза қилиш борасида кўплаб ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бироқ октябрь ойида большевиклар томонидан Россияда амалга оширилган давлат тўнтариши бу жараёнга ўз таъсирини ўтказди. Шу йил 25-26 октябрида большевикларнинг Петроградда Бутунроссия Советларининг II съезди бўлиб ўтди. Унда В.И.Ленин бошлиқ совет ҳукумати - Халқ Комиссарлар Совети тузилди[1]. Шу билан бирга, 1917 йил 27 октябрда Тошкентда бошланган қўзғолон натижасида мазкур йил 1 ноябрига келиб, Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси тўлалигича ағдарилди. Таъкидлаш ўринлики, шу йил 2 ноябрдаги РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг қабул қилган «Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси»[2]да Россия халқларининг, шу жумладан, Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолисининг озодлиги, эрк ва ҳуқуқлари расман эътироф этилди. Бироқ амалда эса большевиклар ҳукуматининг улуғ давлатчилик сиёсати олиб борилди.

Шу йилнинг 15-22 ноябрь кунларида бўлган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг III съезди большевистик ҳукумат (Колесов бошчилигида) - Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Советини сайлади[3]. Унинг таркибига 7 та большевик ва 8 та сўл эсер вакиллар киритилди. Бу таркибга бутун ўлка аҳолисининг 95 фоизини ташкил этувчи ерли миллат аҳолисидан бирорта ҳам вакил киритилмади. 22 ноябрда Халқ Комиссарлар Совети «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» деб номланган мурожаатнома қабул қилди. Унда шундай дейилган эди: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза беринг из. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби ҳимоя қилинади». Таассуфки, амалда эса большевиклар ҳокимият тепасига келган дастлабки кунлардан бошлабоқ ўлка маҳаллий аҳолиси миллий ва маънавий қадриятларини топташга, йўқ қилишга астойдил ҳаракат қилди.

Совет даврининг дастлабки даврларида моддий-ашёвий буюмларга ва санъат асарларига бошчилик қилиш Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ташкил этилган музейлар, ўтмиш

ёдгорликлари ва санъатни муҳофаза қилиш ишлари бўйича Бутуниттифоқ коллегияси зиммасига берилди. Бир оз фурсат ўтгач, 1918 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур коллегия барча музейлар фаолиятини бирлаштирувчи Маориф халқ комиссарлигининг музей бўлимига айлантирилди. Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ҳам айнан мазкур вазифани бажаришга доир бўлган бўлим ва бўлинмалар ташкил қилинди. Моддий бойликларни давлат хазинасига ўтказиш борасида совет ҳукумати томонидан махсус декретлар чиқарилди. Хусусан, Советларнинг Бутунроссия II съездида қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги декретга асосан 1917 йилнинг 26 октябридан бошлаб барча ерлар, шу жумладан, монастир, черков, вақф, маданий муассасаларга тегишли ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди[4]. Декрет ўз навбатида ТАССР маҳаллий аҳолисининг маънавий-маданий ҳаётига ҳам таъсир ўтказди. Ана шу тариқа ўлкада илгари хайрия жамғармалари асосида тўпланган вақф мулклари ва шахслар ихтиёридаги моддий-ашёвий буюмлар ҳам национализация* қилинди.

Совет ҳукумати ўз ҳукмронлиги даврида ўлкадаги миллий маданиятни ва моддий-ашёвий бойликларни йўқ қилишга ҳамда динни чеклашга доир кураш олиб борди. Динга оид дастлабки чекловлар ҳамда совет давлати билан черковнинг ўзаро муносабати тамойиллари РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг 1918 йил 23 январдаги «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида»ги декретида белгилаб берилди. Мазкур ҳужжат 13 моддадан иборат бўлиб, унда динни давлатдан ажратилиши таъкидланган эди [5]. Декрет эълон қилингандан сўнг асрлар давомида хайрия ҳисобидан сақланиб келинган кўплаб моддий-ашёвий буюмлар, ноёб санъат асарлари ва маданий муассасаларга тегишли хазиналар давлат ихтиёрига ўтказилди.

Ўз ўрнида декретнинг эълон қилиниши маҳаллий аҳоли диний ҳис-туйғуларини топташга кенг йўл очиб берди. Масалан, Тошкент Советининг ижроия қўмитаси Туркистон ўқув юртларининг бош инспекторига ўлканинг барча ўқув муассасаларида «диний ва ақоид предметлар ўқитишни тўхтатиш тўғрисида»[6] фармойиш беришни таклиф этди. Унга асосан барча мактаблар черковдан ажратилди. Ҳатто хусусий ўқув юртларида ҳам диний таълимотларни ўқитиш ва уларда таълим олиш таъқиқлаб қўйилди. Мактабларда дин ўқитиш учун барча кредитлар ёпиб қўйилди ва диний таълимотдан дарс берувчи ўқитувчилар ҳар қандай таъминотдан маҳрум қилинди. Барча динларга мансуб ўқув юртларининг бинолари халқ мулки сифатида маҳаллий советларнинг ёки Маориф халқ комиссарлигининг ихтиёрига ўтди [7]. Шу билан бирга, миллий-маданий ҳамда маърифий ташкилотлар мулкларини давлат ихтиёрига ўтказиш ишлари кескин равишда авж олди. Хусусан, Туркистон Халқ Комиссарлар Совети (ХКС) нинг 1918 йил 19 апрелдаги буйруғига асосан князь Николай Константинович Романовнинг Тошкентдаги турар-жой мажмуалари давлат мулкига айлантирилди, унинг уйида Туркистон халқ университети музейига асос солинди [8]. Музей ташкил қилинган даврдан бошлабоқ бу ерда тасвирий санъат ҳамда адабиёт намуналари, санъат ва монументал асарлари, чиннидан ясалган буюмлар мавжуд бўлган. 1918 йил 1 июлидан бошлаб илгари Халқ кутубхонасининг бир қисми сифатида фаолият юритган музей бевосита Туркистон халқ университетининг ташаббуси билан мустақил муассаса сифатида иш бошлади. Музей ишларини ривожлантиришда Н.А.Зарудний, А.А.Диваев, К.Ф.Федоровлар фаол қатнашди. Мазкур музей фаоллари шу йил август ойида экспонатларни тизимлаштирдилар ва сентябрь ойидан Туркистон халқ музейи иш бошлади. Янги ташкил қилинган музейга биринчи марта орнитолог (паррандашунос) Н.А.Зарудний мудир этиб тайинланди. ТАССР Маориф халқ комиссарлиги тасарруфига берилган мазкур музей дастлабки даврларда халқ университети, 1920 йилдан эса давлат университети таркибида бўлди.

Алоҳида таъкид жоизки, юқорида эълон қилинган декретларга кўра, маданий ёдгорликларнинг ҳам бир қисми давлат муҳофазасига олинди, бироқ аксарият ҳолларда улар халқ қўлида номигагина ушлаб турилди, холос. Бир оз вақт ўтгач, совет ҳукумати томонидан маданий ёдгорликларни асраш ва муҳофаза қилиш бўйича халқларга мурожаатномалар, махсус декретлар яна эълон қилинди. Мазкур ҳужжатларда маданий хазиналарни айнан халқларга тегишли эканлиги таъкидланди. Жумладан, 1918 йил 5 октябрда РСФСР Халқ Комиссарлар Совети «Айрим шахслар, жамият ва муассасалар ихтиёридаги санъат ва қадимги ёдгорликлар рўйхатини тузиш, уларни ҳисобга олиш ва қўриқлаш ҳақида»[9]ги декрет чиқарди. Мазкур декретга мувофиқ барча маданий-тарихий ёдгорликлар кимга тегишли бўлишидан қатъий назар давлат муҳофазасига олинди.

Айнан шу йилда РСФСР «Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш Бош қўмитаси» ташкил этилди. Қўмитанинг асосий вазифаси маданий ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, санъат асарларини сақлашдан иборат эди. Бундай саъй-ҳаракатлар Туркистон ўлкасида ҳам ўзига хос тарзда олиб борилди. Айнан шу йилда тарихий ва маданий меросни тадқиқ этиш мақсадида Тошкентда Туркистон Шарқ институти очилди. 1918 йил 8 ноябрда ТАССР Маориф халқ комиссарлиги эса бу ҳақида Низом ишлаб чиқиб, тасдиқлади [10]. Институтда асосан тарихчилар, археологлар, этнографлар ва филологлар фаолият кўрсатди.

* Национализация - хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш, миллийлаштириш демакдир.

Туркистонда тарихий ва маданий ёдгорликларга раҳбарлик қилувчи ташкилотни тузиш тўғрисидаги масала даставвал 1919 йилда РСФСР Маориф халқ комиссарлигининг «Музей ишлари ва қадимий ёдгорликларни сақлаш» бўлими мажлисида кўриб чиқилди ва унда Туркистонда маҳаллий бўлим ташкил этишга келишилди. 1919 йилнинг бошида Самарқанд вилояти Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ўлкашунослар ва рассомларнинг бевосита ташаббуси билан махсус Археологик комиссия тузилди ҳамда бу ерда ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза қилиш тадбирлари бошланди.

Қадимий-маданий ёдгорликларни излаш ва уларни топиш ишларида археологларнинг ўрни каттадир. Жумладан, археолог М.Е.Массон, рассом М.В.Столяров ҳамда В.Л.Вяткин иштирокида ташкил этилган Афросиёбдаги қазишма ишлари самара бериб, ноёб ёдгорликларни топилишига сабаб бўлди. Бу ердаги дала ишлари 1919 йил 29 августда якунланиб, бир неча қутига жойлашган ўймакор ёғочлар намунаси Самарқанд музейига олиб келинди. XII аср ёдгорлиги Тамғочхон Иброҳим саройига тегишли бўлган ёдгорликлар катта шов-шувга сабаб бўлди. Маълумотлардан маълум бўлишича, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилишга доир бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Маданий ёдгорликларни сақлаш ишида муҳим ўрин тутган Туркистон халқ музейининг низоми ва дастури 1919 йилнинг 29 августида тасдиқланди. Музей ўлканинг марказий илмий-оқартув муассасаси сифатида иш бошлаб, у маҳаллий аҳолини тарихий билимларини шакллантиришда муҳим ўринга эга бўлди. Мазкур муассасанинг экспозицияларидан тарих, этнография ҳамда маданиятга доир материаллар ўрин олди. Музей экспозицияларидан ташқари, бу ерда кўчма кўргазмалар ва музей аквариумлари, ботаника ва ҳайвонот боғлари мавжуд бўлган. Музей учун зарурий бўлган намуналарни тўплаш, муайян мавзу юзасидан илмий экспедициялар уюштириш, турли мазмундаги экскурсиялар ташкил қилиш асосий ишга айланди. Аста-секин мазкур тадбирлар Ўрта Осиё давлатлари бўйлаб амалга оширилди, археологик қазишмалар даврида топилган моддий-ашёвий буюмлар музейга топширилди. Тарихий ва илмий асарларни умумлаштириш иши мазкур муассасалар олдига вазифа қилиб қўйилди. Бу ердаги ишларни музей бўлими раҳбарлигидаги бўлим бошлиқларидан иборат коллегия бошқарди, 1919 йилда музейда 8 нафар илмий ходим ва 11 нафар хизматчилар фаолият юритди [11].

Туркистон халқ музейи ўлкашунослик характерига эга бўлиб, унда тарих бўлими (география ва нумизматика бўлинмаси кирарди), этнография, антропология ва ботаника бўлими, шунингдек, геология, саноат ҳамда бадиий бўлимлар ҳам мавжуд эди [12]. Ҳар бир бўлимга тегишли вазифалар юклатилиб, улар доимий тарзда амалга ошириб келинди. Хусусан, асосий бўлим ҳисобланган тарих бўлими зиммасига Туркистон, қолаверса Ўрта Осиё тарихига оид ёзма маълумотларни ҳамда қадимий ёдгорликларнинг тасвирларини жамлаш вазифаси қўйилди. Музейда шу билан бирга дин ҳамда маданият соҳаларини ўрганишда қимматбаҳо манбалар, яъни нумизматик буюм (танга) ларни тўплашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

1919 йилда музей ходимлари жойлардаги барча муассасаларни назорат қилиш ҳамда икки нусхадан иборат экспонатларни Туркистон халқ музейига олиб келиш мақсадларида Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Бу ердан эса тарихий мис тангалар олиниб, мазкур музейга тақдим этилди. Шу йил февраль ойида собиқ Туркистон генерал-гебернаторлиги қароргоҳи музейга берилди ва ундан янги экспозиялар, коллекциялар ўрин олди. Унда зоология, этнография, археология ва нумизматика каби бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди. 1920 йилда Туркистон халқ музейи жамғармасидаги экспонатлар сони анча кўпайди. Хусусан, шу йил «музей жамғармасида қарийб 10 минг экспонат бор эди, шундан этнография бўлимида - 895, зоология бўлимида-798, нумизматика бўлимида - 2464, археология бўлимида - 3550, ботаника бўлимида - 66, ҳарбий-тарихий бўлимда - 958, бадиий бўлимда - 31, геология бўлимида-250 нафар экспонат мавжуд эди»[13].

1919 йил 11 ноябрда ТАССР Марказий Ижроия Қўмитаси Совети қадимий ёдгорликлар ва санъат асарларини сақлаш ва ўрганиш мақсадида «Қадимий ёдгорликлар ва санъатни муҳофаза этиш тўғрисида»[14] махсус декрет чиқарди. Унга кўра, барча ҳужжатли ва ашёвий буюмлар, тарихий ва санъат ёдгорликлари кимда бўлишидан қатъий назар зудлик билан уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда тузиш, ҳисобга олишни ташкил қилиш зарурий эканлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, «Музей ишлари, санъат ва қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш коллегияси»[15] рухсатисиз мавжуд ёдгорликларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш, уларни таъмирлаш ва тузатиш ишлари таъқиқланди.

1920 йил 31 июлда юқоридаги декретга (1918 йил 5 октябрь) мувофиқ тарзда ТАССР ХКС томонидан «Туркистон Республикасидаги айрим шахслар ва жамиятлар ихтиёрида бўлган санъат асарлари ва қадимги ёдгорликларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда қўриқлаш тўғрисида»[16] ги махсус қарор қабул қилинди. Қарорга кўра, музейлардаги расмийлаштириш ва ҳисобга олиш тартиби махсус йўриқнома асосида жорий этиладиган бўлди. Шунингдек, қайта рўйхат ўтказилгандан кейин ташкилот ҳисобида қолдирилган мажмуа ҳолидаги ва алоҳида санъат ёдгорликлари давлат назоратига ўтказилди. Айрим шахсларга тегишли бўлган маданий ёдгорликларни рўйхатга олишга катта эътибор қаратилиб, уларга махсус муҳофаза ёрлиқлари берилган [17].

Туркистондаги ноёб архитектура иншоотлари - мадраса ва масжидларга тегишли вақф мулкларини давлат ихтиёрига ўтказиш тадбирлари аста-секин сусайди. Масалан, Туркистон АССР Советларининг X съезди (1921 йил) ер сиёсати ҳақидаги қароридан мадраса ва масжидларга тегишли вақф масаласи ҳам ўрин олганди. Унда вақф мулкининг икки шакли белгилаб берилди. Жумладан, масжид ва мозорларга қарашли диний аҳамиятга молик вақф мулклари; мадраса, мактаб ва бошқа маданий муассасаларга тегишли маданий-маърифий аҳамиятли вақфлардан иборат бўлди [18]. Мазкур бўлиб ўтган съездда диний мақсадлардаги вақф ерларини умумдавлат жамғармасига олишдан воз кечишга қарор қилинди.

1921 йил 20 апрелда ТАССР Маориф халқ комиссарлиги ягона давлат музейлари тармоғини тузиш ва музей қурилишига раҳбарлик қилишни янада марказлаштириш учун «Музей ишлари, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш Бош қўмитаси - “Главмузей” тўғрисидаги Низом»[19]ни тасдиқлади. Мазкур музей зиммасига характери ҳамда аҳамияти қандай бўлишидан қатъий назар РСФСР ҳудудидаги барча музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда йўналтириш вазифалари берилди. Ўз навбатида мазкур музейга ўлкадаги барча музейлар фаолиятини текшириш ва йўналишлар бериш ваколати ҳам юклатилди.

1925 йилда Ўрта Осиё миллий-ҳудудий давлат чегараланишининг ўтказилиши ҳамда Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши муносабати билан «Туркомстарис» ташкилоти шу йилнинг 16 январидан бошлаб Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиат обидаларини муҳофаза қилиш бўйича Ўрта Осиё қўмитаси - «Средазкомстарис» сифатида ўзгартирилди. Қўмитанинг асосий вазифаси этиб, конструктив-мустаҳкамлаш ишлари олиб борилиши муҳим бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишдан иборат бўлди. Шунингдек, музей қурилиши ва ҳар бир музейнинг ички тузилиши, уларнинг ихтисосини аниқлаш, музейларни қайта ташкил қилиш ишларига ҳам қўмита етакчилик қилди.

1928 йилда Тошкентда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ташкил этилиб, у умумий халқ санъати қаторида меъморчилик тарихи масалалари билан ҳам шуғулланди. Жумладан, Айритом ёдгорлигида ҳайкалтарошлик намуналарининг топилиши, Хоразм ва Бухородаги археологик янгиликлар ўзбек меъморчилиги тарихида алоҳида эътиборга молик бўлди. 1930-1940 йиллар мобайнида Л.Воронин, Б.Засипкин, Л.Ремпель, Б.Бакланов, В.Воронина, Г.Гаганов ва бошқа этнограф, археолог ҳамда санъатшунос олимлар томонидан Ўрта Осиё меъморчилиги ва обидалар тарихи бўйича махсус изланишлар олиб борилди. 1938-1939 йилларда Фарғона водийсидаги меъморчилик ёдгорликларини архитектор В.Л.Воронина ҳамда этнограф А.К.Писарчиклар томонидан ўрганилди[20].Шу билан бирга, мазкур масала археологлар И.Аҳроров, Н.Г.Горбунова, Ю.А.Заднепровскийнинг илмий тадқиқотларидан алоҳида ўрин олди. Айнан шу даврда муҳофаза рўйхатида бўлган водийнинг турли туманларида жойлашган XVI-XIX аср Фарғона меъморчилик санъатига доир юздан ортиқ ёдгорликлар қайд қилинган.

Меъморчилик ёдгорликларини кенг кўламда ўрганиш 1950-йиллардан бошланди. Хусусан, Тупроққалъа, Варахша, Афросиёб, Қува, Холчаён, Далварзинтепа каби археологик ёдгорликларининг ўрганилиши натажасида қадимги меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъатининг ноёб намуналари фанда маълум бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ССРда моддий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва уларни муҳофазага олиш ишлари Маориф халқ комиссарлиги томонидан амалга оширилди. Маданий ёдгорликларни давлат ихтиёрига ўтказиш тўғрисида турли хил мазмундаги декретларнинг эълон қилиниши натижасида илгари хусусий мулкдорлар қўлида бўлган моддий-ашёвий буюмлар давлат ихтиёрига ўтказилди. Бу эса ўз навбатида совет ҳукуматининг ўзбек миллий маданиятини чеклашга доир амалга оширган сиёсати негизида амалга оширилди.

АДАБИЁТЛАР:

1.Ўзбекистон тарихи / Р.Ҳ.Муртазаева умумий таҳрири остида.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.-Б.303.

2.Ражабов С. Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир.-Тошкент: Ўқувпеддавнашр, 1957. -Б.16.

3.Победа Октябрской революции в Узбекистане: Сборник документов.-Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1963. Т.1.-С.572.

4.Съезды Советов (в документах). Сборник документов в 3-х томах. 1917-1936 гг.-Москва: Госюрлитиздат, 1959. Т.1.-С.11-13.

5.Адҳамов О. Дин ҳам шўролар ҳукумати.-Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1929.-Б.39.

6.ЎзР МДА, Р.34-жамғарма, 1-рўйхат,122-йиғма жилд, 1-варақ.

7.ЎзР МДА, Р.34-жамғарма, 1-рўйхат, 41-йиғма жилд, 123-варақ.

8.Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917-1924). Сборник документов. Т.1.-Ташкент: Узбекистан, 1973.-С.417.

9. ЎзР МДА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 7-варақ.

10.Мирзаев М.А. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганиш ишининг ташкил топиши ва ривожланиши (1917-1941 йй.): Тарих фан. номз. ... дис.-Тошкент, 1994. -Б.25.

11.ЎзР МДА, Р.396-жамғарма, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд, 6-варақ

12.ЎзР МДА, Р.396-жамғарма, 1-рўйхат, 12-йиғма жилд, 9-варақ.

13.Содиқова Н.С., Буряков Ю.Ф. Тарихий ёдгорликлар хазинаси.-Тошкент: Фан, 1976.-Б.28.

14.Нечкин Д.И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии // Известия Средазкомстариса.-Т., 1926.-№ Вып.1.-С.4.

15.ЎзР МДА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 6-варақ.

16.ЎзР МДА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 8-варақ.

17.ЎзР МДА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 18-варақ орқаси.

18.ЎзР МДА Р.34-жамғарма, 1-рўйхат, 2723-йиғма жилд, 7-варақ.

19.ЎзР МДА, Р.396-жамғарма, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 38-варақ.

20. Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1986.-Б.18.

МУНДАРИЖА

Шоназаров Ш.Б., Парманов Ш.Э.	Вклад Р.Х. Сулейманова в археологии Узбекистана …….....	3
Ражабов Қ.	Ҳаётда ҳам, илмда ҳам Рустами достон бўлган ўзбекнинг буюк археолог олими	6
Ражабова Н.	Вклад Р.Х. Сулейманова в изучении истории города Карши ..	7
Холматов Н.У.	Р.Ҳ.Сулеймановнинг Марказий Осиё тош даври ёдгорликлари тадқиқотига қўшган ҳиссаси	9
А.Зоҳидий.	Проф. Р.Х.Сулеймановнинг 80 ёшда эришган энг катта натижалари: “Шаҳар минтақалар маданияти тарихи” ни тадқиқ этишга қўшаётган улкан ҳиссаси …….	11
Aleksandr Naymark	The earliest known coins of Nakhshab ……	13
Jeffrey D. Lerner	Evidence of the Monetary Practices in Ai Khanoum ……..	14
Jesús Gil Fuensanta, Otabek Uktamovich Muminov	Local mousterian and middle paleolithic regional adaptations in Uzbekistan: the contributions of Obi Rakhmat to the human evolution research ……	15
Эльёр Каримов	Жизнь девочки Йакут: нарративная история по казийским документам …….	19
Юрий Карев	Халиф ал-Ма’мун и цари Мавара’аннахра …….	19
Асқаров А., Асқаров Қ.	Дастлабки изланишлар ахбороти. Учтепа Булоқмозор мажмуасида зардуштийликка ишора	20
Абдухалимов А.А.	Водий вилоятларида янги иш ўринларини яратиш муаммолари ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятидан	22
Askarov O.I.	Socio-economic factors of the cultural and economic centers of the archaic period in Khorezm ……..	24
Абдуллаев И.И.	Қашқадарё воҳаси этник таркиби ва географик жойлашиву (Чароғил мисолида)	26
Абдуназарова Н.Р.	Санъатшунос кадрларни тайёрлашда халқ ижодиётининг ўрни ..	28
Абиров В.Э.	XX асрнинг 60 – 70 йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ўрганилишига доир	29
Абдукамилов-Арин Р. Т.	Авестийские и ARIO исторические закономерности структур….	33
Акобиров М.Ҳ.	Шиҳобиддин Муҳаммадан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тафсилоти” асарида Жалолиддин Мангуберди ҳарбий маҳоратининг ёритилиши	35
Аметов Т.А.	Совершенствование функциональных органов Государственного управления Каракалпакстан …….	38
Анорқулов С.М.	Ангреннинг кончилар шаҳрига айланиши тарихидан	40
Асатуллоев А.А.	XX аср бошларида Туркистон миллий матбуотида маърифатпарвар Абдураҳмон Сайёҳ Тошкандийнинг “Меъёр ул-ахлоқ” асарида илгари сурилган ғоялар	42
Атаходжаев А.	Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлардаги миллий ва диний уйғунлиги туркий-суғдий муносабатлар доирасида	44
Атаходжаев А.Х.	Ранние Сельджукиды в монетном чекане Мавераннахра нач. XI в. ……..	47
Бабарахимов Т.	Проблемы и перспективы вопроса урбанизации города Ташкента и его пригородов в годы независимости ……...	48
Бобобеков А.Д.	Сангзор-Зомин минтақаси аҳолисининг XX аср бошларидаги этник таркибини ўрганишда статистик ва архив маълумотларнинг аҳамияти	50
Буриева Х.А., Захидова С.А.	Документальные сведения архивных материалов о торговле в г.Ташкенте (1930-1980-е гг.) ……	52
Ваисова Н.А.	Торговая и дипломатическая деятельность согдийцев на Шелковом пути ……..	55
Валихонова Г.К.	Андижонда уйғур этноси вакилларининг жойлашуви ва этномаданий хусусиятлари ……..	57
Гаффаров Ш.С.	Историография вопроса о переселенческой политике царизма в Туркестане ……...	59
Гуламов И.К.	Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари тарихи	65

Гулямова Г.С.	Духовная жизнь общества в Центральной Азии в период XУ-XУI вв …….	68
Давурова Ш.Ҳ.	Академик Яҳё Ғуломовнинг шахсий архив фонди ҳужжатлари ..	70
Жумаев М.Х.	Девштич архиви ва қадимги Сўғд ҳужжатлари тарихидан	73
Жумаев У.Х.	Туркистонда акциз солиқлари ислоҳотлари тарихидан	76
Захидова И.А.	Буддавий “ВЕССАНТРА-ЖАТАКА“ рукнидаги “СУДАШАН” ривояти ва унинг “КУНТУҒМИШ” достонидаги бадиий-аҳлоқий талқини ……	78
Зунунова Г.Ш.	Жилое пространство ташкентских узбеков: утилитарные и ритуальные модели ……	80
Ибрагимов Р.З.	Тошкент воҳасининг қадимги давр тарихини даврлаштириш масаласига доир	83
Иноятов Ж.Ғ.	Амир Насруллонинг Қўқон хонлигига қарши ҳарбий юришлари.	85
Исаев К.	Халқ оғзаки ижодида бахшичилик ва достончиликнинг тутган ўрни ва аҳамияти	87
Исамиддинов М.	Культура Саньсиндуй и среднеазиатские параллели …….	89
Икромов Ш.И.	Ўзбекистон ва араб давлатлари ҳамкорлик алоқалари араб тарихшунослигида	92
Ишанходжаева З.Р.	Методы проведения культурной политики в Узбекистане 1920-1950-х годах ……...	95
Кдырниязов М.-Ш, Кдырниязов О.-Ш.	Хорезм и кочевники Арало-Каспия …….	96
Кдырниязов О.-Ш.	Археологический потенциал памятников юго-восточного Устюрта в развитии туризма Приаралья ……..	100
Кобзева О.П., Закирова М.	Женские божества на Великом Шелковом Пути	102
Купайсинов И.	Ўрта Осиё хонликларига келган Буюк Британия вакиллари эсдаликлари ўлка тарихини ёритишда муҳим манба сифатида (XIX аср мисолида)	105
Қудратов С.С.	Қадимги Довон подшолиги аҳолисининг этник мансублиги борасида айрим мулоҳазалар	107
Қурбанова Д.Ш. Саъдуллаева Ф.Р.	Мустақиллик йилларида Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар даврига оид олиб борилган тадқиқотлар	108
Мавланов У., Очилов А.	Системы услуг на Центрально-азиатских трассах Великого шелкового пути ……..	110
Мачин Г.В.	Беруни и хронология …….	114
Matkarimova S.M.	Ceremony meals in Khorezm and their role in peoples life of oasis ...	117
Маткаримова Н.М.	Свадебные обряды и приметы Хорезмцев	119
Маҳаммадиева С.И.	“Шажари турк” да баъзи тарихий шахсларнинг портретлари ҳақида	121
Мирзаев А.Т., Собиров Д.	Участка приставлари фондлари – ҳужжатли манба сифатида (Колониал давр мисоли)	123
Муҳаммедов Ё.Қ.	Илк ўрта асрларда Чоч воҳаси тарихи хориж тадқиқотчилари нигоҳида	125
Назаров О.	Қорахонийлар давлати иқтисодиётига оид баъзи мулоҳазалар	127
Насриддинов Ш. Н.	С. П. Толстовнинг хоразм тарихини ўрганишга қўшган ҳиссаси.	129
Нарзиев Н.Н.	Хорижий мамлакатлар мактабларида тарих дарсларининг ўқитилишига доир баъзи мулоҳазалар	133
Narzullayeva N.	So`g`d hududida dehqonchilik madaniyatining vujudga kelishi …….	135
Нормурадов Д.Р., Ильясова С.Р., Вульферт Эм.Ф.	Тошкент вилоятидан топилган янги остадонлар хусусида	138
Нормуродова Г., Шодиев Л.	Бухоро амирлиги ижтимоий тузумида одатларнинг ўрни	140
Очилдиев Ф.Б.	XIX- XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар	142
Очилов А.Т.	Бухоро воҳасининг заргарчилик буюмлари тарихидан ва тавсифи	145
Пардаев А.Х.	Жиззах беклиги ва унинг тарихий географияси (ёзма манбалар асосида)	147

Пардаев М., Пардаев Ш.	Уструшонанинг ўрта аср работ ва карвонсаройлари хусусида …	149
Пирматов М.	Санъат ва маданият таълимини ўқитишда халқ тарихий меросининг аҳамияти	153
Полвонов Ҳ.	Қадимги Хоразм ҳарбий меъморчилик иншоотларининг топографияси ва ривожланиш босқичлари	155
Примов М.	1980 – 1991 йиллар Ўзбекистон картографиясидаги ўзига хос хусусиятлар	158
Раимқулов А.А.	Кеш – Самарқанд ўртасидаги йўллар хусусида	160
Рамонқулова З., Ахмедов О.	Сайди Али Раиснинг «Миръотул мамолик» асари Бухоро хонлиги ва Усмонийлар давлати ўртасидаги сиёсий алоқаларни ўрганишда муҳим манба сифатида	162
Рахимов А.	Совет ҳукуматининг Сурхондарё вилояти ҳудудида ингичка толали пахта етиштириш тарихи	163
Рахмонов Б.М.	Этномаданият ва маънавият уйғунлиги	165
Рашидов О.Р.	Ўзбекитонда совет ҳокимиятининг кадрлар сиёсати	168
Саидбобоева Г.Н.	ЎзР МДАнинг Туркистонни электрлаштириш тарихига доир ҳужжатлари (1918 – 1924 йиллар)	170
Сайфуллаев Х.Т.	XIX asrning 60-yillarigacha bo’lgan davrda Eronda Angliya va Rossiyaning munosabatlarining keskinlashuvi	172
Салимов Т.Ў.	Нурота тоғлари ва унга тутуш ҳудудлар аҳолисининг хўжалик маданий анъаналари: ўтмишда ва ҳозир	175
Салимов Ш. Ю.	Аҳолининг меҳнатда бандлиги ва уни таъминлашнинг истиқболли йўналишлари	178
Saidqosimova F.	Mustaqillik yillarida Toshkent teatrlari tarixidan	179
Sodiqova D.	Toshkent vohasi ibtidoiy davr yodgorliklarining madaniy-davriy talqini. Ibtidoiy odamlarning jismoniy tiplari	182
Суннатиллаев А.С.	Ўзбек маросим қўшиқларидан “Ўлан” нинг этник ва ғоявий-бадиий хусусиятлари	185
Тошбоев Ф.Э., Машрабов Ж.В.	Уструшона тарихида чорвадор ва деҳқон аҳоли муносабатларининг ўрни	188
Тўланбоев Ш. А.	Ўрта Осиё яҳудийларининг маънавий ҳаёти ва урф-одатларидаги трансформацион жараёнлар таҳлили	190
Турдимуратов Я.А., Қодиров Ф.М.	Зарафшон воҳаси анъанавий чорвачилик хўжалигининг ўрганилиш тарихига доир	192
Тўхтабаев А.Ш.	Археологияда авиатранспортдан фойдаланиш	194
Тухтабеков К.А.	Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш	196
Убайдуллаева Б.М., Исмоилов К.	АҚШда этнопсихология мактабининг ривожланиши	197
Умаров С.Я.	Ўзбек-герман алоқалари ривожида маданият кунларининг ўрни.	200
Утепбергенова А.	Қорақалпоғистанда радио ва телевидениенинг шакиланиши ва ривожланиш тарихидан	201
Хидиров А.	Ради жизни на Земле (Вопросы возникновения человеческого общества в «Хронологии» Беруни)	203
Хайдаров М.М.	Ўзбекистонда советларнинг “маданий инқилоб” сиёсати ва унинг оқибатлари	206
Хайитбаев Ш.	Ўзбекистоннинг янги тарихида томошабин маданиятини ва уни шакллантириш масалалари	209
Хакимова С.Б.	«Авеста» в исследованиях отечественных историков	210
Хакимова Ш.С.	Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимотидан	213
Халмуратов Б.	Совет даври тадқиқотларида шомонлик эътиқоди талқини	214
Хамидова М.С.	Архивы как хранилища источников по истории изучения архитектурного наследия	217
Холиқова Р.Э.	Ўзбекистон ва жаҳон цивилизацияси тараққиётида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти	219
Холиқулов А.Б.	XIX–XX аср бошларида Қарши беклиги аҳолиси ва этник таркиби	222
	Россия империяси тадқиқотчиларининг туркистон аҳолисини этнографик классификациялаш тажрибасига оид баъзи	

Хўжахонов И.М.	мулоҳазалар	225
Ҳайдаров С.А.	Ўзбекистон тарихини ўқитишда “Зафарнома” дан фойдаланиш .	226
Шакиров И.	Томас Раффлз и Ли Куан Ю и их место в истории Сингапура ….	228
Шарипов А.Ш.	Ўзбекистон ва Туркия маданий алоқалари	231
Эгамбердиева Г.	Развитие туризма в Узбекистане под брендом «Шелковый путь» ……...	233
Эгамбердиева Н.А.	Описание жизненной деятельности Заратуштры на основе пехлевийских источников …….	235
Эргашев Ж.Ю.	Бухоро хонлиги савдо йўлларининг Бухоро – Қарши йўналиши хусусида	237
Эрназаров Ш.Э.	Ҳаракатлар стратегияси – ўзига хос янги миллий ғоя	239
Юлдашева Д.У.	Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистондаги моддий-маданий ёдгорликларнинг муҳофазаси тарихидан	242